Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Баховуддин Накшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Захириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшганлар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолганлар. Улар ҳали экология фани дунёга келмаган даврларда табиат ва ундаги мувозанат, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, табиатни эъозлаш ҳақидаги қимматли фикрларни айтганлар.

Буюк аллома **Муҳаммад ал-Хоразмий** (782-847) бир рисоласида шундай ёзади: “Билинг-ки, дарёнинг кўзлари ёшланса, унинг бошига ғам, кулфат тушган бўлади. Одамлар, дарёдан меҳрингизни дариф тутманглар”. Дарёнинг ёшли кўзлари деганда ал-Хоразмий нималарни назарда тутган экан? Эҳтимол, у дарё сувининг ортиқча исроф бўлишини назарда тутгандир?! У энг аввало дарё билан одамларнинг бир-бирларини тушунишлари ва тил топишлари, ўзаро меҳр-муҳаббат қўйишларини назарда тутгандир.

Абу Наср Форобий (870-910) нинг илмий-фалсафий мероси жуда бой. Унинг турли соҳаларга оид 180 та асари мавжуд бўлганлигини мутахассислар эътироф этадилар. Фаробий турли илм тармоқларига таъриф бериш билан бирга табиатшунослик илмига ҳам катта эътибор берган. У табиий ва инсон кўли билан яратилган сунъий нарсаларни ажратган. Табиатда инсон омилнинг таъсири катта эканлигини, табиий ва сунъий танлаш ҳамда табиатга кўрсатиладиган бошқа таъсирларни атрофлича баҳолаган, таҳлил қилган.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) коинотдаги ҳодисаларни тараққиёт қонунари билан, нарса ва ҳодисаларнинг ўзаро таъсири билан тушуниришга уринди. Унинг фикрича, Ердаги ўсимлик ва ҳайвонларнинг яшаши учун зарур имкониятлар чеклидир. Лекин ўсимлик ва ҳайвонлар чексиз кўпайишга интилади ва шу мақсадда курашадилар. “Экин экиш ва насл қолдириш билан дунё тўлиб бораверади”, - деб фикр билдирган эди Беруний.

Берунийнинг фикрича ўсимлик ва жониворлар бирданига пайдо бўлиб, бирданига йўқолиб кетмайди. Балки, уларнинг бири йўқолса ҳам, у ўз яшашини (ҳаёт изини – А.Ҳ.) қолдириб кетади.

Агар Ер юзини бир хил дарахт ёки бир хил ҳайвон бутунлай қоплаб олса, бу ҳолда ҳайвоннинг кўпайишига ҳам, дарахтнинг ўсишига ҳам ўрин қолмайди.

Берунийнинг “Қадимги аждодлардан қолган ёдгорликлар” асарида, ўсимлик ва ҳайвонларнинг ташқи муҳит билан алоқалари, қиш қаттиқ совуқ

Ras-Dashen	?		
Keniya	?		

Nostandart testlardan o'z o'rni foydalanish orqali geografiya o'qituvchisi olingan natijalarni tahlil qiladi, umumlashtiradi, o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalaridagi bo'shliqlarni bartaraf etish imkoniyatiga ega bo'ladi, barkamol shaxsni tarbiyalashga o'z xissasini qo'shadi.

ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ ВА ЭКОЛОГИК МАЪНАВИЯТ НАМОЁНДАЛАРИ Ҳамидов Ҳ., Ҳожиматов А.Н., Аллаёров Р.Х., Усмонхўжаева М.А.* ТошИҚХММИ

Тошкент давлат педагогика университети

“Маданият” – арабча мадиналик, шаҳарлик; таълим тарбия кўрган маъноларини англатса, “маърифат” – арабча билмоқ демакдир. Ўзбек тилининг изоҳли лугатида берилишича, маърифат – кишиларнинг онг-билимини, маданиятини оширишга қаратилган таълим-тарбиядир.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов инсон маънавияти тушунчасига қуйидагича тўлақонли таъриф берганлар: “...маънавият – инсонни руҳан юксалиш, қалбани уйғонишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларнинг мезонидир...” (Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. Иккинчи нашр. Т.: Маънавият, 2010, 19-б.).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг раҳнамоликларида яратилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “... жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, ...” га алоҳида эътибор берилганки, бунинг асоси ҳам ёшлар тарбияси ҳамда уларнинг маданий-маърифий савияга бевосита боғлиқлиги ўз-ўзидан аён. Бу борада машҳур маърифатпарвар Абдулла Авлоний тўлақонли ҳақ: “Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир”.

Экологик маданият эса жамиятнинг табиий муҳитни сақлашга қаратилган моддий ва маънавий бойликлари мажмуасидир. Экологик тарбия инсонда табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ва унинг бойликларидан онгли тарзда, унга зарар келтирмасдан фойдаланишда руҳий ва миллатга хос жиҳатларни шакллантиришга қаратилган тадбирлар тизими.

Экологик маданиятли бўлиш бутун олам, табиат ва инсоният, тирик организмлар ва улар жамоаларининг ўзаро алоқадорлиги, атроф-муҳит билан бўлган муносабатлари ҳақидаги илмий-назарий қарашлардир. Шунингдек

* Ҳамидов Ҳ. – ТошИҚХММ профессори, т.ф.д.

Ҳожиматов А.Н. – Низомий номидаги ТДПУ География ўқитиш методикаси кафедраси профессори в.б., г.ф.н.
Аллаёров Р.Х. – Низомий номидаги ТДПУ Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (география) мутахассислиги магистранти.

Усмонхўжаева М.А. – Низомий номидаги ТДПУ География ўқитиш методикаси йўналиши талабаси.

пасайиши билан боғлиқ салбий оқибатлар кўплиги аниқланган. [5]. Булар қуйидагилар:

- сув сатҳининг ортиши оқибатида, яйловлар ва суғориладиган ерлар, автомобил йўллари, аҳоли яшайдиган уйлари сув остида қолиши;
- аҳоли миграциясининг кучайиши;
- кўлни ташлама сувлар ҳисобига тўйиниши ва минерализация даражасининг ортиши;
- баъзи ҳайвонлар, ўсимликлар, балиқлар турларни камайиш хавфининг юқорилиги;
- ер ости сув сатҳини кўтарилиши;
- тупроқ шўрланиши ва қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлигининг камайиши;
- сув сатҳи ортиб, қумли чўللارни эгаллаётганлиги (тузли чанглар хавфи);
- туташ ҳудудларда ёғингарчиликни ортиши.

Булардан биттаси кўл сув сатҳини пасайиши билан боғлиқ муаммо. Маълумотларга қараганда, кўлга коллектор-дренаж орқали 10,2 млн тонна, Чордара сув омборидан (Сирдарёнинг мирнераллашиш даражаси ўртача 0,9- 1,0 г/л) бугунгача 1,9 млн тонна туз тўпланган [3]. Ундан ташқари Тузкон шўр кўлни ҳисобга олганда, агар кўл сув сатҳи пасайса, минераллашув даражаси ортади ва бу кўл экосистемасига катта зарар келтиради.

Кўл тубидан кўтарилган тузли чанглар экологик хавфни янада ошириши ҳамда нисбатан кўлга яқин жойлашган Жиззах, Навоий, Самарқанд, Тошкент ва бошқа ҳудудларга ҳам ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Бундай азиятни биз Орол денгизи мисолида кўриб ҳамда ҳис қилиб турибмиз.

Умуман, экологик хавфсизликни барқарорлаштириш, келажакда тузли чангларни олдини олиш борасида, Жиззах вилоятининг Фориш туманида Фориш давлат ўрмон хўжалиги ташкил этилиб, унинг 2600 гектар ер майдонига ихота ўрмонлари барпо этилмоқда. Ўрмон хўжалигининг маълумотларига қараганда, 2008-2015 йиллар давомида кўлнинг қўшилиш жойини жанубий қисмида 300 гектар майдонда ихота ўрмонлари барпо қилиниб келинган бўлса, 2016-2017 йилларда эса бу кўрсаткич 100 гектар майдонга оширилиб, жами 400 гектар ҳудудга ихота ўрмонлари ташкил қилинган. Бугунгача кўл атрофининг 1100 гектар ерида ихота ўрмонзори мавжуд. Баъзида йилнинг қурғоқчил келиши, ёғин мўқдорининг кам бўлиши ихота дарахтзорларини кўпайтиришга тўсқинлик қилади. Лекин, шунга қарамадан кўл атрофида бундай чоратадбирларни олиб бориш ва ихота ўрмонзорларини кенгайтириш экологик хавфсизликни барқарорлаштиришга ҳамда тузли чанглар кўтарилишини олдини олишга ёрдам беради.

Яна шундай муаммо борки, бу кўл сув сатҳини оширишидир. Кўл сув сатҳини ошириб бориши билан кўл атрофидаги ландшафтларда кучли трансформацияланиш юз бермоқда. Бундай кучли ўзгаришларни кўл атрофидаги агроирригацион ландшафтларда яққол кўриш мумкин. Бу ерларда энг йирик муаммо сизот сувлар сатҳининг кўтарилиши ва тупроқ қатламнинг шўрланиши. Сирдарё ва Зарафшон Ирригация тизимлари бош бошқармасининг 2017 йилдаги 1 январь ҳолати бўйича берган маълумотларига қараганда, кўл атрофидаги жами суғориладиган ерларнинг 4 145 гектар майдони кучли

шўрланган. 2017 йил 1 апрель ҳолати бўйича, 39 592 гектар суғориладиган ерларда сизот сувларининг сатҳи 0-1,0 метргача, 142 922 гектарда эса, сизот сувлари сатҳи 1,0-3,0 метргачани ташкил қилган. Бу шундан далолатки, тупроқ қапламининг шўрланиши ва сизот сувлари сатҳини бу тарзда кўтарилиши суғориладиган ерларнинг фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолишига ҳамда ботқоқ худудларни кенгайтиришга олиб келади.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлсак, мамлакатимизда экологик хавфсизлик ва барқарорлигини таъминлашда, энг аввало худудимиздаги мавжуд сув захираларидан оқилона фойдаланиш масалаларини ечимини топишимиз зарур. Шунингдек, тадқиқот объектими Айдар-Арнасой кўллар тизими билан боғлиқ бўлган экологик хавф ва уни олдини олишда куйдагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади:

- суғориш тизимини тўғри йўлга қўйиш;
- коллектор-дренаж тизимларини реконструкция қилиш;
- Чордара сув омборидан сув ташланишини мониторинг қилиш, сув сатҳини барқарор сақлашга эришиш;
- кўл атрофининг 3 кмгача бўлган қисмини ихота ўрмонзорга айлантириш ва ҳокозо;

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕТОДА ПЛАСТИКИ РЕЛЬЕФА ПРИ ОКОНТУРИВАНИИ ЧЕТВЕРТИЧНЫХ ОТЛОЖЕНИЙ ЧИРЧИК-АХАНГАРАНСКОГО БАСЕЙНА

Сабитова Н.И., Стельмах А.Г.*

Картирование четвертичных отложений требует знаний основных закономерностей строений и формирования, как рельефа, так и рельефообразующего комплекса четвертичных отложений. При картировании четвертичных отложений решаются три основные задачи: стратиграфическое расчленение и корреляция отложений; выяснение генезиса и обстановки образования, новейших тектонических движений; палеогеографические реконструкции условий соответствующего времени. Эффективность решения данных задач во многом зависит от возможности локализации и сокращения дорогостоящих видов работ, например, бурения, за счёт наиболее рационального размещения скважин и точек опробования при сохранении их информативности и полноты исследований территорий. Размещение скважин с учётом характера и форм рельефа позволяет выбрать наиболее оптимальные точки их заложения. Однако, в поле, особенно на выровненных пространствах, трудно проследить характер смены одних форм рельефа другими. Можно обнаружить наиболее чёткие элементы. Поэтому наносимая информация на топографическую карту и умение её «читать» имеет большое значение. Здесь мы используем системный подход в анализе рельефа. Системный подход включает в себя такие понятия, как подсистема, элемент, структура. Если подсистема представляет собой бассейн, то элементами системы являются

* Сабитова Н.И. – д. г. н, профессор геолого-географического факультета НУУз
Стельмах А.Г. – к. г.-м. н, доцента геолого-географического факультета НУУз.

4	Afrikaning ichki qismi- Kalaxari cho'lini, Zambezi daryosini, Kongo daryosi yuqori oqimlarini, Nyasa, Tanganika ko'llarini o'rgandi. Zambezi daryosidagi sharsharaga Viktoriya nomini berdi.	D	Ibn Batuta
5	6000 dan ortiq madaniy o'simliklardan namuna oldi. Habashiston qimmatli qattiq bug'doy navining vatani ekanligini aniqladi.	E	G.M.Stenli

Javob:	1 -	2 -	3 -	4 -	5 -
---------------	-----	-----	-----	-----	-----

3. Afrika materigining foydali qazilmalariga oid quyidagi fikrlarning qaysilari to'g'ri? Javoblar jadvaliga "Ha" yoki "Yo'q" so'zlarini yozing.

1. Magmatik jinslarning ko'p tarqalganligi rudali foydali qazilmalarning ko'plab tarkib topishiga sabab bo'lgan.
2. Materik yoqilg'i qazib chiqarish bo'yicha birinchi o'rinda turadi.
3. Olmos qazib chiqarish bo'yicha dunyoda birinchi o'rinda turadi.
4. Cho'kindi jinslar bag'rda fosforit, osh tuzi, mis, qo'rg'oshin tarqalgan.
5. Mashhur "mis mintaqasi" Zambiya va Kongo Demokratik Respublikasi chegarasi zonasida joylashgan.
6. Cho'kindi jinslar tarqalgan joylarda toshko'mir, neft, tabiiy gaz, marganes rudalari, tuzlar, fosforitlar keng tarqalgan.

Javob:

1	2	3	4	5	6
---	---	---	---	---	---

4. Baland Afrika (A) va Past Afrika (B) ga xos xususiyatlarni aniqlang va jadvalning "javob" qismiga yozing.

№	Afrika materigi relyefiga xos xususiyatlar
1	Mutloq balandligi 1000 m gacha bo'lgan hududlarni o'z ichiga oladi
2	Sharqiy va Janubiy Afrikani egallaydi
3	Qumli past-balandliklar ko'p bo'lgan Sahroyi Kabir, tekis va botiqli Kongo botig'i, plat ova tog'liklar asosiy relief shakllaridir.
4	Efiopiya tog'ligi, Sharqiy Afrika yassi tog'ligi va Janubiy Afrika yassi tog'liklari joylashgan
5	Atlas tog'ining eng baland cho'qqisi Tubkal tog'idir. Uning balandligi 4165 m
6	Afrikaning eng baland va eng past nuqtalari ham shu yerda joylashgan.
7	Plato, tog'lik va yassi tog'likdan boshlanadigan yoki oqib o'tadigan daryo vodiylari relyefining dara, kanyon, sharshara, ostonalar ko'p hosil bo'lgan
8	Kattara botig'i -133 m dengiz sathidan pastda joylashgan

Javob:	A-	B-
---------------	----	----

5. Afrika materigidagi eng baland cho'qqilarning balandligi va botiqlarning pastligiga ko'ra ketma-ketligini ko'rsatuvchi mos raqamlarni yozing.

Cho'qqilar	Raqamlari	Botiqlar	Raqamlari
Tubkal	?	Assal	?
Klimanjarro	?	Kattara	?
Margerita	?		

bo'lsa, nostandart testlar o'zining mazmuni, tuzilishi va qo'llanish maqsadiga ko'ra muayyan darajada farq qiladi.

Nostandart test topshiriqlarini tuzish uchun avvalo o'quv kursi mazmuni DTS asosida tahlil etiladi, bilim, ko'nikma va malakalar aniqlanadi, ularni aniqlash uchun topshiriqlar majmuasi tuziladi, mazkur topshiriqlar test topshiriqlariga aylantiriladi va sinov o'tkaziladi, oqibat natijada o'quvchilarning mazkur mavzu, bo'lim yoki kursni o'zlashtirish darajasi yuzasidan xulosa tayyorlanadi.

Nostandart test topshiriqlaridan ta'lim-tarbiya jarayonida maqsadga muvofiq foydalanish o'quvchilarning o'zlashtirgan bilim, ko'nikma va malakalarini haqqoniy va odilona nazorat qilish va baholash imkonini beradi.

Nostandart testlar mazmuni va mohiyatiga ko'ra bir qator guruhlariga: ko'p javobli testlar, to'g'ri- noto'g'ri" xilidagi savollardan iborat testlar, rasm yoki chizmalı testlar, jadval shaklida testlar va boshqalarga ajratiladi. Quyida "Materiklar va okeanlar tabiiy geografiyasi" kursi "Afrika materigi" mavzusi misolida ularning ayrimlaridan foydalanishga oid namunalar keltiramiz.

1. Afrika materigi to'g'risidagi quyida berilgan fikrlardan to'g'risini belgilang.

1. Ekvator o'rtasidan, bosh meridian g'arbidan kesib o'tgan yagona materik.
2. Eng issiq, qirg'oqlari eng kam parchalangan, har ikkala kengliklar bo'yicha iqlim mintaqalari va tabiat zonalari takrorlanib joylashgan materik.
3. Dunyodagi eng uzun Nil daryosi shu materikda joylashgan.
4. Olmos qazib chiqarish bo'yicha dunyoda birinchi o'rinda turadi
5. Afrikani ekvator ikkiga bo'lib turadi.
6. Materikning shimoliy va sharqiy sohillarini Atlantika okeaning suvlari yuvib turadi.
7. Gibraltar bo'g'izi orqali Yevropa, Suvayish kanali orqali Osiyo qit'olari bilan tutashib turadi.
8. Materik qirg'oqlarining uzunligi 30 500 km.
9. Afrika shimoldan janubga torayib boradi, shimoliy qismining eni 7500 km bo'lsa, janubining eni 3000 km ga teng.
10. Materikning g'arbida yirik Gvineya qo'ltig'i, sharqida esa dunyodagi eng uzun hisoblangan Mozambek bo'g'izi bor.

Javob:

2. Afrika materigining o'rganilish tarixiga oid qilgan kashfiyotlarni mualliflari bilan moslang.

№	Қилинган кашфиётлар	№	Олимлар
1	Afrika tabiatini, aholisining urf-odatlarini, xo'jaligini o'rgangan. U Afrikaning shimoliy va sharqiy sohillarini, Nil havzasini (1325-1349-y.), Sahroi Kabirning g'arbiy qismini, Niger daryosining yuqori oqimidan o'rta oqimigacha o'rgangan.	A	N.I.Vavilov
2	Zanzibar orollarini, Viktoriya ko'lini va Nil daryosining boshlanish irmog'i Kagera ekanligini aniqladi. Lualoba va Kongo daryosi bo'ylab quyi oqimiga qadar o'rgandi.	B	David Lovingiston
3	1487-yilda Afrikanini Atlantika okeani sohillarini Yaxshi Umid burniga qadar o'rgandi.	C	Bartolomey Diash

обособленные части бассейна с четко выраженными природными границами, а структура – это закономерность пространственных связей элементов, образующих единое целое. Функциональная связь между структурными частями геосистемы осуществляется под влиянием одного единственного фактора – гравитационного потока. Считаем, целесообразным для анализа форм рельефа на топографических картах использование метода пластики рельефа, который позволяет пространственно отобразить на топографических картах потоковые структуры. Поток является естественной пространственно-временной структурой любых по возрасту поверхностей земной коры, в том числе и погребённых, лежащих на глубине. Эти элементарные поверхности, так называемые потоки, могут быть представлены лавами или осадочными породами, их конфигурации легко выделяются по изгибам горизонталей изолинией – морфоизографой [1, 2, 3].

Метод пластики рельефа позволяет, прежде всего, выявлять два типа структурных линий в рельефе: это линии тальвегов и линии ребер склонов. Кроме того, за счет анализа плановой кривизны горизонталей удается проследить «складки» склонов, идущие вверх по рельефу и лишённые признаков постоянного (руслового) или эпизодического (ручьевого) стока: ложбинно-лощинную сеть. Ложбинно-лощинная сеть определяется на топокарте от первого «залива» верхней по рельефу горизонталей, ограничиваясь с боков морфоизографой [1, 2, 3].

Рассматриваемая территория ограничена с севера, востока и юга хребтами Каржантау, Чаткальским, Кураминским и Туркестанским и открыта в сторону Кызылкумов. В геоморфологическом отношении можно выделить два комплекса рельефа: палеозойское обрамление, рельеф которого связан с аккумулятивно-эрозионным процессом, и межгорная впадина – с эрозионно-денудационным и эрозионно-аккумулятивными процессами. Внутри этих комплексов распространены различные формы рельефа. Палеозойскому обрамлению присущ, в основном, тектонно-эрозионный комплекс процессов. В целом – область восходящего развития, где тектоника четвертичного периода проявилась особенно интенсивно. В пределах впадины развиты в основном аккумулятивно-эрозионный комплекс рельефа, характеризующийся более сглаженными формами. Местами здесь распространены мезозойские и кайнозойские породы [4]. Среди генетических типов четвертичных отложений Чирчик-Ахангаранского бассейна установлены пролювиальные, аллювиальные, делювиальные, элювиальные лёссовидные породы и разновидность лёссовых пород – каменный лёсс.

На основе метода пластики рельефа, или метода вторых производных, или бассейнового метода, проведен морфодинамический анализ рельефа и оконтурены границы распространения генетических типов четвертичных отложений района. Для работы по созданию карты пластики рельефа использовалась карта (план-схема) масштабом 1:25000.

На основе потоковых структур и геолого-геоморфологических данных было установлено, что район исследования представляет собой гетерогенное

образование, которое может быть сведено к четырем генетическим типам поверхностей рельефа:

- современная пойма, первая и вторая надпойменные террасы рек Чирчик и Ахангаран и их притоки аллювиального генезиса

- третья, четвертая и другие надпойменные террасы плейстоцена пролювиального и делювиального генезиса

- поверхности плейстоцена и голоцена элювиально-делювиального генезиса в предгорной и горной области

- пролювиальные равнины, сложенные лёссовидными и эловыми отложениями плейстоцена и голоцена.

Каждая из выделенных генетических поверхностей обладает специфическим геологическим строением и литологическими особенностями четвертичных отложений, что во многом обусловлено развитие тех или иных экзогенно-динамических процессов (линейная и плоскостная эрозия, суффозия и др.). В свою очередь, метод пластики рельефа выявил следующую зависимость распространения генетических типов четвертичных отложений района.

Пролувиальный лёсс развит на орошаемых равнинных частях долин Чирчика и Ахангарана и имеет наибольшую по сравнению с другими генетическими типами мощность до 40 м и более. Характерным для него является однородность толщи и уменьшение мощности при приближении к горам.

Пролувиальные лёссовидные породы слагают предгорья хребтов Туркестанского, Кураминского и Каржантау. Для них характерны прослои и линзы грубообломочного материала, увеличивающиеся у гор. По возрасту выделяются пролювиальные лёссовидные породы раннего и позднего плейстоцена. Аллювиальные лёссовидные породы позднего плейстоцена и голоцена покрывают поверхности аллювиальных террас Чирчика и Ахангарана, характеризуясь малой мощностью, чаще до 10 м, наличием линз и прослоев песка и галечника.

Делювиальные лёссовидные породы развиты на склонах и у подножий гор, мощность их измеряется от нескольких сантиметров до нескольких метров (редко десятков метров), характерно наличие в них неокатанных обломков коренных пород различного размера.

Каменный лёсс раннего плейстоцена залегает обычно в основании террасовых отложений под лёссовыми породами или конгломератами, имеет значительную мощность (десятки метров), от лёссовых пород отличается твердостью, напоминая скальную горную породу.

Таким образом, составленная карта пластики рельефа Чирчик-Ахангаранского бассейна позволила на основе потоковых структур выявить границы генетических типов четвертичных отложений.

Yoshlarni dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo'sh kelmaydigan insonlar bo'lib kamol topishida umumiy o'rta ta'lim maktablarida o'qitiladigan fanlar, xususan geografiya fanini o'qitishni zamon talablari darajasida tashkil etish va takomillashtirish, ta'lim sifatini oshirishga e'tibor qaratmoq lozim. Buning uchun esa bilim, ko'nikma va malakalarni nazorat qilish usullarini takomillashtirish zarur.

Bilim, ko'nikma va malakalarni nazorat qilish – ta'limning tarkibiy qismidir. Uning asosiy vazifasi - o'quvchilar bilimini va ularning fan asoslarini o'zlashtirish yo'lidagi imkoniyatlarini aniqlashdan iborat. Nazorat yangi mavzularni o'rganishda nimalarga ko'proq e'tibor berish kerakligini ko'rsatadi.

To'g'ri o'tkazilgan nazorat o'quvchilarda geografik hodisalarni tahlil qilish, tabiatning ayrim elementlari o'rtasidagi o'zaro bog'lanishni aniqlay olish ko'nikmalarini shakllanishiga imkon beradi.

Tekshirish va baholash o'quvchilarning burch va mas'uliyatlarni mustahkamlaydi, darslarga bo'lgan e'tiborini oshiradi, o'quv topshiriqlarini muntazam bajarib borishga o'rgatadi. Har bir topshiriq didaktik materiallar sarasiga kirib muayyan vazifani bajaradi. Shuningdek, o'quvchini o'z kuchi va imkoniyatiga ishonishga undaydi. O'quvchilarning javobi mantiqiy tafakkurni mashq qilishdan iborat bo'lganligidan, nazorat va baholash ularni tafakkurini, xotirasini va tasavvurini rivojlantiradi va kengaytiradi.

Bugungi kunda umumiy o'rta ta'lim maktablarida ko'pincha tekshirish va baholashga hamma vaqt ham e'tibor beriladi deb bo'lmaydi. Amaldagi nazorat va baholash ko'proq og'zaki so'rash bilan cheklaniladi. Ayrim darslarda o'quvchilarga tasodifiy savollar beriladi, bu albatta o'quvchilar faoliyatini pasaytirib yuboradi. Natijada umumiy o'rta ta'lim muassasalarida pedagogik faoliyat olib borayotgan geografiya fani o'qituvchilari ta'lim-tarbiya jarayonida innovatsion texnologiyalardan foydalanish borasida muayyan tajribalarni egallash barobarida, olingan natijalarni tahlil qilish, umumlashtirish, o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalaridagi bo'shliqlarni aniqlash, ularni bartaraf etish borasida ma'lum qiyinchiliklar uchramoqda.

Geografiya o'qituvchilarining pedagogik faoliyatida vujudga kelayotgan mazkur qiyinchiliklar o'quvchilar tomonidan o'zlashtirishi lozim bo'lgan bilim, ko'nikma va malakalarni aniqlash va ularni baholash uchun foydalaniladigan nazorat topshiriqlarini talab darajasida tashkil etilmayotganligi natijasidir.

O'quvchilar tomonidan geografik voqea va hodisalarning turlari, ularning kelib chiqish sabablari va rivojlanish oqibatlariga oid o'zlashtirishi lozim bo'lgan bilim, ko'nikma va malakalarni aniqlashda foydalaniladigan o'quv topshiriqlari, ya'ni nazorat turlari o'quvchilar tomonidan aqliy operatsiyalar: tahlil, sintez, taqqoslash, qiyoslash, umumlashtirish va xulosalah, yani ijodiy fikr yuritishga undashi lozim.

Bugungi kunda o'quvchilar tomonidan ta'lim mazmuninig barcha tarkibiy qismlari (bilim, ko'nikma va malakalar)ni o'zlashtirish darajasini aniqlashda og'zaki so'rash, standart test topshiriqlari bilan bir qatorda nostandart o'quv va test topshirilaridan foydalanish zarurati kelib chiqmoqda.

Standart test topshirig'i savol va to'g'ri hamda noto'g'ri javoblardan iborat

- «O'yamasdan» aytilgan g'oyalari va xazil mutoibalar uchun rag'batlantirish;

- tanqidga yo'l qo'yimaslik va baholashni muhokama qilmaslik;

- vaqtning cheklanganligi.

«Yozma aqliy xujum» - Har bir ishtirokchi qisqa vaqt ichida 3 ta g'oyani ajratib qog'ozga yozadi. –qog'ozni 3 ustunga bo'lish;

- yuqori qismga umumiy muammoni yozib qo'yish;

- har bir ustunga bittadan g'oya yozish;

- yozilgan materiallarni qo'shniga uzatish;

avvalgi g'oyalarni o'qib chiqish va bir necha daqiqa davomida yangi g'oyalarni taklif qilish;

-qog'ozni boshqa qo'shniga uzatish.

Geografiya o'qituvchisining yuksak pedagogik mahorati, bilim darajasi, shubhasiz ta'lim tarbiyaning muhim omillaridan biridir. Chinakam pedagogik mahoratli, nutq ustasi bo'lgan o'qituvchi rejada ko'rsatilgan darsni shunchaki bayon qilib bermaydi. Avvalo, uni fikrlari bilan to'lg'azib qiyomiga etkazadi, so'ng ko'rgazmali qurollar, misollar va topshiriqlar tayyorlaydi. Agar o'qituvchi bor kuchini materiallarning mazmunini qayta bayon qilishga qaratsa, darsiga nisbatan bolalarda qiziqish uyg'ota olmaydi. Ayonki, qiziqish yo'q joyda. Shubhasiz, eslab qolish bo'lmaydi. Demak, o'qituvchi dars materialini qanchalik yaxshi bilsa, uni interfaol usullar, yangi pedagogik va axborot texnologiyalarni qo'llab, o'quvchilarga etkaza bilsa, natijada o'quvchilarning ham darsga bo'lgan qiziqishlari ortadi va geografiya ta'limi samaradorligi yanada oshadi.

GEOGRAFIYA TA'LIMIDA O'QUV ISHLARINI TASHKIL ETISH SHAKLLARI

Xodjimatomov A.N., Sultanova N.B., Abdullayev A., Burxonova D.A.*

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti

Geografiya ta'limi uzluksiz ta'lim tizimining barcha bo'g'inlarida tashkil etiladigan pedagogik jarayonning ajralmas va uzviy bog'langan tarkibiy qismi sifatida mazkur ta'lim muassasalari oldiga qo'yilgan umumiy maqsadlarga muvofiq mustaqil fikrlaydigan barkamol o'quvchi shaxsini tarbiyalashga xizmat qiladi. Zero, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev ta'kidlaganlaridek: “Yozlarimizning mustaqil fikrlaydigan, yuksak intellektual va ma'naviy salohiyatga ega bo'lib, dunyo miqyosida o'z tengdoshlariga hech qaysi sohada bo'sh kelmaydigan insonlar bo'lib kamol topishi, baxtli bo'lishi uchun davlatimiz va jamiyatimiz bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etamiz”⁵⁴.

* **Xodjimatomov A.N.** – Nizomiy nomidagi TDPU Geografiya o'qitish metodikasi kafedrasini professori v/b., g.f.n.

Sultanova N.B. – Nizomiy nomidagi TDPU Geografiya o'qitish metodikasi kafedrasini katta o'qituvchisi.

Abdullayev A. – xalq ta'limi a'lochisi, Jizzax viloyati Sh. Rashidov tumani 17-maktab oliy toifali geografiya fani o'qituvchisi

Burxonova D.A. – Nizomiy nomidagi TDPU Geografiya o'qitish metodikasi yo'nalishi talabasi.

⁵⁴ 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasini // “Xalq bilan mulohaza va inson manfaatlarini yil”da amalga oshirishga oid Davlat dasturini o'rganish bo'yicha ilmiy-uslubiy risola. T.: Ma'naviyat, 2017 y., // 197-b.

I SHU'BA. TABIIY GEOGRAFIYA VA GEOEKOLOGIIYA MUAMMOLAR

ЛАНДШАФТ КОМПЛЕКСЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ВА ГЕНЕТИК ҚАТОРЛАРИ

Абдулқосимов А.А.*

Самарқанд давлат университети

Ландшафтшунослик табиий география сингари кўп тармоқли фанлардан бири ҳисобланади. Унинг таркибий қисмлари умумий ландшафтшунослик, ландшафт ўлкашунослиги, ландшафтлар морфологияси ва систематикаси, ландшафт карталаштириш, ландшафт районлаштириш, ландшафт геокимёси, ландшафт геофизикаси, антропоген ландшафтшунослик, амалий ландшафтшунослик, ландшафт экологияси (геоэкология), тиббий ландшафтшунослик, ландшафт архитектураси, ландшафт дизайни каби фанлардан иборат. Юқорида зикр этилган фанларнинг ўрганиш ва тадқиқ этиш объекти бўлиб Ернинг ландшафт сфераси хизмат қилади.

Ф.Н.Мильков (1970) ландшафт сферасига Ернинг географик қобиғини органик ҳаёт билан тўйинган биологик фокуси деб таъриф берган. Бундай таъриф берилишига сабаб ландшафт сфераси доирасида сайёрамизнинг 99% тирик организмлари яшайдиган ландшафт сфераси курукликларни, океанларни ва музликлар қатламини қоплаб олган ландшафт комплекслари мажмуасидан ташкил топган. Курукликда ландшафт сфераси таркибига ҳозирги замон нуруқ қобик, тупроқ, ўсимлик, тирик организмлар ва атросферанинг ерга яқин қатлами – тропосфера каби географик компонентлар қиради. Ландшафт сфераси ҳам географик қобик сингари глобал масштабдаги характерга эга. Ландшафт сферасининг энг муҳим хусусиятларидан бири шундан иборатки, текисликларда кенглик зоналикнинг мавжудлигидир. Бундай ҳолат географик қобик учун эмас, балки ландшафт сфераси учун ҳосдир.

Сайёрамизни қоплаб олган ландшафт сфераси ранг-баранг ландшафт комплексларидан таркиб топган. У хилма-хиллик даражасига кўра ер, ер-сув, сув юзаси, музлик ва сув туби вариантларига бўлинади. Уларнинг келиб чиқиши, шаклланиши ва барқарор ривожланиши кўп қиррали генезисга эга. Ф.Н.Мильковнинг (1981) эътирофи этишича генезис атамаси ландшафтшуносликда энг кўп тарқалган атамалардан бири ҳисобланади. Генетик принцип, хусусан табиий географик районлаштиришнинг асосий принципи бўлиб хизмат қилади. Ҳар қайси географик объектнинг ёки муайян ҳудуднинг генетик жиҳатдан яхлитлиги ва бир хиллиги комплекс табиий географик районлаштиришнинг асосий принципини ташкил этади. А.Г.Исаченко (1991) ва Н.А.Солнцев (1961) генетик бир хилликни ландшафтнинг муҳим диагностика белгиси (тамғаси) деб таъкидлаган. Генетик принцип атамасининг асосчиси Ф.И.Рупрехт (1866) ҳисобланади. Генезис атамасини айрим географлар ривожланиш тарихи билан тенглаштириб, уларни бир-бирининг синоними деб қарашади.

* **Абдулқосимов Али Абдулқосимович** – СамДУ География ва экология факультети, Гидрометеорология кафедраси профессори, г.ф.д.

Маълумки ландшафт генезиси ўзининг аниқ мазмунига эга. Муайян географик объектни ёки худудни таҳлил қилишда унга генетик нуқтаи назардан ёндашиш табиий географик районлаштиришнинг энг муҳим ва етакчи принципларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, ландшафт комплексларининг келиб чиқиши, шаклланиши ва барқарор ривожланиши бевосита муайян жараёнлар тури билан боғлиқлигини эътиборга олиб Ф.Н.Мильков (1981) ер ландшафтлари варианты доирасида ажратган генетик қаторларга ва уларнинг комплекс гуруҳларига қисқача изоҳ бериб ўтаман.

Ландшафтларнинг иқлимий қатори. Мазкур қаторга мансуб бўлган ландшафтлар мўътадил, субтропик, тропик, муссон иқлим шароитида ва тоғ тўсиқлари таъсирида вужудга келган ҳамда шаклланган. Бунга зонал типдаги барча ландшафтлар – тундра, тайга, аралаш ўрмонлар, ўрмон дашт, дашт, чўл, Колхида ва Ленкорань нам субтропик ландшафтлари мисол бўлади.

Тектоген ландшафтлар қатори. Ландшафтларнинг бу хилдаги қатори табиатда кенг тарқалган бўлиб, улар Помир ва Тяншан, Кордильера ва Анд, Альп ва Олой тоғ ландшафтларидан, Фарғона, Зарафшон, Исикқўл ва Сурхондарё тоғоралиғи ботиқ ландшафтларидан таркиб топган. Океанларнинг сув ости тоғ тизмалари, йирик ботиқлари ва энг чуқур Курил-Камчатка, Алеут, Марианна, Филиппин, Тонга, Кермадек чўкмалари ҳам тектоген ландшафтлар қаторига кириди.

Вулканик ландшафтлар қатори. Бу типдаги ландшафтларга вулканларнинг отилиши натижасида пайдо бўлган тоғлар, тепаликлар, кратерлар, лавали копламлар, базальтли оқимлар ва платолар кириди. Вулканик ландшафтларга ва гейзерларга энг бой регион Камчатка ярим ороли ҳисобланади. Бу ерда 28 та ҳаракатдаги ва 130 га яқин сўнган вулканлар жойлашган. Булар вулканик ландшафтларнинг келиб чиқишида ва барқарор ривожланишида катта роль ўйнаган. Вулканлар орасида энг каттаси ва хушманзаралиғи Ключи Сопкаси бўлиб, унинг баландлиги 4750 м, кратерининг диаметри 500 м атрофида, ёнбағрида 60 дан ортиқ ёрдамчи конуслар баланд кўтарилиб турибди. Катта Кавказнинг Эльбурс ва Казбек чўққилари ҳам сўнган вулканлардан бўлиб, улар ҳам вулканик ландшафтлар ҳисобланади. Тинч океанининг ғарбий қисмида ҳам вулканик ландшафтлар ороллар шаклида кенг тарқалган.

Флювиаль йўл билан пайдо бўлган ландшафтлар қатори. Флювиаль ландшафтлар табиатда кўп учрайди. Улар Ф.Н.Мильковнинг (1978) фикрича икки гуруҳга бўлинади: 1) эрозия ландшафтлар, 2) аккумулятив ландшафтлар. Биринчиси водий, жарлик ва балкалардан, иккинчиси дельта, конуссимон ёйилма ва қўл-аллювиал текисликлардан ташкил топган.

Криоген ландшафтлар қатори. Бундай ландшафтлар Россиянинг шимолий районларидаги доимий музлок ерларда кенг тарқалган. Улар музлок ерларда пайдо бўлган термокаст, гидролакколит, яхмак, шишма дўнглик, чўкма ботиқ, кўпбурчакли тошлоқ ва ҳалқалар каби криоген ландшафтлардан иборат.

Эол ландшафтлар қатори. Эол ландшафтлар шамол таъсирида вужудга келиб, улар доимо динамик ҳаракатда бўлади. Эол жараёнлар арид чўллarda

uchun eng maqsadga muvofiq bo'lgan interfaol yoki boshqa metodlarni to'g'ri tanlash nazarda tutiladi.

To'g'ri tanlangan metodlarni qo'llash mashg'ulotning qiziqarli va samarali bo'lishini ta'minlaydi.

Interfaol metodlar konstruktivizm nazariyasi bilan bog'liq bo'lib, bu metodlardan amalda foydalanishda konstruktivizmning quyidagi asosiy xulosalarini hisobga olish lozim:

O'quvchi o'zi o'rganishi kerak, aks holda unga hech kim hech narsani o'rgata olmaydi;

O'qituvchi o'quvchilarga bilimlarni "kashf qilishga" yordam beradigan jarayonni tashkil qiladi;

Interfaol metodlardan "Pochta usuli" o'quvchilarni bilim, ko'nikma, malakalari shakllanadi va chaqonlikka undaydi.

Bu fanlarda va barcha o'quv mavzularini o'rganish jarayonida qo'llash mumkin. O'qituvchi bir nechta (mavzuga mos) konvert olib, uning ustiga eng zarur bo'lgan asosiy yozuvlar yozib qo'yadi. va ular stol atrofiga ko'zga ko'rinarli qilib joylashtiriladi. Masalan 6-sinf "Materiklar va okeanlar geografiyasi" darsligidagi "Dunyo okeani, uning qismlari" mavzusiga qo'llab ko'rishimiz mumkin. Pochta metodida o'qituvchi tamonidan to'rtta okean nomi konvert ustiga yoziladi. Endi shu okeanlarga tegishli bo'lgan barcha ma'lumotlar kichik qog'ozchalarga yozib chiqiladi. Misol uchun: Mariana botig'i, 76 mln km², Puerto-Riko botig'i, 5527 m. Ko'p qismi doimiy muz bilan qoplanib yotadi kabi ko'plab ma'lumotlarni yozishimiz mumkin va bu ma'lumotlarni stol ustiga yoyib qo'yamiz. Pochta metodni individualni, kichik guruhlarda va yalpi ommoviy o'qitishda ishlahimiz mumkin. ishlashda O'qituvchi yangi mavzuni boshlashdan avval sinf o'quvchilarni to'rt guruhga bo'ladi. Har bir guruhga bilim darajasi, dunyo qarashi turlicha bo'lgan o'quvchilar taqsimlanishi shart. O'qituvchi tamonidan guruhlar nomlanadi ya'ni:

1-guruh: Tinch okeani

2-guruh: Atlantika okeani

3-guruh: Hind okeani

4-guruh: Shimoliy muz okeani nomlari beriladi.

Har bir guruhdan ikkitadan o'quvchi chiqib, guruhi nomi yozilgan konvert oladilar va konvertga guruhi qaysi okean nomi bilan atalgan bo'lsa usha okeanga tegishli ma'lumotlarni olib konvert ichiga joylashtirishlari kerak.

Bu metodni asosiy qoidasi shuki: ma'lum vaqt beriladi, konvert ichiga faqat o'zlariga tegishli bo'lgan ma'lumotni solishlari shart, ortiqcha ma'lumot solib qo'yilsa xato hisoblanadi. Qaysi guruh birinchi bo'lib bajarsa va ko'p ma'lumot joylashtirgan bo'lsa usha guruh g'olib sanaladi va o'qituvchi tamonidan rag'batlantiriladi.

Aqliy xujum» metodi - ushbu metodning asosiy vazifasi ma'lum vaqt orasida ko'proq g'oyalarni yig'ishdan iborat. Barcha g'oyalar katta qog'ozga yoki doskaga izohsiz yoziladi. Metodning hususiyatlari:

- miqdor jihatdan cheklanganligi (guruhda talabalar soni 20 kishidan oshmasligi) va guruhlarining hilma-xilligi;

- eshitishga o'rganish va bir-birlarini g'oyalarini rivojlantirish;

В курсе «Экономической и социальной географии Узбекистана» для 8 классов темы не соответствуют отведенным часам, а также статистические данные не даны конкретно. Некоторые проводимые контрольные тесты, географические диктанты, практические работы не отвечают данным темам. Статистические данные учебника 9 класс на русском языке не соответствуют со статистическими данными учебника на каракалпакском языке.

Проводимые реформы в среднем образовании дают молодежи продолжить обучение в 10 и 11 классах. В 10 классе предмет география, прикладная география проводится один раз в неделю, учебник состоит из двух глав, во второй главе учебника идет повторение материала 9 класса.

Как любой географ нам больно за то, что география как, предмет в школе с каждым годом ущемляется в часах. Хотя это наука, как ни одна из наук, дает ученику большие возможности миропонимания и расширяет мировоззренческие способности человека. Развивает чувства любви к Родине, бережного отношения к природе. Приведенные выше примеры ошибок в учебниках и атласах, ни в коем случае не критикует авторов, а требует внимательной проверки специалистов, в природе издания. Чтобы впредь эти ошибки не повторялись. Написав эту небольшую статью, где затронуты только некоторые недостатки школьной географии, нам хотелось бы расширить круг интересующих эти и другие проблемы школьной географии объединившись, решив которые повысили роль школьной географии.

GEOGRAFIYA DARSLARIDA INTERFAOL METODLARDAN FOYDALANISH

**Xudoyberdiyeva I.A., Musayeva N.
Navoiy davlat pedagogika instituti**

Hozirgi kunda mamlakatimizda kundun-kunga ta'lim sohasida ko'plab yangiliklar bo'lmoqda. Geografiya darslarida o'quvchilarni bilim, ko'nikma, malakalarini shakllantirishda interfaol metodlari alohida o'rin tutadi. Interfaol mashg'ulot turlari ko'p bo'lib, ularni dars mavzusining xususiyatlari hamda ko'zda tutilgan maqsadlarga muvofiq tanlanadi va tegishliga tayyorgarlik ko'riladi. Interfaol mashg'ulotda ishtirok etish uchun o'quvchilarning tayyorliklariga o'ziga xos talablar qo'yiladi, bular mashg'ulotda faol ishtirok etish uchun zarur bilimlarni o'zlashtirganlik, muloqotga tayyorlik, o'zaro hamkorlikda ishlash, mustaqil fikrlash, o'z fikrini erkin bayon qilish va himoya qila olish ko'nikmalari va boshqalardan iborat.

Mashg'ulotda vaqtdan unumli foydalanish zarur shart hisoblanadi. Buning uchun zarur vositalarni to'g'ri tanlash, tayyorlash hamda mashg'ulot o'tkazuvchilar va ularning vazifalari aniq belgilangan bo'lishi lozim. Interfaol metodlar bilan an'anaviy ta'lim usullari orasida o'ziga xos farqlari mavjud bo'lib, har bir o'qituvchi bu farqlarni qiyoslashi, ularning bir-biriga nisbatan afzalliklari va kamchiliklarini darsni rejalashtirish va uni o'tkazish usullarini tanlashda to'g'ri hisobga olishi zarur.

Bunda yangi bilimlarni berish, ko'nikmalarni shakllantirish, rivojlantirish, mustahkamlash, bilimlarni takrorlash, amalda qo'llash mashg'ulotlarida hamda o'quv fanining xususiyatlarini hisobga olgan holda har bir mavzu bo'yicha mashg'ulot

аккумуляция ва дефляция вазифаларини бажаради. Аккумулятив эол ландшафтлар грядали кумлар, дюналар, барханлар ва бархан тизмаларидан таркиб топган. Дефляция эол ландшафтлар грядалар оралигидаги жўяклар, ботиклар ва уялардан иборат. Бу типдаги ландшафтлар Сахрои Кабир, Гоби, Қорақум ва Қизилқум каби чўлларда кенг тарқалган.

Ниваль-гляциаль ландшафтлар қатори. Бу хилдаги ландшафтлар баланд тоғларнинг қадимги ва ҳозирги музликлари таъсирида вужудга келган. Улар моренали ландшафтлар, зандра қумоқ далалари, моренали тўғон қўллар, қўй пешонали рельеф шакллари ва бошқалардан иборат.

Гидроген ландшафтлар қатори. Грунт сувлари ер юзасига яқин ётган ва сув босиб ётган жойларда пайдо бўлган ер усти геоконкомплекслари гидроген ландшафтлар деб аталади. Гидроген ландшафтлар асосан ботқоқ, ўтлоқ, шўрхоқ ва захкаш ерлардан таркиб топган.

Литоген ландшафтлар қатори. Литоген ландшафт комплексларини шаклланиши тоғ жинсларининг юзага чиқиб ётган литологияси етакчи роль ўйнайди. Бунга лёссли чўл, лёссли дашт, гипсли чўл, қоратош, оқтош, оҳақтошли карст ландшафтлари мисол бўлади.

Гидродинамик ландшафтлар қатори. Бу қатор дарё, сой, кўл, сув омборлари ва денгиз қирғоқларидан ташкил топган гидродинамик ландшафт комплексларидир. Улар эрозион ва аккумулятив жараёнлар туфайли вужудга келган. Эрозия натижасида поғона, жарлик, сойлик, тахмон ва терраса ландшафтлари, аккумуляция туфайли марза, қум тили, бар ва терраса ландшафтлари пайдо бўлган.

Биоген ландшафтлар қатори. Бу хилдаги ландшафтларнинг келиб чиқиши бевосита ўсимликлар ва хайвонот организмларининг ҳаётий фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Уларнинг доираси тўсиқ рифлари, маржон ороллари, атолллар, ўсимлик пушталари, термитли саванналар, дарёлардаги кундузли ҳовузлар каби биоген комплекслардан ташкил топган.

Антропоген ландшафтлар қатори. Инсон томонидан яратилган барча комплекслар антропоген ландшафтлар деб аталади. Улар ўзининг мазмунига қараб селитеб, воҳа, қишлоқ хўжалик, ирригацион, техноген ва мадфун ландшафтлар синфига бўлинади (Абдулқосимов, 2002).

Антропоген омил табиий омиллар сингари узок йиллар давомида ҳозирги маданий ландшафтларни пайдо бўлишига, шаклланишига ва барқарор ривожланишига доимий равишда кучли геологик жараён сифатида регионал ва глобал масштабларда таъсир этиб келмоқда. Антропоген омилни таъсир доираси келажакда ҳам кенг қулоқ ёйиб, барча географик зоналар ва минтақалар доирасида барқарорлашиб ҳамда такомиллашиб боради.

Ҳозирги кунда сайёрамизда истиқомат қилаётган аҳоли сони 7,5 млрд. нафарни ташкил этган бўлса, 2100 йилга бориб аҳоли сони Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг берган прогнози бўйича сайёрамизда 12 млрд. нафардан ошиб кетиши мумкин. Бундай вазият ўз навбатида Ер ландшафт сфераси таркибида антропоген ландшафтларнинг, хусусан воҳаларнинг, қишлоқ ва шаҳар селитеб ландшафтларнинг, агроландшафтларнинг, ирригацион ва техноген геосистемаларнинг ареалларини ва уларнинг

майдонларини тобора кенгайиб бориши билан бир қаторда воҳа ландшафтларининг ва техноген геосистемаларининг янги-янги марказларини бунёд этилишига ва барқарор ривожланишига олиб келади (Абдулқосимов, 2017).

Ўзбекистоннинг чўл, чалачўл ва тоғолди дашт зоналарида мавжуд бўлган ҳосилдор ерларнинг шиддат билан ўзлаштирилиши табиий геосистемалар, тарихий шаклланган геоэкологик муҳит кескин ўзгариб, уларнинг ўрнида инсон хўжалик фаолияти таъсирида ўзининг алоҳида шаклланиш генетик қаторига эга бўлган антропоген ландшафтлар, жумладан воҳа ландшафтлари вужудга келди, шаклланди ва барқарор ривожланди. Воҳа ландшафтлари табиий ландшафтлардан ўзининг хусусиятлари билан кескин фарқ қилиб, улар макон ва замонда инсон хўжалик фаолияти томонидан бошқарилиб турадиган антропоген геосистемалардир.

А.А.Абдулқосимов (1990) Ўрта Осиё ва Ўзбекистон худудларидаги антропоген воҳа ландшафтларининг вужудга келиш ва шаклланиш тарихини таҳлил қилиб, уларнинг қуйидаги йирик марказларини аниқлаган: Жануби-Ғарбий Туркманистон, Жанубий Туркманистон, Жанибу-Шарқий Туркманистон, Жанубий Ўзбекистон, Хоразм, Жанубий Қизилқум, Самарқанд ва Фарғона тарихий генетик географик марказлари, Мазкур генетик марказларнинг ҳар бири ўзининг вужудга келиш, шаклланиш ва ривожланиш вақти билан бир-биридан фарқ қилади.

Хулоса ўрнида шуни эътироф этиш мақсадга мувофиқки, ландшафт сферасини сайёравий бир бутун ва мураккаб геокомплекс сифатида ажратиш, ландшафтларнинг келиб чиқишига кўра генетик қаторларини системалаштириш, уни географик қобикқа қарши қўйиш эмас, балки, географик қобикнинг моҳиятини, структуравий тузилишини янада мукамалроқ очиқ беришдан иборатдир. Ернинг ландшафт сфераси географик қобикнинг ажралмас бир қисми бўлиб, унинг туб моҳиятини англаш ва батафсил ўрганиш географик қобикнинг структурасини ва динамикасини асосий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

ПАЛЕОПОЧВЕННЫЕ ГОРИЗОНТЫ ЛЁССОВЫХ ОТЛОЖЕНИЙ НА ПРИМЕРЕ РАЗРЕЗА КОЛЬБУЛАК

*Абдуназаров У.К., Сабитова Н.И., Стельмах А.Г.**

Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Хроностратиграфия палеопочв четвертичного периода имеет большое значение при решении многих вопросов географии и генетического почвоведения (генезис почв, их эволюция, систематика, классификация), а также для методических геолого-съёмочных и геолого-поисковых работ как единственных визуальных критериев расчленения и корреляции лёссово-почвенных толщ.

*Абдуназаров У.К. – канд. Геогр.наук, доцент геолого-географического факультета НУУз.
Сабитова Н.И. – докт. геогр. наук, профессор геолого-географического факультета НУУз.
Стельмах А.Г. – канд. геол.-мин. наук, и.о. доцента геолого-географического факультета НУУз.

ШКОЛЬНАЯ ГЕОГРАФИЯ И ЕЁ НЕКОТОРЫЕ ПРОБЛЕМЫ

Ходжаева Г.А., Наурузбаева Г. Т., Бакиева Ж.

Каракалпакский государственный университет им. Бердаха

Государством уделяется особое внимание вопросам совершенствования системы непрерывного образования, подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда, повышения доступности и качества образовательных услуг.

За прошедшие годы реализован комплекс мер по развитию профессионального образования, укреплен правовая база в целях обеспечения модернизации и обновления содержания учебного процесса.

Значение школьной географии очень велико. Ученики познают особенности природы в младших классах, закономерности развития и размещения производительных сил в старших классах. Познавая все эти тонкости, детям прививается любовь к Родине, бережное отношение к природе, как к источнику всех благ, которыми пользуется человек, как к среде его жизни, показать значение географической науки в оценке и правильном использовании территории в интересах хозяйства.

Среди других школьных предметов, только география дает возможность более полного понимания окружающей среды. Но все эти преимущества географии в настоящее время в школьной программе ущемлены.

Начальный курс физической географии в пятом классе очень сложен по своей структуре. Основой его содержания является изучение географической оболочки Земли с показом многообразия и взаимосвязи слагающих ее компонентов. Именно в этом курсе ученики получают азы физической географии, на изучение которой отводится всего один час в неделю и часть которой содержится в учебнике 4 класса «Природоведение». Основные темы предмета такие как, «образование горных пород», «климатообразующие факторы», «ветер», «атмосферное давление», «температура воздуха», «роза ветров» и т.д. скомканы в одну тему или вообще не даны в учебнике. Очень грубые ошибки перевода имеют учебники географии для каракалпакских классов, так как они переведены не специалистами «географами», а языковедами, которые не полностью понимают терминологию географии, и поэтому при переводе учебников должны так же участвовать специалисты-географы.

Курс «Физической географии материков и океанов» в 6 классе по сравнению с другими курсами написан лучше, но в основном темы описательные и не дается разъяснение понятиям: «материк», «континент», «часть света» и т.д. Большая объемная тематика курса требует более подробного изучения материала, на которое отводится всего 2 часа.

Курс «Физической географии Средней Азии» в первом полугодии и «Физической географии Узбекистана» во втором полугодии в 7 классе очень сложный, текст учебника написан на научном языке, который затрудняет пониманию учеников. Разнообразие и особенности природы страны для полного понимания учениками можно было бы дополнить цветными красочными иллюстрациями фото или рисунками.

ulardan nima maqsadda, qaysi vaziyatda foydalanilgani, qanchalik samara berganligi, vaqt taqsimotiga to'g'ri amal qilinganligi, o'quvchilarning yosh xususiyatlarini hisobga olgan olmaganligi kabi masalalar to'g'risida fikr yuritilmaydi. Bundan tashqari yana bir jiddiy kamchilik o'qituvchining o'zini o'zi tahlil qilishga e'tibor qaratmaslikdir. O'zini-o'zi tahlil qilish tamoyili o'qituvchining o'z faoliyatidagi yutuq va kamchiliklarini aniqlash va bartaraf etishga oid maqsadli yo'lni belgilab olishiga asos bo'ladi. O'qituvchilar aksariyat hollarda dars jarayonida quyidagi xato va kamchiliklarga yo'l qo'yadilar. Jumladan:

- ✓ Dars maqsadi bilan talabalarni tanishtirmaslik;
- ✓ Zamonaviy ta'lim metodlaridan samarasiz foydalanish;
- ✓ Dars jarayonida barcha talabalarining ishtirokini ta'minlay olmaslik;
- ✓ O'quvchilar bilan yakka va jamoa tartibda ishlashga erisha olmaslik;
- ✓ Mavzuni ilmiy va amaliy nuqtai nazardan tushuntirishga e'tibor bermaslik;
- ✓ Qo'shimcha adabiyotlardan foydalanishning tizimli yo'lga qo'yilmaganligi;
- ✓ O'quvchilarga beriladigan savollarning muammoli tarzda tuzilmaganligi

kabilar.

Dars tahlilida tizimsizlik, aniq bir maqsadning yo'qligi, darsga tasodifan qatnashish, darsni chuqur tahlil qila olmaslik, o'qituvchiga amaliy yordam ko'rsata olmaslik esa darslar sifatining va saviyasining pasayib ketishiga olib keladi.

Agar o'qituvchilar faoliyatida tanqidiy yondashuvni tizimli tarzda yo'lga qo'yilsa:

- o'qituvchilarni yangilikka intiluvchanligi, ularni yaratish, izlab topish, bankini yaratish, ko'nikma, malakasi shakllanadi;
- innovatsion muxitda, ilg'or texnologiyalarni, interfaol usullarda ishlashga xarakat qiladi;
- o'z ustida ishlab, kasbiy mahoratini oshirishi, dars berish uslubiyotini yangilashi, boyitishi, ilg'or o'qituvchilarning tajribalaridan foydalanish, Jahon pedagogikasining tajribasidan foydalanish, internet sahifalariga kirish va undan foydalanish imkonini beradi;
- o'z navbatida ta'limda sifat va samaradorlikni kafolatlaydi.

O'qituvchilarning yuqori malakali bo'lishi, ijodkorligining ortishi ilmiy-innovatsion faoliyat tufayliligina amalga oshadi. Agar ular o'z g'oyalari, ilmiy yo'nalishlarini amalga oshirishlari uchun, qaysi sohada bo'lishidan qat'iy nazar, bozorboq mahsulot chiqarib, yoki xizmat ko'rsatib o'z tijorat ishlarini yurgizsalar, bu jarayonda yosh mutaxassislarini, talabalarini jalb qilsalar, unumli va samarali natijalariga erishish mumkin. Bu esa o'z navbatida o'quv jarayoni, ilmiy va ishlab chiqarish muhitining integratsiyasi sifatida intellektual mehnat orqali o'z hayotiy ehtiyojlarini qondirish imkoniyatlarini beradi.

Tarixan qisqa vaqt ichida Respublikamizda bu borada ulkan yutuqlarga erishilganligi, O'zbekiston ta'lim tizimida izchillik bilan hayotga tadbir etilayotgan islohatlari ming yillik rivojlanish maqsadlariga erishishda albatta muhim omil bo'lib xizmat qiladi.

В настоящее время материалы по палеопочвенным горизонтам в лёссовых отложениях Узбекистана свидетельствуют о том, что серии самых древних палеопочв четвертичного периода встречаются даже в отложениях эоплейстоцена. Эти палеопочвенные горизонты являются важными визуальными индикаторами расчленения и корреляции рассматриваемых отложений [1]. Поскольку эоплейстоценовые, плейстоценовые и голоценовые палеопочвы имеют индивидуальные характеристики, о чем свидетельствуют как наши данные, так и данные зарубежных исследователей, то это даёт основание стратифицировать горизонты палеопочв четвертичного периода Узбекистана [2].

Одним из принципов классификации почвенных отложений является концепция о геоморфологической эволюции поверхности рельефа в процессе новейшей тектонической активности. При этом почвы проходят своеобразный цикл развития от поймы к древним террасам, поэтапно теряя одни свойства и приобретая другие. Свойства палеопочв также контролируются климатическими, физико-геохимическими и биологическими факторами. Генетические свойства осложняются наложением на них реликтовых признаков.

Наиболее удачными на наш взгляд объектами для изучения палеопочвенных горизонтов четвертичного периода являются лёссово-почвенные толщи Приташкентского района. В разрезах рассматриваемого района часто стратиграфически прослеживаются погребенные почвы разной степени сохранности. В некоторых лёссово-почвенных разрезах района исследования наблюдается мозаичная структура палеопочвенных отложений из-за выклинивания их из толщ субаэральных четвертичных образований.

В ходе исследования было обращено внимание на постоянное во времени изменение минеральной части почвенных горизонтов, приводящей к их росту, а также зависимость мощности почвенного покрова от величины периода относительно стабильных палеогеографических условий развития почвы. При этом увеличиваются в тех же соотношениях и мощности отдельных слагающих ее горизонтов. В процессе отмирания почвы ее органическая часть сохраняется только в случае катастрофического погребения древней дневной поверхности. В ситуациях, когда биологические и физико-химические процессы, способствовавшие к погребению, прекращаются без катастрофических погребений, вся органическая часть, лишенная возобновления, выгорает и выветривается, а на месте остается только ее минеральная часть. Наиболее характерной особенностью таких почв, лишенных органической части, является наличие почвенной зональности. Она различается только по характеру минеральной части ископаемой почвы. Причем максимальное количество новообразованных минералов располагается вверху почвенного разреза, наблюдается постепенный переход к нижней подстилающей толще. Желваковые минеральные новообразования наблюдаются преимущественно в низах почвенного разреза (рис. 1).



1 – журавчики из суглинков; 2 – куколки из суглинков; 3 – трубочки из суглинков d: а – общий вид, б – поперечный срез; 4 – крупные дендроиды из почвы E; 5 – погремуши из суглинков e: а – общий вид, б – поперечный срез; 6, 7 – конкреции из суглинков на контакте нижнеплейстоценовых и плиоценовых отложений.

Рис. 1. Карбонатные конкреции различных форм - диагностические показатели разновозрастных суглинков и ископаемых почв четвертичного периода в разрезах лёссовых отложений Приташкентского района [1].

В качестве примера можно привести описание лёссово-почвенного разреза Кольбулак. Расчистка была заложена на водораздельной части невысокого холма, между Кызылалмасаем и Джарсаем, левых притоков реки Ахангаран. В районе разреза аккумулятивная часть современной почвы фактически отсутствует.

Первый слой – верхний, сохранившийся слой мощностью от 0 до 60 см, представлен сухим, сероватым суглинком, состав комковатый, крупно порошистый, средней плотности, пористость с многочисленными ходами землероек диаметром 2-3 мм. в средней части белесый, с выделением солей. в слое имеются обломки карбонатных образований типа журавчиков, которые являются переотложенными.

Второй выделенный слой на глубине от 60 до 80 см представлен сухим, палево-серым средним суглинком, слой плотный, контакт с вышележащим слоем четкий, также отмечены обломки карбонатных конкреций.

Третий слой на глубине от 80 до 120 см, сухой, голубовато-палевый с включениями коричневых железистых пятен. Суглинок средний до легкого, скрыто слоистый средней плотности, контакты четкие.

Четвертый слой на глубине от 120 до 180 см, сухой, охристый, плотный, железистый, легкий до среднего суглинок. в слое очень много карбонатных конкреций типа журавчиков. Наряду с обломочными эффузивными породами встречаются орудия труда эпохи среднего палеолита различной степени окатанности.

Geografiya o'qituvchisi tanqidiy-tahlil ishining usul va vositalarini bilishi hamda dars jarayonida yuzaga keltirilgan muammoli vaziyatlarni tadqiq qilishda ulardan samarali foydalana olishi lozim. Dars jarayonida tanqidiy yondashuv hamda mavjud ilmiy uslublarni e'tiborga olmaslik yoki ulardan foydalana bilmaslik nafaqat vaqt va kuchni isrof qilishga, balki keyinchalik muhim qarorlar qabul qilishga ham salbiy ta'sir ko'rsatishi mumkin.

Dars mashg'ulotning tizimli tahlili natijasida ma'lumotlarning manbasi, qanday, birlamchi yoki ikkilamchi axamiyat kasb etishi, vujudga keltirilgan muammoli vaziyatlar orqali geografik obyekt yoki jarayon yuzasidan uzatilgan ma'lumotlarning haqqoniyligi darajasi, aniqligi, to'liqligi, asoslanganligi, isbotlanganligi, ishonchlilik darajasi o'rganilayotgan mavzudagi mavjud muammolarni to'g'ri aniqlash, tanqidiy yondashuv holatini to'g'ri baholash, muammolarni hal etish, aniqlash imkoniyatlarini beradi.

Geografiya ta'limi jarayonida dars mashg'ulotlarining mazmunidan kelib chiqib, tanqidiy-tahlil qilish mahorati orqali talabalarning umumiy tayyorgarligi, bilim olishdagi faoliyati, o'quv faniga bo'lgan qiziqishi, diqqat bilan ishlashi, matn, xarita, jadval, asboblarni mustaqil ishlay bilishi, o'qituvchiga bo'lgan munosabati aniqlanadi. Shu bilan birga o'qituvchining faoliyati ham tahlil qilinadi. Chunonchi, o'qituvchining dastur materiallarini bilish darajasi, yangi mavzuni tushuntirish jarayonida asosiy fikrni ajratib olishi, ilmiylik va soddalik, ko'rgazmalilik tamoyillariga rioya qilishi, dars maqsadini to'g'ri qo'yishi, dars jarayonni to'g'ri rejalashtirishi, darsda hamkorlikka erisha olishi, bilim va ko'nikmalarni o'zlashtirishni nazorat etish, o'quvchilarni bilan yakka va jamoada ishlashni tashkil eta bilishi, dars mobaynida vaqtan unumli foydalanishi va muomila madaniyatini egallaganlik darajasi, kabi jihatlarni inobatga olinadi.

Talabani o'zlashtirishi uning bilimi va tarbiyasining zamon talablari darajasida chuqur va puxta bo'lishi, geografiya o'qituvchisining kasb mahorati, bilimi, tajribasi va boy uslubiyotiga bog'liq. Shu nuqtai nazardan qaraganimizda o'qituvchi har bir darsga pishiq, puxta tayyorlanishi o'z ustida ishlashi, ijodiy faoliyatini yuqori darajaga olib chiqishi kerak. Bunda o'qituvchilarning darslarini kuzatish, tahlil qilish, tanqidiy fikrlarini kafedra yig'ilishlarida bayon qilish, yo'l yo'riq ko'rsatish yuqori samara beradi. Bu yerda darslarni kuzatish deganda o'qituvchining o'quv yuklamasida ajratilgan ochiq darslari tushunilmaydi. Shu o'rinda savol tug'iladi. O'qituvchining darsi kim tomonidan kuzatilishi lozim? Qanday maqsad bilan kuzatiladi va tahlil qilinadi? O'qituvchining darsi fan o'qituvchilari, ilmiy tadqiqodchilar, o'quv bo'limi, ta'lim muassasi rahbarlari, xodimlari, metodistlar tomonidan kuzatiladi va tahlil qilinadi.

O'qituvchining darsini bir necha marta kuzatish va tahlil qilish uning pedagogik mahorati, ish tizimi, o'quvchilarining o'zlashtirishi, bilim darajasi kabi sohaviy va kasbiy layoqati yuzasidan xulosa chiqarish imkonini beradi.

Ta'kidlash joizki, Oliy ta'lim prof-o'qituvchilarining darslarini tahlil qilishda ko'pincha kuzatuvchilar darsga yaxlit tizim sifatida qaramay ko'proq tashqi jihatlarga baho beradilar, darsning mazmun-mohiyati xususida yuzaki muloxaza yuritadilar. Shuningdek, dars tahlilida o'qituvchining ko'rsatmali qurollardan foydalanishi, didaktik kartochkalar bilan ishlashi va hokazolar aytiladi-yu, ammo

ривожланишини таъминлайдиган рақобатчиликдаги устунлигини аниқлаш учун ҳам муҳимдир. Танлаб олинган стратегия олий ўқув юртига географ кадрларни тайёрлаш бўйича нафақат муҳитнинг ўзгаришларини кузатиб бориш ва унга мослашишга, балки маълум бир маънода ўзи ҳам бу ўзгаришларни келтириб чиқара олишига, атроф-муҳитга ўзи учун фойдали тарзда таъсир кўрсата олишига ҳам имкон бериш лозимдир. Фақат мана шундагина олий ўқув юртининг юкори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича фаолияти тўлиқ ҳолда амал қилиши, шунингдек унинг узок муддатлар давомида ҳаётлиги ва фаолияти самарадорлиги таъминланиши мумкиндир.

Шулардан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларида географ кадрларни тайёрлаш сифатини бошқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари сифатида хўжалик шартномалари асосида молиялаштирилган, ёш географ олимлар ва талабаларнинг танловлар ҳамда илмий анжуманлардаги эришган натижалари, институти профессор ўқитувчиларининг география йўналишида нашрдан чиқарилган илмий ва ўқув-услубий ишлари, олий таълим, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги инновацион корпоратив ҳамкорликни амалга ошириш, хорижий ҳамкорлар билан тузилган ва ҳозирда амалда бўлган шартномалар кабиларни ўрганиб, таҳлил қилиш зарур деб ҳисобланади.

TA'LIMI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INNOVATSION TEKNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH VA O'QITUVCHI MAHORATINING TANQIDIY TAHLILI

Safarova N.I., Qalandarova M.K., Qarshiyev Sh.S.*

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti

Bugungi kunda ta'lim tizimi xodimlari uchun eng dolzarb vazifa ta'limning sifat va samaradorligini oshirishdir. Ta'limning sifat va samaradorligini oshirish esa, asosan muallim murabbiylarning mehnatiga, o'quvchiga berilayotgan bilim va tarbiyani nechog'liq to'liq, puxta ekanligi bilan belgilansa, talabaning o'zlashtirishi uning bilimi va tarbiyasining zamon talablari darajasida chuqur va puxta bo'lishi, o'qituvchining kasb mahorati, bilimi, tajribasi va boy uslubiyotiga bog'liq.

Kelajak bugungi maktab partasiga o'tirgan voqealiki serqirra sirlarini bilishga intilayotgan yoshlar qo'lida ekan, avvalo, ular i'stedodini aniqlash, qobiliyat iqtidorini rivojlantirish, intellektual zakovati, aqliy salohiyatini yuksaltirish dolzarb masala bo'lib hisoblanadi. Bu vazifani xal qilish uchun yoshlarni hayotga, mehnatga tayyorlashning yangi texnologiyasi, metod, usul, vositalardan foydalanish lozim bo'ladi. Bugungi kun geografiya ta'limi sifatini oshirish o'quvchi-talabalarning mustaqil ijodiy tafakkurini o'stirish, dars jarayonida innovatsion texnologiyalardan keng va samarali foydalanishnigina emas, balki, mazkur jarayonni rejalashtiruvchisi, amalga oshiruvchisi va boshqaruvchisi bo'lgan o'qituvchining kasbiy saviyasi, kasbiy tayyorgarligini shakllantirish masalasiga chuqur yondashuvni talab etadi.

* **Safarova N.I.** – TDPU Geografiya o'qitish metodikasi kafedrasida dotsenti, g.f.n.

Qalandarova M.K. – T DPU Geografiya o'qitish metodikasi kafedrasida o'qituvchisi

Qarshiyev Sh.S. – TDPU O'zbekistonda demokratik jamiyat qurish nazariyasi va amaliyoti kafedrasida o'qituvchisi

Пятый слой на глубине от 180 до 370 см сухой, ожелезненный, средний суглинок с многочисленными слабоокатанными включениями эффузивных пород. Слой очень плотный, много ожелезненных пятен, контакты четкие.

Шестой слой мощностью от 370 до 410 см сухой, щепнистый до крупно песчанистого, сильно ожелезненный, плотный.

Седьмой слой на глубинах от 430 до 550 см сухой, светло коричневый, очень плотный с многочисленными ожелезненными пятнами. Средний до тяжелого, монотонный суглинок, с включением угловатых обломков горных пород от 5 до 10 см.

Слой восемь на глубине от 550 до 690 см сухой, тяжелый суглинок, светло коричневого цвета, с редкими включениями линз грубо обломочного плохоокатанного материала, контакты четкие.

Девятый слой на глубине от 690 до 980 см суглинок сухой, светло коричневый, при высыхании очень плотный. На стенке расчистки образовались вертикальные трещины, встречаются хаотические включения обломков горных пород.

Таким образом, в результате проведенного исследования было определено, что погребенные почвы, присутствующие в разрезе кольбулак, четко отличаются от лёссовидных суглинков, разделяющих их между собой. При этом палеопочвы хорошо структурны, имеют заметный буроватый, или коричневый цвет, тогда как суглинки представляют собой серую, мучнистую, порошистую породу.

Список литературы

1. Абдуназаров У.К., Тойчиев Х.А., Стельмах А.Г. // Методическое пособие для специалистов географического и геологического направлений. – Ташкент, 2012. – 100 с.

2. Стельмах А.Г. Палеомагнитные и палеопочвенные критерии в стратиграфии плейстоцен-голоценовых отложений Чирчик-Ахангаранского региона // Вестник НУУз, направление естественных наук, 3/1. – Ташкент: НУУз, 2016. – 185–188.

SAKRAL LANDSHAFTLAR MADANIY LANDSHAFTLAR TIZIMIDA

Abdullayev S.I., Nazarov M.G., Murtazayev B.Ch.*

Qarshi davlat universiteti

Sayyoramizning deyarli barcha katta – kichik hududlarida tarqalgan hozirgi landshaftlar inson faoliyati tufayli bevosita yoki bilvosita muayyan darajada o'zgartirilgan. Shu sababli hozirgi landshaftlar asosan antropogen landshaftlarning ozmi – ko'pmi o'zgartirilgan tabiiy landshaftlar bilan bo'lgan hududiy birikmasidan iborat. Umuman olganda, Yer sharida ma'lum darajada o'zgartirilmagan tabiiy landshaftlar deyarli saqlanib qolmagan, deb hisoblash mumkin. Chunki geografik qobiqdagi modda va energiyaning uzluksiz aylanma harakati tufayli inson faoliyatining ta'siri ostida bo'lmagan Antarktida va Antarktikaning, baland tog' mintaqalarining landshaft komponentlarida ham namoyon bo'ladi.

* **Abdullayev Suyun Ismatovich** - QarshiDU Geografiya kafedrasida dotsenti g.f.n.

Nazarov Maqsud Geldiyorovich - QarshiDU Geografiya kafedrasida o'qituvchisi.

Murtazayev Bahrom Choriyevich - QarshiDU Geografiya kafedrasida kata o'qituvchisi

Hozirgi paytda muayyan hudud tabiatidan foydalanish jarayonida vujudga kelgan antropogen landshaftlarning mavjudligini ko'pchilik olimlar e'tirof etishadi. Ammo, antropogen landshaftlarning terminologik, tizimga solish va tasniflashga doir masalalar borasida hanuzgacha yakdillik yo'q. Antropogen landshaftlar o'zgarish darajasiga ko'ra turli-tuman bo'lgan hozirgi landshaftlarning muayyan bir turini tashkil etadi. Shu sababli hozirgi landshaftlarni tasniflash antropogen landshaftlarning mohiyati va xususiyatlarini ochib berish imkoniyatini beradi. "Madaniy landshaft" termini hozirgi ma'noda F.Zigrayning taxminicha birinchi bor N. Krebs tomonidan 1923-yilda ilmiy muomalaga kiritilgan. Insonning xo'jalik faoliyati jarayonida shakllangan landshaftlarni madaniy landshaftlar deb atash rusumga kirdi. "Madaniy landshaft" konsepsiyasining asoschisi bo'lgan K.Zauer (1925) fikricha, inson tomonidan o'zlashtirilgan hudud insonga nisbatan ibtidoiy tabiiy landshaftni, tabiiy obyektlar majmuasi tabiiy landshaftni hosil qiladi; landshaftning batamom shakllanishida esa tabiiy hududning xususiyatlari va tabiiy landshaftda insonning faoliyati tufayli yaratilgan madaniy landshaft ishtirok etadi. Bu sistemada madaniyat faol agent, tabiiy muhit vosita, madaniy muhit natija bo'ladi. Inson o'zining tabiiy muhiti doirasida uni madaniy landshaftga aylantiradi. K.Zauer landshaftning batamom shakllanishida tabiiy hududning xususiyatlari va tabiiy landshaftda insonning faoliyati tufayli yaratilgan madaniy landshaft ishtirok etadi va bu tizimda madaniyat agent, tabiiy muhit vosita, madaniy muhit natija bo'ladi, deb hisoblagan

"Madaniy landshaft" terminini qo'llagan amerikalik geograflarning ko'pchiligi har qanday aholi yashaydigan hududning hozirgi (ya'ni madaniylashgan) landshaftini nazarda tutadi (Hartshorne, 1939). L.D.Stampning (1976) fikricha, quruqlikning aholi istiqomat qiladigan katta qicmida tabiiy landshaft inson tomonidan muayyan darajada o'zgartirilgan va madaniy landshaftga aylantirilgan. Bu mazmundagi madaniy landshaft umumiy (total), ya'ni tabiiy va madaniy elementlardan tashkil topgan landshaftdan iborat. Madaniy landshaftlar inson tomonidan o'zining amaliy ehtiyojlarini qondirish uchun ataylab, ongli ravishda barpo qilingan, tuzilmasi inson tomonidan jamiyat manfaatlarini ko'zlagan va ilmiy asoslangan holda oqilona o'zgartirilgan landshaftlardir. Madaniy landshaftlar hozirgi paytda quruqlik yuzasining 63-65%ini tashkil etadi. **Shunday qilib**, tabiat va insonning tadrijiy o'zaro ta'siri, uning sotsial-madaniy va xo'jalik faoliyati natijasida shakllangan hamda barqaror o'zaro aloqa va o'zaro taqazodagi tabiiy, madaniy va sotsial-iqtisodiy komponentlarning o'ziga xos barqaror birikmalaridan iborat bo'lgan tabiiy-madaniy hududiy kompleks *madaniy landshaft* deyiladi. Madaniy landshaftning hozirgi paytdagi talqiniga ko'ra, antropogen landshaft madaniy landshaftning bir turidir. Madaniyat xiliga, shuningdek sotsial-madaniy va xo'jalik faoliyatining saviyasiga bog'liq holda joyning madaniy o'zlashtirilishning va, monand holda, madaniy landshaftlarning turli xillari shakllanadi. Hozirgi paytda insonning asosiy hayoti va faoliyati aynan madaniy landshaftlar doirasida kechadi. Madaniy landshaftning xossasi bu qarama-qarshi landshaft xossasi bo'lib, unda bir tomondan tabiiy landshaftning funksiyalari (muhit hosil qiluvchi, resurslarni qayta tiklash, biosfera genofondini asrash va b.), ikkinchi tomondan esa, inson hayotining moddiy va ma'naviy jihatdan qulay sharoitlarni yaratish maqsadida joylarni shinamlashtirish funksiyalari saqlab qolinishi lozim. Qarama-qarshi madaniy landshaf Inson

tomonlarini taхлил қилиш, жорий вақтдаги позициясини ва хавф эҳтимолларини аниқлашгина эмас, балки анча кўрсаткичларни ўзаро алоқадорликда таҳлил қилиб чиқиш, алоҳида ўзгаришлар ҳамда кўзда қутилмаган вазиятлар вужудга келиши таваккалларини баҳолаш ҳам зарур бўлиб, бу олий ўқув юртига географ кадрларни тайёрлаш бўйича ўз муҳитидаги ўзгаришларга вақтида жавоб бера олиш имкони беради.

Шуни эсда тутиш лозимки, олий ўқув юртининг географ кадрларни тайёрлаш бўйича стратегик бошқаришни амалга оширишда ва стратегияни танлаб олишда асосийси бўлиб стратегиянинг белгиланган мақсадларга эришишни таъминлайдиган даражадаги муассаса мақсадларига ва унинг ички салоҳиятига мос келиши саналади. Шунингдек, ташқи муҳит ҳолати (унинг характеристикалари муассасанинг ташқи салоҳияти ёки ташқи муҳит салоҳияти сифатида белгилаш имкони беради) ҳам эътиборга олиниши зарурдир.

Бундан ташқари, таҳлил қилинаётган объект (муассаса салоҳияти) ёки унинг фаолият юритиш муҳитининг ҳолати ўзгариши таваккалларини ҳам инкор этиб бўлмайди. Бу шу билан боғлиқки, муҳитнинг ўта юқори динамикиги шароитларида ривожланишнинг номуқобил йўли салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Қандайдир кўзда тутилмаган вазиятнинг вужудга келиши таваккали у рўй берганда ташкилот ёки муассасанинг олдига қўйилган мақсадларга эришишни ортга суриши ёхуд ташкилотнинг бу йўлда олға қараб ҳаракат қилишини самарасиз қилиб қўйиши муқаррардир. Яъни, мазкур омилнинг инкор этилиши келгусида стратегик режалаштиришда кўзда тутилган вазифалар бажарилишида муаммоларни келтириб чиқаради. Юқорида айтиб ўтилганларга кўра, география мутахассисларини тайёрловчи олий ўқув юртининг географ кадрларни тайёрлаш бўйича стратегик ривожланиши йўналишини танлаб олишда қуйидаги омилларга алоҳида эътибор қаратиш тавсия қилинади:

1. Олий ўқув юрти салоҳияти (бошқарув, маркетинг, молиявий масалалар, ходимлар ва шу кабилар).
2. Таваккаллар (ташқи ва ички).
3. Ташқи муҳит салоҳияти (технологиялар, сиёсат, маданият, конунчилик, таълим хизматлари бозори, бошқа бозорлар ва шу кабилар).

Шунингдек, олий ўқув юртида географ кадрларни тайёрлаш бўйича иқтисодий стратегиясининг оптимал йўналишларини танлаб олишнинг ҳозирги замон шароитларида ахборотларни йиғиш, уларни қайта ишлаш ва тақсимлаш жараёнига алоҳида ёндашиш талаб қилинади. Шубҳасизки, барча ахборот мажмуаси олий ўқув юртининг кадрлар тайёрлаш бўйича стратегиясини ишлаб чиқишда эътиборга олиниши лозим, лекин унинг асосига фақат стратегияни тўғри танлаб олишга ёрдам берадиган ахборотларгина олиниши керак. Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, ахборотлар йиғиндиси ҳар бир стратегик вазият учун индивидуаллашган тарзда танлаб олинади.

Бундан ташқари, стратегик ахборотларнинг яна бир мезони бўлиб унинг таъсири муҳимлиги ҳисобланади. Ҳозирги замон шароитларида мавжуд вазиятни тўғри баҳолаш олий ўқув юртининг фаолияти самарадорлигини ошириш имконини берадиган даражадаги ва шу билан бирга унинг узлуксиз

тузилмаси, асосий ҳаракатлантирувчи кучлари ва рақобатчиликнинг интенсивлиги кабилар ҳисобга олинади.

2. Олий ўқув юртининг географ кадрларни тайёрлаш бўйича таълим хизматлари бозоридаги позициясини тавсифловчи омиллар гуруҳи, бу ерда асосан олий таълим муассасасининг географларни тайёрлаш бўйича миллий ва халқаро таълим хизматлари бозоридаги тутган ўрни, географ кадрларни тайёрлаш бўйича таълим хизматлари бозоридаги имкониятларидан фойдалана олиш салоҳияти кабилар кўриб чиқилади.

3. Олий ўқув юртининг географ кадрларни тайёрлаш бўйича фаолияти кўлами, бунда олий таълим муассасасида бундай кадрлар тайёрлаш бўйича амалга оширадиган илмий тадқиқотчилик, географларни тайёрлаш бўйича таълим хизматлари ўлчами билан боғлиқ ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти стратегияларининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилади.

4. Вақт омили, мазкур омил қарорлар қабул қилишда олий ўқув юртининг географ кадрларни тайёрлаш бўйича у ёки бу фаолият йўналишида муваффақиятга ёхуд муваффақиятсизликка учрашига катта таъсир кўрсатиши мумкин. Юқори малакали географ кадрларни тайёрлаш бўйича яхшигина стратегик режалаштириш ғоясининг ноқулай вақтда амалга оширилиши кўплаб муаммоларни вужудга келтириши мумкин. Вақт ўтиши одатда вазиятнинг ўзгаришини шарт қилиб қўяди. Агарда бу ўзгаришлар сезиларли даражада катта бўлса, вазият стратегик бошқарув қарорлари қабул қилинишини амалда самарасиз қилиб қўяди.

5. Вақтдан ўзиб кетиш эҳтимоли, ўта фаол олий ўқув юртлари айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра бўлажак “ўлик қаҳрамонлар”га айланиб қолишлари мумкин. Яъни, олий ўқув юртининг кадрлар тайёрлаш бўйича фаолиятидаги вазиятларнинг келгусидаги ўзгаришларига ҳаддан ташқари эрта жавоб бериш зарур эмасдир.

6. Таваккалларнинг қабул қилиш мумкин бўлган даражаси, таваккал ҳар қандай ташкилий тузилма амал қилишининг омили бўлиб ҳисобланади, лекин таваккалнинг ўта юқори даражаси унинг йўқ бўлиб кетишига олиб келади. Бошқа томондан эса, меъёрдаги ва минимал таваккал олий ўқув юрти учун географ кадрлар тайёрлаш бўйича ўз стратегиясини танлаб олиш диапазонини сезиларли равишда қисқартиради.

Олий ўқув юртининг юқори малакали географ кадрлар тайёрлаш бўйича стратегиясини танлаб олишдаги муаммолардан бири бўлиб мазкур йўналишдаги ахборотларнинг етарли эмаслиги саналади. Шунинг учун географ кадрларни тайёрлаш бўйича стратегияни танлаб олиш масалаларидан бири бўлиб тадқиқ қилинаётган объект ҳақидаги ахборотларнинг тўлиқсизлиги таваккални минималлаштириш, олий ўқув юртининг кадрлар тайёрлаш бўйича келгусида самарали фаолият юритиши ва ривожланиши учун йўналишни тўғри танлаб олиш имконини берувчи мос ҳолдаги таҳлил тизимларидан фойдаланиш бўлиши керак.

Мана шунга боғлиқ ҳолда олий ўқув юртининг географ кадрларни тайёрлаш бўйича келгусидаги истиқболли ривожланиши стратегиясини ишлаб чиқиш методикасини белгилаш учун нафақат унинг кучли ва ожиз

томондан оқилona yaratilgan madaniy landshaft bo`lg`usi noosferaning asosi bo`lishi lozim. Yevropaning ko`pgina mamlakatlarida, AQShda, keyingi yillarda Rossiya geografiyasida madaniy landshaft tabiiy-madaniy meros sifatida tadqiq qilinadi. Madaniy landshaftning bu konsepsiyasiga ko`ra, madaniy landshaft kontekstual, ya`ni qo`shilgan (o`zaro aloqada) bo`ladi, landshaftda uzilib qolgan joylar bo`lmaydi. Bu konsepsiya xalqaro darajada ham tan olingan. Tabiiy va madaniy meroslarni asrab qolishda landshatlar, birinchi navbatda madaniy landshaftlar bilan ish olib borishni taqozo etadi (Kaluskov, Krasovckaya, 2000; Kaganckiy, 2001; Isachenko, 2003; Vedenin, Kuleshova, 2001 va b.).YUNESKO tomonidan qo`llaniladigan ko`rsatmalardagi tuhunchalar tizimida yaratilgan madaniy landshaftlar tipologiyasida hunarmandchilik, sakral qo`riqlanadigan, memorial, relik va qazilma landshaftlar ajratiladi.

YUNESKO hujjatlariga binoan qazilma landshaftlar odatda arxeologik yoki paleontologik merosning yodgorliklari (qadimiy shaharlarning qoldiqlari, qo`rg`onlar komplekslari, qadimiy vohalar yoki landshaft qiyofasini shakllantirgan madaniy umumiylikning geografik areali o`rniga kelgan, ammo batamom yo`qolgan yoki madaniy traditsiyalarni olib yurish funksiasini yo`qotgan vohalar)dan iborat. Qazilma landshaftlar odatda arxeologlar va paleontologlar tadqiq qiladigan soha. mohiyatiga ko`ra ular relik landshaftlardir. Turli muqaddas va tabarruk joylar, ibodatxonalar va boshqa diniy dargohlar, nekropollar va boshqa tafal landshaftlar, diniy marosimlar o`tkaziladigan joylar esa *sakral landshaftlardir*. Ular muayyan diniy kultlarni o`tkazish, diniy amallarning rivojlanishi, ibodat marosimlarini bajarish tufayli shakllangan va shu maqsadlar uchun mo`ljallangan. Sakral landshaft sayyoramizdagi kishilar yashaydigan har bir hudud madaniy, tarixiy landshaftning bir qismidir (Volovik, 2013). Landshaftshunoslik yondashuvida sakral landshaftlarning katta qismi tabiiy va sotsial-iqtisodiy geosistemalar birgalikda mavjud bo`lgan *antropogen landshaftlardir*. Antropogen landshaft toifasidagi sakral landshaft tushunchasi o`z tarkibiga nafaqat monand funksiyani bajaradigan landshaft komplekslarini, balki seliteb, qishloq xo`jaligi va suv landshaftlariga mansub bo`lgan xo`jalik va ma`muriy funksiyalarni bajaradigan hududlarni ham o`z ichiga oladi. Umumjahon merosi konsepsiyasi uchun muhim mazmundagi ahamiyatga ega bo`lgan holda “sakral landshaft” mantiqan “madaniy landshaft” tushunchasi bilan bog`liq. Tabiiy muhitning o`zgarishi tarixiy va qadimiy, shu jumladan sakral landshaftlarni o`zgartiradi. Ularning ko`pchiligi arxeologiya yodgorliklarini tashkil etadi.Landshaftning antropologik tarkibiy qismi, kishilarning uning bunyod qilishdagi intellektual va ma`naviy faoliyatining muhim natijasi. Sakral landshaft - yanada yirikroq sotsial-madaniy hosilaning – madaniy landsahftning qismi. Sakral landshaft geografik makonning virtual qismi bo`ladi.Umumjahon merosi yodgorliklariga qadimiy tarixning mazmuniga ko`ra xilma-xil monumentlari mansub va ular hozirgi sakral landshaftlarni shakllantiradi. Bu yodgorliklar va yodgorlik komplekslari sakral landshaft uchun sistema hosil qiluvchi bo`ladi. Qoya toshlardagi ibodatxonalar (rasm chizilgan qoyalarni tog` ibodatxonalari deb atash mumkin) sakral landshaftlarning yadrosi yoki markerlari bo`lib xizmat qiladi. Boshqacha aytganda, bu – qoya san`atining yodgorliklari, qadimiy ibodatxonalar, ayrim manzillar, plitali qabrlar, yodgorlik toshlari va b. Hududiy etnik madaniyat ta`siri

ostida sakral landshaftlarning hosil bo'lishi iyerotopiyada (muqaddas joyda) - sakral makonda kechadi. Sakral makon tor (diniy) va keng (asl sakral) mazmunda qaraladi. Diniy makon etnik - madaniy regionni va kult landshaftlarini shakllantiradigan ritual obyektlardan iborat. Etnos va sakral o'zaro ta'sirda bo'ladigan joy *etnik – madaniy landshaftning* shakllanishi uchun dastlabki asos bo'ladi. Keng mazmunda sakral makon sakral joylardan (landshaftlardan) iborat. Sakral makon ham antropogen, ham tabiiy obyektlarni o'z ichiga oladi.

YUNESKO madaniy merosi ro'yxatida madaniy qadriyati muqaddaslik ma'nosi yoki madaniy maqsadning mavjudligi bilan belgilanadigan hududiy komplekslar sakral landshaftlarga mansub deb belgilangan. Sakral landshaftlarni o'rganish uchun landshaftshunoslik (sakral landsaftlarning noyob xossalari), tarixiy – landshaft (turli qatlamlardagi sakral makon), etnik-ekologik (sakrallashuv jarayonlari), psixologik (sakral va profan landshaftlarning obrazi), etnologik (sakral landshaftlarning energiya – axborot tuzilmalari) yondoshuvlaridan foydalanish mumkin (Volovik, 2013). Sakral landshaftni etnosning diniy faoliyati va madaniy merosi (sakral yodgorliklar, majmualar va ansambillar) bilan bog'liq bo'lgan etnik-madaniy landshaftning bir qismi sifatida qarash lozim. An'anaviy sakral landshaftlar jumlasiga kult ob'ektlari va ritual joylar (asl sakral landshaftlar) va dafn qilish joylari (tafal landshaftlar) kiritiladi. Sakral joy (Sacred Site) sakral landshaftning strukturaviy elementi va turli davrlar va dinlarning kult inshootlari bo'lgan joylari bo'lib, unga xos ko'rinishni (konfiguratsiyani) shakllantiradi. Muqaddas joylar sakral landshaft hududini qisman band etishi mumkin. Faoliyatning bu turlarining ta'siri nuqtali sakral joylarning mavjudligi bilan cheklanadi va butun kompleksni band etmaydi. Boshqa hollarda sakral landshaft sakral joyga o'xshash yoki sakral joylar bunday landshaftning semantik markazlari bo'lib xizmat qilishi mumkin. Madaniy landshaftdan farq qilgan holda sakral joy hududiy kompleks bo'lmasligi mumkin va u nuqtasimon obyekt – sakral funksiyaga ega bo'lgan tosh, daraxt, buloq va boshqa obyektlar bo'lishi mumkin. Butun geografik topos – tog'ni, vodiyni, daraxtzorni, orollarni, ko'llarni va boshqa shunga o'xshash obyektlarni qamrab olgan sakral joylar sakral landshaftlarga aynan o'xshash bo'ladi. Madaniy landshaftning semantik maydonining asosi nuqtalari bo'lgan sakral joylar odatda kult amallarining va diniy faollikning markazlaridan iborat bo'ladi va ular butun landshaft rivojlanishini va uning morfologik xususiyatlarini belgilaydi.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ТОҒ ВА ТОҒОЛДИ ХУДУДЛАРИНИНГ РЕКРЕАЦИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Абдумўминов Б.О.*

Термиз давлат университети

Ўзбекистон табиати ва табиий ресурсларини рекреация мақсадида баҳолаш географиянинг hozirgi кундаги муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Республикаимизнинг рекреация жиҳатидан бой масканлари кўпроқ тоғ ва тоғолди ҳудудларида бўлиб, улар республика майдонининг 21,3 % ини ташкил этади. Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғолди ҳудудлари орасида Сурхондарё

* Абдумўминов Баходир Одинаевич – ТерДУ География кафедраси ўқитувчиси.

имзоланган халқаро ва давлатлараро шартномалар ҳақида билиш ва айта олиш кабилар белгиланган;

2) **биология** ўқув фанини ўқитишнинг мақсади ўқувчиларга тирик организмларнинг тузилиши, кўпайиши, келиб чиқиши, хилма-хиллиги, ўзаро муносабатлари, муҳофазаси, табиат ва инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақидаги билимларни бериш, ўқувчиларнинг илмий дунёқарабини кенгайтириш, мантикий ва ижодий фикрлашини шакллантиришдан иборат бўлиб, уни ўқитиш *вазифалари* сирасига:

а) тирик организмларнинг яшаш муҳитига мосланишларининг вужудга келиши механизмлари ҳақида маълумот бериш;

б) ўқувчиларни ўзларининг ва ўзгаларнинг саломатликларини сақлашга, соғлом турмуш тарзига риоя қилишга йўналтириш;

в) табиат ва унинг барча бойликларига оқилона муносабатда бўлиш фазилатларини ёш авлод онгига сингдириш кабилар киритилган.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ ГЕОГРАФ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Сатторов А.У.*

Термиз давлат университети

География мутахассислиги бўйича географ кадрларни тайёрловчи олий ўқув юрти раҳбарияти бу йўналишда юқори малакали географ кадрлар тайёрлашда оптимал равишда фаолият юритишга эришиш учун яхши ишлаб чиқилган ривожланиш стратегиясига эга бўлиши лозим бўлиб, бу ўз навбатида унинг олдида ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишда ўзининг кучли томонларига таянишни ва улардан максимал фойдаланишни таъминлаш талабини қўяди. Айнан мана шундай ёндашув билан бундай олий ўқув юртлари фаолиятида юқори малакали географ кадрлар тайёрлаш фаолиятини стратегик бошқариш борасида замонавий илм-фандаги энг мураккаб ва қарама-қаршилиги кучли бўлган босқич олий ўқув юрти фаолияти стратегиясининг оптимал йўналишларини танлаб олиш боғлиқ бўлади.

Олий таълим муассасаларида юқори малакали географ кадрларни тайёрлаш фаолиятини стратегик бошқаришнинг турли бўғинларидаги раҳбарлар томонидан амалга ошириладиган стратегик бошқарув усулини танлаб олишга турли хил кўриниш ва хусусиятдаги вазиятли омиллар таъсир кўрсатиб, улар сезиларли микдордаги комбинациялар ҳажмини шакллантиради. Уларнинг ичида олий таълим тизимида географ кадрларни тайёрлаш фаолиятини стратегик бошқариш борасидаги энг асосийлари сафида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Олий таълим тизимида географ кадрларни тайёрлаш ҳолатини тавсифловчи омиллар гуруҳи, бу ерда биринчи ўринда олий таълим тизимида география мутахассисларини тайёрлашнинг ҳаётий цикли босқичи ва

*Сатторов Абдусамат Умиркулович – ТерДУ “География” кафедраси катта ўқитувчиси, г.ф.н.

геоэкологик маданиятга эга бўлган ўқувчигина илмий ва амалий геоэкологик билимларни маҳаллий, минтақавий-миллий ва глобал миқёсда чуқур таҳлил қилиб, табиат (атроф-муҳит) билан тўғри, оқилона мулоқот ўрната олади. Шу туфайли мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари географияси ва биологияси таълими олдида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 187-сон қарори билан умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари бўйича малака талабларига мувофиқ таълим муассасасининг тури ва хусусиятларини инobatга олган ҳолда янгиланган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш вазифаси юклатилган.

Чунончи, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими (шу жумладан, ўқув фанлари чуқур ўрганишга ихтисослаштирилган) муассасаларида:

1) **география** ўқув фанларини ўқитишнинг *мақсадларидан бири* жамият ва табиатнинг ўзаро боғлиқлиги, географик объектлар, жараён ва ҳодисалар, Ер юзининг табиий манзараси, табиатдан оқилона фойдаланиш, Ер юзидаги глобал экологик муаммолар ҳақида фикр-мулоҳаза юритишга ўргатиш, табиатни қадрлаш ва муҳофаза қилиш, олган назарий билимларини амалда қўллаш маҳоратини шакллантиришдан иборат бўлиб, уни ўқитиш *вазифалари* сирасига ўқувчиларда атрофимиздаги оламга, ўз Ватанига муҳаббат ҳиссини уйғотиш, табиатни асраш ва муҳофаза қилиш, назарий билимларини амалда қўллаш малакаларини шакллантириш, табиатни кузатиш, таҳлил қилиш кабилар киритилган.

География ўқув фанлари бўйича битирувчиларга қўйилган *табиатни муҳофаза қилиш ва экологик маданият компетенциясида*:

ўзи яшайдиган жой табиати, Ўзбекистондаги табиат бойликлари, диққатга сазовор табиат объектлари, уларни муҳофаза қилиш ҳақида айтиб бера олиш;

теварак атрофдаги табиий муҳитни (сув, ҳаво, тупроқни) асраб, улардан тежамкорлик билан фойдалана олиш;

мамлакатимизнинг чўл, водий-воҳа, адир, тоғ, яйлов минтақаларида табиатни муҳофаза қилиш ҳақида билиш ва айтиб бера олиш;

табиатдан оқилона фойдаланиш, инсоннинг табиатга таъсири, глобал ва минтақавий экологик муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини билиш ва мисоллар билан тушунтира олиш;

табиий ресурсларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида айта олиш;

Ўзбекистон Республикасидаги муҳофаза этиладиган ҳудудлар, уларнинг турлари, ҳудудий жойлашуви ва амалий аҳамиятини айта олиш ва мисоллар билан изоҳлай олиш;

турли табиий ресурсларнинг ҳудудий тарқалиш қонуниятлари ҳақида айта олиш ва уларни мисоллар билан изоҳлай олиш;

Ўзбекистондаги экологик муаммоларнинг моҳияти ва келиб чиқиши омилларини билиш, минтақадаги ягона экологик муҳит, трансчегаравий экологик муаммолар моҳиятини тушуниш;

ҳалқаро ташкилотлар ва турли давлатлар томонидан глобал экологик муаммоларни ҳал этишга қаратилган хатти-ҳаракатлар, бу борадаги тузилган ва

вилоятининг ўрни алоҳидадир. Денгиз сатҳидан мутлоқ баландлиги 600 м дан юқори бўлган ҳудудлар Сурхондарё вилояти умумий майдонининг 64 % ини ташкил этади. Ушбу кўрсаткич бўйича Сурхондарё вилояти республикамизда 1-ўринда туради. Сурхондарё вилояти ҳудуди республикамиз ҳудудининг 5 % га яқинини эгаллаган ҳолда унинг тоғ ва тоғолди ҳудудлари мамлакатдаги шундай майдоннинг 14 % ини ташкил этади. Бундан кўриниб турибдики, Сурхондарё вилояти тоғ ва тоғолди ҳудудлари рельефи, иқлими, сувлари ва ўсимликлар дунёсининг рекреацион қиймати жуда юқоридир. Сурхондарё вилоятининг марказий ва жанубий қисмлари текислик бўлиб, шимолий қатта қисмида Ҳисор тоғ тизмаларининг давоми бўлган Бойсунтоғ, Қўхитантоғ, шарқий қисмида эса Боботоғ жойлашган. Тоғ ва тоғолдиларида йилига 445-626 мм гача, баланд тоғларда 630 мм гача ёғин ёғади. Энг йирик дарёлари Тўпаланг, Сангардак, Хондизза, Хўжаипок, Сурхондарё, Мачайдарё, Шерободдарёдир. Сурхондарё вилоятида 320 дан зиёд булоқлар рўйхатга олинган.

Сурхондарё вилояти текисликларда оч ва типик бўз тупроқлар, дарё қайирларида ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар, тоғолди ва тоғларда оддий ҳамда тўқ бўз тупроқлар, чимли, кўнғир ва оч кўнғир тупроқлар тарқалган. Тоғларда эфемер бошоқли ўсимликлар, баланд тоғларда хилма-хил ўсимликлар-дарахт ва буталардан арча, ёввойи мевали дарахтлар, чинорлар, ёнғоқлар, балх тутлари, Боботоғда пистазорлар бор. Амударё воҳаси, Сурхондарё қайирлари ва Оқтепа сув омбори атрофида тўқайлар учрайди. Тоғларда жайрон, тоғ эчкиси, ёввойи чўчка, силовсин, бўри, шокол, кўнғир айик, жайра, қушлардан қирғовул, қалик, тўрғай учрайди. Дарё ва сув омборларида лакқа, оқ амур, фарел, зоғора балиқлари бор.

Ўзбекистон ландшафтларини Л.Н.Бабушкин, Н.А.Когайлар комплекс ўрганиб, “Ўзбекистонни табиий-географик районлаштириш” китобида Сурхондарё округини 3 та табиий районга ажратиб тавсиф беришган. Ш.Эргашев Сурхондарё вилояти табиий географиясини, табиий-географик ландшафтларини махсус ўрганиб, бу ҳудуднинг харитасини тузган.

Сурхондарё вилояти табиий иқлимий шароити ва экзотик табиати, бу ерда рекреацион дам олиш зоналарини ривожлантириш, аҳолининг соғлигини тиклаш ва табиат неъматларидан тўлароқ баҳраманд олиш учун қатта имкониятлар мавжуд. Масалан, Бойсун-Ҳисор тоғларидан топилган минерал булоқлар асосида ташкил этилган Омонхона, Вандоб, Болалар сил қалсалликлари санаториялари, Вахшивор, Хондизза дам олиш ва даволаниш масканлари, Мироб, Чинорбулоқ, Чашма, Қулниёзов балалар оромгоҳи шулар жумласидандир. Бу санаториялар, дам олиш масканлари, болалар оромгоҳларида йилига минглаб беморлар, дам олувчилар ва болалар ўз соғлиқларини тиклаб дам оладилар.

Сурхондарё вилоятининг Мачай, Тешиктош ғорлари, Сангардак шаршараси, Тўпаланг, Дегрез, Жанубий Сурхон сув омборларида бир кунлик, уч кунлик ва ҳафталик саёҳатларни ташкил қилиш орқали аҳолини табиатнинг ноёб ёдгорликлари билан таништириш ва улардан эстетик завқ олишларини таъминлаш мумкин. Саёҳат учун энг қулай вақт май-август ойлари бўлиб, ўлканинг иқлимий хусусиятларидан келиб чиқиб, сув спорти, ўсимликлар

йиғиш ва дам олиш учун турли маршрутларни тузиш мумкин. И.Хасанов ўзининг “Ўзбекистоннинг тоғ ва тоғолди ҳудудлари рекреация имкониятлари” мақоласида тоғ ва тоғолди зонасида чўл-дашт, курук-дашт, ўрмон-ўтлок-дашт, дашт-ўтлок-дашт ва гляциал-нивал (совуқ минтақа) зоналарини ажратади. Сурхондарё вилоятида ҳам рекреация имкониятларини мана шу зоналар бўйича тавсифлаш мақсадга мувофиқ.

Омонхона дам олиш ва даволаниш маскани шифобахш булоқлар асосида ташкил этилган бўлиб, 30 ўринга мўлжалланган ва йилига 500-550 бемор даволанади. Бу ерда ошқозон-ичак касалликлари, гастрит, дуодинит, сурункали гепатит, жигар церрози, ўт-тош касалликлари, ошқозон ости без касалликларини даволанади.

Хўжайкон даволаниш маскани, туз кони асосида ташкил этилган. Бунда ўпка ва нафас олиш йўллари касалликлари, бўғимлардаги оғриқлар даволанадиган махсус хоналар мавжуд. Бу ерда даволаниш учун йилига юзлаб беморлар республикамизнинг деярли барча вилоятлари ва кўшни давлатлар – Тожикистон, Афғонистондан ҳам ташриф буюришади.

Сурхондарё вилоятининг Жанубий Сурхон, Тўпаланг сув омборлари, тўқайлар, дарё бўйлар ва минерал булоқлари асосида дам олиш ва соғлиқни тиклашни ташкил этиш имкониятлари мавжуд. Аммо бу ерлар рекреацион дам олиш мақсадларида илмий жиҳатдан ўрганилмаган.

Сурхондарё вилоятининг тоғ ва тоғолди ҳудудлари рекреация ресурсларидан фойдаланишни келажакдаги истиқболдорлик. Шу сабабли ҳам бу ҳудудлардаги рекреация объектларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва баҳолаш лозим. Бу эса бугунги кун ёш олимларидан ўлка табиий шароити, рельефи, иқлими, ички сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот оламини ҳамда ландшафтларини комплекс ўрганилган ҳолда чуқур илмий изланишлар олиб боришни талаб қилади. Асосий вазифа рекреация имкониятларидан меъёрида, она табиатга зарар етказмай фойдаланишдан иборат.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ички туризмни ривожлантириш ва шу асосида туризм соҳасини янада ривожлантириш масалаларига кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Бу соҳани ривожлантириш нафақат Сурхондарё вилояти, балки республикамиз иқтисодиёти ҳамда туризмнинг ривожига ижобий таъсир этади.

ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ТАЪЛИМОТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Алимқулов Н.Р., Аллаёров Р.Х., Музафаров Т.Ў.*

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Табиий географик таълимотлар XX асрда ишлаб чиқилган бўлсада, табиий географиядаги илмий таълимотларнинг асосий ғояларини вужудга

*Алимқулов Нусратулда Рахмонқулович – Низомий номидаги ТДПУ География ўқитиш методикаси кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент.

Аллаёров Руслан Хайкал ўғли – Низомий номидаги ТДПУ Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (география) мутахассислиги магистранти.

Музафаров Темур Ўткирович – Низомий номидаги ТДПУ География ўқитиш методикаси йўналиши талабаси.

республикамизда геосиёсий ва давлатлараро геозеологик муносабатларни самарали йўлга қўйиш, ҳар қандай ишлаб чиқаришда чиқиндисиз, кам чиқитли ва экологик тоза технологияларни тўлиқ жорий этиш, табиатдан мумкин қадар чекланган эҳтиёжлар асосида мувозанатли фойдаланиш, атроф-муҳит муҳофазаси ва унинг иқтисодий механизмларини ривожлантириш, экологик ҳуқуқбузарлик учун маъмурий-ҳуқуқий чоралар кўриш, аҳолининг, биринчи навбатда, умумий ўрта таълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг экологик маданиятини (экологик муносабати, экологик онги ва экологик фаолиятини) ривожлантириш орқали табиат ва жамиятнинг ўзаро уйғун барқарор тараққиётни таъминлаш масалаларига устувор даражада эътибор қаратилмоқда. Жаҳондаги барча мамлакатлар каби Ўзбекистонда ҳам айнан географик муҳит ҳолати муайян ҳудудлардаги экологик вазиятни белгилаши туфайли шахс ва жамиятнинг моддий ва маънавий маданияти борган сари геозеологик мазмунга эга бўлиб бормоқда

Бу масалаларнинг ижобий ечими узлуксиз таълим тизими муассасалари, шу жумладан, мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларидаги география ва биология таълими самарадорлигига, уларнинг негизида шакллантириладиган шахс экологик маданиятига бевосита боғлиқдир. Ватанимизнинг гўзал табиати ва унинг келгуси ҳолати бугунги ўқувчининг экологик маданияти, унинг атроф-муҳитга масъулиятли муносабати билан белгиланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасига мувофиқ фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар. Зеро, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам инсон, жамият ва атроф-муҳитнинг ўзаро муносабатларини уйғунлаштириш, таълим олувчиларнинг экологик ва санитария-гигиена таълими ҳамда тарбиясини тақомиллаштириш масаласи мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларидаги таълим ва тарбия ишларининг устувор йўналишларидан бири сифатида қайд этилган.

Мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларида геозеологик маданиятни шакллантириш жараёни муайян ҳудудларда атроф-муҳитнинг ифлосланиши, табиий мувозанатнинг бузилиши, энергия ва хомашё ресурслари тақчиллиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси айрим турларининг йўқолиши каби масалалар билан боғланган чуқур экологик мазмунга эга.

Худудий, яъни маҳаллий ва минтақавий шарт-шароитларнинг тез ўзгарувчанлиги ва жўшқинлиги ҳар бир ўқувчидан атроф-муҳитда онгли хулқ-атвор ҳатти-ҳаракатлари билан ижобий мўлжал олиб, ўз ўлкаси худудини ижодий ўзлаштириш қобилияти ва кўникмасига эга бўлишни талаб қилмоқда. Бироқ маҳаллий ва минтақавий атроф-муҳит муаммоларининг кун сайин мураккаблашиб бориши билан ўқувчиларнинг атрофдаги табиий-ижтимоий муҳитда тўғри мўлжал олиш қобилияти ўртасида жиддий номувофиқликлар кузатилмоқда. Булар ўқувчи шахсининг умумий маданияти таркибида географик ва экологик маданиятнинг аҳамиятини янада кучайтирмоқда.

Мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари географияси ва биологияси - ўқувчи шахсида *геозеологик маданиятни* изчил ва узлуксиз ривожлантирадиган ва муштарак шакллантирадиган ўқув фанларидир. Фақат

мамлакатимизнинг барча ҳудудларида *табиат, атроф-муҳит ҳолати*, шаҳар ва қишлоқлар, кўча ва йўлларнинг янада гўзал ва кўркам бўлиб бораётганлиги ҳар бир фуқаро қалбида жўшқин ифтихор туйғусини вужудга келтирмоқда. Табиийки, бу жараёнлар маънавий етук, замонавий билим ва кўникмаларга эга бўлган бугунги ўқувчи – эртанги мутахассисларга географик таълим бериш, уларни касбга тайёрлаш ва баркамол шахс сифатида шакллантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, “табиат-инсон-хўжалик-атроф-муҳит” тизимида узлуксиз содир бўладиган турли-туман *ҳудудий экологик муаммолар* ва уларнинг ечимлари ҳақидаги дастлабки маълумотларга умумий ўрта таълим мактабларининг география ва биология таълими жараёнида эга бўлинади.

Республикамизда эски тузумдан мерос бўлиб қолган ўта жиддий ва ўз ечимини кутаётган долзарб геозкологик муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан, Оролбўйи минтақасида Орол денгизининг қуриши туфайли келиб чиққан ноқулай геозкологик вазият сақланиб қолмоқда, табиий ресурсларнинг чекланганлиги шароитида географик муҳитга (тупроқ, сув, биологик ресурслар ва атмосфера ҳавосига) узлуксиз антропоген таъсирлар давом этмоқда, атроф-муҳитнинг чиқиндилар билан ифлосланиши ва унинг сифати, яъни табиий шароитларнинг одам ва бошқа тирик мавжудотлар физиологик имкониятларига мувофиқлик даражаси пасайиши кузатилмоқда, табиий офатлар (қурғоқчилик, довул, бўрон, ўпирилиш-силжиш ва ҳ.к.) хавфи, шунингдек минтақанинг айрим ҳудудларида табиий ва ижтимоий омилларнинг инсон саломатлиги ва соғлом турмуш тарзига салбий таъсири қайд этилмоқда.

Республикамиз ҳудудларида “табиат ва жамият”, “инсон ва атроф-муҳит” ўзаро муносабатлари ўзига хос *геозкологик қонуниятлар* асосида кечади, бу қонуниятларни билмаслик ёки уларга риоя қилмаслик ўнглаб бўлмас экологик инкирозларга олиб келиши, экологик хавфсизликка қарши яширин таҳдидлардан бири сифатида намоён бўлиши мумкин. Таъкидлаш жоизки, дунёдаги бирорта мамлакат шу кунга қадар Орол денгизининг қуриши ва Оролбўйи инкирози каби ўткир геозкологик муаммога дуч келган эмас. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Пан Ги Мун Орол денгизининг қуриши ва Оролбўйи инкирозини «дунёнинг энг оғир экологик ҳалокатларидан бири» сифатида қайд этганлиги бежиз эмас. Шунингдек, трансчегаравий сув ресурсларидан тўғри фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳам республикамиздаги муҳим геозкологик муаммолар сирасига қиради. Шу сабабли республикамизда ҳудудлар салоҳиятини табиий-иктисодий баҳолаш ва мавжуд геозкологик вазиятларни инобатга олган ҳолда барқарор тараққиёт стратегиялари ишлаб чиқилиб, миллий ва халқаро лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ҳудудий геозкологик муаммоларнинг пайдо бўлиши аҳолининг тобора ошиб бораётган моддий-маънавий эҳтиёжлари, бу жараёнда табиатдан ноўрин ва нотўғри фойдаланиш, унга истеъмолчилик муносабатида бўлиш, шунингдек етарли даражада илмий ва амалий *геозкологик билим ва кўникмаларга* эга эмаслик ва *экологик маданият* даражаси пастлиги кабилар билан боғлиқдир.

Аслида экологик хавфсизлик муайян ҳудуддаги аҳоли ва барча тирик мавжудотлар ҳаётининг ҳимояланганлик ҳолатидир. Шу сабабли

келиши XIX асрнинг 60 йилларига бориб такалади. Бу даврда рус ва немис сайёҳлари, табиатшунос-географ олимлари томонидан кўплаб ишлар амалга оширилди. Уларнинг аксарияти (П.П.Семёнов-Тяншанский (1827-1914), Н.А.Северцов (1827-1885), А.Гумбольдт (1869-1959)) олиб борган тадқиқотлари табиат компонентларининг вертикал табақаланиши ҳақидаги ғояларнинг шаклланишига асос бўлди.

Рус географи П.П.Семёнов-Тяншанский Ўрта Осиё тоғларига саёҳати давомида (1856-1857) Тяншан тоғларини ўрганиб, унинг дастлабки орография ва вертикал зоналик схемасини тузади. Шунингдек, тоғлардаги қор чизиги ва музликларнинг катта баландликда жойлашганини аниқлаб, буни иқлимнинг қуруқлигига боғлиқ эканлигини илмий асослайди.

Яна бир рус тадқиқотчиси Н.А. Северцов эса 1857-1879 йилларда Ўрта Осиёга бир неча маротаба саёҳат уюштириб Зарафшон ва Помир тоғларининг орографияси, ўсимлик ва ҳайвонот оламини ўрганади.

География фани тарихида XIX асрнинг II-ярмидан бошлаб, илмий табиий география даври бошланди. Ушбу даврнинг бошланиши немис табиатшуноси, сайёх-географ А. Гумбольдт 1899-1904 йилларда Марказий ва Жанубий Америка бўйлаб уюштирган саёҳати давомида Анд тоғлари табиатини ўрганиши ва улар асосида ўзининг илмий қарашлари баён этилган асарлари билан боғлиқ. А. Гумбольдт табиат компонентлари орасидаги ўзаро алоқаларга эътибор қаратиб, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини иқлим билан боғлиқликда кузатиш ва баландлик минтақаланиш ҳодисасини илмий асослаб берди (А.Г.Исаченко, 2004).

XIX-XX асрларда В.В.Докучаев (1846-1903), У.М.Дейвис (1850-1934), Л.С.Берг (1876-1950), А.А.Григорьев (1883-1968), В.Б.Сочава (1905-1978) каби олимлар томонидан бир қатор илмий ғоя ва қарашлар илгари сурилган бўлиб, бундай қарашлар табиий географиядаги бир қатор назарияларнинг пайдо бўлишига, илмий географик таълимотларнинг (географик зоналик, географик қобик, географик ландшафт, геотизим ва ҳ.к.) яратилишига олиб келди. Табиий географик таълимотларнинг яратилиши табиий географиядаги асосий қонуниятларни очиб берди.

Табиий география ва ундаги асосий ғоялар, назарияларнинг ривожланиш босқичлари бир қанча олимлар томонидан даврларга ажратилиб ўрганилган.

А.Г.Исаченконинг “Табиий географиянинг асосий масалалари” (1953) номли китоби ўз вақтида долзарб бўлган учта йирик масала, яъни: ландшафт ҳақидаги таълимот, унинг ривожланиши ва ҳолати; ландшафтнинг асосий қонуниятлари; географияда микдор кўрсаткичларидан фойдаланиш масалалари кўтарилган ва уларни илмий таҳлил қилишга бағишланган.

Табиий ҳудудий мажмуалар тўғрисида махсус изланишлар олиб борган Н.Г.Сухова (1981) тўртта даврни ажратади:

- **XIX асрнинг 80-йилларидан XX асрнинг 10-йилларигача бўлган давр.** Бу табиий географик комплекс ғоясининг туғилиш давридир.
- **XX асрнинг 20-30 йиллари даври.** Бу давр ландшафт табиий географик комплекс эканлиги ҳақидаги тушунчанинг оммалашув давридир.

- **XX асрнинг 40-йилларидан 60-йилларнинг бошигача бўлган давр.** Бу ландшафт ҳақидаги таълимотнинг назарий асослари ишлаб чиқилган давр ҳисобланади.

- **XX асрнинг 60-йиллари бошидан 80-йилларгача бўлган давр,** яъни табиий географик комплекслар геотизимлар эканлиги ҳақидаги тушунчанинг ишлаб чиқилиши ва тарқалиш даври (Зокиров Ш., 1999).

И.И.Мамай (2008) ландшафтшунослик фани тарихини 4 босқичга ажратади ва ушбу фаннинг шаклланиши ва ривожланишини асосан рус олимларининг тадқиқотлари билан боғлиқлигини таъкидлайди.

Биринчи босқич 1913-1947 йилларни ўз ичига олиб, ландшафтшуносликнинг фан сифатида шаклланиши билан тавсифланади. Бу даврда ландшафт табиий географиянинг тадқиқот предмети сифатида, диалектик материализм эса ландшафтшуносликнинг методологик асоси сифатида қарор топди.

Иккинчи босқич 1948-1965 йилларни ўз ичига олиб ландшафтшуносликнинг илмий мустақиллигини ва унинг амалий имкониятларини географлар томонидан эътироф этилиши билан тавсифланади. Бу даврда бир қатор университетларда ландшафтшунослик мактаблари, янги илмий йўналишлар шаклланди. Бу фан бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратилди, монографиялар эълон қилинди.

Учинчи босқич (1970-1991) ландшафтлар динамикаси, табиий географик комплексларга антропоген таъсир ва табиатдан рационал фойдаланиш муаммоларини ечишга қаратилган тадқиқотларнинг устунлиги билан тавсифланади. Бу босқичнинг тавсифли томони шундаки, бу даврда космосдан олинган маълумотлар кенг юзага келди, тизимли ёндашув тушунчаси кенг қўлланила бошланди. Бир қатор янги тушунчалар (бир бутунлик, функциясини бажариши, ҳолатлари, барқарорлиги каби) кенг қўллана бошланди. Антропоген ландшафтшунослик (Ф.Н.Мильков, 1977) йўналиши, геотехтизимлар ҳақидаги таълимот (К.Н.Дьяконов, 1978) пайдо бўлди. Ландшафтшунослик назариясига оид бир қатор монографик асарлар нашрдан чиқди. “Ландшафтшунослик” предмети кўплаб мамлакатларнинг олий ўқув юртларида ўқитила бошланди.

Тўртинчи босқич 1992 йилдан бошланиб, ҳозирги кунгача давом этмоқда. Бу босқични муаллиф шартли равишда XX асрнинг 50-80 йилларида тўпланган ландшафт тадқиқотлари маълумотларини Ернинг космик суратларини жалб қилиш, компьютер технологиялари ва математик моделлаштириш усулларидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиш деб номлаган. Бу босқичнинг эътиборли томонларидан бири экологик йўналишдаги тадқиқотларнинг олдинги ўринга чиқиши билан белгиланади (Ш.Зокиров, 2009).

Ландшафтшуносликнинг тараққиёт тарихи билан шуғулланган В.С.Преображенский (1988) ҳам асосан уч даврни тавсифлаган:

- 1) ландшафт ҳақидаги асосий ғоянинг (концепциянинг) туғилиш даври (XIX асрнинг 80-йилларидан XX асрнинг 40-йилларигача);
- 2) ландшафт ҳақидаги таълимотнинг шаклланиш даври (1945-65 йиллар);

	qazilmalari	foydalanish	
2	O'zbekiston suv boyliklaridan foydalanish va ularni muhofaza qilish	O'zbekistonda suvdan foydalanishning xalq xo'jaligi tarmoqlari bo'yicha taqsimlanishi, suvlarning ifloslanishi, oldini olish chora-tadbirlari	Respublika hududida shakllanadigan hamda unga tashqaridan keladigan suvlar miqdori va ularning nisbati, transchegaraviy suvlar muammosi, ichki suvlarni tejash va muhofaza qilish chora tadbirlari
3	O'zbekistonning tabiiy boyliklari va ularni muhofaza qilish	Tabiiy boylik tushunchasi, tabiiy resurslarning turlari, O'zbekistonda atmosferaga chiqariladigan zararli brikmalar tarkibi, katta shaxarlar havosining ifloslanishi, Surxondaryo, Orol dengizi, ichimlik suvi, tuproq ekologik muammolari, "Qizil kitob"	Resurslardan samarali foydalanish bo'yicha amaliy tavsiyalar, atrof-muxit xolatini geografik baholash va bashoratlash bo'yicha ilk soda tushunchalar va ko'nikmalar, Orol dengizi muammosining zamonaviy yechimlari, Tursunzoda alyuminiy zavodi, Respublikada atrof-muxitni muhofaza qilish bo'yicha qabul qilingan ma'lumotlar va ularning mohiyati
4	O'zbekistonning tabiiy geografik o'lkalari	Foydali qazilma boyliklari, "Qizil kitobga kiritilgan o'simlik va hayvonlar"	Tabiiy geografik o'lkalardagi mahalliy va mintaqaviy muammolar, ularning zamonaviy yechimlari, mavjud qo'riqxonalar va ularning asosiy vazifalari

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, ekologik tarbiya oiladan boshlanishi lozim. Bunda ota-onalar ekologik savodxon bo'lishlari kerak. Bog'cha, maktab, oliy ta'lim muassasalarida uzluksiz ekologik ta'limni chuqur yo'lga qo'yish maqsadga muvofiqdir. Geografiya fani o'qituvchisi ekologik ta'lim-tarbiya berish jarayonida tabiat va jamiyatning rivojlanish qonuniyatlari, ularning o'zaro aloqadorligi asosida yuz beradigan hodisa va voqealarni, ekologik muammolarning kelib chiqish sabablarini o'quvchilarga izohlab berar ekan, bu holat undan o'z fanidan tashqari boshqa fanlardan ham xabardor bo'lishlikni talab etadi.

ЭКОЛОГИК ЎЛКАШУНОСЛИК: ҚУЙИ АМУДАРЁ МИНТАҚАСИ Сайдаматов Ф.

Тошкент давлат педагогика университети

Ўзбекистон Республикасининг мустақил миллий тараққиёти йўлида амалга оширилаётган туб ислохотлар ва янгиланишлар жамиятимизда демократия ва инсонпарварлик ғояларига тўла риоя қилиш, умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муносабатларни тубдан ўзгартириш, шунингдек *худудий* (маҳаллий, минтақавий) шарт-шароитларни катъий ҳисобга олиш асосида ҳаётга жорий этилмоқда.

Республикада иқтисодиёти ва ижтимоий соҳасининг барча тармоқларида улкан ўзгаришлар ва бекиёс янгиланишлар содир бўлаётганлиги, юқори технологияларга асосланган замонавий ишлаб чиқариш вужудга келаётганлиги ва рақобатбардош янги маҳсулотлар яратилаётганлиги,

**O'ZBEKISTON TABIIY GEOGRAFIYASI DARSLARIDA EKOLOGIK
TA'LIM-TARBIYA BERISH IMKONIYATLARI**

Otajonov Sh.E., Otajonova S.R.

Qo'qon davlat pedagogika instituti

O'zbekiston tabiiy geografiasini kursini o'qitishda o'quvchilarga ekologik ta'lim-tarbiya berishda milliy va umuminsoniy qadriyatlardan foydalanish imkoniyati katta. Chunki bu kurs davomida mamlakatimizning tabiiy geografik joylanishi, tuproq, o'simlik va hayvonot dunyosi, iqlimi ichki suvlari, tabiatini muhofaza qilish hamda, tabiiy geografik rayonlarining alohida o'rganilishi jarayonida deyarli barcha mavzularni o'qitilishi jarayonida ekologik ta'lim-tarbiya uzviyligini ta'minlash mumkin va maqsadga muvofiqdir. O'qitish jarayoniga bunday yondashish o'quvchilarga bilim berishning tayanch qonuniyatlarini anglab yetishga yordam beradi. Bu sinfda o'tiladigan geografyaning ya'ni O'zbekiston tabiiy geografiasini predmetining yana o'ziga xos tamoni, faqat darslik kitoblarigina emas, balki darslikdan tashqari nashr etilgan metodik qo'llanmalar asosida olib borish dars samaradorligini oshirishda asosiy o'rinlardan hisoblanadi.

Umumiy o'rta ta'lim maktabi VII-sinf o'quvchilariga O'zbekiston tabiiy geografiasini fanini o'qitishda ekologik ta'lim-tarbiya berish, ularda barqaror ekologik madaniyatni shakllantirishda geografiya fani hamda ushbu fan o'qituvchisining kasbiy mahorati muhim ahamiyatga ega. Ekologik ta'lim-tarbiya berish jarayoni geografiya o'qituvchisidan o'z fanini chuqur egallagan bo'lish, uni o'qitishning mohir ustasi, zamonaviy innovatsion texnologiyalarni mukammal egallagan bo'lishni talab etadi. O'qituvchi o'quvchilarga beriladigan ekologik ta'lim mazmuni va hajmini aniqlayotganda ma'lum didaktik tamoyillarga amal qilishni bilishi lozim.

O'quvchilar dars jarayonida olgan nazariy ekologik bilimlarini amalda sinab ko'rishlari, bajarish ko'nikma va malakalarini egallashi, ko'rilayotgan muammo bo'yicha o'z xulosalarini chiqarishlari lozim. Geografiya o'qituvchisi ekologik muammo-larning yuz berishi va o'zgarishini iqtisodiy-ijtimoiy nuqtai nazardan tahlil qila olish qobiliyatiga ham ega bo'lishi zarur. Ushbu jarayonlarning jahon hamda mamlakat iqtisodiyotiga salbiy ta'siri, uning har bir o'quvchi oilasigacha bo'lgan aks ta'sirini mayda tafsilotlar bilan bo'lsada, tushuntirib berish o'quvchida ekologik xulq-atvor qoidalari va madaniyatni tarkib topishida yaxshi samara beradi.

Quyidagi jadvalda 7-sinf O'zbekiston tabiiy geografiya darsligida o'rin olgan ekologik mazmundagi mavzularni yoriyishda foydalaniladigan materiallar va ularning mazmuni haqidagi fikrlarni aks ettiramiz:

VII –sinf o'quvchilarida barqaror ekologik madaniyatni shakllantirishga xizmat qiluvchi geografik-ekologik bilimlar tizimi va ularning qisqacha mazmuni.

№	O'quv dasturidagi mavzular	O'quv dasturida mavjud bo'lgan ekologik bilimlar	Tavsiya etiladigan ekologik bilimlar
1	Yer yuzasi, geologik tuzilishi va foydali	Asosiy foydali qazilma boyliklari va ularning konlari, yer osti suvlaridan xalq xo'jaligida	Yer yuzasi holatiga ta'sir, yer osti boyliklarini muhofaza qilish, rekul'tivatsiya

3) ландшафтшуносликнинг авж олиш даври (1965 йилдан бошлаб). Ушбу даврлар яна бир қанча босқичларга бўлинган.

Юқоридаги олимлар томонидан табиий география, хусусан Ландшафтшунослик фанининг ривожланиш тарихини даврлаштириш тадқиқотларини олиб боришган.

Шу фикрлардан келиб чиққан ҳолда, табиий географиядаги илмий таълимотларнинг ривожланишини тўртта даврга ажратиш мумкин (1-жадвал).

1. Табиий географик таълимотларнинг ғоя ва фикрларнинг пайдо бўлиш даври (1856-1900 йй). Ушбу даврда Европалик сайёҳлар томонидан табиат компонентларининг баландлик бўйлаб тарқалиши, иқлим минтақаларининг хилма-хил бўлиш сабаблари, қор чизигининг турли баландликлардан ўтиши, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот олами вакиллари минтақалар бўйлаб қонуний алмашилиши ҳақидаги илмий фикрлар пайдо бўлди.

2. Классик таълимотлар ишлаб чиқилган давр (1900-1940 йй). Бу даврда табиат зоналари (В.В.Докучаев), рельеф ривожланишининг географик цикли (У.М.Дейвис), географик қобик (А.А.Григорьев), географик ландшафт (Л.С.Берг) каби таълимотларнинг асосий ғоялари шаклланди.

3. Табиий географик таълимотларнинг илмий ривожланиш даври (1940-1978 йй). Бу даврда ландшафтнинг морфологик бирликлари, геотизимлар ҳақидаги таълимотлар яратилди.

4. Замонавий табиий географик таълимотларнинг яратилиш даври (1978-х.д.). Бу даврда геотехтизимлар, тупроқ структураси таълимотлари ишлаб чиқилди ва шу асосда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Жадвал

Табиий географик таълимотларнинг ривожланиш босқичлари

Табиий географиядаги илмий таълимотларга оид ғоялар ва назариялар ривожланиши	Табиий географик таълимотлар	Таълимотнинг пайдо бўлган даври	Асосчилар	Таълимотларни ривожлантирган олимлар
Табиий географик таълимотлар ҳақидаги ғоя ва фикрларнинг пайдо бўлиш даври		(1856-1900 йй).		П.П.Семёнов-Тяншанский, Н.А.Северцов, А.Гумбольдт,
Классик таълимотлар ишлаб чиқилган давр (1900-1940 йй).	Географик зоналик	1883-1898	В.В.Докучаев	Л.С.Берг, С.В.Калесник, К.Марков, И.П.Герасимов, Г.Ф.Морозов
	Рельеф ривожланишининг географик	1899-1909	У.М.Дейвис	В.Пенк

	цикли			
	Ўрмон ҳақидаги таълимот	1912-1920	Г.Ф.Морозов	В.Г.Нестеров, В.З.Гулсашвили, В.Н.Сукачев
	Географик қобик	1930-1966	А.А. Григорьев	П.И. Броунов, Ю.К.Ефремов, Ф.Н.Мильков, И.М.Забелин, Г.Д.Рихтер, Н.А.Гвоздеский, С.В.Калесник, А.М.Рябчиков, В.С.Преображенский
	Географик ландшафт	1913-1947	Л.С.Берг	С.Д.Муравейский, А.Ю.Ретеюм, Б.Б.Полинов, И.В.Ларин, Н.А.Солнцев, Ф.Н.Мильков, А.Г. Исаченко, В.А.Николаев, А.А. Борзов ва б.
Табиий географик таълимотларнинг илмий ривожланиш даври (1940-1978)	Ландшафтнинг морфологик тузилиши	1948-1977	Н.А.Солнцев	Л.Г.Раменский, Г.Н.Анненская, К.А. Дроздов, И.И.Мамай ва б.
	Геотизимлар	1963-1978	В.Б.Сочава	А.Ю.Ретеюм, А.Г. Исаченко
	Парагенитик ландшафтлар таълимоти	1966-1972	Ф.Н.Мильков	А.Ю.Ретеюм, А.Абдулқосимов
Замонавий табиий географик таълимотларнинг яратилиш даври (1978-х.д.)	Тупроқ қоплами структураси	1972-1984	В.М.Фридланд	
	Геотехтизимлар	1979-х.в.	К.Дьяконов	

Табиат билан жамият ўртасидаги кураш кескин кечаётган бир даврда, география фани ўз олдида табиий ресурслардан оқилона, тизимли, табиат ва унинг компонентларининг бир бутунлигини ҳисобга олиб, унга зиён етказмасдан фойдаланишнинг географик хусусиятларини белгилашдек муҳим вазифани қўйган ҳолда, география фани ва таълимнинг нуфузини ошириш учун унинг туб илдизига мурожаат қилиш, ундаги қонуниятлар, назариялар, таълимотлар ривожланиш тарихини ўрганиш лозим.

Жадвал таҳлилидан кўрииб турибдики, ЭЎМТ география таълимида ўқув жараёнига татбиқ этилса, Коменскийнинг [2] мулоҳазасидаги Плавтнинг «Эшитганини айтиб берадиган ўнта кишидан ўз кўзи билан кўрган битта гувоҳ афзал» деган фикри амалда бажарилади. Чунки, Коменскийнинг таъбири билан айтганда талабалар бошқаларнинг нанарсалар ҳақидаги кузатишлари ва гувоҳликларини эшитишга эмас эмас, балки ўша нарсаларнинг ўзини билишга ва тадқиқ этишга ўргатилса, улар фаоллашадилар. Буни «Ўзбекистон табиий географияси» фанини ўзлаштириш жараёнида электрон ўқув-методик таъминотдан фойдаланишнинг дидактик функцияларини қуйидаги кетма-кетлик алгоритми тизимида кўриб чиқишимиз мумкин.

2 - жадвал

Талабаларни ўқув-билиш фаолиятни фаоллаштиришда электрон ўқув-методик таъминотдан фойдаланишнинг дидактик функциялари [3]

№	Электрон ўқув-методик таъминот функциялари	Бажарилиш кетма-кетлиги
1.	Таълим берувчи	2
2.	Ривожлантирувчи	7
3.	Тарбияловчи	8
4.	Ижодий фаолиятга йўлловчи	9
5.	Коммуникативликка ўргатувчи	12
6.	Мантқиқий фикрлашни ривожлантирувчи	11
7.	Ақлий фаолият усулларини шакллантирувчи	10
8.	Ўз фаолиятини таҳлил ва назорат қилувчи	13
9.	Қасбга йўналтирувчи	14
10.	Мўлжални тўғри олишга ўргатувчи	15
11.	Ҳамкорликни вужудга келтирувчи	17
12.	АКТ билан ишлаш қўникма ва малакани ривожлантирувчи	1
13.	Мустақил таълимни шакллантирувчи	5
14.	Мультимедиа технологиялари билан ишлаш қўникма ва малакани шакллантирувчи	18
15.	Масофавий таълимни ривожлантирувчи	6
16.	Кўргазмалиликни такомиллаштирувчи	4
17.	Илмий дунё қарашни ривожлантирувчи	16
18.	Индивидуал ривожлантирувчи	3

Электрон ўқув-методик таъминотдан фойдаланишдаги дидактик функциялар таҳлили, ЭЎМТ талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини фаоллаштирувчи асосий ва самара берувчи йўллардан бири эканлигини, географиядан ЭЎМТ яратиш даври талаби ва зарурият эканлигини кўрсатмоқда.

3.	Талабалар ўқитувчи билан бевосита мулоқотга кириши	+	+	+
4.	Гуруҳларда жамоа бўлиб ишлаш кўникмаси шаклланиши	+	+	+
5.	Мустақил, эркин танқидий фикрлай оладиган талабанинг шаклланишига имкон яратилиши	+	+	+
6.	Талабаларнинг машғулотлардаги фаоллашуви, билим олиш самарасининг ошиши		+	+
7.	Талабаларда мустақил, эркин танқидий фикрлаш кўникмаларини таркиб топтириш		+	+
8.	Ҳар бир таълим олувчининг потенциал имкониятининг ривожланиши талабанинг эркин, мустақил фикрлашига шароит яратиш		+	+
9.	Барча олий ўқув юр்தларини адабиётлар билан таъминланиши, ахборотнинг мунтазам янгиланиб туриши, янги мавзунинг кенг ҳажмда ўрганилиши ва ўзлаштириш самарадорлигининг ошиши			+
10.	Ўқитувчи ва талаба вақтдан тўғри ва унумли фойдаланиши, масофавий таълим учун мўлжалланиши			+
11.	Ўқитувчининг фикрлаш қобилиятига ва муаммоларни ечиш кўникмасига, вазиятни тезда баҳолай олиши, ҳозиржавоб бўлиш кўникмасининг такомиллашиши			+
12.	Ўқув фаолиятини ташкил қилишда барча усуллардан оғзаки баён, кўргазмали, амалий, репродуктив, муаммоли, мантикий, назорат ва ўз-ўзини назорат шунингдек мустақил иш методларидан фойдаланиши			+
13.	Компьютер ёрдамида дарс жараёни давомида назарияни амалиётга боғлаб олиб боришига шароит яратилиши, амалий иш топшириқларини илмий-амалий текшириб кўриши ва вазифани бажаришга ижодий ёндашиши			+
14.	Табиий жараёнларни компьютер ёрдамида моделлаштириши			+
15.	Ўқитишда субъект-субъект муносабатларини амалга ошириш, рақобат		+	+
16.	Ўртача қобилиятга эга бўлган ёки тортинчоқ талабанинг ҳам ўз билими ва маҳоратини намоён қилишига имкон яратилиши			+
17.	Талабанинг ўзини қизиқтирган саволга жавоб топишга ҳаракат қилиши, илмий изланиши ва ижодий ёндашиши			+
18.	Талабанинг фаоллиги ошиб, география фанига, илмга бўлган эътибори ва қизиқшининг кучайиши			+
19.	Талабаларнинг билим даражаларини ҳар томонлама ва мажмуали текшириб кўриши имконининг яратилиши			+
20.	Ўқишга шароити йўқ киши ҳам мустақил ўқиб ўрганиши ногирон талаба ҳам бемалол фойдаланиши			+

ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ҲИСОР ТОҒЛАРИНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Аллаёров Р.Х., Хидиров М.Ш., Умирзоқова З.Ш., Хўжанова И.М.*

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Ўзбекистон тоғли ҳудудларида аҳоли сонининг ортиб бориши, шу муносабат билан аҳоли манзилларининг кенгайиши, янгиларини таркиб топиши, қишлоқ хўжалиги тармоқларининг ривожлантирилиши, янги қазилма бойликларининг топилиши ва улар асосида саноат корхоналарининг ишга туширилиши, мураккаб гидротехник иншоотлар, темир ва автомобил йўллари бунёд этилиши, рекреация зоналарининг барпо этилиши ва бошқа кўплаб объектларининг қурилиши мазкур минтақада катта ҳажмда иқтисодий ва ижтимоий юксалишни вужудга келтириши билан биргалликда, табиий ресурслардан фойдаланиш тезкорлик билан олиб борилиши оқибатида тоғ ва тоғ олди ландшафтларининг экологик мувозанати бир мунча ўзгариб бир қатор геологик муаммолар (инсонларнинг соғлиги ва хўжалик фаолиятига салбий таъсир этадиган, уларнинг табиий муҳит билан муносабатларида ва геотизимларнинг бир бутунлигида номутаносибликни келтириб чиқарувчи, табиий ва антропоген омиллар натижасида юзага келган жараён ва ҳодисалар (Рафиқов А., Шарипов Ш.М., 2014)ни ҳамда табиий ва антропоген омиллар натижасида географик қобик(геотизимлар)да ўзгаришларнинг вужудга келиши ҳамда уларнинг тирик организмлар ҳаёти ва фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши (Абдуллаев И.Х., Аллаёров Р.Х., 2016) ни геологик муаммо сифатида қарасак) вужудга келди. Бундай муаммолар сирасига тоғ яйловлари деградацияси, музлик ва доимий қорларнинг шиддат билан эриши, тоғ ёнбағирларидаги ерларнинг ярқисқис ҳолатга келиши, ўрмонларнинг қисқариши, хавфли табиий географик жараёнлар сони ва таъсирининг кучайиши қабиларни киритиш мумкин. Бундай геологик муаммолар жануби-ғарбий Ҳисор тоғлари табиатида ҳам ҳосидир.

Жанубий Ўзбекистоннинг тахминан 57,8 фоизини тоғ ва тоғолди минтақаси ташкил этади (Республикада 21,3 фоиз). Бироқ, вилоятлар доирасида тоғли ҳудудлар салмоғи турлича бўлиб, Сурхондарё вилоятининг 70 фоиз (Джумаев Т., 1989), Қашқадарё вилоятининг 45,2 фоиз (Абдуллаев С.И., Усмонов И., 1981) ҳудуди тоғ ва тоғ олди минтақасига мансуб (Қурбонов П.А., 2012). Ушбу ҳудудларнинг жуда катта (тахминан 80 фоизга яқин) қисми Ҳисор тизмаси (Қоратепа тизмасининг жануби ва Боботоғ тизмасининг ғарбий қисми қолган 20 фоиздан ортиғини ташкил этган ҳолда) ҳиссасига тўғри келади.

Ҳисор тоғ тизмасининг жануби-ғарбий қисми шу йўналишда Хонтахти, Чақчар, Жоникмар, Бешнов, Қорасирт, Бобосурхоқ, Богазар, Бойсун, Кўхитанг,

* Аллаёров Руслан Хайкал ўғли – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (география) мутахассислиги магистранти.

Хидиров Муҳиддин Шермаатович – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети География ўқитиш методикаси кафедраси лаборанти.

Умирзоқова Зилола Шавқажон қизи – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети География ўқитиш методикаси йўналиши талабаси.

Хўжанова Ирода Мамараҳим қизи – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети География ўқитиш методикаси йўналиши талабаси.

Сурхонтоғ, Қорачағат, Дехқонобод каби ўнлаб тизмаларга бўлиниб кетган. Ушбу тизмаларнинг ғарбий ёнбағридан Қашқадарё ва унинг ирмоқлари (Яккабоғдарё, Танхоздарё, Жиннидарё, Лангар, Оксув, Ғуздордарё – Катта ва Кичик Ўрадарё), шарқий ёнбағридан Сурхондарёнинг ўнг ирмоқлари (Тўполон, Қоратоғ, Сангардак, Хўжаипок дарёлари) ва Шеробод дарёлари бошланиб, улар Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг катта майдонларини (Қашқадарёнинг асосий чап ирмоқлари Қашқадарё вилояти суғориладиган ерларининг 20 фоизини) сув билан таъминлаб беради. Ушбу дарёларининг ўнлаб йирик ирмоқлари ва уларга қўшиладиган юзлаб сойлар тоғларнинг ёнбағрини кучли парчалаган, тор ва чуқур водийларни ҳосил қилган.

Тоғларнинг ўртача баландлиги 3600 метргача боради. Айрим чўкқилари 4400-4600 метр баландликкача етиб, уларнинг юқори қисмида совуқ криоген зона шаклланган. Ҳисор тизмаси меридионал йўналишда жойлашган бўлиб, ғарбий ёнбағрида 600-800 мм гача ёгин ёғади. Тоғларнинг баландлиги ва ҳароратнинг пастлиги сабаб Қашқадарё ва Сурхондарёнинг юқори қисмида 200 дан ортик тоғ музликлари шаклланган.

Жанубий Ўзбекистонда яшаётган 5,5 млн. кишидан ортик аҳолининг тахминан 37 фоизи (Қашқадарё вилояти аҳолисининг 40 фоизи, Сурхондарё вилояти аҳолисининг 34 қоизи) жануби-ғарбий Ҳисор тоғ ва тоғ олди ҳудудларига тўғри келади.

Тоғ ва тоғ олди ҳудудларида сони ортиб бораётган аҳоли томонидан ёқилғи, қурилиш материаллари сифатида фойдаланиш мақсадида тоғ ёнбағрларидаги дарахт ва буталарнинг кўплаб кесиби юборилиши, чорва молларининг туёқ сони кўпайиб бораётганлиги туфайли яйловлардан оқилона фойдаланиш тамойиллари бузилиши оқибатда зарар келтирувчи табиий ҳодиса ва жараёнларнинг тезкорлик билан вужудга келиши кузатилмоқда. Айниқса, ёгин-сочин баҳорда жала тарзида тушадиган, турли қалинликдаги лёсс, лёсссимон жинслардан ташкил топган тоғ ёнбағирларда сел, сурилма, емирилиш, жарланиш, карст, суффозия, ўпирилиш ва бошқа ҳодисалар тез-тез вужудга келмоқда. Бу эса тоғ ва тоғолди ҳудудлардаги табиий жараён ва ҳодисалар табиий географик ва геозкологик жихатда мажмуали ўртаниш зарурлигини тақазо этади.

Тоғ геотизимлари билан текислик геотизимларининг ҳолатида, уларнинг динамикасида фарқли хусусиятлар мавжуд. Тоғларда текисликларга нисбат ёгиннинг кўплиги, ҳаво ҳароратининг пастлиги, шу муносабат билан ўсимликларнинг кўп тарқалганлиги гувоҳи бўламыш. Шунинг учун ҳам тоғ геотизимлари текислик-чўл геотизимларига нисбатан барқарор.

Кузатишлар, баландлик мажмуалари ичида тоғ-ўрмон ландшафт мажмуалари тез тикланувчан эканлигини исботламоқда. Ҳисорнинг Қамаш, Дехқонобод ва Шеробод туманлари доирасидаги паст тоғлар ва адирлар – геоботаник адир минтақаси бўлиб, денгиз сатҳидан 600-1200 м баландликларда жойлашган. Тоғ-ўрмон ландшафт мажмуаларига қараганда иқлимнинг анча қурғоқчил бўлиши, дарахт ва буталарнинг ўсувчанлиги секин бўлиши туфайли кўчки ва сел оқими бу ҳудудларда тез-тез кузатилмоқда. Жумладан, Чакчар тизмасининг ғарбий қисмидаги Ғузор адирларида чорва молларининг кўп

электрон ўқув-методик таъминот ресурсларидан ўқув жараёнида самарали фойдаланиб, талабалар фаоллигини оширишни, ижодкорлик қобилиятларини такомиллаштиришни талаб этади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида «Ўзбекистон табиий географияси» курсидан ЭЎМТнинг илмий-услубий асосларини яратиш ва ўқув жараёнида фойдаланиш методикасини қуйидаги асосий омилларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилди: гуруҳнинг имкониятидан самарали фойдаланиш; шахснинг ички имкониятини юзага чиқариш; шахснинг маънавий даражасига асосланиш; талабанинг ўзаро «ҳамкорлик» муносабатидан фойдаланиш; талаба онгига мультимедиа материаллари, электрон дарсликлар, масофавий таълимни сингдириш; педагогик технологиялар орқали таъсир этиш; муаммоли масалаларни мунозара усулидан фойдаланиб ечимини топиш йўллари илмий-амалий ўйинлар билан излашга ўргатиш.

Кун сайин ривожланиб, мамлакатда ахборотлаштириш жараёни тез суръатлар билан ўсиб бораётган ҳозирги даврда олий таълим соҳасида ҳам педагогик ва компьютер технологияларини ривожлантириш ҳамда кенг қўламда қўллаш таълим самарадорлиги ошишининг асосий йўналиши ҳисобланади. Буни республикамизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг қуйидаги фикрларида ҳам кўришимиз мумкин: «...Шу билан бирга, сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозим» [1, 34].

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозирги кунда ҳар бир шахснинг, эртанги кун мутахассиси бўлишга тайёрланаётган ҳар бир талабанинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдалана олиши, компьютер саводхонлигига эга бўлиши ҳаётий заруриятга айланди.

Шу сабабли талабаларнинг мустақил билим олишларида ва ўзлаштириш даражаларини аниқлашда компьютердан ўқитишнинг техник воситаси сифатида фойдаланишгина эмас, балки унинг барча имкониятларидан фойдаланган ҳолда электрон ўқув методик таъминот (ЭЎМТ)ларни ўқув жараёнига татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига фаоллик билан татбиқ этиш таълим самарадорлигини ошишига сабаб бўлишини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

1- жадвал

География дарсларида электрон ўқув методик таъминотдан фойдаланишнинг афзалликлари [3]

№	Харакатлар	Анъ-анавий	Интер-фаол	ЭЎМТ
1	2	3	4	5
1.	Талабаларнинг машғулотлардаги фаоллашуви, билим олиш самарасининг ошиши	+	+	+
2.	Ўқитувчининг назорати барча талабалар учун мотивация иштиёқининг вужудга келиши	+	+	+

7. “Оммавий маданият”га қарши иммунитетни шакллантиришда маънавиятнинг ўрни.

8. Демократик тараққиётнинг маънавиятга боғлиқлиги.

9. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши жараёнида маънавиятга эҳтиёжнинг ортиб бориши.

10. Адолатли ижтимоий тартибни ўрнатишда маънавий юксакликнинг ўрни.

11. Бефарқлик кайфиятини жиловлаб, дахлдорлик ҳиссини шакллантиришда маънавиятнинг ўрни.

12. Инсонийлик хусусиятларини шакллантиришда маънавиятнинг ўрни.

Бундан ташқари, олий ўқув юртларида маънавиятни юксалтириш учун талаба-ёшларнинг билимини баҳолашда маънавият, яъни хулқ асосий мезон бўлиши лозим. Бошқача қилиб айтганда, талабанинг хулқи унинг оладиган баҳосига ҳал қилувчи таъсир этиши лозим. Ёки хулқи учун алоҳида баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш керак, чунки билими кучли, аммо маънавияти қашшоқ, хулқи бузук одамнинг билимидан фойдадан кўра зарар кўпроқ бўлади. Бугунги кунда инсониятни ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйган оммавий қирғин курулларини айнан шундай олимлар кашф этмоқда.

Инсоннинг маънавиятига баҳо берганда асосий мезон унинг ҳатти-ҳаракати, амаллари эмас, балки унинг амали остида ётган мотиви, яъни ундовчи сабаби ҳисобланади. Талабаларнинг маънавиятини юксалтириш учун Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи тизимида “Мотив” номли ёшлар тўғрагини ташкил этиш мумкин. Ушбу тўғарақда ёшларнинг хулқи мотив нуқтаи назаридан таҳлил қилиб борилади. Бунда талабалар ўз хулқига баҳо бериш имкониятига эга бўлади ва уларнинг тўғри йўлдан юришларига ундайдиган соғлом мотивларининг шаклланишига шароит яратилади.

ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ БИЛИМ ОЛИШЛАРИДА ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ-МЕТОДИК ТАЪМИНОТДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Никадамбаева Х.Б.*

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Барча фанлар мутахассислари каби География илми мутахассислари ҳам табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонунларини, уларнинг ўзаро алоқадорлиги асосида юз берадиган ҳодиса ва воқеаларни ўрганувчи барча фанлар эришган ютуқлардан хабардор бўлишлари лозим. Чунки, география фанлар тизимида табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқада ривожланишини мажмуамли, кўп қиррали, ҳар томонлама ўрганувчи фанлардан биридир. География фанини ўқитишда ўқитувчи назарий билимларни, табиий географик жараёнларни таърифлаб, фарз этиб, таҳлил қилиб, изохлаб хариталарга асосланган ҳолда маълумотларни оғзаки баён этади. Талаба эса мавзунини мустақил ўзлаштириши жараёнида эгаллаган назарий билимларни амалиётга татбиқ этишда қийинчиликларга дуч келади. Бу эса ўз навбатида мультимедиа воситалари асосида маърузалар ташкил этишни ривожлантиришни, электрон дарсликлар,

* Никадамбаева Х.Б. – ЎзМУ “География” кафедраси доценти, п.ф.н.

боқилиши туфайли ўсимликлар вегетация даврини тўлиқ ўткази олмапти. Шунинг учун, оч тусли бўз тупроқлар тарқалган адирларнинг куйи қисмида, вақтли, ўзанли оқимлар ҳосил бўлиб, жарларни вужудга келтириши мумкин. Оқибатда, Ғузур воҳасига туташ бўлган Ғузур дарёсининг ўрта оқимида яшовчи аҳоли кўплаб моддий зарар кўриши мумкин. Паст тоғ ва адирлар кенг майдонларни эгаллаган Яккабоғ, Қамаш, Дехқонобод, Ғузур, Шеробод, Олтинсой, Бойсун, Сарийосиё каби туманларнинг аҳолиси вақти-вақти билан бўлиб турадиган табиий офатлардан жабрланиб туриши кўпчиликка аён.

Арчазорлар Ғузур тоғларида 1300-1400 м дан 3700 м баландлик поғонасида ўсаверидаган дарахтдир. Кузатиш ва тадқиқотларнинг кўрсатишича, тоғ ўрмонларида, асосан, қизил (қора) арча ёки Зарафшон арчаси ва Саур ёки яримшарсимон арча жой танламай яхши ўсади. Чунки улар Туркистон ва қозоқ арча турларига қараганда *анча* қурғоқчилик шароитига чидамли. Ғузур тоғлари тоғ-ўрмон баландлик ландшафт мажмуаси минтақасида Зарафшон арчаси турини кўпроқ экиш, бу тоғлар табиатини кўриқлаш ва табиий ресурслардан мақсадга мувофиқ фойдаланишнинг тажрибада синалган тадбирларидандир.

Айни вақтда, Ўзбекистоннинг Ғузур тоғлари доирасида Ғузур (майдони 76800 га), Китоб геологик (5600 га), Сурхон (Кўхитанг бўлими, майдони 24014 га) кўриқхоналари ва Китоб, Яккабоғ, Қамаш, Дехқонобод, Бойсун, Узун, Боботоғ каби ўнга яқин давлат ўрмон хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Таъкидлаб ўтиш зарурки, бундан юз-бир юз эллик йиллар муқаддам арча, хусусан, Зарафшон ёки қора арча денгиз сатҳидан 900-2500 м оралиқдаги баландлик поғонасидаги аксари майдонларни эгаллаган. Ҳозирда уларнинг тахминан 20 фоизигина қолган. Эндиликда сурилма, кўчки, айникаса, сел оқимлари тез-тез бўлиб турадиган тоғ ландшафт баландлик минтақасининг пастки яруси ва адир мажмуаларида Зарафшон арчаси, бодомча, зирк, учкат, pista ва азалдан бу ернинг қурғоқчил шароитига мослашган бута ва дарахтлар майдонини кенгайтириш зиёнли тоғ жараёнларга тўсиқ бўлиши тайин.

Тоғ ҳудудларининг чўллашишини ўрганиш ва баҳолаш ҳамда унга қарши курашишнинг куйидаги асосларини В.М.Чупахин (1990) таклиф қилган: мунтазам кузатишларни ташкил қилиш ва ривожлантириш асосида табиий жараёнларнинг ўз-ўзини бошқариш қонунларини тадқиқ қилиш; баландлик ландшафт комплексларини турли хил техноген таъсирларга барқарорлигини аниқлаш ва уларнинг ўзгаришини башорат қилиш; ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини қайта тиклаш ва муҳофаза қилишнинг биологик асосларини тадқиқ этиш; йирик масштабли лойиҳалар амалга оширилаётган ҳудудларда минтақавий ва таҳлилий ландшафт-экологик башоратларни амалга ошириш; рекреация ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини тадқиқ этиш (Ваҳобов Х. ва б., 2006).

Юзага келган геоэкологик муаммолардан ҳимояланиш, тоғ геотизимлари барқарорлигини ошириш учун куйидаги изланишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- лёссели жинслар кенг тарқалган (Қашқадарёнинг чап ирмоқлари ўрта оқимида ва Сурхондарёнинг ўнг ирмоқларининг куйилиш қисмидаги)

худудларда жарланиш, суффозия ва шамол эрозиясига қарши кураш ишларини олиб бориш;

- тоғ яйловларида чорва молларини алмашлаб боқиш;
- лалмикор деҳқончилик қилинадиган худудларда ерларни қўндаланг ҳайдаш;
- тоғ ўрмонлари майдони ва хилма-хиллигини (пистазор, бодомзор, арчазор, ёнғокзор, жийдазор ва х.к.) ошириш;
- тоғлик аҳоли турмуш даражасини ҳар жиҳатдан яхшилаб бориш (бунда худуднинг агроиклимий, табиий-рекреация ва экотуристтик имкониятларидан кенг фойдаланиш).

ЭКОЛОГИК ТОЗА МАХСУЛОТЛАРНИ ЕТИШТИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎЛЛАРИ

Алланазаров О.Я., Аллаяров С.К.

Термиз давлат университети

Маълумки, ҳозирги пайтда Республикаимизнинг қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, аҳолини экологик тоза озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари билан таъминлаш ўз ечимини кутаётган муаммолардан ҳисобланади. Бунинг учун илмий тадқиқот ишлари натижаларини амалда кенг жорий этиш, ўсимликларни тез ва мунтазам ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, тупроқ тизимини яхшилаш каби муаммолар қўндаланг бўлиб турибди.

Экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулотлар ишлаб чиқариш нафақат агротехника қондаларига амал қилиш, минерал ва органик ўғитларни кўпроқ қўллашга, балки тупроқнинг минерологик таркиби ва ғоваклигига боғлиқдир. Тупроқнинг ғоваклиги қанча юқори бўлса, унинг филтрлаш қобилияти шунча паст бўлади ва бундай тупроқни соғлом деб бўлмайди. Масалан, қумнинг ғоваклиги 40% , туфнинг ғоваклиги 46,6%, торфники эса 82% ни ташкил этади.

Тупроқ дончалари йирикроқ бўлса унинг ғоваклиги ҳам шунча юқори бўлади. Энг катта ғоваклар тошлоқи тупроқларда ва энг кичик ғоваклар лой тупроқда бўлади. Агар тупроқ ғоваклиги 60-65% ни ташкил этса ундай тупроқларда ўз-ўзини тозалаш жараёнлари учун қулай шароит вужудга келади. Юқори ғовакликка эга бўлмаган тупроқда ўз-ўзини тозалаш жараёни ёмонлашади ва уларни соғлом тупроқ деб бўлмайди. Йирик донали ва қуруқ тупроқлар соғлом бўлади ва улардаги ўз-ўзини тозалаш жараёнлари яхши кечади. Намлиги юқори ва шамоллайдиган тупроқлар соғлом бўлмайди, уларда ўз-ўзини тозалаш жараёнлари ёмон кечади. Буюк бобокалонимиз Абу Али Ибн Сино ўз замонасида бундай тупроқларни “қасал тупроқ” деб атаган эди. Унинг фикрича, бундай тупроқли майдонларда уй-жойлар қуриш мумкин эмас. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ўртача шағал 7% сув ушлайди, йирик қум 23%, ўртача қум 47%, майда қум эса 65% сув ушлаши мумкин,

Туф – бу вулқонлар натижасида пайдо бўлган жигарранг тоғ жинси бўлиб, унинг таркибида қуйидаги бирикмалар мавжуд SiO_2 -65,1% Al_2O_3 -19,9%, $\text{K}_2\text{O} + \text{Na}_2\text{O}$ -7,9%, Fe_2O_3 -4,2% , CaO -3,1 % , MgO -1,4%, TiO_2 - 0,6% . Туфнинг зичлиги 2, 57 г/см³, ғоваклиги 46,6 % (ҳажм бўйича) ва ҳажмий массаси 840 кг/м³ га тенгдир.

лозим. Бугунги кунда мамлакатимизда Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этилиши ҳам тарбия тизимини янада кучайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу хусусда гапириб Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Фарзандларимиз тарбиясида энг асосий бўгин ҳисобланган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги катта ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, Мактабгача таълим вазирлигини ташкил этдик. Биз ушбу соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашимиз, жумладан, яқин 3-4 йилда барча худудларда минглаб янги боғчалар қуришимиз, таълим-тарбия сифати ва даражасини янги босқичга кўтаришимиз лозим”⁵³ деб таъкидладилар. Шу билан биргаликда таълим-тарбиянинг сифатини ошириш учун ота-онанинг бола тарбияси олдидаги масъулиятини ошириш чораларини кўриш лозим. Чунки инсон тарбиясида оиладаги тарбия ва муҳит ҳал қилувчи роль ўйнайди, нега деганда инсоннинг қалбини бошқа бир ғоя эгаллагандан сўнг унинг ўрнини яна бошқа бир ғоя алмаштириш қийин кечади.

Маънавиятни юксалтиришда, умуман, маънавиятнинг инсоният жамиятидаги ўрнини англаб олиш билан боғлиқ жиҳатлари ҳам бор. Инсоният жамиятида маънавият муҳим роль ўйнайди, чунки инсоният жамияти ривожланиш даражасига баҳо берилганда маънавий юксалик даражаси асосий мезон ҳисобланади. Бугунги кунда глобал миқёсда маънавиятга эҳтиёж ортиб бормоқда, чунки инсоният жамиятининг кейинги тараққиётини гумон қилиб қўйган глобал муаммолар маънавиятга эътиборсизликнинг натижасида келиб чиқмоқда. Ядро қирғин қуроли таҳдиди, экологик таҳдид ва оиланинг глобал инқирози каби глобал муаммоларни бартараф қилиш маънавиятнинг юксалиши билан боғлиқ. Бугунги кунда ҳадис илмининг султони Имом Бухорийнинг “Одамларнинг нажоти фақат билим ва ундан бошқаси бўлмагай” деган доно сўзлари етарли бўлмай қолди. Энди замон талабларидан келиб чиқиб “Одамларнинг нажоти билим ва маънавиятнинг уйғунликда ривожланишига боғлиқ” деб айтиш тўғрироқ бўлади.

Маънавиятни юксалтиришда маънавият тарғиботчилари савиясининг кучлилиги даражаси муҳим аҳамиятга эга. Маънавият тарғиботчилари гуруҳини шакллантиришга жиддий ёндашиб, муносиб одамларни танлаб олиш лозим. Шу билан биргаликда, олий ўқув юртларидаги маънавият соатларида ўтилиши керак бўлган мавзуларни маънавият билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқиш керак. Масалан, маънавиятни шакллантиришга ва ривожлантиришга хизмат қиладиган қуйидаги мавзуларни таклиф қилиш мумкин:

1. Маънавият тушунчаси, структураси ва мазмун-моҳияти.
2. Инсоният цивилизациясининг шаклланишида маънавиятнинг ўрни.
3. Ғарб ва Шарқда маънавиятга бўлган муносабатнинг ўзига хослиги.
4. Бахт-саодатга эришишда маънавиятнинг аҳамияти.
5. Маънавиятни юксалтиришда унга бўлган эҳтиёжнинг ўрни.
6. Маънавиятни юксалтириш уни баҳолайдиган мезонларга боғлиқлиги.

⁵³ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. Халқ сўзи газетаси. 2017 йил 23 декабр 2-бет.

дастгоҳни ишчидан, ерни деҳқондан ва билимни зиёлидан тортиб олишди. Бу эса меҳнатқашнинг қизиқишини йўққа чиқариш эди. Ўша қудратли давлатнинг барбод бўлиб кетишига олиб келган сабаблардан бири айнан ана шу қизиқишнинг йўққа чиқишини келтириб чиқарган хусусий мулкнинг бекор қилиниши билан боғлиқ.

Ўзбекистон танлаган демократик тараққиёт йўли ва фуқаролик жамиятининг шаклланиши жараёни ҳам маънавиятнинг заифлашувиға сабаб бўлмақда. Чунки демократия ва фуқаролик жамияти одамлар эркинликларининг ривожланишиға асосланган, маънавият эса, қайсидир маънода, одамлар эркини чеклашни англатади.

Маънавиятнинг заифлашувини келтириб чиқарган яна бир сабаб **маънавият доимо фидойилик асосида ривожланган деган фикрни тўғри деб ҳисоблаш билан боғлиқ**. Ушбу фикрни тўғри деб бўлмайти, чунки фидойилик мураккаб вазиятларда маълум бир вақт давомида бўлиши тўғри, агар фидойилик доимий бўлса, адолатсизлик келиб чиқади.

Маънавий юксалишнинг орқада қолаётганлигининг яна бир сабаби **олий ўқув юрғларида тарбиявий ишлар механизмининг етарли даражада такомиллашмаганлиги ва ёшларимизнинг тарбияси олий ўқув юрти босқичигача бўлган даврда яхши йўлга қўйилмаганлиги**да. Бунинг оқибатида олий ўқув юрғларида таълим-тарбия жараёнида уйғунликни таъминлаш муаммо бўлиб, тарбия орқада қолмоқда.

Маънавий жиҳатдан ривожланишнинг орқада қолаётганлигининг асосий сабабларидан яна бири **маънавиятга бўлган эҳтиёжнинг талаб даражасидан пастлиги**.

Маълумки, таълим жараёнида билим шаклланади, тарбия жараёнида эса маънавият шаклланади ва улар уйғунликда ривожланиши лозим. Шу ўринда олим бўлиш осон, одам бўлиш қийин деган мақолнинг маъносини англаб олиш мумкин. Билим асосида олим шаклланади, маънавият асосида эса одам шаклланади. Одам бўлиш қийин деганда маънавиятни юсалтириш қийин эканлиги тушунилиши лозим. Шунинг учун инсонни инсон қиладиган нарса маънавият дейилади, чунки маънавият инсонни ўзини тийиб яшашини таъминлайди ва бу инсонни хайвонда фарқини белгилаб беради. Агар уйғунлик бузилиб, маънавият орқада қолса, одамийлик пасайиб, билим адолатга эмас разолатга хизмат қила бошлайти. Чунки маънавият инсоннинг ўз устидан бўлган ҳокимиятини шакллантириб, уни ўзини тийиб тўғри йўлдан, яъни адолат йўлидан юришини таъминлайдиган кучдир.

Олий ўқув юртида тарбия жараёни сифати пастлигининг сабаби, юқорида таъкидлаганимиздек, нафақат олий ўқув юрғларида тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилмаганлигида, балки олий таълим босқичигача бўлган даврдаги тарбияға ҳам боғлиқ, айниқса, оиладаги тарбияға боғлиқ. Олий ўқув юртигача бўлган босқичда боланинг тарбияси деярли шаклланиб бўлиб, кейинги босқичда уни янада такомиллаштириш керак бўлади, ҳолос. Олий таълимда болани ўзгартириш, қайта тарбиялаш анча мураккаб бўлади, чунки унинг характери шаклланиб бўлган бўлади. Шунинг учун асосий эътибор олий таълимгача бўлган босқичда ва, энг аввало, оиладаги тарбияға қаратилиши

Маълумки, туф тошларидан қурилиш материали сифатида иншоотларни безаш мақсадида кенг қўлланилади. Аммо туфға ишлов бериш (кесиш, шакл бериш, текислаш) жараёнида катта ҳажмда синик парчалар, қуқунлар ва бошқа чиқиндилар пайдо бўлади. Ушбу чиқиндиларни тупроқ унимдорлигини ошириш мақсадида ишлатиш мумкин.

Перлит ҳам туфға ўхшаган табиий минерал бўлиб, унинг таркибида SiO_2 -72%, Al_2O_3 -13 % ва нисбатан кам миқдорда Fe_2O_3 , FeO , P_2O_5 , MnO , Na_2O , K_2O , CaO , MgO каби бирикмалар мавжуд. Перлитни 1180 К (907°C)да қиздирилганда у шишиб, ғовак материалға айланиб қолади. Перлитнинг ҳажмиға массаси 250 кг/м³, заррачаларининг ўлчами 0,5 см, уларнинг солиштирма юзаси 3-7 м²/г атрофида бўлади. Бундай енгил материалларнинг заррачалари ғовак ва ҳаво билан тўлдирилган бўлади.

Маълумки саноат корхоналарида қўмирни ёққанда ёки маъданлардан металлни эритиб олгандан кейин катта ҳажмларда тошқоллар, қуқум ва қуқунлар пайдо бўлади. Масалан, қизил қуқумнинг таркибида Fe_2O_3 (39-44%), Al_2O_3 (17-19%) SiO_2 (5-11%), CaO (7,6-9,5%) TiO_2 (4,4-5,6%) Na_2O (6,2-6,9%), V_2O_5 (0,2-0,3 %), P_2O_5 (0,2-0,3 %) ва нисбатан кам миқдорда MgO , Cr_2O_3 , FeO ва бошқа бирикмалар мавжуд.

Металлургия саноатининг чиқиндилари (тошқоллар, қуқум ва қуқунлар), шунингдек туф ва перлит таркибидаги мавжуд бўлган фосфор, калий ва бошқа микроэлементлар ўсимликлар учун энг керакли озуқа бўла олади. Масалан, Ереван тошлар ва силикатлар илмий тадқиқот институти олимлари ҳар бир маккажўхори уруғини 50 г тошқоллар билан аралаштирилган тупроққа экиб, ҳосилдорликни 35% га кўтаришға эришганлар. Маккажўхори экилган қаторларға 3 см қалинликка тошқол сепиб, биринчи майдондан 60% , иккинчисидан 170% ва учинчи ер майдонидан 230% ҳосил олишға эришганлар. Демак, тупроқнинг дастлабки тизими ва таркиби қанча ёмон бўлса, унда озуқабоп ўғитлар шунча кам, янги усулнинг самарадорлиги эса шунча юқори бўлади. Ушбу усул ёрдамида помидордан 2 маротаба ва узумдан 1,5 маротаба кўп ҳосил олишға эришганлар.

Тошлардаги ғовакликлар ва капиллярлар намлик, сув ва минерал ўғитларни сақловчи резервуар (идиш)лар вазифасини ўтайди. Ўсимлик томирлари эса ушбу резервуарлардан керакли сув ва минерал ўғитларни шимиб олади. Натижада экинзорларни ўғитлангириш ва тез-тез суғориб туришға ҳожат қолмайди. Агар республикамиз ва, хусусан, вилоятимиз иқлим шароити ва тупроқнинг шўрланиш даражасининг юқорилигини инобатға олсак, юқоридаги таклиф этилган усулнинг самарадорлигиға шак-шубҳа қолмайди.

Ҳозирги пайтда кўпгина хорижий мамлакатлар (Булгория, Буюк Британия, Франция, АҚШ) да тупроқдаги намликни сақлаш, тупроқ тизимини яхшилаш, каткалоқни олдини олиш, тупроқ эрозиясиға қарши қураш, ернинг шўрини ювиш, кўчма қумлар ҳаракатини тўхтатиш каби муаммоларни ечиш мақсадида эрувчан полимерлардан кенг қўлланиб келинмоқда. Ушбу муаммолар бизнинг минтақамиз ҳудудида ҳам долзарб ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОРАҚУРТНИНГ ГЕОГРАФИК ТАРҚАЛИШИ ВА УЛАРНИНГ БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Авазова Ш., Рахматуллаев А. Ю., Хусаинова Н. Б.

Қарши шаҳридаги 14 мактаб ўқитувчиси, Қарши давлат университети,
Яшнобод туманидаги 282-мактаб ўқитувчиси

Ўзбекистонда 15 турдаги захарли ўргимчаксимонлар орасида қорақурт ўзининг кучли захар таъсирга эга бўлган яшаш тарзи билан бошқа захарли ўргимчак турларидан ажралиб туради. У ўзининг ташқи куриниши, ин-уя куриши, пилла шаклининг ўзига хослиги, ов тарзи билан инсониятни ажаблантириб келган.

Қорақурт сўзи турк тилидан олинган бўлиб, қора ҳашорот маъносини билдиради. Бошқа маъноси эса, “қора бева” деб юритилади. Унинг қора бева деб аталишига сабаб, уруғланган урғочи қорақурт қочишга улгурмаган эркак қорақуртни еб қўяди. Шу тарика урғочи қорақурт “бева” бўлиб қолади.

Бу тур Ўзбекистон ҳудудларида кенг тарқалган. Қорақуртни ер юзининг барча бурчакларида учратиш мумкин. Уларни чўл - адирлар, тоғ ён бағирларида, кўл, дарё бўйларида, ўрмонларда ва эски ташландик биноларда қайд қилиш мумкин[5].

Қадим замонлардан бери инсонлар қорақурт чақишидан кўп зарар кўриб келганлар. Қорақурт чақишидан захарланган инсон, кўнгилсиз ҳодисаларга учраган, ўлим ҳолатлари ҳам кўп бор кузатилган.

Кейинги йилларда биология, медицина фанларининг турли тармоқлари ривожланиши туфайли қорақурт ва бошқа захарли жонзотларнинг захрига қарши зардоблар ишлаб чиқилган.

Қорақуртларни тўлик бир ривожланиш босқичи учун, етарли ҳарорат ва ёзнинг узун кунлари лозим бўлади. Республикамизда бу жараён етарлича. Ўзбекистонда қорақуртлар тарқалган 200 дан ортиқ ҳудудлар қайд этилган. Аммо, улар ҳамма жойда бир текис тарқалмаган [1,2].

Қорақуртларнинг морфологик хусусиятлари. Вояга етган урғочи қорақурт тим қора рангли бўлиб, эркагига қараганда бир мунча йирик. Тана ўлчами 1 см дан 2 см гача. Қорин устида 13 та чуқурча мавжуд. Бу доғлар урғочи қорақуртнинг нимфа давридаги қизил доғларнинг ўрнидир. Эркагида бу қизил доғчалар (доғлар) умрининг охиригача сақланиб қолади.

Қорақуртларнинг танаси бош-қўкрак ва қорин қисмларга бўлинади. Бош-қўкрак қисми ноксимон шаклда бўлиб, унда кўз, оғиз бўшлиғи, педипальпа, захар беши (хелицера) ва оёқлари жойлашган.

Кўзи саккизта бўлиб, икки қаторда тўрттадан ўрнашган. Қорақурт кўзлари ҳамма томонни кўра олади.

Қорақурт доимо педипальпа аъзосини тоза тутишга эътибор қилади. Педипальпа вояга етган урғочи қорақуртларда ҳид билиш вазифасини ўтаса, эркагида охирги марта пўст ташлагандан сўнг, жинсий жуфтлашув жараёнида иштирок этувчи аъзога айланади.

Қорақуртларнинг захар безлари уларни душманлардан ҳимоя қилиш вазифасини утайди. Захар безлари ташқи томондан бириктирувчи тўқималар билан қопланган, кейинги қатлам мускул тўқималаридан иборат, учунчи қатлам

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ушбу масала хусусида гапириб, “...таълим олиш, маънавий-маърифий камолот масалалари ва ҳақиқий қадриятларни шакллантириш жараёнларига фаол кўмак берадиган муҳитни яратиш зарур”⁵²лигини ўта муҳим муаммо сифатида белгилаб берди.

Таълим муассасаларида тарбияни ривожлантириш тўғрисида гапиришдан олдин, тарбия тушунчасининг мазмун-моҳиятини англаб олиш лозим. Тарбия шахсни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш мақсадида унинг жисмонан ва маънан ривожланишига тизимли ва мақсадли таъсир этиш жараёни ҳисобланади ва у таълим жараёни билан чамбарчас боғлиқ. Таълим ва тарбия жараёнида билим ҳамда маънавият шаклланади, бугунги кунда маънавият билимдан орқада қолмоқда, натижада билими кучли, аммо маънавияти нисбатан суистафит кадрлар тайёрланмоқда. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан 2017 йил 20 апрелда имзоланган “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги қарорда ёшларни маънавий юксалтириш масаласини энг муҳим вазифа сифатида белгилаб берган. Унда “олий таълимнинг маънавий-ахлоқий мазмунини ошириш, талаба – ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафқураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг қўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш” олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Маънавий юксалишнинг замон талабларидан орқада қолаётганлиги “Оммавий маданият” ниқоби остида кириб келаётган ахлоқсизликда, оиланинг глобал инқирозининг аломатларида, порахўрлик иллатида ва бефарқлик кайфиятида яққол кўриниб турибди.

Ушбу муаммонинг асосий сабаби таълим тизими **Ғарб мамлакатлари таълим тизимининг стандартларига асосланганлигидадир.** Ғарбда маънавиятга эҳтиёж кучли бўлмаган, шунинг учун уларнинг таълим тизимида маънавий юксалишга жиддий эътибор қаратилмайди. Ғарбдан фарқ қилиб, Шарқ мамлакатларида доимо маънавиятга эҳтиёж кучли бўлган.

Маънавий юксалишнинг замон талабларидан орқада қолаётганлигининг асосий сабабларидан яна бири **интеллектуал мулкка нисбатан эгалик ҳиссининг заифлиги** деб айтиш мумкин. Интеллектуал мулк бўлган билим ва маънавиятнинг юксалиши эгалик ҳисси асосида шаклландиган қизиқиш ва масъулиятга боғлиқ. Бу уч тушунча, яъни эгалик ҳисси, қизиқиш ва масъулият бир-бирига боғлиқ бўлиб, уларни битта қилиб - хусусий мулк деган тушунча билан ифода қилинмайди. Маънавиятга бўлган эгалик ҳиссининг заифлиги шўролар замонида бориб тақалади. Шўролар ҳокимияти хусусий мулкни бекор қилишда чегарадан чиқиб кетган эди. Улар олдин завод ва фабрикаларни капиталистлардан тортиб олишди, ерни заминдор зодагонлардан тортиб олишди, бу ўша замон мафқураси бўйича тўғри эди. Лекин кейинчалик улар

⁵² Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. 45 б.

undaydi. O`qituvchi ekologik yo`nalishdagi darslarni saralaydi va ularni taqvimli – mavzuli rejalashtirishga kiritadi. O`quvchilarning quyidagi ekologik bilimlarini chuqurlashtirish vazfalari qo`yiladi: dars jarayonida har bir mavzuni tabiat muhofazasiga yaqinlashtirgan holda bolalarga tushuntirishi, inson ta`sirining salbiy oqibatlarini qanday ekologik va ijtimoiy-iqtisodiy hodisalarning rivojlanishiga olib kelganligini misollar asosida tushuntirishga harakat qilishi zarur. Masalan, tropiklardagi o`rmonlarning ayovsiz qirqilayotganligining va cho`llardagi o`simliklarning nobud qilinishi cho`llashishning kuchayotganligi va ularning oqibatlarini to`g`risida so`zlash bilan o`quvchilarda tabiatga bo`lgan munosabatlarni yanada yaxshilanishiga undaydi.

6-9-sinflarda o`quvchilar geografiya kurslari bilan bir qatorda biologiya, fizika, kimyo va boshqa fanlar bo`yicha ham ta`lim oladilar. Binobarin, o`quvchilarga ekologik bilim berishda fanlararo bog`lanish asosida rivojlantiriladi. O`rta Osiyo va mamlakatimiz tabiati o`rganiladigan 7-sinf O`zbekiston tabiiy geografiyasida "Ozbekistonning tabiiy boyliklari va ularni muhofaza qilish" mavzusida mamlakatimizning tabiiy boyliklaridan foydalanish va Qizil kitob to`g`risida ma`lumotlar berilgan. Mavzu O`zbekiston tabiatini muhofaza qilishda qo`riqxonalar, milliy bog` va buyurtmalarning ahamiyati juda katta degan so`zlar bilan o`z nihoyasini topgan.

3. Tabiatdan foydalanish – 8-9-sinflar. Bu bosqichda yuqori sinflarning o`quvchilari yangi bilimlarni xususiy bilimlartizimiga mustaqil birlashtira olishga, qarorlarning yangi usullarini loyihalashga, shuningdek ularni loyihalar, taqdimotlar, nashrlar ko`rinishida taqdim qilishga qodir. Tabiatdan foydalanish madaniyatini shakllantirish bo`yicha ishlarining asosiy yo`nalishi insonning tabiatga aralashuvining oqibatlarini modellashtirishdir.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ УЙГУНЛИГ ИНИ ТАЪМИНЛАШ: МУАММО, САБАБ ВА УНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Набиев Ф.Х., Аббасова М.С.*

Самарқанд давлат университети

Ўзбекистон танлаган демократик тараққиёт йўли ва кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънан юксаклик асосида бефарқлик кайфиятини жиловлаб, дахлдорлик хисси билан яшашга қодир бўлган авлоднинг тарбияланишини тақозо этади. Ёшларимизни ҳар тарафлама баркамол бўлиб вояга етишида таълим-тарбия тизими ҳеч, қандай муболағасиз, ҳал қилувчи рол ўйнайди, чунки таълим тизимининг функцияси жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънан юксак авлодни тарбиялаб беришдан иборат. Бугунги кунда ёшларимизни баркамол қилиб тарбиялаш учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлишига қарамасдан, таълим-тарбиянинг уйғунликда ривожланишини таъминлаш шу куннинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

* **Набиев Фарход Хуррамович** – СамДУ, Ижтимоий фанлар кафедраси мудири, т.ф.д., проф.;
Аббасова Мафтуна Субхоновна – СамДУ, Ижтимоий фанлар кафедраси ассистенти.

яхши ривожланган без бўлиб, тўртинчи қатламни эса бир неча элементлар бирикмасидан иборат бўлган захар хужайралари ташкил этади.

Қорақуртнинг биринчи, тўртинчи жуфт оёқлари ўлчами узун иккинчи ва учунчилари эса калта бўлади. Олдинги оёқлари ипак тўри тўкилишида эштирок этади. Бундан ташқари, тўр иплари орқали тўрга тушган ўлжани, унинг қайердалигини аниқлайди. Орқа оёқлари ипак чиқарув аъзосининг ипак чиқарилишида ёрдам беради. Ушланган ўлжани ипак билан ўрайди. Иккинчи ва учунчи оёқлар биринчи ҳамда тўртинчи оёқлар иш бажараётганда таянч вазифасини утайди.

Қорақуртнинг қорин қисми шарсимон шаклга эга бўлиб, урғочиси уруғланганда ҳажми йириқлашиб, кичикроқ ёнғок қуринишига эга бўлади. Қорин остки қисмининг ўрталарида жинсий аъзоси, тугалланишида ипак ишлаб чиқаруви аъзолари жойлашган. Уларнинг бутун танаси майда туклар билан қопланган.



а

б

1– расм. Вояга етган урғочи (а) ва эркек (б) қорақурт зотлари (оригинал).

Яшаш муҳити. Юқорида қайд этганимиздек қорақуртлар чўл – адирлардаги ёнтоқ, шувоқ, жингак, оккуврайли, шўра ўсимликлари ўсган жойларда, тоғ ён бағирларидаги тошлар остида, кўл, дарё бўйларидаги камиш, қиёқзорларда, ўрмонларда ва эски ташландиқ биноларнинг деворлар ёриқлари оралиғида, ер шудгор қилиниб ишлатилмасдан ташландиқ холга келган жойларда, очиқ майдонлардаги от, қорамол, кўй ва эчкилар туёқ излари хисобига чуқур бўлган жойларда, ҳаттоки чўл билан ёнма-ён экилган бўғдойзор, бедазорларда тўр тўкиб яшайдилар.

Қорақуртларнинг яшаш муҳити қанчалик турли туман бўлмасин, яшаш тарзи қўйидаги умумий қонуниятларга бўйсинади:

а. доимо катта майдондаги ҳудудларни эгаллаш;

б. вояга етгунча куёш нури яхши тушиб турадиган очиқ майдонларни эгалласа, вегетация даврининг охирида она бийлар ин-уя қуриб пилла қўйиши учун, қалин ўсган ўсимлик ҳудудларини танлашади;

в. намлиги жуда юқори бўлган ҳудудларда кам учраши;

г. яшаш жараёнида кўп сонли ҳашоротлар дунёси билан чамбарчас боғлиқлиги;

д. хайвонлар тўдаси доимий ўтлайдиган майдонларда кам учраши;
е. баъзи йилларда, пардасимонқанотли табиий кушанда ҳашоротлар томонидан пиллаларининг зарарланиши оқибатида уларнинг сони кескин камайиш хусусиятлари билан ажралиб туради [4,3].

Қорақуртлар учун сувнинг бор ёки йўқлиги аҳамиятсиздир, чунки улар ҳеч қачон сув ичмайди.

Қорақуртлар доимо ўргимчаксимонларнинг агалена лабуринтика (*Agalena labyrinthica*) ва агриопе лобата (*Argiope lobata*) турлари билан ёнма ён яшайдилар. Бу иккала турдан қорақуртни топишда индикатор сифатида фойдаланиш мумкин. Демак бу турлар қанчалик кўп бўлса, шу ҳудудда қорақуртлар ҳам шунчалик кўп учрайди.

Қорақуртларнинг ривожланиш босқичлари. Қорақуртларнинг пилла кўйиши июл ойининг бошларида ёппасига бошланса, бу жараён август, сентябр ойларигача давом этади. Қорақуртлар 1 тадан 5 донагача, ўлчами 7 дан 15 мм гача бўлган пиллаларини кўяди. Ҳар бир пиллада 50 тадан 600 донагачагача тухумлар бўлади. Пиллалар асосан ноксимон ёки шарсимон шаклга эга. Пилла оқ, новвот ёки сут рангида. Унинг ўлчами йирик ёки майда бўлиши қорақуртнинг озикланиш рационаига бевосита боғлиқ.

Пилла деворларида тешиқлар бўлиб, ўзидан ҳавони ўтказди, сувда чўкмайди. Тухумларининг ривожланиши ҳаво ҳароратига боғлиқ. Эрта баҳорда (март, апрел-май) ҳарорат $20+25^{\circ}$ С га кўтарилганда, тухумлар ривожланиб пилла ичидаги қорақуртчалар ҳаракатга келиб қолади. Энг ҳаракатчан, қорақуртчалардан бири пилладан тешиқ очади ва аста-секин индан чиқа бошлайди. Шу тариқа тухумлардан 2-3 кун ичида қорақуртчалар чиқиб улгиради. Тухумдан чиққан қорақуртчалар биринчи ва иккинчи ёшлари бир қисмини пилла ичида ўтказадилар.

Иккинчи ёшдаги қорақуртчаларнинг пилладан чиқиши соядаги ҳаво ҳарорати $+20^{\circ}$ С га етганда кечади. Албатта бу жараён жануб ва шимоллий ҳудудларда бир ойгача фарқ қилади. Пилладан чиққан қорақуртчалар бир жойга гуж бўлиб тўпланиб оладилар. Куннинг иссиқ соатларида баъзилари бири-биридан 20-50 см узоклашади, шамол турган ёки ёмғирли кунларда улар яна бир жойга йиғилишиб оладилар. Бундай шароитда улар озикланмайдилар. Ҳаво ҳароратига қараб бу жараён 5 кундан 15 кунгача давом этиши мумкин. Шундан сўнг қорақуртчалар шамол ёрдамида 20 м гача бўлган масофагача тарқаладилар ва ҳар бир қорақуртча алоҳида яшай бошлайди. Қорақуртчалар бир ёшдан кейингисига ўтишида пўст ташлайдилар. Иккинчидан, учинчи ёшга ўтиш оралиғи 5-7 кун ташкил қилади. Алоҳида мустақил яшаш уларнинг учинчи ёшига тўғри келади. Ундан юқори ёшдагиларининг оралиғи 12-15 кунга тўғри келади. Қорақурт нимфаларининг тез ўлғайиши ҳаво ҳарорати ва озук мўллигига бевосита боғлиқ.

Биринчи ёшда қорақуртчалар оч сарғиш рангда бўлиб, иккинчи ёшдан бошлаб қорая бошлайди. Айниқса қорни устидаги қаймоқ рангли, ўртасидаги кизил 13 та доғлари аниқ кўзга ташланади.

Geogrifiyani o'rganishda ekologik g'oyalarni kiritish o'qituvchining materiallarini o'quvchilarga nafaqat aqlan qabul qilishigagina emas, balki qalbdan his qilish darajasida berishiga bog'liq. Bu o'qituvchining mahoratiga, o'itish texnologiyasini tanlay bilishiga bo'g'liq, tabiat va jamiyat o'zaro aloqasini ochib berishdagi metod va usullar ni umumlashtira bilish natijasida erishiladi. Ayni paytda o'qituvchi o'quvchilarni o'qitadi va tarbiyalaydi.

Ekologik ta'limda geografiya alohida mavqega ega. Jamiyat va tabiiy muhit o'rtasidagi o'zaro aloqalarning asosiy jihatlarini o'rganishhozirgi geografiya fani tadqiqotlarining asosiy yo'nalishini tashkil etadi. U geografik qobiqni, geografik muhitni va ularning tabiat komplekslarini muhofaza qilish va oqilona foydalanish ning, ishlab chiqarish tabiat komplekslarini optimallashtirish va o'zaro ta'sirining masalalari, xo'jalik komplekslarini bunyod qilish va faoliyatining geografik-ekologik asoslarini yaratish muammolarini tadqiq qiladi.

Geografiya kursi boshqa fanlarga nisbatan ekologik yo'nalganligiga, ekologik muammolarni ochib bera olish soni va chuqurligiga va ularni yechish yo'llarining asoslanganligiga ko'ra ustivorlikka ega. Unda geoekologiya va oqilona tabiatdan foydalanish nazariyasidagi tayanch bo'ladigan juda ko'p g'oyalar mavjud. Maktab geografiyasida ekologiya va tabiatdan oqilona foydalanish nazariyasida tayanch tushunchalar bo'lib xizmat qiladigan tushunchalar (tabiatning bir butunligi, ularning barcha komponentlari va jarayonlaridagi o'zaro aloqa, tabiat kompleksi, geografik qobiq, biosfera, landshaft, tabiatda moddalarning aylanma harakatlari va b.) juda ko'p.

Geografiya bo'yicha dasturlarning deyarli barcha bo'limlarida ekologik yo'nalishdagi masalalar mavjud. Ekologik ta'lim va tarbiya bo'yicha geografiya kursini 3 bosqichga bo'lish mumkin:

1. Boshlang'ich tabiiy geografiya kursi tabiatdan foydalanish madaniyatini shakllanishi, jonli tabiat obyektlari bilan munosabatning muayyan me'yorlari va qoidalarini o'zlashtirish, o'quvchilarda ayrim qismlardan qobiqlardan (litosfera, hidrosfera, atmosfera, biosfera) tashkil topgan butunning birligi sifatidagi Yer to'g'risidagi asosiy tasavvurlarni shakllantirish. Faoliyatning asosiy turi – aniq berilgan namunani o'zlashtirish. 5-sinfda "Tabiiy geografiya boshlang'ich kursi"da har bir bo'limni o'rganishda ekologik darslarni o'tkazish mumkin. Bolalarning yoshini e'tiborga olgan holdaturli materiallar: ekologik etaklar, dostonlar, qo'shiqlar, afsonalar taklif etiladi.

2. Tabiat geografiyasi, 6-7-sinflar – sabab-oqibat aloqalarini ochib berish bo'yicha tadqiqot faoliyatining predmetli bilimlar, ko'nikmalarining tizimini shakllantirish. Tanish vaziyatda egallangan bilimlardan faol foydalanish ko'nikmasini rivojlantirish, qiyoslash va umumlashtirish, sababini topish, oqibatini bashorat qilish, xulosalar qilish kabilarni o'z ichiga oladi. Faoliyatning ustivor turi – ilmiy tadqiqot tipi bo'yicha tizimli bilish izlanishidir.

6-sinf o'quvchisi („Materiklar va okeanlar tabiiy geografiyasi kursi“) insonning tabiatga yetkazayotgan ijobiy va salbiy ta'sirlarini o'zicha mulohaza qila oladigan, ko'z oldiga keltira oladigan, atrof muhitda inson ta'sirida bo'layotgan turli o'zgarishlarni idrok qila oladigan darajaga yetadi. "Okeanlar va materiklar tabiiy geografiyasi" kursining o'qitilishi o'quvchini dunyo miqyosida fikr yuritishga

ob'yektiv imkoniyatlariga ega. Tabiatning insonning hayotida va xo'jalik faoliyatidagi roli to'g'risidagi o'quv materiallarini o'rganish jarayonida ularni ochib berish, qimmatli tashkilotlarni rivojlantirish o'quvchilar tomonidan baholash sajiyasidagi amaliy ishlarni (masalan, mamlakatning resurslar bilan ta'minlanganligini bahosi, o'zi yashaydigan joyning tabiiy va xo'jalik holatining bahosi va b.) bajarish imkonini beradi. Ekologik ta'lim uchun insonning atrof muhitga ta'sirini baholash bo'yicha joyidagi ish muhim ahamiyatga ega. Bular asosida o'quvchilardaboshqa kishilarni to'g'ri, tanqidiy baholash, tabiat va jamiyat qonunlariga mos keladigan xulq yo'lini tanlash odati ishlab chiqiladi. Geografiyani o'rganishda asosiy e'tibor tabiat, aholi va uning xo'jalik faoliyatining ozaro aloqalari va o'zaro ta'siriga qaratiladi. Shu sababli u o'quvchilarning geoeologik ta'limi va tarbiyasida potensial imkoniyatlarga ega (Maksakovskiy, 2004).

Geografiya kursi ekologik yo'nalganligi, ekologik muammolarni ochishning soni va teranligiga hamda ularni yechish yo'llarini asoslashga ko'ra boshqa fanlardan ancha ko'p ustuvorlikka ega. Unda geoeologiya va tabiatdan oqilona foydalanish nazariyasida tayanch bo'ladigan g'oyalar ko'p. Bu g'oyalar tabiatning bir butunligi, uning barcha komponentlari va jarayonlarining o'zaro aloqasining, tabiiy komplekslar, geografik qobiq, moddalarning aylanma harakati va boshqa g'oyalardir. Bundan tashqari, geografiya kursiga tabiatdan oqilona foydalanish nazariya va amaliyotiga bevosita mansub bo'lgina juda ko'p tushunchalar, aynan antropogen landshatlar, global ekologik muammolar, tabiiy resurslardan foydalanishni uyushtirish, tabiiy resurslarga antropogen ta'sirlar, tabiatdan oqilona foydalanishning asosiy prinsiplari va boshqa tushunchalar kiritilgan. Geografiya bo'yicha dasturlarning barcha bo'limlarida ekologik rejaning quyidagi masalalariga e'tibor qaratiladi:

- o'tmishdava hozirgi paytda insoniyat va tabiatning o'zarota ta'siri;
- kishilar xo'jalik faoliyatining litosfera, gidrosfera, atmosfera biosferaga ta'siri, ularni muhofaza qilishga doir tadbirlar; insonning tuproqlardan foydalanish va muhofaza qilish bo'yicha faoliyati.

Geografiya o'quv fani sifatida atrof olamda sotsial-mas'ul xulqni shakllantiradigan dunyoqarash sajiyasidagi yagona maktab predmetidir. Muayyan hududda tabiat sferasining o'zgarishi bilan bog'liq holda o'rganiladigan jamiyat va tabiat o'zaro ta'siridagi regional muammolar salomatlik yoki kishilarning hayoti, xo'jalikning rivojlanishi va tabiiy komplekslarning geosfera resurslari va sifatini qayta tiklash imkoniyatlari, genofondni asrashning xazinasi bo'lib xizmat qilishi uchun xavf tug'dirmoqda yoki tug'dirishi mumkin. Regional muammolarni o'rganishda teran bilish va geografik hamda ekologik bilimlarni kengaytirish uchun amalyotda foydalangan holda keng imkoniyatlar ochadi. Aynan geografiya global, regional va mahalliy miqyoslardagi ekologik muammolarni tadqiq qilish va yechishga qodir va mas'ul bo'lgan fundamental fanlardan biri hisoblanadi. Bugungi o'quvchilar – mamlakatimizning bo'lg'usi fuqarolari bu muammolarni yechishda faol ishtirokchilar bo'lishlari lozim. Geografiyani o'rganishda tabiat, aholi va uning faoliyat o'zaro aloqalari va o'zaro ta'siriga asosi e'tibor qaratiladi. Shu sababli u o'quvchilarni geoeologik ta'lim berish va tarbiyada katta imkoniyatlarga ega.

Учунчи ёшдан бошлаб қорақурт нимфаларида эркак ва урғочи зотларни ўлчамга қараб ажратиш мумкин. Жумладан эркагининг ўлчами 2-3 мм бўлса, урғочисиники эса 5-6 мм ўлчамда бўлади.

Тўртинчи ёшида қорақурт нимфалари эркак ва урғочи зотларини бир-биридан аниқ фарқлаш мумкин. Бу ёшда эркагининг ўлчами 6-7 мм, урғочисиники эса 9-10 мм бўлади.

Бешинчи ёшда эркак қорақурт нимфасининг ўлчами 9-10 мм бўлиб, ташқи кўриниши оч қорароқ ва сарикроқ рангга киради. Урғочисининг ўлчами 13-14 мм га яқинлашиб, захар безлари анча йириклашган бўлади.

Олтинчи ёшдаги эркак ва урғочи қорақурт нимфалари бошқа ёшдагилардан бутунлай фарқ қилади. Уларнинг захар безлари аниқ кўзга ташланади.

Еттинчи ёшдаги нимфа эркаги вояга етиб қўшилиш хусусиятига эга бўлади. Бу даврда ташқи кўринишидан қорин қисми анча йириклашиб, жуда ҳаракатчан бўлиб қолади. Қорин устидаги кизил, оқ доғлар яхши кўринади. Эркак қорақуртнинг бу доғлари ҳаётининг охиригача сақланиб қолади. Урғочисида эса анча йириклашган, тим қора рангли бўлиб, кизил доғлари яққол кўзга ташланади.

Саккиз ёшдаги урғочи қорақурт анча йириклашиб, унинг танасидаги кизил доғлар аста-секин йўқ бўла бошлайди. Қизил доғлар ўрнинда чуқурроқ белгилар қолади.

Урғочи қорақурт тўққизинчи ёшида охириги марта пўст ташлаб, эркаги билан қўшилиш ҳолатига киради. Унинг танаси анча йириклашиб, тим қора рангга айланади ва кизил доғлари бутунлай йўқолиб кетади.

Вояга етган қорақуртнинг эркаги июл ойининг охирида бутунлай ёппасига табиий нобуд бўлади. Урғочиси эса пилла қўйиб ноябр ойининг охиригача ҳаёт кечиради.

Озиқланиши. Қорақурт умрини ўзи тўқиган ипак тўри устида ўтказди. У уяларини турли хил чуқурлик ва ёриқларга тўр тортиб оддий усулда уя куради. Кейинчалик бу тўрлар марказига майда хас чўпларни, тупроқ заррачаларини ва ушлаган ҳашоротларни ёпиштириб, коса шаклидаги уя солади.

Қорақуртлар фақат тирик ҳашоротлар билан озиқланади. Ёш қорақуртчалар чумоли, кичик чирилдоқ ва қандалалар билан озиқланади. Кейинчалик қатта ёшдаги нимфалар ва вояга етган қорақуртларнинг озиқланиши учун ушлаган ҳашоротларнинг тур таркиби ўзгаради. Эндиликда улар анча йирик бўлган ҳашоротларни ҳам ушлаб озиқлана бошлайдилар. Масалан, улар чигиртка, темирчак, қўнғиз, капалак, эшак қурт, суварак каби ҳашоротларни ҳеч қийналмасдан ўз тўрига илтира оладилар [6].

Қорақуртнинг уяси атрофига тортилган тўрлар ҳашоротларни чаққонлик билан ушлашда қатта аҳамиятга эга. Қорақурт уясида дам олиб турган пайтида унинг тўрига бирорта ҳашорот тегиб кетгудай бўлса ёки илинса, у дарҳол сезади. Қорақурт тезда ўз ўлжаси ёнига етиб келади ва орқа оёғидаги махсус безлардан ажратиладиган ипак билан ўлжани бир неча маротаба ўрайди. Бундан қутилиш учун кўп ҳаракат қилган ўлжа ҳолдан тойгач, қорақурт келиб уни аста-секин сўра бошлайди.

Қорақурт одатда озиқа учун ҳашорот танламайди. Тўрига илинган ҳамма бўғимоёқлилар вакиллари истеъмол қилаверади. Масалан, қоратанли қўнғиз ва хасва ўзини химоя қилиш учун сассиқ суюқлик чиқарса, чаён ўзининг захар солувчи органларини ишга солса ҳам қорақурт уларни зўр иштаҳа билан тановул қилади.

Қорақуртларнинг табиатдаги ўрни муҳим аҳамиятга эга. Улар кўпчилик зараркунанда ҳашоротларни еб, уларнинг айрим турларининг ҳаддан ташқари кўпайиб кетмаслигини бошқариб туради. Қорақуртлар озиқасини 30 турдан ортик ҳашоротлар ташкил этади.



2– расм. Эркак ва урғочи қорақурт зотлари ин-уядаги пилласи билан (оригинал).



3– расм. Қорақуртнинг ин-уясидаги пиллалари (оригинал).

Маълумки, ҳар бир жонзот ўз ўрни билан табиат оламининг муҳим занжирини ташкил қилади. Ҳайвонларнинг у ёки бу турининг бутунлай йўқолиб кетиши табиатдаги номутаносибликни келтириб чиқаради. Бу эса ўз навбатида қутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар бир жонзотга ўзимиз каби табиатнинг бир бўлаги бўлади деб қарашимиз ва уларга одилона муносабатда бўлишимиз зарур.

Шура (бит) — яшил, қора ва қўнғир рангдаги майда ҳашаротдир. Бу зараркунандага қарши курашда ўсимлик устидан керосин аралаштирилган совунли сув қуйилади (0,5л. сувда кичик бўлак совунни эритиб, унга 50 томчи керосин қўшилади). Ўсимликка бундай ишлов бериш 7-8 кун ўтказиб бир неча марта такрорланади. Ишлов берилган кун эртасига ўсимлик тоза сув билан ювилади:

Дарахт бўғими ҳам ҳашарот бўлиб, унинг танаси орқа томонидан мумсимон қалқон билан қопланган. Зарарланган ўсимликдан бўғими чўтка билан олинад ва ўсимлик совунли сув билан ювилади. Эртаси куни тоза сув билан ювиш лозим, бу тадбир бир неча марта такрорланади.

GEOGRAFIYA DARSLARIDA EKOLOGIK TA'LIM VA TARBIIYANING METODIK MASALALARI

Muqumova H.I., Abdullayev S.I., Marqayeva G.O.*

Qarshi davlat universiteti

Bugungi kunda davr kishisining, savodli insonning eng muhim vazifasi atrof muhitning ekologik holati to'g'risida qayg'urishdan iborat. XX asrda jadal sanoat rivojlanishi insonning tabiatga ta'sirining ancha kuchayishiga olib keldi. Bu ta'sir ko'pincha juda salbiy saviyaga ega. Ana shu sababli bugungi kunda ekologik ta'lim va arbiya masalasi maktabdan boshlab o'ta jiddiy masala bo'lib turadi.

Ekologik ta'lim shaxsni o'qitish, tarbiyalash va rivojlantirishni ilmiy va amaliy bilimlar va ko'nikmalarining, shuningdek qadriyatlar yonilishlari, axloq va faoliyat tizimini shakllantirishga yo'naltirilgan uzluksiz jarayonni taqozo etadi. Ekologik ta'lim tizimi asosida ekologiyaning global, regional va lokal jihatlarining insonparvarlashtirish, ilmiylik, integratsiya, uzluksizlik, tizimlilik, o'zaro bog'liqlik prinsiplari turadi.

Bolaning atrof tabiiy muhitga munosabatini juda ko'p jihatdan maktab ekologik tarbiyasi belgilaydi. Bu tarbiya kichik sinflarda "Tabiatshunoslik", "Atrof olam" kurslarini o'rganishda boshlanadi. Bu kurslar o'quvchilarda tabiatda mavjud bo'lgan o'zaro aloqalar to'g'risida tasavvurni shakllantirishni davom ettiradi va ular asosida ekologik dunyo qarashni va madaniyatni, atrof muhitga va o'z salomatligiga mas'ul munosabatni shakllantirishni davom ettiradi. Maktab ekologik tarbiyasi bilimlarni maqsadli, muvofiqlashtirilgan va tizimli berish imkoniyatiga ega. Maktabda o'quvchilarining asosiy ekologik bilimlar "Geografiya" "Biologiya", "Kimyo", "Fizika", "Odam salomatligi", shuningdek ekologik mazmundagi va asosiy predmetlarning integratsiyasi orqali to'planadi. Bu bosqichda nazariy mashg'ulotlar atrof muhit holatini ochib berish va o'rganish maqsadi bo'lgan bir qator amaliy ishlar bilan birgalikda olib boriladi. Bunda olimlarning fikricha global, regional va lokal darajadagi ekologik muammolarni tadqiq qilish va yechishga da'vat qilingan aynan geografiya fundamental fanlardan biri ekanligiga e'tibor berish kerak.

Geografiyaning maktab kursi maktab o'quvchilarida axloqiy me'yorlar va tabiatdagi xulq odatlari, qadriyat yo'nalishlarini shakllantirish va rivojlantirishning

*Muqumova Husnora Ergashevna - Qarshi DU Geografiya kafedrasida o'qituvchisi.

*Abdullayev Suyun Ismatovich - Qarshi DU Geografiya kafedrasida dotsenti, g.f.n.

*Marqayeva Gulal - Geografiya o'qitish metodikasi IV bosqich talabasi.

(диаметрида) каттарок бўлиши керак. Кўчат қилишни баҳорда, ўсимлик ўсишни бошламасдан олдин амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўғитлаш. Ўсимликларнинг меъёрда озикланишлари учун уларни тизимли тарзда ўғитлаб бориш зарур. Бунинг учун минерал ўғитлардан фойдаланган маъкул (қандай фойдаланилиши кўрсатилган тайёр аралашмалар гул дўконларида сотилади). Ўсимлик кўчат қилиб ўтказилгандан сўнг ўса бошлагач ёки илдиз олгач ўғитланади. Ўсимлик ҳар ойда, 3-4 марта ўғитланади. Ўғитлашдан бир неча соат олдин ўсимликни яхшилаб суғориш лозим.

Кесиш. Ўсимликнинг чиройли кўриниши ва сершоҳ бўлиши учун унинг ўсишини бошқариш лозим. Бута ҳосил қилиш мақсадида ён шохчалар ўсиши учун асосий шохнинг учи қирқилади, ён шохчалар 10-15 см га етганда уларнинг ҳар учи қирқилади. Кесишда ўткир пичоқдан фойдаланилади. Қирқилганда куртак тепасидан қирқилади ва кесилган жойга майдаланган кўмир сепилади. Ёронгул, фуксия, розан ва шу кабилар кесилади.

Кўпайтириш. Хона ўсимликларини поя ва барг қаламчалари, бачкилари, пиёзи, бутани бўлиш, пархеш қилиш ва шу кабилар орқали кўпайтириш мумкин.

Қаламчалар ёрдамида кўпайтириш. Қаламчалар поя ва баргдан иборат бўлиши мумкин. Ўсимликларнинг кўпчилиги (*традесканция, бегония, фикус, аукуба, хина, пеларгония*) поя қаламчаларидан кўпаяди. Ўсиб турган новдадан 2 - 3 бўғимли новда қирқиб олинади. Пастки кесик шундай бўғимнинг тагида бўлади. Қаламчани сувга солиб қўйилади ёки тувак, ё яшикка экилади, бунда пастки кесик қумга кўмилиб туриши керак. Экилган қаламчалар усти ойна билан ёпилиб, унга кунига 2 марта сув пуркагич ёрдамида сув пуркаб турилади. *Бегония - рекс, сансевьера, узамбарг гунафшаси* барг қаламчаларидан кўпаяди. *Бегония - рексинг* барги (пастки томони)нинг томирлари тарқаладиган жойдан олмос билан кесилади ва нам қумга ўтказилади. Кесилган жойлар қум билан сиқиб қўйилади. *Сансевьерани* кўпайтиришда унинг барглари қисмларга бўлиниб, ҳар бир бўлак қаламча сингари қуйи томони билан қумга ўтказилади. Улар худди поя қаламчалар сингари парвариш қилинади.

Пиёздан кўпайтириш. *Амараллис, кринум, гемантус, эфифантес* пиёздан кўпаяди. Пиёз бошида куртаклар пайдо бўлиб, улардан пиёзчалар ўсиб чиқади. Кўчат қилишда улар эски пиёзбошдан эҳтиёткорлик билан ажратилиб, тувакка экилади ва худди пиёзбош сингари парвариш қилинади.

Бачкилардан кўпайтириш. Ер устидан деярли тўлик шаклланган ёш ўсимликлар шаклидаги бачкиларни ҳосил қилувчи ўсимликлар (тошёрар, хлорофитум) жуда осон кўпаяди. Бу бачкилар асосий ўсимликлардан қирқиб олиниб, кичик тувакларга ўтказилади.

Илдизпоядан кўпайтириш. Бу усулдан ўсимликларни кўчат қилиб экишда фойдаланилади. Илдизпоядаги тупроқ силкитиб туширилади ва уни ўткир пичоқ билан ҳар бир бўлакда жуда бўлмаганда 1-2 куртак ёки ниҳол ва илдиз қоладиган қилиб қисмларга ажратилади. *Аспидистра, сансевьера, циперус* илдизпоядан кўпаяди.

Зараркундаларга қарши қураш. Хона ўсимликларида асосан *шира (бит), бўғими, қурт, ўргимчак кана, трипс, ногахвостка* пайдо бўлади.

Биобарин, табиатда тарқалган захарли хайвонларни тур сонини сақлаш, кўпайтириш ва муҳофаза қилиш замонвий зоологиянинг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Бунинг учун авваламбор ушбу хайвонларнинг биогеоценозларда тарқалиш қонуниятларини, ўзига хос био-экологик хусусиятларини атрофлича ўрганишни талаб этади.

ТУПРОҚ ОРГАНИК МОДДАЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИК АҲАМИЯТИ

Аллаяров С.К., Алланазаров О.Я.

Термиз давлат университети

Тупроқдаги минерал озик моддалар билан бир қаторда гумификация ва ўсимлик ҳамда хайвонлар қолдиғининг чала парчаланиш маҳсулотлари бўлган органик моддалар ҳам катта аҳамиятга эга. Бунда фотосинтезловчи юксак ўсимликлар (продуцентлар) қолдиғининг қайта ишланишидан ҳосил бўладиган маҳсулотлар кўпроқ аҳамиятли ҳисобланади. Продуцентлар нобуд бўлганда ёки консумент занжирда қайта ишланганда тупроқни органик моддаларга бойитади. Ерга тўқилган ўсимликлар қолдиғи тўшама ҳосил қилади. Йил давомида ҳосил бўладиган бу хилдаги тўшаманинг қалинлиги ўсимликлар типининг хилма-хиллиги ва турли зоналарга боғлиқ ҳолда ҳар хил бўлади. Масалан, Лархер (1978) маълумотида кўра, тўшаманинг ўртача миқдори гектарига тонна ҳисобида қуйидагича: тропикда ғалладошлар ўсган майдонларда 10-15, мўътадил зона ўтлоқларида 6-10, ўрмонларда 5-9, даштларда 1-5, тундрада 0,05-0,5, чўлларда 0,01-0,05. Ҳосил бўладиган бу хилдаги тўшама ҳар хил тезликда парчаланади, шунинг учун унинг запаси фақат ерга тушган қолдиқларга эмас, балки парчаланиш тезлигига ҳам боғлиқ бўлади. Тўшаманинг парчаланиш тезлиги кўп жиҳатдан унинг характерини ва таркибини, тупроқ типи ва фаунасини, айниқса, иқлим шароитини белгилайди.

Серёгин тропик ўрмонларда йил бўйи тўқиладиган ўсимликлар қолдиғи ўзига хос иқлим шароитига ва тупроқ организмларининг жуда активлигига боғлиқ ҳолда 1-2 йил давомида, мўътадил зонадаги баргли ўрмонларда 2-4 йил давомида, нинабаргли ўрмонларда 4-5 йил давомида парчаланиши мумкин; дашт зонасида парчаланиш анча тез боради, тундрада ўн йиллаб чўзилиши мумкин. Дашт зонасида айниқса баҳорда ва ёзда (курғоқчилик бошлангунча) парчаланиш тезлашади, қишга бориб секинлашади.

Тўшаманинг парчаланишида тупроқдаги жуда кўп хайвон организмлар иштирок этади, чунки ўсимликларнинг ерга тўқилган қисмлари улар учун озик ҳисобланади. Бунда сапрофаглар муҳим роль ўйнайди. Бу организмларнинг деярли ҳаммаси ҳазм қилиш жараёнида экскримент ажратади, булар эса ҳали ейилмаган ўсимликлар қолдиғи билан аралашиб кетади. Кенг баргли ўрмонларнинг органик моддаларга бой бўлган тупроқларида парчаланиш яна давом этади. Бунда ёмғир чувалчанглари ҳам ишга киришади, улар тупроқ таркибига, яъни юмшоқ чиринди (гумус)га кирувчи ҳазм бўлган моддаларни бутунлай қайта ишлайди.

Чиринди ҳосил бўлишида нобуд бўлган илдиз массаси муҳим аҳамиятга эга. Тупроққа чуқур кириб ўсган илдиз массаси бўйича биринчи ўринда кенг баргли ўрмонлар ва ўтлоқли даштлар, улардан кейин сернам тропик ва

субтропик ўрмонлар ва ниҳоят охириги ўринда чўллар туради. Ўрмонларда илдиз фитомассасининг нисбий ҳиссаси (умумий фитомассага нисбатан) унча кўп эмас (20-25%). Даштлардаги ўт ўсимликлар илдизининг нисбий массаси ва чиринди запаси энг юқори бўлади, бу эса ўт ўсимликларнинг осонликча парчаланадиган ингичка илдизлари кўплигига боғлиқ бўлади. Бу чиринди дашт қора тупроқларининг юқори даражадаги унумдорлигини таъминлайди.

Шундай қилиб, тупроқ унумдорлигининг шаклланишида гумификация процессининг охириги маҳсулоти, яъни чиринди моддалар (гумин ва ҳаракатчан фульвокислоталар) асосий роль ўйнайди. Лекин чиринди таркибида запас озик моддалар тўпланиши бир вақтда уларнинг иммобилизациясини ҳам билдиради. Чунки улар ўзлаштирилиши кийин бўлган шаклга ўтиб қолади. Чиринди таркибида озик моддалардан ташқари, физиологик актив компонентлар ҳам бўлади, улардан баъзилари фақат стимулловчи таъсир кўрсатмай, балки ингибиторлик ёки ҳатто заҳарловчи таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Чиринчи тупроқнинг унумдорлигини (структурасини) ва физик хоссаларини яхшилайти. Гумус ҳосил бўлиш процесси фақат температурага эмас, балки анаэробиз процессларга, кальций иштироки эса тупроқнинг минерал таркибига боғлиқ бўлади. Тупроқдаги органик моддалар ўсимликлар учун қанчалик аҳамиятга эга эканлигини қуйидагилардан очик- ойдин кўриш мумкин.

Бузилмаган фитоценозларда тўшама запаси, тупроқдаги органик моддалар миқдори ва фитомасса ўргасида маълум мувозанат кузатилади. Бундай мувозанат жуда муҳимдир, чунки тўшама таркибидаги резерв озик моддалар мазкур экосистемада қолиб, минералланиш натижасида ҳосил бўладиган озик элементлари аста-секин яшил ўсимликлар томонидан фой- даланилади. Фитомассанинг йўқолиши ёки ерга тўкилган қолдиқларни йўқотиш тупроқда озик элементлари камайиб кетишига сабаб бўлади. Агар тупроқдаги органик моддалар тез минералланса (масалан, тропик ўрмонларда), минерал элементлар жуда тез ажралиб чиқади ва ўсимликлар осон ўзлаштирадиган шаклда бўлади, бу эса кўп фитомасса ҳосил бўлиши учун имконият яратади.

Шундай қилиб, тупроқдаги органик моддаларнинг айланиши мураккаб циклдан (ўсимликларнинг тўкилган қолдиғи (тўшама) - гумификация - минералланиш - ўсимликларга қайтишдан) иборат бўлиб, ҳар доим биологик муҳим элементлар етарли миқдорда бўлишини таъминлайди, тупроқнинг унумдорлиги эса кўп жиҳатдан ундан чиқиб кетган элементларнинг яна ўзига қайтиб тушиш тезлигига боғлиқ бўлади. Айрим элементлар атмосферага учиб чиқиб кетиб йўқолса, бошқалари тупроқ орқали сизиб ўтадиган сувлар билан оқиб кетади. Лекин давомли нурашлар, азот фиксацияси, чанг ўтириши буларнинг ҳаммаси йўқотилган элементларнинг бир қисми қайта тикланишини таъминлайди. Умуман яшил ўсимликлар тупроқдан олгандагидан кўра кўпроғини қайтаради. Улар тупроқдан кам миқдорда эриган моддалар олиб, унга кўп органик моддалар (целлюлоза, лигнин, крахмал, шакар, ёғлар, протеин ва бошқалар) қайтаради. Бу эса тупроқда кўп жониворларнинг ва улар билан озикланадиган бошқа организмларнинг ривожланишига имкон беради.

Тупроқнинг температура режими кўп жиҳатдан таркибидаги органик моддаларга боғлиқ бўлиб, улар тупроқнинг сув режимига ҳам таъсир кўрсатади,

БОШЛАНҒИЧ СИНФНИНГ ЖОНЛИ ТАБИАТ БУРЧАГИДА ХОНА ЎСИМЛИКЛАРИНИ САҚЛАШ

Мадраҳимова З., Каршибаева Л., Эргашева С.

Гулистон давлат университети

Жонли табиат бурчагининг асосий вазифаси - болаларда табиат оламидаги муҳим боғлиқликлар яъни ўсимликларнинг мажмуали шароитлар- намлик, иссиқлик, ёруғлик ва шу кабиларга, ҳайвонларнинг ташқи тузилиши ва ҳаёт тарзининг яшаш муҳитига боғлиқлиги ҳақида оддий билимларни шакллантиришдан иборатдир.

Бу борада бошланғич синф ўқувчилари хона ўсимликларини сақлаш иши - уларни суғориш, пуркаш, ювиш, тупроғини юмшатиш, бир жойдан иккинчисига кўчириш ва бошқа жойга экиш, озиклантириш, кесиш, кўпайтириш, зараркунандаларга қарши кураш каби ишлар билан шуғулланиши натижасида табиатга нисбатан муҳаббат ҳамда меҳнат тарбияси шакллантирилади. Бинобарин, бошланғич синф ўқитувчиси ўқувчиларни қуйидаги иш фаолиятига жалб қилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Сув қуйиш. Ўсимликка хона ҳароратидаги сув қуйилади. Водопровод сувини таркибидаги хлорни йўқотиш учун очик идишда ушлаб турилади. Ўсимлик жадал ривожланаётган ва гуллаётган вақтда унга хона ҳароратидан 2° ортиқ бўлган сув қуйилади; сувни тувакдаги тупроқнинг ҳаммаси шимиб олиш даражасигача қуйилади. Агарда гултувак остлигида сув пайдо бўлса ва у икки соат давомида тувак тешиги орқали шимилиб кетмаса, у тўкилади.

Пуркаш. Пуркаш кўпгина ўсимликларни парвариш қилишда муҳим қисм ҳисобланади. Бу сув маромини сақлайди. Пуркалганда ўсимлик бутун қиш давомида худди янгидек, кўм-кўк бўлиб туради. Илик сув билан мунтазам пуркаб турилганда ўсимлик новдалари ва барглари тезроқ ўсади, куртак чиқаради.

Ювиш. Ўсимликни чангдан тозалаш учун илиқ сув билан мунтазам ювиб туриш керак бўлади. Ўсимлик душ тагига ёки тувакни тоғорага қўйиб ювилади, бунда тувакдаги тупроқ ювилиб кетмаслиги учун унинг усти сув ўтказмайдиган ҳалта билан ёпиб қўйилади. Тиканли кактусларни ювишдан олдин чанглари юмшоқ чутка билан тозаланади, Эгилган баргли ўсимликларни ювиш мумкин эмас, уларнинг чанги майин мўйқалам билан тозаланади. Гултуваклар йилига 3-4 марта совунлаб қайноқ сув билан ювилади.

Юмшатиш. Юмшатиш-бу «сувсиз суғоришдир». Юмшатиш сув қуйилган - куннинг эртасига амалга оширилади. Ўсимлик илдизларига зарар етказмаслик учун тувак четларидаги тупроқ кўпи билан 1-1,5 см чуқурликда юмшатилади.

Кўчириб ўтказиш ва кўчат қилиш. Кўчириб ўтказиш тувак торлик қилиб қолганда, ўсимлик илдизига ёпишиб турган тупроқ билан биргаликда бошқа тувакка кўчириб ўтказилади. Тувак тагига янги тупроқ солиниб, ўртасига кўчат ўтказилади, қолган тупроқни эса, бўш жойга солинади. Кўчат қилишда эса ўсимлик илдизига ёпишиб турган уюм бир оз тозаланади ва эски тупроқнинг бир қисми олиб ташланади. Янги тувак эскисидан 3 - 4 см

sinfda Yevropa mamlakatlari xo`jaligi, sanoat tarmoqlari mavzusini o`qitishda “Yevropaga sayohat” sayohatchilar guruhi va yo`l boshlovchisi sifatida, hatto korxonalar vakillari sifatida ham o`quvchilar o`yin ishtirokchisiga aylanadilar. Hududning katta ekanligi, sababli Yevropaning ayrim mamlakatlariga sayohat uyushtiriladi. Bizning misolimizda bu Yevropaning iqtisodiy rivojlangan mamlakatlari: Germaniya, Buyuk Britaniya, Fransiya davlatlari misolida ko`rib chiqiladi.

Shu davlatlarga sayohat uyushtirayotgan o`yin qatnashchilari mamlakatlarning yirik sanoat markazlari, korxonalari, ishlab chiqarilayotgan mahsulotlari to`g`risida ham ma`lumotlar to`playdilar. Davlatlar nomi bilan ataladigan uchta guruh ichidagi liderlar-gidlar vazifasini o`taydi va ular sanoat obyektlari to`g`risida mukammal ma`lumot berishlari shart. O`yin ishtirokchilarining o`z sayohatlari natijasida o`quvchilarga qancha mamlakatlar iqtisodiy-ijtimoiy xususiyatlarini to`liq namoyon etishlari, sayohatning qiziqarli va rol ishtirokchilarining o`z vazifalarini qanday o`ynashlari qarab dars yakunida qaysi davlatga uyushtirilgan sayohat mazmunli o`tganligi haqida ham so`rovnoma o`tkazilishi vaguruhlar faoliyati baholanishi mumkin. O`quvchilar geografik o`yin davomida aniq bir rollar va vazifalarni bajarish jarayonida ijodiy ishlar bilan mashg`ul bo`ladi, ma`lum bir muammoli vaziyat vujudga kelsa, ularni hamkorlikda yechishadi. Natijada geografik o`yinlar bilan shig`ullanish jarayonida ijodiy muhit yaratiladi, munozarali vazifalarni o`quvchilar o`zlari yechishga harakat qiladilar.

Blits-so`rov uchun savollar:

1. Yevropa xo`jaligi deganda nimani tushunasiz?
2. Yevropa xo`jaligi shakllanish bosqichlariga ta`rif bering.
3. FTI Yevropa xo`jaligining rivojlanishida qanday ahamiyatga ega?
4. Yevropa xo`jaligining tarkibiy tuzilishiga ta`rif bering.
5. Yevropa xo`jaligi tarmoqlarini xududiy joylashuviga qanday omillar ta`sir ko`rsatadi?
6. Yevropa xo`jaligi tarmoqlarida aholi bandligi qanday ko`rinishga ega?
7. Zamonaviy jahon xo`jaligining o`ziga xos jihatlari nimada?

Tushunchalar	V	+	-	?
Yevropa xo`jaligi				
FTI				
Sanoat				
Qishloq xo`jaligi				
Moddiy soha				
Nomoddiy soha				
Xizmat ko`rsatish sohalari				
Integratsiya				
Avtomatlashtirish				
Kooperatsiya				

чунки тупрокнинг сув сақлаш қобилияти кўп жиҳатдан унинг структурасини ҳосил қилувчи коллоидларга боғлиқ бўлади. Модомики, органик моддаларининг кўпи ер юзасига яқин жойлашган экан, бу юза горизонт сув сақлаб туриш қобилиятига эга бўлади. Энг устки қатлам, яъни тўшама - тупрокни сув оқимидан ва сув томчиларининг механик таъсиридан муҳофаза қилиб туради. Лекин шу билан бирга тўшама сувнинг бир қисмини тутиб қолиб, уни илдизга ўтказмайди. Тўшама жуда тез қуриб қолади, бу эса дарахтлар ўсимтасининг илдиз олишини қийинлаштиради.

Органик моддаларнинг қайта ишланишида иштирок этадиган кўпгина организмларнинг фаолияти кўп жиҳатдан CO₂ ажралишига боғлиқ бўлиб, тупрокнинг «нафас олишини» таъминлайди. Ниҳоят, шуни айтиш керакки, чиринди (гумус) тупрокнинг физик хоссаларини яхшилайди, структураси донатор бўлишини таъминлайди.

**ГЕОЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА
КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР
Ахунбобоев М.М., Джураев М.Э., Уматова М.**

Гулистон давлат университети

Халқ хўжалигининг энг муҳим тармоғларидан бири дехқончиликни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган Сирдарё вилояти ўзига хос иқлим шароитига эга. Вилоятнинг иқлими иссиқ ўлка эканлиги, кучли шамолэсиб туриши боис, яшил ўсимликларсиз дехқончиликда ҳам, аҳоли учун қулай шароит яратиб бўлмайди. Ўсимликлар атроф-муҳитнинг санитария-гигиена ҳолатини яхшилайди, шамол кучини пасайтиради, шовқинни камайтиради, хавонни тозалайди, хароратни мўтаъдиллаштириш хусусиятига эга. Оқ акация, зирк, оқ қайин, ёнғоқ, терак каби дарахтлар ўзидан фитонцид чиқариб зарарли микробларни йўқ қилишса, айримларини эхота ўрмонзорларини ташкил этишда фойдаланишимиз мумкин. Маълумотларга қараганда ўртача катталиқдаги битта дарахт бир кеча-кундузда уч киши учун зарур бўлган кислородни ишлаб чиқаради. Шунингдек, ҳар бир киши бир йил давомида ютган кислородини коплаши учун 3 туп дарахтни экиб ўстириши лозим.

Махсус тадқиқотлар натижасида аҳоли яшайдиган жойларда ҳар бир киши учун зарур бўлган яшил зона майдони аниқланиб чиқилган. Шу меъёрга кўра ҳар бир киши учун 12-15 кв. метр кўкаламзор зарур экан. Афсуски бу борада Сирдарё вилоятида ўлчам кўрсаткичлари меъёрдан анча кам. Лекин Вилоятимизда 2009 йил май ойида ўтказиладиган “Умид ниҳоллари” спартакиадаси муносабати билан кўкаламзорлаштириш борасида анча ишлар амалга оширилди. Сўнги йилларда вилоятимиз ҳудудидаги кўпгина иншоатларни атрофида “яшил тўсиқлар” қилинмоқда. Жумладан вилоят ҳудудидан оқиб ўтадиган “Дўстлик” каналининг икки қирғоғи манзарали дарахтлар арча ва тут дархатлари билан, шаҳарнинг катта йўлари четларида турли хил тез ўсадиган манзарали дарахт ва буталар билан, углерод икки оксиди ютиб тоза кислород ишлаб чиқарадиган ўтли ўсимликларни ҳам экиш ишлари амалга оширилмоқда.

Ёз кунлари дарахтлар соясида ҳаво ҳарорати сезиларли даражада паст бўлади. Қалин дарахтзорларда бу фарқ 10 даражагача бориши мумкин. Айниқса микроклимни яратишда ўрмонларнинг амалий аҳамияти ниҳоятда катта. Ёзнинг қуёшли кунларида 1 га майдондаги ўрмон 220-280 кг углерод икки оксидини ютиб 180-220 кг кислород ажратади. Сайёрамазнинг барча ўрмонлари бир йил давомида 550 млрд. т углерод икки оксидини қабул қилиб, инсон учун энг зарур бўлган 400 млрд. т кислород тайёрлаб беради. Шунингдек, ўрмон кўп миқдорда чанглари ютиб, ҳавони турли моддалардан тозалайди. 1 га майдондаги ўрмон йил давомида 32-63 кг чангни ютади. Агарда арча ўрмонларининг углерод икки оксидини ютишини 100 фоиз деб қабул қилинса, қарағай 160, липа 250, эман 450, терак эса 700 фоизни ташкил қилади. Бир мавсумда бир туп терак ҳавони 20-30 кг чанг ва қурумлардан тозалайди. Демак, теракли ўрмонлар ҳавонинг тозалашда энг фаол ҳисобланади. Ўзбекистонда 1994 йилнинг баҳоридан бошланган теракзорларни кўпайтириш умумхалқ ҳаракати бу жиҳатдан ҳам жуда тўғри иш эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 февралда тасдиқланган қароридан 1998-2008 йиллар мобайнида ҳар йили камида 10 минг га майдонда терак ва бошқа тез ўсувчи иморатбоп дарахтлар экиш таъкидланган эди. Россиядан келтирилаётган ёғоч ва тахта Республикага жуда ҳам қимматга тушмоқда. Терак ва бошқа тез ўсувчи дарахтларни экиш билан 8-10 йил мобайнида кўп миқдорда иморатбоп ёғоч тайёрлаш мумкин. Проф. А. Хоназаровнинг ҳисоб-китобига кўра 1 га теракзордан 10 йилда камида 500 м³, 10 минг га майдондаги теракзордан эса 5 млн. м³ ёғоч олиниши мумкин. Бу борада кўк терак ёғочи анча қаттиқ ва зич эканлиги билан ажралиб туради.

Теракларни барча суғориш тармоқларининг чекасида, шаҳарлар, аҳоли пунктлари, воҳаларнинг экин экилмайдиغان ва нотекис жойларда ўсиши имкони бор, ундан ихота ўрмони сифатида фодаланиш мумкин. Теракдан нафақат ёғоч, тахта, шунингдек ундан аъло сифатли қоғоз тайёрланади. Сирдарё вилоятида терак ўстириш ҳам алоҳида ёндашувни талаб қилади. Теракнинг бир салбий томони ўзидан парсимон мева тарқатиш билан ажралиб туради. Бу эса нафақат атроф-муҳитнинг кўринишига путур етказиши, балки аллергия касалликларни ҳам кўзгатиш хусусиятига эга бўлади. Шу боис Сирдарё вилоятида кўк теракни темир-бетонли новлар бўйлаб, пахта тозалаш заводлари атрофларида 2-3 қаторлаб экилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Кўп қаватли бинолар оралиғида эса олма, ўрик, арча каби дарахтлар экиш катта самара беради.

Умуман, янгидан белгиланган гигиена меъёрларига кўра аҳоли зич яшайдиган жойларда яшил зона 40 фоиз майдонни эгаллаши керак. Мактаб ва боғча атрофлари 50 фоиз, касалхоналар 60 фоиз, қишлоқ жойларда ҳар бир ҳовли ёнида камида 100 кв. метр боғ-мевазор бўлиши лозим.

Яшил зоналарда ўстириладиган дарахтлар, буталар, гулзор, кўкаламзорларнинг турлари ва сифати ҳам катта аҳамиятга эга. Бизнингча, маҳаллий иқлим шароитида атрофни соғломлаштиришда ҳам, шаҳар ва қишлоқ кўркини очишда ҳам эман, жўка, каштан, қайин, магнолия, шунингдек, қарағай, арча каби игнабаргли дарахтлар экиш энг маъқул навлар ҳисобланади. Бу

Та'лим jarayonida qo'llaniladigan usullar o'qituvchi va o'quvchi hamkorligida muayyan ta'lim tarbiya maqsadlarini, o'quv vazifalarini hal qilishga qaratilgan faoliyatni ta'minlovchi omillar tizimi deb qaralishi lozim. Shuning uchun ham ta'lim usullari o'quvchilar bilish faoliyati bosqichi bilan bevosita bog'langan bo'lib, ularni jadallashtirish, faollashtirishga xizmat qiladi va ko'zda tutilgan natijaga erishuvga xizmat qiladi.

Umumta'lim maktablari yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish borasida katta imkoniyatlarga ega. Mazkur imkoniyatlarni anglay olish, pedagogik texnologiyaga nisbatan bir oz ijodiy va texnologik yondashish mashg'ulotlarning qiziqarli bo'lishini ta'minlash bilan birga o'quvchilar tomonidan har bir mavzu bo'yicha bilimlarning puxta egallanishi uchun zamin yaratadi. Texnologik yondashuv asosida pedagogik faoliyatni tashkil etish individual va ijodiy xususiyatga ega. Shu bois ta'lim va tarbiya jarayonini yo'lga qo'yishda yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish har bir pedagogning shaxsiy imkoniyatlari, kasbiy mahorati hamda ijodkorlik layoqati darajasiga bog'liq. Umumta'lim maktablarining 9-sinfida Yevropa mamlakatlari aholisi mavzusini o'qitishda quyidagi yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish usullarini ta'lim jarayoniga tadbiiq etish yaxshi samaralar beradi.

“Sayohat darsi”ning ko'rgazmali qurollari

Germaniyaning sanoat markazlari



Rangli va qora metallurgiya zavodlari Shimoliy Reyn-Vestfaliyada, Gamburg va Bavariyada joylashgan

“Wolkswagen”, “Mercedes-Benz”, “BMW”, “Ford-Verke”, “Opel” kabi korporatsiyalar avtomobilsozlikning eng yirik markazlari—Volsburg, Shtuttgart, Kyoln, Ryussel-xaym, Myunxen shaharlaridir



Neftni qayta ishlash zavodlari markazlari—Gamburg, Kyoln, Kalsrue, Shvedt



Kimyo sanoatining Leverkusenda—“Bayer” konserni, Kyoln, Darmagen, Frankfurt—maynda—“Hoecht” konserni, Lyudvigshafenda—“Basf” konserni joylashgan



Dengiz kemasozligining asosiy markazlari—Kil, Gamburg, Bremen, Emden, Rostok, daryo kemasozligi markazi—Duysburg, Samolyotsozlik sanoatining yirik markazlari—Myunxen, Aersburg, Gamburg, Bremen hisoblanadi

Geografiya ta'limida didaktik o'yinlar o'quvchilarni bilim faoliyatini jadallashtirishni asosiy usullaridan biri sifatida ilgari qo'llanilib kelinadi. O'quvchilarga geografik o'yinlar orqali bilim berish didaktik o'yinli darslar deb ataladi. Geografik o'yinlarning asosiy xususiyati quyidagilardan iborat. Geografik o'yinlar bilan dars o'tilganda o'quvchilarda rivojlantiruvchi faoliyat vujudga keladi. Bunda o'yinda ishtirok etayotgan o'quvchilar rollarni, vazifalarni erkin tanlashadi. 9-

gerbariyalar yig'ish, kompasdan, nivelirdan foydalanish va hokazolar, ba'zilar juda murakkab harakat metodlarini va ko'p vaqt talab qiladi. Masalan: mo'ljal olish, graduslar va kilmetrar hisobida aniqlash, manzilgohlar, hududlar o'rtasida fazoviy bog'liqlikni qiyoslash, geografik koordinatalarni aniqlash, kartada ko'rsatilgan ob'yektlar va hodislar o'rtasidagi sabab-oqibatlar aloqadorligini o'rnatish, alohida ob'yektlar-daryo, ko'l, suv ombori, botqoqlikni ta'riflash, ko'rsatilgan hududni mamlakat, tuman, shaharning tabiiy geografik va iqtisodiy geografik ta'rifini yozish.

Geografik kartani o'qish ko'nikmasi sekin asta rivojlantiriladi, barcha sinflarda davom etadi. O'quvchilar karta bilan ishlash jarayonida turli mazmundagi umumgeografik, iqlim, tuproq, iqtisodiy kartalarning shatli belgilari bilan ham tanishadilar va ko'nikmalar hosil qiladilar. O'quvchilar raqamli ma'lumotlar bilan ishaganlarida turli jadval, grafik va diagrammalar tuzishga o'rganadilar. Bu ishlar kurs materiallarini yaxshi o'zlashtirishni ta'minlaydi. Iqtisodiy kartalarni o'rgatish ko'nikmasi turli metodlar orqali shakllantirilishi mumkin. Masalan, karta orqali shaharlarga iqtisodiy-geografik ta'rif berilganda o'quvchilar uning xomashyo va tayyor mahsulotlar olishdagi va chiqarishdagi aloqalarini, kelajkdagi rivojlanishiga oid ma'lumotlarga oldindan ega bo'lishi kerak. Yuqori sinflarda iqtisodiy geografik kartalarni o'qish ko'nikmasini shakllantirish birmuncha qiyin kechadi. Bu yerda reja asosida ta'rif berish yetakchi rolni o'ynaydi. Masalan, sanoat tarmoqlariga tavsif berish rejasi, tarmoqlar, shaharlar, davlatlarga ta'rif berish rejalariga bunga misol bo'la oladi. Ushbu fanning o'ziga xos xususiyatlari-harakatchanligi, ekologiya bilan aloqadorligi, ko'p mamlakatlarda iqtisodiy rivojlanishning barqaror emasligi, iqtisodiyot, aholiga oid ko'pgina ma'lumotlarning vaqt o'tishi bilan o'zgaruvchan ekanligi bu borada o'quv qo'llanmalarini doimo yangilab turishni taqozo etadi.

Amaliy va mustaqil ishlarni bajarish jarayonida quyidagi maqsad va vazifalarga erishiladi:

- maqsadlar qo'yish jarayoni matn, karta, rasm mazmuniga savollar tuzish, javob qaytarayotgan o'quvchiga qo'shimcha savol berish, Masalaning shartlariga turli savollar qo'yish va hokazolarda amalga oshadi.

- o'quv topshiriqlarining har xil turlaridan foydalanish o'quvchilarni ishga ijodiy yondashishga va nazariy bilimlarni amalda qo'llashga yordam beradi.

- kuzatishlar, amaliy ishlar, tajribalar davomida yaxshi o'zlashtirilgan bilimnigina emas, balki ularni qo'llashni ham talab qiladigan savollar va muammolarni o'z ichiga oladi, murakkabroq izlanishlar amalga oshiriladi.

IQTISODIY GEOGRAFIYA DARSLARIDA DIDAKTIK O'YINLI TEKNOLOGIYALARNI QO'LLASH

Kodirova M.M.

Navoiy davlat pedagogika instituti

Hozirgi kunda ta'lim jarayonida interfaol usullar, innovatsion texnologiyalar, pedagogik va axborot texnologiyalarni qo'llashga bo'lgan qiziqish kundana kuchayib bormoqda. Bunday usul o'quvchilarni tayyor bilimlarni o'zlari qidirib topishga, mustaqil o'rganib, tahlil qilishlariga, hatto xulosalarni ham o'zlari keltirib chiqarishlariga o'rgatadi.

борад Сирдарё вилояти аҳоли зич яшайдиган худудларида арча дарахтини экиб ўтирса бўлади. Бу дарахтнинг ижобий томонлари шундан иборатки ўзидан фитонцид чиқариб микробларни йўқ қилади, хавони тозалайди ва йил бўйи яшил рангда бўлиб чирой беради ҳамда аллергик касалликлар кўзғатиш хусусиятига эга эмас.

Умуман, шаҳар ва аҳоли яшайдиган бошқа жойларни кўкаламзорлаштириш масаласини ҳал этиш учун шаҳарлар атрофида махсус кўчатзорлар барпо этиш ва ҳар йили кўчат экиш ойликлари ўтказиш, кўчатларни парвариш қилиш ишларига кенг оммани, олий ва мактаб ўқувчиларини жалб қилиш даркор. Бу борадавилоятдаги ҳарбир таълим масканлари алоҳида жонбозлик кўрстиб келмоқдалар, жорий йилда Унверситет худудида 2000 дан зиёд терак кўчати, атиргул, бошқатурдаги манзарали дарахтларни экиш билан бирга уларнинг орасига беда ўсимлигини ҳам экиб чиқилишини мисолқилиб олишимиз мумкин.

Бундан ташқари, сув ўсимликлари ҳам оқова сувлар тозалашини жадаллаштиради. Оқова сувларни тозалашда фотосинтез қилувчи сув ўсимликларининг аҳамияти муҳим эканлиги анча аввал аниқланган. Кейинчалик ишлаб-чиқарувчи корхоналардан чиқадиган ифлосланган сувларни сувўтлари ва юксак сув ўсимликлари билан тозалаш мумкинлиги янада асослаб берилди.

Юксак сув ўсимликларининг янада бир аҳамиятли томони шундаки, улар асосан ифлосланган сувларда яхши ўсади ва юқори даражада биомасса ҳосил қилади, сувни кислород билан бойитади. Натижада органик моддаларни микробиологик оксидлайди, сув эса тозаланади. Тозаланган сувни биомассасини қишлоқ хўжалиги хайвонларини ва паррандаларини боқишда фойдаланилса бўлади.

Оқова сув биологик услубдан ўтгач альгоценозлар фотосинтездан сўнг ифлос сув кимёвий ва бактериялогик жиҳатдан тозаланади. 1994 йил Ўзбекистонга интродукция қилиниб, ялпи кўпайтириш усулблари ишлаб чиқилган каролина азолласи (*Azzolla caroliniana* Willd.) сув хавзаларини тозалашда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

A. caroliniana экилгандан 10 кун ўтгач сувнинг физикавий хоссаси ва кимёвий таркиби тубдан ўзгарди. Оқова сув тиниклашди ва ҳидсизланиши кузатилди.

Сув эриган кислород 10,22 мг О₂/л гача ошди, БПК₅, ХПК, оксидланиш ва С_{орг}, микдори 1,0; 7,33; 3,60 ва 2,75 мг/л гача пасайди.

“Абдусаттор” очик турдаги ҳиссадорлик сут-товар фермаси оқова сувда азолла кўпайтирилганда сувнинг ҳиди йўқолади, сувда эриган кислород микдори 12,40 мг О₂/л етди, БПК₅, ХПК ва оксидланиш -0,66; 0,82 ва 0,50 мг О₂/лгача пасайди. Сувнинг бошқа физик хоссалари ва кимёвий таркиби ҳам яхшиланди.

Шундай қилиб, *A. caroliniana* оқова ва коллектор-сизот сувларини тозалашда ижобий рол ўйнаши исботланди. Азолла экилган оқова сувларининг физик хоссалари, кимёвий таркиби яхшиланди ва сувдаги микроорганизмлар

сони камайди. Ана шу йўл билан тозаланган сувлардан халқ хўжалигини турли жабҳаларида қайта фойдаланиш мукин бўлади.

ОҲАНГАРОН ХАВЗАСИНИНГ ГЕОГРАФИК ЖОЙЛАНИШИ ВА ТАБИИЙ ШАРОИТИ

Азимов И.Т., Тошпўлатова Н.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Оҳангарон ҳавзаси (5260 км²) - ғарбий Тянь-Шань системасининг Чотқол ва Қурама тоғлари орасидан (ўртасидан) оқиб ўтувчи Оҳангарон (2,33км) дарёсининг ҳар иккала соҳилидан иборат бўлиб, Тяньшан тоғи системасининг Жануби-ғарбий тоғ тизмалари ҳукмрон бўлган - тоғлик райондир (Е 41⁰25' ш.к. ва 71⁰.50'ш.у).

Ғарбий Тянь-Шань (Хитойча осмон ўпар тоғлар, туркий номи -Тангри тоғ) Ўрта Осиё ва Марказий Осиёдаги энг йирик тоғлардан бўлиб, 40 – 45 градус шимолий кенгликлар, 67-95 градус шарқий узунликлар орасида жойлашган бўлиб, катта қисми Хитой, Қирғизистон, шимолий ғарбий тизмалар Қозоғистонда бўлиб, фақат жанубий Ғарбий тармоқларигагина Ўзбекистонда жойлашиб, ғарбдан шарққа 2450 км гача чўзилган бўлиб, энг баланд Тангритоғдаги Ғалаба чўққиси бўлиб баландлиги 7439 м. Ғарбий Тянь-Шань жануби ғарбга елпигичсимон тарқалиб кетган: Қоржонто, Угом, Писком, Кўксув, Чотқол ва Қурама тоғ тизмаларидан иборат бўлиб, биз иш олиб борган район эса охиригича иккита тизмага тегишлидир.

Тадқиқот олиб борилган ҳавза худудида Ўзбекистонда учрайдиган тўрт баланд минтақанинг барчаси учраб, уларнинг ҳар бири ўзига хос элементар ландшафтдир. Элементар ландшафт деганда ҳар бир ўсимлик типни, маълум субстратда ёки тупроқ типда ўсиши тушунилади. Псаммофитлар фақат қумда, шўралар эса шўрхокда ўсишини биламиз. Минтақалар – генетик жихатдан ҳар хил бўлган ҳар бири иккинчисида такрорланмайдиган ўзига хос таракқиёт қонунига эга бўлган экосистемалардан иборатдирлар.

Улардаги компонентларни, жумладан ўсимлик жамоаларининг қолган компонентлар билан узвий боғлиқ эканлиги ва уларнинг экосистемалар турғун таракқиётида тугган ўрнини аниқлаш мақсадида ўрганилаётган ҳавзанинг тузилиши, геологик ётқизик типлари, тупроғи, денгиз сатҳидан баландлиги, иқлими - ёғин миқдори фасллардаги ҳарорати ва ўсимлик қопламанинг вегетацион кун сони каби кўрсаткичларини аниқлаш зарурияти туғилади. Юқорида санаб ўтилган табиат кўрсаткичларини ҳар бирининг сон ва сифат кўрсаткичлари минтақаларда турлича бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос элементар ландшафтларни ташкил қиладилар. Барча минтақа ёки экосистемаларда фақат ўсимлик компоненти гина биомасса (энергия) ҳосил қилувчи биотик компонентдир. Қолган компонентлар эса абиотик бўлиб, унинг турғун таракқиётининг таъминловчи физгеографик компонентлар бўлиб ҳисобланади.

Ҳар бир физгеографик, маъмурий районларни ажратиб олиб, ўрганиш жараёнида унинг бошқалардан фарқи, ўхшаш кўрсаткичларини аниқлаш йўли билан унинг ботаник ёки физгеографик мазмуни аниқланади ва баҳоланади.

о'унайди. Bunday topshiriqlar fikrlash faoliyatining maqsadi sifatida xizmat qiladi va uning xarakterini belgilaydi.

Hozirgi ta'lim o'quvchilardan bilim, ko'nikma va malakalarni o'zlashtirish bilan birga, ulardan aqliy faoliyat usullarini ham egallab borishni talab etadi. Bilimlarni egallash va ularni turli amaliy ishlarda tatbiq etish jarayoni-ikkita geografik ob'yektni qiyoslashda, ulardagi umumiylik va tafovutlarni aniqlashga, karta va boshqa bilim manbalari asosida geografik tavsif tuzishda o'quvchilar turli ko'nikma va malakalarni tatbiq etadilar.

O'quvchilarning geografik bilimlarni o'rganish jarayonidagi mantiqiy mulohazalari va mustaqil tafakkuri darsni o'qituvchi tomonidan tashkil ettirilishiga bog'liq. O'qituvchi o'quvchilardan murakkab masalalarni hal etishni talab etsa, o'quvchilar o'sha murakkab masalalarni bilishga intiladilar. Avvalo o'qituvchi o'quvchilar o'rganadigan bilimlarning mazmunini tahlil qilib, o'quv ishlaridagi usullarni aniqlaydi. Shundan keyin o'quvchilar fikrini qaysi vositalar bilan rivojlantirish mumkinligini bilib oladi. Geografik ko'nikma va malakalarni shakllantirish metodikasi bilim egallash, ko'nikma va malakani shakllanishlari bilan chambarchas bog'liq. O'quv ishlari uslubiyatini bilish ko'nikmalarini shakllantirish uchun asos bo'lib xizmat qiladi. Ilg'or geografiya o'qituvchilari va metodistlar o'quvchilar amaliy tayyorgarligiga katta e'tibor beradilar. Geografiya ta'limi ko'pgina amaliy ishlar bajarishni talab etadi. Umumta'lim maktablarida geografiya fanlaridan tashkil etiladigan amaliy mashg'ulotlar mazmunan boyligi, egallanayotgan nazariy bilimlarni to'ldiruvchi, tabiat va jamiyat o'rtasidagi o'zaro aloqadorlikning mohiyatini ochib beruvchi amaliy shaklidir. Amaliy ishlar o'quvchilarning nazariy bilimlarini amalda tatbiq etishga, materiallarni ongli va puxta o'zlashtirishga, amaliy ahamiyatga ega bo'lgan ko'nikma va malakalarni shakllantirishga imkon beradi.

Amaliy ishlar kurs mazmuniga qarab belgilanadi. Amaliy ishlarni olib borishdan maqsad-turli mamundagi kartalar va globus bilan ishlash, tabiatni kuzatish kabi geografiyaga xos ko'nikma va malakalar hosil qilishdan iborat. Maktab geografiyasida shakllantiriladigan ko'nikmalar mazmun jihatdan emas, balki bajarish murakkabligi bo'yicha ham farq qiladi. Masalan dunyo tomonlarini aniqlash oddiy ko'nikma bo'lsa, topografik planni o'qish va uni tuzish esa murakkab ko'nikma hisoblanadi.

Har bir geografik ko'nikmani shakllantirish murakkab harakat tizimlarini talab qiladi. Odatda ko'nikma va malakalar bir paytning o'zida shakllantiriladi. Masalan topografik planni o'qish ko'nikmasi o'z ichiga yo'nalishlarni aniqlash, masshtab yordamida plandagi masofalarni o'lchash topografik belgilarni o'qish, joyda ob'yektlar o'rtasidagi aloqadorlikni o'rnatish kabilarni oladi.

Ob-havoni kuzatish ko'nikmasi deganda termometr, barometr, flyuger bilan ishlash, koz bilan bulutlar shakli va turlarini, ob-havoning boshqa alomatarini aniqlash tushuniladi. Shular ichida faqat ob-havo haroratini aniqlash va barometr bilan ishlash malaka darajasigacha ko'tarilishi mumkin.

Geografik ko'nikma va malakalar ko'p hollarda bilim sifatini belgilaydi. Mashqlar jarayonida oddiy ko'nikmalar asta-sekin malakaga aylanadi. Amaliy ko'nikma va malakalarni shakllantirishning metodik shart-sharoitlari o'ziga xos xususiyatlarga ega. Ba'zi ko'nikma va malakalar oz vaqt va ko'p kuch talab qilsa-

бўйича ишларда онгли катнашиш имкониятини беради. Ўз ўлкасини ўрганиш ўқувчиларнинг мустақиллигини ривожлантиради, чунки бу ижтимоий-фойдали меҳнатда фаол катнашишга имкон беради. Ўлкашунослик манбаларини ўрганиш бўйича иш ўқув мақсадларга жавоб бериши керак, шунинг учун ҳам унинг мазмуни ўқув дастури билан белгиланади. Ўлкашунослик ишлари ташкил қилиниш шакллари бўйича синфда ва синфдан ташқарида бўлиши мумкин. Фақат улар барча ўқувчилар томонидан бажарилсин.

Ўлкашунослик тамойили назарий география курсининг ўқувчилар ўз ўлкалари табиат билан бевосита мулоқотда бўлишида оладиган тасаввурларга узвий равишда боғланишини назарда тутати. Ўлкашунослик билимларидан фойдаланиш ўқув ўлкашунослигининг бош мақсадидир. Бунинг учун ўқитувчи етарли ўлкашунослик маълумотларига эга бўлиши, ўқув манбаларини ўзлаштириш ва тушуниб олишга ёрдам берадиган маҳаллий маълумотларни дарслар учун танлаб олиши керак. Ўлкашунослик тамойили географияни ўқитишда кўпгина дидактик тамойиллардан (ўқитишнинг илмийлиги ва кўргазмалиги, аниқдан ноаниққа, яқиндан узокқа бориш кабилардан) фойдаланишга имкон беради. Маҳаллий ўлкашунослик манбаларидан ўқитувчи географияни ўқитишда тушуниш, таққослаш ва кўрсатиш учун, ўқувчиларнинг кўпгина табиат ҳодисаларини бевосита идрок қилишларида фойдаланади.

Ўлкашунослик тамойилидан мунтазам равишда фойдаланиш, олинган назарий билим ва ўқувларни турмуш (масалан, қишлоқ хўжалик ишларининг мўтадил, яъни оптимал муддатларини аниқлаш учун олдиндан об-ҳавони айтиб бериш, дарёсидан ўтишда хавфсизликни таъминлаш мақсадида унинг оқими режимини аниқлаш, маҳаллий қишлоқ хўжалиги ташкилотлари учун ўсимликлар йиғиш ва ҳоказолар) билан боғлаш ёрдам беради.

Шундай қилиб, географияни ўқитиш “оғзаки” бўлмай, балки ҳақиқатни кузатиш асосида қурилади. Бунда ўлкашуносликдан географияни ўқитишда ҳар қуни ва узлуксиз фойдаланиш кераклиги маълум бўлади. Барча дарслар ўлкашунослик тамойили асосида тузилиши керак. Ўқув ўлкашунослигини ўлкани ўрганиш бўйича фақат юриш ва тўғарак ишлари ташкил қилиш билангина эмас, балки ҳар хил табиий ҳодисаларни мунтазам кузатишлар билан, ўрганилаётган ҳудудининг ажойиб табиий ва хушҳаво жойларни текшириш билан ҳамда ўз кузатишларини умумлаштириш билан ҳам боғлаш керак бўлади.

GEOGRAFIYA FANIDAN AMALIY MASHG'ULOTLARDA KO'NIKMA VA MALAKALARNI SHAKLLANTIRISH

Kodirova M.M.

Navoiy davlat pedagogika instituti

Maktablardagi ta'limning hamma bosqichlarida o'quvchilarning ijodiy imkoniyatlarini rivojlantirish juda muhimdir. O'quvchining ijodiy fikrlashi yangilik kashf etishida, ko'rilayotgan narsani yaratishning boshqacha usulini topishda, o'quv materiallaridan o'zgacha bog'lanishlarni ochib berishi kabilarda aks etadi. O'quvchilarda ijodiy fikrlarni rivojlantirishda amaliy topshiriqlar muhim rol

Биз Тянь-Шань тизмаси таркибидаги ҳавзаларидан ажратиб, Оҳангарон ҳавзаси ўсимликлар қопламанинг ҳозирги динамик ҳолатини баҳолаш ишини бошлашдаёқ унинг объекти, вазибалари ва методикасини аниқлаш зарурияти туғилади. Чунки, С.А.Шостаковский таъкидлаганидек – «Ҳар қандай фан ўзи ўрганаётган объектнинг 3 та элементи билан характерланади: объекти, вазибаси ва методикаси» - билан деб тўғри кўрсатиб берганлигига қўшилаемиз. Чунки, геоботаника фанининг объекти – ўсимликлар қопламанинг таксономик бирликлари (типологик тузилиши) ва уларнинг ҳозирги ҳолатини таркиби, тузилиши тарқалиш қонуниятларини аниқлашда (вазибаси), хариталаш методикасидан фойдаланиш қабул қилинган. Шу боисдан ўсимлик таксонларининг энг йирик бирлиги «тип» га Е.П.Коровин таъриф ва тавсиф берган – Ўсимлик типлари: Уларнинг тараққиёт тарихи, геологик тузилиши, тупроқ ётқизиклари, флористик, фитоценотик таркиби ва уларнинг ташқи муҳит билан мулоқатининг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олиб тўдаланганлиги таъкидланган.

Шу боисдан ҳам биз тадқиқот олиб бораётган ҳавзанинг ботаник мазмуни, яъни типологик тузилишини, тарқалиш қонуниятларини ва уларнинг пайҳонланиш (трансформация) даражасини ўрганиш ишларини тўғри режалаштириш мақсадида юқорида санаб ўтилган экосистема компонентларини: Оҳангарон ҳавзасининг геологик ётқизикларининг тарихан пайдо бўлиш даври (система), тупроқ типлари, флористик таркиби, иқлими каби ўсимлик жамоаларининг турғун тараққиётига таъсир кўрсатувчи табиий шароитларига тўхталиб ўтаемиз.

Ўрганилган ҳудуднинг табиий шароити - экосистемалар компонентларининг типологик, биологик хилмаҳиллигини, уларнинг биомасса ҳосил қилувчи доминант турларнинг ҳосилдорлигини популяция таркибининг ривожини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўзаро турғун тараққиётини белгилаб берувчи табиий куч - экологик муҳитдир. Шу боисдан ҳам оби-ҳаво қандай бўлишига қараб - яъни табиий шароит - намлик, иссиқлик яхши бўлса чорвачилиқдан яхши натижа олиш мумкин - деб баҳоланади, ёки аксинча оби - ҳаво яхши келмади, ем - хашак кам - чорва моллар оғир аҳволда - деб табиий муҳит халқ сўзи билан баҳоланади. Шу боисдан ўрганилаётган районнинг ўртача ўсимлик тараққиёти таъсир этувчи иқлим кўрсаткичларига, географик жойланишига тўхталиб ўтаемиз.

ОҲАНГАРОН ҲАВЗАСИНИНГ ГЕОЛОГИК ЁТҚИЗИҚЛАРИ

Азимов И.Т., Тошпўлатова Н.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Тянь-Шань тоғ системасидаги тизмалар каледон ва герцин тоғ пайдо бўлиши босқичларида вужудга келган. Герцен бурмаланиши босқичидан сўнг тоғ тизмалари яссиланиб, пенепиенга айланган; бутун мезазой эрасида ва палеоген даврида ҳамда неогеннинг бошида Тянь-Шань платформа бўлган. Неоген даврининг охири ва тўртламчи даврида яна бурмаланиш рўй бериб, Тянь-Шаннинг ҳозирги рельефи шаклланган. Антиклиналлар ўрнида тоғлар, синклиналларда ботиклар пайдо бўлган (ҳавза, водийлар).

Геологик харитада куйидаги ётқизиклар кўрсатилган:

- Оҳангарон платосида: тошқўмир системасидаги пастки – ўрта бўлими (С 1-2); инрузив жинслардан: юкори полезои гранитлари (YPZ₃), юкори палеозой диоритлари (BPZ₃) тарқалган. Дарё қирғоғига яқин ёнбағирларда неоген системасидан – олигоцен, пастки миоцен ётқизиклари (Pg₃-N₁) тарқалган. Полеоген системасидан: Оҳангарон дарё ўзани атрофида бўлақларга ажратилмаган (Нерасчисленный отложения) ётқизиклар (Pg) учрайди.

- Чотқол тоғи этакларида: инрузив ётқизиклардан мезазой гранит порфирлари (УПМz); тошқўмир системасидан – ўрта ва юкори бўлим ётқизиклари (С₃, С₃); девон системасидан бўлақларга ажратилмаган ётқизиклар (Д) (Нерасчисленный);

- Қурама тоғи шимолий этакларида: Тошқўмир системасидан (тизмасидан): - юкори ва ўрта (отдел) бўлимлар (С₂, С₃) ётқизиклари; инрузив жинслардан: юкори полезои гранит порфири ётқизиклари (УПZ₃); юкори полезои гранитлари (УП z₃) тарқалган.

Неоген системасидан: Олигоцен – пастки миоцен ётқизиклари; тўртламчи (давр) системасидан ўрта бўлим (отдел) ётқизиклари учрайди ва асосий ландшафт типларини ҳосил қиладилар.

- Суғориладиган маданий майдонларда (текисликларда) асосан тўртламчи давр (Q₄, Q₃) ётқизиклари кенг тарқалиб типик, қўнғир бўз тупроқ типларини ташкил қилиб, ҳосилдор маданий ерларни ташкил қилади. Б.В.Яскович (1963, 10-11 бет) Оҳангарон ҳавзасида куйидаги геологик ётқизиклар борлигини «Геологическая харита» (М1:3500000) да кўрсатиб берган:

Тўртламчи системаси (даври): ётқизикларидан:

- ҳозирги замон бўлими (отдел) – Q₄.

- юкори бўлим – Q₃.

Неоген системаси (даври) ётқизикларидан:

- олигоцен – пастки миоцен ётқизиклари.

Палеоген системаси (даври) ётқизикларидан:

- қисмларга ажратилмаган (нерасчисленный) ётқизиклари – Pg.

Тошқўмир системаси (даври) ётқизикларидан:

- юкори бўлим (отдел) – С₃.

- ўрта бўлим (отдел) – С₂.

- пастки - ўрта бўлим (отдел) – С₁₋₂.

Девон системаси (даври) ётқизикларидан:

- қисмларга ажратилмаган (нерасчисленный) ётқизиклар – Д.

Инрузив тоғ жинсларидан:

- юкори палеозой гранитлари – YpZ₃.

- юкори палеозой гранодиорлари – YOpZ₃.

- юкори палеозой диоритлари – OpZ₃.

Юқорида санаб ўтилган геологик жинсларнинг кўпчилиги баландлик минтақаларида турлича тарқалган: текислик ерлар – чўл ва адир ерларда – тўртламчи давр ётқизиклари кенг тарқалган.

Тоғда инрузив (отқинди) тоғ жинслари ва тошқўмир даври ётқизиклари кенг тарқалаган.

вужудга кела бошлади. Антик даврда ва ўрта асрларда турли хил ўлкаларни табиати, хўжалиги, тарихи ва маданиятига бағишланган асарлар вужудга келди. Ўлкамиз ҳақидаги маълумотлар Ал-Хоразмийнинг «Китоб – Сураат – ал - Арз» асарида келтирилган. Буюк ватандошимиз Абу Райҳон Ал-Беруний XI-асрда «Ҳиндистон» ва «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарлари ўлкашуносликка қўшилган улкан ҳиссаси ҳисобланади.

Фан ва техниканинг ривожланиши билан ўлкашунослик фанининг доираси чуқурлашаверди. XX-асрга келиб ўлкашунослик деганда ўз турар жойи, хўжалиги, тарихи ва маданияти тушунила бошланди. Натижада алоҳида вилоятлар, туманлар ва шаҳарларга бағишланган ўлкашунослик асарлари вужудга келди. Масалан, «Хонобод», «Андижон вилояти», «Самарқанд вилояти», «Хоразм географияси» ва х.к.

Ўзбекистоннинг ҳар бир вилоятининг табиий ва иқтисодий хариталари нашр қилинди. Ҳозирги пайтда ҳар бир вилоятнинг географик ва ўлкашунослик атласларини яратиш лойиҳалари тузилган. Ўлкашуносликнинг объекти бўлиб табиат, аҳоли, хўжалик, тарих, санъат ва маданият ҳисобланади. Мазкур объектлар турли фанлар томонидан ўрганилади. Аммо барча фанларнинг ўрганиш предмети биттадир, яъни ўлка. «Ўлка» шартли тушунча бўлиб, унинг миқёси ким ва қандай мақсадда ўрганишига боғлиқ. Масалан мактаб ёки касб-ҳунар коллежлари учун мактаб атрофи, маҳалла, қишлоқ, туман, шаҳар бўлиши мумкин.

Бинобарин, ўлкашуносликнинг куйидаги тармоқлари мавжуд: табиий ёки географик ўлкашунослик, иқтисодий ўлкашунослик, тарихий, этнографик ўлкашунослик, маданий ва санъат ўлкашунослиги. Табиий ёки географик ўлкашунослик ўлка табиатини, яъни ўлканинг геологик тузилиши, фойдали қазилмалари, рельефи, иқлими, ички сувлари, тупроғи, ўсимлиги ва ҳайвонот дунёси ҳамда ландшафтларини ўрганади.

Иқтисодий география ва иқтисодий ўлкашунослик ўлка аҳолисини, шаҳар ва қишлоқларини, ишлаб чиқариш корхоналарини, транспорт тизимини ва ташқи иқтисодий алоқаларини ўрганади. Тарихий ўлкашуносликнинг мақсади ўлка тарихини, тарихий воқеаларни, археологик ёдгорликларни, тарихий ёдгорликларни ўрганишдир. Санъатшунослик ўлкашунослигининг мақсади ўлканинг халқ ижодини ўрганишдир, яъни муҳим аҳамиятга эга бўлган санъат асарларини, тарихий жойларни (машҳур кишиларни ижоди ва ҳаёти билан боғлиқ бўлган) ўрганишдир.

Мактаб ўлкашунослигининг вазифаси ўқувчилар томонидан таълим-тарбия мақсадида ҳар хил манбалар бўйича ва бевосита кузатишлар асосида ўз ўлкаси ҳудудини ҳар томонлама ўрганишдир. Ўлкашунослик ҳаёт билан боғланишнинг қудратли воситасидир. Кўпчилик ўқувчиларнинг мактабни битирганларидан кейин маҳаллий саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига ишлаш учун боришлари ҳисобга олинганда, ўлкашунослик алоҳида аҳамият касб этади.

Ўлкашунослик бевосита табиат муҳофазаси билан боғлиқ, чунки ўз ўлкасини билиш ўқувчиларга уни муҳофаза қилиш ва қўқаламзорлаштириш

шувларига қўшилди. Жумладан, «Озон қатламини муҳофаза қилиш бўйича Вена Конвенцияси» (1993), «Хавфли чиқиндиларни нейтраллашни назорат қилиш бўйича Базель конвенцияси» (1995), «Биологик хилма-хилликни сақ-лаш конвенцияси» (1995), «Сув қушларини асраш бўйича Рамсар конвенция-си» (1996), «Чўлланишга қарши кураш Конвенцияси» (1995), «Иқлим ўзгариши бўйича БМТ Конвенцияси» (1993) кабилардир.

3-босқич. Талабалар муаммони ҳал қилиш борасида амалга оширилаётган тадбирларни айтиб берадилар.

Ҳозирги кунда бутун дунё олимлари ва мутахассислари экологик муаммоларни ҳал қилиш учун янги тадбирлар ишлаб чиқишмоқда ва уни амалда қўллашмоқда:

1. Аҳоли яшаш жойларида яшил ўсимликларни муҳофаза қилиш кучайтирилмоқда.

2. Ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа ташкилотлар томонидан сув,туп-роқ, ўрмон, ер ости бойликларининг ишлатилиши доимий назоратда бўлади.

3. Фойдали қазилмалар ва ер ости бойликларини қазиб чиқариш режага асосан бўлиши, уларни мақсадга мувофиқ равишда ишлатиш, тежамкорлик, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, иложи борича саноат учун аҳамиятли таркибларини сақлаб қолиш, чиқитга чиқармаслик.

4. Атмосферага чиқарилаётган захарли газ, чанг, қулдан ҳимоя қилишнинг янги замонавий усуллари қўллаш.

5. Тупроқнинг ифлосланишига йўл қўймаслик.

6. Сувни тежаб ишлатиш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, сувни саноат ва бошқа чиқиндилар билан ифлослантирмаслик, гидротехник иншоотлар-нинг мунтазам ишлашини таъминлаш.

7. Уй-жой қурилишини режалаштиришда санитария талабларига жавоб беришини ҳисобга олиш.

4-босқич. Талабалар муаммони ечимини тўғри топганликларига ишонч ҳосил қиладилар.

Хулоса қилиб айтганда, муаммоли технология дарсни қизиқарли олиб боришга, талабаларда фаолликни ривожлантиришга ва уларнинг фикрлаш-ларига ёрдамлашади.

ГЕОГРАФИЯНИ ЎҚИТИШДА ЎЛКАШУНОСЛИК ТАМОЙИЛИНИНГ МОҲИЯТИ

Каршибаева Л., Ахунбобоев М., Эгамқулов Х.

Гулистон давлат университети

Ўлкашунослик ўз туғилган ва яшайдиган жойи ҳақидаги билимлар мажмуаси бўлиб, жуда узоқ даврлар мобайнида вужудга келган. Ибтидоий одамлар ҳам ўз яшаш жойлари табиатини жуда яхши билишган, улар ўзларининг энг содда билимларини тошларга чизиб кетишган. Бундай расмларнинг анчагина қисми ҳозиргача сақланиб қолган.

Инсоният жамиятининг ривожланиши билан ўлка тўғрисидаги маълумотлар ҳам тўплана бошлади. Натижада ёзма ёдгорликлар ва манбаалар

Яйлов – юкори тоғда – (плато супа) – ҳам интрузив тоғ жинслари, тошқўмир ётқизиклари ва дарё ўзани атрофида палеоген ётқизиклар кўпроқ учрайди.

ОҲАНГАРОН ВОДИЙСИ ТАБИЙ ШАРОИТИНИ БАҲОЛАШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

Аманбаева З.А., Маннапова Ч.Б.*

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Мамлакатимизда барқарор ривожланишни ҳудудий таъминлаш учун муайян экологик хавфли ва тез ўзгаришчан минтақаларни ажратиш, уларда кечаётган салбий экологик жараёнларни баҳолаш ҳамда тегишли оптимал чора-тадбирларнинг илмий асосини ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Ижтимоий, иқтисодий ва албатта, экологик жиҳатдан ўзига хос ва тез ўзгаришчан нозик тоғли экотизимларга эга бўлган Оҳангарон водийсининг ўрта қисми юкоридаги талабларга мос келувчи табиий ҳудудлардан ҳисобланади. Унда атроф- муҳитни муҳофаза қилишнинг геозекологик жиҳатлари ва унинг бой табиий ресурсларидан фойдаланишнинг географик асосларини яратиш ечимини кутаётган ўта долзарб муаммодир.

Оҳангарон водийсининг ўрта қисми ҳавзасини яхлит бир маҳаллий экологик тизим сифатида қаралган ҳолда унга табиий география, ландшафтшунослик, геозекология, биоэкология ва ижтимоий экология каби фан соҳаларида ишлаб чиқилган табиий ва техноген ландшафтларнинг шаклланиши, ривожланиши ва ўзгариши ҳақидаги умумназарий ҳолатлар, табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабат қонуниятлари, ландшафт компонентлари ўзгаришининг генетик ва типологик қоидалари, зонал-иқлимий, морфогенетик ва вертикал минтақавий тамойиллар, ландшафтларда содир бўладиган модда ва энергия алмашинуви қонуниятларини инобатга олган тарзда илмий изланишлар қатор тадқиқотчилар томонидан олиб борилган.

Бугунги кунда Оҳангарон водийси ўрта қисми ҳавзасининг табиий ва антропоген ўзгарган ландшафтлари кенг ўзлаштирилмоқда. Оҳангарон водийси ўрта қисми ландшафтлари, табиий-техник геотизимларининг геозекологик ҳолати, даврий ўзгариши ва оптималлаштириш йўллари аниқланмоқда.

Барқарор ривожланиш йўлига ўтган Ўзбекистонда, тоғ ва тоғолди ландшафтларини муҳофаза қилиш ва уларнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишга қатъий эътибор берилмоқда. Оҳангарон водийси ўрта қисми ландшафтлари ва уларни муҳофаза қилиш масаласини ўрганиш натижасида ҳудуднинг геозекологик картасини ишлаб чиқиши, табиий-техноген геотизим моделида конларнинг ўзлаштирилишига замонавий техниканинг таъсири, геозекологик вазиятларнинг баҳолашда мезонлар даражаси асос қилиб олинди. Водий бўйича атроф-муҳитни ифлосланттирувчи ва инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи омиллар ўрганилиб, геотизимларнинг турли таксономик бирликлари бўйича атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан

* Аманбаева Зиёда Абдубойсонова – География ўқитиш методикаси кафедраси доценти.
Маннапова Чарос Бахтиёрнова – География ўқитиш методикаси йўналиши талабаси.

фойдаланишнинг оптимал чора-тадбирлари белгилаш ишлари мақсадли ҳисобланади.

Оҳангарон водийси ўрта қисмининг геоэкологик ҳолатини ақс эттирувчи янги типдаги қаргалар яратилиши, табиий ва ижтимоий - иқтисодий муносабатларнинг узвий боғланганлиги ва уларнинг миқдорий кўрсаткичлари, экологик вазиятларни ландшафтлар бўйича баҳолаш мезонлари ва уларни оптималлаштириш йўллари кенг ўрганилиш ишлари давом этмоқда. Оҳангарон водийси ўрта қисми ҳавзасида геоэкологик муаммоларнинг ечимини топишда юқоридаги мезон ва кўрсаткичлар саноат шаҳарлари (Олмалик, Оҳангарон, Ангрен қабилар)да экологик барқарорликни таъминлашда ўз хизматини ўтайди.

Давлатнинг экологик йўналишдаги истиқболга йўналтирилган дастур, режа ва лойиҳаларини тайёрлашда, чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг асосий йўналишларини белгилашда бюқорида келтирилган изланишлар уларга илмий асос бўлмоқда. Олинган хулосалар ландшафтларни оптималлаштириш усул ва услублари тоғ дарё ҳавзаларини геоэкологик жиҳатдан баҳолашда ва тегишли оптимал чора-тадбирларни белгилашда хизмат қилиши мумкин.

Тоғли ҳудудларнинг рельефи жуда “оғир” ва хилма-хил шаклда бўлгани учун ҳам, уларда табиий жараёнлар ва ҳодисалар, турли туман ва жадал суратлардан кечиши билан воҳа ва текисликлардан кескин фарқ қилади. М.Маматқулов (1964), Х.Мақсудов (1984), А.Хоназаров (1989) ва бошқаларнинг маълумотларига кўра, тоғ ва тоғолди ҳудудларида тупроқ эрозияси, сел кетиши, кўчки қаби геодинамик жараёнлар текисликларга нисбатан ўнлаб маротаба кўпроқ содир бўлади. Зилзила, қор кўчиши, солифлюкция, сурилма қаби экзоген жараёнлар асосан, тоғли ҳудудларга хосдир.

Тоғли ҳудудлар чучук сувни ҳосил қилувчи манба, энергетика ресурси, биологик хилма-хилликнинг яққол намоёндаси, бой минерал ва ўрмон ресурслари тарқалган ҳудуд ҳисобланади. Шунинг учун ҳам глобал экотизимларни барқарор ишлаши, айнан тоғ экотизимларни сақланганлиги билан ҳам ўлчанади. Тоғли ҳудудлар нозик экотизимлардан иборат бўлгани учун ҳам, унда кечаётган салбий табиий табиий-антропоген, антропоген жараён ва ҳодисалар жуда “чуқур” из қолдиради. Тоғли экотизимларни тиклаш ёки борларини сақлаб қолиш, бошқа ер юзаси геоморфологик шаклларига нисбатан жуда серчиқим ва илмни кўп талаб қилувчи тадбирлар жумласига киритилади.

Тоғлар, улардаги турли таксономик бирликдаги ландшафтлар сингари, ўз табиатини ва ундан фойдаланиш йўлларига қараб бўлинадилар. Ўзбекистон шароитидаги тоғларга хос бўлган воқеалиқ, бу баландлик минтақаси бўйича бутун табиий географик таснифланиш белгиларининг намоён бўлиши. Тоғларнинг бой табиий ресурсларини ўзлаштириш ва унда муҳофаза қилиш йўллари кўллаш ҳам, худди ана шу қонуният асосида олиб борилади.

Кичик бир майдонларда ландшафтлар ва уларнинг морфологиясининг кескин равишда ўзгариши ва хилма-хил тарзда намоён бўлиши; экологик мувозанатнинг бузилишига салбий табиий жараён ва ҳодисаларнинг жадал реакцияси;

Муаммоли ўқитишнинг биринчи босқичи муаммоли вазиятни ҳосил қилиш ҳисобланади [Саидахмедов: 27]. Экологик таълим жараёнида муаммо-ли вазиятларни келтириб чиқаришни ва уларнинг ечимини топиш йўллари “Ташқи муҳит ва инсон, уларнинг ўзаро таъсири” мавзусини ўтиш мисолида кўриб чиқиш мумкин.

1-босқич. Назарий билимлар нуқтаи назаридан келиб чиқиб, муаммоли вазият ҳосил қилиш. Маълумки, инсон табиат тизими – биосферанинг бир қисми бўлиб, ҳаётий фаолияти у билан чамбарчас боғлиқ. Сўнгги йиллардаги фан-техника борасидаги тараққиёт биосферадаги мувозанатнинг бузилишига, табиат тизимидаги ўз-ўзини тозалаш имкониятларини чекланишига олиб келди. Техник тараққиёт суръатларининг тезлашиши, инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида табиатга бўлган ҳалокатли таъсири ортмоқда, бу эса ўз навбатида жамият билан табиат ўртасидаги кучлар мувозанатининг ўзгаришига олиб келди. Ҳозирги пайтда сувда ва қуруқда яшовчилар ҳамда судралиб юривчилар турларининг 2 фоизи, қуш турларининг 3 фоизи, сут эмизувчилар турларининг 6 фоизи йўқолиб кетиш арафасида турибди. Ер юзининг сал кам 1/6 қисмида табиий ўсимлик қоплами йўқолди, 25-30 минг турга эга юксак ўсимликлар дунёсининг, яъни жаҳон флорасининг 8-10 фоизи йўқ бўлиб кетиш хавфига тушиб қолган. Қуруқликнинг қарийб 60 фоизига қишлоқ хўжалиги фаолияти сезиларли таъсир ўтказмоқда. Табиий биоценозлар ўрнини нисбатан беқарор агробиоценозлар эгалламоқда, ёки улар ўрнига шаҳарлар, йўللар ва шу қаби муҳандислик коммуникациялари қурилмоқда.

Шу аснода талаба шундай муаммоли вазиятга дуч келади: нима учун инсоннинг табиий муҳитга салбий таъсири кучайиб бормоқда?

2-босқич. Талабалар олдига муаммони ҳал қилиш йўллари кидириш ва топиш, бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш вазифаси қўйилади.

Ҳозирги кунда давлатларнинг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича ҳаракатларини ишлаб чиқиш ва уларни мувофиқлаштириш масалалари билан 200 дан ортиқ доимий халқаро ташкилотлар ва марказлар шуғулланмоқдалар. XX-аср ўрталарида, айниқса кейинги 10 йилликда саноат, транспорт ва энергетиканинг жадал суръатлар билан ривожланиши, қишлоқ хўжалиги ва турмушда кимёвий моддаларнинг тобора кўп қўлланилиши, урбанизация жараёнининг тезлашиши атроф муҳитнинг ифлосланишини кучайтириб, биосферанинг инсон учун яроқлилиги камаётганлигидан далолат беради.

Республикамизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва мавжуд табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш янги мезонлар ва талаблар асосида қайта ташкил этила бошланди, бу масалада меъёрий - ҳуқуқий база яратилди, таби-ат муҳофазаси конституциявий асосга қўйилди. Ўзбекистон ҳукумати ҳозир-ги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб ер усти ва ер ости бой-ликларини, ер ва сув ресурсларини, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, улардан илмий асосда оқилона фойдаланиш, атмосферанинг ифлос-ланишига йўл қуймаслик қаби қатор масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси шунингдек, мустақиллик йилларида атроф муҳит муҳофазаси борасида бир қатор Умумжаҳон Конвенция ҳамда кели-

мустақил кадам ташлаши билан уни табиат билан таништириш бошланган, зеро “Гўзалликни кўриб ўсган боланинг табиати, феъл атвори гўзал бўлади” деган ақида мавжуд бўлган. Она ўз боласини боғларга, турли сайлларга олиб чиқар экан албатта у ердаги ўсимликлар, дарахтлар, қушлар, жонворлар билан таништириши, уларни биз учун қанчалик фойдалилигини тушунтириши, уларнинг ҳам инсон каби жонли эканлиги уларга озор бериш, ўлдириш, жароҳатлаш, ўсимлик ва дарахтларни синдиришни ибратли ҳикоялар билан тушунтириш, уларнинг ҳам худди инсон сингари дуо қилиши мумкинлигини бола онгига сингдириб бориши лозим. Бундай тарбия олган боладан ҳеч қачон минг заҳмат билан ўстирилган гулзорларни топташ, гулларни узиш ёки дарахтларни синдиришни кутиш мумкин эмас, аксинча улар бундай ҳолатлар тенгдоши томонидан содир этилса ҳам лоқайд қараб туrolмайди.

Инсоният бошига тушаётган кулфатларнинг сабабчиси айнан унинг ўзи орқали амалга оширган нотўғри ҳатти – ҳаракатнинг оқибатидир, яъни унинг нотўғри тушунчалари ёки аниқроқ айтганимизда нотўғри берилган тарбиянинг натижасидир. Теварак атрофимизда юз бераётган экологик муаммолар ҳам айнан экологик тарбияга етарли даражада аҳамият берилмаётганлигининг оқибатидир.

Хулоса қилиб айтганда, тарбиянинг ҳар қандай шакли каби экологик тарбиянинг илк кўникмалари ҳам оиладан бошланиши ва таълим муассасаларида босқичма – босқич ривожлантирилади, такомиллаштириб боришни талаб этади. Экологик тарбияда ҳам таълим ва тарбиянинг узулуксизлиги ва узвийлигига эришиш орқали атроф – муҳитни сақлаб қолиш ва кейинги авлодларимизга етказиш каби масъулиятли вазифани бажариш ҳозирги кундаги долзарб вазифа этиб қаралиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА Эрматова С.М.*

Тошкент давлат педагогика университети

Таълим-тарбия жараёнини янги педагогик технологиялар билан таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунида муҳим вазифа қилиб белгиланган.

Ўқув фани ва ундаги мавзунинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда дарс машғулотларини олиб бориш учун педагогик технология танлаб олинади.

Экологик таълимда муаммоли ўқитиш технологияси талабалар томонидан ўргатилаётган муаммоларни ҳал қилишга интилишлари билан боғлиқдир.

Ўқув жараёнида муаммоли технология нуктаи назаридан ёндашганда у қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

- муаммоли вазиятларни вужудга келтириш.
- муаммоларни ҳал қилиш йўллари қидириш ва топиш.
- муаммоларни ҳал қилиш.
- қилинган хулосаларнинг тўғрилигига амин бўлиш.

хўжалик ўзлаштиришнинг жуда қийинлиги;

офат келтирувчи геодинамик жараёнларнинг турли-туманлиги;

5) антропоген таъсирнинг, ҳаттоки кам даражада бўлса ҳам регионал ва маҳаллий миқёсда ландшафт тузилишини тубдан ўзгартириб юбориши

6) геодинамик жараёнлар табиий ҳолда жадал суръатларда содир бўладиган ҳудудлар ва инсонларнинг палапартиш фаолияти натижасида жадаллашадиган ҳудудларга бўлинишини тавсия этилмоқда.

Давлатимизнинг экологик сиёсати, миллий ва халқаро ҳуқуқ меъёрларида акс эттирилган атроф-муҳит муҳофазасига доир экологик тамойилларга асосланган илмий ишлар тоғ ва тоғолди ҳудудлар бўйича олиб борилиши давом этмоқда.

МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАРНИНГ РЕКРЕАЦИОН ВА ТУРИСТИК ИМКОНИАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ

Аҳмадалиев Ю., Махкамов Э.

Фарғона давлат университети

Мустақиллик йилларида Республикаимизнинг экологик сиёсати табиатнинг алоҳида ресурсларини ҳимоя қилишдан геоконкомплексларни умумий муҳофаза қилишга, инсон яшаш муҳитининг қулай жиҳатларини кафолатлашга йўналтирилди. Шунинг учун маҳаллий, регионал ва миллий экологик хавфсизликни таъминлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бу вазифани бажариш учун эса, туман, вилоят ёки республика миқёсида экологик районлаштириш олиб борилмоқда. Шу муносабат билан табиий ландшафтлар, жойларда биохилма-хилликни сақлашда муҳим ўрин тутадиган муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг кўплаб кўриқхона ва табиат миллий боғлари йирик ҳудудий илмий марказ сифатида фаолият олиб бормоқда. Айни пайтда Республикаимизда 9 та давлат кўриқхонаси (2274 км²), 2 та Миллий табиат боғи (5987 км²), 10 та давлат буюртмахонаси (15092,5 км²), республикаимизда ягона ҳисобланган нодир ҳайвонлар турларини кўпайтиришга ихтисослаштирилган “Жайрон” экомаркази (16491 га, 9369 га 2009 й. кўшилди) ва 2 та ноёб қушларни кўпайтиришга ихтисослаштирилган марказлар, 5 та табиат ёдгорликлари ҳудудлари (37,5 км²) ва 1014 дона алоҳида аҳамиятга эга бўлган ёши 100 ва ундан ортик бўлган дарахтлар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар (МЭТХ) қаторига киритилган. Ушбу муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг умумий ер майдони 23 442,4 км² ни ташкил этади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тушунчасини аниқлаш, таснифлаш, ташкил этиш ва муҳофазасини амалга ошириш масалалари бозор иқтисодиёти шароитида, хорижий давлатлар ва мамлакатимизда ҳаётга тадбиқ қилиниш қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда, геозкологик жиҳатдан ривожлантирилиб борилмоқда.

Ҳар қандай табиий шароитда ҳам рекреацион ва туристик фаолиятни тўғридан-тўғри амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун албатта ҳудудларни табиий шароитига ландшафт нуктаи-назардан баҳо бериш зарур. Ҳудуднинг оптимал табиий шароити, иқлими, сувлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси,

* Эрматова С.М. – Низомий номидаги ТДПУ Биология ўқитиш методикаси кафедраси доценти, б.ф.н.

экологик ва сиёсий барқарорлиги кўрсаткичлари ҳам баҳолашнинг асосий мезонларидан ҳисобланади.

Рекреацион ва туристик фаолиятни ташкил этиш учун рекреацион ва туристик зоналардаги имкониятларни асосан учта мезонда (ижтимоий-психологик, биологик ва технологик) баҳолаш зарур.

Ижтимоий-психологик йўналиш рекреацион ва туристик зоналарда дам олувчиларни, шифоланувчиларни рухий ҳолатларини ўрганишга, улардаги мосланиш, қабул қилиш, ҳис қилиш жараёнларини таҳлил қилишга асосланади.

Биологик йўналиш эса дам олувчиларнинг мазкур ҳудуддаги шароитларга мослашувини тиббий-биологик ва физиологик нуқтаи-назардан таҳлил қилади.

Технологик йўналиш ҳудудни рекреация ва туризм мақсадларида ташкил этиш (йўллар, уй-жойлар, маданий-маиший объектлари, спорт майдончалари, сузиш хавзалари) ни ўз ичига олади.

Ривожланган мамлакатларда МЭТХлар таркибида маҳаллий табиий захиралар (МТЗ) яъни, микроқўриқхоналар муҳим аҳамиятга эга. Кўпчилик қўриқхоналарда табиат муҳофазасининг қимматлигини ҳисобга олган ҳолда экстенсив хўжалик юритилади. Европа давлатларида ландшафт буюртма қўриқхонаси маданий ландшафтларни муҳофаза қилиш, тиклаш ва оптималлаштириш орқали уларда қадимдан шаклланиб келаётган хўжалик фаолиятни муваффақиятли давом эттириш вазифасини бажаради. Улардан асосан рекреация, агро-ўрмон хўжалиги мақсадларида фойдаланилади. Улар мамлакатнинг бой маданий ва тарихий мероснинг интеграл қисми сифатида табиатдаги хилма-хилликни сақлашда, ноёб ва қимматли табиат яратмаларини муҳофаза қилишда ҳамда аҳолини рекреацион ва туристик талабини қондиришда муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро тажрибада табиатидаги экологик мувозанатни сақлаб туришда ҳамда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантиришда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизимини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги илмий жиҳатдан асосланган. Бунинг учун уларнинг ҳар бирини геоэкологик функцияси ва муҳофазага олинган ҳудуднинг даражаси (ландшафт, жой, макон, фация)га ҳамда эгаллаган майдонига аҳамият бериш керак. Юқорида келтирилган маълумотларга асосланган бўлса, Ўзбекистонда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг майдонини республика умумий майдонига нисбатан 5,2%га тенг бўлиб, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 10%дан юқори ҳисобланади. Шунингдек, ривожланган мамлакатларда МЭТХлар табиий муҳитни оптималлаштириш ва улардан фойдаланишда қулай имконият яратмоқда. Жаҳон савдо ташкилотининг маълумотларига кўра, ривожланган мамлакатларда экотуризм ҳисобига даромадларнинг йиллик ўсиш 10-20 % дан 40% гача баҳоланмоқда.

Шунинг учун, Республикада биологик хилма-хилликни ва табиий муҳитни сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этишда халқаро тажрибада синовдан ўтган ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Умуман олганда, маҳаллий, миллий ва глобал миқёсда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этишни геоэкологик нуқтаи

бўлиб унинг бир чеккасида бўлаётган экологик бузилиш бошқа чеккасига таъсир кўрсатмасдан ўтиб кетмайди.

Ҳозирги давр саноати табиат олдида жуда катта талабларни қўймоқдаки, бу талабларни бажариш учун табиатнинг бир бутунлигига зарар етмоқда. Замонавий ишлаб чиқариш техникаси фойдали қазилмалар олиш учун табиатнинг энг чуқур қатламларига кириб бормоқда. Табиатнинг қаршилик қилишга ожизлигини назарда тутган ҳолда инсоният олами ундан имкониятидан кўпроқ нарсалар талаб қилмоқда. Натижада унинг табиий мутаносиблиги, мувозанати ва табиий ривожланиш қонунига зарар етмоқда.

Экологик инқирозларнинг ҳал этилишига икки хил пессимистик ва оптимистик қарашлар вужудга келди. Пессимистларнинг қарашларига кўра узоқ давом этган эволюцион ўзгаришлар оқибатида ерда онгли ҳаёт вужудга келди, эндиликда онгли одам ўзининг яратувчисини ва ўз-ўзини ҳалокат сари олиб бормоқда. Шундай фикрлар вакиллари ёзишича: “Агар ер юзида аҳолининг демографик ўсиши, идустрлаштириш, атроф-муҳитни ифлослантириш, озик овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш мақсадида табиатни керагидан кўпроқ талаш шу тарихи давом этса планета ўзининг репродуктив имкониятларини юз йилда тугатади.”

Оптимистик йўналишдаги олимларнинг фикрича, инсоният эрта ёки кеч ҳозирги ҳолатдан чиқиш йўлларини излаб топади, улар янги турдаги зарарсиз энергия, сунъий табиат яратадиларки, бу ишлаб чиқариш ва ҳаётнинг давом этиши учун имконият беради.

Бизнинг фикримизча, инсон ва табиат ўртасидаги мутаносибликка қайтиш учун инсоннинг табиатга муносабатини кескин ўзгартириш зарур. Бу куйидаги йўналишларда бўлиши лозим:

Биринчидан, ҳар бир инсон ва ҳар бир давлат, ҳар бир дақиқада табиат билан алоқадорлигини унутмаслиги ва инсонлар онгига ёшлигидан “табиат – жамият - табиат” формуласини қуйиб бориш лозим. Яъни, “табиатдан олинган ҳар бир нарса жамият ривожини учун сарфланади, ўз навбатида жамият табиатга уни қандай қайтаради”, тарзида ёндошув шакллантирилиши лозим.

Иккинчидан, ҳар бир инсон, ҳар бир ташкилот, ҳар бир давлат ва токи энг йирик халқаро ташкилотлардан бошлаб БМТгача, табиатни асраш, тиклаш ва экологик таназзулларни бартараф этиш бўйича ўзининг доимий аниқ режалаштирилган иш фаолиятига эга бўлиши ва бу ишларни реал амалга оширилишини назорат қилиб, фуқаролар олдида ҳисобот бериб бориши лозим.

Учинчидан, оммавий ахборот воситалари мунтазам равишда кишилар онгига уларни ҳалокатга олиб боровчи экологик таназзулларни эслатиб туриши, ўз масшабни нуқтаи назардан мамлакат, вилоят, шаҳар, туман миқёсида мавжуд бўлган экологик хавфни ёритиб бориши, унинг олдини олиш йўлларини кўрсатиш орқали кишилар онгида автоматик равишда қилаётган иши табиатга қандай зарар келтирилишини ҳис қилишни шакллантириш зарур.

Ўзбек халқи қадимдан экологик тарбияни тарбиянинг махсус шакли сифатида мунтазам қўллаб келган. Экологик тарбия махсус йўналишлар билан олиб борилмаган бўлсада, қундалик турмушнинг ажралмас қисми сифатида меҳнат жараёнида сингдириб борилган. Миллий тарбияда фарзандлар

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим тизимида ўқитиладиган фанлар бўйича дарсларни режалаштиришда хилма-хиллик, ижодийлик, инновацион ёндашувларга асосланиш, бир қолига тушиб қолишдан сақланиш мақсадга мувофиқдир. Метод ва усулларни танлашда машғулотнинг шакли, мавзуларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ўринли бўлади. Шунингдек, ўқитиш жараёнида интерфаол методлардан фойдаланишда методик қондалар ва кўрсатмаларга риоя қилиниши лозим. Аниқ методик кўрсатмаларга риоя этиш орқали интферфаол методларни самарали қўллаш имконияти юзага келади. Бу эса таълим сифатининг ошишига хизмат қилади.

ҲОЗИРГИ ДАВР ЭКОЛОГИК ИНҚИРОЗЛАРИ ВА ЁШЛАРНИ ЭКОЛОГИК ТАРБИЯЛАШ МУАММОЛАРИ

Ембергенов А.

Нукус давлат педагогика институти

Яқин ўтмишда глобал муаммоларнинг асосийси сифатида уруш ва тинчлик масалалари ҳисобланар эди. Аммо жаҳон харитасидаги, халқаро сиёсий ва иқтисодий аҳволдаги кейинги йилларда юз берган ўзгаришлар ҳозирда атом қуроли, замонавий қирғин қуроли ишлаб чиқарилаётганига қарамай, ядро хавфи бутунлай бартараф этилган бўлмасда, инсоният цивилизацияси учун асосий хавф сифатида чекинганлигини, унинг ўрнига эса биринчи ўринга экологик муаммолар чиққанлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Табиий муҳитга энг катта зарарни янги қуролини синаб кўриш ва айниқса ядро қуролини синови келтиради. Аввало бундай қуролини ишлаб чиқаришни ўзига ўн минглаб турдаги фойдали қазилмалар сарфланадики, булардан тинчлик мақсадида фойдаланилганда бутун дунё давлатлари ва халқларига катта манфаат келтирган бўлар эди. Ядро қуроли синови ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ҳалокатли таъсир қилади. “Ядро қуролининг портлаши оқибатида юқори радиоактивликка эга бўлган сонсиз майда зарралар пайдо бўлади, портлаш пайтида бу зарралар қиздирилган газ каби кескин юқорига кўтарилади. Юқорига чиққан сари совуқ ҳаво оқими таъсирида совиб нам томчиларига ёки чанг зарраларига қўнади, кейинчалик эса ерга қор ва ёмғир сифатида қайтиб тушади. Бу қайтиш бир неча ҳафта ёки бир неча йилдан сўнг ҳамда ҳаво оқимининг ўзгаришига қараб портлаш жойидан минглаб километр узоққа тушиши ҳам мумкин.” Хулоса қилинганда ядро қуроли синаб кўрилган жойда ҳаёт бутунлай ўлади, шунингдек ер юзининг бошқа нуқталари ҳам хавф остида қолади. Шуни ҳам айтиш керакки, нафақат ядро қуроли балки ядровий бўлмаган қуроли ҳам табиий муҳитга мислсиз зарар еткази.

Биз глобаллашув жараёнида яшайпмиз, бу жараён ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳасини – иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва бошқа соҳаларини қамраб олмақда. Глобаллашув жараёни экологик таназзулларни янада кучайтириб бормоқда, чунки у сиёсий чегарани ҳам тан олмай қолган. Халқаро корпорациялар фойда кўриш мумкин бўлган ер юзининг барча бурчакларида фаолият юритмоқда, табиатни муҳофаза қилиш ҳақида улар мутлақо қайғурмайдилар. Барчамизга маълумки, табиат ягона ва бир бутун

назардан амалга ошириш ҳозирги кунда аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашнинг асосий тадбирларидан биридир ва давлатнинг экологик сиёсатига мос тушади.

ГЕОГРАФИК МУҲИТНИ ШОВҚИДАН САҚЛАШ МУАММОЛАРИ **Баратов П.***

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Шовқин бу географик муҳитни ифлосланишига, инсон саломатлигига аста-секин таъсир этувчи офат-бўмба. Шу сабабли шовқинга қарши курашиш бугунги куннинг асосий муаммоларидан бири бўлиб табиатни муҳофаза қилишнинг ажралмас бир қисмидир.

Шовқин мусиқавий хусусиятга эга бўлмаган ёқимсиз ва ҳафлидир. Шу туфайли у кишиларнинг нармал ишлашига, дам олишига ҳалақит беради, меҳнат унумдорлигини ва иш қобилиятини пасайтиради, асабини бўшаштиради, юрак-қон томирларини зайфлаштиради, бош оғриғига, уйқусизликка дучор қилади, юрак уришини тезлаштиради, қисқаси инсон организмда салбий физиологик ўзгаришларни вужудга келтиради. Шу сабабли шовқинни камайтириш унга қарши курашиш асримизнинг глобал муаммоларига айланиб қолди.

Шовқинни келтириб чиқарувчи омиллар қуйидагилар: авиатранспорт, темирўл транспорти, автотранспорт, саноат корхоналари, қурилиш техникалари, маиший хизмат корхоналари, радио, телевизорни қаттиқ қилиб қўйишдан чиққан овозлар, чанг ютгичдан, кир ювиш машиналаридан чиққан овозлар.

Шовқиннинг кучи децибалл (дБ) билан ўлчанади. Шовқинни кучи ва ҳаракати кўра 4 гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Шовқин кучи 0-50 дБ бўлса, нармал овоз ҳисобланади. Бунга дарахтларнинг шамол натижасида шивирлашиши, соат чиқирлашиши, нармал мусиқа, хусусан маком ва халқ мусиқа овозлари қиради.

2. Шовқиннинг кучи 60-90 дБ бўлса, ёқимсиз овоз ҳисобланади: бунга пилесос, кир ювиш машиналари, кўчада баланд овоз билан чақириш қиради.

3. Шовқин кучи 100-120 дБ бўлса, зарарли инсон саломатлигига салбий таъсир этадиган овоз ҳисобланади. Бунга автомабиллар, мотоцикллар, трамвай, станоклар, темирўл транспорти, қишлоқ хўжалик ва қурилиш машиналаридан чиққан овоз ва қаттиқ қилиб қўйган мусиқа, хусусан жаз мусикасидан чиққан овозлар, тўй ва баъзимларда янграган ўта қаттиқ эстрада мусиқа овозлари қиради.

4. Шовқин кучи 130-200 дБ бўлса, ҳафли ҳисобланади. Ҳаво транспорти, реактив самолёт овози, ҳар-хил портлаш ва бошқалар қиради.

Маълумотларга кўра шовқин кучи 130 дБ дан ошганда инсон организмда кескин физиологик ўзгаришлар рўй бериб, касалланиб, ҳатто (180 дБ дан кучли бўлса) ўлим даражасига олиб келиши мумкин.

* Баратов Паттоҳ – Низомий номидаги ТДПУ География ўқитиш методикаси кафедраси профессори.

Мутахассислар шовқин кучини ҳар-хил даражага кўтариб, хайвонлар, хусусан каламуш ва мушук устида кузатиш олиб борган. Натижада шовқин кучи 165 дБ дан ошгач ўша каламуш ва мушук ҳалок бўлган.

Америка ва немис олимларининг маълумотларига кўра инсон саломатлиги учун нормал шовқин чегараси 80 дБ. хисобланади. Ундан ошса инсонларда физиологик ўзгаришлар юз бериб, бош оғриғи, уйқусизлик, асаб бузилиши, юрак қон-томирининг ўзгариши, кулоқ шангилаши каби хасталиклар келиб чиқади. Вахоланки ҳозир дунёдаги катта шаҳарларда транспортлардан чиқадиган овоз кучи 100 дБ ва ундан ортиб кетмоқда.

Бундан 100 йил олдин немис бактериолог олими Роберт Кох (1843-1910) шундай ёзган эди “Қачонлардир инсонлар ўзи соғлом яшаш учун ҳар-хил зарарли бактериаларга ва вафога қарши курашгандек шовқинга ҳам шундай курашишлари керак”.

Шовқинга қарши кураш тарихи анча узоқ даврларга бориб тақалади. Бизнинг ота-боболаримиз қадимдан гаплашиш маданиятига алоҳида эгибор бериб доимо паст овоз ва хушмомилалик билан мулоқатда бўлганлар, баланд овоз билан мулоқат қилишни одобсизлик хисоблаганлар.

Қадимги Рим аҳолиси кўчалардаги шовқиндан кечалари ухлашга ҳалақит берганлиги ҳақида норози бўлгач Юлий Цезор эрамиздан аввалги 50 йил бурун кечалари шаҳарларда транспортларни юришини ман этган. Англия қироличаси Елизавета I. (1533-1603) кечалари-тунда аҳолини тинч ухлаб хордиқ чиқариши учун оилада бўлиб турадиган ҳар-хил жанжалларни 22 соатдан сўнг қатиан ман этган. Демак, инсоният қадимдан шовқинга қарши курашиб келганлигидан далолат беради.

Бугунги кунларда географик муҳитни шовқин билан ифлосланиши ҳаво ва сувнинг ифлосланишидан кам мас. Немис олимлари аҳоли орасида сўров ўтказганда аҳолининг 50 % шовқиндан азоб чекаётганлигини билдирган. Уларнинг 69 % автотранспортдан, темирўл транспортдан, ҳаво транспортдан чиқётган шовқинлар, 25 % кўшнисининг шовқин-суронидан, баланд мусика овозидан шикоят қилганлар.

Англия катта шаҳарларида эркакларнинг тўртдан бири, аёлларнинг учдан бири транспорт, саноат объектларидан чиққан шовқин туфайли асаб касаллигига дучор бўлганлар. Ҳозирги даврда дунё шаҳарлари ичида “тинч” жой топиш амри маҳол бўлиб қолди. Ҳатто турар жой масканларида ҳам қаттиқ қилиб қўйилган мусика, айниқса жаз ва тўйлардаги эстрада мусикаларини эшитиш мумкин. Булар ўз навбатида инсон эшитиш организмга салбий таъсир этиб қолмай, асабни бўшаштиради, юрак уришини тезлаштиради, бошни оғритади.

Норвегияда ўтказилган тажриба шуни кўрсатдики жазга ўч бўлган ёшлар паст овозни эшитмайдиган бўлиб қолган.

Австрия олимларининг маълумотида кўра шаҳарларда шовқин туфайли аҳолининг яшаш даври 8-12 йилга қисқарган.

Маълумотларга қараганда шаҳарларда энг кўп шовқинни келтирувчи омил транспортдан чиққан овозлардир. Шу туфайли катта шаҳарларда жумладан Тошкентда шовқин кучи сўнги 10-15 йил ичида 10-12 дБ га ёки

“Т-схема” талабаларда танқидий, таҳлилий, аниқ мантикий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўз гоёлари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда ихчам баён этиш, ҳимоя қилишга имкон яратади. Мавзу юзасидан топшириқ берилгач, талабалар Т-схема тузиш қодалари билан танишиб чиқадилар. Талабалар якка тартибда ёки жуфт-жуфт бўлиб Т-схемани тўлдирдилар. Ўз гоёларини ёзма равишда ўнг ва чап тарафларида ёзиб чиқадилар. Дарс жараёнида мазкур методдан фойдаланишнинг афзаллиги шундаки, у қўлланилганда ҳар бир тингловчи ўз фикрини эркин ҳолда тўлиқ баён этиши мумкин.

Т-схема (тўлдирилган шакли) Ўзбекистонда пахтачиликнинг ривожлантирилиши

ИЖОБИЙ ТОМОНЛАРИ	САЛБИЙ ТОМОНЛАРИ
<ol style="list-style-type: none"> 1. Енгил саноат тармоқлари учун хом ашё етказиб беради. 2. Тўқимачилик саноати учун хом ашё етказиб беради. 3. Озик-овқат саноатига хом ашё етказиб беради. 4. Кимё саноати учун хом ашё етказиб беради. 5. Автомобиль саноати учун хом ашё етказиб беради. 6. Ташки иктисодий алоқаларда экспорт маҳсулоти хисобланади 7. Давлат бюджетига турли солиқлар келишини таъминлайди 8. Медицина учун маҳсулотлар етказиб беради. 9. Парфюмерия маҳсулотлари учун хом ашё етказиб беради. 10. Асаларчиликни ривожлантириш учун имконият яратилади. 11. Мехнат ресурсларини иш билан таъминлайди. 12. Чорва моллари учун озуқа 	<ol style="list-style-type: none"> 1. Пахта якка ҳокимлиги вужудга келди 2. Сувдан фойдаланиш тизими ишдан чиқди 3. Ердан фойдаланиш тизими ишдан чиқди. 4. Ерларнинг мелiorатив ҳолати бузилди 5. Минерал ўғитлардан ортиқча фойдаланиш атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатди 6. Ер ости сувлари ифлосланди. 7. Аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатди 8. Шўрланган майдонлар кенгайди 9. Қишлоқ жойларда малакаси паст мехнат ресурслари тўпланишига олиб келди. 10. Айрим озик-овқат маҳсулотларини четдан келтирилишига сабаб бўлди. 11. Халқимизнинг ерни табиий имкониятларидан фойдаланишга асосланган қишлоқ хўжалик соҳаларини йўқолиб кетишига сабаб бўлди. 12. Орол фожеасини вужудга келишига сабаб бўлди

Қишлоқ хўжалиги географияси курсидан “Техника экинлари географияси” мавзусини ўқитиш жараёнида, маъруза якунида талабаларга юқоридаги “Т-схема” жадвалини тўлдириш топшириғи таркатма карточкалар шаклида берилади. Талабалар мазкур схемани тўлдириш орқали Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантирилишининг ижобий ва салбий жиҳатларини мустақил таҳлил қиладилар. Дарс якунида ўқитувчи томонидан “Т-схема”нинг тўлдирилган шакли тақдим этилади. Қишлоқ хўжалиги географияси фанидан “Техника экинлари географияси” мавзусини ўқитишда маърузанинг бошланишида “Блиц-сўров” методидан, якунида “Т-схема”дан фойдаланиш яхши натижа беради. Дарснинг бошланиш қисмида “Блиц-сўров” тезкор саволларидан фойдаланиш талабалар фаоллигини, мавзуга бўлган қизиқишини оширади. Маъруза якунида Т-схемадан фойдаланиш эса олинган билимларни тизимлаштириш ва умумлаштиришга ёрдам беради.

фикрлардан, маълумотлардан кераклигини танлаб олишни ўргатишга қаратилган бўлиб, асосан жадвал кўринишида бўлади. “Блиц” инглизча– тезкор, бир зумда деган маънони англатади. Мазкур метод берилган саволларга қисқа, аниқ ва лўнда жавоб қайтарилишини тақозо этадиган метод саналади. Ўқитувчи ўрганилган мавзу, муайян таркибий қисмлар моҳиятининг очиқ берилишини талаб этадиган саволларни ишлаб чиқиб, талабалар эътиборига ҳавола қилади.

Маъруза мавзуси, унинг мақсади ва режаси, ўқув машғулотида кутилаётган натижалар маълум қилинади, талабалар метод қоидалари билан таништирилади. Ўқитувчи томонидан олдиндан тузиб келинган тезкор саволлар жадвали тарқатилади. Берилган саволларга жавоблар жуфтлик ёки индивидуал тарзда қайтарилиши талаб қилинади.

“Т-схема” маълумотларни солиштириш ёки икки томонини (ҳа/йўқ) кўрсатиш учун қўлланиладиган чизмалли органайзер бўлиб, мураккаб, кўп тармокли, мумкин қадар муаммо характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Бунда уларнинг ҳар бири алоҳида нукталардан муҳокама этилади. Масалан, ижобий ва салбий томонлари, афзаллик ва камчиликлари, бир ғоянинг икки томони, фойда ва зарарлари кабилар.

“Техника экинлари географияси” мавзусини ўқитишда “Блиц-ўйин” методидан асосан маърузанинг бошланиш қисмида фойдаланиш мумкин. “Блиц-ўйин” жадвалининг кўриниши тахминан қуйидагича кўринишида бўлади:

“Блиц-ўйин” жадвали (тўлдирилган шакли)

№	Саволлар	Якка жавоб (рақами)	Сизнинг ҳаракатингиз	Тўғри жавоб (рақами)
1.	Жадвалда берилган экинлардан қайси бири техника экинлари қаторига кирмайди?		Мексика ғўзаси	5
2.	Ўзбекистонда етиштириладиган техника экинларини белгиланг.		1802 йил Россия	6
3.	Европада дастлаб тамаки қачон ва қандай мақсадларда етиштирилган?		Тибет	7
4.	Ингичка толали ғўза қайси маданий турга мансуб?		1792 йил Элли Уитней	9
5.	Жаҳонда биринчи қанд-шакар заводи қачон ва қаерда қурилган?		Нут, жавдар, сули	2
6.	Дунё мамлакатларида энг кўп тарқалган ғўза турини аниқланг.		Каноп, тамаки	1
7.	Қайси ўсимлик “мўғул чойи” деб юритилади?		1518 йил, декоратив ўсимлик сифатида	8
8.	Жаҳонда энг кўп чой истеъмол қилувчи мамлакатни белгиланг.		Бадан	3
9.	Ўзбекистон ғўзанинг қайси турлари етиштирилади?		Перу ғўзаси	10
10.	Пахта толасини чигитдан ажратиб олувчи механизм қачон ва ким томонидан яратилган?		Мексика ғўзаси, Перу ғўзаси	4

ўртача йилига 1-1,2 дБ га ортмоқда. Тошкент шахрининг автотранспортлар серкатнов Навоий, Беруний, Узоқов, Сақийски, собиқ Ш. Руставелли каби кўчаларда шовқин кучи 70-80 дБ га етмоқда.

Ўзбекистонда хусусан Тошкент шахрида аҳолининг шовқиндан муҳофаза қилиш учун қатор чоралар кўрилмоқда. Бунинг учун саноат корхоналарини кам овоз чиқарадиган, замонавий ускуналар билан таъминлаш: шахарда автомобил сигналларини чалишини ман этиш: машиналар мотор овозини камайтирадиган глушителлар (товуш пасайтиргичлар) билан таъминлаш: кучли товуш чиқарадиган юк ташиш машиналарининг шахар ичида юришига чек қўйиш, уларни шахар атрофидаги айланма йўллар билан юргизиш орқали шовқин кучини 4-6 дБ га камайтиради.

Маълумотларга қараганда шахарларда шовқин кучини пасайтиришда энг муҳим омил бу йўл четида, тратуварларда ўсимлик полосасининг бунёд этиш. Бунда кенглиги 20-30 м бўлган четларига дарахт экилган кўчаларда шовқин кучи 4-6 (дБ) га, кенглиги 30-50 м. бўлган чети дарахтлар билан ўралган кўчаларда шовқин кучи 8-10 (дБ) га пасайган. Бунда шовқун кучини ютишда ва пасайтиришда, чангларни ушлаб қолишда кенг баргли дарахтлар, хусусан чинорнинг ахамияти жуда катта.

Шундай қилиб, саломатлигимизга, айниқса асабимизга салбий таъсир этувчи шовқин босимини камайтириш жуда муҳим муаммо ҳисобланади. Шовқинни инсон ўз қўли билан вужудга келтирдими, энди вақти келди ўз қўли билан уни кучини камайтиришга эришиш керак.

ЎРТА ЗАРАФШОН ҲАВЗАСИДА ТУРИСТИК ВА РЕКРЕАЦИЯ РЕСУРСЛАРИНИ ГЕОГРАФИК ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Бадалов Ў.Б.*

Ўрта Зарафшон ҳавзаси ўзининг бой маънавий-маданий мероси, турли туман тарихий, археологик, рекреация объектларига, қулай табиий иқлим шароитга ва кўп тармокли ижтимоий инфратузилмаларга эга бўлиб, у ўз навбатида туризм ҳамда рекреациянинг турли шаклларини илдам ривожлантириш учун асосий манба бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда қисқа вақт ичида ҳавзада туристик-рекреация соҳасини ривожлантириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб борилмоқда. Жумладан, Ўрта Зарафшон ҳавзасининг туризм-рекреация салоҳиятини комплекс равишда ривожлантиришга йўналтирилган 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар ўз навбатида, туризм ва рекреация соҳасидаги янги давлат сиёсатига асос бўлади дейиш мумкин.

Ўрта Зарафшон ҳавзаси нафақат Республикамизда, балки Марказий Осиёда бой сайёҳлик салоҳиятига эга бўлган худудлардан бири саналади. Унинг географик жойлашуви, табиий ва маданий ресурсларга бойлиги билан хорижий сайёҳларни ўзига жалб қилиб келмоқда. Бу эса ўз навбатида ҳавзада туристик ва рекреация ресурсларининг турли шаклларини илдам

* Бадалов Ўткир Бадал ўғли – СамДУ, География ва экология факультети География кафедраси катта ўқитувчиси.

ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг кейинги бир қатор Фармон ва Қарорлари ҳавзада туристик ва рекреация ресурслари салоҳиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича кўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ҳамда 6 февралдаги “Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори, 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарорлари қабул қилинди. Кўрииб турибдики, ушбу қабул қилинган Фармон ва Қарорлар мамлакатимизда ички ва ташқи туризмнинг, бундан кейин янада жадал тараккий этиш баробарида Ўрта Зарафшон ҳавзасида ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожига ҳам катта таъсир кўрсатади. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бугунги кунга келиб ҳавза ҳудудида 1105 та археологик, 670 та меъморий, 37 та диққатга сазовор жойлар, 18 та монументал ва 21 та меориал моддий-маданий мерос объектлари сақланиб келинмоқда.

Дам олиш ва экотуризмни илмий асосланган ҳолда ташкил этиш натижасида ижтимоий комплексларини шакллантириш, дам олиш ва даволаниш учун барча шароитлар яратиш ва янги даволаниш технологиялардан фойдаланишни талаб этади. Туристтик-рекреация ресурсларни иқтисодий-ижтимоий ўсишига табиий ландшафтлар, тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш, аҳолини географик ҳамда экологик маданиятининг шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда ҳар бир ҳудудни рекреация ва туристик имкониятларини ўрганиш катта илмий-амалий аҳамиятга эга. Жумладан, Ўрта Зарафшон ҳавзаси аҳолисини турмуш тарзини яхшиланиб бориши уларни маданий дам олишга бўлган эҳтиёжини ортиб боришига сабабчи бўлади. Чунки, ҳавзада аҳоли сонини кўпайиши, шаҳарлар урбанизациясини кенгайтиши, геоэкологик вазиятни кескинлашуви туфайли инсонларни қисқа муддатли дам олишга бўлган эҳтиёжи ошиб боради. Шу сабабли ҳавза аҳолисини дам оладиган рекреация ҳудудларини аниқлаш вақти келди дейиш мумкин.

Бу борада Ўрта Зарафшон ҳавзасида дам олишни ривожлантиришнинг асосий элементлари ҳисобланган туристик-рекреация ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш масалаларини ҳамда баҳолашни биринчи ўринга қўйишимиз лозимдир. Минтақада рекреация масканлари фаолиятини ташкил қилишда табиий-ижтимоий шароит, уни географик жойлашуви натижасида хизмат кўрсатиш соҳалари шароитларини яратишни тақозо этади.

Бугунги кунда рекреацион-туристик фаолиятнинг у ёки бу турини ташкиллаштиришни яроқчилигига қараб ресурсларни классификациялаш, баҳолашда ижтимоий географик фанлари тизимида янги-янги илмий тадқиқот ва изланишлар бўлиши табиий. Чунончи, инсоннинг хўжалик фаолияти табиатдаги мавжуд ресурслар билан боғлиқдир. Энг муҳим рол ўйновчи ресурслардан бир ҳам рекреация ресурслари ҳисобланиб, дам олиш, хордик

Ўқитувчи ўқувчиларнинг кузатиш ишларини доимо назорат қилиб бориши керак. Яқиний натижаларни ўқувчиларнинг ўзлари ишлаб чиқишларига эришиш муҳим аҳамиятга эга. Агар ўқувчилар ўз кузатишларининг амалий моҳиятини тушуниб олсалар, уларнинг кузатишга бўлган қизиқишлари янада ортади.

Хулоса қилиб айтганда, география таълимида кузатиш методидан фойдаланиш таълимни амалиёт билан боғлаш имконини беради. Ўқитувчи кузатиш натижалари ва ўқувчиларнинг ҳаётий билимларига тажрибаларига таяниб, географик тушунчаларни тўғри таърифлаш имкониятига эга бўлади. Кузатишга оид маълумотлардан ўқув жараёнида янги материални ўрганишда, ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини аниқлашда фойдаланиб борилса, эгалланган билимларнинг аниқ ва мустаҳкам бўлишига ёрдам беради.

**“ТЕХНИКА ЭКИНЛАРИ ГЕОГРАФИЯСИ” МАВЗУСINI ЎҚИТИШДА
“БЛИЦ-СЎРОВ” ВА “Т-СХЕМА” МЕТОДЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
Джўрабоева Х., Джўрабоева Н.
Фарғона давлат университети**

Ўқув жараёнининг сифати кўп омилларга боғлиқ бўлиб, улар орасида ўқитишнинг метод ва усуллари ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Улар билимларни онгли ва чуқур ўзлаштирилишига, талабаларда мустақиллик ва ижодий фаолликнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Дарснинг ҳар бир шакли талабаларда муайян билим ва кўникмалар тизимини шакллантиришни асосий мақсад қилиб қўяди. Ҳозирги вақтда илғор педагогик тажриба асосидаги бир қанча усуллар бўлиб, уларнинг кўпчилиги интерфаол усуллар сифатида қабул қилинган. Таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчилар томонидан интерфаол методларнинг ўринли, мақсадли, самарали қўлланилиши таълим олувчиларда мулоқотга киришувчанлик, жамоавий фаолият юритиш, мантиқий фикрлаш, мавжуд ғояларни синтезлаш, таҳлил қилиш, турли қарашлар орасидаги мантиқий боғлиқликни топа олиш қобилиятларини тарбиялаш учун кенг имконият яратади.

Олий таълим тизимида география йўналиши талабаларига ўқитиладиган “Қишлоқ хўжалиги географияси” курси ихтисослик фанлардан бири бўлиб, ушбу курс орқали талабалар қишлоқ хўжалигининг вужудга келиши, миллий иқтисодиётда тугган ўрни ва роли, ҳудудий ташкил этилиши ҳамда ривожланиши, тармоқлар таркибига доир билим ва малакаларга эга бўладилар. “Қишлоқ хўжалиги географияси” фани замонавий олий таълим тизимида юқори малакали географлар тайёрлашда катта аҳамиятга эга.

География дарсида метод ва усуллардан фойдаланиш дидактик мақсадга, ўрганилаётган материалнинг мазмунига, таълим воситаларига, талабаларнинг тайёргарлигига, ўқитувчининг фаолияти ва билим даражасига боғлиқ. “Қишлоқ хўжалиги географияси” курсидан “Техника экинлари географияси” мавзуни ўқитишда “Блиц-ўйин” ва “Т-схема” методларидан фойдаланиш яхши самара бериши мумкин.

Блиц-ўйин” методи – ҳаракатлар кетма-кетлигини тўғри ташкил этишга, мантиқий фикрлашга, ўрганаётган предмети асосида кўп, хилма-хил



Ўқув йилининг дастлабки кунлариданоқ ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида Қуёшнинг горизонтдан баландлигини, Қуёш чиқиши ва ботишини, кун ва туннинг узунлигини, Ой фазаларининг ўзгаришини, айрим юлдузларнинг ва сайёраларнинг ҳолатини кузатиб боришлари лозим.

V-синф табиий география бошланғич курсидан 1-§ “География нимани ўрганади?” мавзусини ўрганишдан, кузатиш натижасига асосланган “об-ҳаво тақвими”ни юритиши мақсадга мувофиқ. Бунда ўқувчилар ўзлари бевосита олиб борган кузатишларига асосланиб, Ўзбекистонда йил фасллариининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида мустақил хулосалар чиқаришга, об-ҳавони олдиндан айтишга ўрганадилар.

“Ернинг сув қобиғи-гидросфера” ва “Қуруқликдаги сувлар” бўлимларида гидросферанинг таркибий қисмлари, дунё океани ва океан сувининг хусусиятлари, дарёлар, кўллар ва музликлар, табиатда сувнинг тарқалиши, аҳамияти ва хоссаларини ўрганишлари. Ушбу мавзуга оид дарсларда сув ҳавзаларининг тозалигини муҳофаза қилишга жиддий эътибор бериш лозим. Шунингдек, ўқувчиларнинг ёш хусусиятига мос тарзда ижтимоий фойдали меҳнатни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Мавзуни ўрганиш жараёнида табиат ҳодисалари ва кишилар меҳнати юзасидан кузатишлар олиб бориш давом эттирилади.

“Биосфера ҳаёт қобиғи” бўлимини ўрганилиши айнан баҳор ойларига тўғри келади. Бу вақтда республикамизнинг ҳамма ҳудудларида ўсимлик ва ҳайвонларнинг ҳаёти фаоллашган бўлади. Бу эса кўрсатмали қўлланма сифатида жонли объектлардан кенг фойдаланиш, шунингдек, ўқувчиларнинг фенологик кузатишларини давом эттириш ва умумлаштиришга ёрдам беради. Ўсимликларнинг атроф-муҳит билан алоқадорлигини кўрсатиш мақсадида табиатга экскурсия уюштирилади.

чиқариш, соғломлаштириш, завқланиб руҳини кўтаришга қаратилган фаолият мажмуасини ўз ичига олади. Бундай ресурслар икки хил бўлиб, биринчиси, инсон томонидан яратилган, яъни антропоген рекреация ресурслари ва иккинчиси табиат томонидан инсонга инъом этилган табиий ҳолдаги хушманзара масканлар ҳамда инсонга эстетик завқ берувчи жойлар киради. Бундай ҳудудларга Ўрта Зарафшон ҳавзасининг тоғ ва тоғолди ландшафтлари ҳамда воҳа қисмидаги Зарафшон дарёсини қайир ва дельта қисмлари, истироҳат боғлари, Зарафшон кўриқхонаси, ер ости минерал сувларига бой бўлган ҳудудларини киритиш мумкин бўлади. Қуйида биз Ўрта Зарафшоннинг Самарқанд вилояти мисолида рекреация объектларини туманлар миқёсида жадвалда келтирамиз (жадвалга қаранг).

Самарқанд вилоятининг рекреация объектлари

Жадвал

№	Туманлар	Рекреация объектлари
1	Кўшработ	Тоғ этаклари, «Кўшғоч» минерал суви ва унинг атрофидаги соғломлаштириш маскани, марказий истироҳат боғи, «Пангат» оромгоҳи, Қисмиқсойни хушманзара ва дам олиш жойлари
2	Иштихон	Тўсинсой-Оқдарё сув омборлари, Дамхўжа суғориш тугуни, болалар оромгоҳи, истироҳат боғи, дарё атрофи тўқай ландшафт ва дам олиш жойлари
3	Пайариқ	«Имом ал Бухорий» зиёратгоҳи, Оқдарё туқай ландшафтлари, марказий истироҳат боғи, кўп йиллик чинорлар ва тарихий обидалари
4	Жомбой	Зарафшон дарёси атрофидаги тўқай ландшафтлар, Зарафшон кўриқхонаси, пляжлар, истироҳат боғи, даволаниш масканлари
5	Оқдарё	Миёнкальа, Оқдарё ва Қорадарё тўқайзорлари, «Қамолот» истироҳат боғи, Маҳдуми Аъам Даҳбедий зиёратгоҳи, балчиқ усулида даволайдиган «Устоз» саломатлик маркази
6	Пастдарғом	Қорадарёнинг чап соҳили тўқай ландшафтлари, Дарғом канали, болалар оромгоҳи, «Ошиқ ота» зиёратгоҳи, агротуристтик объектлар
7	Каттақўрғон	Каттақўрғон сув омбори, «Ёшлик» истироҳат боғи, Каттақўрғон соғломлаштириш масканлари
8	Нуробод	Нурбулоқ даволаниш маскани, Ҳазрати Довуд зиёратгоҳи, тоғ ландшафтлари, булоқ ва сойлар, кўп йиллик дарахтлар (Тим)
9	Нарпай ва Пахтачи	Қорақўтон олтин кони, «Дабуссия» кальаси, қадимий сардобалар, Зарафшон дарёси сохилларини дам олиш жойлари
10	Булунгур	Ғубдин тоғ этаклари ландшафтлари, Зарафшон кўриқхонаси, сув омбори, истироҳат боғлари
11	Тайлоқ	Янги дарғом канали, Эски Жумабозор бозори, Қорасув ер ости булоқ сувлари, «Банди кушон» зиёратгоҳи, А.Темур боғлари, Қорасув дам олиш ва соғломлаштириш масканлари, агротуристтик объектлар
12	Ургут	Ургут чинорлари, Ғовсул Аъзам зиёратгоҳи, Чор-Чинор мажмуаси, Мингарча, Лев, Келси, А.Темур ғорлари, Омонқўтон рекреация объектлари ва тоғ ландшафтлари, карст булоқ сувлари, сойлар, Равотхўжа сув тақсимлаш иншооти, Дарғом канали, Мўминобод ва Қоратепа сув омборлари, Тахтақарача Эски давон йўллари ва х.к.

Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

Минтақа худудларида рекреацион имкониятларини ҳар томонлама аниқлаш учун ҳар бири мураккаб тузилишга эга бўлган бир қатор кўрсаткичларни интеграциялаш яъни, комплекс баҳолашни амалга ошириш лозим. Ҳавзада дам олиш ва туризмни ривожлантириш учун ресурсларни комплекс баҳолаш усуллари, рекреацион-туристик маршрутларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқиш мақсадида истиқболли рекреацион районларни ажратишда объектив баҳолашни қўллаш имкониятини беради. Бунинг натижасида ҳавзада табиий рекреацион ресурсларини баҳолаш ва шу асосида дам олиш ва туризмни ривожлантириш учун табиий ландшафтларнинг рекреацион имкониятлари даражаси бўйича ҳавзанинг районлаштириш харитаси тузишни талаб этади.

Ўрта Зарафшон ҳавзасининг рекреацион фаолияти натижасида даволаниш ва дам олишни бошқа турларини шакллантиришга асос бўладиган деярли барча табиий элементларини ривожлантириш мумкин. Бу борада табиий рекреация ресурсларини баҳолаш асосида истиқболли рекреациянинг функционал тизими такомиллаштирилади. Ҳавзада худудий рекреацион тизимни потенциал сифимини аниқлашда зарур бўладиган дам олиш ва даволаниш имкониятлари, табиий, иқтисодий-ижтимоий рекреацион ресурсларга бойлигини аниқлашни тақозо этади. Натижада дам олиш ва даволашни ривожлантириш учун ҳавзадаги алоҳида худудларнинг нисбатан имкониятларини қиёслаш имконини берувчи умумлаштирувчи рекреацион имкониятни 5 балли шкала бўйича баҳолаш зарур деб ҳисоблаймиз. Бундай ёндашув турли рекреацион ресурсларни сифат кўрсаткичларини дам олиш ва даволашни ташкиллаштиришда истиқболли бўлган айрим худудларни инфраструктураси даражасини характерлайди. Ана шуларни ҳисобга олиб, ҳавзада қўшимча дам олиш ва даволаниш жойларини аниқлаш, уларни потенциалига баҳо бериш ҳамда рекреацион районлаштиришни амалга ошириш зарур. Бу асосда рекреация ва туристик карталарни яратиш ҳозирги кунинг муҳим долзарб масалаларидан бирига айланди.

Рекреация соҳасини ривожлантиришда Ўрта Зарафшон ҳавзасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, рекреация талабларига жавоб берадиган замонавий маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини шакллантириш, янги замон талабига жавоб берадиган меҳмонхоналар ва дам олиш уйлари, санатория, ижтимоий сервис соҳалари ва бошқа объектларни куриш минтақа рекреация-туристик ресурсларини ривожлантиришда янада чуқурроқ илмий жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этади. Бундай сервис соҳаларини барпо этишда худуднинг табиий ва рекреация ресурсларини баҳолаш, шунингдек, харидлар тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур. Бундай тарихий-табиатнинг нодир ёдгорликлари хорижий сайёҳларда жуда катта таъсирот қолдиришига шубҳасиздир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Ўрта Зарафшон ҳавзасида дам олиш-соғломлаштириш масканларини худудий ташкил этиш ва ривожлантириш ҳамда уларни илмий асосда ечиш бўйича устувор йўналишларини белгилаш вақти келди дейиш мумкин. Улардан ижтимоий-

этикодлар, кўрсатмалар ва ҳ.к. лар асосида қандай касбий масалаларни ҳал этиши лозимлиги ҳақидаги саволга жавоб беришга имкон беради. Бундан ташқари, у одамнинг касбий яроқлилиги тушунчаси билан бевосита боғлиқдир. Касбий яроқлилиқ дейилганда одамнинг у ёки бу касбда ижтимоий қониқарли самарадорликка эришиши учун зарурий ва етарли психик ва психологик-физиологик хусусиятлари мажмуи тушунилади.

Юқорида айтилган фикрларга асосланиб, педагогика олий ўқув юрларининг География ўқитиш методикаси ихтисосликлари талабаларига География фанини ўқитишнинг касбий-педагогик йўналганлиги доирасида талабанинг индивидуал таълим фаолияти учун уларда фақат махсус фанларнигина билишни эмас, балки мутахассисларнинг умуммаданий ва илмий тайёргарлигини таъминловчи, фанларни ҳам билишига асосланадиган педагогик маҳорат асосларини узлуксиз ва мақсадга йўналган тарзда шаклланишини таъминловчи маълум шароитларнинг яратилишини таъминлайди.

МАКТАБ ГЕОГРАФИЯ ТАЪЛИМИДА КУЗАТИШ МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Джўрабоева Х., Усмонова Г.

Фарғона давлат университети

Таълим-тарбияда мақсаднинг амалга ошиши ва кафолатланган натижага эришиш, ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда улар қўйган мақсад, танланган мазмун, шакл, восита ва методга боғлиқдир. Ўқитиш методи, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг назарий ҳамда амалий билиш фаолиятининг таълимий вазифаларини бажаришга қаратилган йўл бўлиб, ҳар қандай методдан бирор мақсадга эришиш кўзда тутилади.

Билим олиш манбаларига кўра методлар таснифида кузатиш методи алоҳида ўрин эгаллайди. География таълимида кузатиш ҳодиса ва объект (жой)ларни табиий ҳолатда идрок этиш мақсадида ўтказилади. Ўқувчилар кузатиш натижасида географик ҳодисалар ва жойлар билан бевосита танишадилар.

Кузатиш ўқувчиларнинг билиш қобилиятини ривожлантиради, мустақил ҳулоса чиқаришга ўргатади, атрофимизни ўраб турган табиат ҳодисаларининг бир-бирига боғлиқ эканлигини тушунишга ёрдам беради. Кузатиш ишлари синфда, синфдан ташқарида ва география майдончасида, вилоят ва туман доирасида ўтказилиши мумкин. Географик кузатишлар мазмунига кўра қуйидаги турларга бўлинади (1-расм).

Табиий географик кузатишларда табиий комплекслар ва компонентларнинг хусусиятларини маълум вақт мобайнида ўзгариши кузатилади. Геологик кузатишларда тоғ жинслари, уларнинг хусусиятлари ва бу тоғ жинсларининг тарқалиши ўрганилади. Геоморфологик кузатишларда эса рельеф шакллари ва уларнинг турлари тадқиқ этилади. Метеорологик кузатишларда турли хил асбоблар ёрдамида об-ҳаво ўрганилиб, натижаларни қайд этиб борилади. Мактаб география таълимида кузатишнинг асосан уч тури, яъни астрономик, метеорологик ва фенологик кузатишлар олиб борилади.

Ўқитиш жараёнининг самарадорлигига ўқитувчининг олий ўқув юрти ўқитувчисининг фаолияти энг катта таъсир кўрсатади. Педагог педагогик тизимнинг мақсадларини, педагогик коммуникация воситаларини, ўқувчилар психологияси ҳақидаги билимларнинг ўқув ахборотини, фақат элтувчигина бўлиб қолмасдан, балки ўқув жараёнининг ташкил этилиши, ишлаши ва бошқарилишини ҳам таъминлайди. Бироқ педагог тизимнинг ҳар бир компонентини қуришда самарали ўқитиш қонуниятларидан фойдаланган ҳолдагина, унинг фаолияти ижобий натижалар олиб келади. Бу улар объектив характерга эга эканлиги, ўқитувчилар ва талабаларнинг иродаси ва онгидан ташқарида амал қилиши билан тушунтирилади. Улар ўқув жараёнини илмий ташкил этишда ўқитиш воситалари ва ўқитиш шароитлари ролида юзага келадилар, чунки ўқитиш қонуниятлари реал ўқув жараёни моҳиятининг, ўқув жараёнининг компоненталари орасидаги мавжуд сабаб-оқибат боғланишларининг акс этишидир. Ўқув жараёнининг барча томонларини қамраб олгани ҳолда улар энг муҳим масалалардан бири, айниқса ўқитиш методикасининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Талабадан ўқув-билиш фаолиятида юқори фаоллик ва мустақиллик талаб этилади. Олий ўқув юртида фанларни ўқитишда мактабдагига қараганда касбий йўналтириш гоёлари кўпроқ сингиб боради. Бундан ташқари, талабанинг ўқув фаолияти яққол ифодаланган мотивацияга эга бўлиб, у равшан англанидиган эҳтиёж – ихтисосни эгаллаш билан белгиланади. Ўқув жараёни кўпроқ англаниган бўлади. Бунда билимларни муваффақиятли ўзлаштирилишига таъсир этувчи омиллардан иккитаси: мотивация омили ва дидактик фаолият структураси олдинга чиқади.

Шу муносабат билан ўқитиш қонуниятлари ва тамойиллари ҳақидаги масала юзага келади. олий таълим тизимида ўқитишнинг қуйидаги тамойиллари таърифланган;

– **илмийлик тамойили** – у ўқув фани мазкур шароитларда максимал мумкин бўладиган қатъийлик ва корректлик билан баён қилинишни талаб этади;

– **тушунарлик тамойили** – у баён қилинаётган материалнинг илмий даражаси талабаларнинг тайёргарлик ва қобилиятлари даражасига мос бўлишини талаб қилади;

– **тизимлик тамойили** – у материални билимларни оқилона ўзлаштириш йўлини таъминловчи маълум мантикий кетма-кетликда кўриб чиқилишини талаб қилади.

– **ўқитишнинг кўргазмалилик тамойили** – у, умумий тушунилганда, ўрганилаётган тушунчалар ва назарияларнинг моҳиятини акс эттирувчи моделларни яратиш ва фойдаланишни талаб қилади ва у билимлардаги формализмни бартараф этишга қулай шароитлар яратиш ва ўқитишга табақалаштирилган ёндошувни амалга оширишга йўналтирилган;

– **касбий йўналганлик тамойили** – у олий мактабнинг бутун ўқув ва тарбия ишини маълум касб ёки ихтисосликка йўналтирилишини талаб қилади.

Касбий йўналганлик тамойили олий ўқув юртида ўқитишга хос бўлган ўзига хос тамойилдир. У талабанинг олинган билимлар, уқувлар, малакалар,

иктисодий мақсадларда фойдаланиш ва ҳудудий жиҳатдан самарали ташкил этиш имкониятлари, ҳавзани иктисодий ривожланишида катта замин бўлади.

ВОҲА ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ ГЕОЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Боймирзаев К.М., Мирзахмедов И.К.

Наманган давлат университети

Воҳа ландшафтлари дейилганда атрофи чўллар билан ўралган, инсон хўжалик фаолияти таъсирида кучли ўзлаштирилган, суғориш иншоотлари барпо этилган ва табиий шароити қулайлаштирилган ям – яшил жойлар тушунилади. Мутахассис – олимлар таъкидлашларича воҳалар маълум бир ҳудуднинг узок йиллар мобайнида инсон томонидан дехқончилик қилиниши натижасида кескин ўзгарган антропоген ландшафтларнинг таркибий қисмидир[1]. Воҳалар тупроқларининг ҳосилдорлиги ва унумдорлиги, ландшафтлари тузулишининг яхшиланиб бориши, таркибидаги чиринди микдорининг кўпайиб бориши билан бошқа ландшафт типларидан бир қанча тафовутларга эга. Шунинг учун ҳам воҳа ландшафтлари чўллардан кескин ажралиб туради.

Воҳа ландшафтлари кўплаб хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан ўрганиб чиқилган. Жумладан, Э.Коровин (1962)нинг таърифлашича, инсон ижобий фаолиятининг ҳосиласи ҳамда ирригация туфайли чўллардан тортиб олинган ерларни воҳалар дейилади.

Ю.Саушкин эса ўзининг бир қатор асарларида воҳа ландшафтларининг маданий ландшафтлар деб киритиб ўтганлигини кўриш мумкин. Муаллиф маданий ландшафтлар деб, инсон томонидан кучли ўзгартирилган табиий муҳитни тушунади. Маданий ландшафтларга мисол қилиб, Ўрта Осиёнинг чўлларида жойлашган Хоразм ва Бухоро воҳаларини кўрсатиб ўтган [1].


Ўзбекистон, қолаверса Ўрта Осиёнинг антропоген ландшафтшунослиги асосчиси, ўзбек географ олими, профессор А.А.Абдулқосимов воҳа ландшафтлари деганда инсоннинг хўжалик фаолияти туфайли вужудга келган, суғориладиган ва баҳорикор дехқончилик кенг тарқалган, агробиоценоз билан қопланган ва инсон томонидан доимо бошқарилиши билан характерланадиган антропоген геотизимининг зонал бир кўринишини айтиб ўтади [2]. Бу фикрларга асосланиб, шуни айтиб ўтиш мумкинки, воҳа ландшафтлари ўз атрофидаги чўл ва чала чўл ҳудудларидан ўзига хос табиий шароитлари билан тубдан фарқ қилишини билиб олиш мумкин.

Маълум бир вақтда ёки ҳудудда атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва ўз – ўзини тозалаш имкониятлари орасидаги мувозанатнинг салбий томонга ўзгариши натижасида вужудга келган ва айна пайтда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган вазиятлар геоэкологик муаммо дейилади. Воҳа ландшафтлари геоэкологик муаммоларини қай қўламда намоён бўлиши уларга таъсир этувчи ички ва ташқи кучлар мажмуасига боғлиқдир. Геоэкологик муаммоларнинг таркибий қисмлари алоҳида ва бир – бири билан боғлиқ муаммолар бўлиб, уларнинг ечими ҳам ўзаро боғлиқ чоралар мажмуасини қўллаш билан ҳал этилиши мумкин [4].

Фарғона водийси воҳа ландшафтларидан бир неча асрлардан буён тартибсиз ва режасиз фойдаланиш натижасида уларнинг геоэкологик аҳволи ёмонлашди, миқдорий ва сифатий ўзгаришлар юзага келди ва бунга сабаб қилиб бир қанча омилларни айтишимиз мумкин. Фарғона водийси воҳа ландшафтларида кузатилаётган табиий ва антропоген жараёнларга бепарволик, уларни олдини олиш чораларини кўрмаслик ҳамда энг ачинарлиси эса бу фикрлар ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаганлиги оқибатида бугунги кунда воҳа ландшафтларининг геоэкологик ҳолати ҳалокатли аҳволга келиб қолиши кузатилди.

Аммо, бугунги кунга келиб антропоген омилларларнинг таъсири табиий омилларга нисбатан кучлироқ намоён бўлмоқда. Воҳа ландшафтларидан хўжаликни турли тармоқларини ривожлантириш мақсадида меъёридан ортиқ ҳамда ландшафт қонуниятларини инобатга олмай мақсадсиз фойдаланиш бир қатор геоэкологик муаммоларни юзага келишига сабаб бўлмоқда. Жумладан, Фарғона водийсида пестицидлардан меъёридан ортиқ қўлланилиши оқибатида сув, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг зарарланиши ҳамда аҳоли ва қишлоқ хўжалик экинлари орасида турли касалликларни келиб чиқиши, 9 минг гектардан ортиқ унумдор ерларни қум уюмларининг тагида қолиб кетганлиги, суғориладиган ерларнинг 30-40 % и эрозия жараёнига учраганлиги, ўсимлик ва ҳайвонот олами кўламининг қисқариб бораётганлиги кўпчилик олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот натижаларида аниқланган.

Геоэкологик муаммолар ичида тупроқларнинг шўрланиб бориши соҳа мутахассислари томонидан жиддий эътиборни талаб этади. Фарғона водийси воҳа ландшафтларида юзага келган шўрланиш даражасини 1-расмда кўриш мумкин.



1-расм. Фарғона водийсида ерларнинг шўрланиши

Андижон вилоятида 4,3 % майдонни шўрланган ерлар эгаллаган бўлиб, кучли шўрланган ерларни учратмаймиз. Наманган вилоятининг 9 % майдони шўрланган ҳамда 0,4 % майдони кучли шўрланишга учраган. Водийнинг энг шўрланган ерлари Фарғона вилоятига тўғри келиб, бу 45,1 % ни ташкил этади, шундан 1,9 % майдони кучли шўрлангандир (2 – расм).

муҳофазаси муаммосини, пухта билишлари, ўқувчиларни ушбу соҳага қизиқтира олиш услубини тўлиқ эгаллаган бўлиши шарт.

Албатта баркамол авлод вакилларига экологик таълим бериш лозим. Демак мутахассислар ўз соҳаларига ва касбларига қараб табиий ресурслардан рационал фойдаланишни, унга ётқизилган зарарни қандай қилиб тўлдириш кераклигини англаб олиш шарт бўлади.

Антропоген омилнинг табиатга бўлган таъсири, унинг моҳиятини, оқибатларини аниқлашдан иборат бўлади, Чунки мутахассисларда экологик маданиятни етишмаслиги, табиатда бўладиган жараёнларнинг оқибатларини олдиндан билмаслик, она заминда англаб бўлмайдиган зиён заҳматларни келтириб чиқаришдан иборат бўлади. Албатта ҳозирги вақтда аҳоли сонининг тобора тез ўсиб бориши, оммавий туризмнинг тез ривожланиши, инсонларнинг табиатга муносабати, экологик маданият асосида бўлишини тақоза этмоқда.

Демак табиат қучоғида бўлиб, ундан баҳра ва завқ олишни истаган инсон ўзининг кейинги авлоди ҳам бундай дурдоналардан баҳраманд бўлишини ўйлаб, экологик манбалардан тўғри ва оқилона фойдаланишлари – ҳам қарз ҳам фарз ҳисобланади.

ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ГЕОГРАФИЯ КУРСИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ЙЎНАЛГАНЛИГИ Джумаева М.М.

Низомий номидаги ТДПУ Термиз филиали

Ўқув жараёнини ўрганишда тизимли ёндошув ўқитиш самарадорлиги муаммосини кўяди. О. Мўминов, Х. Хасанов, П. Фуломов, Р. Курбонниёзов, И. Сафаров, А. Соатов, А. Абулқосимов, Х. Ваҳобов, П. Баратов, М. Маматқулов, А. Қаюмов, П. Мусаев, У. Сафаров, Ж. Мусаев ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўқув жараёни самарадорлигининг таърифи ўқитилишининг ўқитилганликка нисбати, ўқитишни ўқувчиларнинг турли категорияларига табақалаштириб яқинлаштирилиши, ўқитишни индивидуаллаштириш, ўқувчиларнинг мустакил фаолиятларини такомиллаштирилиши ва бошқалар билан боғланади. П.Баратов учун “самарадорлик” сўзининг этимологияси ва киритилаётган бу тушунчаниннг ўқитиш жараёнининг жадаллиги, оптималлиги ва сифати билан боғланиши қаралади. Хусусан муаллиф томонидан самарали жараён дейилганда керакли натижаларга олиб келувчи таъсирчан ўқув жараёни тушунилади. Шу муносабат билан ўқитиш самарадорлиги ўқитиш жараёни ва натижасининг бирлиги каби тушунилади. Чунки ўқув жараёнининг қурилиши, унда ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолиятини мақбул ташкил этилиши, кучларнинг муносабати ва тақсимланиши, бир бутун ўқув жараёнининг характерида унинг самарадорлиги боғлиқдир. Бундан ташқари, ўқитиш самарадорлиги билан унинг «оптималлиги», яъни мақбул шароитларга мос қулай варианти узвий бирликда бўлади. Ўқув жараёнини унинг ички, ўзига хос белгилар ва хусусиятлар нуқати-назаридан тавсифловчи мантикий категория сифатида ўқитиш сифати майдонга чиқди. Мазкур мезон олинган натижаниннг режалаштирилган натижаси мослик даражасини тасдиқлайди.

Юқорида муҳокама қилинган методик тизим компонентларининг ичида

**МИРЗАЧЎЛ ВОҲАСИ ЎСИМЛИК РЕСУРСЛАРИНИ ПЕДОГОГИК
ЭКОЛОГИЯ АСОСИДА ЎРГАНИШ ДАВР ТАЛАБИДИР
Дониёров С.А., Кенжаев А.А., Джураев М.Э., Жуманов Ж.**

Гулистон давлат университети

Мирзачўл воҳасининг табиий географик тараққиётига назар ташлар эканмиз, унинг бир неча бор сув босиши натижасида корбонатли, гипсли, гилли, кумли ва кумлоғли муҳитга тушганлигининг гувоҳи бўламиз (1-5). Шу табиий географик шароитга мослашган гликозоидли, сапонинли, алкалоидли, эфир мойли, ошловчи хусусиятга эга бўлган ўсимлик ресурслари манбаларига дуч келамиз.

Айниқса мирзачўл воҳасининг мўтадил иқлим шароитига эга бўлган Хўжамушкент ўрмон хўжалигига қарашли бўлган ерларда бой ва ранг баранг бўлган табиий ресурсларнинг бўлиши олимларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келмоқда. Улар орасида кўплаб ўсимлик ресурсларидан доривор, эфир мойли, гликозоидли, сапонинли, алкалоидли, ошловчи, моддаларни сақловчи ҳамда, бўёқ ва бошқа кўпгина қимматбаҳо табиий хом ашё берувчи ўсимликларнинг кўплиги билан ажралиб туради. Булардан ташқари бир қанча эндемик ва релект турларнинг ҳам борлиги экспедициямиз даврида тўпланган бой манбаларда қайд қилинган воҳамиз табиий ресурсларининг асосий манбаи бўлган ширинмия, қамиш, қўғ, баликкўз ва бошқа шунга ўхшаш табиий манбалар миқдори кўп учрайди.

Ҳозирги кунда воҳа худудида жойлашган вилоятимизда тугаб бораётган ноёб ўсимликлар ресурсларини аниқлагач вилоятимиз табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ва ҳалқ маорифи ходимлари билан биргаликда бу табиий хом-ашёни тежаб-тергаб, ақл идрок билан фойдаланишга ва уни муҳофаза этишга даъват этмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда вилоятимиз ўсимлик ресурслари ва унинг табиий ресурсларини чин дилдан севадиган малакали кадрларни тайёрлаш давр муаммоси бўлиб турибди. Шу боисдан ҳам табиат муҳофазасига бағишланган дебоча ишни оиладан бошлаб боғчада, мактабда, академик лицей ва коллежларда, институт ва университетларда экологияга оид таълим ва тарбия асосларининг ўқитилиши серкуёш мирзачўл воҳамизнинг шифобахш ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёсини, муқаддас тупроғимиздаги ҳар бир гиёҳ ва жонзотларнинг табиий муҳитимизда эканлигини эслатишимиз ва уларни келгуси баркамоллавод учун асрашимиз ҳар биримизнинг – она замин олдидаги инсонийлик бурчимиз эканлиги тушунтиришдир. Экологик таълим ва тарбияни турли хил ўқитиш усуллари билан акс эттирилиши, кўнгилли ахборот воситалари орқали унинг кенг тарғиб этилиши, табиат билан жамиат ўртасида энг мақбул муносабатларнинг яратилишига педогогик экологиянинг асосий иш услубларидан биридир. Шунинг учун ҳам экологик таълим тарбияни омма орасида амалга оширишда қуйдаги муаммоларни ҳал қилиш давр талаби ҳисобланади.

Мирзачўл воҳа табиатининг асл ҳолатини сақлаш ва унинг ўсимликлар ресурсларини ҳимоя қилиш учун педагогик экологиянинг асосларидан тўлиқ фойдаланиш, чуқур тушунишлари, уни муҳофаза қилиш соҳасидаги ўз фуқаролик бурчларини ва унинг масъулятини яхши ҳис этишлари, табиат



2-расм. Шўрланган ерларнинг кўриниши

Шунингдек, шўрланган ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида нафақат мамлакатимизда, балки Фарғона водийсида ҳам ўтган асрда турли хил лойихалар ишлаб чиқилди ҳамда шу лойиҳа асосида мелиоратив ҳолати яхшиланди ва дренаж – суғориш шахобчалари қайтадан реконструкция қилинди. Кейинги йилларда эса Фарғона водийсида 69,7 минг га дан ортиқ суғориладиган ерларни мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бунинг натижасида эса ҳар гектарга суғоришга сарфланадиган сув меъёрини 8-10 минг м³ гача қискартиришга эришилди.

Тупроқларни шўрланишига ва чўллашишга шамол эрозияси ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Жумладан, Қўкон воҳасида жойлашган Бешарик, Фурқат, Ўзбекистон, Данғара, Учкўприк, Бувайда ва Бағдод туманлари худудидаги агроландшафтлардаги тупроқлар Хўжанд дарвозаси орқали Мирзачўлдан водий томон 20-30 м/сек га эсувчи шамол эрозияси таъсирига кучли учрамоқда. Шамол эрозияси натижасида тупроқнинг унумдор қатлами ва унга қадалган уруғлар учиб кетади, қишлоқ хўжалиги экинлари нобуд бўлади ва зарар кўради, ўғитлар ерга сингмай, даладан ташқари чиқиб кетади, тупроқ унумдорлиги эса пасаяди, оқибатда геоэкологик тизимларнинг бузилишига олиб келади [3].

Шамол эрозиясининг олдини олиш ҳамда ландшафтларнинг эстетик манзарасини яхшилаш учун агротехника ва гидромелиорация ишларини ҳар бир худуднинг табиий шароитидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш ва турли кўринишда ихтозорларни барпо этиш лозим.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача барқарор ривожланиш дастурида “Қуруқлик экосистемаларини муҳофаза қилиш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланиш, ўрмонларни рационал бошқариш, чўллашишга қарши курашиш, ерларнинг деградациясини тўхтатиш ва биологик хилма-хилликнинг йўқолишини олдини олиш” вазифаларини ечишга қаратилган алоҳида мақсадлар кўзда тутилган [5]. Агарда воҳа ландшафтларининг геоэкологик вазиятини яхшилаш бўйича тезкор тадбирлар ишлаб чиқилмаса, яқин 20 – 30 йил ичида воҳаларнинг 50% дан ортиқ худудларида геоэкологик вазият “танг”, баъзи худудларда “хавфли” даражага етади, деҳқончилик маҳсулотларига ва ёмон экологик вазиятга боғлиқ турли хил касалликлар янада кўпаяди.

Воҳа ландшафтлари геоэкологик муаммоларини бартараф этиш учун қуйидаги муҳим тадбирларни амалга ошириш талаб этилади:

- сувдан ногўғри ва нооқилона фойдаланиш натижасида юз берадиган сув исрофгарчилигига барҳам бериш, бунинг учун назорат ишларини кучайтириш ва малакали агрономлар ўз тавсияларини бериб боришлари мақсадга мувофиқ;

- шўрланган ерларнинг ҳолатини тубдан яхшилаш учун зовурлар барпо этиш ва шўр ювиш ишларини бошқа агромегиоратив ва сув-хўжалик тадбирлари билан бирга уйғунлаштириб олиб бориш зарур;

- тупроқ эрозиясининг олдини олиш ва унга қарши курашиш, бунинг учун ташкилий-хўжалик, агротехник, ўрмон-техника ва гидротехник тадбирлар тизимини режа асосида амалга ошириш керак;

- суғориладиган ерлардан самарали фойдаланиш **учун** табиий ва иктисодий географик омилларни ҳисобга олган ҳолда кишлоқ хўжалик экинларини ландшафт типларига мослаштириб жойлаштириш кутилган самара беради;

- шамол эрозиясини олдини олиш мақсадида дарахтзор ва ихотазорларни мавжудларини сақлаб қолиш ва янгиларини барпо этиш кабилар;

- воҳаларнинг ер ости сувлари ҳосил бўладиган қисмида, кўп сув талаб қиладиган кишлоқ хўжалик экинлари ўрнини кам сув талаб этадиган экин турлари билан алмаштириш;

- вужудга келтирилган антропоген ландшафтларни рекултивациялаштириш, фойдаланиш учун ярқисиз бўлган географик мажмуаларни оптималлаштириш ва уларнинг геозкологик мувозанатини тиклаш кабилардир.

Хулоса қилиб шуни айтиб ўтиш керакки, ҳар бир мамлакат ўзининг иктисодиётини янада юксалиши, халқининг эса фаровон турмуш кечириши ҳамда фан – техника тараққиёти жиҳатидан ривожланган ҳудудлар қаторида бўлиши учун ҳаракат қилади. Бунинг учун ҳам табиат ресурсларидан оқилона ва режали фойдаланиш бош мақсадимиз бўлиб қолиши лозим.

ҚУЙИ АМУДАРЁ БАЛИҚЧИЛИК ХЎЖАЛИГИДА ИККИПАЛЛАЛИ МОЛЎСКАЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ ВА ЭКОЛОГИК ГУРУҲЛАРИ

Боймуродов Х.Т., Саидкулов Ж.Р., Эгамқулов А.Н., Тагматов Ж.Ж. *
Самарқанд давлат университети

Балиқчилик – кишлоқ хўжалигидаги муҳим тармоқ бўлиб, бу соҳани ривожлантиришга давлатимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 августдаги «Балиқчилик тармоғини монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 350-сонли қарори асосида хусусийлашган, замонавий балиқчилик корхоналари ташкил этила бошланди. 2009 йилдан бошлаб, республикада чорвачиликнинг барча тармоқлари қаторида балиқчилик хўжаликларини ривожлантириш, аҳолини арзон балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш борасида бир қатор дастурлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда.

Ҳозирда республикамизда 1601 та – 296 та табиий ва 1305 та сунъий сув

* Боймуродов Хусниддин Тошболтаевич – СамДУ, География ва экология факультети, Экология кафедраси мудири, б.ф.д.;

Саидкулов Жонибек Раҳмонкулович - СамДУ, География ва экология факультети, Экология кафедраси. Ассистенти;

Эгамқулов Азамат Нуралиевич - СамДУ, География ва экология факультети, Экология кафедраси ассистенти;

Тагматов Жўрабек Жўшкинович - СамДУ, География ва экология факультети, Экология кафедраси ассистенти.

Бу иштирокчиларнинг саволига бўлган муносабатини, ҳаёти тажрибасига, билимига (дарсдан ташқари эгаллаган) муносабатини юзага чиқарувчи муаммоли саволларнинг ва ўқитувчи томонидан қўйилган оғзаки материалларнинг мажмуини ўз ичига оладиган метод. Муаммоли методни қўллаш мумкин бўлган ўқув машғулотлари шакли

1. Тортишув фаоллиги асосида:

- семинарлар(якка иш)

- структуралаштирилган тортишув (гуруҳ иши);

- муаммоли тортишув (жамоавий иш);

2. Изланувчанлик фаоллиги асосида:

- амалий машғулотлар (жамоавий иш)

- изланувчанлик дарслари (якка иш)

3. Янги аспектлар ёрдамидаги анъанавий дарслар:

- дарс-маъруза;

- дарс-семинар;

- машқлар ечиш дарси;

- дарс-конференция;

- дарс- экскурсия;

- дарс-консультация (маслаҳат)

4. Ностандарт дарслар:

- дарс-аукцион

- дарс-пресс-конференция,

- дарс-диссертация химоя қилиш;

- дарс- махсус

Муаммоли таълим типининг мақсади фақат билимлар тизимини илмий етказишдан иборат бўлмай, балки натижага эришиш жараёнини, талабанинг фаоллигини шакллантириш ва унинг ижодий қобилиятини ривожлантиришдан иборат. Ўқитувчининг муаммоли таълимдаги иши қуйидагилар: мураккаб тушунчаларнинг моҳиятини тушунтириш, муаммолли вазиятни яратиш, иштирокчилар даллиларни таҳлил қилиш асосида мустақил ечим қабул қилиш малакаси ўқитувчи ёрдамида маълум бир тушунча ва қарорлар (хулосалар) қабул қилиш кўникмаси шаклланади. Масалан, Ўзбекистоннинг геологик тузилиш мавзусини ўрганишда Ўзбекистон ҳудудининг геологик тараққиёт тарихи, ҳудуддан тарқалган турли ёшдаги тоғ жинслари, тарқалган асосий тектоник структуралар (Тяншань эпигерцин ороген, Турон эпигерцин плитаси) га эътибор қаратилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг тоғ минтақаларини ўрганишга бағишланган дарсларда эса, «Барча тоғ тизмалари, орографияси ва ёши ўзгача бўлишига қарамадан, бир табиий-ҳудудий комплекс сифатида қарашга бўладими?» деган муаммо билан бирлаштириш мақсадга мувофиқ. Натижада иштирокчиларда ақлий операциялар қобилияти, билимларни кўчайтириш қобилияти шаклланади ҳамда диққати, тафаккур эркинлиги ривожланади.

Муаммоли вазиятнинг яна бир афзаллиги, ҳар томонлама илмий, тизимли олиб борилишига асос бўлиши билан бирга география бўйича олган билимини чуқурлаштиришга имкон яратади.

ишлаб чиқилган. Бугунги кун таълим жараёнининг лойиҳалари ҳамда уни амалиётида фойдаланиш учун ўқитишнинг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш дарс жараёнида юқори натижа ва самарадорликка эришишга олиб келади. С.И.Ожеговнинг рус тили луғатида “муаммо” сўзи “қийин савол, ечими зарур бўлган иш, изланиш”- деган маънони билдиради. Муаммоли таълим деганда нимани тушунамиз? Муаммоли таълим бу шундай ўқув фаолияти бўлиб, бунда ўқитувчи томонидан бир муаммоли вазият ўйлаб топилади ва иштирокчиларнинг уни ечишдаги фаол мустақил иши назарда тутилади. Шу асосида профессионал билимнинг ўзлаштирилиши, ўйлаш қобилияти ҳар томонлама такомиллаштирилишига эришилади.

Муаммоли машғуллар мустақил ривожланиш қобилиятини ва иштирокчиларнинг тажриба ҳамда эҳтиёжидан келиб чиқиб, табиий ҳолда пайдо бўлади. Талабани муаммоли ҳолатга қўйиб унинг фикрлаш механизмини гўё «тўхтатиб» қўяди. Бошқа иштирокчиларнинг муаммоли машғулот жараёнида ушбу муаммони ечишга ҳар хил гипотезаларни ташлаб, уларнинг ўзини англаш жараёнини чуқурлаштириб, аниқ ечим топишга ёрдам беради.

Муаммоли вазиятни амалга ошириш учун ўқитувчи муаммоли саволлар ва машқлар тизимига эга бўлиши керак. Саволларда қўйидаги шартлар акс этсагина муаммоли савол ҳисобланади. Масалан:

- фаннинг асосий масалалари билан, талабанинг дунёқараши билан боғлиқ бўлса ва уларнинг мустақил ўзлаштириш ва маълум бир фикрлаш қобилиятини оширса;
- агар ўқув материалларини гуруҳлаштириш мумкин бўлса, шунингдек, қўзланган муаммоларга боғлиқ фактлар бўлса;
- агар муаммони илмий тадқиқотлар билан ёритиб бериш мумкин бўлса, шу билан бирга тарихда пайдо бўлган фаннинг яратилишини иштирокчилар томонидан тушуниш мумкин бўлса;
- агар ташланган савол асосида муаммоли ҳолат пайдо қилиш мумкин бўлса.

1. Муаммони ечишда мустақил гипотезалар келтириш.

Гипотезаларни келтириш босқичида иштирокчилар ўз ечимларини тавсия этишни ўрганиши, уларни аввал таҳлил қилиб тўғри келадиганини танлаши ва уни исботлаб беришга ўрганиши зарур. Фаоллаштирувчи саволлар қўлланганда бу босқичда фикрлаш (ўйлаш) механизмини фаоллаштиришда овоз чиқариб фикрлаш (ўйлаш)дан фойдаланиш. Ўқитувчи талабадан бир яки икки одим олдинда юривчи жараёнини пайдо қилиш. Ўқитувчи ўз мантиқига таянган ҳолда маълум ечим тайёрлаб, уни очиб бериш ҳуқуқини синфга тавсия қилади.

2. Матбуот манбаларидаги тайёр билимларини ечиб бериш методи.

Маълум бир мавзуга оид матнларни газета, журнал, луғат ва бошқа манбалардан тавсия этишни ўрганиш ва саволлар тузиш. Ушбу материаллар ёрдамида гуруҳ, жуфтлик ёки якка ишни (машқни) ташкил қилиш, кейин саволни жамоа бўлиб таҳлил қилиш.

3. Муаммоли таҳлил методи

ҳавзаларида балиқчилик фермер хўжаликлари фаолият кўрсатапти. Улар ҳисобида жами 583,7 минг гектар сув ҳавзалари бўлиб, шундан 566,6 минг гектари табиий ва 17,1 минг гектари сунъий сув ҳавзаларидир (uzbekistonovozi.uz).

Ўзбекистон сув ҳавзаларида балиқчиликда кенг фойдаланиб келинмоқда. Ўзбекистоннинг дарёлари сув ҳавзаларида табиий шароитлари жиҳатидан яшаш ва кўпайиш имкониятларига эга бўлган иқлимлаштирилган балиқлар тарқалган. Агар авваллари кўллардан овладиган балиқнинг асосий қисмини вобла тури ташкил этган бўлса, бугунги кунда оқ дўнгпешона ва оқ амур балиқлари ҳам қўшилди (uzbekistonovozi.uz).

Кейинги йилларда Ўзбекистонда бир қатор сув иншоатларида маҳсулдор, балиқларни иқлимлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Масалан, Амударё соҳили сув ҳавзалари балиқларни иқлимлаштириш ишлари 1951-1952 йилларда бошланган.

Амударё ҳавзасида – Қуйи Амударё Хоразм; Сирдарё ҳавзасида – Янгиер, Чирчик; Зарафшон ҳавзасида – Челак, Дарғом; Қашқадарё ҳавзасида – Нукликўл, Чимқурғон; Сурхондарё ҳавзасида – Узун балиқчилик хўжаликлари республикамиздаги йирик балиқчилик хўжаликлари ҳисобланади. Ҳали-ҳанузгача сунъий сув ҳавзаларининг, масалан, балиқчилик хўжалиқларининг сув умуртқасизлари биохилма-хиллигига, хусусан, икки паллали моллюскларнинг тарқалишига таъсири бўйича маълумотлар мавжуд эмас (Иззатуллаев., Боймуродов, 2000)

Ўзбекистон денгиздан йироқда жойлашган. Шу боис балиқчиликни ривожлантиришда фақат ички имкониятлар, яъни республикада мавжуд барча тоифадаги (оқар, зовур ва сизот) сув ресурслари ҳамда сув ўсимликларидан тежамкорлик билан фойдаланиш талаб этилади. Шу маънода, бугун табиий сув ҳавзалари ва сув ўсимликларидан оқилона фойдаланиш эвазига маҳсулот ҳажмини янада кўпайтириш чоралари қўрилмоқда. Балиқчиликни ривожлантириш учун дарё ҳавзаларида уларга уланган канал, ариқ ва зовурлардан фойдаланиш сунъий ва табиий сув экосистемалари ўртасида гидробионтларнинг ўзаро алмашинуви ва шаклланиши рўй беради. Бу ҳолатнинг, албатта, икки паллали моллюсклар фаунасини шаклланишида ҳам аҳамияти юқоридир.

Амударё соҳили сув ҳавзалари балиқларни иқлимлаштириш ишлари 1951-1952 йилларда бошланган (Омонов, Мирзаев, 1993).

Амударё қуйи қисмидаги энг йирик балиқчилик хўжалиги – Қуйи Амударё балиқчилик хўжалиги икки паллали моллюсклари фаунаси ўрганилди. Ушбу моллюсклар В.И.Жадин (1938, 1952), Я.И.Старобогатов, З.И.Иззатуллаев (1984), З.И.Иззатуллаев, Х.Т.Боймуродов(2004) услублари билан ўрганилди ҳамда З.И.Иззатуллаев тамонидан Ўрта Осиё икки паллали моллюсклари учун тузилган системадан фойдаландик

Қуйи Амударё балиқчилик хўжалиги Амударёнинг Хоразм вилояти ҳудудида жойлашган. Балиқчилик хўжалиги барпо этилиши билан сув майдони кенгайиб, унда балиқлар, икки паллали моллюскларнинг яшаш ва урчиш шароитлари яхшиланган(Иззатуллаев., Боймуродов, 2001).

Тадқиқотлар натижасида, балиқчилик хўжалигида икки паллали моллюскаларнинг 5 тури ва 1 кенжа турининг яшаши аниқланди. Улар 2 оила ва 3 уруғга таллуқлидир.

Sinanodonta уруғи турларидан *S.orbicularis*, *S.puerorum* турлари Қуйи Амударёда учрамасада, шу ҳудудда жойлашган Қуйи Амударё балиқчилик хўжалигида учраши кузатилди. *Sinanodont* уруғи турларидан *Sinanodonta gibba*, *S.orbicularis*, *S.puerorum* Қуйи Амударё балиқчилик хўжалиги учун биринчи марта кўрсатилмоқда. Тадқиқотларни кўрсатишича, Қуйи Амударё соҳилининг бошқа сув типларига караганда (кўл, канал, сув омбори) ҳудуддаги балиқчилик хўжалигида хитой тишсизлари сон жиҳатидан кўпдир – 1 м² 1,3-1,9 тадан учрайди.

Sinanodonta уруғи турлари каби *Colleppterum ponderosum volgenae* ҳам Қуйи Амударёдаги учрамасада, шу ҳудудда жойлашган Қуйи Амударё балиқчилик хўжалигида учраши кузатилди. Турнинг хўжаликдаги зичлиги юқори – 1 м² жойда 1,9 тадан учрайди.

Corbiculina ferghanensis ва *C. tibetensis* балиқчилик хўжалиги сув ости ўсимликлар орасида кумлок ерларда 1 м² жойда 1,6-1,9 тагача учраши аниқланди.

РАЦИОНАЛЬНОЕ ПРИРОДОПОЛЬЗОВАНИЕ – ГАРАНТИЯ УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ

Багирова Ф.Т., Игамкулова Ш.А., Горшунова А.М., Рысбеков А.Д.
**Ташкентский государственный педагогический университет
имени Низами**

В истории человечества никогда не было недостатка в проблемах различной степени сложности и драматизма. Однако еще не отмечалось той эпохи, когда бы все самые масштабные и трудные проблемы возникали почти в одно и то же время перед человечеством в целом, да еще с такой категоричностью, которая ставит общество на грань гибели в случае. Впервые в истории все человечество оказалось перед выбором пути развития, и, пожалуй, самое необычное в сложившейся ситуации состоит в том, что «оценивать» правильность выбора будут не столько сами люди, сколько окружающая их природная среда и биосфера в целом. Отбор принимаемых решений идет, прежде всего, по принципу их биосферо-совместимости. В этом заключается качественная специфика глобальных проблем современности, их жизненная важность для людей. Как правило, в самом определении глобальных проблем на первый план выдвигается тот их признак, что они охватывают все человеческое общество. Это, конечно, важно, но самое главное состоит в том, что все глобальные проблемы замыкаются в конечном счете на состоянии биосферы, т.е. выстраиваются вдоль единой оси, вокруг экологической проблемы, которая таким образом занимает центральное место о всей их совокупности.

Никогда раньше биосфера не была так уязвима со стороны человека, как в последнее время. За те 50 лет, на протяжении которых развертывается НТР как глобальный феномен, заметно изменились все жизненно важные параметры

технологий, а также реализации многочисленных междисциплинарных исследовательских проектов. Всесторонняя поддержка науки и ученых является одной из приоритетных задач нашего государства.

Это нашло свое отражение в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, в которой указано «...воспитание физически здоровой, духовно и интеллектуально развитой, самостоятельно мыслящей, преданной Родине молодежи с твердыми жизненными взглядами, ... поддержка и реализация творческого и интеллектуального потенциала молодого поколения, формирование здорового образа жизни среди детей и молодежи,... ». Для всего этого необходима «организация эффективной деятельности органов государственной власти и управления, образовательных учреждений, молодежных и иных организаций в реализации государственной молодежной политики»⁵⁰.

Во Дворце симпозиумов в Ташкенте 30 июня 2017 года состоялся IV Курултай общественного движения молодежи «Камолот» Узбекистана. Итогом данного собрания стало образование Союза молодежи Узбекистана, и объявление 30 июня – днем молодежи в нашей стране.

За последнее время в системе образования Республики наблюдаются положительные изменения. «Построены 12 общеобразовательных школ, реконструированы 320, капитально отремонтированы 152 школы. Кроме того, построены и реконструированы 107, капитально отремонтированы 195 дошкольных общеобразовательных учреждений.⁵¹» Было организовано Министерство дошкольного образования, восстановлено 11-летнее общее образование.

В своем обращении к Олий Мажлису Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев отдельно подчеркнул, что «мы поставили перед собой задачу поднять на новый этап нашу работу по воспитанию молодого поколения гармонично развитыми, физически здоровыми и духовно зрелыми личностями.» В этих целях в новой редакции был принят Закон «О государственной молодежной политике». На его основе внедряются в жизнь новые методы работы с молодежью. Также в послании было объявлено о создании Международной ассоциации молодежи Узбекистана и Форума молодежи Центральной Азии в целях сотрудничества в сфере науки, культуры, спорта, предпринимательства и других направлений.

ГЕОГРАФИЯ ФАНИДА МУАММОЛИ ВАЗИЯТДАН ФОЙДАЛАНИШ

Гайпова Р., Турдибекова З., Орынбаева А.
Нукус давлат педагогика институти

Таълим сифати ва самарадорлигини ошириш ва малакали кадрларни тайёрлаш масаласи инновацион технология ва унинг тамойиллари асосида

⁵⁰ Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах

⁵¹Обращение Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева к Олий Мажлису // Народное слово, 2017 год 22 декабря.

РЕФОРМЫ ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ И ЗАБОТА О ВОСПИТАНИИ МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ

Багирова Ф. Т., Игамкулова Ш.А., Горшунова А. М., Маннобова Ч. Б.
Ташкентский государственный педагогический университет
имени Низами

Мировой опыт показывает, что непрерывное практическое внедрение новшеств, обеспечивающих качественный рост во всех сферах, превратилось в движущую силу общественного и экономического развития.

В современных условиях актуализации науки и образования для повышения профессионального уровня специалистов в области естественных наук активно развиваются инновационные технологии в образовании. С каждым годом наибольшую актуальность приобретает проблема качества образования, решение которой связано с интеграцией науки, образования и инновации.

qishlog'ining shimol tarafidagi adirlarga nazar tashlasak, ajdodlarimiz istiqomat qilgan makonlarning izlarini ko'ramiz. X asr Buxoro tarixchisi Muhammad Narshaxiyning "Buxoro tarixi" kitobida "Hali Buxoro shaxri vujudga kelmagan, qishloqlardan ba'zilar paydo bo'lgan edi. Nur, Xarhonrud, Vardona, Tarovcha, Sadona va Isvonalar o'sha qishloqlar jumlasidandir" - deyiladi. Kitobning Izohlar bo'limida bu qishloqlarning hozirgi o'rni qayerda joylashgani xususida ta'rif berilarkan, "Xarqonrud-Zarofshon daryosidan chiqarilgan Shopurkon va G'ijduvon tumanlarini sug'oruvchi kanallardan biri. Bu yerda shunday nomli (yane Xarkonrud) kanal bo'yida joylashgan Buxoro qishloqlardan biri bo'lgan Karmana yaqinidagi Xarkona bo'lishi kerak" - deyilar. Mazkur kitobda "Buxoro va uning atrofidagi yerlardagi anhorlar" bo'limida 12 kanal tilga olinadi. Ulardan uchinchi "Xarqonat ul-ulviyo to'rtinchisi Xarkonrud. Taniqli atamashunos tatqiqotchi olim S.Qorayev o'zining "Geografik nomlar manosi" (1978 yil) kitobida, "...Xarkonot ul-ulviyo (yuqori Xarqon) hozirgi Qalqonota arig'i. Shu arig' bo'yida Qalqonota ul-soniyo (quyi Xarqon) arig'i hozir Xarqonrud deb ataladi" deya qayt etadi. Yuqori Xarqon arig'i Zarofshonga tutash bo'lib Ijand, Xarqona, G'ujbog' qishloqlariga suv bergan. Yaqin-yaqinlargacha Yo'qori Beshrabotlik qoraqalpoqlar arig'ini o'zgartirib suv ichganlar. Afsuski, bu ariq "O'ng sohil kanali" qazilganidan so'ng butunlay yuqolib ketish arafasida. Shu dalildan kelib chiqib qaraydigan bo'lsak, Narshaxiy tilga olgan Xarqonrud – aniq Qalqonota qishlog'i ekanini anglaymiz. Demak qishloqning qadimiy nomi Xarqonrud bo'lgan. "Rud –daryo, kanal, xar yirik, katta ma'nosida kon-kanal, ariq" degan ma'noni bildiradi. Shundan kelib chiqib, u "katta ariq" degan ma'noni anglatadi. Nima uchun Xarqon qishlog'i Qalqonota deb atalib ketgan? Bu haqida turlicha fikir – mulohazalar bor. Shu yerlik aholi o'rtasidagi gaplarga qaraganda, Iskandar qo'shinlari ko'p vaqtgacha qishloqni ololmaydi keyin ular shu atrofdagi balandlikka chiqib alam bilan qaraganlar va "Bu yerlik xalq-qalqon jon", - deydi Qishloq shundan boshlab "Qalqon" nomini olgan emish. Balki bizningcha "Xarqon" so'zi vaqt o'tishi bilan tovush o'zgarishlariga uchrab "Qalqon" deya atalib ketgandir...

Mulla Ikrom boboning qo'lida saqlanayotgan 4444 avliyo vakillar haqidagi "Haqoyiq ul-asror" kitobida qayt etilishicha Abul Hasan Haroqoniy payg'ambarimiz Muhammad Sallolohu alayhi vassallamning vofotlaridan 305 yil keyin Rumdagi Haroqoniy qishlog'ida tug'ilgan turkiy insondir. Bu muhtaram zot voyaga yetgach Buxoro Sharifga keladilar. O'sha yillarda Xatirchini yov bosib, xalq boshiga ko'p ofatu - kulfatlar keltirgan. 37 yoshda bo'lgan Abul Hasan Haroqoniy g'azotda qatnashish uchun bu yerga keladi. Jasorati, ilmi - karomati hikmati bilan xalqqa yo'l kursatadi va el - yurtni yovlardan ozod qiladi. Shundan keyin Xatirchi, Nurota va hozirgi Xarqona qishlog'ining usha davirdagi aholisiga hech qanday yov hujum qilaolmaydi. Bundan tashqari Abul Hasan Haroqoniy el –yurti balo –qazolardan asraydi, ilon chayon chaqqan insonlarni o'qib dardiga qalqon bo'ladi. Xalq sevinganidan "Endi bizning qalqonimiz bor" –deyishgan. Xuddi – shundan kelib chiqib bu qishloq "Qalqonota" deb atalgan bo'lishi ham mumkin.

Yuqorida nomi qayd etilgan kitobda ta'kidlashicha, Hazrat Abul Hasan Haroqoniy 1033 yilda Qalqonotada vafot etgan va shu yerdagi ariqning (Harqanot ul-ulviyo) yuqorisiga ko'milgan. Ayni paytda bobomizning mozori obodonlashtirilgan,

ziyoratgoh joyga aylantirilmogda. Xalq hashari bilan bu yerda Jom'e masjidi qurilgan.

Bugungi kunda Qalqonota qishlog'ida mang'it, qarluq, qipchoq, qirg'iz, uyrot, olchin, urug'iga mansub kishilar shuningdek, boshqa millat farzandlari ham yashamoqda. Yuqoridagi raqamlar dalillar asosida hisob – kitob qilinsa, Qalqonota hech mubolag'asiz 2600 yoshdan oshgan deyish mumkin.

ТЕМА: СОХРАНЕНИЕ ПРЕСНЫХ ПОДЗЕМНЫХ ВОД В ЮЖНОМ ПРИАРАЛЬЕ

Джаксымуратов К.М., Есенбаев Г.Р., Жанабаев И. НГПИ,

Нарушение природного равновесия – баланса стока и испарения повлияло на существование Аралского моря. Эволюция природных условий серьезно отразилась и на состоянии подземной гидросферы региона. Понижения базиса эрозии привело к снижению уровня подземных вод как грунтовых, так и напорных водоносных горизонтов. Проблема острого дефицита воды и исчерпаемость природных ресурсов очутилось во время маловодья 2001-2002 г.г, где в результате повышение минерализации в р. Амударья месторождений линз пресных вод потеряли половину своих запасов.

В связи этим регионе возник необходимость защитить их от истощения и загрязнения только методом их искусственного восполнения запасов подземных вод (ИВЗПВ). ИВЗПВ - это комплекс гидрогеологических и инженерно-технических мероприятий, обеспечивающих водоносный горизонт дополнительным питанием, в результате чего происходит регулирование их запасов, позволяющее получить необходимое количество воды, а главное, при ее дефиците сохранить водоносный горизонт от истощения. Принцип работы водозабора с ИВЗПВ можно посмотреть на примере месторождении Куванышджарма, где в течение паводкового периода (120 суток) работали скважины двух толщ.

В меженный период (183 суток), характеризующийся отсутствием воды в канале и в контурах, работает только нижний ярус скважин в безграничном пласте эксплуатируя в течении 62 дней (31 день перед началом работ по восполнению подземных вод и столько же после их окончания) искусственно сформированные запасы пресных вод. При естественном самоочищении воды от загрязнителей, и, тем самым, позволит обеспечить потребности населения круглогодично в питьевой воде.

Для эффективного использования месторождений запасов пресных подземных вод с помощью их ИВЗПВ необходимо:

- в период наличия в канале пресных поверхностных вод производить наполнение подпитывающих контуров. Строго наблюдать за дебитом, уровнем и качеством подземных вод отбираемых скважинами водозабора;

- строительство основных и вспомогательных подпитывающих контуров. Это позволит уменьшить процессы кольтматации и дает возможность управлять процессами магазинирования и опреснения запасов подземных вод;

- мамлакатимиз олий таълим тизимида олий малакали мутахассисларни тайёрлашнинг ҳозирги кундаги муаммоларини атрофлича татқиқ қилиб чиқиш;

- олий таълим муассасасида мутахассисларни тайёрлаш сифатига таъсир кўрсатувчи ички омилларни туркумлаш;

- туркумланган ҳар бир ички омилларни тавсифлаш ҳамда уларни баҳолаш.

Олий таълим муассасаларининг юкори сифатли мутахассисларни тайёрлай олиш қобилиятига, оқибат-натигада эса уларнинг рақобатбардошлигига таъсир кўрсатувчи омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин: профессор-ўқитувчилар таркиби, профессор-ўқитувчилар мотивацияси, кафедралар қарорлари, факультет илмий кенгаши қарорлари, ОТМ кенгаши қарорлари, олий таълим муассасасини бошқариш тизими, олий таълим муассасасини ривожлантириш стратегияси, кутубхона ва ахборот-ресурс хизмати, талабаларнинг мустақил ишлаши учун яратилган имкониятлар, профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юклагаси, талабаларнинг касбий тайёргарлик сифати, тўловли ёки тўловсиз ўқитиш тизими, олий таълим муассасасида коммуникацион - алоқа воситаларининг ривожланганлиги, олий таълим муассасасининг моддий-техник базаси, олий таълим муассасасининг молиявий салоҳияти, таълим сифати менежменти тизими, меҳнат бозори талаблари, мамлакатдаги иқтисодий вазият, халқаро олий таълим тизимида қўлланилаётган инновацион ёндашувлар, олий таълимнинг глобаллашуви, олий таълим соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг ўзгариши.

Олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари фаолиятига биринчи ўринда таъсир кўрсатадиган омиллар ичида кафедра ва факультетдаги кулай ишлаш шароитлари, деканат билан ҳамкорлик, ўқув юклагаси миқдори, маънавий ва моддий мотивация, коммуникацион алоқалар ажратиб кўрсатилади. Бу айтиб ўтилган омилларнинг ичида олий таълим муассасаси яхшироқ фойдалана оладиган омиллар - ички омиллар саналади.

Олий таълим муассасасида мутахассислар тайёрлаш жараёнига таъсир кўрсатувчи ички омиллар асосан бешта – бошқарув, кадрлар, моддий-техник ва ахборот таъминоти, иқтисодий ва талабалар таркибига доир омилларга ажратилади.

Сўнги пайтларда олий таълим тизимида мутахассислар тайёрлаш жараёнида Олий таълим муассасаларини бошқаришдаги стратегик усулнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Стратегик бошқарув олий таълим муассасасига рақобатчилар билан курашда бардош беришга ва ривожланишнинг узок даврдаги истиқболларига мўлжалланган режаларни амалга оширишга ёрдам беради.

Олий таълим муассасасининг рақобатбардошлигини таъминлашда унинг кадрлар таркибига боғлиқ омилларига профессор-ўқитувчилар таркиби ва уларнинг мотивациясини киритиш мумкин. Илмий адабиётларда олий таълим муассасаси рақобатбардошлиги кўрсаткичларининг мавжуд таснифлашларида олий таълим муассасасининг кадрлар таркиби таълим хизмати сифати, унинг инновационлиги даражаси боғлиқ бўладиган энг муҳим омиллардан бири сифатида тан олинади. Кадрлар таркибининг таъсири

боғланган бўлиши, географик атама ва номлар, рақамли кўрсаткичлар ва материалларнинг мавжудлигини англаши керак. Географик хариталар билан ишлаш дарсликдаги матни пухта ўзлаштиришини таъминлашга ёрдам беради.

Шуни таъкидлаш лозимки, аксарият география ўқитувчилари дарсликдаги савол ва топшириқлар билан мукамал ишламайди, ваҳоланки дарсликдаги савол ва топшириқлар ўқувчиларнинг дарслик матнини қанчалик ўзлаштирганлигини ва уларда географик кўникма ва малакаларнинг қай даражада шаклланганлигини аниқлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

География ўқитувчиларида инновацион технологияларни шакллантиришда ечимини топиш лозим бўлган масалаларни ҳал қилиш талаб қилинади. Улар:

- ўқитувчиларнинг янгиликка интилувчанлиги, уларни яратиш, излаб топиш, банкини яратиш, кўникма ва малакасини шакллантириш;
- ўқитувчи узлуксиз ўз маҳорати устида ишлаш кўникмасини орттириш;
- инновацион муҳитда, илғор технологияларни, интерфаол усулларда ишлашга ҳаракат қилиш;
- ўқувчиларнинг мотивация, фаоллик, маъсулиятини ошириш асосида ўқувчини ўқув жараёнини ҳаракатлантирувчи кучга айлантиришини таъминлайди, бу эса ўз навбатида география таълимида сифат ва самарадорликни кафолатлайди. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ўқитувчи ўз касбига ижодий ёндашиб, дарсларни турли инновацион технология ва методлардан фойдаланиб ташкил этса, география дарсларининг самарадорлиги ортади, таълим оловчиларни мустақил фикрлашга, ҳозиржавобликка, эгаллаган билимларини янги шароитларда қўллашга ўрганади, баркамол авлод вояга етказилади.

ОЛИЙ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ СИФАТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Алимқулов Н.Р., Мўминов Д.Ғ.

Тошкент давлат педагогика университети

Қўқон давлат педагогика институти

Бугунги кунга келиб мамлакатимиз олий таълим тизими олдида қўйилган устувор мақсадларга эришиш кўп жиҳатдан олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш сифатининг қанчалик юқори бўлишига боғлиқдир. Олий таълим муассасаларида мутахассисларнинг касбий тайёргарлик сифати муаммосининг долзарблиги - ҳозирги кунда мутахассисларнинг меҳнат бозори талабларига мослаша олишлари, уларнинг келгуси касбий фаолиятларида юзага келувчи турли хил ҳолатларда тўғри қарор қабул қила олиш қобилиятларини оширишлари учун бир қатор вазифаларни бажариш лозимлигидадир. Бундай вазифалар қаторига мутахассисларнинг касбий тайёргарлик сифатига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, уларни таълим жараёнида ўз ўрнида қўллаш олиш имкониятларини топиш кабиларни киритиш мумкин.

Кўрсатиб ўтилган ушбу вазифаларни бажариш учун аввало қуйидагиларни амалга оширилиши керак:

- необходимо проводить площадные круглогодичные режимные наблюдения. По результатам наблюдений для достижения эффективной работы;

- ежегодно производить чистку дна и бортов подпитывающих контуров перед заполнением их водой и создать зону санитарной охраны водозаборов.

Проведенные нами исследования представляют как научный, так и практический интерес для сохранения пресных подземных вод.

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДИДА УЧРАЙДИГАН ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР

Зикиров И., Саттаров С., Кенжаев А., Жуманов Ж.

Гулистон давлат университети

Ўсимликлар дунёси табиат бойликларидан бири ҳисобланади. Маълумки шифобахш ўсимликлар хусусиятини инсонлар қадимдан билишган ва улардан турли касалликларни даволаш учун фойдаланишган.

Ўтмишнинг улуғ алломаларидан Абу Али ибн Сино, Абу Бакр ар Розий, беморларни доривор ўсимликлар билан даволаганлар.

Инсонларни даволаш, касалликларнинг олдини олиш учун, шунингдек, озик-овқат, атир-упа ва косметика саноатида ишлатиладиган доривор ўсимликларнинг тури жуда хилма хилдир. Ер юзида доривор ўсимликларнинг 10—12 минг тури борлиги аниқланган. 1000 дан ортик ўсимлик турининг кимёвий, фармакологик ва дориворлик хоссалари текширилган.

Ўзбекистонда доривор ўсимликларнинг 700 дан ортик тури мавжуд. Шулардан табиий шароитда ўсадиган ва маданийлаштирилган 120 га яқин ўсимлик турларидан илмий ва халқ таъоботида фойдаланилади. Улардан овқат ҳазмини яхшиловчи, ҳазм органлари касалликларида, ўт ҳайдовчи айникса, ўзида биологик фаол моддалар тутган ўсимликлар илмий медицина ва халқ таъоботида кенг қўлланилади.

Ҳозирги даврда тиббиётда қўлланиладиган доридармонларнинг қарийиб 40—47% ўсимлик хом ашёларидан олинади. Ўсимликлар мураккаб тузилишига эга бўлган жонли табиий кимёвий лаборатория бўлиб, оддий ноорганик моддалардан мураккаб органик моддалар ёки бирикмаларни яратиш қобилиятига эга. Доривор ўсимликларнинг қуритилган ўти, куртаги, илдиизи, илдиизпояси, туганаги, пиёзи, пўстлоғи, барги, гули, ғунчаси, меваси (уруғи), данаги, шарбати, қиёми, тош чойи, эфир мойи ва бошқа қисмларидан доридармон тарзида фойдаланилади.

Доривор ўсимликлар Ўзбекистоннинг турли худудларида турлича тарқалган бўлиб биз қуйида Сирдарё вилоятида учрайдиган дориворлик хусусиятларга эга бўлган ўсимликларнинг рўйхатини келтирамыз.

№	Ўсимликнинг лотинча номи	Ўсимлик оиласи	Ўсимликнинг ўзбекча номи
1	<i>Agropyron repens</i>	Қўнғирдошлар	Судралувчи тароқбош
2	<i>Cynodon dactylon</i> (L.) Pers.	Қўнғирдошлар	Панжасимон ажирик
3	<i>Potamogeton crispus</i> L.	Ғиччакдошлар	Жингалак ғиччак,
4	<i>Typha angustifolia</i>	Қўғадослар	Ингичкабаргли қўға

5	<i>Typha laxmannii</i>	Кўгадошлар	Лаксман кўғаси
6	<i>Apium graveolens</i>	Қарафсдошлар (соябонгуллилар)	Хушбўй қарафс
7	<i>Echinophora sibthorpiana</i>	Қарафсдошлар (соябонгуллилар)	Зиптопп бекларўти
8	<i>Cynanchum sibiricum</i>	Кендрдошлар	чирмовик, илонпйечак
9	<i>Achillea biebersteinii</i>	Қокидошлар	кичик бўймодарон
10	<i>Artemisia absinthium</i>	Қокидошлар	Аччиқ шувок, ермон шувок
11	<i>Artemisia annua</i>	Қокидошлар	Бирйиллик шувок, бурган, шавқаран
12	<i>Artemisia cina</i>	Қокидошлар	Дармана шувок
13	<i>Artemisia vulgaris</i>	Қокидошлар	Оддий шувок, ёвшон, тахач, ола ермон
14	<i>Aster tripolim</i>	Қокидошлар	Учтусли қашқаргул
15	<i>Bidens tripartita</i>	Қокидошлар	Учбўлакли қоракиз
16	<i>Cichorium intybus L.</i>	Қокидошлар	Оддий сачратки, сачратки, ширинча
17	<i>Pseudohandelia umbellifera</i> (Boiss.) Tzvel.	Қокидошлар	Соябонли сохтапўғанак
18	<i>Sonchus arvensis L.</i>	Қокидошлар	Дала бўзчўпи, сарик бўзтикан
19	<i>Taraxacum officinale Wigg.</i>	Қокидошлар	Доривор қоки, қоки, кокигул, қокиўт, момоқаймоқ,
20	<i>Xanthium spinosum L.</i>	Қокидошлар	Тиканли кўйтикан
21	<i>Xanthium strumarium L.</i>	Қокидошлар	Оддий кўйтикан
22	<i>Stellaria media (L.) Cyr.</i>	Чиннигуллошлар	Юлдузўт, ешақўт
23	<i>Chenopodium botrys L.</i>	Шўрадошлар	Хушбўй шўра, олабута
24	<i>Chenopodium rubrum L.</i>	Шўрадошлар	Қизил шўра
25	<i>Kochia scoraria (L.) Schrad.</i>	Шўрадошлар	Супурги изен
26	<i>Calystegia sepium (L.) R.Br.</i>	Шўрадошлар	Девор говпечаги
27	<i>Convolvulus arvensis L.</i>	Шўрадошлар	Дала печаги, кўйпечак, корапечак
28	<i>Convolvulus subhirsutus Regel.</i>	Шўрадошлар	Камжун печак, мингбош, пиллапечак
29	<i>Euphorbia helioscopia L.</i>	Сутламадошлар	Кунгабоқар сутлама
30	<i>Melilotus officinalis (L.) Pall.</i>	Бурчоқдошлар	Доривор қашқарбйеда, буркун, сарикбйеда
31	<i>Trifolium pratense L.</i>	Бурчоқдошлар	Ўтлоқ себаргаси, кўчқорок
32	<i>Glycyrrhiza Glabra L.</i>	Бурчоқдошлар	Қизилмия, ширинмия
33	<i>Rumex crispus L. –</i>	Торондошлар	Жингалак отқулоқ
34	<i>Malva neglecta Waller.</i>	Гулхайридошлар	Ёғтиборсиз тугмачагул
35	<i>Polygonum amphibium L.</i>	Торондошлар	Сув-қуруқлик торони
36	<i>Polygonum hydropiper L.</i>	Торондошлар	Сувзамчисимон торон, сувмурч, сувқалампир
37	<i>Tamarix hispida Willd.</i>	Юлғундошлар	Дағалтукли юлғун

Келтирилган ўсимликлардан шуни хулоса қилиш мумкинки Сирдарё вилояти ҳудудида доривор ўсимликларнинг 13 оиласига мансуб 37 тури

қилинади. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, инновацион таълим технологияларини дарсларда мажбуран қўллаш орқали мақсадга эришиб бўлмайди. Бунинг учун ўқитиш жараёнини олдиндан лойihalаштириш зарур, бу жараёнда ўқитувчи ўқув предметининг ўзига хос томонини, жой ва шароитини, энг асосийси, ўқувчининг имконияти ва эҳтиёжини ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил эта олишини ҳисобга олиш керак, шундагина керакли кафолатланган натижага эришади, ўқувчиларни таълимнинг марказига олиб чиқа олади.

География ўқитувчисининг инновацион фаолиятни ташкил этиш, уни шакллантириш босқичлари доирасида ўқитувчи томонидан тайёр методик тавсиялар аниқ қилиб берилади ва дарс жараёнида қўлланилади, аввал фойдаланилиб келинаётган тизимга айрим янги масалалар методлар киритилади, фанга оид янги ғояни амалга ошириш мазмуни, методлари ҳамда шакли тўла ишлаб чиқилади, ўқитувчи ўқитиш ва тарбиялашнинг ўз концепциясини ва методикасини ишлаб чиқади.

Таълим беришда ўқитувчи томонидан географик билимларни бериш, фанни билишда қуйидагиларга эътибор қаратиш талаб этилади:

- географик воқеа ва ҳодисаларнинг ташқи кўриниши ҳақидаги билимларни шакллантириш. Мазкур билимлар ўқувчиларда ўрганилаётган воқеалар ҳақида тасаввурларни шакллантиради. Масалан, тоғлар, ўрмонлар, гуллар, кўллар, дарёлар, хариталар ва х.к.;

- географик воқеа ва ҳодисаларнинг географик қобикда жойлашиши ҳақидаги билимлар бериш, яъни табиат зоналари, иқлим минтақалари, давлатлар, шаҳарлар, маъмурий бирликларининг жойлашуви;

- географик воқеа ва ҳодисаларнинг хоссалари ҳақидаги билимлар. Бундай билимларга тупроқнинг ҳосилдорлиги, намгарчилик, буғланиш, интенсив ва экстенсив хўжалик, тоғ жинсларининг каттиклиги, сувнинг шўрлиги, ҳарорати ва бошқалар.

- географик жараёнлар ҳақидаги билимлар. Мазкур билимларга шамол, ёғинлар, сув эрозияси, сурилмалар, вулканлар, зилзилалар, ишлаб чиқариш жараёнлари, миграция, урбанизация ва бошқа жараёнлар;

- географик борлиқ ва ҳодисаларнинг таркиби ҳақида билимлар. Масалан, тоғ жинслари, ёғинлар, аҳолининг миллий таркиби ва бошқалар.

- географик борлиқ ва ҳодисаларининг тузилиши ҳақидаги билимлар. Мазкур билимларга ер қобиғи, ернинг ички тузилиши, халқ хўжалигининг тузилиши ва х.к.

- географик воқеа ва ҳодисалар орасидаги алоқалар ҳақидаги билимлар. Масалан, сабаб ва оқибатлари, даврий, фазовий, функционал алоқалар ва бошқалар.

Шу билан биргаликда ўқитувчилар география дарслиги билан ишлаш малакасига эга бўлиши, ўрганиш усулларини пухта эгаллаши талаб этилади. Унда дарсликнинг матни, савол ва топшириқлари, дарсликдаги рақамли материаллар ва хариталар билан ишлаш кўникмаси шаклланган бўлиши керак. Дарслик билан ишлашдаги энг муҳим хусусият унинг методик тузилиши ҳисобланади. Булар аввало ҳар бир матн географик хариталар билан узвий

Республикамизнинг таълим муассасаларида география фанини ўқитиш орқали ўқувчи ва талабаларнинг илмий дунёқарашини, мантикий фикрлай олиш қобилиятини, ақлий ривожланишини, ўз-ўзини англаш салоҳиятини шакллантириш ва ўстириш, уларда миллий ва умуминсоний кадриятларни таркиб топтириш ҳамда ижтимоий ҳаётлари ва таълим олишни давом эттириш учун зарур бўлган билимларни беради.

Таълим муассасаларида география фанидан дарс берувчи мутахассис ўқитувчилар фанга доир таълим беришининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат бўлиши лозим:

- таълим олувчиларни Ер шарида рўй берадиган табиий ва ижтимоий-иктисодий жараёнлар ҳамда ҳодисаларга оид билимлар билан таништириш;
- талаба ва ўқувчиларда Ер ҳақидаги илмий дунёқарашни шакллантириш, ижтимоий-иктисодий билимларни таркиб топтириш;
- буюк мутафаккирларимиз ва ҳозирги даврда Ватанимиз географ олимларининг фаолиятлари билан таништириш, таълим мазмунини тевақаратрофдаги маҳаллий ва тарихий материаллар билан бойитиш орқали ўқувчиларни миллий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш.

Кейинги йилларда республикамизнинг таълим тизимида география ўқитувчисининг инновацион фаолиятини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишни талаб этмоқда. Бунинг учун ўқитувчи ҳар бир мавзу бўйича алоҳида дарс жараёнига тайёргарлик кўриш, мавзуни ўқувчи ва талабаларга мукамал етказиш, фанга оид географик хариталар билан ишлаш кўникмасига эга бўлиш талаб этилади. Ўқитувчи учун назарий дарс ўтиш жараёнида, амалий машғулот дарсларида ва шу билан бирга дарсдан ташқари ҳолларда ҳам керакли маслаҳатлар беришда билимлар манбаларидан бири ҳисобланади, шу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, кўпчилик географ ўқитувчилар синф ёки гуруҳ раҳбари вазифасини бажариб, тарбия жараёни ташкилотчилари бўлиб қолмасликлари лозим.

География фанларини ўқитишда ўқитувчининг инновацион фаолиятини самарали амалга ошириш бир қатор шарт-шароитларга боғлиқ. Унга ўқитувчининг таълим олувчилар билан мулоқоти, қарама-қарши фикрлар ва саволларга нисбатан муносабати, турли ҳолатларда рационал вазиятларни тан олинишини уқтиришга тайёр бўлиши талаб этилади. Инновацион фаолиятнинг энг муҳим масалалардан бири – география фани ўқитувчиси новатор (янгиликка интилувчи), сермахсул ижодий шахс, кенг қамровли қизиқиш, ички дунёси бой, географик янгиликка ўч бўлиши ва уларни таълим олувчиларга етказиб бера билиши лозим. Шуни таъкидлаш лозимки, география дарсларида янгилик киритишнинг муҳим шarti мулоқотнинг янги вазиятини туғдиришдан иборат. Мулоқотнинг янги вазияти - бу ўқитувчининг ўз мустақиллик мавқеини, касбий фанини, ўзига бўлган янги муносабатини ярата олиш қобилиятидан келиб чиқиб белгиланади. Бундай вазиятларда ўқитувчи ўз билимини ҳам педагогик тажрибаларнинг бой шакллари орқали мукамаллаштириб боради.

География ўқитувчиси дарс машғулотлари олиб борадиган фанларида таълим технологияларини қўллашда муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришиши талаб

учрайди. Буларнинг ичида 3 таси бурчқошлар, 1 таси гичқошлар, 1 таси гулхайридошлар, 1 таси кендрдошлар, 2 таси қарафсдошлар (соябонгулдилар), 13 таси қоқидошлар, 2 таси қўғадослар, 2 таси қўнғирдошлар, 1 таси сутламадошлар, 3 таси товондошлар, 1 таси чиннигулдошлар, 6 таси шўрадошлар, 1 таси юлғундошлар оиласига мансуб ўсимликлардир.

НЕФТ МАHSULOTLARI BILAN SUV ZAHIRALARINING IFLOSLANISHI

Ismoilov S.A.

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti

Suv – bebaho tabiat neʼmatidir. Suv geografik qobiqda modda va energiya almashinuvini boshqarib va amalga oshirib turuvchi mexanizmdir. Suvsiz kundalik hayotimizni ham, qishloq xoʻjaligi va sanoat tarmoqlarini ham boshqarish va rivojlanishini tasavvur etib boʻlmaydi. Yer shari aholi soni ortib borishi suv resurslariga boʻlgan talab va ehtiyojni tobora kengayishiga sabab boʻlmoqda. Ammo suv resurslari – tirik organizmlar, mineral resurslardan rejasiz foydalanish, transport yoʻli sifatida foydalanish, turizmni rivojlantirish kabi omillar suvni ifloslanishiga taʼsir koʻrsatmoqda.

Ayniqsa neft, neft mahsulotlari va boshqa kimyoviy moddalarni dengiz va okeanlarga oqizishning tobora oʻsib borishi ularning ifloslanishini kuchaytirib yubormoqda. Dunyo okeanlariga har yili toʻkiladigan neft va neft mahsulotlari miqdori 10 mln.tonnaga yetdi. Ular neft qazib chiqarish va uni qayta ishlash, yuklash, tashish va quyish vaqtida toʻkilgan mahsulotlardir. Okean suvlarida neft tashuvchi tankerlarning tasodifiy toʻqnashuvlari oqibatida ham ifloslanadi. Bularning bari dengiz va okeanlarda yashovchi tirik organizmlarga, jumladan, baliq zahiralarga oʻz taʼsirini koʻrsatdi. Yevropa va Amerika Qoʻshma Shtatlari qirgʻoqlarida uchraydigan noyob chigʻanoqli dengiz hayvonlarining yoʻqolib ketishi va dengiz qushlari sonining keskin qisqarishi ham okean va dengiz suvlarining kuchli ifloslanishi oqibatidir. Shuningdek, dengiz oldi mintaqalarida joylashgan dam olish joylari, sihatgohlar va choʻmilish joylarida noqulay vaziyat yuzaga keldi. Masalan, 1979-yilda Karib dengizida ikkita yirik neft ortilgan kemalarning toʻqnashuvi natijasida dengizga 300 ming tonna neft dengizga oqib ketdi. Shuningdek, 1991-yilda Quvaytda boshlangan urush natijasida Fors koʻrfazi suvlarining neft bilan ifloslanishi yirik ekologik vaziyatlarni vujudga keltirdi.

Suv yuzasida hosil bolgan neft pardalari okean va atmosfera oʻrtasida kechadigan energiya, issiqlik, namlik va moddalar almashinuvini jarayonlarini buzadi. Plankton mikroorganizmlar rivojlanishiga qarshilik koʻrsatadi. Shuningdek, neft bilan ifloslangan suv qushlar uchun ham oʻta xavfli hisoblanadi. Neftli suvga botgan qushlarning qanotlari ularning uchishlariga xalaqit beradi. Natijada yiliga millionlab qushlar nobud boʻlmoqda.

Dunyo okeani uchun radioaktiv parchalanish mahsulotlari ham katta xavf tugʻdiradi. Tinch okeanida oʻtkazilayotgan termoyadro qurollarining suv ostidagi sinovlari evaziga okean suvlarining zararlanayotganligi katta shov- shuvlarga sabab bolmoqda. Neft va neft mahsulotlarining daryo suvlariga salbiy taʼsiri okean va dengiz suvlaridagidan kam emas.

Daryo va ko'l suvlari ham asosan neft qazib chiqaruvchi, uni qayta ishlovchi korxonalar, avtomobil va temir yo'l tarmoqlari va neft tashuvchi kemalar tomonidan ifloslanadi. Shuningdek, daryolar qishloq xo'jalik oqavalari, yog'in-sochin suvlari va kommunal maishiy oqava suvlari bilan yuqori darajada ifloslanadi. Ayniqsa, kimyo sanoati korxonalari tashlamalarining hissasi daryo suvlari sifatining yomonlashuvida katta o'rin tutadi. Eng toksik hisoblangan oqavalar oqava to'plovchi havzalarga yig'iladi. Shunga qaramasdan, tozalash inshootlari mavjud bo'lmagan ayrim korxonalarda ularning bir qismi daryolarga oqiziladi. Hatto rivojlangan mamlakatlardan hisoblangan Germaniyada ham maishiy oqavalarning faqat 64 foizi tozalanadi. Shvetsiyada esa 10% oqava tozalanmay qoladi, 15% esa faqat mexanik tozalashga yuboriladi. Daryo suvlarining tabiiy holatining buzilishiga unga yaqin joylashgan ishlab chiqarish korxonalaridan chiqadigan oqava suvlar sabab bo'ladi.

Demak, har bir hududning o'ziga xos iqlimi, tuprog'i, o'zan gurunti, yog'ingarchilik va boshqa tabiiy sharoitlari suvning barcha ko'rsatkichlariga ta'sir ko'rsatadi. Har qanday ishlab chiqarish korxonasida suvdan foydalanish ozmi-ko'pmi ikkita muhim vazifani yechishni taqozo etadi. Bular suv sarfini kamaytirish va asosiy texnologik jarayonga ta'sir ko'rsatmagan oqova suvning tozalik darajasini oshirishdir. Ishlab chiqarish korxonalari uchun suvdan foydalanishning oqilona chizmasini ishlab chiqish suv ta'minoti balansini analiz qilishdan boshlanadi. Bu quyidagicha amalga oshiriladi:

- texnologik jarayon uchun ishlatiladigan toza suv miqdorini aniqlash;
- foydalaniladigan suv sifatiga qo'yiladigan talablarni bilish;
- oqava suvlarning miqdoriy va sifat xarakteristikalarini aniqlash;
- tozalash qurilmalarining oqava suvlarni tozalaguncha va tozalangandan keyingi ishini analiz qilish;
- korxonaning suvdan foydalanish sxemasini analiz qilish.

Dengizlarni neft va neft mahsulotlaridan ifloslanishining oldini olish maqsadida bundan manfaatdor bolgan davlatlar birgalikda zaruriy choralarini ko'radilar. Dengiz havzalarini ifloslanishdan muhofaza qilish tadbirlari to'g'risida davlat qarorlari qabul qilingan. Shunga qaramasdan, hozirgi kunga kelib bu suv havzalarining ifloslanish darajasi xavflilik chegarasidan oshib ketdi.

СУРХОНДАРЕ ВИЛОЯТИДА ФЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ ВА УЛАРНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ИШИМОВ С.Х.

Термиз давлат университети

Вилоятимиз замини юзга яқин номдаги фойдали қазилмаларни ўз бағрида сақламоқда, уларнинг фойдаланиш кўлами жуда кенг бўлиб, бу нефть, газ, кўмир, керамзит, мрамр, гранит, гипс, кварцит, доломит, цинк, мис, олтин каби қимматбаҳо рангли металллар ва бошқалар, яъни Менделеев даврий жадвалидаги деярлик барча элементлар мавжуд. Ана шундай қимматбаҳо захиралардан бири Рупат графитларидир. Нафақат бизнинг мамлакатимизда балки дунёда ҳам ҳозирги кунда импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган, органик, ноорганик, полимер, графит, керамика, электр изоляция материаллари ишлаб чиқариш саноатини ташкил этиш энг долзарб,

Har bir madaniyatli inson bu muammolarni bartaraf etish uchun kurashsa, jamiyatda haqiqiy ekologik madaniyat kishisi shakllanadi.

Xulosa o'rnida zamonaviy iqtisodiyot, fan, texnika va texnologiyalarning jadal rivojlanishi, shu bilan birga sayyoramizda yuzaga kelgan ko'plab ekologik muammolar turli soha kadrlarini tayyorlashning takomillashgan tizimini yaratishni, uni mamlakatni taraqqiy ettirishning eng muhim shartlaridan biriga aylanayotganini, Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) ning Barqaror rivojlanish uchun ta'lim (BRT) bo'yicha 2005-2014 yillarga mo'ljallangan dekadasi tavsiyalarini e'tiborga olib, O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi 7 noyabr 2005 yil № 242-sonli, O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligi 7 noyabr 2005 yil № 33-sonli va O'zbekiston Respublikasi Tabiatni muxofaza qilish davlat kumitasi 7 noyabr 2005 yil № 79-sonli Qarorlari bilan "Respublikada ekologik ta'limni rivojlantirish va ekolog kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash, hamda malakasini oshirish tizimini yanada takomillashtirish istiqbollari" to'g'risidagi Dastur va Konsepsiyasi tasdiqlandi. Ayni vaqtda O'zbekiston Respublikasida uzluksiz ekologik ta'lim va tarbiya tizimini tashkil etish va uni rivojlantirishni hamda ushbu hujjatlardan kelib chiqadigan tadbirlarni amaliyotga joriy etishni ta'minlash zarur.

ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ МАСАЛАЛАРИ

Алимқулов Н.Р.*

Тошкент давлат педагогика университети

Ўзбекистонда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", ва "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ва олий таълим тизимидаги дарсликларга бўлган талаблар кескин ўзгармоқда. Барча фанларда бўлганидек география таълими фанларида ҳам тубдан ўзгаришлар содир бўлмоқда. География дарсликларининг дастури ва тузилиши мамлакатимиз таълим тизимида содир бўлган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қайтадан кўриб чиқилмоқда.

Шу муносабат билан барча узлуksиз таълим тизимларида география фанини ўқитишда ҳам муҳим ўзгаришлар содир бўлди. География фанини ўқитишда янги педагогик ва инновацион ахборот технологияларини кўллаш муносабати билан ўқитиш методикасига эътибор ортиб бормоқда.

География таълими – бу ўқувчиларга табиий ва иқтисодий-ижтимоий комплексларнинг тузилиши ва асосий қонуниятлари ҳақида билимлар берадиган география фанлари тизими ҳисобланади. География таълими методикаси умумтаълим мактаблари доирасида табиёт, табиий, ижтимоий-иқтисодий география фанларини, ўрта махсус тизимида географиянинг амалий жиҳатлари ва олий таълимда фанларни комплекс равишда ўқитиш жараёнини ўргатади. География таълими методикаси умумий дидактика ва тарбия назарияси билан чамбарчас боғланган.

География - инсоният яшовчи сайёра, яъни Ер ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун маълумот беришга қаратилган ягона ўқув фанидир.

*Алимқулов Н.Р. – Низомий номидаги ТДПУ География ўқитиш методикаси кафедраси мудири, г.ф.н., доцент.

Buni amalga oshirish esa o'qituvchilar oldiga qo'yilgan katta masala bo'lib maktab va xalq ta'limining barcha tizimi, yosh avlodni tarbiyalash an'anasiga bizdan, tabiat inomidan to'liq foydalanish kerak "Biz tabiatdan hayr-ehson kutib o'tirmaymiz, uni o'zimizga bo'ysindirmaymiz" degan g'oyalardan voz kechishni, tabiatni himoya qilish va tabiatni in'omlaridan avaylab unga ziyon yetkazmasdan foydalanishni taqozo etadi. Shunday ekan maktab sharoitida ekologik ta'lim-tarbiyaning maqsadi va vazifalarini amalga oshirishda mustaqil O'zbekiston Respublikasining o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda quyidagi talablarga amal qilinadi. Ekologik tarbiyaning maqsadlari:

1. Tabiiy atrof-muhitni muhofaza qilish haqidagi nazariy bilimlarning dastlabki asoslarini o'rganish.

2. Hozirgi zamon ekologik siyosatning mazmuni va mohiyati bilan tanishish.

3. O'quvchilarda amaliy ko'nikmalarni shakllantirish.

4. O'quvchilarda ekologik obzalki yuritish printsiplari.

Ilmiy-texnika taraqqiyotining jadallashuvi, ishlab chiqarish texnologiyasining nomukammalligi, tabiatga nisbatan iste'molchilik an'analari - bularning barchasi jamiyat bilan tabiatning o'zaro aloqasidagi ziddiyatlar keskinlashuvining bosh sababidir. Bu borada O'zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A.Karimov o'zining "O'zbekiston XXI asr bo'sag'asida: xavfsizlikka tahdid, barqarorlik shartlari va taraqqiyot kafolatlari" asarining Xavfsizlikka tahdid bo'limida Ekologik muammolar to'g'risida aloxida to'xtalib o'tgan⁴⁷. I.Karimov ekologik muammolarning tobora chuqurlashib, keskin ijtimoiy muammoga aylanayotganligi haqida suz yuritir ekan, ekologik muammolarga qarshi ta'sirchan chora-tadbirlarni ro'yobga chiqarish, ekologik tanglik tahdidini barham optirish respublika aholisi uchun, jismonan sog'lom yosh avlodning dunyoga kelishi va rivojlanishi uchun zarur shart-sharoitlar hamda ekologik jihatdan musaffo hayotiy muhit yaratish imkonini beradi, deb bayon qiladi. Jumladan, "Ekologik xavfsizlik muammosi allaqachonlar milliy va mintakaviy doiradan chiqib, butun insoniyatning umumiy muammosiga aylangan. Ekologiya hozirgi zamonning keng miqyosdagi keskin ijtimoiy muammolaridan biridir. Uni hal etish barcha xalqlarning manfaatlariga mos bo'lib, sivilizatsiyaning hozirgi kuni va kelajagi ko'p jihatdan ana shu muammoning hal qilinishiga bog'liqdir" deb alohida ta'kidlaydi.

Hozirgi vaqtda jahon fan-texnika taraqqiyoti jadal rivojlanishi munosabati bilan tabiiy zaxiralardan xo'jalik maqsadlarida tobora ko'proq foydalanilmoqda. Buning ustiga dunyo aholisi yildan-yilga o'sib borib, ko'proq miqdorda oziq-ovqat, yoqilg'i, kiyim-kechak va boshqa narsalarni ishlab chiqarish talab qilinmoqda⁴⁸.

Ekologik xavfsizlikni kuchaytirish, ekologik taraqqiyotga erishishning hozirgi asosiy yo'nalishlari quyidagilardan iborat deb hisoblaymiz:

Xalqaro tuzilmalarning zaxiralari, imkoniyatlari va investisiyalarini ana shu muammolarni hal qilishga jalb etish - birinchi darajali vazifadir⁴⁹.

⁴⁷ Karimov I.A. Milliy istiqlol mafko'rasini - xalq e'tiqodi va buyuk kelajakka ishonchdir. - T.: O'zbekiston, 2000. 110-134 b.

⁴⁸ Karimov I.A. Milliy istiqlol mafkurasini - xalq e'tiqodi va buyuk kelajakka ishonchdir. - T.: O'zbekiston, 2000. 114-b.

⁴⁹ Karimov I.A. Milliy istiqlol mafkurasini - xalq e'tiqodi va buyuk kelajakka ishonchdir. - T.: O'zbekiston, 2000. 131-134 b.

мухим масалалардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кундаги иш кўлами бўйича 2009 йилда 650 минг тонна рангли металл рудаси қайта ишланди. Кенгузарда Олмалик кон металлургия комбинатининг филиали тўлиқ кувват билан ишга туширилиши, 4000 киши иш билан таъминланиши айниқса қувончлидир. Яна бир хазина тури: бу тошкўмир ҳозирги кунда дунёнинг 15 фоиз заминида кўмир захиралари мавжуд бўлиб, улани ўзлаштиришга фаол киришилмаган, сабабики, фойдаланишга қулай ёқилғи турларининг (газ,нефть) бозори чакқон. Бу борада ҳам биз улкан захирага эгамиз. "Шарғун", "ВАНДОБ", "ҚИЗИЛ 21 ОЛМА" кўмир конлари шулар жумласидандир. Шарғун кўмири захиралари 62 млн. тонна бўлиб, халқаро технологик талабларга тўла жавоб беради яъни ёниш иссиқлиги 1600-8340 килокалорияни ташкил этади.

Ҳозирги кунда йилига 90 минг тонна кўмир эҳтиёж учун ишлатилмоқда. Тўда кўмир кони гўзал Бойсун тоғлари ён бағрида жойлашган бўлиб, у ёқилғи, карбид, фаоллашган кўмир, графитлар, графит электродлари, қалам маҳсулотлари, радиотехника деталлари, инсонлар учун дори воситаларидир. Металлургияда кўмирдан олинadиган графитлар, уларнинг техник кўрсаткичларини кўтариш учун ишлатилadиган муҳим хом ашё бўлиб, чўян, пўлат, темир маҳсулотлари таркибдаги кислородни углерод моддаси билан алмаштириш орқали уларнинг мустаҳкамлигини ошириш мақсадида ишлатилади.

Ҳозирги кунда Республикамизда биргина таълим тизимини оддий қалам билан таъминлаш учун йилига 600 минг АҚШ доллари атрофида маблағ сарфланмоқда, ваҳоланки Тўда (захираси 15 млн. тонна) кўмири захиралари ҳисобидан бу масалани осонгина ечиш мумкин. Вилотиямизга темир йўлининг келиши бу соҳа учун чексиз имкониятлар яратди. Ундан ташқари вилот заминида кўплаб турдаги ёқилғи-энергетика захиралари мавжуд, яъни Сайроб ёнувчи сланецлари-ёниш иссиқлиги 2515-2781 ккал, кг. бўлиб таркибда ваннадий, молибден, вольфрам, германий бўлгани сабабли бу хом ашё қимматбаҳо ҳисобланади. Ундан ташқари мазкур заҳира негизда сланцевой газ, смолалар, аглопоритлар учун бошланғич материаллар олиш мумкин.

Бугунги кунда жуда сифатли нефть ва газ ёнилғилари ўрнини босувчи сланец газларини ишлаб чиқариш дунё аҳлининг олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Шеробод целистин захиралари (стронций) ҳам ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, таркибда 12,25 фоизгача стронций элементига эга, заҳира миқдори 2467 минг тонна бўлиб, шундан 259,6 минг тоннасини стронций ташкил этади. Шеробод целистинларини ўзлаштириш учун Республика саноат қурилиш банки 769 млн. сўм миқдориди маблағ ажратди. Бугунги кунда иккита корхона, Термиз шаҳрида Қувасой шиша заводи учун полифабрикатлар ишлаб чиқариш ва Шеробод кулоли корхонасига чинни ва изоляторлар ярим тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи (Технокерамика корхонаси) саноат объектларини лойиҳалаш ишлари олиб борилмоқда. Қурилиш материаллари олиш мумкин бўлган минерал хом ашё жуда ҳам кўплиги билан диққатга сазовордир. Шеробод (Кампиртепа) гранитларининг тўрт тури мавжуд бўлиб, ташқи ва пол қоламлари учун ноёб босита ҳисобланади. Гобронинг қизил, кулранг, сарғиш ранглари иморатларга гўзал

жило бериш билан биргаликда 1000 йиллаб ўз ҳолатини сақлайди. Унинг захираси 1,77 млн. куб метр, шундан 357 минг куб метри тоза гоббродир.

Сифати ва техник кўрсаткичлари бўйича барча стандарт талабаларига тўла жавоб беради. Шеробод оҳак тошлари цемент (400 маркали-ортланд) учун муҳим хом ашё, уларнинг захираси 123 млн. тонна бўлиб, йилига 1700 минг тонна цемент ишлаб чиқарилса 50 йилга етади. Қурилиш материаллари сифатида кўплаб фойдали қазилмалардан фойдаланиш мумкин, яъни Сайроб кизил қумлари физик-механик хусусиятларига кўра ГОСТ-947976 безак копламлари учун қўйиладиган талабларга тўла жавоб беради, блокларнинг чиқиш фоизи 35,11 бўлиб, захираси 2233 минг тоннадир. Оқработ безак копламлари, Дарбанд, Кўхитанг оҳактошлари Кофрун доломитлари, Сокабулоқ керамзитлари, қурилиш майда тошлари Жуяк гипс ангиритлари, Темир дарвоза-гипс ангирит захиралари, Хўжа Аспиннинг рангли, кулранг оқ, чизикли ва тоза мрамларлари, Вандоб гранитлари, Қумқўрғон, Бойсун лессовид жинслари, Лалмикорнинг мўъжизакор тупроғи (черипицалар, ўтга чидамли ғишт ва керамикалар, дренаж трубалари, кварцли қумлар ишлаб чиқариш мумкин), Турқоқсой кварцлари, Бойсун-Панжоб онекс захиралари, Боботоғ ағат тошлари шулар жумласига киради. Кундалик ҳаёт учун зарур ош тузи ҳақида гапирсак кўз олдимизга Хўжаикон даштлари келади. Бизнинг ўтмиш авлодларимиз ош тузи савдоси билан қадимдан машғул бўлишган, бугун эса биз улкан потенциал имкониятдан фойдаланишда дангасалик қиялпимиз. Хўжаикон ош туз захиралари 50 млн. тонна бўлиб, мамлакатимиз аҳолиси учун йилига бионорма бўйича 125-130 минг тонна ош тузи талабига кўра 200 йилга етади. Хўжаикон ош тузи конлари шуниси билан қимматлики, биринчидан кимёвий таркиби NaCl ионларига 96-97 фоизгача тўйинган, бу ош тузига қўйиладиган талабларга кўра аъло кўрсаткич, иккинчидан таркиби жуда ҳам тоза, ёнида катта гипс захиралари, Говурдак олтингурутлари бўлишига қарамадан туз таркибида бегона аралашмалар учрамайди, учинчидан захира хали ёш ўсувчи, тўртинчидан хом ашё ер сиртида жойлашган, қўшимча техник қурилмалардан фойдаланишга зарурат йўқ.

Туз кони худудида жойлашган узунлиги 146 метр бўлган тиббий даволаш маскани айникса диққатга сазовордир, унда бир вақтнинг ўзида 60-70 киши астма, юрак-қон томир, геникологик ва бошқа бир қатор хасталиклар бўйича даволанилари мумкин бу дунё бўйича бармоқ билан саналадиган масканлардан биттасидир. Вилоят замини артезиан ҳавзасидаги Ховдак, Кокайди, Учқизил массивларида йод, бром моддаларига бой бўлган қудуқлар мавжуд бўлиб, улардан 50-750С ҳароратли қайноқ сувлар 2500-3000 метр чуқурликдан 25-28 атмосфера босим остида чикмоқда, улар таркибида, 1 литрига 28,00 мг/л йод, 412,10 мг/л бром, бром моддалари бўлиб, жами вилоят заминидан 9-9,5 минг кг. йод ва 180 минг кг. бром моддалари ажратиб олиш мумкин. Республикамик аз ҳолиснинг йод моддасига бўлган эҳтиёжи йилига 15,5-16 минг кг. бўлса, бу эҳтиёжни 60 фоизга қондириш демакдир. Сиз —Ховдак”ка борганмисиз? Йил давомида Республиканинг турли бурчакларидан шифо истаб келган одамлар қумдан ховузчалар яса, уларни йод бромли сувга тўлдириб, уни совитиб, чўмилмоқдалар. Хозирги кунда бу масканга битта ишбилармон тадбиркор

mazmunida o'quvchilarning mustaqil ta'lim olish qobiliyatini rivojlantirish hamda o'quv faoliyati asosida o'qituvchi bilan o'quvchining hamkorligi yotadi.

Elektron darslik abstrakt mavjudotlar uchun emas, balki shaxs bilan ishlashga mo'ljallangan. O'quvchi o'zining qobiliyati, fanga qiziqishi va uning tayyorgarlik darajasiga qarab ta'lim usulini tanlashi kerak. Elektron darslik o'quvchining bilim olishini vaqt bo'yicha chegaralamaydi. Shuning uchun ham o'quv materialini o'zlashtirish vaqti o'quvchining hoxishiga ko'ra qisqarishi yoki uzayishi mumkin. Elektron darslik o'quvchilarga axborotni o'qish, ma'ruzalarni eshitish, amaliy va laboratoriya mashg'ulotlariga mo'ljallangan vazifalarni bajarish, o'z bilimlarini tekshirish va, zarur hollarda, ularni to'ldirish, o'z-o'zini nazorat qilish kabi bilim shakllarini tavsiya etishi mumkin. Elektron darslik o'z ichiga trenajyorlar, amaliy va laboratoriya mashg'ulotlari uchun vazifalar, testlarni olishi va bir vaqtda o'zida bilim berish va o'quvchilarning o'zlashtirish darajalarini aniqlash dasturiy ta'minotiga ega bo'lishi kerak.

Geografiya fanini o'qitish metodikasida mavjud metodlar va shakllarning takomillashtirish, yangi metodlarni izlash hamda fanga tadbiq etishni mukammallashtirib borish davr talabiga aylanib ulgurdi. Shu jumladan geografiya fanining o'qitishda global axborot tarmog'i – internetning rolini kuchaytirish, uning yutuqlaridan kengroq foydalanish pedagoglar oldida turgan muhim vazifadir.

TA'LIM-TARBIYA TIZIMIDA EKOLOGIK TARBIYANI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

Absattorova M.R.

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti

O'zbekiston Respublikasining ekologik siyosatining asosiy maqsadi shundaki kishilarning hayotiy zarur bo'lgan ekologik xafvsiz muhitni ta'minlash uchun tabiatni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan samarali foydalanish yani tabiat bilan jamiyat o'rtasidagi iqtisodiy ekologik munosabatlarni rivojlantirishdan iboratdir. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining IX sessiyasida "Ta'lim tog'risidagi" qonun hamda "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi" keng muhokama etilib, tasdiqlandi.

Bunday islohotlar pedagogika fani oldiga juda katta muammolarni qo'ydi. Bu muammolar eng avvalo milliy istiqlool sharoitida shaxs tarbiyasi yo'lini ortib borayotganligiga ko'rinadi. Bu o'rinda birdan mamlakatimizda yuz berayotgan o'zgarishlarning o'ziga xos xususiyatlari ya'ni o'zbek xalqining milliy ruhiyati va turmush tarzining hamda bozor iqtisodiyotiga o'tish jarayoning ta'lim tarbiyaga salbiy yoki ijobiy ma'nodagi va uni hisobga olish juda muhim. Ikkinchidan inson shaxsini shakllantirishda tarbiya ustuvor ahamiyatga ega bo'lib, u ta'lim berish jarayonining barcha tamoyillarini o'z ichiga qamrab oladi.

O'quvchilarda ekologik ma'suliyat va madaniyatni shakllantirib borishda huddi shu masalalarni yuqori darajada amalga oshirishga bog'liqdir. O'quvchilarning ekologik tarbiyasi va tabiatdan oqilona foydalana olish to'g'risidagi bilim darajasi qanchalik yuqori bo'lsa tabiat qonunlarini yaxshi bilsa ana shundagina tabiatdan foydalanish madaniyati va ma'suliyati ham shu qadar yuqori bo'ladi. Bunday ishlarni amalga oshirish va bunga erishishda ko'proq pedagog o'qituvchilar zimmasiga tushadi.

junction.com каби вебсайтларда жойлаштириши ҳамда ЎзР ОАК талабларига киритиши керак.

Докторантурда докторлик диссертацияларига қўйиладиган мезонлардан бири – муаллифни экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий натижалари ақс этиши талаб этилади. Зеро иқтисодиётнинг барча тармоқларида экологик талабларнинг бажарилиши мажбурий конституциявий кучга эга.

Мустақил изланувчиликда мутахассисликни чуқур ўрганишда ҳам таянч докторантура ёки докторантурада қўйиладиган талабларга жавоб бера олиши лозим бўлади.

Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш

Малака оширишда:

Экологлар малака ошираётганларида экологик таълим → илм → тарбия → амалиёт уйғунлигининг замонавий талабларини масофадан туриб ўқитиш, синон натижаларини эса минтақавий миқёсда амалга оширишни йўлга қўйишлари зарур.

Педагогларни малакасини оширишда – “Экологик таълим ва тарбия”, “Барқарор ривожланиш таълимнинг экологик жиҳатлари” ўзлаштиришлари талаб этилади.

GEOGRAFIYA O‘QITISHDA AKTLARDAN FOYDALANISH

Abdunazarov L.M., Berdiyev G‘.X.

Qo‘qon davlat pedagogika instituti

Yangi asr ta'limini rivojlanish tendentsiyasi - axborot texnologiyalarini o'quv-tarbiya jarayoniga keng qo'llash va tarqatishdan iborat. Bu yo'nalishda asosiy vazifalaridan biri turli predmet sohasini o'z ichiga olgan bilimlar omborini yaratish bilan belgilanadi. Yangi axborot texnologiyalarining ta'lim tizimiga tatbiq etilishi an'anaviy o'qitish jarayonidan o'quvchining o'zi ta'lim jarayonining borishini aniqlaydigan yangi jarayonga o'tishini ta'minlaydi. Elektron darsliklardan foydalangan holda tashkil etilgan o'qitish texnologiyasi kelajakda ta'lim tizimida keskin o'zgarish qilishga qodir. Fan va texnika taraqqiyoti bunyod etgan texnika vositalari hayotimizning barcha sohasiga katta yutuq va samaralar keltirganidek, geografiya faniga ham tubdan o'zgarish, yangicha shakl va mazmun olib keldi. Zotan, hozirgi vaqtda yoshlarga ta'lim-tarbiya berishni zamonaviy texnika vositalarisiz tasavvur etib bo'lmaydi. Geografiya ta'limining eng samarali metodlari texnika vositalaridan foydalanish bilan bog'liqdir.

Hozirgi vaqtda maktablarda geografiya ta'limini o'qitishda foydalanayotgan ta'limning elektron usullari turlari ancha ko'paydi va ular yildan-yilga takomillashtirib bormoqda.

Elektron darslikni yaratish borasida anchagina ishlar qilinayotgan bo'lsa-da, hali darsliklarga oddiy kutubxonaning kitoblariga ega bo'lishdek ochiq tizim mavjud emas. Ta'lim tizimining rivojlanishi bilan bunday kamchiliklar asta-sekin yo'qolib boradi. Elektron darsliklarni yaratish juda murakkab jarayondir. Ta'lim texnologiyasi qo'llaniladigan o'quv jarayoni markazida o'quvchi, texnologiya qo'llanish

керак, йод, бром ва бентонитни қайта ишлаш саноатини яратиш билан бирга Йод-бром кичик шифохонасини ташкил қилса, биринчидан халқ дуосини олади. Иккинчидан даромад манбаига эга бўлади. Бунинг учун тайёр бино ва вайшлар мавжуд. Барча таҳлил ва ҳужжат ишлари қилинган. Бундай масканларга вилоятимиз жуда бой бўлиб у ерларда ажойиб манзарали иқлим бўлиши билан бирга шифобахш маъданли сувлари бўлган. Шунингдек, вилоят заминида яна кўплаб турдаги бошқа қазилма бойликлар борки, улар хали ўз келажагини кутиб турибди.

СУРХОНДАРИ ВОҲАСИДА ТОҒ ЭКОТУРИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ишимов С.А.

Термиз давлат университети

Сурхондарё воҳасида табиий географик жиҳатдан тоғлар билан ўралганлиги боис, ушбу тоғли ҳудудлар ўзининг мусаффо ҳавоси, ўрмонлари, ёввойи табиатининг турли ҳилдаги ўсимлик ҳайвонот дунёси, мевали боғлари, шифобахш булоқлари, сойлари, горлари, баланд қоялари, йирик харсангтошлари, салқин иқлими, йил бўйи сақланиб турувчи қор ва музликлари каби кўплаб табиий рекреацион ресурсларга бой. Бу ресурсларнинг аксарияти ҳудудга келган туристларни ўзига жалб этувчи етакчи омиллардан бири ҳисобланади.

Воҳа тоғ тизмаларининг баланд қоя ва чўққиларига саёҳатлар ташкил этилиши ўзига хослиги билан ажралиб туради. Туристлар бу кўринишдаги туризм ичида асосан тоғ-спорт-альпинизмга катта эътибор қаратишади. Айниқса, тоғлардаги горлардаги қадимий расмлар ва чизгилар битилган қоя тошларга, турли даврда яшаган ҳайвонот дунёсининг излари ва тош қотган скелетлари ҳам туристларни ўзига жалб этувчи объект вазифасини бажаради. Шунингдек, бу тоғларда отлар ёрдамида тоғ чўққиларига саёҳатлар ташкил этиш, маҳаллий тоғ аҳолиси ҳаёти билан танишиш ва ов туризми билан туристлар шуғулланиши мумкин. Бундан ташқари туристларнинг тоғларда жойлашган кўриқхоналарга, буюртмахоналарга, миллий боғларга, экомарказларга, питомникларга ва табиат ёдгорликларига саёҳат қилиши мумкин. Тоғ туризмини ривожлантиришдаги яна бир омил бу киши мавсумида маҳаллий аҳоли ва чет элдан келаётган меҳмонлар учун тоғлардаги қор устида чанғида учуш учун шароитларни ташкил этиш ҳисобланади. Чунки киши ойларида туристлардан энг кўп даромад келтирувчи соҳа, айнан қор устида учуш ҳисобланади.

Тоғ минтақаси табиий туристик ресурсларга жуда бой, улар турли хил бўлиб, бу жиҳатдан ҳам чўл, адир минтақаларидан ҳам фарқланиб туради. Тоғли ҳудудлар рельефи, шамол, атмосфера ёғинлари таъсирдан ҳосил бўлган рельеф шакллари ва тектоник ҳаракатлар таъсирида кучли парчаланган бўлиб, натижада қизиқарли ва айни пайтда ҳаракатланиш учун мураккаб шароит ҳосил қилувчи рельеф формалари юзага келган. Тоғ ландшафтларининг ўзига хос таровати ва манзараси туристлар диққатини жалб этади.

Жилға, сой, булок, кўл, остоналар, меандралар, шаршараларга бой тез оқар дарёлар бўйида дам олиш мароқли бўлганлиги туфайли, улар кўнгили очар, дилторгар гўшалар тарзида намоён бўлади, экзотик хусусиятлари билан ажралиб туради. Айниқса бугдойиқ, каврак, тариқ, исфарақ, гулхайри, лола, анжабор, ерчай, бинафша, тариқбош, ялпиз ўсувчи ўтлоқлар баҳор, ёз фаслларида табиий гулзорларга айланади. Баҳор фаслида чучмома, туятавон каби тугунакли ўсимликларнинг илдиз меваларидан териш ва истеъмол қилиш дала шароитида туристлар учун ўзига хос қайтарилмас завқ-шавқ бағишлайди. Равоч, кийикўт, тоғ ялпизи, тоғ райхони, хина, зира ва ўлмас ўт поялари эса зирavorлиги 27 муаттар ҳиди билан барча туристларни эътиборини тортади. Тоғ шароитида ёввойи жониворлар ва уларни томоша қилиш ва кузатиш тоғ туризимини ҳудудда ўзига хослигини таъминлайди. Ҳайвонот дунёсини кузатиш давомида унинг айрим турларини учратиш мумкин. Жумладан, айиқ, қоплон, кийик, бўри, тулки каби жониворлар тоғ минтақасининг ҳайвонот дунёсини асосини ташкил этади.

Бундан ташқари, туристлар тоғларда жойлашган дарёларда, балиқ овлашни ташкил этиш мароқли тарзда дам олиш, тамадди қилиш учун сабабчи бўлиш мумкин. Тоғ минтақаси бўйлаб шу тарзда қизиқарли маршрутлар тузиш, минтақа учун хос бўлган туристик ресурслардан омилкорлик билан фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Тоғ минтақаси бўйлаб уюштирилган экотуристик

маршрутларда тоғ минтақаси учун хос бўлган мураккаб рельеф тузилиши, уюштирилган турлар техника воситаларининг сараланган ҳолда ҳаракатланишига сабабчи бўлади. Баланд тоғ минтақаси республикамиз ҳудудининг жуда оз қисмини ташкил этади. Шу боисдан бу ҳудуд бўйича йўналишларига тавсиф бериш мумкин. Баланд тоғ минтақаси бўйлаб ҳаракатланиш жуда қийинлашади. Чунки ҳудуднинг рельефи ўта мураккаб бўлиб, транспортнинг от-улов ёки ҳаво (вертолёт) турларидангина фойдаланиш имконияти мавжуд. Ҳаво ҳарорати паст, қор қоплами узок вақт сақланади, кўп йиллик қор уюмлари, тоғ музликлари учрайди. Музликлар ва улар туфайли шаклланган турли рельеф формалари, каралар, троглар, мореналар тўплами, морена кўллари экзотация ҳосилалари диққатни жалб этувчи табиий туристик ресурслардир. Баланд тоғ минтақаси бўйлаб турлар уюштиришни иқлим хусусиятлари билан боғлиқ ҳолатда қисқа муддатли равишда ёз фаслларида (июнь ойининг ўрталари, август ойининг бошларида) ривожлантириш мумкин. Баланд тоғ минтақасида иқлим ўта кескин ўзгарувчан, бу хусусият унинг суткалик муддати даврида ҳам яққол кўзга ташланади. 2500 м баландликда суткалик ҳаво ҳарорати кундузи 30-35 °C бўлган ҳолда, кечалари бу кўрсаткич 3-4 °C гача тушиб кетиши одатий ҳол. Шу боисдан туристлар тунаш учун алоҳида тайёргарлик кўришлари лозим бўлади. Туристлар учун тоғ минтақасида Чодир, тўшак-қоп, одатдагидан кўпроқ озик-овқат, махсус кийим кечак, пойафзал захираларини олиш керак бўлади. Чунки тоққа кўтарилиш учун одатдагидан кўпроқ ҳолда ҳаракат қилиб куч сарфланади, тоза ҳаво, тоза сув истеъмол қилиниши озик-овқат тез хазм бўлишига, кўпроқ энергия

ер, 5 июнь – бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кабиларга бағишлаб ўтказилади. Экологик таълимга оид илк тасаввурлар айнан боланинг она табиатни ҳис этишидан бошлаш. Қўшимча таълимда эса бола ва унинг ота-оналарига экологияга йўналтирилган викторина, топишмоқ ва уй вазифалари берилади.

Мактаб ва мактабдан ташқари таълимда экология амалдагидек фанларга интеграллашган тарзда эмас, балки математика, физика, она тили, хорижий тиллар каби махсус ўқув курслари ўқитилиш қондасидан келиб чиққан тарзда жорий этилади. Дифференциаллик, яъни болаларнинг ёши, жисмоний имкониятлари ва психологик хусусиятларини инобатга олувчи синфлар билан фарқланиш асосида ташкил этилади. албатта, бунда билим олиш оддийдан мураккабга томон иерархик поғоналаш, яъни тизимлаш орқали ташкил этилади ва юқори синфда “Ўзбекистонда атроф-муҳит муҳофазаси” ўқув курси билан яқунланади. Чунки ёшларнинг юксак экологик маънавиятини шакллантиради, уларда ватанпарварлик хиссини уйғотади, фуқаролик бурчини бажариш ҳамда барқарор ривожланиш мақсади сари интиштиради.

Ўрта махсус, касб-хунар таълимда экология табақалашган тарзда амалга оширилади. Академик лицейларнинг ноэкологик таълим муассасаларида, олий таълим талабларидан келиб чиққан тарзда “Амалий экология” ўқув курси сифатида ўтилгани маъқул. Унда умумэкологик таълим талаблари билан бир қаторда, атроф табиатни муҳофаза қилишнинг кундалик қоидалари ва маҳаллий микёсда барқарор ривожланишнинг экологик хусусиятлари очиқ берилади.

Касб-хунар коллежларининг йўналишларида мос равишда экологик таълимни 8 та билим соҳасига томон мослаштириш мантиқан тўғридир.

Бу коллеж битирувчиларини амалий экологик компетенцияларини шакллантиради ва уларнинг касбий меҳнат фаолиятларида иш беради.

Олий таълимнинг бакалавриатида ҳам экологик таълим талабалари касбга томон йўналтирилади, лекин талабаларни жамоани экологик тайёрлаш, уни ташвиқот-тарғибот қилиш ва бошқарувини амалга ошириш нуктаи назардан қўйилади.

Магистратурада: экологик таълим илмий хусусият касб этади ва мутахассисликларга мослаштирилади. Масалан “Курилишда экологик инновацион талаблар”, “Нанотехнологиялар ва табиатни муҳофаза қилиш”, “Туризм ва сервисда атроф-муҳит муҳофазасини оптималлаштириш” ва ҳ.к.

Магистрлик диссертацияси PhD диссертациясининг жуда бўлмаганда 3/1 қисмини ташкил этиши ва мавзулари чуқур ўйланган, мутахассислар орасида кенг муҳокама этилган ва апробациядан ўтган бўлиши керак.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли:

Таянч докторантурада экологик таълим фалсафа доктори (PhD) минимум талабларида экология ва атроф муҳит муҳофазасига ҳисса қўшганлигини кўрсата билиши лозим. Бунинг учун изланувчилар “Диссертацияларда экология ва атроф-муҳит муҳофазасига доир талабларни акс эттириш” мавзусида методик тавсияномаларни тайёрлаши, уларни <http://www.vak.uzsci.net>, <http://www.dad.idmnet.ru>, [92](http://www.commission-</p></div><div data-bbox=)

Куйида “Ўзбекистон иктисодий ва ижтимоий географияси” фани машғулотида Самарқанд иқтисодий райони мавзуси мисолида фойдаланиладиган таркатма материал намунасини келтирилган. Ушбу келтирилган намунадан янги мавзунини бошлашдан олдин талабаларга таркатма сифатида фойланиш мумкин.

Намуна



№	Тушунчалар	Мазмуни
1.	Иқтисодий район	
2.	Самарқанд иқтисодий райони	
3.	Географик ўрни	
4.	Табиий шароити	
5.	Аҳолисининг ҳудудий жойлашуви	
6.	Меҳнат ресурслари	
7.	Хўжалигининг ихтисослашуви	
8.	Транспорт	
9.	Самарқанд шаҳри ва х.о	

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Олий таълим муассасаларида География фанини хусусан, Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси курсини ўқитиш жараёнида интерфаол таълим технологияларни кенг жорий этиш ва ҳар бир таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар томонидан мазкур методларни оптимал қўллаш ва яратилаётган технологик инновациялар ўқувчиларни мотивациясини, фаоллигини, маъсулиятини оширишга йўналтирилган бўлиши, кам вақт оралиғида юқори қафолатланган натижани таъминлай олишга қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

УЗЛУКСИЗ МИЛЛИЙ ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛИ

Абдуназаров Л.М.*

Қўқон давлат педагогика институти

Миллий таълимнинг 7 тури мавжуд бўлиб, унинг 6 таси тизимлашгандир. Юқорида баён этилган таълим принципларига мувофиқ равишда ҳамда экологиянинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан тарзда ЎзРда узлуксиз экологик таълимнинг мазмуни ва моҳияти куйидагича бўлиши мақсадга мувофиқдир:

Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг экологик онги уларнинг кўзига яққол ташланаётган атроф табиий муҳит (ер, сув, осмон, қуёш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси кабилар) билан “она табиат” мавзусида очик ҳавода таништирув соатлари ёки вақтларини ўтказиш, расмлар чиздириш, атрофимиздаги олам ҳақидаги шеърларни ёдлатиш, машқларни бажартириш ва турли мавзудаги ўйинларни ўйратиш зарур. Боғчадаги “байрам тадбирлари - утренникларни 85 тадан зиёд экологик тақвим кунлари: 11 январь – кўриқхоналар, 1 март – халқаро қушлар, 21 март – наврўз, 22 апрель – халқаро

сарфланишига сабаб бўлади. Баланд тоғ минтақаси турларида махсус спорт таёргарлигига эга бўлган туристларнинг иштирок этиши мақсадга мувофиқ. Гуруҳда эса юқори малакали тиббиёт ходимлари иштирок этиши талаб этилади. Чунки тасодифий ҳодисаларнинг содир бўлиши ва тоғ ҳавоси, атмосфера босимининг ўзгариши туристларга турлича таъсир этиши эҳтимоли юқоридир. Юқорида келтириб ўтилган омиллар водийнинг тоғли районларида тоғ экотуризмни ривожланишига етарлича табиий шарт-шароит мавжудлигидан далолат беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, сурхондарё воҳасидв туризм ва унинг тармоқларини ривожлантиришда биринчи навбатда табиий рекреацион ресурсларнинг мавжудлиги ва кенг имкониятларга эга эканлиги билан ҳудуд бошқа минтақалардан ажралиб туради. Бу ресурсларнинг айримлари туристларни ўзига жалб этувчи етакчи омил вазифасини ўташи мумкин. Жумладан, Хонжиза-сангардак тоғ тизмаларидан оқиб тушадиган Бойсун Сайроб, Боботоғ, қухитанг, вондоб тоғларига бориш йўлга қўйилиши натижасида туристларни шу ҳудудларга келиши кузатилмоқда.

GEOEKOLOGIYA – INTEGRAL FAN

Muqumova H.I., Nazarov M.G., Abdullayev S.I.*

Qarshi davlat universiteti

XX asrning ikkinchi yarmida deyarli barcha fanlar inson va tabiat o'zaro ta'siri muammolariga e'tibor qaratdilar. Olimlarning tabiat va jamiyat o'zaro ta'siri muammolariga e'tiborining kuchayishi “geoekologiya” terminini keng qo'llanilishiga sabab bo'ldi. Geoekologik tadqiqotlar hozirgi paytda butun jahonda rivojlanmoqda. Endilikda inson yashaydigan tabiiy muhit juda tez sur'atlar bilan yomonlasha boshladi va shu sababli olimlarni tashvishga sola boshladi. Insoniyatning omon qolishi uchun yuqori ekologik madaniyat va barcha mamlakat larning hamkorona say-harakatlari zarur. Geoekologiya nemis geografi K. Troll tomonidan 1939 – yilda “landshaft ekologiyasi (*landshaftsoekologie*)” deb nomlangan yangi ilmiy yo'nalish asosida rivojlandi. Dastlab K. Troll landschaft ekologiyasi “Yer yuzasining makondagi (hududiy) ekologiyasidir” deb fikr bildirgan edi. Keyinroq K. Troll (1963) landschaft ekologiyasi “landshaftning muayyan qismidagi tirik turkumlar va ularning muhiti orasidagi o'zaro munosabatlarga bog'liq bo'lgan asosiy komplekslarini o'rganish bilan shug'ullanishi lozim”, deb hisoblagan (Troll, 1972. 18-b).

XX asrning 60-yillarida Germaniya, Avstriya, Shvetsariya, Chexiya, Slovakiya, Niderlandiya, Buyuk Britaniya va AQShda landschaft ekologiyaga doir tadqiqotlar ancha kuchaydi. Shu yillarda Germaniyada (E. Neef, G. Xaze, G. Barch, G. Rixter, K. Troll, I. Shmithyuzen), Hollandiyada (A. P. Vink), Polshada (Ye. Kondratskiy, T. Bartkovskiy), Chexiya va Slovakiyada (Ya. Demek, E. Mazur, M. Rujichka, Ya. Drdosh), Vengriyada (M. Pechi), Ruminiyada (X. Grumezesku), Bolgariyada (K. Mishev, P. Petrov) landschaft ekologiyasiga jiddiy e'tibor qaratildi.

K. Troll 1966-yilda Mexiko shahrida bo'lib o'tgan Tropik Amerikaning tog'

* Muqumova Husnora Ergashevna - Qarshi DU Geografiya kafedrasida o'qituvchisi. Nazarov Maqsud Geldiyorovich - Qarshi DU Geografiya kafedrasida o'qituvchisi. Abdullayev Suyun Ismatovich - Qarshi DU Geografiya kafedrasidotsenti g.f.n.

hududlariga bag'ishlangan simpoziumida qilgan ma'ruzasida ingliz tilida "geoekologiya (Geoecology)" terminini qo'llaydi. Uning fikricha, "geoekologiya" va "landshaft ekologiyasi" terminlari sinonimlardir. Hozirgi paytda ham Yevropaning bir qator mamlakatlari AQSH geograflari (Bauer, Vaynichkye, 1971; Drdosh, 1973; Neef, 1974; Barsh, Rixter, 1976; Vink, 1983; Risser, 1987; Boer, 1988; Noymeyster, 1988; va b.) tomonidan "geoekologiya" va "landshaft ekologiyasi" terminlari adekvat tushunchalar sifatida qo'llaniladi. Kompleks landshaft tadqiqotlarini kuchaytirish maqsadida 1972 yilda landshaft ekologiyasi muammolari bilan maxsus shug'ullanadigan ilmiy tadqiqot institutlari (GFR) va jamiyatlar (Niderlandiya) tashkil topdi. 1972-yilda landshaft ekologiyasini o'rganish jamiyati tashkil topdi, 1974-yilda landshaft ekologiyasining Xalqaro uyushmasi (LEXU - IALE) tashkil etildi. 1987-yildan buyon AQSH Arizona davlat universitetining hayot to'g'risidagi fanlar instituti va barqaror rivojlanish instituti tomonidan Springer Netherlands nashriyotida Yer to'g'risidagi fanlar, biologiya, o'rmonchilik va o'rmon xo'jaligi, botanika va o'simliklar ekologiyasi, landshaft ekologiyasi ilmiy yo'nalishlari bo'yicha "Landscape Ecology" jurnali nashr qilinmoqda. Landshaft ekologiyasi dastlab tabiiy geografiyaning tarkibiy qismi sifatida rivojlandi. Geoekologiya landshaft ekologiyasiga nisbatan keng qamrovga ega bo'ldi. Ammo keyinroq unga tabiat va jamiyat o'zaro ta'siri bo'yicha tadqiqotlarning kiririb kelishi tufayli u (landshaft ekologiyasi va juz'iy geoekologiyada iborat bo'lgan) geoekologiyaga aylandi. Shu sababli geoekologiya geografiya fanlarining tabiiy muhitni ekologik nuqtai nazardan insoniyatning ekologik muammolarini yechish maqsadlarida o'rganadigan bo'limiga aylandi hamda tabiiy va sotsial-iqtisodiy geografiya bilan bir qatorda qarala boshlandi. Zero geoekologiya tabiiy muhitdagi tabiiy va antropogen o'zgarishlarning geografik oqibatlarini, ularning ekologik bahosini (hayotiy sharoitlarga ta'sirini) o'rgana boshladi (Roszyevich, 2003). U tabiatdan foydalanishning ekologik jihatlarini, jamiyat (inson) va tabiat o'zaro munosabatlari masalalarini o'rganadi, landshaftlarni insoniyatning hayot muhiti sifatida tadqiq qilish esa uning bosh yo'nalishiga aylandi. "Geoekologiya" termini geografiyada maxsus termin sifatida kiritilganligini e'tiborda tutgan holda bir qator geograflar uni faqat ekologik-geografik tadqiqotlarda qo'llash lozim deb hisoblaydilar. Geoekologiya ikki ilmiy-tadqiqot yondashuvdan-geografik (hududiy) va ekologik (tizimli) yondashuvlarning birikmasi sifatida qaraladi. Shu sababli geografik-ekologik tadqiqotlar mohiyati va predmetiga ko'ra geografik va pirovard maqsadlariga ko'ra ekologik tadqiqotlardir.

XX asrning 80-yillaridan boshlab "geoekologiya" terminiga uning mazmuniga ekologik-geologik mazmun bergan holda geologlar geograflar raqobat qila boshlashdi. (Kozlovskiy va b., 1989; Klubov, Prozorova, 1993; Sudo, 1999 va b.). Geologlar geoekologiyani bilimlarning jonli organizmlar orasidagi qonuniy aloqalarni, shu jumladan inson, texnogen inshootlar va geologik muhit orasidagi aloqalarni o'rganadigan yangi sohasi sifatida talqin etishni taklif qilishdi. Bunda geoekologiya litosfera va biosferaning o'zaro ta'siri qonunlarini o'rganadi. Uning tadqiqot obyektini geologik muhit (litosfera), predmetini esa geologik muhitning ekologik xossalari va funksiyalari tashkil etadi. Bunday holda "geologik ekologiya (geoekologiya)" va "ekologik geologiya (ekogeologiya)" terminlari sinonimlar

куч ва имкониятларини сафарбар этамиз"⁴⁵.

Инсоният цивилизациясининг куйи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблар қўйилмоқда. Бу борада ўқув ахборотларининг мазмундорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис ижтимоий тараққиёт билан узвий алоқадорликда ривожланиб бораётган педагогика фанининг вазибалари доираси кенгайиб бормоқда.

Табиий равишда замонавий фан-техника ютуқларидан самарали ва унумли фойдалана олиш вазибаси мазкур фан олдига ҳам қўйилгандир. Айни вақтда Республика ижтимоий ҳаётига шиддатли тезликда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва кенг қўламини қамраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда ўқувчига етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан куйида география таълими жараёнида, хусусан Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий география дарсларида ҳам инновацион технологияларнинг маълум бир турини, жумладан "Тушунчалар таҳлили" усулини қўллаш катта аҳамиятга эга.

Услубнинг моҳияти. Ушбу услуб ўтилган (чорак, семестр ёки ўқув йилида тугаган) ўқув предмети ёки бўлимнинг барча мавзуларини такрорлаш, мустаҳкамлаш, ўқувчилар томонидан ёдга олиш, бирон-бир мавзу бўйича ўқитувчи томонидан берилган тушунчаларга мустақил равишда ўз изоҳларини бериш, шу орқали ўз билимларини текшириб баҳолашга имконият яратиш ва ўқитувчи томонидан қисқа вақт ичида барча ўқувчиларни баҳолай олишга, оғзаки ва ёзма нутқларини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Услубнинг мақсади. Ўқувчиларни машғулотда ўтилган мавзунини эгаллаганлик ва мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириб олганлик даражаларини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда эркин баён эта олиш, ўзларининг билим даражаларини баҳолай олиш, яққа ва гуруҳларда ишлай олиш, сафдошларининг фикрига ҳурмат билан қараш, шунингдек ўз билимларини бир тизимга солишга ўргатиш.

Услубнинг қўлланилиши: ўқув машғулотининг барча турларида (дарс бошланиши ёки дарс охирида, ёки ўқув предметининг бирон-бир бўлими тугалланганда) ўтилган мавзунини ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралиқ ва якуний назорат ўтказиш учун, шунингдек, янги мавзу бошладан олдин ўқувчиларнинг билимларини текшириб олиш учун мўлжалланган. Ушбу услубни машғулот жараёнида ёки машғулотнинг бир қисмида яққа, кичик гуруҳ ҳамда жамоа шаклида ташкил этиш мумкин. Ушбу услубдан уйга вазиба беришда ҳам фойдаланса бўлади.⁴⁶

⁴⁵ Ш.М. Мирзиёев Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маъросимига бағишланган Олий Мажлис палатасининг қўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент.: Ўзбекистон -2016, 14-бет.

⁴⁶ Р.Ишмухамедов, М.Юлдашев Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар., Тошкент-2016, 54-бет.

кела бошлади. Берилган таърифлардан бирига кўра, геоэкология - бу интенсив антропоген таъсир туфайли юзага келадиган табиий муҳит ва биосферадаги қайтариб бўлмайдиган жараён ва ходисаларни, шунингдек, бу таъсирларнинг узоқ ва яқин вақтлар ичидаги оқибатларини ўрганадиган фан.

Мувофик, равишда геоэкологиянинг иккита муҳим вазифаси шаклланди: 1) геосистемаларга ташқи шароитлар, шунингдек, антропоген таъсирларни ўрганиш, 2) табиий шароитларнинг ўсимлик-ҳайвон-инсон учлик ҳолати ва ривожланишига таъсир кўрсатишини тадқиқ, этиш. Геоэкологиянинг асосий "тармоқ" йўналишлари: табиий-географик, тарихий географик, иктисодий-географик, ижтимоий- географик, унинг асосий ҳудудий жиҳатлари: локал (маҳаллий), регионал (минтақавий), глобал (академик М.Будико, Ю.Гладкий, С.Лавров). Дунё океани геоэкологияси қайд этилди, шунингдек, экологик-иктисодий районлаштириш (Ю.Дмитриевский, Н.Клюев), ландшафт геоэкологиясига асос солинди.

Бироқ бу барча ишлар геоэкология тўғрисидаги таълимот тўлиқ, шаклланиб бўлди, деган маънони аниқламайди. Унинг вазифа ва чегараларини аниқлаш, тушунча аппаратини шакллантириш бўйича муаммолар ҳали жуда кўп.

Масалан, А.Исаченко замонавий геоэкологияда география экологиядан анча устун келмоқда, деган фикрни билдирган. Шунинг учун, олим бу соҳани геоэкология эмас, балки экологик география деб аташни таклиф этди. А.Исаченконинг таърифлаши бўйича, экологик география - география фанининг бўлими ёки ундаги алоҳида тадқиқот йўналиши бўлиб, унинг предмети географик муҳитни экологик (гуманитар-экологик) нуқтаи назардан ва инсониятнинг экологик муаммоларини ҳал этиш мавқеаларида ўрганишдан иборатдир.

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯСИ ФАНИ МАШҒУЛОТИДА “ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ” УСУЛИНИ ҚЎЛЛАШ

Абдиназарова Х.О.

Қўқон давлат педагогика институти

Замонавий ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодига ўтиш ривожланган мамлакатларда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий негизи ҳисобланади. Бу жараёнда ўқитишда педагогик ёндашувлар ва унинг таркибий қисми бўлган инновацион ўқитиш технологиясини жорий этилиши олий таълим тизимида муҳим аҳамият касб этади. Таълим-тарбия ва шахс камолотини шакллантиришда ҳамда педагогик технологияни татбиқ қилинишида инновацион технологиялардан хабардор бўлиш, фойдаланишни билиш бугунги кун талабидир. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев алоҳида тўхталиб шундай дейди – “..... Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор

сифатида қаралади. Геологлар 1993-йилдан бoshлаб “Geoekologiya” журнални nashr etmoqdalar, 1996-yilda Rossiya fanlar akademiyasining geoekologiya (Environmental Geoscience) instituti tashkil etildi. Geoekologiya geografik fanmi yoki geologic fanmi, degan behuda bahslar muammoni aniqlashtirmaydi va geoekologiyaning rivojlanishiga to'siq bo'ladi. Zero, geografiya va geologiya mohiyatiga ko'ra Yer to'g'risidagi fanlarning birbutun kompleksi va ular pirovardida qarashlarning birbutin tizimini – Yer nazariyasini yaratilishiga olib kelishi lozim.

V.T.Trofimov va D.G.Ziling (1998), N.A.Yasamanov (2003) va boshqa bir qator geologlar ekologik geologiyaning, u bilan bir qatorda geoekologiyaning integral tarkibiy qismlari bo'lgan ekologik geografiya va ekologik tuproqshunoslikning mavjudligini asoslashadi. V.T.Trofimov va D.G.Ziling “geoekologiya -, deb uyushuvning yuqori darajasidagi tabiiy va antropogen o'zgargan ekosistemalarning tarkibi, tuzilmasi, mavjudlik qonuniyatlarini tadrijiy taraqqiyotining qonuniyatlarini o'rganadigan fanlararo fanni tushunamiz. Geoekologiya ekologik geologiyani, ekologik geografiyani va ekologik tuproqshunoslikni o'z ichiga oladi”, deb fikr bildirishadi. (1998,14-b.).Ularning fikricha, geologik-geografik yondashuvlar geoekologiyadagi bosh yondashuvlardir. Bu olimlarning geosistemalarni, xususan regional va global darajadagi geosistemalarni o'rganish geoekologiyaning imtiyozidir. Hozirgi tabiiyotshunoslikning ikki yirik tarmog'i-geografiya va geologiya tayanch geoekologik fanlar da'vogar bo'lib, geografiya Yer yuzasining hududiy va akval geosistemalarini, geologiya esa litosferaning geosistemalarini tadqiq qiladi. Geografiya va geologiyaning hamkorlikda uyushuvning yuqori darajadagi inson faoliyati o'zgartirilgan geosistemalarni o'rganishi ekologik yo'nalishdagi integral fanni hosil qiladi. Geoekologiyaning inson faoliyati bilan bog'liq bo'lgan yirik geosistemalarni tadqiq qilishga yo'nalish tutganligi bu fanning mazmun-mohiyatini tashkil etadi. Rossiyalik akademik V.I.Osipov (1993) geoekologiyani kengroq talqin etishni taklif etgan edi. U Yer to'g'risidagi fanlarning o'zaro bog'liq “uchligi” - geografiya, geologiya va ekologiyadan iborat bo'lgan geoekologiyani geosferaning ekologik muammolari to'g'risidagi fanlararo fan deb hisoblaydi. U 1)geoekologik muammolar kompleks sajiyaga ega, 2) geoekologiya mavjud bo'lgan fanlar ichida vujudga kelishini; 3) geoekologiyaning pirovard maqsadi Yerdahayotni ta'minlaydigan muhitni va hayotni asrash va bu jihatdan u biosfera to'g'risidagi fan bilan mujassam chirmashib ketishishini, 4) geoekologiya fani geosferaning ekologik muammolari to'g'risidagi bilimlarni birlashtiradigan yangi fanlararo yo'nalish ekanligini ta'kidlaydi. Keyingi 25-30 yilda “geoekologiya” tushunchasi keng tarqaldi va hozirgi paytda uning dastlabki mazmunida qo'llanilmaydi. Turli fanlarning vakillari geoekologiyani bir-biridan farq qiladigan, ba'zan esa bir-biriga zid bo'lgan nuqtai nazardan qarashadi. Hozirgi paytda “geoekologiya” termini deyarli barcha tabiiy fanlarda keng qo'llanilmoqda, bu termin o'zining aniqligini yo'qotdi va erkin foydalaniladigan termin bo'lib qoldi.

“Geoekologiya” termini geografiya va geologiya fanlarida ham, ijtimoiy va boshqa fanlarda ham tabiatdan foydalanish va atrof muhitni muhofaza qilish muammolari yechimida ancha keng qo'llaniladi. Bu termin hatto bir ilmiy yo'nalishning tadqiqotchilari tomonidan turlicha talqin qilinadi. ba'zan bir yo'nalishning tadqiqotchilarida bu terminning mazmuni turlicha tushuniladi. Hozirgi

geokologiyadagi paradokslar uni yani yangi, shakllangan fan sifatida belgilash to'g'risidagi masalani qo'yish mumkinligini ko'rsatadi. N.S.Kasimov va E.P.Romanova (2012) geokologiyani bir qator geografik, geologik, tuproqshunoslik va boshqa fanlar hozirgi rivojlanishi va sintezining mahsuli sifatida qarash lozim, deb hisoblaydilar. Darhaqiqat, keyinga chorak asr davomida geoloekologik paradigmaning tubdan yangilanishi sodir bo'ldi va geokologiya kishilik jamiyati va tabiatning o'zaro ta'siri to'grisidagi fan tushuniladi, insoniyatning hayot muhiti sifatida qaraladigan geosistemalarni tadqiq qilish esa uning bosh yo'nalishiga aylanmoqda. Shakllanayotgan geokologiya ko'p jihatdan tabiatning ilgari ma'lum bo'lgan qonunlarini boshqacha ocha boshladi va yangi qonunlarni kashf etishga yaqinlashmoqda.

Hozirgi paytda "geokologiya" tushunchasi Yerning ham rivojlanishning ham ichki tartibotidagi, ham antropogen yuklanish sharoitlaridagi geosistemalarni tadqiq qilishga mustaqil fanlararo yondashuvga ega bo'lgan ilmiy yo'nalishga aylandi. U yangi integrativ fanlar guruhiga mansub bo'lib, bir paytning o'zida ilmiy bilishning bir necha sohasiga – tabiiy, ijtimoiy va texnikaviy fanlarga kiradi; uning o'rganish obyekti Geokologiyaning o'rganish obyekti geografik qobiqning bir qismi bo'lgan inson hayoti va ishlab chiqarish faoliyati kechadigan atrof tabiiy muhit va uni tashkil etuvchi turli miqyoslardagi landshaftlar– geosistemalar, predmetini esa turli iyerarxik darajadagi tabiiy va tabiiy-antropogen geosistemalarni humanitar-ekologik yondashuv asosida o'rganish tashkil etadi. Geokologiya nomi o'zini oqlaydi, eng maqbul termin va uning so'zma-so'z tarjimasini Yer ekologiyasi to'g'risidagi fanni ifodalaydi. Geokologiya integral fan sifatida asrimizning asosiy fanlaridan biri bo'ladi.

FARG'ONA VILOYATI REKRATSIYON LANDSHAFTLARINING GEOLOGIK TARIXI

Nazarov H., Jabborov A.

Qo'qon davlat pedagogika inistuti

Kaynozoyda viloyat hududi Alp tektonik jarayonlarining faol zonasiga aylanadi va hududning asosiy qismida yirik tog' oraliq manfiy struktura megasinklinali vujudga keladi. Vodiyning markaziy qismi intensiv egila boradi. Vodiy atrofidagi chuqur uzilmalar megantiklinal tog'lar shaklida bir vaqtning o'zida ko'tarila boradi. Ko'tarilgan hududlarning intensiv yuvilishi natijasida vodiyning egilgan oblastlari 4000 m qalinligidagi massaget – oligoqon – mioqon kabi davrlarning uvoq jinslari bilan qoplab olinadi.

Viloyat hududida so'nggi to'rtlamchi davr tektonik harakatlari ta'sirida ko'p local antiklinal va sinklinal strukturalar vujudga kelgan. Ayniqsa vodiyni o'rab olgan adirlar mintaqasida paleogen, neogen jinslaridan iborat braxiantiklinal, sinklinal va monoklinal strukturalarning paydo bo'lganligi xarakterli. Markaziy Farg'ona sunklinal zonasi oligotsen – antropogen davri oralig'ida deyarli 6000 m.ga cho'kkan.

Hamma davrlardagi tektonik harakatlarning oqibatida Farg'ona viloyati hududida o'zining mohiyat – e'tibori bilan to'la rekreatsion qiymatga ega bo'lgan va nihoyatda xilma – xil resurslar vujudga kelgankim, buni rekreatsiya manfaatlari nuqtai nazaridan baholashimiz zarur.

Умуман олганда, у ўз таъсири доирасига инсонни киритгандан кейин ҳам биоэкологиялигича қолаверди. "Инсон экологияси" термини 20-йилларнинг бошларида юзага келган бўлса-да, XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб кенг ёйилди. Ўша вақтдан инсон экологиясига инсоннинг муайян табиий шароитларга адаптациясини ўрганадиган фан сифатида қараладиган бўлди. Мазкур жараёнда инсон Ернинг умумий экосистемасида ўзининг хусусий экологик ўрнига эга биологик тур сифатида қатнашди.

Бирок, вақт ўтиши билан экология биология доирасидан чиқиб кетди ва илмий йўналишларнинг фанларaro комплексига айланди. Баъзида бу комплексни "Умумий" (ёки глобал) экология деб атайдилар ва унинг таркибига аналитик (тахлили) ва амалий экология, инсон экологияси, ижтимоий экология, биоэкология, геоэкология ва бошқа баъзи таркибий тузилмаларни киритадилар. Академик Д.Лихачев томонидан таклиф этилган "маданият экологияси"ни ҳам эсга олиш мумкин.

Географик нуктаи назардан *ижтимоий экология* алоҳида қизиқиш ўйғотади. С.Лавров ижтимоий экология соҳаларaro тармоқланиб кетган фанлар комплекси бўлиб, жамият билан атроф муҳит ўртасидаги муносабатларни, объектив экологик қонунларни ҳисобга олган ҳолда инсон фаолиятини ташкил этиш тамойилларини ўрганади, деб тавсифлаган. Модомики, ижтимоий экология инсон билан жамият (айнан жамият, алоҳида инсон эмас) ўртасидаги муносабатларга боғлиқ. муаммоларни ўрганадиган экан, демак, инсон томонидан яратилган, демак, биринчи навбатда экологик муаммоларни келтириб чиқарадиган барча нарсани ўз ичига олган "иқкиламчи табиат" ҳам унинг назарига тушиши муқаррардир. Бундай кенг изох, тарафдорлари қаторида машҳур биолог-эколог олимларни (академик С.Шварц, А.Яблоков, Н.Реймерс), шунингдек, бу масала бўйича нуфузга эга Н.Моисеевни келтириш мумкин.

Хусусан, *геоэкология* устида тўхталадиган бўлсак, бу тушунча XX асрнинг 30-йилларида Фарбда шаклланган. Албатта, мазкур муаммога географиянинг қизиқиши айнан ўша вақтдан бошланган, деб ўйласак хато қиламиз. Аслида география, ўзининг илк шаклланаётган вақтидан бошлаб инсонларнинг яшаш муҳитини, инсон билан табиат ўртасидаги муносабатларни ўрганиш билан шуғулланган.

Географ олимлардан география ва экологиянинг ўзаро алоқаларини тадбиқ, қилиш заруриятига 1970 йилда илк бор академик В.Сочава эътибор қаратган.

Дастлаб геоэкологияни экосистема ва геосистемаларни ўрганишга экологик ва географик ёндашувларни бирлаштирувчи ўзига хос гибрид (дурагай) йўналиш сифатида қаралган. Бирок, вақт ўтиши билан бу тушунча кадам-бақадам кенгайиб ва равшанлашиб борди - бунга биринчи навбатда, академик И.Герасимов, Д.Арманд, А.Воронв, В.Жекулин, Ф.Мильков, В.Преображенский, С.Лавров, Ю.Дмитревский, Н.Глазовский, А.Исаченко, Ю.Гладко, К.Петров ва бошқаларнинг меҳнатлари туфайли эришилди.

Аста-секин геоэкология тўғрисида, унинг география ва экологиянинг тўлдирувчи соҳаси ва экологик муаммоларнинг катта фанларaro комплексининг таркибий қисми сифатидаги замонавий тасаввурлар юзага

олмайдиған фаолият тушунилади. Шу билан бир қаторда, табиатдан интенсив ва экстенсив фойдаланиш тушунчалари ҳам ишлаб чиқилган.

Илмий билим соҳаси сифатида табиатдан фойдаланиш табиий, ижтимоий ва техник фанлар элементларини ўз ичига олади. Унинг доирасидаги табиатдан фойдаланиш иқтисодий баърача маълум, у уч муҳим йўналиш: атроф-муҳитни ифлосланишдан асраш, экологик-иқтисодий ва баҳолаш иқтисодийлари бўйича ривожланмоқда. Унинг ривож топишига академик Т.Хачатуров ва Н.Федоренко, профессор К.Гофман, М.Лемешев, Н.Реймерс, П.Олдек катта хисса қўшганлар.

Табиатдан фойдаланишнинг географик фанлар билан алоқаси қам оз эмас. Бу ҳақда Я.Машбиц шундай деган: "Табиат ва жамиятнинг, табиий ресурслар, хўжалик ва жойлаштиришниң барча ҳудудий даражалардаги ўзаро муносабатларини ўз ичига олган табиатдан фойдаланиш - замонавий илмий географиянинг нафақат етакчи туркуми, балки унинг энг долзарб назарий ва амалий йўналиши ҳамдир... Ер билими, география тарихи, географик ресуршунослик, хўжалик ва аҳоли географияси, ижтимоий-сиёсий география каби муҳим йўналишлар ҳам табиатдан фойдаланиш билан тўқнашади". Табиатдан фойдаланишнинг турли муаммолари Д.Арманд, Н.Гвоздецкий, А.Рябчиков, В.Котляков, А.Капица, Н.Глазовский, В.Преображенский, А.Исаченко ва бошқалар табиий географларнинг ҳамда А.Минц, И.Комар, О.Назаревский, В.Анучин, Г.Повалевская ва Т.Рунова каби ижтимоий иқтисодий географларнинг илмий ишларида ўз аксини топгани кишини ажаблантирмайди.

Замонавий таърифларга кўра, табиатдан фойдаланиш географиясининг муҳим вазифаси табиатдан рационал фойдаланишни ҳудудий ташкил этишдан иборат. Бундай ташкиллаштириш бир тарафдан, табиий муҳитни оптималлаштиришни назарда тутса, бошқа тарафдан эса - табиатдан фойдаланишни ҳудудий ташкил этишни мукамаллаштиришни кўзлайди, холбуки ҳар иккиси ҳам, минтакавий (регионал) нуқтаи назардан, бироқ, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг умумий мақсадларини ҳисобга олган ҳолда юзага келади.

Шундай бўлса-да, табиатдан рационал (мувозанат билан) фойдаланиш назариясини мукамал деб бўлмайди, унинг асосларини ишлаб чиқиш давом этмоқда. Академик В.Котляковнинг фикрича, бундай асослар геосистема, географик қобикнинг табиий таркибий қисмининг барқарорлиги ва табиатдан фойдаланишнинг умумий экологик чекловлари чегарасини аниқлаш, уни оптималлаштириш мезонларини белгилаш, табиий ва ижтимоий ресурслар ва инсон турмуш-фаолияти шароитларини комплекс баҳолаш учун иқтисодий ва ноиқтисодий кўрсаткичлар тизимини яратиш, табиатдан фойдаланишнинг экологик технологияларини, комплекс башорат қилиш методологиясини ишлаб чиқишда иштирок этишни ўз ичига олиши лозим.

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб эса, тирик организмлар мажмуи ва уларни қуршаб турган муҳитдан ташкил топган табиат комплекслари сифатидаги экосистемалар асосида жадал ривожлана бошлади. Классик нуқтаи назардан ушбу фан биологик экология ёки биоэкология сифатида тавсифланди.

Farg'ona viloyati hududi rekreatsiyon landshaft manfaatlarining shakllangan ushbu quruqlikka aylangan davridan boshlangan, ya'ni vodiyning janubidagi Oloy – Turkiston tizmalarining ko'tarilishi bilan uzviy bog'liq. Oloy – Turkiston tizmalarining ko'tarilishi bilan uzviy bog'liq. Oloy – Turkiston tog' tizmalari viloyat hududini janubdan devor singari o'rab olgan va asosan ohaktosh, slanets, qumtosh, konglomeratdan iborat paleozoy davrining cho'kindi jinslaridan tuzilgan. Bu tizmalar hududida effuziv va intruziv jinslar juda kichik maydonlardagina tarqalgan. Paleozoyning xilma – xil jinslarining nurashidan hosil bo'lgan nuroq yotqiziqalar yomg'ir suvlari, daryo va soy suvlari yordamida olib kelinib viloyatning tekislik qismiga uchlamchi va to'rtlamchi davr yotqiziqalari – konglomerat va qumtoshlar, shag'al va mayda donali g'ovak jinslar hamda lyoss holida hozirgi daryo yotqiziqalari sifatida ko'zga tashlanadi.

Viloyat hududida keng tarqalgan va bir necha yuz metr qalinligidagi qoplama jinslar adirlarda va hududni o'rab turgan tog'larda shu joyning o'ziga xos bo'lgan tektonik harakatlarga tortilib, shu joyning o'ziga xos bo'lgan relyef shakllarini vujudga keltirgan. Vodiyn bir butun holda cho'kma sifatida paleozoyning oxirida shakllangan. Paleozoyning oxiri va mezozoyda shu davrgacha shakllanib ulgurgan cho'kmani o'rab olgan tog'lar yemirila boshlaydi va tog' tizmalari Turon botig'ini egallab yotgan dengizda orollar holda ko'zga tashlanib turadi. Farg'ona cho'kmasi esa uchlamchi davrning oxirigacha shu dengizning qo'ltig'i bo'lib turgan.

Turon egilmasining hamma qismida paleogenda yuz bergan harakatlar oqibatida Farg'ona vodiysining kichik bir bo'lagi bo'lgan viloyat hududi ham ko'tariladi va quruqlikka aylanadi. Shu davrdan boshlab vodiyning tekislik qismiga oqib keluvchi daryolar tog' etaklarida va tekislikka chiqqandan so'ng olib kelgan tog' jinslarini cho'ktirib yoyilmalar hosil qiladi va viloyat hududining tekislik qismining relyefini shakllanishi boshlanadi.

Viloyat hududidagi qoplama jinslarining va relyeflarning hosil bo'lishida Sirdaryo faoliyatining ham roli katta bo'lgan. Hudud quruqlikka aylanganligining dastlabki davrida Sirdaryo hozirgi holatiga nisbatan ancha janubda oqqan. Oloy – Turkiston tizmalaridan oqib tushuvchi Isfayram, Shohimardon, So'x, Isfara va boshqa kichik daryolar o'z oqiziqalarini tog' etaklarida yotqizishi va bu yerlarni ko'tarilishi oqibatida Sirdaryo o'zining o'zanini terrasalar holda qoldirib, shimolga siljiydi. Undagi so'nggi davrlarda Janubdagi tog' etaklaridan Sirdaryo vodiysigacha bo'lgan hududlarda soylarning yoyilmalari orasida meridian yo'nalishida o'ziga xos tuzilishga ega bo'lgan pastliklar hosil bo'la boshlaydi.

Viloyat hududida relyefning eol shakllarini keng tarqalganligi ham xarakterlidir. Bunda g'arbdan esuvchi shamollarning roli katta bo'lgan. G'arbiy shamollar hokim shamollar bo'lib, ko'p vaqtda katta tezlikda esib, tekislik va past tog'larni nuratib, nuroq jinslarni uchirib olib ketib markaziy va sharqiy hududlarga yetkizgan va qum uyumlarini hosil qilgan. Shuningdek, odamning xo'jalik faoliyatini ta'siri ham kam bo'lmagan. "Boburnoma" va boshqa tarixiy manbalarda qayd qilinishiga bu davrda dehqonchilik asosan tog' etagida, adirlarda va adirlar oralig'idagi past tekisliklarda qilingan, Markaziy Farg'ona yerlari esa botqoqliklar, ko'llar va to'qaylar bilan band bo'lgan. Dehqonchilikning asta – sekin tekislikka

siljishi bu hududdagi tuproq – gruntning qurishiga va sug'orish natijasida to'planadigan cho'kindilarni yotqizilishiga olib kelgan.

Yuqorida qayd qilingan tektonik, denudatsion va akkumulyativ jarayonlar tufayli viloyat hududida yer yuzasining bir qator murakab morfoskulptura shakllari vujudga kelgan.

Viloyatning yer yuzasi umumiy planda qaraganida uning shimolidan (Sirdaryo o'zidan) janubga tomon pog'onasimon holatda ko'tarilib borib bir necha pog'onani hosil qiladi. Bunda, tabiat go'yo janub tomon yurib borayotgan sayyoh yoki dam oluvchi toliqib qolmasin deganday pog'onalar oralig'i bir necha o'nlab kilometr (masofaga) masofagacha cho'ziladiki, oqibatda relyefning nishabligi kamayadi, rekreatsion qulaylik tug'iladi, transportga esa yoqilg'i kam sarf bo'ladi, avtomobilning dvigateliga kuch kelmaydi. Tabiat bunday holatni go'yo muvozanatga keltirganday, rekreatsion yuklamani ozaytirib, qulaylik tug'dirganday vaziyatni hosil qiladi. Ayniqsa bunday qulaylik hali avtomobil transporti boshlanmagan, faqat piyoda yoki ot – ulovda yurish rasm bo'lgan qadimgi davrlarda ahamiyatli bo'lgan. Chunki, sayyohlar yoki dam oluvchilar taomil qiladigan oziq – ovqati , sabzavot mevasi kabi zaruriy yuklarini o'zi bilan ko'tarib yurgan.

QASHQADARYO VILOYAT TEKISLIK QISMI LANDSHAFTLARINING GEOEKOLOGIK JIHATLARI Nazarov M.G., Muqumova H.E., Boymurodov S.M*.

Qarshi davlat universiteti

Qashqadaryo viloyatining katta qismi tekislik landshaftlari hisoblanib, asosan qadimdan dehqonchilik qilinadigan yer(voha)lar hamda yangi o'zlashtirilgan maydonlarni o'z ichiga oladi. Bular Kasbi, Mirishkor, Muborak, Nishon va Qarshi tumanlari bo'lib, mintaqa iqtisodiyoti paxtachilik, polizchilik, shuningdek cho'l yaylov chorvachiligiga ixtisoslashgan. Qashqadaryo viloyatining tekislik qismi landshaftlari mavjud bo'lgan tabiiy sharoit va tabiiy resurslar (relyef, iqlim, suv, tuproq va o'simlik) lardan xo'jalikda foydalanish uchun qulay imkoniyatga ega. Viloyat hududi katta tabiiy salohiyatiga ega bo'lganligi tufayli, sug'orma va lalmikor dehqonchilik, yaylov chorvachiligi, bog'dorchilik, qishloq xo'jaligining boshqa tarmoqlarini rivojlantirish uchun intensiv o'zlashtiriladigan rayonlar qatoriga kiradi.

Qashqadaryo viloyati tekislik qismi landshaftlarining tabiiy salohiyati to'g'risida so'z ketganda bu hududning mineral resurslarini tavsiflash e'tibordan chetdan qolmasligi lozim. Qashqadaryo viloyati hududi geologik xususiyatlarga ko'ra Buxoro-Qarshi neft-gazli oblastiga kiradi. Qashqadaryo viloyati tekislik qismi hududida neft va gazning 45 dan ortiq konlari, 14 ta neft va gazning istiqbolli strukturalari aniqlandi. Qarshi cho'lida neft va gaz qazib olish o'tgan asrning 60-yillarida Shimoliy Muborak, Janubiy Muborak, Odamtosh, Gumbuloq, Pachkamar gaz konlarining, Sho'rtepa, Qoraxitoy kabi neft-gaz konlarining, O'rtabuloq, Toshli, Sharqiy Qorayel, Boyburak Ko'kdumaloq neft konlarining o'zlashtirilishi bilan boshlandi.

* Nazarov Maqsudjon Geldiyorovich-Qarshi DU Geografiya kafedrasida o'qituvchisi
Muqumova Husnora Ergashevna-Qarshi DU Geografiya kafedrasida o'qituvchisi
Boymurodov Sami Ma' murovich-Qarshi DU Geografiya kafedrasida o'qituvchisi

ГЕОГРАФИЯНИ ЎҚИТИШДА “ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ ТЎҒРИСИДАГИ ТАЪЛИМОТ” - ДОЛЗАРЪ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЙЎНАЛИШДИР

Абдуллаев И.Х., Усмонова Г., Эргашев О.У.*

**Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети
Жиззах ДПИ хузуридаги ХТХҚТМОХМ**

"Табиатдан фойдаланиш" термини ilk bor 1959 йилда экологик-биологик изохларда қўлланила бошлаган. Табиатдан фойдаланиш тўғрисидаги таълимнинг юзага келиши эса 70-йилларга тўғри келади, айнан ўша вақтда "инсон-табиат-жамият" тизимида аҳамиятли ва кўпинча асл ҳолатига қайтариб бўлмайдиган ўзгаришлар юзага кела бошлаган. Бундай вазият табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларнинг турли жиҳатларини ва уларни мақбул (оптимал)лаштириш йўллари янада чуқурроқ ва ҳар тарафлама таҳлил қилиш заруриятини келтириб чиқарди. Табиатдан фойдаланишнинг вазифаси ҳам айнан мана шундан иборат.

70-йилларнинг ўрталарида табиатдан фойдаланишнинг инсоннинг табиатга таъсир кўрсатишининг барча томонларини, уни муҳофаза қилиш, ўзлаштириш ва қайта тузиш каби жиҳатларини қам ўз ичига олган умумлаштирувчи фаолияти сифатидаги биринчи кискача таърифи юзага келди. Кейинроқ янада кенгроқ таърифи тавсия этилди. Унга мувофиқ, табиатдан фойдаланиш деганда, инсонларнинг ҳозирги ва келажак авлодини муайян сифатга эга атроф муҳит ва турли-туман табиат ресурслари билан таъминлаш, табиат ресурсларидан фойдаланиш ва такрор ишлаб чиқаришни яхшилаш, муҳофаза қилиш бўйича ўзаро боғлиқ тадбирлар асосида табиат билан жамият ўртасидаги мувозанатни ушлаб туриш, табиий бойликларни тиклаш, махсуддорлигини оширишни таъминлаб беришдан иборат бўлган мақсадли ижтимоий-ишлаб чиқариш фаолиятини тушуниш зарур.

Шу билан бир қаторда, табиатшуносликнинг ресурс етказиб берувчи тармоқларини ҳам, ресурс истеъмол қилувчи тармоқларини ҳам ўз ичига олган тузилмаси тўғрисидаги тасаввурлар ҳам аниқлаб олинди. Унинг икки муҳим-ресурслардан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек, табиатдан фойдаланишнинг муҳим: ижтимоий-сиёсий, техник-технологик, ҳуқуқий, ижтимоий-экологик, экологик-иқтисодий томонлари тўғрисидаги йўналишлари, табиатдан рационал (оқилона) ва нораціонал (тартибсиз) фойдаланиш бўлимлари мавжуд.

Табиатдан рационал фойдаланиш деганда, табиий шароит ва табиат ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланишни ва инсонларнинг саломатлиги ҳамда ривожланаётган хўжаликнинг истиқбол манфаатларини эътиборга олган ҳолда, уларни тиклашнинг энг самарали тартибини таъминлашга қаратилган фаолият тизими тушунилади. Табиатдан нораціонал фойдаланиш деганда эса, табиий-ресурс бойликларни сақлашни таъминлаб бера

*Абдуллаев И.Х. – География фанлари номзоди, ТДПУ доценти
Усмонова Г. – Мирзо Улуғбек тумани ХТБ методисти
Эргашев О.У. – Жиззах ДПИ хузуридаги ХТХҚТМОХМ ўқитувчиси

- *хуқуқий* – Антрактида ҳудуди, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди, Татаристон Республикаси ҳудуди ва ҳ.к;
- *сиёсий* – МДХ давлатлари ҳудуди, Еврорпа Иттифоқи ҳудуди ва ҳ.к;
- *ҳарбий* – НАТО давлатлари ҳудуди, Ўзбекистон Республикасининг жанубий мудофа ҳудуди ва ҳ.к;
- *табиий* – Қизилкум ёки Қорақум чўллари ҳудуди, Қуйи Зарафшон ҳудуди ва ҳ.к;
- *иқтисодий* – Фарғона водийси иқтисодий минтақа ҳудуди, Евроосиё ҳамкорлик ҳудуди ва ҳ.к;
- *экологик* – Орол ва Оролбўйи экологик инкирозли ҳудуд ва ҳ.к.

Мамлакатшуносликда айнан ҳуқуқий ҳудудий бирлик асос қилиб олинади, яъни мамлакат деб аталиши учун маъмурий-географик бирликда ҳуқуқий ҳудуд бўлиши талаб этилади. **Хуқуқ** — *давлат томонидан ўрнатилган ёки маъқулланган ва унинг кучи билан ҳимоя қилинадиган умуммажбурий хуқуқ-атвор қоидаларининг тизими*⁴². Буни фанда одатда маъмурий бирлик дейиш мумкин. Чунки **маъмурий** – бошқариш ва ижро этиш ёки **маъмурият** бошқарув фаолиятини амалга оширувчи халқаро ташкилот ёки давлат органи деган маъноларни англатади⁴³. Уларнинг бошқарув фаолияти эса «хуқуқ» орқали амалга оширилади.

Шундай қилиб, Мамлақатишуносликда қўлланиладиган маъмурий-хуқуқий бирлик ёки маъмурий ҳудудда:

- ҳудуд халқаро маъмурий-хуқуқий бошқарув аппаратига эга бўлган халқаро ҳамжамият томонидан ўрнатилган, лекин давлатлар томонидан маъқулланган ҳуқуқий нормалар асосида тартибга солинадиган ернинг куруқлик майдони. Масалан, Антарктида ва ҳ.к;
- ҳудуд миллий маъмурий-хуқуқий бошқарув аппаратига эга бўлган давлат томонидан ўрнатилган ҳуқуқий нормалар асосида тартибга солинади. Масалан, Андижон вилояти.

Умуман олганда, юқоридаги атамаларнинг тушунчаси, мазмуни, моҳияти, ҳуқуқий мақоми жиҳатидан қуйидаги тартибот юзага келади:

1. **Давлат** – сиёсий-маъмурий бирлик;
2. **Мамлакат** – маъмурий-географик бирлик;
3. **Ҳудуд** – маъмурий-худудий бирлик.

Хулоса қилиб, айтганда, ҳар уччала ҳудудий бирликларда «маъмурий» сўзи иштирок этади. Бу деган сўз ҳар қандай ер юзасининг ҳуқуқий чегараланган куруқлик қисми – маъмурий бошқарувга тегишлидир. У халқаро ҳамжамият ёки давлат томонидан тегишли ҳуқуқий нормалар асосида бошқарилади.

Qashqadaryo viloyati tekislik qismida inson faoliyati natijasida tuzilmasi tubdan o'zgartirilgan tabiiy landshaftlar o'rnida aholi manzilgohlari bilan bog'liq bo'lgan selitib antropogen landshaftlar ham ancha katta maydonni ishg'ol etadi. Ma'lumki, seliteb landshaftlar antropogen landshaftlarning o'ziga xos murakkab turi bo'lib, aholi manzilgohlari - shahar, qishloq (ulardagi ko'cha, bog', parklarham) joylarini o'z ichiga oladi. Selitib landshaftlar o'simlik va hayvonot olami tubdan o'zgartirilgan, mikroiklim tuproqlar va gidrografik majmualar o'zgartirilgan antropogen landshaftlardir.

Keyingi vaqtlarda tabiiy resurslardan foydalanish natijasida katta maydonda antropogen landshaftlar (tabiiy – xo'jalik ishlab chiqarish komplekslar) shakllandi. Qashqadaryo viloyati tekislik qismini qishloq xo'jalik ishlab chiqarish bilan bog'liq bo'lgan agrolandshaftlar band etadi. Agrolandshaftlar orasida esa tuzilmasining tub o'zgarishiga ko'ra agroirrigatsion landshaftlar mavjud. Ammo agroirrigatsion landshaftlaridan xo'jalikda foydalanishning samaradorligini oshirishda bir qancha muammolar mavjud. Sug'orish bilan bog'liq bo'lgan gidrotexnik va agrotexnik tadbirlar iqtisodiy jixatdan ijobiy samaralar berish bilan bir qatorda ekologik nuqtai-nazardan ishlab chiqarishga ziyon yetkazadigan nomaqbul jarayonlarga olib keldi. Bu landshaftda inson xo'jalik faoliyati tufayli tuproq eroziyasi, o'simlik qoplarning degradatsiyasi, mahalliy yer osti suvlari sathining ko'tarilishi va boshqa salbiy tabiiy-antropogen jarayonlar kuchaygan. Qarshi cho'lining iqlimi o'ziga xos xususiyatlarga ega. Yerning issiq, qishning biroz sovuq bo'lishi, ob-havoning mavsumlar va yil davomida o'zgarib turishi, atmosfera yog'inlarining kamligi, bug'lanish ehtimolining kattaligi, havoning quruqligi Qarshi cho'li iqlimi uchun xos bo'lgan xususiyatlardir. Iqlimning bu xususiyatlari hududning geografik o'rniga, Quyosh radiatsiyasining miqdoriga, atmosfera sirkulyatsiyasiga bog'liq. Issiqlik resurslari bu yerda sun'iy sug'orish qo'llanilgan (obikor dehqonchilik) sharoitlarda yil mobaynida qishloq xo'jalik ekinlaridan 2-3 martagacha hosil olish imkonini beradi.

Qashqadaryo viloyati tekislik qismi agrolandshaftlarining muayyan hududlarida mavsumiy namlanish vujudga keladi. Qashqadaryo viloyatida 280 ming gektarga yaqin maydonda (shundan 24 ming ga partov yerlar) lalmikor dehqonchilik qilinadi. Qarshi cho'lida iqlim sharoitlari tufayli lalmikor dehqonchilik qilinadigan yerlar 40–50ming gadan ziyod emas. Chunki lalmi yerlarda qishloq xo'jalik ekinlaridan xosil olish bahor oylarida tushadigan atmosfera yog'inlarining miqdoriga bog'liq. Shu sababli bahor quruq kelgan yillari lalmi yerlarda qishloq xo'jalik ekinlari yetishtirib bo'lmaydi. Qashqadaryo viloyati tekislik landshaftlarida qishloq xo'jaligi ekinlarini yetishtirish faqat sun'iy sug'orish sharoitlaridagina mumkin. Qarshi voha landshaftlarida obikor dehqonchilikni suv bilan ta'minlash maqsadida Qashqadaryo va qo'shni suv havzalaridan tejankorona foydalanishni taqozo etadi. Obikor dehqonchilikda cho'l doirasidagi ayrim hududlarni sug'orish maqsadida Zarafshon xavzasining suv resurslaridan foydalanish imkoniyatini yaratgan Manas arig'i (keyinchalik bu ariq Eskianxor arig'i nomini olgan) qazilgan. XX asrning 50 - yillarida uzunligi 184 km, boshlanish qismida suv sarfi sekundiga 45 m³ bo'lgan Eskianxor arig'i ta'mirlandi. Bu ariq Qashqadaryo havzasiga 240-300 mln m³ miqdorida Zarafshon daryosining suvlarini keltira boshladi. Qashqadaryo viloyati

⁴² Хуқуқ. Давлат ва хуқуқ асослари. Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2002. 30-б.

⁴³ Давлат ва хуқуқ асослари. Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. Дарслик. – Т.: Шарқ, 2002. 92-108-б.

tekislik qismi hududlarini o'zlashtirish va sug'orishda Amudaryo suvlaridan foydalanish ayniqsa katta ahamiyatga ega. Amudaryo nasos stansiyalari yordamida suv oladigan Qarshi bosh kanali va uning tarmog'i bo'lgan Kasbi kanallarining foydalanishga topshirilishi, Qarshi cho'lida 200 ming gektardan ortiqroq maydonni o'zlashtirish va yaylovlarning suv ta'minotini tubdan yaxshilash imkoniyatini berdi. Uzunligi 101,4 km bo'lgan Qarshi bosh kanali Amudaryodan 4,6 mlrd m³ miqdorida suv keltira boshladi. Ayni paytda 1986 yilda foydalanishga topshirilgan Tallimarjon suv omborining bunyod etilishi Amudaryo suvlaridan yil davomida tartibli foydalanishga imkon yaratdi. Amudaryo suvini Qarshi magistral kanali va Mirishkor kanallariga olib berish jarayonida Amudaryo suvi 132 metr ko'tarilib, 355 km masofani bosib o'tadi. Shundan 80 km betonlashtirilgan. Ichki xo'jaliklararo sug'orish tizimining umumiy uzunligi esa 1920 km ga yetdi.

Qarshi cho'lining landshaftlari cho'l va bo'z tuproqlar zonalariga mansub bo'lib, cho'l landshaftlari ayrim joylarda chala gidromorf tuproqlar qatoriga mansub bo'lgan intrazonal o'tloqi, o'tloqi-botqoq tuproqlarda, sho'rhoqlarda va taqirlarda ham tarqalgan. Qarshi cho'li sharoitlarida tarqalgan taqirli tuproqlar sizot suvlarining ancha pastda joylashganligi sababli nisbatan kam sho'rlangan. Umuman bu tuproqlar Qarshi cho'lining o'zlashtirish uchun eng yaxshi yer jamg'armasini hosil qiladi. Cho'l landshaftlarining muhim komponenti bo'lgan o'simlik qoplamida qandim, quyonsuyak, mustahkamlangan qumlarda shuvoq, iloq, qorasaksovul, efemerlardan qirqqiz, efemeroizlardan chair va boshqa o'simliklar tarqalgan.

Hozirgi paytda cho'l landshaftlarining tabiiy salohiyati qishloq xo'jalik tarmoqlarida, neft-gaz sanoatida foydalanilmoqda. Cho'l hududining juda katta qismi chorva mollarini boqish va ozuqa tayyorlash uchun yaylovlar va pichanzorlar sifatida foydalaniladi. Chorvachilik go'sht-jun, go'sht-sut va qorako'lchilik yo'nalishlariga ixtisoslashgan. Yaylovlarning o'rtacha yillik hosildorligi yuqori emas. O'tloq va to'qay yaylovlarida hosildorlik 3 sentnerdan oshmaydi. Cho'l yaylovlarining katta qismi vegetatsiya davrining uzoq vaqt davom etishi, qishning qisqaligi sababli yil davomida foydalaniladi va eng arzon ozuqa berishi mumkin.

Qashqadaryo viloyati tekislik hududlarida antropogen omillar ta'sirida chorva mollarining noto'g'ri boqilishi, yaylovlardan almashlab foydalanilmaslik natijasida ayrim hududlarda o'simlik qoplamining degradatsiyasi va yaylovlar tabiiy hosildorligining pasayishi kuzatiladi. Quduqlar atrofidagi o'tli qatlam nes-nobud qilingan va buning natijasida tuproqlarning yuza qatlami shamol eroziyasi ta'siriga tushgan, ayrim joylarda tuzilma qum tepalari hosil bo'lgan. Yaylovlar o'simlik qoplamining degradatsiyasida qidiruv geologik ishlari, keyingi yillarda esa foydali mineral resurslarni qazib olish jarayonlari ham salbiy ta'sir ko'rsatmoqda. Yaylovlardan arzon ozuqa berganligi uchun yil davomida foydalaniladi. Ammo, yaylovlarni foydalanish darajasi hozirgi paytda yuqori emas. Yaylovlarning xosildorligi yuqori bo'lmaganligi sababli ularning sifatini yaxshilashga qaratilgan bir qator fitomeliyorativ va gidromeliyorativ ishlarni amalga oshirish mumkin.

Qashqadaryo viloyati tekislik qismi landshaftlari maxsuldorligining pasayishiga sabab bo'ladigan jarayonlarning tobora rivojlanib borayotganligi, bu landshaftlardan ishlab chiqarishda foydalanishni ilmiy asosda tashkil etish va yer resurslaridan

- мамлакат *сиёсий-географик эмас* балки *маъмурий-географик* тушунчадир;

- *маъмурий-географик* тушунчада, давлатдан фаркли равишда, ижтимоий, синфий ёки сиёсий-ҳуқуқий ёндошувнинг бўлиши шарт эмас;

- *халқро ҳамжамият томонидан расман тан олинган маъмурий бирликларга эгалиги*, яъни халқро ҳамжамият томонидан давлат ёки муайян давлат томонидан маъмурий бирлик;

- *алоҳида муайян маъмурий ҳудудга эгалиги*, яъни Ер сайёраси куруқлик юзасидаги чегараларнинг мавжудлиги, муайян давлат билан чегаравий яхлит эмаслиги;

- *давлат суверенитетининг мажбурий эмаслиги*, яъни бошқарув шакли (монархия ёки республика), тузилиши (унитар, федератив, конфедератив) ва режими (демократик, аксилдемократик, фашистик, тоталитар) роль ўйнамаслиги;

- *доимий аҳолисининг мавжудлиги*.

Кўрииб турибдики, илмий нуктаи назардан қараганда, “давлат” ва “мамлакат” тушунчаси ўртасида фарқ бор, албатта. “Давлат” тушунчаси, биринчи навбатда, тегишли ҳудудда ўрнатилган сиёсий ҳокимият тушунчасини англатса, “мамлакат” тушунчаси кўпроқ маданий ва умумгеографик омиллар мажмуига тегишлидир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, дастлаб шу икки тушунчани кенгрок ва батафсил кўриб чиқишни лозим топдик.

Шунингдек, кўпгина фанларда бўлгани каби Географияда ҳам **ҳудуд** сўзи кўп ишлатилади. Чунки, Географиянинг тадқиқот предметиға ҳар қандай геотизим ёки геомажмуаларнинг ҳудудийлиги киради. **Ҳудуд** – маълум чек-чегарасига эга бўлган, шундай чегара билан ўралган (ажралган) ер, маълум бир давлат, вилоят ва шу кабиларға тегишли бўлган ер, майдон⁴¹. Дарҳақиқат, ҳудуд Ер сайёрасининг куруқлик қисмиға тегишли атама. Сайёрамизнинг гидросферасида – акватория, литосефра ва атмосферасида – кенглик атамалари кўлланилади. **Ҳудуд** атамасига таъриф Интернетдаги халқро энциклопедия («Википедия») аниқроқ қилиб берилган **территория** лотинчада – *territorium* сўзидан олинган бўлиб, *у муайян чегараға эга бўлган ернинг куруқлик юзаси қисми*.

Ҳудуд, аввалам бор, давлат ёки маъмурий-географик бирлик сифатида кирган ернинг майдон бўйича чегараланган қисми. Ҳудуд нафақат юридик, балки кишилиқ жамиятининг турли мақсадларда ажратилган ер юзаси қисми сифатида ҳам қаралиши мумкин:

Kimble, G.H.T.: *The Inadequacy of the Regional Concept*, London Essays in Geography, edd. L.D. Stamp and S.W. Wooldridge, 1951.– pp. 151-174; Schaefer, F.K. *Exceptionalism in Geography: A Methodological Examination*, Annals of the Association of American Geographers, vol. 43, 1953.– pp. 226-245. [Покшишевский В. В.](#) Место экономико-географического страноведения в системе географических наук // Изв. АН СССР. Сер. геогр., 1960. — № 5; [Густерин П.](#) О некоторых проблемах отечественного страноведения // Азия и Африка сегодня, 2007. – № 7.

⁴¹ Ҳудуд. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-ж.– Т.: ЎзМЭ ДИН, 2008. 556-б.

Мамлакатшунослик Геродотдан (э.а. 484–425 йй.) бошланган ва География фанининг асосчиси Страбон (э.а. 60–21 йй.) даврига келиб кенг тарғиб қилинган географик фанлар тармоғи сифатида ривожланган³⁶. Ушбу фан аввалига сайёҳларнинг турли мамлакат аҳолиси, табиати ва хўжалиги тўғрисидаги маълумотларга кўра умумлаштирилган, унга доир ҳисобот ҳамда китобларда ўз аксини топган.

Ҳозирги кунга келиб Мамлакатшунослик алоҳида фан ёки ўқув курси сифатида Ўзбекистонда ўтилмайди, лекин у аввалги ҳолатига нисбатан кенгрок мазмун ва моҳият касб этмоқда. Эндиликда Мамлакатшунослик географик фанлар туркумига кирувчи ва бирон бир маъмурий-географик ҳудудларда³⁷ нафақат мавжуд табиати, аҳолиси ва хўжалиги, балки улар ўртасида кечаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик, маънавий-маърифий, ҳуқуқий, молиявий ҳолат, жараён ва воқеаларни атрофлича таҳлил қилиш билан ҳам шуғуллана бошлади. Шундай қилиб, Мамлакатшунослик – маъмурий-географик бирликларнинг табиати, аҳолиси ва хўжалигининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик, маънавий-маърифий, ҳуқуқий, молиявий жиҳатларини тизимли таҳлил қилиш ва умумлаштириш қоидаларини тадқиқ қилувчи фан соҳаси, унга оид билим, кўникма, малака – компетеницияларни берувчи таълим йўналиши, ушбу муносабат қоидаларидан ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида оқилона фойдаланишга қаратилган амалиёт тармоғи.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида **мамлакат** – сиёсий-географик термин бўлиб, муайян чегараларга ва давлат суверенитетга эга бўлган ёки бошқа бир давлат ҳукмронлиги остида бўлган ҳудуд (мустамлака, бошқарув остидаги ҳудуд)³⁸ деб берилган. Ваҳоланки, мамлакат сиёсий-географик эмас, балки маъмурий-географик тушунча. Зеро сиёсат давлатнинг бошқариш санъати³⁹, яъни турли ижтимоий-сиёсий институтлар, қатламлар, табақа ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатлардир.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқаруви ягона сиёсий тизим асосида олиб борилади. Қорақалпоғистон Республикаси, гарчанд ўз Конституцияси, автоном ҳокимият органлари, миллий таркиби, ахлоқий тамойиллари, хўжалиги, анъаналарига эга бўлсада, унинг ички ва ташқи сиёсати ягона давлат бошқарув тизимига асослангандир. Бунга кўра Қорақалпоғистон Республикаси (ҚҚР) давлат эмас, балки ўзига хос маъмурий-географик ҳудуд нуктаи назардан мамлакат сифатида эътироф этилиши ўринлидир. ҚҚР «Мамлакатшунослик» фанида ўзига хос тадқиқот объекти, яъни маъмурий-географик бирлик сифатида ўрганилади.

Адабиётлар илмий ва энциклопедик луғатлар⁴⁰ таҳлили шуни кўрсатмоқдаки **мамлакат белгиларига** куйидагилар қиради:

³⁶ *Страноведение*. <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki> – Википедия

³⁷ *Страноведение*. <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki> – Википедия.

³⁸ *Мамлакат*. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5-ж. – Т.: ЎзМЭ ДИН, 2003. 434-б.

³⁹ *Сиёсат*. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 7-ж. – Т.: ЎзМЭ ДИН, 2004. 606–607-б.

⁴⁰ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5-ж. – Т.: ЎзМЭ ДИН, 2003. 434-б. *Покишевский В. В.* Место экономико-географического страноведения в системе географических наук // *Изв. АН СССР. Сер. Геогр.* № 5. – М., 1960.;

samaraliroq foydalanish maqsadida ekologik, iqtisodiy jihatdan samarador bo'lgan tadbirlar majmuasini belgilash muhim amaliy ahamiyatga ega.

INSON FAOLIYATI TA'SIRIDA O'ZBEKISTON VA O'RTA OSIYODA YO'QOLGAN VA YO'QOLISH ARAFASIDAGI HAYVON TURLARI Negmatov S.Q.

Navoiy davlat pedagogika instituti

Hozirgi kunda hammaga ma'lumki, insoniyat o'z faoliyati tufayli sodir bo'lgan tabiat o'zgarishlaridan o'zlarini himoya qilishi va uni qayta tishlash, o'z tabiiy holiga qaytarish, tiklash uchun borgan sari ko'proq energiya (kuch) va mablag' sarflayotir. Inson avval ham, hozir ham, bundan keyin ham yashil o'simliklar olami xorofili va uning quyosh yordamida sintez qiladigan mahsulot va bu mahsulotning miqdori va sifati bilan uzviy bog'liq bo'ladi. Shunday ekan, inson hamma vaqt tabiat kompleksining asosiy tarkibiy qismi hisoblanadi va uning qonuniyatlariga bo'ysunishi shart. Inson faoliyati ta'sirida o'zi hayot kechiradigan yer kurrasining yuza qismining keskin o'zgarishiga va tabiat uyg'unligi buzulishiga sabab bo'ladigan omil hisoblanadi. Shu borada ma'lum ma'lumotlarga e'tiborni jalb etaylik. O'rta asrlarda o'rmon dehqonchilik va chorva yaylovlari maydonini kengaytirish hamda ishlab chiqarish maqsadlari, kemasozlikda foydalanish maqsadida qirqish, o'z o'rnida yoqish yo'li bilan yo'q qilingan. Inson qadami qo'yilgan har bir qarich yer tabiiy muhitining keskin o'zgarishiga va oxir-oqibat buzulishiga sabab bo'lgan. Eramizning XX asriga qadar bo'lgan vaqt davomida sutemizuvchi hayvonlarning 106 turi to'lig'icha qirilib ketgan, 600 turi yo'q bo'lish arafasida, qushlarning 140 turi to'liq yo'q qilingan, 100 dan ortiq turi esa yo'q bo'lish arafasida.

Xususan, yo'lbars-bundan 100 yil muqaddam O'rta Osiyoning Amudaryo quyi oqimi Vaxsh va Panj daryolarini quyulish qismida to'qaylarda keng tarqalgan. Qoplon - O'rta Osiyoning faqat janubiy qismida Kopetdog', Gaz quduq, Bobotog', Panj daryosining quyi oqimida, inson qadami yetishi qiyin bo'lgan tog' chakalakzorlari va o'rmonlarida keng tarqalgan, asosiy ozuqasi mayda sutemizuvchi hayvonlar bo'lgan tog' echkisi, karxal butunlay qirilib ketgan. Qulon –uy hayvoni. Ko'rinishi eshakni eslatuvchi bu jonivor XVIII asrda O'rta Osiyoning tekislik qismida keng tarqalgan. XIX – asrning oxiri XX asrning boshlariga kelib bu hayvon faqat Kopetdog' va Orol dengizining shimoliy qismida unda –bunda saqlangan. XX asrga kelib bu jonivor butunlay qirilib ketgan. Buxoro oliyanob bug'usi –ismi jismiga monand, xushbichim, chiroyli, balandligi 150 sm ga, og'irligi 300 kg ga qadar bo'lgan bu hayvon Amudaryo, Sirdaryo vohasida, Tyanshan va Turkiston tizma tog'i yonbag'irlarida keng tarqalgan. 1950-yillarga kelib uning tarqalish areali inson faoliyati ta'sirida keskin qisqargan va XX asr oxiriga kelib ayrim qo'riqxonalarda saqlangan. Bir necha bosh qolgan hayvon hisobga olinmaganda bug'uning mazkur turi mazali go'shti va terisi uchun to'lig'incha yo'q qilingan.

Jayron - o'z chiroyiga ko'ra kishini lol qoldiradigan, balandligi 70 sm dan oshmaydigan, og'irligi 30 kg ga qadar bo'lgan jonzot, haqiqiy cho'l hayvoni XX asrning 60-yillariga qadar O'rta Osiyo cho'llarida juda keng tarqalgan. Hozirgi paytda asosan Mang'ishloq, Ustyurt, Qoraqum va Qizilqumda uchraydi. O'rta Osiyo va Qozog'istonda jayronlar soni XX asr boshlarida bir necha yuz mingni tashkil

etardi. Jumladan, Ustyurt va Mang'ishloqda 50-yillarda 100 mingdan ortiq jayron yashar edi. Jayronlar qo'lga yaxshi o'rganadi. Shu sababli ularning soni qo'riqxonalarda tez ko'paymoqda. O'zbekistonda, Buxoraga yaqin joyda jayronxona tashkil etilgan. Uning maydoni 5600 gektar. Bu maskanda jayronlar muhofaza qilinadi, ko'paytirish ustida ilmiy ishlar olib boriladi. Keyingi paytlarda jayronlar soni 500 dan oshgan.

Burama shoxli echki-marho'r O'zbekistondan tashqari Hindiston, Afg'oniston va Pokistonda tarqalgan. Qor barsi asosan tog' echkisi bilan oziqlanadi. Shuningdek, tog' qo'yi, kosul, sug'ur, ulor bilan kun kechiradi. Odatda 2-3 ta bolalaydi. Hozirda yo'qolish arafasida. Buxoro bug'usi (xongul)-u asosan Amudaryo va Sirdaryo bo'ylaridagi to'qaylarda yashaydi. XX asrning 60-yillarida Payg'ambarorol qo'riqxonasi va Pahlavon to'qay qo'riqxonalaridagina qolgan edi. 60-yillarining o'rtalaridan Pahlavon to'qay qo'riqxonasi atrofida ko'paydi. Amudaryo o'rta oqimi va Bodayto'qay qo'riqxonasi keltirildi. Sekin-asta Buxoro bug'usi Amudaryo vodiysi bo'ylab ko'paya boshladi. Bug'ularning ozuqasi asosan boshloqli o'tlardir. Shuningdek, jiyda va saksovl barglari. Yozning issiq kunlarida kunduzlari soya salqin joylarda dam oladi. Echkekar qish oylarida toshbaqa va kemiruvchilar inlarida yashaydi yoki o'zi in kavlab oladi. U hasharotlar, mayda sudralib yuruvchilar, toshbaqalar, zaharliolonlar, qushlar va qush tuxumlari bilan oziqlanadi. Qorako'l, Payg'ambarorol, Qizilqum, Nurota qo'riqxonalarida muhofaza qilinadi.

Muhofaza etiladigan tabiiy hududlar sifatida O'zbekistonda ayni paytda 8 ta davlat qo'riqxonalari, 2 ta milliy bog', 1 ta ekomarkaz, 1 ta biosfera rezervanti, 10 ta davlat buyurtmalari, 5 ta tabiat yodgorligi faoliyat ko'rsatib kelmoqda. O'zbekiston "Qizil kitobga kiritilgan sutemizuvchilar qorbarsi, qoraquloq, qoplon, gepard, morxo'r, Buxoro kiyigi (xongul), Buxoro tog' qo'yi, gigant (shom shapalak), Menzbir sug'uri, qizil bo'ri, olako'zan, oq timoqli ayiq, sirtlon, Turkiston silovsini, manul, Qizilqum tog' qo'yi; sudralib yuruvchilardan echkekar, kapchailon (O'rta Osiyo kobrasi), Farg'ona qum kaltakesagi; baliqlardan Orolshipi, Orolusachi, Sirdaryo qilquyrug'i, Amudaryo qilquyrug'i; qushlardan shoxin (lochin), oqturna, jek, saqoqush (meshkobchi qush), qora laylak, flamingo (qizilg'oz), oq bos ho'rdak, qumay, burgut, qironqora (burgut), ilonxo'r (lochin), itolg'i, bezgaldak, targ'oq, Osiyo loyxo'ragi, oqbovur va boshqa ko'plab hayvonot olami vakillari muhofazaga olingan. Hozirda ularning soni ancha ko'paydi.

ОЗОН ТУЙНИГИ — ХАЛОКАТ ЙЎЛАГИ

Назаров Х.Ё., Бердиев Ф.Х., Қодирова К.М.

Қўқон давлат педагогика институти

Сўнги йилларда матбуотда сайёрамиз озон қатламининг емирилиши, Антарктида устида озон «тешиги»нинг пайдо бўлиши ҳақида бир неча мақолалар эълон қилиниши кўпчиликни ташвишга қўйди. Шу муносабат билан китобхонда атмосферанинг озон қатлами қандай қатлам, у нимага емирилади ва бундай емирилиш сайёрамизнинг биосферасига қандай таъсир қилади? деган саволларнинг туғилиши табиий.

Озон қатлами табиий ва антропоген сабабларга қўра сийраклашиши мумкин. Масалан, вулқон натижасида таркибида олтингугурт бирикмалари

доимий аҳоли яшамаганлиги ва у муайян давлатга тегишли эмаслиги туфайли давлат бўла олмайди.

Лекин, Антрактида каби катта китъа кўпгина фанлар, жумладан География фанининг алоҳида бир тадқиқот объекти бўлиши мумкин-ку. Давлат мақомига эга бўлмаган, унинг белгиларига тўлиқ жавоб бера олмайдиган ёки суверенлиги аниқ бўлмаган маъмурий-худудий бирликларни қандай номлаш керак, деган ўринли савол туғилади. Булар давлатми ёки мамлакатми?

Таниқли тарихчи олимлар Қаҳрамон Ражабов ва Баҳодир Қандовларнинг «Жаҳон тарихидаги сулола ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари» китобининг 243–249-бетларида келтирилган 4-жадвал «Алоҳида ҳудудлар (доимий яшовчи туб аҳоли ва алоҳида фуқаролик мавжуд бўлган ҳудудлар)» деб номланади. Мазкур жадвал 3 қисмдан иборат бўлиб, унда алоҳида «Халқаро шартномаларда келишилган ҳамда алоҳида мақомга эга бўлган махсус ҳудудлар» 3 та, «Доимий аҳолиси бўлган, бироқ бошқа давлатларга тобе ҳудудлар» 35 та, «Денгиз орти ҳудуди, тегишли давлатнинг ажралмас қисми деб ҳисобланувчи, бироқ баъзан алоҳида мулклар деб ҳисобланувчи ҳудудлар» 8 та, жами 46 та маъмурий-бошқарув ҳудудлар берилган. Ушбу 4-жадвалнинг:

- мавзуси ҳудуд;
- ҳудудларнинг расмий номи мамлакат;
- пойтахти эса давлат сифатида олинган.

Ҳудуд, мамлакат ва давлат терминлари ўртасидаги чалқашликлар деярли барча ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик, тарих ва геофик адабиётларда учрайди³⁵. Аслида эса давлат мақомига эга бўлмаган, унинг белгиларига тўлиқ жавоб бера олмайдиган ёки суверенлиги аниқ бўлмаган маъмурий-худудий бирликларни мамлакат деб номлаш мантиқан тўғридир.

Адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, **давлат** тушунчаси, мазмуни ва моҳияти билан бевосита «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» фани шугулланади ва шунинг учун ҳам у «Давлатшунослик» фанининг тадқиқот объекти бўлиб ҳисобланилади. Лекин **мамлакат** тушунчаси, мазмуни ва моҳияти билан қадимдан «География» фанининг тадқиқот объекти бўлиб келган.

«Мамлакатшунослик» фани антик дунёда вужудга келган ва у шаклланган давлатларни, жумладан олимларни Ернинг қуруқлик юзасидаги турли маъмурий-худудий бирликлар тўғрисидаги маъмулотларни тўплаш, таҳлил қилиш, бошқарув ҳокимият ва кенг жамоатчилик оммасига етказиш билан шугулланадиган фан соҳаси сифатида эътироф этилган.

³⁵ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5-ж. – Т.: ЎЗМЭ ДИН, 2003. 434-б. Покишиевский В. В. Место экономико-географического страноведения в системе географических наук // Изв. АН СССР. Сер. Геогр. № 5. – М., 1960;

Kimble, G.H.T.: *The Inadequacy of the Regional Concept*, London Essays in Geography, edd. L.D. Stamp and S.W. Wooldridge, 1951.– pp. 151-174; Schaefer, F.K. *Exceptionalism in Geography: A Methodological Examination*, Annals of the Association of American Geographers, vol. 43, 1953.– pp. 226-245. [Покишиевский В. В.](#) Место экономико-географического страноведения в системе географических наук // Изв. АН СССР. Сер. геогр., 1960. — № 5; [Густерин П.](#) О некоторых проблемах отечественного страноведения // Азия и Африка сегодня, 2007. – № 7.

берилган. Давлат ва ҳуқуқ асосларида³³ «давлат» атамасига 3 хил ёндошилган: ижтимоий, синфий, сиёсий–ҳуқуқий. *Ижтимоий қарашда давлат* – умумий муаммолар ва ишларни ҳал этиш воситаси, у ҳукмдор ва халқнинг ўзаро муносабатини тартибга солади. *Синфий қарашда давлат* – синфларнинг пайдо бўлиши билан юзага келган ва синфий кураш бир синфнинг бошқасини бостириш қуроли бўлиб хизмат қилади. *Сиёсий–ҳуқуқий қарашда давлат* – жамиятнинг ва давлатнинг ўзининг ҳаётини ташкил қилувчи ҳуқуқ манбаи. Мазкур илмий мушоҳада муаллифлари ҳар уччала қарашда ҳам бирон бир асос бор, дея ҳисоблашади. Гарчанд давлат тушунчаси Ҳуқуқшуносликнинг асосий тадқиқот объекти ва илмий инструменти бўлишига қарамай турли адабиётларда у турлича талқин қилинган. Бунда ҳам ҳуқуқшунослар, сиёсатшунослар ва географлар давлат билан мамлакат, маъмурий ҳудуд ёки ўлкани арашлатириб юборишмоқда.

Давлат ва ҳуқуқ назариясига доир адабиётлардан келиб чиққан тарзда **давлатнинг асосий белгиларини** умумлаштириб, унга куйидагиларни талабларни киритиш мумкин:

- *оммавий ҳокимиятнинг мавжудлиги*, яъни ҳокимият ва бошқарув органи – мажбурият аппаратнинг борлиги;
- *аҳолининг ҳудудлар бўйича уюшганлиги*, яъни маъмурий-худудий бирликда яшаш ва фуқароликка эгалиги;
- *БМТга аъзо бўлиб кириш имкониятининг мавжудлиги*, яъни халқаро ҳамжамият томонидан тўлиқ эътироф этилиши;
- *суверенитетлиги*, яъни ички ва ташқи сиёсатни ўтказишда мустақил бўлиши;
- *ҳуқуқ ижодкорлиги*, яъни тегишли ҳудудда ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қила ва унинг назоратини йўлга қўя олиши;
- *солиқларни тўплаши*, яъни солиқларни белгилаши, йиғиши ва уни аҳоли ҳамда давлат аппаратини сақлаш учун ишлатиши;
- *умумий функцияларни бажариши*, яъни ҳудудни қўриқлаш, жинойтчиликка қарши кураш, хавфсизлик ва фаровонлик мақсадларни амалга ошира олиши.

Давлатлар бошқарув шакли, тузилиши, сиёсий режимига кўра турли кўринишда намоён бўлади. Айнан мазкур шакл, тузилиш ва режим мамлакат сўзига аниқлик киритади. Шундай қилиб, юқорида келтириб ўтилган белгиларга кўра, Дунё бўйича халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган БМТга аъзо (193 та) ва унга кузатувчи сифатида (2 та) тан олинган 195 та суверен давлат мавжуд³⁴. Уларнинг 44 таси Европа, 48 таси Осиё, 54 таси Африка, 38 таси Америка, 11 таси Австралия ва Океания қитъасида жойлашган. Айнан қитъасида, зеро у, материкдан фарқли равишда, унга тегишли бўлган оролдаги давлатларни ҳам қамраб олади. Фақатгина Антрактида қитъасида

бўлган бошқа газлар ҳам отилиб чиқади ва улар ҳаводаги бошқа газлар билан аралашади. Мазкур жараён озон қатламини емирувчи сульфатлар ҳосил бўлишига олиб келади. Мисол учун, 1991 йилда Пинатубо номли вулкон отилиши стратосферанинг пастки қатламларида тарқалган сульфатлар микдорининг кўпайишига олиб келди. Натижада, озон йўқолишига сабаб бўлувчи фотохимёвий реакциялар тезлиги ошди. Озон микдорининг камайиши аксарият ҳолларда антропоген таъсирларга ҳам боғлиқ. Хусусан, хлорфторуглерод, бромли метил, галон каби эритувчи бирикмаларнинг кундалик ва хўжалик фаолиятида ишлатилиши озон қатлами сийраклашишини келтириб чиқаради. Айни пайтда мутахассислар авиация, космик ракеталар ҳам ана шундай салбий жараёнга сабаб бўлишини таъкидлашмоқда. Негаки, парвоз этаётган самолётдан азот оксиди ажралиб чиқиши стратосфера озонига салбий таъсир кўрсатади. Озоннинг сийрақлашган концентрацияси Куёшнинг ультрабинафша нурларини яхши юта олмайди. Оқибатда, бу нурлар ергача етиб, ҳайвон ва ўсимликларда кечадиган табиий жараёнлар барқарорлигига жиддий хавф солади. Озон концентрациясининг пасайиши, ўз навбатида, “озон туйнуги” пайдо бўлишига олиб келади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича БМТ Программасининг раҳбари М. Толба 1989 йили Хельсинкида ўтказилган халқаро конференцияда сўзга чиқиб, планетами озон қатламининг емирилишини соат механизми ишлатиб қўйилган бомбага ўхшатибди. Бундай «бомба»нинг «портлаши» учун соат механизми қанча йил, қанча кун ва қанча соат ишлаши кераклиги атмосферанинг хлорфторуглеродли бирикмалар (фреон) билан қай даражада тез булғаниши орқали белгиланишини қайд қилди олим ўз нутқида.

Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва сақланиб туришида атмосфера озон қатламининг роли беқиёс. Кислороднинг уч атомини бириктирувчи бу молекула тирик организмлар учун хавfli бўлган Куёшнинг ультрабинафша нурларининг (тўлқин узунлиги 3200 Анггстремдан кичик бўлган) қарийб 99 фоизини ютиб, Ергача етказмайди. Шунинг ҳисобига атмосферанинг озон жойлашган қатламининг харорати бир неча ўн градусга кўтарилади.

Асосий қисми 30-40 км ли баландликда жойлашган озоннинг концентрацияси атмосферада атиги 0,001 фоизни ташкил қилади. Бироқ, бу микдор бир кеча-кундузда сезиларли ўзгаради. Шунингдек, озоннинг микдори жойнинг географик кенлиги ва узунлигига ҳамда йил фаслларига боғлиқ бўлади.

Атмосферада озон қатламининг емирилишида, Куёш радиацияси таъсирида рўй берадиган фотохимиявий реакциялар хал қилувчи омил ҳисобланади. Бундай реакцияларнинг боришида азот оксиди катализатор ролини ўйнайди. Катта баландликларда (стратосферада) товуш тезлигидан ортиқ тезлик билан учувчи самолётларнинг ёниш камерасидан чиққан ёқилги маҳсулотларидан вужудга келган азот оксиди эса озон қатлами учун жиддий хавф тўғдиради. Бундай баландликларда вужудга келган азот оксиди узоқ вақт (қарийб бир йилча) атмосферада парчаланмай юра олади ва оқибатда стратосферада озонни парчалашда иштирок қилади. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, «Конкорд» ёки ТУ-144 типидagi 300 га яқин самолёт 17 км

³³ Давлат ва ҳуқуқ асослари. Саидов А., Таджиханов У., Одилқориев Х. Дарслик.– Т.: Шарқ, 2002. 11-б.

³⁴ Ражабов Қ., Қандов Б. Жаҳон тарихидаги сулоло ва давлатлар: қисқача сиёсий тарихи ва муҳим саналари.– Т.: O'zbekiston, 2015. 219–240-б.

баландликда бир кунда 7 соатча учса, стратосферадаги озонни 1 фоизгача камайтира олар экан.

1912 йилда француз физиклари Шарль Фабри ва Анри Буиссон озон қатлами стратосферанинг бир қисми эканини, у ердан ўн ва беш юз километр оралиғидаги баландликда жойлашганини маълум қилишди. Энг катта “озон туйнуклари” Ернинг жанубий ва шимолий қутбларида қайд этилган. 1957 йилдан бошлаб мутахассислар шу “туйнук”ни Халли кўлтиғида, Антарктика, Британия антарктик станциясида кузатдилар. 1985 йилда Жо Фарменон раҳбарлигидаги Британия олимлари Жанубий яримшар — Антарктидада минг километрдан ҳам катта бўлган “озон туйнуғи”ни аниқлашган. Туйнук ҳар йили август ойларида ҳосил бўлиб, декабрдан то январгача йўқолган. 1992 йилда Шимолий яримшарда — Арктикада ҳам нисбатан кичик бўлган “озон туйнуғи” аниқланди. Бу эса дунё жамоатчилигини мазкур масалага жиддий эътибор қаратишга мажбур этди. Натижада 1985 йилда дунёнинг 147 мамлакати иштирокида Озон қатламини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Вена конвенцияси қабул қилинди. Шундан сўнг энг хавфли хлорфторуглеродлар рўйхати тузилган яна бир муҳим ҳужжат — Монреаль протоколи имзоланди. Ўшанда конвенцияга қўшилган давлатлар зиммасига ҳужжатда қайд этилган захарли моддаларни иложи борича камайтириш, 2000 йилга келиб эса бутунлай тўхтатиш мажбуриятини олишди. Ўн йиллардан бери сайёраимизнинг турли қисмида озон қатламини ўлчаш бўйича фаолият юритаётган Америка сунъий йўлдошлари мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш имконини бермоқда. Масалан, “ЕСА эРС-2” сунъий йўлдоши бир суткада Ерни бир неча марта айланиб ўтиб, атмосферадаги озон қатлами ҳақида маълумот олиш имкониятига эга.

Хулоса қилиб айтганда озон қатламидаги ўзгаришлар фақат атмосферага эмас, ердаги „ҳаёт“ деб аталган жараёнга ўз таъсирини кўрсатади. Бу инсон саломатлигига хавф соладик, турли хил касалликлар кўпаяди, инсон умри қисқаради, биологик бухрон вужудга келиб ўсимлик ва ҳайвон турлари йўқолади, океан, денгиз, дарё, кўл сувлари тақиб ўзгаради, тупроқ захарланади, табиатда экологик мувозанат бузилади.

ЗАГРЯЗНЕНИЕ ВОЗДУХА. ОХРАНА ОКРУЖАЮЩЕЙ АТМОСФЕРЫ

Назаров Х.Ё, Кодирова К. М

Кокандский государственный педагогический институтим

Атмосфера – научное обозначение, газовой среды планеты Земля. Слово Атмосфера возникло от древне - греческого. $\alpha\tau\mu\acute{o}\varsigma$ — «пар» и $\sigma\phi\alpha\iota\acute{\rho}\alpha$ — «сфера», газовая оболочка небесного тела. Атмосфера является главным элементом биосферы, обеспечивающая работу всего живого пространства планеты. Одновременно атмосфера обеспечивает защиту всех живых организмов от воздействия вредоносного космического излучения и метеоритных дождей. Атмосфера также является уникальным природным регулятором температуры поверхности планеты и обеспечивает гармоничный цикл перепада температур. В отсутствии атмосферы, температура окружающей среды была бы равная днем $+120^{\circ}\text{C}$ и ночью -200°C . Атмосфера образует

IV ШЎБА. ГЕОГРАФИЯ ВА ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ДАВЛАТШУНОСЛИК, МАМЛАКАТШУНОСЛИК, ЎЛКАШУНОСЛИК: ФАН ВА ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ Нигматов А.Н., Байқабиллов Х.М.*

ЎМКХТТҚМО ва УҚТИ, Мирзо Улуғбек номидаги ЎЗМУ

Оммавий ахборот воситалари ва ўқув адабиётларида «давлат» атамаси билан бир қаторда «мамлакат», «маъмурий ҳудуд», «ўлка» сўзлари синоним сифатида ишлатилмоқда. Натижада Ер қуррасидаги давлатларнинг умумий сони 195 тадан 266 тагача ошиб бормоқда. Миллий ахборот хизматининг нуфузли «Маърифат» рўзномасига 2018 йилнинг январь ойида ўқувчилар томонидан келиб тушган ўринли саволлардан бири «Дунёда қанча давлат бор ва у мамлакат билан нимаси билан фарқланади?». Бу саволга жавоб ҳақиқатан ҳанузгача жумбоқлигича қолмоқда. Шунинг учун ҳам бизнинг тадқиқот предметимиз айнан мазкур саволга жавоб қидиришдан бошланди. Илмий изланишлар давлат, мамлакат, маъмурий ҳудуд, ўлка атамаларининг туб моҳиятини очиб беришга қаратилди.

Таниқли географ олим ва сиёсатшунос К.Гадоев ва С.Бердиеваларнинг маълумотларига қараганда³¹, дунёдаги сиёсий-географик бирликлар сони 243 та. Ҳар йили Нью-Йоркда нашр қилинадиган «Дунё альманахи»да давлат сифатида БМТга аъзо ва кузатувчилар сони бўйича 195 та деб берилган. Вашингтон шахрида чоп этиладиган «Жаҳон фактлар йилномаси»да дунёдаги 266 та сиёсий ва географик-ҳудудий бирликлар бўйича давлатлар сони келтирилган. «Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси»да 227 та. Қайси бири тўғри?

Мазкур сонлар қаердан олинган ва нима учун улар турлича кўрсаткичларга эга? Албатта XIX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошига келиб Дунё сиёсий-маъмурий картасида кескин ўзгаришлар даври бўлди, десак асло муболаға бўлмайди. Икки катта қарама-қарши бўлган сиёсий лагерлар – капиталистик ва социалистик давлатлар ўртасида юзага келган зиддиятлар 20 тадан ортиқ мустақил давлатларни юзага келишига олиб келди. Улар суверен давлатлар сифатида халқаро ҳамжамият томонидан тан олинди. Давлатга тегишли барча белгилар уларда намоён бўлди. Лекин айрим сиёсий-ҳудудий бирликларнинг ҳуқуқий мақоми ҳанузгача ўз ечимини топгани йўқ. Бундай ҳолат нафақат Европа ва Осиё қитъасида, балки қолган 3 та – Африка, Америка, Австралия ва Океанияга ҳам тааллуқлидир.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида³² **давлат** – мамлакат миқёсида жамиятни уюштириш масалаларини ҳал қилиш, унинг таққи муносабатларини белгилаш ваколатлари бўлган ҳукмрон тузилма, деб таъриф

* Нигматов Аскар Нигматуллаевич – Ўрта махсус. касб-хунара таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти Таълимда бошқарув кафедраси мудири, г.ф.д., профессор. Байқабиллов Хуснидин Марданович — ЎЗМУ Геология ва география факультети География кафедраси докторанти

³¹ Гадоев К., Бердиева С. Сайёраимиз мўъжизалари. –Т.: О‘zbekiston, 2012. – 278 б.

³² Давлат. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 3-ж.-Т.: ЎзМЭ ДИН, 2002. – 148-б.

эгрилиги ва рефракция учун тузатмалар автоматик равишда киритилдиган бўлди. Реал вақтда ўлчаш режимида, вертикал ва горизонтал бурчаклар, кия масофалар ва уларнинг горизонтал қуйилиши ҳамда тўғри бурчакли координаталар ҳисобланади. Иш бошида ўлчаш файлида ижрочи томонидан киритилдиган барча ахборот (маълумот)лар:

- ✓ бошланғич координаталар каталоги;
- ✓ станциянинг идентификатори;
- ✓ ориентирлаш нукталари идентификатори;
- ✓ асбоб баландлиги;
- ✓ визирлаш (кузатиш) баландлиги;
- ✓ ҳарорат ва атмосфера босими;
- ✓ чизик ва бурчак ўлчашлари ҳақидаги маълумотларнинг ёзув

форматлари, координаталар системаси (тўғри бурчакли, математик, геодезик ва х.к.) ёзилади.

Электрон тахеометрда исталган координата системасида нукталарнинг реал тўғри бурчакли координаталарни бошланғич маълумот сифатида олиш имконияти мавжуд.

Асбоб хотирасига бошланғич маълумотларни киритиш орқали режаланадиган нуктанинг автоматик равишда топиш имконини яратилди, яни тахеометр электрон тарзда бурчак ва масофаларни топади.

Ҳозирги кунги келиб электрон тахеометрларнинг тури жадал суръатда кўпайиб бормоқда. Ишлаб чиқарилаётган электрон тахеометрлар ўлчаш - ҳисоблаш мажмуасидан иборат бўлиб, унга ихчам масофа ўлчаш электрон дальномери, горизонтал ва вертикал бурчакларни ўлчаб, натижасини экран(монитор)га чиқариб ва бирданига хотирага ёзиб қайд қилувчи электрон мослама ҳамда натижаларни дастлабки ишлаб чиқиш учун кичик компьютерлар киради.

Хулоса қилиб айтганда, геодезик режалаш ишларини анъанавий асбоб ва усуллар ёрдамида бажаришдан кўра, бугунги замон талабларига тўла жавоб бера оладиган электрон асбоблар ёрдамида олиб борилганда геодезик режалаш ишларининг ишончлилиги ва аниқлиги ортади, бундан ташқари меҳнат ва вақт сарфи тежалишига олиб келади.

облака, дожди, снегопады и ветра. Она передают звук, даёт влагу почве земли и содержит жизненно важный кислород.

Постоянная величина содержания основных газов в атмосфере равна : азот -78,09%, кислород - 20,95%, аргон - 0,93%, карбонат ангидрид - 0,03%. А также она содержит другие примеси инертных газов, таких, как : гелий, неон, ксенон, водород, криптон, метан, аммиак, ёд, радон. В воздухе всегда содержится 3-4 % водных паров и пыль.

Химические, физические и биологические процессы в атмосфере оказывают влияние на живые организмы планеты. В последние годы, в связи с активным вмешательством человека в окружающую среду, наблюдаются нарушения равновесия баланса газов и примесей в содержании атмосферного воздуха. Нарушение баланса газов атмосферного воздуха приводит к необратимым последствиям на нашей планете.

Как говорил наш великий учёный – мыслитель Абу Али ибн Сина – «Если бы в воздухе не было пыли и дыма, человек мог бы прожить до 1000 лет»

В понятия «загрязнения атмосферы» подразумевает выброс в воздух вредных для среды веществ, которые меняют химические и физические свойства атмосферной среды.

В искусственное загрязнение воздуха, в первую очередь вносят свой вклад – автомобили 40%, второе – энергетическая промышленность -20%, третье - предприятия производственного сектора -14%, и последние - сельскохозяйственное производство, коммунальное хозяйство и прочие элементы промышленной деятельности -26%.

Загрязнения окружающей среды приводят к возникновению парниковых паров, которые в будущем приведут к неминувшим изменениям условий среды, приводят в большой угрозе всему живому на Земле. Поэтому, борьба за сохранение атмосферы считается важнейшей задачей и её загрязнение является глобальной проблемой, стоящей перед человечеством.

Как говорил американский метеорологический исследователь Луис Баттон: «Или люди уменьшат задымление воздуха или воздух уменьшит количество людей».

Американский учёный Л. Баттон, появившись над Лондоном в 1952 г. сказал о смоге, уничтожившего тысячи британцев течении 3-4 дней: «4 декабря на небосводе появилось тёмное облако, в воздухе ощущался запах гари, 5 декабря прекратился ветер, сгустился тёмный туман, сильно чувствовался запах и вкус горечи, который с каждым часом усиливался. Температура в полдень была -2 градуса, влажность достигла 100%. Загрязнение отравляющими газами городского транспорта и промышленных предприятий длилось ещё 2 дня. Все это сопровождалось слезливостью глаз и затруднённым дыханием. Всех страдающих лёгочными, сердечно-сосудистыми заболеваниями срочно госпитализировали. Лондонские больницы были переполнены. От стихии бушевавшей 4 дня погибло более 4000 лондонцев, многие получили серьёзные заболевания и вынуждены были долго лечиться, однако многие стали абсолютно негодными к трудовой деятельности».

Если человеку что-то очень нужно, то он говорит – «Мне это необходимо, как воздух» И действительно, человек может прожить без еды 5 недель, без воды 5 дней, но без воздуха не протянет и пяти минут.

Как видим из вышеизложенного, атмосферный воздух играет большую роль в жизни человека, но воздух имеет большое значение и в жизни природного равновесия. Поэтому первостепенной задачей является охрана окружающего воздуха и воспитание наших поколений в ключе экологического образования, что бы наше поколение обладало пониманием правильных решений в вопросах окружающей среды.

Существует множество способов предотвращения загрязнения воздуха. Устанавливаются очистительные установки на выхлопах производств, опасные производства выводятся из зоны мегаполиса. Особенное значение имеет переход на безотходные производства, упорядочивание эксплуатации транспорта: развитие метро и электрического транспорта, улучшение экологических свойств горючего, создание новых видов экологического транспорта, создание парков зелёных зон.

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ШИМОЛИЙ ҲУДУДЛАРИ ЭКОЛОГИК ХОЛАТИ

Нормуратов О.У., Алматов Б.Т., Имомова Л.И.*

Термиз давлат университети

Тожикистон алюминий заводи 1975 йилда экологик стандартларга риоя этилмадан, замон талабларига жавоб бермайдиган технологиялар асосида қурилган бўлиб, мажбурият қорхона атроф-муҳитни захарли бирикмалар билан зарарланган манбага айланди. “Тожикистон алюминий заводи” давлат унитар қорхонаси Душанбе шаҳри ғарбидан 60км (олтмиш километр) узоқликда, Турсунзода (Регар) шаҳри яқинида жойлашган.

Мавжуд маълумотларга қўра, у йилига 350-400 минг тонна алюминий ишлаб чиқариш қувватига эга. Қорхона Ўзбекистон Республикаси чегарасидан атиги 18 километр масофада жойлашгани боис мамлакатимизнинг Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё, Узун, Денов, Олтинсой ва Жарқўрғон туманларининг 1,1 миллион нафардан ортиқ аҳолиси унинг зарарли таъсири остида қолмоқда. “Талко”нинг саноат чиқиндилари Сурхондарё вилояти атроф-муҳити ва қишлоқ хўжалигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Биринчи навбатда, атмосфера ҳавоси ифлосланмоқда. “Талко” ДУК атмосферага ҳар йили ўртача 22-23 минг тонна захарли моддалар чиқармоқда. Уларнинг асосий таркибини олтингургурт ангидриди, азот оксидлари, фторли водород ва бошқа захарли моддалар ташкил қилади. Улар орасида фторли водород ўта хавфли бўлиб, бу модданинг атмосферага чиқарилиши йилига қарийб 122 тонна ташкил этади.

Шамол йўналишлари таҳлили шуни кўрсатадики, улар, асосан, шимолий ҳамда шимолий-шарқий йўналиши бўйича эсади ва бунинг натижасида завод

- зовурларга суғориш учун берилган сувни ташлаш ҳолатларининг олдини олиш.

ҚУРИЛИШДА ГЕОДЕЗИК РЕЖАЛАШ АСБОБЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ ТЎҒРИСИДА

Муборақов Ҳ.М., Юсупжонов О.Ғ.

Ўзбекистон Миллий университети

Кўп йиллар давомида анавий усуллар ҳамда асбоблар ёрдамида бажариб келинган геодезик режалаш ишлари, электрон геодезик асбоблар ва технологияларнинг яратилиши билан режалаш жараёнини автоматлаштириш, ҳамда геодезик ўлчашлар аниқлигини ошириш ва меҳнат унумдорлигини ўсишига сабаб бўлди.

Қадим вақтлардан бошлаб қурилишда геодезик режалашнинг асосий усуллари билан кутбий координатлар усули ҳисоблаб келинган.

1901 йилда “Брейтгаупта” фирмасининг Гаммер тахеометрининг пайдо бўлиши билан кутбий координата усули классик кўринишда қўллана бошланди. Тахеометр асбобининг доимий ривожланишига қарамай (такрорий теодолитлардан то автомат тахеометрларгача), кутбий координатлар усулида режалаш услуги ўз ҳолида қолди, яъни ахборотларни қайд қилиш, уларни камерал қайта ишлаш қўлда бажариб келинди.

Анавий асбоблар (Т30, 2Т30П) билан лойиҳа нуктани режалашда геодезик таянч нуктаси (станция)да туриб бошланғич йўналишидан лойиҳа горизонтал бурчакни қуриб топилган йўналиш бўйича лойиҳа масофа ўлчаб қўйилиб нукта ўрни жойга қўчириб келинган.

XX-асрнинг 70-йилларига келиб топографик-геодезик ишлаб чиқаришда кўп мамлакатларда оддий геодезик масалаларни реал вақт режимида ечишга қодир микро-процессор техникаси базасидаги тахеометрларни фойдалана бошланди («Carl Zeiss» фирмасининг ЕОТ 2000 ва бошқалар). Уларда ахборот (маълумот)ларни киритиш учун рақамли табло, клавиатура ва тезкор хотира билан жиҳозланди, ахборот (маълумот)ларни қайд қилиш қўлда журналга ёзиб бажарилар эди, чунки маълумотларни мобил қайта ишлаш воситаси (ЭҲМ) хали йўқ эди.

80-йиллар ўрталарига келиб ҳисоблаш техникасини ривожланиши натижасида Intel 286 процессорлари базасида даслабки ЭҲМ пайдо бўлди. Шунингдек, геодезик асбобсозлик ҳам ривожланиб борди. Асбоблар доимий хотирада сақловчи қурилма (ПЗУ) билан жиҳозланди. Бундан ташқари тахеометрлар маълумотларни қайта ишлаш учун ЭҲМ га узатиш имконини берадиган RS-232 интерфейси билан жиҳозланадиган бўлди. Кейинчалик тахеометрлар RS-232 билан бир қаторда маълумотларни узатиш жараёнини осонлаштириш имконини берадиган ахборот тўплагичлар (хотира карта) билан ҳам таъминланди.

Бундан ташқари асбобларнинг аниқлиги ҳам кескин ошди. Замонавий тахеометрлар билан бурчак ўлчаш аниқлиги 0,5" дан 5" гачани ташкил қилади. Чизиқ ўлчаш аниқлиги эса асбоб русумидан келиб чиқиб 1,5 - 5 мм га тенг. Электрон тахеометрларда ўлчанган чизиққа ҳарорат ва босим, Ер

* **Нормуратов Ойбек Улугбердиевич** - Термиз давлат университети “Экология” кафедраси ўқитувчиси
Алматов Баҳром Тухтамуродович - Термиз давлат университети “Экология” кафедраси ўқитувчиси
Имомова Лобар Иzzатуллаевна - Термиз давлат университети “Экология” кафедраси ўқитувчиси

Вилоятда ер ости сизот сувларининг минераллашиш даражаси 10 г/л дан юқори бўлган майдонлар жуда кам миқдорда бўлиб, 464 (0,16%) гектарни, ўтган йилнинг шу даврига 18 (0,006%) гектарни ташкил этган. 2015 йилнинг ўтган чораги ҳолатида эса бундай ер майдонлари қайд этилмаган.

Олинган маълумотлардан маълум бўлдики, 2015 йилнинг назорат даврида вилоят бўйича суғориладиган майдонлардаги ер ости сизот сувларининг минераллашиш даражаси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 41801 гектар майдонда турли даражада кўтарилган бўлса, 41872 гектар майдонда пасайган. Бундай майдонлар асосан; Бухоро туманида 3720, Вобкент туманида 1897, Ғиждувон туманида 23305, Жондор туманида 1337, Олот туманида 2218, Пешкў туманида 38, Шофиркон туманида 2049, Қорақўл туманида 2185, Қоровулбозор туманида 4556, Когон туманида 159, Ромитан туманида 337 гектарга кўпайган бўлса, мос равишда Бухоро туманида 3749, Вобкент туманида 1951, Ғиждувон туманида 23304, Жондор туманида 1340, Олот туманида 2218, Пешкў туманида 43, Шофиркон туманида 2053, Қорақўл туманида 2191, Қоровулбозор туманида 4505 гектарга камайганлигини кузатиш мумкин.

Вилоят бўйича суғориладиган майдонларда ер ости сизот сувларининг минераллашиш даражаси 1,0-3,0 г/л гача бўлган қисми 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 5506 гектарга кўпайган бўлса, 35867 гектарга камайганлиги маълум бўлди.

Минераллашиш даражаси 3,0 - 5,0 г/л гача бўлган майдонлар ҳажми вилоят бўйича тахлил қилинганда, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 32361 гектарга кўпайган бўлса, бор йўғи 5993 гектарга камайганлиги аниқланди.

Минераллашиш даражаси 5,0 - 10,0 г/л гача бўлган майдонлар асосан вегетация ва шўр ювиш мавсумида зовур сувлари билан суғориладиган контурларнинг худудида аниқланиб, вилоят бўйича жами 6892 гектарни ташкил қилади. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бу кўрсаткич 2364 гектарга кўпайган бўлса, мос равишда 12 гектарга камайганлиги аниқланган.

Минераллашиш даражаси 10,0 г/л дан юқори бўлган майдонлар ҳажми вилоят бўйича ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 446 гектарга кўпайган бўлиб, туманлар кесимида бу кўрсаткич куйидагича тақсимланган: Олот туманида 315, Бухоро туманида 82 ва Қорақўл туманида 49 гектар.

2015 йилнинг 1 октябр ҳолатида вилоят суғориладиган майдонларида ер ости сизот сувларининг минераллашиш даражасини ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, юзага келган ҳолатни бартараф этиш учун куйидаги чоралар лозим деб топилган;

- мавжуд зовурларнинг техник ҳолатини ўрганиб чиқиб, коникарсиз бўлган зовурларда шўр ювиш мавсумига қадар тозалаш ишларини ўтказиш;
- шўр ювиш даврида мавжуд тик-дренаж кудуқларининг барчасини ишчи ҳолатда бўлишини таъминлаш ва тўлиқ ишлатилишини назорат қилиш;
- зовур - дренаж тармоқларига сунъий тўсиқлар қўйилишининг олдини олиш;
- қувурли кесишмаларни доимий назоратда тутиб, уларнинг ишчи ҳолатда бўлишини таъминлаш;

атмосферага чиқараётган захарли моддаларнинг асосий миқдори 18-19 соат ичида ҳаво оқими орқали Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун, Денов,

Жаркўрғон ва бошқа туманларига тарқалиб, бу ердаги худудларни захарламоқда.

Масалан, 2006-2011 йилларда Сариосиё тумани худуди атмосфера ҳавосида фторли водород таркиби рухсат этилган ўртача йиллик концентрация миқдоридан 1,8-2 баробар ошганини кўрсатмоқда. Айниқса, ёзда фторли водороднинг юқори даражада қуюқлашиши кузатилмоқда ва бу кўрсаткич рухсат этилган концентрация миқдоридан 3,4 баробар кўпдир.

Атмосфера ҳавосида фторли водород миқдори кўпайиб бораётгани оқибатида тупроқ, сув ресурслари зарарланмоқда, кишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги, чорвачилик маҳсулдорлиги пасайиб кетмоқда, шунингдек, аҳоли саломатлиги ва генофондига салбий таъсир этмоқда. Айни пайтда зарарланиш манбаидан 150 километр радиусдаги худудлар сувда эрийдиган фтор билан захарланган. Қайд этилган худудларда кўп йиллар мобайнида фтор тўпланиб, кучли таъсир кўрсатаётгани натижасида тупроқ таркиби бутунлай ўзгариб кетган ва бу ҳолат унинг кимёвий-биологик вазифаси бузилиши ҳамда экологик вазиятнинг ёмонлашувига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, чорва молларнинг таркибида фтор юқори бўлган ўсимликларни истеъмол қилиши уларнинг организмида жиддий физиологик ўзгаришлар, яъни кальций ва йод баланси бузилиши, тишларининг қимирлаб қолиши ва тушиши, найчасимон суяклари қийшайиши, бўғинлари шикастланиши, флороз, касалликларининг пайдо бўлиши ва бошқа касалликларга чалинишига сабаб бўлмоқда.

Мисол учун, клиник тадқиқотлар шуни кўрсатдики, Сариосиё туманида 3-5 ёшдаги ҳайвонларнинг 80-90 фоизининг тишларида қора доғлар, уларнинг едирилиши, тешилиши ва оқибатда тушиши кузатилмоқда. Озуқа ва биоматериаллар таркибида фторнинг юқори даражада бўлиши ҳайвонлар организмида жиддий ўзгаришларга олиб келмоқда ва бу уларнинг чала насл бериши, муҳитга чидамлилигининг пасайиши, яроксизлигига ва ўлик насл туғилишига сабаб бўлмоқда.

Бу туманларда қорамолларнинг ўртача солиштирма оғирлиги вилоятнинг бошқа туманларига қараганда 15-20 килограммга кам. Бундан ташқари, тадқиқотлар давомида сутда фтор қуюқлиги рухсат этилган концентрация миқдоридан 9-13, гўшда 10,9 фоизга ошгани аниқланди.

Сурхондарё вилоятининг кўрсатиб ўтилган туманларида болалар ва катта ёшли аҳолининг патологик ўзгаришлар бўйича касалланиши вилоят бўйича ўртача кўрсаткичдан 3 баробар юқоридир. Айни вақтда 2011 йилда Узун туманида аҳолининг умумий касалланиши 2006 йилдагига нисбатан 24,2, Сариосиё туманида 12,7 фоизга, нафас олиш органлари касалликлари сони 3,4, эндокрин тизими касалликлари 2,8 баробар, овқат ҳазм қилиш органлари 27,7, шунингдек, қон ва қон ҳосил қилиш органлари касалликлари 29,4 фоизга ошгани қайд этилди.

Энг хавфли томони шундаки, “Талко” ДУК атмосферага чиқараётган моддалар аҳоли саломатлиги ва генофондига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Алюминий олишда фторли водороддан ташқари, катта миқдорда углерод ва олтингугурт оксидларининг заҳарли газлари ҳам ажралиб чиқади. Улар инсонда йирингли бронхит, ўпканинг сурункали шамоллаши, бош айланиши, мигрень ва қон босими ошишига сабаб бўлади. Айниқса, заҳарли чиқиндилар хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигига хавfli таъсир кўрсатмоқда.

“Талко” ДУК таъсири минтақа яшаётган Сарийосиё тумани аҳолиси саломатлигини текшириш натижалари умумий касалликлар таркибида куйидаги хасталиклар кўп учрашини кўрсатди: — нафас олиш органлари (2006 йилдаги 24 фоиз ўрнига 2011 йилда 27,8 фоиз); — овқат ҳазм қилиш органлари (12,6 фоиз ўрнига 14,7 фоиз); — эндокрин тизими (11,2 фоиз ўрнига 14,1 фоиз); — қон ва қон ҳосил қилиш органлари (12,6 фоиз ўрнига 15,3 фоиз). Атроф-муҳитнинг аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши оқибатида юқорида қайд этилган туманларда ўртача умр кўриш кўрсаткичлари аёлларда 68, эркекларда 65 ёшни ташкил қилмоқда. Ҳолбуки, республикамиз бўйича бу кўрсаткич аёлларда 75, эркекларда эса 72 ёшни ташкил этади.

Аҳоли саломатлигини тиклаш ва генофондини сақлашга Давлат бюджети ҳисобидан 20,8, аҳоли томонидан 10,4 миллион доллар сарфланмоқда. Шулар қаторида флюороз касаллигини даволаш харажатлари 16,07, хотин-қизлар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш учун 0,75, қон ва қон ҳосил қилиш органлари касалликларини даволаш учун 4,8, эндокринологик ва овқат ҳазм қилиш органлари касалликларини даволаш учун 3,3, нафас олиш органлари касалликларини даволаш учун 3,9 миллион доллар йўналтирилмоқда.

Бунда фақат 2007 — 2011 йилларда етказилган иктисодий зарар миқдори 156 миллион доллардан ортиқ бўлганини алоҳида қайд этиш жоиз. 2007 — 2011 йилларда 16 ёшгача бўлган ногирон болалар, шунингдек, 16 ёшдан катта ногиронлар эҳтиёжлари учун Давлат бюджетидан 28 миллион доллар сарфланди. Шу тариқа, “Талко” ДУК томонидан сўнгги беш йилда Ўзбекистонга етказилган жами иктисодий зарар 447,3 миллион долларни ташкил этди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, вилоятдаги экологик муаммолар кун сайин кескин тус олиб бормоқда, шу боис воҳадаги экологик вазиятни тўғри баҳолаган ҳолда умумий экологик билимларга таяниб кенг жамоатчилик ва экологик ташкилотларни ушбу муаммоларни ечишга чақириш, шунингдек, табиий воситаларни асраб-авайлаган ҳолда ёш авлодга экологик маданият, экологик онг тушунчаларини шакллантиришдан иборат.

бошқармаси қошидаги мелиоратив экспедиция ҳодимлари томонидан суғориладиган майдонларда ер ости сизот сувларининг минераллашиш даражаси ўрганилиб, олинган маълумотлар асосида харита тузилади. Харитада йилнинг ҳар бир чораги учун вилоятнинг суғориладиган экин майдонлари кесимида ер ости сизот сувлари минераллашиш даражаси белгиланиб, ундаги маълумотлар йилнинг мос даври ва чорак маълумотлари билан таққослаш орқали ўзгаришини аниқлаш мумкин бўлади.

Шунингдек, харитадан олинган маълумотларни киёслаш йўли билан вилоятнинг суғориладиган экин майдонларида ер ости сизот сувлари минераллашиш даражаси ўзгаришига қараб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ўзгариши салбий кўрсаткичларининг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг прогноз кўрсаткичлари ва кўп йиллик ўзгаришлар амплитудаси аниқланади.

Харитани тузишда вилоятдаги мавжуд ер ости сизот сувларининг минераллашиш даражаси ўрганиладиган барча турдаги назорат нуқталаридан бир вақтнинг ўзида олинган сув намуналарининг кимёвий таҳлил натижалари асосида тайёрланган маълумотлардан фойдаланилади. Таҳлиллар мелиоратив экспедициянинг кимёвий лабораториясида “ИКС ЭКСПРЕСС” кондуктометри ёрдамида ва стационар таҳлил усулида амалга оширилади.

Бухоро вилояти суғориладиган экин майдонларида ер ости сизот сувларининг минераллашиш даражасини 2015 йил 1 октябр ҳолатида аниқлаш мақсадида куйидаги тадқиқот ишлари амалга оширилган. Таҳлил учун сув намуналари вилоятдаги жами 3044 та назорат қудуқлари сувлардан белгиланган тартибда ҳар ойнинг 1-2-3 ўн кунликларида олинган. Кўмилган ҳамда таъмирланаётган назорат қудуқлари ўрнига 47 дона вақтинчалик қазилган кузатув қудуқларидан сув намуналари олинган. Шунингдек, Геология қўмитаси ҳисобидаги 19 дона кузатув қудуқларидан ҳам сув намуналари олинди, кимёвий таҳлиллар қилинган ва натижалари ҳисобга олинган.


Олинган маълумотларга кўра назорат даврида вилоят ҳудудида ер ости сизот сувларининг минераллашиш даражаси 0,1 - 1,0 г/л гача бўлган суғориладиган ерлар майдони 1124 (0,40%) гектарни ташкил этиб, 2015 йилнинг ўтган чораги ҳолатида бу кўрсаткич 281 (0,10%) гектарни ташкил этган. Ўтган йилнинг шу даврида эса бундай ерлар деярли бўлмаган. Шунингдек, ер ости сизот сувлари минераллашиш даражаси 1,0-3,0 г/л гача бўлган майдонлар умумий суғориладиган ер майдонига нисбатан 157585 (57,2%) гектарни, ўтган йилнинг шу даврида эса бу кўрсаткич 187946 (68,3%) гектарни ва жорий йилнинг ўтган чораги ҳолатида 167391 (60,8%) ни ташкил қилган.

Ер ости сизот сувларининг минераллашиш даражаси 3,0-5,0 г/л гача бўлган майдонлар 108965 (39,6%) гектарни, ўтган йилнинг шу даврига 82597 (30,0%) гектарни ва 2014 йилнинг ўтган чораги ҳолатида эса 100883 (36,6%) ни ташкил қилган.

Худди шундай, ер ости сизот сувларининг минераллашиш даражаси 5,0-10,0 г/л гача бўлган майдонлар 6892 (2,5%) гектарни, ўтган йилнинг шу даврига 4540 (1,65%) гектарни ва ўтган чорак ҳолатида 6475 (2,35%) гектарни ташкил қилган.

qabul qiladi. Aynit 2016-yilni yanvar oyi holatiga inshootga 86-87 ming m³ oqova suv qabul qilinmoqda. Ko'rinib turibdiki, loyihaviy quvvatiga nisbatan 74-75 foizni tashkil qilmoqda. Navoiy shahridagi barcha korxonalar tashkilot muassasalarga va shuningdek, aholi uylariga issiq va sovuq suvlar uchun suv o'lchagichlar 90-92 foizga o'rnatilishi hisobiga suvni iqtisod qilishga erishilmoqda. Oqova suvni tozalash inshootiga 2016-yilda davomida 31 mln 755 min m³ suv qabul qilingan bo'lib, biologik usulda tozalangandan so'ng to'rtidan bir qismi ya'ni 7,9 mln m³ suvni iqtisod qilish maqsadida jamiyatning ishlab chiqarish jarayoniga qaytariladi.

Zarafshon daryosi suvi tarkibining minerallashish ko'rsatkichi



Ko'rinib turibdiki yildan yilga suvni iqtisod qilish undan samarali foydalanish ishlari oldinga surilib bir qator tadbirlar bajarilib kelinmoqda. Tozalangan oqova suvni uch qismi Karmana tumanining Yangi Ariq QFY, Uyrot QFY va Durman QFY hududidagi mavjud fermer xo'jalik yerlaridagi texnik ekinlarni sug'orishga foydalanilmoqda. Tozalash inshootini aholini o'sishiga qarab, hamda korxonalar tashkilotlar ko'payishiga nisbatan modernizatsiya qilish va kengaytirish maqsadga muvofiq bo'ladi.

БУХОРО ВИЛОЯТИ СУҒОРИЛАДИГАН ЭКИН МАЙДОНЛАРИ ЕР ОСТИ СИЗОТ СУВЛАРИНИНГ МИНЕРАЛЛАШИШ ДАРАЖАСИНИ АНИҚЛАШ

Юлдашов М.Х., Юлдашева М.Б., Шарапова Г.В.

Навоий давлат педагогика институти

Бухоро вилояти суғориладиган экин майдонларида ер ости сизот сувларининг минераллашиш даражасини доимий назорат қилиб бориш мақсадида йилнинг ҳар чорағида “Аму-Бухоро” ирригация тизимлари ҳавза

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ Нормуратов О.У., Турсунов У.Ф., Авлиякулов А.И., Хамраев А.А.* Термиз давлат университети

Ўзбекистонда эришилятган тараққиётни барқарор суръати иқтисодиётини ислох қилишнинг бешта муҳим таъмоилига асосланган ва дунё ҳамжамияти томонидан иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг “Ўзбек модели” сифатида тан олинган йўлнинг нақадар тўри эканлигидан далолатдир.

Сўнги йилларда эришилган натижалар, мамлакатимиз нафақат глобал инқироз таҳдидларга қарши тура олиш, балки иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг барқарор суръати, юқори ҳаёт даражаси ва халқ фаровонлигини ҳам таъминлаганини кўрсатмоқда. Ўзбекистон бозор иқтисодиёти тамоиллари асосида ҳуқуқий демократик давлатни муваффақиятли шакллантириш баробарида табиатга маданиятли муносабатда бўлиш меъёрларига ҳам амал қилмоқда. Туб иқтисодий ислохотларни амалга ошираётган барча мамлакатлар каби юртимиз учун ҳам барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришишнинг экологик жиҳатларини ҳисобга олиш эҳтиёж ҳисобланади. Экологик омилнинг қатъий хусусияти шундай шартлар билан боғлиқки, унга кўра, мамлакатнинг умумий ижтимоий-иқтисодий ривожини олдиндан айтиш мумкин.

Орол денгизи сув сатҳининг кескин пасайиши туфайли юзага келган экологик фожиа орол ҳавзасидаги экологик барқарорликни қарийиб издан чиқарди. Жумладан, нафақат ичимлик суви, балки ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг деярли барча жавҳзвлари учун ҳам сезиларли даражада оби-ҳаёт тақчиллиги юзага келди. Шу боис жаҳон ҳамжамияти Марказий Осиё минтақасида дунёдаги энг жиддий экологик фалокат ўчоғи пайдо бўлганини аллақачон тан олган. Шунинг учун ҳам сўнги бир неча ўн йиллик давомида бутун дунё сайёрамизнинг табиий-иқлим ва сув-экология бўйича барқарорлигини сиёсий жиҳатдан ва давлатлараро муносабатлар билангина чегаралаб бўлмаслигини англаб етди. Чунки ушбу экологик муаммо Орол бўйи ҳавзасида яшовчи кўп миллионли аҳолининг турмуш тарзига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Бу экологик таназзул бир-бирига узвий боғлиқ бўлган ва глобал аҳамият касб этувчи ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг яхлит ҳамда мураккаб мазмунни вужудга келтирди. Бу-фожиа юз берган ҳудуд учунгина хос бўлмай, балки глобал оқибатларга олиб келиши мумқунлигини бутун дунё кўз ўнгида исботлади. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислоҳ Каримов “Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тарақиёт қафолатлари” асарида тақидлаганидек: “Дарёлар оқими асосан Қирғизистон ва Тожикистон тоғларидан бошланади. Шу билан бирга, Орол денгизи ҳавзасининг чекланган

*Нормуратов Ойбек Улуғбердиевич - Термиз давлат университети “Экология” кафедраси ўқитувчиси.
Турсунов Улуғбек Фахриддинович – Термиз давлат университети талабаси
Авлиякулов Анвар Илҳом ўғли – Термиз давлат университети талабаси
Хамраев Акмалжон Азамқул ўғли – Термиз давлат университети талабаси

сув заҳираларини биргалашиб, келишган ҳолда бошқариш муаммосини амалий ҳал қилиш талаб этилади.

Оролнинг бутунлай қуриб қолишидек экологик фожианинг тезлаштиришига ҳамда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Туркменистоннинг ушбу минтақадаги ўн миллионлаб аҳолиси яшаш шароитини ниҳоятда оғир аҳволга солади.

Ўзбекистон Орол бўйидаги муаммоли вазиятни юмшатишга қаратилган Марказий Осиёдаги атроф-муҳит муҳофазаси бўйича минтақавий ҳамкорлик жараёнларида фаол қатнашмоқда. Мамлакатимиз Оролни қутқариш халқаро жамғармасини ташкил этиш (Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йилги Қозоғистоннинг Қизил Ўрда шаҳридаги қарори) ҳамда табиий ресурсларни бошқариш, атроф-муҳит муҳофазаси ва барқарор ривожланиш бўйича муаммоларни ҳал этишга, бу бордаги фаолиятни мувофиқлаштиришга йўналтирилган Барқарор ривожланиш ва сув хўжалигини бошқариш давлатлар аро комиссиясини ташкил этиш бўйича ташаббускорлардан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2008 йилнинг март ойида Тошкентда “Орол муаммоси: унинг аҳоли, ўсимлик ва ҳайвонот олами генофондига таъсири, унинг оқибатларини юмшатиш бўйича халқаро ҳамкорликдаги чоралар” бўйича халқаро конференция ўтказилди. Анжуман доирасида декларация қабул қилиниб, халқаро ташкилотларга, молия институтларига, хорижий ва бошқа давлатларга орол бўйидаги иқлим ўзгариши бўйича юзага келган ҳолатни яхшилашга қаратилган қатор лойиҳалар тақдим этилди. Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этиш бўйича Ўзбекистон республикаси ҳукумати томонидан орол денгизи ҳавзасидаги экологик вазиятни ва ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилаш бўйича аниқ ҳаракатлар Дастури доирасида диққатга сазовор амалий фаолият олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат орол фожиясининг кўлами шунчалик кенг ва мураккабки, уни бутун бир яхлит ҳолатда ва албатта, халқаро ҳамкорликни мустахкамламай туриб, жаҳон ҳамжамиятининг кўмагисиз бартараф этиш ниҳоятда мушкул. Шунингдек Маказий Осиёда юзага келаётган кўпгина экологик муаммолар глобал миқёсида бўлиб, уларни фақат бир давлат кучи билан бартараф этишнинг иложи йўқ.

Бу ўринда орол денгизи ҳавзасида юзага келган экологик фожеа муносабати билан Марказий Осиё давлатлари томонидан биргаликда кўрилаётган чоралар ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатларнинг самараси ниҳоятда катта эканлигини исботлаб берди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ўз фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган ва барча йўналишдаги ижтимоий-иқтисодий сиёсатни босқичма-босқич экологиялаштириш бўйича собитқадамлик йўлини танлагани ибратга моликдир.

Шуни алоҳида айтиш ўринлики, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг атроф-муҳитга таъсирининг узоқ муддатга мўлжалланган башоратлари асосидаги яхлит ижтимоий-иқтисодий ва экологик сиёсат юритилиши талаб этилади.

Jami	501,75	504,20	330000	108300	99850	124856
------	--------	--------	--------	--------	-------	--------

Bizga ma'lumki, O'rta Osiyo sharoitida daryo suvlarining 95% dan ortig'i sug'orishga sarflanadi. Sug'oriladigan suvning sifatiga qo'yiladigan talab masalalari bilan bir qator olimlar shug'ullanib kelmoqdalar Kovda-1946, Rabichov-1964, Minashina-1973, Rahimbekov va Ibrohimov-1978, Ramazonov va Rajabov-1980 va boshqalar, lekin haligacha bu masalani yetarlicha o'rganilmagan.

Sug'oriladigan suvlar tarkibida qanday tuzlar borligini bilish talab qilinadi. Sug'oriladigan suvning sifatini hamda unga qo'yiladigan mezonlarni ko'rib chiqamiz:

1. Suvning tarkibida soda (Na_2Ca_3) bo'lmasligi kerak, chunki u o'simlikning qarib qolishiga olib keladi;
2. Suvning tarkibida xlorid tuzlar NaCl , MgCl_2 , CaCl_2 lar kam miqdorda bo'lsa ham o'simlik yaxshi rivojlanmaydi;
3. Sulfat tuzlari Na_2SO_4 , MgSO_4 zaharli tuzlar hisoblanadi;
4. CaSO_4 , MgCO_3 va CaCO_3 tuzlar o'simlikning rivojlanishiga, o'sishiga aytarli darajada zararli ta'sir ko'rsatmaydi.

Navoiy viloyati hududida suv resurslarini muhofaza qilish va ulardan ratsional foydalanish maqsadida shartli tozalangan oqova suvlardan kengroq samarali foydalanish borasida bir qator ijobiy natijalarga erishildi. Jumladan, “Navoiyazot” OAJ tomonidan 45 mln m^3 maishiy oqova suvlar qabul qilinib, biologik usulda tozalangan keyin 58% texnik ekinlarni sug'orishga, 30% ishlab chiqarishga, 12% Zarafshon daryosiga tozalanib oqiziladi. Qo'mita huzuridagi Analitik nazoratga ixtisoslashtirilgan inspeksiya tomonidan oqova suvlar ifloslanishi bo'yicha monitoring dasturiga kiritilgan salmoqli 481 ta manbalardan 510 marta namunalar olinib, 13635 marta tahlil ishlari olib borilgan.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2013-yil 27-maydagi “2013-2017-yillarda O'zbekiston Respublikasida atrof-muhit muhofazasi bo'yicha harakatlar Dasturi to'g'risida”gi 142-sonli qarori asosida Navoiy viloyatida atrof tabiiy muhitni muhofaza qilish bo'yicha hududiy 23 ta banddan iborat dastur qabul qilingan va dasturda ko'rsatilgan ishlar bosqichma-bosqich amalga oshirilib kelinmoqda. Monitoring o'tkazilish jarayonidan shu narsa aniq bo'ldiki, hududda suv resurslarini muhofaza qilish va ulardan ratsional foydalanish maqsadida shartli tozalangan oqova suvlardan kengroq samarali foydalanish borasida bir qator ijobiy natijalarga erishildi. Yil davomida olib borilgan monitoring natijalariga ko'ra viloyat hududiga kirib kelayotgan Zarafshon daryosida muallaq moddalar miqdori 124.8 mg/lni, chiqish qismida esa 119.1 mg/l ni tashkil qiladi. Zarafshon daryosi suvi minerallashishi 2013-, 2014-, 2015-yillarga nisbatan ancha kamaygan. Nitrit ionlari 0,092 mg/l, nitrat ionlari 2016-yilda 22.4 mg/l ni tashkil qiladi. Afsuski aholi o'rtasida olib borilgan tushuntirish ishlari matbuotda va radio-televizorlarda olib borilishiga qaramasdan Zarafshon daryosiga qo'yiladigan kollektorlar aholi yashash joylaridan oqib o'tib, o'z yo'lida aholi tomonidan tashlangan maishiy xo'jalik chiqindilari bilan ifloslanmoqda.

Navoiyazot ochiq aksionerlik jamiyati hisobida oqova suvlarni qabul qilish inshooti mavjud bo'lib, loyihaviy quvvati bir kecha kunduzda 117 ming m^3 suv

19	Хончорбоғ магист.	Пастарғом	10,75	24	1,439
20	КРС	Пастарғом	46,3	20	10,274
21	Видел-4	Пастарғом	2,83	3,5	1,362
22	МР-1	Пастарғом	17,5	5,0	0,198
23	МР-2	Пастарғом	2,61	3,0	0,269
24	Янги ер	Пастарғом	10,5	4,0	0,055
	Жами		374,64		67,500

Изоҳ: L-каналнинг узунлиги, Q-канал ўтказиши мумкин бўлган энг катта сув сарфи, F-канал суғорадиган ер майдони.

Дарғом канали сувидан нафақат қишлоқ хўжалик экин майдонларини сув билан таъминлашда, балки уммумий қуввати 40 МВт бўлган тўртта турли кучланишли ГЭС лар - Хишрав 21,9 МВт, Иртишар 6,4 МВт, Толлиғулон-1 3 МВт, Толлиғулон-3 8,8 МВт ГЭС ларидан электир энергияси олиш мақсадида фойдаланиб келинмоқда.

Юқорида баён этилганларга хулоса қилиб айтганда Зарафшон дарёсининг Ўзбекистон қисмида антропоген гидрографик тармоқлари жуда қадимдан шакллана бошлаган. Дарғом канали ҳам қадимдан ҳозирги кунгача турли даврларда турлича номлар билан номланган ва халқ хўжалигининг турли тармоқларини сув билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этади

ZARAFSHON DARYOSI SUVI TARKIBI VA MUHOFAZASI MASALALARI

Shodiyev S.R., Narzullayev N.X.

Navoiy davlat pedagogika instituti

Zarafshon daryosi havzasining O'zbekiston qismidagi daryolar va soylar 2064 tani tashkil eadi. Shundan 1941 tasi 10 km dan kichik bo'lib, ularning umumiy soniga nisbatan 94 % ni tashkil etadi. Havzada 10-15 km oraliqdagi soylarning soni 60 ta, 16-20 km oraliqda -20 ta, 21-30 km oraliqda – 20 ta, 31-50 km oraliqda – 19 ta, 51-75 km oraliqda – 1 ta va uzunligi 75 km dan katta bo'lgan soylar 3 tani tashkil etadi.

Navoiy viloyatini asosan ichimlik va texnik suv bilan Zarafshon daryosi ta'minlab, qisman Amudaryo suvidan foydalaniladi. Qiziltepa va Karmana tumanini 4/3 qismi ya'ni Malikcho'l zonasini Amu-Buxoro kanali suv bilan ta'minlaydi, shu bilan bir qatorda Uchquduq va Zarafshon shahar aholisi Amudaryo suvidan suv ichadi. Navoiy viloyat hududidan o'tuvchi Zarafshon daryosining muhofaza mintaqasi 6966,1 ga qirg'oq oldi yerlari 1131,1 ga ni tashkil etadi.

Navoiy viloyati sug'oriladigan ekin maydonlariga suv yetkazib berish

Tumanlar nomi	Limit mln.m ³	Amalda mln.m ³	Jami sug'orilgan maydonga	Shundan		
				Paxtaga	G'allaga	Boshqa ekinga
Xatirchi	18,50	18,8	14780	6070	4900	3810
Navbahor	247,36	252,4	165656	62840	46340	56476
Konimex	47,02	47,3	29780	4720	9420	15640
Qiziltepa	23,6	23,6	17080	8160	4850	4070
Karmana	126,61	123,5	81110	26510	26040	28560
Nurota	38,6	38,6	24600	-	8300	16300

REKREATION SALOHİYATNING TABIIY SHART-SHAROITLAR BILAN BOG'LIQLIGI

Otajonov Sh.E. Berdiyev G'.X., Otajonova S.R.

Qo'qon davlat pedagogika universiteti

Tabiiy resurslar ishlab chiqarishni joylashtirish va rivojlantirishda asosiy omillardan hisoblanadi. Tabiiy resurslar tushunchasini ta'riflash-dan oldin, bu tushunchaning ko'pchilik mualliflar tomonidan turlicha talqin qilinishini aytib o'tish kerak.

Akademik I.P.Gerasimov bilan professor D.L.Armandlar tabiiy resurslarga, bizning nazarimizda, eng to'liq ta'rif berganlar: "Tabiiy resurslar kishilar bevosita tabiatdan oladigan va ularning yashashlari uchun zarur bo'lgan xilma-xil vositalardir".

Iqlim resurslari - atmosfera havosi, shamol energiyasi va yog'inlardan iborat bo'lib, bitmas-tuganmasdir. Biroq, atmosferaning tarkibi va u bilan bog'liq bo'lgan sifati mexanik aralashmalar, sanoat va transport gazlari hamda radioaktiv moddalar bilan ifloslanishi natijasida ancha keskin o'zgarishi mumkin. Havo tozaligi uchun kurash resursni muhofaza qilishning eng muhim vazifalaridan biridir.

Kosmik resurslarga quyosh radiatsiyasi hamda dengiz suvlarining ko'tarilish va pasayishi (qalqishi) energiyasi kirib, ular ham amalda bitmas-tuganmasdir. Lekin, ular insonning faol xo'jalik faoliyati ta'siri ostida o'zgarishi mumkin. Masalan, katta sanoat shaharlarida atmosfera tarkibining o'zgarishi, ya'ni ifloslanishi, quyosh radiatsiyasi miqdoriga ta'sir qiladi. Chunonchi, atmosfera tarkibida karbonat anhidrid gazining orta borishi radiatsiya miqdorining proporsional ravishda ortishiga sabab bo'ladi. Demak, atmosfera havosini muhofaza qilish, avvalo, uning tozaligi uchun kurash demakdir.

Tabiatning inson uchun ahamiyati. Tabiat va uning boyliklari inson uchun nihoyatda xilma-xil: iqtisodiy, sog'lomlashtiruvchi, tarbiyaviy, estetik va ilmiy ahamiyatga ega. Shunga muvofiq, tabiatni muhofaza qilish muammosi quyidagi asosiy jihatlarga bo'linadi.

1. Iqtisodiy jihat.Tabiatning moddiy ishlab chiqarishdagi ahamiyati aniq va ravshandir. Tabiat va mehnat - insonga kerak bo'lgan moddiy farovonlikning bosh manbalaridir. Inson iste'mol qiladigan har qanday mahsulot o'simliklar yoki hayvonlar, tuproq unumdorligi, foydali qazilmalar, havo va suv, quyosh radiatsiyasi yoki er ostining issiqliklari evaziga hosil qilinadi.

2. Ilmiy jihat.Tabiatni muhofaza qilish va undan oqilona foydalanish, avvalo, tabiat qonunlarini tadqiq qilish va ularga qat'iy amal qilishni taqozo etadi. Bunda tabiatning bir butunligi, doimiy o'zgarishda va rivojlanishda ekanligi, landshaftlarning ma'lum darajada o'zini-o'zi tiklash imkoniyati mavjudligi, ularning zonal-regional tarqalish va boshqa qonuniyatlarini chuqur tushunib yetishi tabiatdan to'g'ri foydalanishdagi asosiy shartdir.

3. Sog'lomlashtirish- gigienik jihat. Tabiatning sog'lomlashtiruvchi ahamiyati har bir kishiga ma'lum. Sof havo, toza, musaffo suvdan bahramand bo'lish, o'rmonda dam olish, dengizda cho'milish, tog'larga sayohat qilish va hokazolar inson sog'ligiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi va davolashda keng foydalaniladi.

Binobarin, havo, suv va yer qancha toza bo'lsa, suv havzalari, o'rmonlar, parklar, bog'lar qancha ko'p bo'lsa, aholining sog'ligi uchun shuncha yaxshi sharoit yaratiladi. Biroq, keyingi vaqtlarda yirik industrial rayonlarda atmosfera havosi, suvlar va tuproqlar ifloslanishining kuchayishi hamda tabiatning o'zgarishi munosabati bilan aholining sog'ligi uchun xavf vujudga kelayapti. Shuning uchun ham keyingi vaqtlarda tabiatni muhofaza qilishning sog'lomlashtirish-gigienik jihatiga, ya'ni qulay ekologik sharoit yaratish masalasiga nihoyatda katta ahamiyat berilmoqda.

Tabiatni muhofaza qilishning tarbiyaviy jihati shundan iboratki, tabiat qo'ynida bo'lish, kishiga yaxshi ta'sir ko'rsatib, uni xushfe'lroq, muloyimroq, olijanob qiladi, unda yaxshi hislar uyg'otadi. Tabiatning yoshlarni yuksak estetik ruhda tarbiyalashdagi roli, ayniqsa katta. Tabiat bilan to'g'ri munosabatda bo'lish yoshlar ongini har tomonlama rivojlantirib, ularda kuzatuvchanlikni o'stiradi, xarakterining yaxshi tomonlarini shakllantiradi, yuksak vatanparvarlik hissiyatini va tabiatga nisbatan ehtiyotlik bilan munosabatda bo'lish istagini ro'yobga chiqaradi. Shuning uchun ham tabiatni muhofaza qilishning tarbiyaviy jihati juda muhim ahamiyatga ega.

Tabiatni muhofaza qilishning estetik jihati. Tabiat insonning ma'naviy boyligiga katta ta'sir ko'rsatadi. Tabiat kishilik jamiyatining barcha bosqichlarida san'atning ilhomchisi, buyuk ijodning manbai bo'lib kelgan. Yozuvchilar, rassomlar va bastakorlarning eng yaxshi asarlarida tabiatning go'zal manzaralari tasvirlangan. Tabiat go'zalligi ijodiy kayfiyat yaratadi, ijodkorga ko'tarinki ruh beradi, odamda ijobiy his-hayajon uyg'otadi, did, his va tuyg'ularni tarbiyalaydi. Tabiatni muhofaza qilishning bu barcha jihatlarini ma'lum darajada shartli ravishda ajratilgan bo'lib, aslida ko'pincha ular o'zaro chambarchas bog'liqdir.

Hozirgi kunda, ya'ni fan-texnika taraqqiyoti davrida tabiatga va uning boylıklariga ta'sir ko'rsatish tobora ortib bormoqda. yerlardan maksimal foydalanish, yangi yerlarni o'zlashtirish, yer osti boylıklarini qidirib topish va ularni ishga solish, suv, tuproq, o'simlik, hayvon resurslaridan foydalanish ko'lami kengaymoqda. O'z taraqqiyotini oldindan uzoq muddatga mo'ljallay oladigan va tabiiy resurslardan o'zi belgilagan maqsadi yo'lida foydalanish imkoniga ega bo'lgan jamiyatgina tabiatdan oqilona foydalana oladi, degan xulosa chiqadi.

Tabiiy boylıklardan oqilona foydalanishda tabiatda ro'y beradigan asosiy jarayonlarning rivojlanishi va o'zaro ta'siri qonuniylari haqidagi bilim katta ahamiyatga ega. Busiz tabiiy jarayonlarga baho berish, ularni hisobga olish, tabiatga ko'rsatilgan har qanday ta'sirning kelajak-dagi oqibatini bilish mumkin emas. Insonning tabiat bilan o'zaro ta'siri jamiyat taraqqiyoti, ishlab chiqarish usullari mukammalasha borgan sari jadallashadi va uning samaradorligi oshib boradi.

Bir siyosatchi va davlat arbobi shunday degan- "Tabiat qonunlari hisobga olinmasdan tuzilgan har qanday loyiha, insonlarga faqat baxtsizlik keltiradi". Hozirgi zamon qurilish texnikasi, transporti, aloqa vositalari katta shaharlarda ilgari manzilgohlarga qaraganda, yuzlab, minglab marta ko'p aholi joylashishiga, melioratsiya cho'llarni bo'stonga aylanti-rihga, selektsiya esa hosildor ekin, mevalar, mahsuldor mollar yaratishga imkon beradi. Sanoat rivojlanishi bilan atrof

XVIII asrda kanal suvi kўpайиши натижасида тошқинлар юзага келади (Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2000-2006). Натижада, канал тўғони бир неча марта ювилиб кетган. 1920-1930-йилларда Равотхўжа тўғони қайта реконструиркция қилиниб, катта инженерлик иншоотиға айлантирилди ва сув таксимловчи қўшимча тўғонлар қурилди. Ҳозирги кунда Дарғом каналининг узунлиги 100 км, сув сарфи 100 м³/сек, бошланиш жойининг баландлиги 880 м, максимал сув сарфи текислик қисмида 125 м³/сек дан баъзи жойларда 180 м³/сек гача етади. Вегетация даврида Самарқанд вилоятининг 67 500 гектар, Дарғом канлидан сув оладиган Эски Анхор канали оркали Қашқадарё вилоятининг Чирокчи, Шахрисабз, Яккабоғ, Қамаши ва Китоб туманларини 50 000 гектар экин майдонларини сув билан таъминлайди. Дарғом каналидан Самарқанд вилоятининг Ургут, Тайлоқ, Самарқанд, Пастдарғом ва Нуробод туманлари қишлоқ селитеб ландшафтлари ва экин майдонларига сув етказиб бериш тармоқлари қуйида келтирилган.

Дарғом канали Равотхўжа тўғонидан қуйида учта тармоққа ажралиб, Янги Дарғом, Эски Дарғом ва Айланма Дарғом номлари билан оқади. Янги Дарғом канали Ургут туманининг тоғолди тексликларини сув билан таъминлаш мақсадида қурилган бўлиб, Эски Дарғом каналига оқим бошланиш қисмида 600 метр масофада ер ости тунелидан ўтиб 10.5 км қуйида қўшилади ва каналининг сувини кўпайишиға имкон беради. Айланма Дарғомнинг максимал сув ўтказиш қобилияти 70 м³/сек ни ташкил этади ва бош тўғондан 20,5 км қуйида бу канал ҳам Эски Дарғомға қўйилиб каналининг сувлилигини янода орттиради.

1-жадвал

Дарғом ирригация тизимлари бошқармаси тасарруфидаги каналларнинг асосий кўрсаткичлари

Т/р	Каналлар	Жойлашган ўрни, туман	Асосий кўрсаткичлари		
			L, км	Q _{max} , м³/сек	F, 10³ гектар
1	Янги Ургут	Ургут	36,4	25	18,396
2	Янги Ургут	Самарқанд	27,6	15	7,747
3	Ургутсой	Ургут	10	15,48	0,205
4	Уч Қахрамон	Ургут	12,5	3,5	1,140
5	Ям 1 машина	Ургут	13,5	3,0	1,517
6	Камангарон	Ургут	5	14,3	0,285
7	Оғалиқсой	Ургут	8	12	0,266
8	Янги н/с сув келтир.	Ургут	51,6	15,0	0,972
9	Ғиждувонсой	Ургут	5,8	2	0,452
10	Мўминободсой	Ургут	4,6	2	0,326
11	Шаудар	Тайлоқ	7	10	3,091
12	Хочаррук	Тайлоқ	13,87	3,0	0,643
13	Каварзор	Самарқанд	10,47	0,5	0,482
14	Жағалбойли	Пастарғом	3,22	2	0,412
15	Эшбўриев	Пастарғом	1,14	1	0,069
16	Анхор	Пастарғом	41,95	25,0	11,800
17	Анхор магистрал	Пастарғом	13	18	1,420
18	Прогресс	Пастарғом	30	8,0	4,680

ошириш мақсадида унинг худудида геодезия ва картографияга оид фаолиятни кенг кўламда, яъни режа ва илмий асосда ташкил этишга катта аҳамият бериб келмоқда. Олимларимизнинг фанга қўшган ҳиссаси доирасида уларнинг билдириб қолдирган фикрлари, асарлари ва ҳаттоки қўлёзмаларидан ҳозирги география фанларини ўқитишда турли адабиётларни яратишда кенг фойдаланиш амалий аҳамият касб этмоқда.

ДАРҒОМ КАНАЛИ ТАРИХИ ВА СУВ ТАМИНОТИДАГИ АҲАМИЯТИ

Ширинбоев Д., Жабборова М.*

Маълумки, Ўзбекистон худудининг 70 фоизи текислик ва 30 фоизи тоғлиқлардан иборат. Шу жойлашув ўрнига боғлиқ ҳолда барча дарёлар сувининг ҳосил бўлиши тоғли худудлардан бошланиб текислик қисмида сарфланади. Бу сарфланишлар дарёларнинг табиий тармоқлари билан эмас, балки инсон манфаатлари йўлида, яъни суғорма деҳқончиликни ривожлантириш мақсадида антропоген гидрографик тармоқлар орқали амалга оширилади. Текислик худудида суғориладиган ерларни сув билан таъминлаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни тақозо этади. Бунинг натижасида инсоннинг табиатга кўрсатган таъсири йилдан-йилга ортиб борган. Шунинг учун ҳам тадқиқ ва таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридаги антропоген гидрографик тармоқлар тарихий манбаларда келтирилишича, Зарафшон воҳасида милоддан аввалги II минг йиллик бошларида Зарафшон дарёсидан ариқлар орқали сув чиқариб деҳқончилик қилган. Воҳада яшаган ўтроқ аҳоли I-IV асрларда Зарафшондан сув оладиган Дарғом, Қалқонота, Шаҳруд, Ромитан каби йирик каналлар, Санги-Салох, Катта Беглик, Дамдарё каби ариқлар қазилган. Ушбу гидротехник иншоотлардан қадимийси бўлган Дарғом каналининг гидрологик режими ва халқ хўжалигидаги аҳамияти ўрганилди.

Дарғом арабча сўздан олинган бўлиб, тўғон, дамба, тўсиқ деган маъноларни билдиради. Дарғом канали Зарафшон дарёсидан сув оладиган қадимги канал бўлиб, дастлаб бу канал Варақсар (ҳозирги Равотхўжа) қишлоғи яқинида, араблар бу ерларга кириб келишидан (712-йил) анча олдин қурилган тўғондан 3 та ариқ чиқарилган. Энг шимолдагиси Дарғом канали қолган, иккитаси теңириқлар даврида Аббос ва Қораунас деб аталган, кейинчалик улар Янгиариқ ва Қозонариқ номларини олган. Бу ариқлардан Самарқанднинг шимоли ва жанубидаги ерлар суғорилган (Ҳикматов, Ҳайдаров ва бошқалар, 2016). Дарғом каналининг бошланиши, Равотхўжа қишлоғи яқинидаги тўғондан бошланиб, Улус даштигача давом этади. Клавдий Птоломей тузган картасида (III аср) Дарғом каналини “Даргоманий” номи остида белгиланган. Қадимда бу каналнинг бош тўғони бир неча марта бузилганлиги қузатилган ва тўғонни таъмирлаш мақсадида ўнг ва чап қирғоқларига кўрғошин ётқизилган. Кейинчалик 1220-йилда Чингизхон ҳукумронлиги даврида бош тўғон бузилган.

* Ширинбоев Дилмухаммад Нурулиевич – СамДУ, география ва экология факультети Гидрометеорология кафедраси ассистенти.

муҳитнинг ifloslanishi kuchaydi. Keyingi yillarda sintetik materiallar, ko`mir, neft, gazni qayta ishlab mahsulot chiqarish, kimyoviy o`g`itlar ishlab chiqarish, avtomobil, suv va havo transportining juda rivojlanib ketishi, buning ustiga bir qancha mamlakatlarda tabiatni muhofaza qilishning yaxshi yo`lga qo`yilmaganligi atrof muhitni ifloslanishiga olib keldi. Ishlab chiqarishdan chiqarib tashlanadigan chiqindi, qishloq xo`jaligida o`g`it, gerbitsid va boshqalar atrof-muhitni zararladi.

Xulosa qilib aytish mumkinki, bugungi kunda tabiiy boyliklarning ancha kamayib qolganligi va atrof muhitning ifloslanayotganligi bir qancha mamlakat hukumatlarini tabiatni muhofaza qilish tadbirlarini ko`rishga majbur etdi. Ko`pchilik rivojlangan mamlakatlarda o`rmon kesish tartibga solindi, daryolarda baliqni ko`paytirish boshlandi, ov hayvonlari ko`paytirilmoqda, ovchilikda tartib o`rnatildi va muhofaza qilinadigan hududlar ko`paytirilmoqda.

KITOB DAVLAT GEOLOGIK QO`RIQXONASINING O`ZBEKISTON “QIZIL KITOB”IGA KIRITILGAN O`SIMLIKLAR TAHLILI Ochilova M.X., Karakulov N.M., Absalyamova M. S.

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti

Magistrant (QarDU) Qarshi transport kasb –hunar kolleji o`qituvchi

Bizga ma`lumki hozirgi kunda yer yuzidagi aholisi soni 7 mlrd. kishidan oshdi. Aholi ko`payganligi sababli, ularning oziq-ovqat va boshqa ehtiyojlariini qondirish hozirgi zamon global muommolaridan biri hisoblanadi. Insonlar o`z ehtiyojlarini qondirish maqsadida o`simliklardan noto`g`ri foydalanishi natijasida ulrning turlari soni yildan-yilga kamayib bormoqda. O`simlik turlarini saqlab qolish va ularni kelajak avlodga saqlash bo`yicha butun dunyoda, shu jumladan Respublikamiz hududida ko`plab chora-tadbirlar ishlab chiqilgan. O`zbekistonning tog`li hududlari azal-azaldan noyob tabiati, eng qadimiy insonlarga makon bo`lgan maskanlari bilan ko`pchilik tadqiqotchilarni e`tiborini jalb etib kelgan.

Tabiiy boyligimiz hisoblangan o`simliklar va hayvonat olamiga nisbatan o`ta ma`sulyatsizlik bilan yondashuv oqibatida ko`plab noyob turlarning areali qisqarib ketdi. Bu holatning oldini olish maqsadida Respublikamiz hududida 2016 yil ma`lumotiga ko`ra 8-ta davlat qo`riqxonasi, 2-ta Milliy bo`g`i, 12-ta buyurtmaxonalar, 1-ta biosfera rezervati hamda 3-ta parvarishxonalar tashkil etilgan. Mazkur maskanlarda kamyob va yo`qolib ketish xavfi ostida bo`lgan o`simlik va hayvonlarning ko`plab turlari davlat muhofazasiga olingan. Ularning ayrimlari “Qizil Kitob”ga kiritilgan.

1979-yilda O`zbekiston Respublikasi “Qizil Kitob”i nashr etildi. Uning 1984-yildagi ilk nashriga kamyob va yo`qolib ketish xavfi ostida bo`lgan o`simliklarning 163 turi, 2009-yildagi qayta nashrida esa o`simlik va zamburug`larning 324 turi kiritigan bo`lib, shulardan 53 turi Qashqadaryo viloyati o`simliklar qoplamida uchraydi. Shundan 19 ta turi Kitob davlat geologik qo`riqxonasi hududida tarqalgan.

O`zbekiston Respublikasi “Qizil Kitob” birinchi jildiga noyob o`simlik turlaridan Korovin shirachi, Turkiston yovvoyi noki, yovvoyi anor, Zarafshon piyoz, tog`piyoz, O`zbekiston lolasi, yovvoyi anjir, Omonqora va Buxoro astragali, yovvoyi uzum, chinnigul, mingdevona, sumbul, chilonjiyda, Chimyon lolasi, guli salim kabi o`simliklar kiritilgan.

«Qizil kitob»ning ikkinchi jildidan kattaquloq koʻrshapalak, koʻk sugʻur, katta qoʻshoyoq, qoʻngʻir ayiq, Turkiston qunduzi, sirtlon, qoplon, gepard, xongul, jayron, Ustyurt qoʻyi, Buxoro qoʻyi, arxar, oq va qora laylak, qizil gʻoz, lochin, burgut, oq turna, echkamar, kapcha ilon kabilar oʻrin olgan.

Kitob Davlat geologik qoʻriqxonasi 1979 yil 22 martda Oʻzbekiston Respublikasi hukumati qarori bilan zaminimizning geologik tarixi tabiiy-ilmiy yodgorliklarini nomoyon etadigan paleontologiya – stratigrafiya majmualarini qoʻriqlash va rejali oʻrganish, shuningdek tabiatga kamayib borayotgan va yoʻqolish arafasida boʻlgan oʻsimlik va hayvonot dunyosini muhofaza qilish, aholining ekologik bilimini oshirish maqsadida tashkil qilingan. Qoʻriqxonaga Oʻzbekiston Respublikasi geologiya va mineral resurslar Davlat qoʻmitasi qaramogʻida turadi.

Qoʻriqxonaga hududi geografik jihatdan Zarafshon togʻining janubiy-gʻarbiy yonbagʻrida, Hojiqoʻrgʻon soyining chap qirgʻogʻida, maʼmuriy jihatdan esa Qashqadaryo viloyati Kitob tumanida joylashgan. Umumiy maydoni 5378 ga. Relyefi togʻli, yuqori qismi qoyalardan, pastki tomoni esa tepaliklardan iborat. Dengiz sathidan balandligi 1300-2650 m-ga etadi. Iqlimi quriq subtropikka xos boʻlib, ancha kontinental. Yanvar oyining oʻrtacha harorati -5^oC, iyul oyining harorati +18^oC atrofida kuzatiladi. Yillik yogʻin miqdori 600 mm xisoblanadi. Qoʻriqxonaga hududini Obi-Safit, Xoʻjaqoʻrgʻon, Zinjilbogʻ, Novabogʻ va boshqa soylar chuqur kesib oʻtib, bu yerda goʻzal tabiatli har xil togʻ daralarini hosil qilgan.

Mazkur qoʻriqxonaga Oʻrta Osiyodagi yagona geologik qoʻriqxonaga xisoblanadi. Unda 300-400 mln. yil ilgari yashagan hayvon izlari, togʻ jinslari, oʻsimliklardan ulugʻ togʻ lolasi, sharq chinori, Zarafshon archasi, qizilcha, sirach, hasharotlardan beshiktartar, Turkiston koʻzoynakli iloni, echkamar, toshbaqa, qushlardan burgut, kaklik va boshqalar muhofazaga olingan.

Qoʻriqxonaning tirik tabiat olami juda boy va xilma-xil. Qoʻriqxonaga hududida jami oʻsimliklarning 800 turga yaqini maʼlum boʻlib, shundan 5ta ochik urugʻlilar, 5 ta paparotniklar va 790 ta yuksak oʻsimliklar tashkil etadi.

Qoʻriqxonada jami boʻlib oldingi yillarda Oʻzbekiston Respublikasi “Qizil Kitob”iga kiritilgan 22 ta oʻsimlik turi qayd qilingan edi. 2006 yilgi “Qizil Kitob” roʻyxatdan 3 ta tur: shafran korolkova, anzur piyozi, suvorov piyozi chiqarildi va ularning umumiy soni 19 taga qoldi.

Kitob Davlat geologik qoʻriqxonasida Oʻzbekiston Respublikasi “Qizil kitobi”ga kiritilgan oʻsimliklar sistematik tahlili.

I.	Ayiqtovdoshlar oilasi	Ranunculaceae
1.	Choʻziq pufanak	Anemone protracta
2.	Taxta oksitropisi	Oxytropis techtensis
II.	Gulsafsardoshlar (safsarguldoshlar)	Iridaceae
3.	Yovvoyi gladiolus	Gladiolus segetum
4.	Antiqqa yunona	Yuno magnifica
III.	Ziradoshlar (soyabonguldoshlar) oilasi	Aplaceae (Umbelliferae)
5.	Sumbul kovrak	Ferula sumbul
IV.	Loladoshlar oilasi	Liliaceae
6.	Omonqoʻton lolasi	Tulipa fosteriana
7.	Korolkov lolasi	Tulipa korolkovie
8.	Turkiston lolasi	Tulipa Turkestanica

orqali aniklash va gradus ulchash iʼyuli bilan anik ulchash usullari ishlab chiqilgan. Eratosfenning “Geografiya” nomli 3 qismdan iborat kitobida uʼsha davr uchun juda zarur bʼulgan geografik va kartografik maʼlumotlar berilgan va ular hozirda ham fanda foydalaniilmokda.

Mazkur fanning rivojlaniishiga Uʼrta Osiyolik bir qancha allomalar uʼz hissalarini kʼushiishgan. Xususan, Al-Xorazmiy, Al-Farqoniy, Abu Rayxon Beruniy, Maxmud Qoʻshqariy, Bobur, Xaydar Mirzo kabi allomalar shular jumlasidandir.

IX asrning boshlarida Al-Xorazmiy tomonidan 1^o eʼy uzunligini ulchash bʼuyicha ekspeditsiyalar uʼtkazilgan, “Duney atlasini”ni yaratish bʼuyicha ishlar amalga oshirilgan. Uning “Suryati-al-arz” kitobi “Xorazm geografiyasi” nomi bilan mashhur bʼulib, unda unlab kartalar va ularning izoxlari berilgandir.

Al-Farqoniyning geodeziya soxasidagi ishlar kʼup bʼulib, “Al-Komil fil usturlob” (Usturlob tʼugʻrisida muqammal maʼlumotlar) va “Usturlob sanʼyati tʼugʻrisida” nomli asarlari geodezik ulchash ishlarini bajaranishda asosiy manba bʼulib hisoblanadi.

A.R.Beruniyning XI-XII asrlardagi geodeziya va kartografiya fanlariga kʼushgan xissasi katgadir. Uning “Kartografiya” nomli asarida daraqa tʼuri, sharni tekis yuzaga kʼuchirish va kartografik proyeksiyalar, osmon globusini yasash tʼugʻrisidagi maʼlumotlar berilgan. “Xindiston” kitobida turli shaxarlarning geografik koordinatalarini hisoblab, ularni tekis yuzada tasvirlagan va dunedagi 600 dan ortik joylarning geografik koordinatalarini aniklagan. Beruniy tomonidan bundan tashkari “Duney kartasi” va 995 yilda “Duney globusini”ni yaratgan.

M.Qoʻshqariy XI asrda Uʼrta Osiyeda kartografiya fanida kartalarra rang beriish va shartli belgilardan foydalaniish ishlarini amalga oshirgan. M.Ulugʻbek davrida uning shogirdi Ali Kuschii Samarqandii ysaagan duney kartasi va er shari globusii ushu faning rivojlaniishida muhim manba bʼulib xizmat qilgan. XIX-asrda Xoji Yusuf Mirfaʼzov tomonidan yasalgan globusda (bʼuyii 117 sm, er shari aylanasii uzunligii 160 sm, mashtabi 1:25000000 (1 sm-250 km)) meridian va parallelalar kora rangda, tropik chiziklar kizil rangda berilgan.

Bundan tashkari uʼrta asrlarda Evropa da kartografiya fani bуюk geografik kashfiytlar davrida rivojlandi va maxsus kartalar tuzilgan. VI-asr uʼrtalarida garbda kompas erdamida oddii ulchash usuli bilan olingan topografik planlar vujudga kelgan. 1570 yilda yaratilgan Avraam Ortemeyning “Er shari manzarasi”, 1569 yilda yaratilgan Gerard Merkatorning “Duney kartasi” va “Duney atlasini”, Vegenerning “Denqiz atlasini” sermazmunligii bilan ajralib turadi.

Uʼzbekiston mustaqillikka eriishgandan keyin, respublikamiz rahbariiaii mamlakatimiz iqtisodiiyini rivojlandiriish, ishlab chikariish kuchlaridan oqilona foydalaniish va uni butun mamlakat xududi bʼuyilab ilmiy asosda tʼugʻri joylashtiriish masalalariga jiddiiy eʼytibor qaratilmoqda. Shu bilan birga mustaqillik fojarini tarqib kiliish, aholining uʼsib boraetgan moddii va maʼnavii eʼxtiyjlarini tʼula-tʼukis kondiriish, mamlakat mudofaa kobiliiyini

Бугунги кунда Фарғона водийсида Андижон, Наманган, Чуст, Поп ва бошқа шаҳарлар ҳамда қишлоқларни сел тошқинларидан ҳимоя қиладиган 20 дан ортиқ селхоналар мавжуд. Лекин, уларда махсус тозалаш ишлари олиб борилмаслиги натижасида, ҳозирда уларнинг кўпчилиги қисман ёки батомом сел ётқизиқлари билан тўлиб қолган. Бу ҳолат мазкур селхоналардан фойдаланиш самарадорлигини кескин камайтиради. Келажақда ушбу масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

ТОПОГРАФИК БИЛИМЛАРНИ МАХАЛЛИЙ ОЛИМЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН ЎРГАНИЛИШИ ТАРИХИ

Кўзибоева О.М.

Қўқон давлат педагогика институти

“Топография ва картография асослари” фани географик фанлар ичида муҳим фанлардан бири бўлиб, унда кишилиқ жамиятида ва инсон фаолиятида муҳим ҳисобланади. Кишилиқ жамиятида картанинг ўрни алоҳида бўлиб, турли географик тадқиқотлар ва ер юзасидаги воқеа-ҳодисаларнинг худудий тарқалиши яққол намоён бўлади. Географик карталар асосини топографик карталар ташкил қилади. Бирорта худуднинг географик картасини тузиш учун, ўша худуднинг топографик плани тузилади. Жойнинг топографик картасини тузиш учун картанинг негизи ҳисобланган геодезик асос бўлиши талаб этилади. Бу орқали Ернинг шакли, катталиги ва бошқа ўлчамлари аниқланади.

“Топография ва картография асослари” фани тарихи ҳам бошқа фанлар қатори тарихий манбалар асосида ўрганилади. Дастлабки картографик тасвирлар ибтидоий жамоа даврида пайдо бўлган. Масалан, милоддан аввалги икки мингинчи йилларда Шимолий Италиядаги тоғларда тошларга йўллар, дарёлар ва суғориладиган ерлар тасвирланганлиги маълум ва улар ҳар хил чизиқли шакллардан ташкил топган. Бундай тасвирлар қадимги Вавилония шаҳрининг археологик тасвирларида ҳам учрайди. Юнонистон ва Румда антик давр ривож топган қадимги картография Миср, Финикия, Осурия ва Вавилония, Ҳиндистон, Хитой ва Ўрта Осиёда илк бор вужудга келган фан, маданият ютуқларидан баҳраманд бўлган дейишга тўла асос бор. Чунки антик давр мамлакатлари Шарқнинг кўплаб мамлакатлари билан ижтимоий-иқтисодий ва маданий алоқада бўлганлар, шу туфайли улар географик тасаввурларни кенгайтирганлиги ва билимини бойитганлиги тарихдан маълум.

Ўрта Осиё ҳақидаги дастлабки географик ва картографик маълумотлар милоддан олдинги V асрларга яшаган юнон алломаси Геродот томонидан ёзилган асарларда учрайди. Қадимги дунё географиясининг билимдонларидан машҳур олим милонинг II асрида яшаган Искандариялик географ, астраном ва картограф Клавдий Птоламейнинг асарида келтирилган. Унинг “География” китоби антик даврнинг ўзига хос географик қомуси ҳисобланади. Птоломей бу асаридан ташқари 27 та картадан иборат “Дунё атласи”ни яратган ва атлас карталарида даража тўри тасвирланган, бу карта ўз даврига нисбатан илмий жиҳатдан анча юксак даражада бўлган.

Эротасфеннинг дунё картография фанига қўшган ҳиссаси жуда катта бўлиб, у ер юзасидаги жойларнинг географик ўринлари, кенглик ва узокликлар

9.	Ulug' lola	Tulipa ingens
V.	Savrinjondoshlar oilasi	Calchicaceae
10.	Kesselring savrinjoni	Colchicum kesselringli
VI.	Sallaguldoshlar	Palonicaceae
11.	Yovvoyi sallagul –Palonia hybrid	Palonia hybrid
VII.	Chinniguldoshlar oilasi	Caryophyllaceae
12.	Kachimsimon yetmak(bex)	Allochrusa gypsophiloides
13.	O'zbekiston chinniguli	Dianthus Uzbekistanicus
VIII.	Chinordoshlar oilasi	Platanaceae
14.	Sharq chinori	Platanus orientalis
IX.	Chuchmadoshlar oilasi	Amaryllidaceae
15.	Fisher Shternbergiyas	Fisher Shternbergiyas
X.	Shirachdoshlar oilasi	Asphodelaceae
16.	Nor shirach	Eremurus pubescens
XI.	Qoqio'ldoshlar (Murakkabguldoshlar)	Aseraceae(Compositae)
17.	Butkov karragi	Cousinia butkovi
18.	Jizzax karragi	karragi-Cousinia dshisakensis
19.	Egritikan karrak	Cousinia campyloraphis

Shu 19 ta turdan: 7 turi yo'qolib borayotgan turlar toifasiga yana 7 turi kamyob turlar toifasiga va 5 ta turi kamayib borayotgan turlar toifasiga kiritilgan, bundan tashqari 2 ta tur: yovvoyi sallagul va nor shirach kamyob turlar toifasidan kamayib borayotgan turlar (3) toifasiga o'tkazilgan.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Отажонов Ш.Э., Бердиев Ғ.Х., Отажонova С.Р.

Қўқон давлат педагогика институти

Бугунги кунга келиб экотуризм жаҳон туризм индустриясида муҳим ўрин эгалламоқда. Бутун жаҳон туристик ташкилоти экспертларининг башоратига қараганда, XXI унинг ўсиш суръати юқориликча қолиб, даромад келтириши бўйича дунёнинг кўпгина давлатлари айниқса ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий ўсишига катта ҳисса қўшади. БМТ маълумотларига қараганда, ҳар йили экотуризмдан нисбатан кичик давлатлар ҳам, жумладан: Кения - 1,4, Эквадор - 1,18, Коста-Рика - 1,14, Непал – 1,55, миллион АҚШ доллари миқдорида даромад олади. Бу эса мазкур мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг 70 – 80 фоизини ташкил этади.²

Ривожланиб бораётган мамлакатларнинг туризм индустрияси, асосан, табиий ёки экологик туризм ҳисобига амалга ошмоқда. Маълумотларга қараганда, экотуризм сайёҳлик бозорининг 10-20% ини қамраб олган, ўсиш суръати эса умумий туризм ўсиш суръатидан 2-3 маротаба ошиб кетган. Ҳозирги кунда сайёҳлик индустриясида экотуризм тармоғига кирувчи табиий ва саргузашт туризм йўналиши жадал суръатлар билан ривожланиб бораёпти. Масалан: Канада давлатида “ёввойи” табиатга саёҳат туризмнинг умумий ҳажми ички туризмдан тушадиган даромадни 25 фоизини ташкил этади. Канада ҳукумати фақатгина экотуризмдан тушадиган солиқ ҳисобидан ҳар

² “Учинчи сектор” ва туризм бозори. // “Жамият” газетаси, 2012 йил, 22-март, 14-бет.

йили 1,7 миллиард АКШ доллари миқдорида даромад олади бу эса ҳукумат томонидан “ёввойи” табиатни муҳофаза қилиш дастурига ажратиладиган маблағдан 5 баробар кўп демакдир.

Ўзбекистонда ҳам экотуризмни ривожланиши учун барча имкониятлар мавжуд. Мамлакатимиз нафақат Марказий Осиёда, балки бутун жаҳонда ҳам туризмнинг марказларидан бири ҳисобланади. У ўзининг туристик ресурслари бўйича Марказий Осиёда етакчи ўринлардан бирида бўлиб, дунё бўйича 15-ўринни эгаллайди.³

Ўзбекистон учун энг мақбул экотуризм стратегиясини яратиш - бу янги иш ўринларини очиш ва табиатнинг ноёб ёдгорликларини муҳофаза қилиш, қайта тиклаш учун воситаларга эга бўлиш демакдир. Мамлакатимиз бутун дунёга ўзининг бой табиий ресурслари, ранг-баранг ландшафтлари, жонли табиатнинг ноёб турлари, ҳайвонот ва ўсимлик оламининг хилма-хиллиги ҳамда қулай табиий ва иқлимий шароитлари билан танилган. Юртимиз ўзининг иқлим шароити бўйича дунёдаги энг машҳур курортлар ҳисобланмиш Ўрта Ер денгизи соҳиллари, Швейсария тоғлари ва АКШнинг Калифорния штатидан асло қолишмайди. Шу жиҳатдан қараганда, диёримизнинг деярли барча вилоятлари оммавий экотуризм марказлари бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда экотуризмнинг афзал томони шундаки, саёхатларни деярли бутун йил давомида ташкил этиш мумкин. Баҳорда саҳролар ва чўллар бениҳоят чиройли манзара касб этади, ёз фаслида мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларида дам олиш сайёҳлар учун қизиқарлидир. Экотуризм мамлакатимизнинг миллий боғларида, шунингдек, ихтисослашган муассасаларда муваффақиятли ривожланиши мумкин.

Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришда сифатли хизматлар кўрсатиш ва умуман соҳа инфратузилмасини пухта ташкил этиш, интернетда махсус веб-сайтлар яратиш, реклама маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва уни кенг тарғиб қилиш халқаро туристик бозорда мамлакатнинг нуфузини оширувчи воситалардан бири бўлиб хизмат қилади.⁴ Сайёҳларни жалб қилиш учун биринчи галда қулай хизмат кўрсатиш шароитларини яратиш, уларни қулай транспорт воситалари билан таъминлаш ва албатта Ўзбекистоннинг экотуристик салоҳиятини жаҳон миқёсида тарғиб қилиш зарур. Бу борада шу пайтгача муайян ишлар ҳам қилинган. «Ўзбекистоннинг кўриқхоналари ва миллий боғлари» фотоалбومي, «Ҳисор» кўриқхонаси, «Сармишсой», «Жайрон» экомаркази, «Бодай-тўқай» кўриқхонасига бағишланган буклетлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда экологик туризмнинг ҳозирча кўпроқ табиат неъматларини истеъмол қилиш билан боғлиқ шакллари (хусусан, овчилик, балиқчилик, рафтинг, треккинг, пикник) тарқалган бўлиб, унда атроф-муҳитдан бевосита фойдаланилмоқда. Аммо бундай йўналишнинг ноёб экотизимлар ҳамда миллий боғларни асрашдаги самараси паст, чунки даромадлар муайян даражада бузилган экологик мувозанатни қайта тиклаш тадбирларига ҳар доим ҳам

Ушбу изланишларда селларни ўрганиш бўйича замонавий тадқиқот усуллари, асбоб-ускуналар қўлланилмоқда. Улар қаторида ГИС технологиялари, Ернинг сунъий йўлдошлари маълумотларидан фойдаланиш кабиларни қайд этиб ўтиш лозим. Бу борадаги изланишлар натижалари монографиялар, махсус бюллетенлар ва илмий тўпламларда қайд этилиб, улар тегишли истеъмолчи ташкилотларга етказиб берилмоқда.

Кўп йиллик изланишларнинг таҳлиллари шуни кўрсатадики, республикамизда кузатилган селларнинг 40 фоизи Фарғона водийсига тўғри келади. Водийда сел тошқинлари асосан март-август ойларида кузатилишига қарамай, апрель ва май ойлари энг фаол ҳисобланади. Ушбу ойларда, мос равишда, жами селларнинг 30 ва 36 фоизи кузатилади. Селларнинг ҳосил бўлишини таъминлайдиган асосий табиий омилларга қуйидагилар киради: жала ёмғирлар, юқори жадалликда ёғадиган ёмғирлар, узоқ муддат давом этадиган ёмғирлар; қор қоплами ва музликларнинг жадал суратларда эриши; тоғ қўллари тўғонларининг бузилиши ва бошқалар.

Махсус адабиётларда Фарғона водийсидаги сел хавфи мавжуд бўлган ҳудудлардаги сув хавзалари сони, уларнинг майдони ва бошқа кўрсаткичлари бўйича статистик маълумотлар мавжуд. Уларнинг умумлаштирилган кийматлари 2-жадвалда келтирилди.

2-жадвал

Фарғона водийсидаги сел хавфи мавжуд бўлган ҳудудлардаги дарёлар ва сойлар ҳақида маълумот

Географик ҳудудлар	Дарёлар ва сойлар сони	Сув тўплаш майдони, км ²
Жанубий Фарғона	25	720
Шимолий Фарғона	55	3570

Ўзбекистонда аҳоли ва иқтисодий объектларини сел оқимларидан ҳимоя қилиш ва улар туфайли юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида ЎзР ФВВ ҳузуридаги Ўзгидромет мутахассислари томонидан ҳар йили хавфли ҳудудларда жойлашган аҳоли манзил, иқтисодий объектлари ва турли иншоотларнинг махсус рўйхати тузилади ва у ЎзР Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тақдим этилади (3-жадвал).

3-жадвал

Фарғона водийсида сел хавфи таъсир этиши мумкин бўлган халқ ҳўжалиги ва техник объектлар, кузатилган селлар сони, фойзда (2005 йил 1 октябрдаги ҳолат)

Вилоятлар	Кузатилган селлар, %	Иқтисодий объектлари	Техник объектлар
Андижон	7	10	51
Наманган	19	76	
Фарғона	14	185	120

³ Усмонова С.З. “Экотуризмнинг жаҳон ва Ўзбекистон иқтисодиётида тутган ўрни” www.study-uzbektourism.uz

⁴ Б. Алихонов, И. Отажонов. “Экотуризм истиқболлари” Т. 2011 й

ўтказилди. Мазкур анжуманлар Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиёда сел тошқинлари масалалари бўйича изланишларни янада чуқурроқ ва кенг миқёсда, мунтазам олиб боришга катта туртки бўлди. Шу йиллардан бошлаб, сел оқимлари, уларни ўрганиш бўйича изланишлар Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондаги барча Гидрометеорология хизмати бошқармаларида йўлга қўйилди. Сел тошқинларининг ҳосил бўлиши билан боғлиқ бўлган муҳандислик–геологик тадқиқотлар эса геология соҳасидаги илмий тадқиқот муассасаларида олиб борилди. Селларнинг пайдо бўлиши, сел оқимларининг муҳандислик иншоотларига таъсирини ўрганиши Ўрта Осиё Ирригация илмий тадқиқот институти (САНИИРИ)да, селларга қарши иншоотларни лойиҳалаш ишлари эса Узгипродхоз ва Узгипрозем илмий лойиҳалаш институтлари томонидан амалга оширила бошланди.

Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон Гидрометеорология хизмати бошқармасида Ўзбекистонда сел оқимларининг пайдо бўлиш шарт-шароитлари тўғрисида илмий хулосалар чиқарилиб, сел хавфи мавжуд бўлган ҳудудларнинг хариталари ва кадастрлари тузилди. Гидроингеода сел оқимларининг ҳосил бўлиши ва уларни прогноз қилиш тўғрисида қатор услубий қўлланмалар яратилди. САНИИРИда сел оқимлари параметрларини ҳисоблаш бўйича махсус тажрибалар ва экспериментлар, шунингдек, дала шароитида селларнинг пайдо бўлишига оид изланишлар амалга оширилди. Масалан, бундай дала тадқиқотлари Фарғона водийсининг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида ўтказилди ва улардаги муҳим халқ хўжалиги объектларини селлардан ҳимоя қилиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилиб, амалиётга тавсия этилди.

Ҳозирги кунда ЎЗР ФВВ ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази – Ўзгидрометда сел тошқинлари ҳосил бўлишининг гидрометеорологик шарт-шароитларини ўрганиш соҳасида кенг қўламдаги илмий-амалий изланишлар олиб борилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон ҳудудида турли табиий омиллар таъсирида
ҳосил бўлган селлар сонининг тақсимланиши

Селларни ҳосил қилган омиллар	Умумий сонига нисбатан кузатилиши, фоизда
Жала, юқори жадалликда ва узок давом этган ёмғирлар	84
Қор эриши	6,0
Ёмғир ва дўллар	4,4
Қор эриши ва ёмғир	3,5
Кўллар тўғонининг бузилиши	0,9
Дўллар	0,7
Муз қўлларнинг ювилиши	0,4
Бошқа ҳодисалар	0,1
Жами	100

сарфланавермайди. Соҳани ривожлантиришда дам олиш уйлари, меҳмонхона, сайёҳлик базалари, йўллар, муҳандислик тармоқларини қуриш билан боғлиқ барча лойиҳаларни экологик баҳолаш ҳам муҳим омилдир. Экотуризм айниқса, тоғли ва етиб бориш қийин бўлган жойларда маҳаллий иқтисодий яхшилашга хизмат қилиши мумкин. Бунинг учун эса маҳаллий бошқарувни экотуристик фаолиятга кенг жалб қилиш ҳамда соҳа учун зарурий инфратузилма (жойлаштириш воситалари, овқатланиш, алоқа, тиббий хизмат кўрсатиш объектлари, қутқариш хизматлари ва бошқалар) яратилиши лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ўзбекистон ўзига ҳос табиий-иқлим шароити, ҳайвонот ва ўсимликлар оламига бой бўлган чўл ва қўриқхоналар, мазали ва фойдали мевалар ва полиз экинларига эга. Бу эса, юртимизда экологик туризмни ривожлантириш имкониятлари юқори эканлигидан далолат беради.

ОРОЛ ДЕНГИЗИНИНГ ҚУРИГАН ҚИСМИ ГЕОСИСТЕМАЛАРИНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ВА ЭКОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Рафиқов В.А.

Ўзбекистон Фанлар академияси Сейсмология институти

Амударё ва Сирдарё дарёлари ҳавзаси энг йирик суғориладиган экин майдонлари ҳисобланади. Қулай тупроқ-иқлимий шароитлар суғориладиган майдонларда кўплаб кишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш имконини қафолатлайди.

1961 йилдан бошлаб дарёлар сувини, асосан, суғоришга сарфланишининг жадал ортиб бориши Орол денгизига қуйиладиган дарёлар оқимининг кескин камайиб кетишига олиб келди. Натижада денгизнинг гидрологик ва гидрокимёвий режими кескин бузилди.

Буларнинг барчаси Оролбўйи табиий муҳити ва ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ўзгаришига салбий таъсир кўрсатмоқда, айниқса, денгиз ҳолатига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган Амударё ва Сирдарёнинг куйи оқимида бу таъсир жуда сезиларли. Мазкур ҳолат ҳозирги кунга келиб дельталардаги лалмикор ерларни чўлга айлантirmoқда, Оролнинг куриб бориши билан чўллашиш майдонлари ҳам ортиб бормoқда. Денгизнинг қуриётган соҳили – Оролнинг сувдан мутлақ ҳоли бўлган ҳудуди ҳисобланиб, бу ерда континентал бирламчи табиат комплексларининг юзага келиши, шаклланиши ва ривожланиши кузатилмоқда, ўзга табиий муҳит компонентларининг шаклланиш жараёни содир бўлмоқда. Шунингдек, қуриган денгиз туби чўл зонаси учун ҳос бўлган эол жараёнлар майдонига айланиб бормoқда. Дефляция жараёнлари чанг билан бирга атрофга кўп миқдорда тузларни ҳам таркатмоқда, улар эса юза сувларнинг жадал буғланишига боғлиқ равишда тупроқларда тўпланиб бормoқда.

Минтақа геосистемаларининг янада ёмонлашиб бориш хавфи мутаносиб илмий асосланган тадбирларни ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Орол денгизи қуриган туби геосистемлари динамикасини бошқариш денгиз сатҳининг узлуксиз пасайиб бориши натижасида йилдан-йилга

мураккаблашиб бормоқда. Бу ҳолат денгиз туби қуриган қисми майдонининг кенгайишига боғлиқ бўлибгина қолмай, балки шамол фаолиятининг жадаллашуви, чекка ҳудудларга тузлар, тузли-чангли кумларнинг учирлиши, туз тўпланишининг жадаллашуви, умуман туз билан тўйинган янги континентал ва ҳаракатланувчи кумли майдонларнинг катта ҳудудларни эгаллашига ҳам боғлиқ. Орол денгизининг қуриши динамикаси режимини бошқаришнинг кўп омиллиги регионнинг табиий-экологик муҳитини оптималлаштириш бўйича комплекс тадбирларни мунтазам амалга оширишни зарурят қилиб қўймоқда.

Фитомелиорацияни ривожлантиришнинг асосий объекти – денгиз туб қирғоғи бўйлаб (0-5 м изобата) жойлашган кумли минтақадир. Қирғоқ яқинидаги кумлар асосан, барханлардан иборат, уларнинг кетидан баланд-паст кумликлар барханлар билан алмашилиб туради, қолдиқ шўрхоқларга туташ ерларда буталарости кумликлари минтақаси жойлашган бўлиб, улар секин-аста сарсазанли ўйдим-чуқур кумликларга ўтиб боради.

Эол кумликлар (1 дан 5-6 км гача, шарқий қисмида 20 км гача ва ундан ортик) минтақаси ўсимликлар билан мустакамлашга яроқлидир.

6-8 м ли изобатани қамраб олган тақирли қолдиқ шўрхоқлар табиий мелиоратив шароитларга мувофиқ тузларнинг юқори концентрациясига (3-5%, жойларда 10-15%) чидамли бўлган факат галофит ўсимликлар учун яроқли хисобланади.

Қолдиқ шўрхоқлар (9-17 м изобата) фитомелиорация учун унчалик мақбул эмас, чунки илдиз турадиган қатлам тузлар билан кучли тўйинган (5-10%, баъзи ерларда 10-20% ва ундан зиёд).

Типик фаол шўрхоқлар (18-25 м изобата) шўр ерларда яхши ўсадиган ўсимликларнинг меъёрда ривожланиши учун жуд ҳам номақбул бўлгани сабабли яқин вақтларда фитомелиорацияни амалга ошириш учун умуман яроқсиз саналади.

Шундай қилиб, денгиз тубининг қуриган қисмида фитомелиорацияни татбиқ этиш имкониятлари бўйича баҳолашга оид районлаштириш шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирда дарахтзорларга айлантириш учун туб қирғоқ атрофидаги эол кумлар минтақаси нисбатан мос келар экан, тақирли қолдиқ шўрхоқлар эса бунинг учун унчалик мослашган эмас.

Қамишзорлардан эол жараёнларга қарши курашда, айниқса аҳоли манзиллари, магистрал йўллар, суғориш каналлари ва коллекторлар яқинида кенг фойдаланиш лозим.

Шунингдек, боғловчи материаллар сифатида кимёвий ашёлардан (“К”, ППА ва бошқа полимерлар гуруҳидан), битумли эмульсия, нефть маҳсулотлари ва бошқа материаллардан ҳам фойдаланиш мумкин, бироқ улар бозор муносабатлари шароитида жуда қимматга тушади. Шу сабабли, нисбатан арзонроқ усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Мазкур регион шароитида мавжуд материаллар, яъни қамиш, юлғун ва бошқа буталардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Орол денгизи сатҳини муайян бир мутлоқ баландликда турғун сақлаб туриш ҳаётий зарурят хисобланади, агар келгусида денгиз сатҳи

ЎЗБЕКИСТОНДА СЕЛ ТОШҚИНЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАРНИНГ ГЕНЕЗИСИ ҲАҚИДА

Ҳикматов Б.Ф.*

Ўзбекистон Миллий университети

Ўзбекистоннинг тоғли ҳудудларида бўлиб ўтган сел тошқинлари ҳақида бизга маълум бўлган илк маълумотлар XIX асрнинг охирига тегишлидир. Ушбу ёзма манба 1880 йили Наманган уездида кузатилган сел ҳодисаси тавсифига бағишланган бўлиб, П.Аверьянов қаламига мансубдир. Кейинги маълумотлар 1896 йил май ойида Шаҳрихонсойда, 1878-1890 йилларда Фарғона водийси дарёлари ва сойларида кузатилган сел тошқинларига тегишлидир [1, 3, 4]. Ушбу маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази гидрометфондида сақланаётган “Селлар йилномаси – Селевая летопись”да ҳам ўз аксини топган [7].

Сел тошқинларининг олдини олиш ва улар келтирадиган моддий ҳамда маънавий зарарларини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳақидаги илк рисола С.Ю.Раунер қаламига мансуб бўлиб, у 1901 йилда эълон қилинган. Ўзбекистон ҳудудида кейинги йилларда бўлиб ўтган селлар ҳақидаги маълумотлар асосан уларнинг кузатилиши тўғрисида бўлиб, оддий хабарлардан иборат бўлган [5, 6].

Ўтган XX асрнинг биринчи чорагида, аниқроғи, 1927 йили собиқ Иттифок Наркомземи томонидан Фарғона тоғ мелиоратив партияси тузилиб, селларни ўрганишда янги босқичга қадам қўйилди. Бу партиянинг вазифаси сифатида сел тошқинлари ҳосил бўладиган дарёлар ҳавзаларини ўрганиш, сел оқимлари тўғрисида мунтазам материаллар тўплаб бориш ва селларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш ва бошқа масалалар белгиланди.

Бундай ишлар кейинчалик 1932 йилда ташкил этилган Ўрта Осиё Тоғ мелиорация экспедицияси, сўнг 1936-1938 йилларда Собиқ Бутуниттифок Фан қўмитаси томонидан Шоҳимардонсой ҳавзасида амалга оширилди. Ушбу ишларнинг натижалари Ф.К.Кочерганинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган [3]. Ўзбекистон ҳудудида кузатиладиган селлар ва уларнинг тарқалиши ҳақидаги масалаларни ўрганиш 1943 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати бошқармасига юклатилди.

ЎЗР ФА томонидан сел оқимларини моделлаштириш масалаларини ҳал қилиш мақсадида Шимолий Фарғонанинг тоғолди ҳудудларида 1950 йили дарёлар ва сойлар ўзанларини бошқариш лабораторияси иш бошлади. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида биринчи бор селларнинг гидравлик элементларини, гидрологик кўрсаткичларини миқдорий баҳолашнинг эмпирик тенгламалари ишлаб чиқилди.

Собиқ Иттифок республикалари олимлари ва мутуассисларининг сел оқимлари ва уларнинг олдини олиш масалаларига бағишлаб Тошкентда ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб, кетма-кет илмий-амалий анжуманлар

* Ҳикматов Б.Ф. - ЎЗМУ “Гидрология ва гидрогеология” кафедраси мустақил тадқиқотчиси.

худудий бўлимларининг асосий вазифаси тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда аҳолига амалий-хукукий ёрдам беришдан иборат.

Шунинг учун, Давлат хизматлари агентлиги билан вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятлари қошида ташкил этилган ҳудудий комиссиялар ишини ўзаро мувофиқлаштириш керак. Тадбиркорлар томонидан таклиф этилаётган барча номларни, шу комиссия назоратидан ўтказиши зарур ва ундан кейин юридик шахс номи сифатида тавсия этилса тўғри бўлади. Иложи борича, бу ишда хатога йўл қўймаслик керак, агар мабодо шундай ҳолат содир бўлса, унда номлаш ва қайта номлаш доимий жараён эканлигини ҳисобга олиб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш зарур.

"Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонуннинг талаби бўйича ҳар қандай объектга берилётган ном:

- географик объектга энг хос бўлган белгиларни акс эттириши;

- мазкур географик объект жойлашган ердаги географик объектлар номларининг мавжуд тизимига мос тушиши;

- маҳаллий аҳоли турмушининг географик, тарихий, миллий, этник, тилга оид ва бошқа хусусиятларини ҳисобга олиши;

- коида тариқасида, кўпи билан учта сўздан иборат бўлиши керак.

Тадбиркорлик субъектларга ном танлашда ўзбошимчаликка йўл қўймасдан, мазкур қонун талабларига амал қилиш лозим. Шу билан бирга, "Фирма номлари тўғрисида"ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2633-сон билан рўйхатдан ўтказилган "Юридик шахсларнинг номига давлатнинг расмий номини, шунингдек, ундан ҳосила сўзларни қўшиш тартиби тўғриси"даги йўриқнома талабларига ҳам риоя қилиш керак.

Хулоса қилиб айтганда, бу соҳада қилиниши керак бўлган ишлар ҳали кўп. Биринчи навбатда қилиниши зарур бўлган ишлар: Давлат хизматлари агентлиги ва географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича ҳокимиятлар қошида ташкил этилган ҳудудий комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш; барча тадбиркорлик субъектлари номларининг ягона реестрини шакллантириш; юридик шахс мақомини олиш учун тадбиркорлар томонидан тавсия этилаётган номларни экспертизадан ўтказиш; соҳага оид қонун ва қарорларни кенг тарғибот қилиш; янги ташкил этаётган тадбиркорлик субъектлар номларнинг ягона электрон базасини яратиш ва бошқалар. Энг муҳими, ҳар бир ном бизнинг ўзлигимиз, миллийлигимиз ва бой тарихимиз кўзгуси эканлигини унутмайлик.

пасайишининг олди олинмаса, уни у ёки бу даражада сақлаб қололмаймиз. Дарё суви тақчил бўлган бир шароитда денгиз сатҳини барқарорлаштириш жуда мураккаб, шу сабабли бу масаланинг ечим йўллари кам.

Кўп ишларда Орол денгизини сақлаб қолиш бўйича масалалар кўрилмади, уларнинг аксарият қисмида Оролбўйи табиий муҳитини сақлаш ва соғломлаштириш масалаларига урғу берилди. Уларнинг фикрича денгиз тақдири ҳал бўлган, у бутунлай қурийди ва уни сақлаб қолишнинг иложи йўқ. Бироқ, бундай фикрлар табиатнинг бундай объектига бўлган беҳурматликдир, чунки у бутун Марказий Осиё региони учун ноёб саналади. Бунинг учун, энг аввало, унинг бир қисмини сақлашга ҳаракат қилиш лозим, келгусида эса Амударё ва Сирдарё орқали унга "катта сув" юбориш имконияти юзага келгач, денгиз акваториясини маълум катталиқкача кенгайтириш мумкин бўлади.

Камсувли йиллари ва келгусида Орол денгизи сатҳи жадал тарзда пасайишда давом этаверади, бу эса Катта денгизнинг шарқий қисми акваториясини сақлаб қолишга кафолат бермайди ва уни мураккаблаштиради. Бошқача айтганда, Катта денгиз акваториясини сақлаб қолишнинг вариантларидан бири бўлган денгизга мунтазам равишда 20 км³ оқим (дарё ва дренаж-коллектор сувлари) юборишнинг иложи бўлмайди.

Регионда сув ресурслари тақчил бўлган ҳолатнинг юзага келишини эътиборга олиб, биз сойликнинг энг чуқур қисми бўлган ғарбий қисмида денгизни сақлаб қолиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Катта денгизнинг ғарбий қисми Оролни сақлаш бўйича асосий объект бўлмоғи керак. Катта денгизнинг ушбу 5-6 минг км² майдондаги ва сув ҳажми 80-81 км³ бўлган қисмидаги сув сатҳини 31-32 м мутлоқ (Катта денгизнинг табиий бўлиниш сатҳи) даражада ушлаб туриш учун йилига 8-10 км³ сув талаб этилади. Сув нисбатан кўп бўлган йиллар Амударёдаги оқим ҳажми 10-15 км³, кам сувли йиллар эса 10 км³ дан камни ташкил этади. Шундай экан, ҳавзанинг мунтазам тарзда йилига 10 км³ оқим билан таъминлаб турилиши денгиз гидрорежимини тартибга солиб туришда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Агар оқим 8 км³ дан кам бўлса минераллашувнинг ошишга олиб келади, бунда денгиз берк ҳавза бўлиб қолади, 8-10 км³ ва ундан ортиқ ҳажмда эса кўлнинг оқувчанлиги натижасида минераллашиш камаяди. Бундай режимда сувнинг бир қисми Катта денгизнинг бошқариб бўлмайдиган шарқий қисмига тушади. Бунда оқим қанча катта бўлса, сувнинг тарқалиши ҳам шунчалик жадал бўлади.

Агар Амударёдаги сув оқими кўлга жанубдан қуйилса (бу энг самарали вариант), у ҳолда дарёнинг қуйилиш қисмида унинг ўрта ва шимолий қисмидан 5-10 г/л га фарқ қилувчи нисбатан чучук сувли минтақа юзага келади. Келгусида бу фарқ ортиб боради, бироқ айни пайтда, кўлнинг бошқа қисмларида ҳам, айниқса унинг ўрта ва шимолий сувларида деминераллашув кузатилади. Бу эса сув шўрлигининг шимолий йўналишда ортиб боришига олиб келади.

Катта денгизнинг ғарбий қисмида катта ҳажмда сув аккумуляцияси мақсадларида, масалан, 20 м изобата бўйича, бўғозда (собик Комсомол ороли ва Қуларда ярим оролининг шимолий ва жанубий қуруқликлари ўртасида) муҳандислик дамбаси қуриш мумкин. Бунда, ғарбий қисм майдони 6203 км²,

сув ҳажми 85 км³ дан зиёдни ташкил этади. Бироқ бундай иншоотни сув ҳажми шўрсизлантирилгандан сўнг, ортиқча сув ва тузларни унинг шарқий қисмига ташлашни ҳисобга олган ҳолда қуриш мумкин бўлади.

Амударё оқимини Катта денгизнинг ғарбий қисмига йўналтириш учун Оқдарёнинг қуйилиш қисмидан сув ҳавзасининг жанубий қисмигача, тахминан 180 км узунликда канал ўтказиш таклиф этилади. Каналнинг сув ўтказиш қобилияти секундига 1250 м³ дан кам бўлмаслиги керак, сабаби Амударё суви кўпайган йилларда унинг қуйи қисмларида ҳам сув оқими ҳажми катта бўлиши мумкин. Сувнинг катта ҳажмини ташқарига чиқаришга йўл қўймаслик мақсадида, канал ўзанини секундига 1000 м³ дан зиёд сув ўткази оладиган ҳисобда қуриш талаб этилади.

Канал ўзанини сувнинг грунтга сизиб кетишининг олдини олиш мақсадида гилли тупроқдан қуриш лозим, вақт ўтиши билан ётқизикларнинг чўкиши натижасида канал ўзани намни кам ўтказадиган бўлади.

КС-1, КС-3 ва КС-4 коллекторлари, шунингдек, Аёзқалъа кўлидан келадиган коллектор сувини бир ўзанга солиб денгизнинг ғарбий қисмига оқизиш лозим. Амударё дельтасининг чап қирғоғидан келадиган коллектор оқимини ҳам Ажибой қўлтигининг қуриган қисми орқали ҳавзага йўналтириш керак. Бунда барча коллектор сувларини турли қимёвий ва бошқа зарали моддалардан тозалаш мақсадида биолато орқали ўтказиш талаб этилади. Амударё (ёки Оқдарё) канали бўйлаб ва коллекторлар йўлқалари ёқалаб вақт ўтиши билан табиий тарзда дарахтзор ва бутазор тўқайлар юзга келади ва улар ўзанни эрозия ва қум босишидан сақлайди.

ТАБИАТДАН ФЙДАЛАНИШДА ТАБИЙ-АНТРОПОГЕН ЖАРАЁНЛАРНИ БОШҚАРИШ

Рафиқова Н.А.

Ўзбекистон Фанлар академияси Сейсмология институти

Бугунги кунда жаҳон миқёсида долзарб муаммолардан бири жамият билан табиат ўртасидаги ўзаро алоқаларни муқобиллаштиришдан иборатдир. Инсоннинг яшаши учун атроф-муҳитда муқобил ҳолатни таъминлаб бериш учун табиат ва жамиятнинг ўзаро алоқаси қонуниятларида пайдо бўлаётган салбий ҳолатлар билан тизимли курашишга, табиий бойликлардан самарали фойдаланишга катта аҳамият қаратилмоқда. Инсоннинг хўжалик фаолиятида табиатда турли ўзгаришлар юз беради, қадимдан ўзлаштирилган воҳаларда табиий компонентларнинг барчаси турли даражада ўзгаришларга учраган, бунинг оқибатида табиий комплекслар ҳам трансформацияга берилган. Инсоннинг мақсадга мувофиқ ҳолда ўзлаштиришлари натижасида воҳаларда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши муттасил ривожланмоқда.

Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Аҳоли ҳаёт-фаолияти ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга Орол денгизининг қуриши ва глобал иқлим ўзгаришларининг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирларни қабул қилиш»[1] юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган.

аммо, у ном танлаш меъёрларини билмайди. Ўшанда тадбиркор ишини тезроқ битишини ўйлаб, яхши ният билан фарзандлари, яқинлари ёки тўғри келган номни танлашга мажбур бўлади.

Қолаверса, ҳар бир тадбиркор ўзининг дунёқараши, хоҳиш истагини ҳисобга олган ҳолда бу масалага ёндошади ва корхонасига чиройли, жарангдор, миждозлар диққатни ўзига тортадиган ном танлашга ҳаракат қилади. Шуни ҳам айтиш керакки улар орасида мазмун-маъно ва грамматик жиҳатдан тўғри танланган ростаканомлар ҳам кўп. Шуни ҳам унитмаслик керакки, агар ном тадбиркорлик субъектига тўғри танланса, у бир куни келиб тадбиркорни дунёга танитади. Бундай мисоллар дунё тадбиркорлари тажрибасида кўплаб топилди.

Аммо, муаммога чуқурроқ ёндошиб, шаҳар ва туманлар кесимида тадбиркорлик субъектлари номлари таҳлил қилинса мавжуд камчиликлар яққолроқ кўзга ташланади ва бу номларни назоратдан четда қолаётганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бундай ҳолатни Жиззах шаҳрида жойлашган умумий овқатланиш, савдо-сотик, маиший хизмат кўрсатиш йўналишида халқимизга беминнат хизмат кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлар номлари тасдиқлайди. Шунинг учун, атоқли от вазифасини ўтай олмайдиган, миллийликдан узоқ бўлган тақлидий номлар тез кўпаймоқда.

Улар орасида ўзбек тилининг ном яратиш қоидаларига тўғри келмайдиган, мазкур ҳудуд топонимик тизимига мос тушмайдиган, чинакам миллий бўлмаган, маъно-мазмун саъз, рус ёки бошқа ғарб мамлакатларга тегишли бўлган, ҳавойи, реал воқеаликни акс этмайдиган, тушарсиз номларни учратиш мумкин. Албатта, бу яхши эмас чунки номга ҳар куни юзлаб, ҳатто минглаб одамларни кўзи тушади, ўқийди, хулоса чиқаради.

Аслида, янги географик объектга қонун талабларига мос келадиган чиройли ном танлаш оддий ишдек кўринса ҳам, аммо амалда бу жуда мураккаб вазифа. Чунки ҳар бир номда аниқ маълумот мужассам бўлиши керак, номни ўқиган кишида, ўша корхона ҳақида муайян тасаввур пайдо бўлиши керак. Бошқача айтганда, корхона исми жисмига монанд бўлсин. Хўш, қандай қилиб бунга эришиш мумкин?

Бу учун энг аввало, тадбиркор янги ташкил этаётган корхонасига ном танлаётганда ўзини масъул эканлигини ҳис қилиб, ўзбек тили имло қоидаларига қатъий амал қилиши зарур. Иккинчидан, тадбиркорлик субъектларни номлашда мазкур ҳудуднинг миллий қадриятлари, урф-одатлари, табиат компонентлари асос қилиб олинса мақсадга мувофиқ бўлади. Учинчидан, энг муҳими номни эшитганда, барчада, хусусан ёшлар қалбида эл-юртга, ўзлимизга меҳр-муҳаббат, ҳурмат туйғуси уйғониши лозим. Ном танлашда шуни ҳам унутмаслик керакки, қонунда географик объектларни кишилар номи билан аташ қоида тариқасида мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5278-сон Фармони билан республика Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолияти ташкил этилди. Мазкур агентлик ва унинг

ТАДБИРКОР НОМ ТАНЛАСА ...

Ҳакимов Қ.М., Аманова С., Сафарова Ш*.

«Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» деб эълон қилинган жорий 2018 йилда уни амалга ошириш учун Давлат дастури (ПФ-5308. 2018 й. 22.01.) ҳам қабул қилинди. Давлат дастурида иктисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида кўплаб қулай ҳуқуқий, ташкилий шароитлар яратиш белгиланди. Бу ўз навбатида ҳудудларни фаол ривожланиши, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари сонини кўпайишига қулай имконият.

Маълумки, рўйхатдан ўтаётган тадбиркорлик субъектлари, аввало ўзига юридик ном танлаш учун шаҳар, туман Давлат хизматлари агентлигига мурожаат этишади. Агентлик номни бошқа жойда қайд этилмаганлигини текширади ва у юртимиздаги бошқа юридик шахснинг номи билан бир хил ёки ўхшаш бўлмасагина рўйхатга олишади. Акс ҳолда, тадбиркор яна бошқа ном танлаши ва уни ўхшаши йўқлигини текширтириши керак бўлади. Бу учун қўшимча вақт сарфлайди ва бизнесининг кечикишига таъсир қилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонуни (2011й. № ЎРҚ-303) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (2012 й. № 295) қарори қабул қилинган. Мазкур қонун ва қарорларнинг асосий талаби географик объектларни номлаш ва қайта номлаш, улардан фойдаланиш борасидаги муносабатларни такомиллаштириш, халқимизнинг тарихи, маданий ва маънавий мероси билан боғлиқ бўлган жой номларини муҳофаза қилиш ва уларни асосиз ўзгартиришнинг олдини олишдан иборат.

Қабул қилинган қонун ва қарорларнинг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят, шаҳар ва туман ҳокимиятлари қошида географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган комиссиялар ташкил этилди, улар таркибига маҳаллий ҳокимият, илм-фан, маориф, маданият муассасалари вакиллари ва тегишли мутахассислар жалб қилинган. Худудий комиссиялар фаолиятини бошқариш вилоят, шаҳар ва туман ҳокимлари зиммасига юклатилган.

Энг муҳими худудий комиссиялар низомида белгилангандек, улар олдида географик объектларга чинакам илмий, миллий ва замонавий номларни танлашда кўмаклашиш, номларни қонун талабларига мослигини таъминлаш, сохта, реал воқеаликни акс этмайдиган номларни қўймаслик каби муҳим вазифалар юклатилган. Худудий комиссиялар бу масалага қанчалар эътибор беришапти?

Биринчидан, худудий комиссиялар фаолияти жойларда деярли сезилмайди. Иккинчидан, комиссия аъзолари бу соҳага қўйилган талаб ва мезонлардан яхши хабардор эмаслар. Натижада, тадбиркорлик субъектлари номлари худудий комиссия аъзолари эътиборидан четда қолмоқда. Таъкидлаш жоизки, юридик шахс мақомига эга бўлиши учун, тадбиркорга ном бугун керак,

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни муқобиллаштириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича муайян ютуқларга эришилди. Атроф-муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан меъёрида фойдаланиш ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди. Шунга қарамадан олдимизда хали талай амалга ошириладиган ишлар кўлами – ечимини кутаётган муаммолар турибди.

Воҳаларда деҳқончиликни барқарор тараққий қилдириш иш жараёнида турли табиий-антропоген ходисалар – шўрланиш, ирригация эрозияси, дефляция, суффозия, сел ва бошқаларнинг ривожланиши туфайли мураккаблашади, уларнинг фаолияти тупроқ унумдорлигини кескин камайтиради, маҳсулдорликка таъсир этади, мўлжалланган ҳосил олинмайди. Бунинг учун экинзорлар ҳар доим инсон назоратида бўлиб, уларнинг фаолияти бошқарилиб туриши лозим. Барқарор бошқарилиш номақбул жараёнларнинг вужудга келишининг олдини олади, мавжуд жараёнларнинг ривожланиш имкониятларини қисқартиради ва бартараф этилишига олиб келади [2].

Республика худудида табиий шароитларнинг хусусиятларига қараб мавжуд ривожланаётган табиий-антропоген жараёнларни икки қисмга ажратиш мумкин: 1) тоғолди қия текисликлари, 2) аллювиал-пролювиал ва дельта текисликлари. Тоғолди қия текисликлари конуссимон ёйилмалардан иборат, литологик-геоморфологик тузилиши жиҳатидан уларда уч қисм, яъни юқори, ўрта ва қуйи қисмлари аниқ ажралади [2]. Юқори қисм дағал жинслардан ташкил топганлиги туфайли ҳамда қиялиги учун грунт сувларининг ётиқ оқими тўла таъминланган. Тупроқда эрозия жараёнлари ривожланиши мумкин. Ўрта қисмда дағал жинслар камайиб, лессимон жинслар нисбати ортади, гил ётқизиклари учраши мумкин. Қиялик ҳам юқори қисмга қараганда анча камаяди. Бундай вазиятда грунт сувларининг ётиқ ҳаракати камайиб, тик ҳаракат устунлик қила бошлайди. Бинобарин, уларнинг сатҳи ер юзасига яқинлашиб боради. Конуссимон ёйилмаларнинг қуйи қисмининг литологик таркибида лессимон ва гил ётқизиклари ҳукмрон, дағал жинслар учрамайди. Майда қумли юзалар мавжуд бўлиши қайд қилинади. Бундай вазиятда грунт сувларининг тик ҳаракати кучаяди, ётиқ ҳаракати жуда секин содир бўлади. Деҳқончилик фақат коллектор-зовур тизими асосида олиб борилади. Тупроқ шўрланиши устувор бўлганлиги учун зовурларнинг самарали ишлаши зарур, кузги-қишки заминнинг ювиш ишлари мунтазам олиб борилиши тақозо этилади. Грунт сувларининг ётиқ ҳаракати зовурлар ёрдами билан кучайтирилиши натижасида тупроқда ортиқча туз тўпланмайди. Бунинг учун зовур тизими тозаланиб турилса, унинг самарадорлиги юқори бўлади.

Дельта текисликлари мелиоратив жиҳатдан конуссимон ёйилмаларига ўхшаш, улардан фойдаланиш тамойили деярли ёйилмалардан фарқ қилмайди. Лекин чўл зонасидаги дарё дельталарида юқори ва ўрта қисмлари унчалик ривожланмаган, уларнинг худудлари кичикроқ, қуйи қисмлари нисбатан каттароқ. Амударё, Сарикқамишолди ва Оқчадарё дельталарининг юқори қисмларида дағал жинслар фақат қумдан иборат бўлади [2].

* Ҳакимов Қўчқор Маҳкамович - ЖДПИ "География ўқитиш методикаси" кафедраси профессори в.б., ф.ф.н.; Аманова Севара - ЖДПИ. География ўқитиш методикаси таълим йўналиши битирувчи курс талабаси Сафарова Шахноза - ЖДПИ. География ўқитиш методикаси таълим йўналиши битирувчи курс талабаси

Лёссимон жинслар ва гилнинг кўплиги, рельеф нишаблигининг озлиги, қумли юзаларнинг катта эмаслиги, тўртламчи давр ётқиқларнинг остида сув ўтказмайдиган неоген даврининг гил ва қумтошли жинсларининг худудий жойлашганлиги сабабли грунт сувларининг ётиқ ҳаракати тўлиқ таъминланмаган. Юқори қисмдан келаётган сув миқдор жиҳатдан жуда кўп, лекин уларнинг оқиб кетиши йўқ даражада бўлганлиги туфайли тик ҳаракат устуворлиги билан фарқланади. Ёз кунлари намлик буғланишга сарф бўлганлиги учун тупроқда туз тўплана боради. Зовур тизими мавжуд бўлган тақдирда ва катта самара билан ишлаш оқсо, туз тўпланиши бартараф этилиши мумкин.

Дельта текислигида шундай қонуният яққол сезилади, яъни дарё тармоқлари (Амударё дельтаси текислигида) ўзанлари атрофдаги худуддан 1,5-2,0 м баланд кўтарилганлиги ва ўзанбўйи грунтлари таркибида қум ва қумоқнинг бисёрлиги, гилнинг деярли учрамаслиги туфайли нам ўтқиқ қобилятининг нисбатан тезкорлиги билан ажралиб туради. Буни одатда ўзанбўйи марзаси (баландлиги) дейилади. Ундан атрофга томон узоклашилган сари лёссимон жинслар-қумлоқ ва гилнинг улуши ортиб боради, қум юзалари нисбатан камайиб бориши кузатилади. Грунтнинг литологик таркиби ўзгариши натижасида грунт сувининг ётиқ оқими секинлаша бориб, тик ҳаракат устун бўла бошлайди. Ўзанлараро пастқамликларда ётиқ оқим таъминланмаган бўлади. Ўзанбўйи баландликларда ётиқ оқим одатда таъминланганлиги билан тавсифланади. Демак, тупроқ шўрланиши деярли кузатилмайди. Ён томондаги ўзанлараро пастқамликда, аксинча намликнинг тик ҳаракати тезкорлик билан содир бўлганлиги сабабли тупроқда туз тўпланиши кучаяди.

Мирзачўлда тупроқларнинг туз режимини бошқариш ҳам мураккаб. Худудда коллектор-зовур ва тик зовур тизимлари мавжуд, улар чўлни ўзлаштириш жараёнида бунёд этилган. Лекин кейинги вақтларда қаровсизлик, тозаланмаслик, тик зовурларни ўз вақтида таъмирламаслик оқибатида уларнинг самарадорлиги кескин камайиб кетди. Тик зовурларнинг кўпчилиги ишламайди, ёпиқ зовурлар тўлиб қолган. Бундай вазиятда тупроқдаги тузни бартараф этишнинг иложи йўқ. 90-йилларгача коллектор-зовур тизимларининг самарадорлиги катталиги билан тавсифланган ҳолда, тупроқ ҳозиргидек даражада шўрланмаган эди. Суғориш одатда Сирдарёнинг шўр суви билан амалга оширилаётганлиги туфайли тупроққа кўплаб туз қўшилмоқда.

Шимолда Чордара сув омбори, жануби-ғарбда Айдар кўли, ғарбда Арнасой кўллари, шарқда Сирдарё Мирзачўлни ўраб туради. Айниқса, Айдар кўли ва Чордара сув омбори жойлашганлиги худуднинг грунт сувлари сатҳининг кўтарилиб боришига таъсир этмоқда. Хусусан, Айдар кўлининг сатҳи кўтарилишининг таъсири катта. Грунт сувлари атрофдаги пастқамликларга оқиб чиқиши мураккаблашиб, аксинча улардаги сув грунт сувларининг тексарисига, яъни воҳа томон оқишига гидравлик босим билан таъсир этмоқда. Натижада Арнасой туманида грунт сувлари сатҳи кўтарилиб бормоқда.

Бундай вазиятда Мирзачўл тупроқларининг туз режимини бошқариш мураккаб масала. Бирдан-бир тўғри йўл бу мавжуд коллектор-зовур

И.В.Стрюкова (1972) “Карта пастбищ Дехканабадского района Кашкадарьинской области” (М1:100000) картасида 9 та яйлов типи ва 20 яйлов хиллари, майдони, ҳосилдорлиги ва мол боқиш фасллари кўрсатилган.

1985 йили “Ўзбекистон ўсимликлар картаси” Ў.Алланазарова, З.А.Майлунлар томонидан тузилган ва фондда сақланмоқда.

1995 йилда Т.В.Овчинникова томонидан Қашқадарё вилоятининг “Ўсимликлар” картаси (1:500000) тузилиб, уларнинг трансформацияси кўрсатиб берилган. Ҳавзада 54 қавм, 34 жамоа, 27 ценотип, 16 кенжа тип, 6 тип картада кўрсатилган.

1998 йилда Б.Э.Хўжамкулов Қашқадарё ҳавзасининг “Арчазорлар” картасини (1:200000) тузган. Харитада 24 та картографик бирлик, 2 формация, 1 тип берилган. Бу маълумотлардан Қашқадарё ҳавзаси тоғ олди яйловлари картасини тузишда фойдаланилди.

2000 йилда В.В.Литвинова, Н.И.Акжигитова ва бошқалар “Растительность Средней Азии и Казахстана” (М1:2500000) номли картани тузишган. Биз ундан обзор сифатида фойдаландик.

Юқорида келтирилган карталарни ўрганиш асосида илмий иш олиб борилган худуднинг фитоценотик бирликлари ва яйлов хилларининг сон ва сифат кўрсаткичлари аниқланди ва баҳоланди. Шунингдек, юқорида санаб ўтилган адабиёт ва картографик маълумотлар, ўрганилаётган худуднинг ҳозирги ҳолатини баҳолашда репер сифатида олинади. Санаб ўтилган карталар таркибида берилган картографик бирликларнинг ҳозирги ҳолати кейинги йиллар давомида анча ўзгариб кетган. Бироқ улар худуднинг ландшафт компонентларидан энг динамик элементлари: ўсимлик ва яйлов бирикларининг трансформация даражасини аниқлашда асос бўлиб хизмат қилади. Ҳолбуки, Қашқадарё ҳавзаси тоғ олди худудларидаги флоранинг ўзига хослиги ва бойлиги, ем-хашакбоплиги, фойдалилиги, шифобахшилиги, камёблилиги, эстетиклиги ва иқтисодий томонлама аҳамиятлилиги муҳимдир. Инвентаризация асосида тузилган харита қуйидаги кўрсаткичлари билан фарқ қилади:

- Йирик масштабли бўлиши (1:200000);
- Пайҳонланган майдонларнинг ажратилиши;
- Яйлов типлари ҳозирги ҳолатининг (ҳосилдорлиги, ўзгариши) баҳолашиб берилиши;
- Карта асосида яйлов типларининг оптималлаштириш йўллари ишлаб чиқилиши.

Қашқадарё ҳавзаси тоғ олди яйловлари картасининг изоҳи “Экспликация и условные обозначения к картам растительности Узбекистана” (1965) ва “Методические указания по геоботаническому обследованию естественных кормовых угодий Узбекистана” (1980) китобларидаги кўрсатмалар асосида тузилди.

харитасини тузган. Бу маълумотлар орқали Самарқанд вилояти ва Қашқадарё вилояти ўсимлик жамоаларини солиштиришда фойдаланилди.

1934 йили М.Г.Попов, Е.П.Коровин, Р.И.Аболин, М.И.Культиасов, М.М.Советкиналар томонидан йиғилган маълумотлар асосида, Е.П.Коровин ва бошқалар “Ўрта Осиё ва Қозоғистон ўсимликлар картаси” (М1:1000000) ни chop этган.

1941 йилда И.С.Амелин ва М.Г.Поповлар Самарқанд вилоятининг “Ўтлоқлар картаси” ни тузишган (М1:200000). 1956 йилда эса Е.П.Коровин редакцияси остида Ўрта Осиё ўсимликлари картаси тузилиб (М1:1000000), планшетларда кичик бирлиги – ўсимлик типи ҳажмида берилган.

М.М.Советкина, Е.П.Коровин (1941) “Естественные пастбища и сенокосы Узбекистана” (М:1500000) номли картада 9 та тип, 28 та картографик бирлик ҳамда уларнинг ҳосилдорлиги, мол боқиш фасллари берилган.

Н.В.Кошурникова (1945-1947) “Карта пастбищ Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей” номли картада чўл, адир, тоғ, яйлов типларини берган.

1949-1960 йилларда ЎзРФА Ботаника институти, Ўрта Осиё давлат университети, Узгипрозем ходимлари томонидан Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг ўсимлик копламини ўрганилиб, “Ўтлоқлар” ва “Яйловлар” карталари ишлаб чиқилган.

1956-1960 йилларда И.И.Гранитов, В.А.Гребенщиков ва В.П.Прошляковлар таҳрири остида барча вилоятларнинг “Ўсимликлар коплами” ва “Ўтлоқлар” хариталари тузилди. “Ўтлоқлар” карталари “Ўсимликлар коплами” картаси асосида тузилган бўлиб, уларга қўшимча мол боқиш фасллари, майдони, ҳосилдорлиги каби маълумотлар берилган.

1956-1960 йилларда “Карта растительности пастбище Кашкадарьинской области” (М1:200000) номли карта Э.И.Александрова, М.Г.Беленовская, В.А.Востриков, И.И.Гранитов, В.А.Кузнецов, В.У.Макарчук, П.И.Юлинларлар томонидан тузилган ва унда барча баландик босқичларида 12 та тип, 47 та картографик бирлик, яйлов типларининг ҳосилдорлиги, мол боқиш мавсуми баён этилган. Айнан ўша йилларда И.Ф.Момотов, А.Д.Ли, П.К.Зокировлар Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг “Ўтлоқлар картаси” ни тузишган (М1:200000).

1957 йилда Э.И.Москвина “Қашқадарё вилояти ўсимликлари картаси” ни ишлаб чиққан. Унда 4 та баландлик босқичи: чўл, адир, тоғ, яйловлар тасвирланган ва 62 та картографик бирлик берилган

А.И.Гранитов 1964-1965 йилларда ТошДУ, “ЎЗДАВЕРЛОЙИХА”, ЎзРФА Ботаника институти ходимлари ҳамкорлигида “Экспликация и условные обозначения к картам растительности Узбекистана” китоби нашрдан чиқарилди. Унда республика бўйича 13 та ўсимликлар типи ва 58 та формацияга мансуб 288 та ассоциация ажратилган.

А.И.Гранитов (1967) “Карта растительности Узбекистана и карта пастбищ Узбекистана” (М:1000000) харитасида 68 та картографик бирлик акс этирилган ва жанубий ҳудудлар учун эса 29 та картографик бирлик берилган.

тизимларини белгиланган ўлчамга қадар мунтазам тозалаб ва таъмирлаб туриш билан уларнинг самарадорлигини оширишга эришиш мумкин. Тик зовурларни таъмирлаш асосий масала, уларни мунтазам маълум техник режимда ишлашини назорат қилиб туриш керак.


Номатлуб табиий-антропоген жараёнларни бошқариш ҳар доим долзарб масала бўлиб келган ва истиқболда шундай бўлиб қолади. Чунки инсоннинг хўжалик фаолияти шуни тақозо этади, мол боқишнинг кучайиши, пичан ўриш, дов-дарахтларни қирқиш, техноген омил лессимон жинслар мавжуд бўлган қия ёнбағирларда турли муҳандислик иншоотларни бунёд этиш ва бошқа омиллар гравитация ҳамда эрозия жараёнларининг вужудга келишини кучайтирмоқда. Бу динамик вазият инсондан уларнинг режимини мунтазам бошқаришни талаб қилади. Шунингдек текисликдаги воҳаларда суғориш билан боғлиқ бўлган жараёнлар, табиий яйловларда содир бўлаётган дефляция ва эрозия билан боғлиқ ходисалар ҳам диққат-эътиборда бўлиши, уларнинг ривожланаётган майдонларини тобора камайтириб бориш, яйлов маҳсулдорлигини ошириш, техноген таъсирни тўғри бошқариш асосий масала бўлиб қолиши керак. Бунинг учун зарурий масштабда ландшафт, табиатни муҳофаза қилиш, табиий-антропоген жараёнлар динамикаси карталарини тузиш фойдадан холи бўлмади. Мазкур карталар мониторинг ишларини бажаришда кўл келади.

ҚУЙИ ЗАРАФШОН ОКРУГИДАГИ ШАҲАРЛАР АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ БАҲОЛАШ ИНДИКАТОРЛАРИНИ АНИҚЛАШ ХУСУСИДА

Расулов А. Б.


Тошкент давлат педагогика университети тадқиқотчиси

“Иссикхона” эффекти туфайли содир бўлган иқлим ўзгаришлари биохилма-хилликнинг камайишига, инсонлар ўртасида турли касалликларнинг авж олиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатининг пасайиши, умуман, глобал экологик, ижтимоий-иқтисодий муаммоларга олиб келади. Ҳозирда дунё бўйича атмосферага чиқарилаётган углерод IV оксидининг миқдори 2016 йилда 1990 йилга нисбатан қарийб 67%га ошиб, 21,6 млрд. тоннадан 34,2 млрд. тоннага етган (1-расм). Сайёрамиз атмосферасига чиқарилаётган CO₂ нинг миқдори дунёнинг иқтисодиёти ривожланган давлатларда 1990 йилда 14,9 млрд. тоннани ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилда 13 млрд. тоннани ташкил этган (яъни 1,9 млрд. тоннага камайган). Ривожланаётган давлатларда эса аксинча, 2015 йилда 1990 йилдаги 6,7 млрд. тоннадан, 21,2 млрд. тоннага кўтарилган [1]. Бунга асосий сабаб, ривожланган ҳудудларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига тўғри келадиган углерод IV оксидининг миқдори (1 АҚШ долларлик маҳсулот ишлаб чиқаришга 0,3 килограмм CO₂ тўғри келади) ривожланаётган ҳудудлар (0,4 килограмм)га нисбатан анча камлигидир.



1-расм. Атмосферага чиқарилаётган CO₂ нинг миқдори, млрд. тонна (дунё бўйича)

Юкорида таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) «Европа учун атроф муҳит» дастурига аъзо ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ривожланиш учун индикаторларни танлашда ЕИК ҳамда атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Европа агентлиги томонидан Шарқий Европа, Кавказ орти ва Марказий Осиё (ШЕКОМО) давлатлари учун белгиланган мезонлар асосий кўрсаткич сифатида қўлланилади [2]. Мазкур минтақа давлатлари учун барча таркибий бирликларнинг ривожланиш индикаторлари каби атмосфера ҳавоси учун ҳам махсус индикаторлар белгиланган (2- расм).



2-расм. Атмосфера ҳавоси бўйича асосий индикаторлар

Барқарор ривожланиш индикаторларини аниқлаш ва даврийлигини таъминлашда Жаҳон банки етакчи ўринни эгаллайди. Жаҳон банкининг жаҳон ривожланиш индикаторлари мавзусидаги йиллик ҳисоботидаги 550

ҳисобланади. Жумладан, ариқ, анҳор терминларининг аксарияти дастлаб ном сифатида қўлланилган. Кейинчалик терминга айланиб, топонимлар таркибида қўлланиладиган бўлган. Аслида маҳаллий географик терминларнинг гидроним, ороним, ойконимларнинг шаклланишидаги иштироки бирдек деб бўлмайди. Масалан, Беларус гидронимларининг фақат 10 фоизигина маҳаллий географик терминлар иштирокида ясалган. Бироқ, ойконимлар ясалишида бундай маҳаллий терминлар 55-60 фоизни ташкил этади. Фарқларнинг бу каби катта бўлишини айрим тадқиқотчилар гидронимларнинг ойконимлардан қадимгирок эканлиги билан изоҳлайди. Ҳақиқатдан ҳам қадимги топонимларнинг ўзгариб кетиши, улар таркибидаги терминнинг йўқолиши ёки ном таркибидан тушиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Маҳаллий географик терминлардан географик номлар этимологиясини аниқлашда фойдаланиш билан бирга, маъно силжиши (кўчиши) ва термин маъносининг ўзгаришга учрашини ҳам эътиборга олиш зарур. Бундай ўзгаришлар аниқ географик, тарихий ва иқтисодий шароитларга боғлиқ бўлади. Баъзан термин мазмуни унинг бирламчи мазмунидан бошқача бўлиб қолиши ҳам мумкин. Масалан, туркий тиллардаги умумий «**қир**» термини ҳозирги турк тилида текислик, дала, қирғиз тилида паст тоғлар, қозок тилида паст тоғлик, туркман тилида қаттиқ, текис, очиқ юзали платолар, ўзбек тилида юзаси баландпаст, мутлақ баландлиги 200-500 метр бўлган ерлар маъноларини англатади. Бундай ҳолатни Булунғур туманидаги маҳаллий географик терминлардан «**қала**» термини мисолида кўриш мумкин. Бу терминни ўзбек тилидаги «**қалъа**» термини билан айнан бир хил деса ҳам бўлади. Лекин, ўзбек тилидаги «қалъа» - истеҳком, қўрғон маъноларини англатган.

Географик номларнинг қандай объектга (кўл, дарё, тоғ, текислик, қишлоқ, кўча ва ҳ.к.) тегишли эканлигини кўпинча топонимлар таркибидаги терминлар орқали аниқлаш мумкин. Масалан, кўл, дарё, сой, терминлари географик номнинг гидроним, яъни сув объекти эканлигини билдирса (**Булунғур, Янгибеш, Қораарик, Қорасув, Полвонарик, Туятортар, Оқтепа, Оқарик** каби **арик** ва **каналлар**), тоғ, тепа, жар, қум каби терминлар ўзлари иштирок этаётган номнинг ороним эканлигини кўрсатади. Булунғур туманида топоним ҳосил қилишда гидронимик терминлар оронимик ва ойконимик терминларга нисбатан кўпроқ қатнашади. Гидронимик терминларнинг ҳар иккала турига оид терминлар ҳам сонига, ҳам топоним ҳосил қилиш салмоғига кўра бошқа типдаги терминлардан олдинда туради.

ҚАШҚАДАРЁ ҲАВЗАСИ ЯЙЛОВЛАРИНИНГ КАРТОГРАФИК ТАҲЛИЛИ

Хўжаназаров Ў.Э., Исломов И.Н., Қодиров Д.А.
Тошкент давлат педагогика университети

Ўзбекистон ўсимликларини хариталаш ишлари 1920 йилда САГУ (Ўрта Осиё Давлат Университети) қошидаги Тупрокшунослик ва геоботаника илмий тадқиқот институти ходимлари томонидан бошланган. Зарафшон ҳавзаси худудларида М.Г.Попов (1925-1927й.) илмий иш олиб бориб, «Ўсимликлар»

Буюк Британиядаги айрим жой номларини ўзбек тилига таржима қилинса “Раҳминг келсин”, “Сўқир куёвлар”, “Зўр муҳаббат”, “Каламушқаъла”, “Майхўрнинг тавбаси” деган маъноларни беради. Хулоса қилиб айтиш жоизки, ғаройиб номлар биринчи эшитилишида ғалати бўлиб эшитилса-да, қаерда бўлмасин ҳар бири ўзининг номланиш тарихига ва қандайдир ўзига хос хусусиятга эгадир.

БУЛУНҒУР ТУМАНИ ТОПОНИМЛАРИ

Усмонов М.Р., Валиева Ш.И.*

Самарқанд давлат университети

Булунғур топонимларининг вужудга келишида топонимлар шаклланишининг умумий қонуниятлари ўз ифодасини топган. Шунингдек, Булунғур жой номларининг шаклланишида фақат маҳаллий топосистемага хос бўлган қонуниятлар ҳам мавжуд. Бу қонуниятлар туманнинг иқтисодий географик жойлашган ўрни, аҳолининг миллий таркиби, уларнинг асрлар давомидаги тарихи ва ҳ.к. билан тўғридан - тўғри боғлиқдир.

Ер юзидаги барча топонимларнинг кўпчилик қисми даставвал турдош отлардан таркиб топган. Кейинчалик эса, географик номлар (топонимлар) мазмунан ва шаклан атоқли отларга айланиб борган. Кўпчилик топонимист олимлар фикрича, қадимги тилларда атоқли отлар бўлмаган. Масалан, Австралия, Африка ва Американинг маҳаллий халқлари - аборигенлар тилларида атоқли отлар жуда кам учраган экан. Бундай тилларда турдош отлар ёки қандайдир иборалар атоқли отлар вазифасини бажариши мумкин.

Инсоният жамияти ривожланишининг илк босқичларида ўша давр одамлари учун яшаш макони жуда чегараланган ва географик объектларни номлаш учун ҳам зарурият деярли йўқ эди: улар тоғларни, тепаларни (умуман барча рельеф объектларини) - “тоғ”, дарё, жилға, сой ва ҳ.к. ларни “сув”, “дарё”, кўл, денгиз, океанларни эса - “денгиз” шаклида, яъни фақат биттагина турдош от билан номлашган. Узоқ вақт давомида тилнинг ривожланиши ёки халқларнинг яшаш жойларини ўзгартириши билан географик терминларнинг (юқорида қайд этилган турдош отлар) аксарияти фойдаланишдан чиқиб қолган ва улар объектларни ифодаловчи «ном»га (топонимга) айланиб, ҳозирда ҳам сақланиб келмоқда. Бунга сабаб янги авлод ёки янгидан келиб жойлашган бошқа тилда гапирувчи аҳоли бу терминларни (турдош отлар) маъноси номаълум бўлган атоқли от (топоним) сифатида қабул қилган.

Кўпчилик йирик дарё ва тоғлар қадимда оддийгина сув, тоғ, тепа деб аталган. Бу оддий сув, тоғ, тепа каби сўзлар кейинчалик географик номга (топонимга) айланган. Масалан, «дон» сўзи қадимги скифлар тилида «дарё» маъносини билдирган, скифлар авлоди ҳисобланмиш ҳозирги осетин тилида бу сўз асл маъносида сақланиб қолган.

Мазкур қонуният Булунғур жой номларида ҳам ўз ифодасини топган. Бу қонуният, айниқса, туманнинг баъзи гидронимик топонимлари учун хос

индикаторлар орқали барқарор ривожланиш мақсадларида ҳаракат қилаётган мамлакат ва минтақалар аниқланади [2]. Ушбу ташкилот атмосфера ҳавосининг сифати бўйича индикаторлари 2-расмда кўрсатиб ўтилган, индикаторлар уч гуруҳга ажратилган. Биринчи гуруҳдаги индикаторлар ривожланиш индикаторлари сифатида номланиб, булар СО₂ чиқиндилари, олтингургурт ва азот оксиди чиқиндилари, озон қатламини бузувчи моддалар истеъмоли кўрсаткичларидан иборат.

Юқоридаги халқаро ташкилотларнинг атмосфера ҳавосини баҳолаш индикаторлари асосида ривожланган мамлакатларнинг ўзига хос ички хусусиятларидан келиб чиқиб, алоҳида индикаторлар гуруҳи шакллантирилган.

Масалан, Россия Федерациясида бугунги кунда атмосфера ҳавоси бўйича қўлланиладиган индикаторлар ва ушбу кўрсаткичлар асосида ҳисобланган индекслар куйида илова қилинган (1-жадвал).

1-жадвал

Россия Федерациясида атмосфера ҳавоси учун танланган асосий индикатор ва индекслар

Т/р	Ифлослантирувчи манбалар номи	Кўрсаткич миқдори, индекс
1	СО ₂ эмиссияси ЯММга нисбатан, (кг)	1.4
2	Аҳоли жон бошига СО ₂ эмиссияси (мегатонна)	9.8
3	Қатта шаҳарлар ҳавосидаги муаллақ зарраларнинг миқдори (мг/м ³)	25
4	Йўловчи ташувчи автомобиллар (минг кишига нисбатан)	140

Сўнги ўн йилликда индикаторларни аниқлаш, баҳолаш ва танлаб олиш бўйича Ўзбекистонда деярли тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

2004-2006 йилларда Экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ва БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида «Ўзбекистонда атропо муҳит ҳолатини мониторинг қилиш учун экологик индикаторлар» мавзусида лойиҳа бажарилган.


Мазкур лойиҳа ижросини собиқ Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси масъул ижрочи сифатида мувофиқлаштириб борган. Лойиҳа Ўзбекистон Республикасида атропо муҳитни ўрганишда экологик индикаторлар тизимидан фойдаланиб, мониторингни шакллантиришга қаратилган.

Олиб борилган таҳлилларни халқаро ташкилотлар, ривожланган хорижий давлатлар ва экологик, иқтисодий ва ижтимоий индикаторларни Ўзбекистоннинг жанубий ғарбиқисмида жойлашган Куйи Зарафшон табиий географик округи учун тўғридан-тўғри қўллаб бўлмади.

Жумладан ҳудуднинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган Навоий шаҳри атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи индикаторларни аниқлаш мақсадида 2005-2015 йиллар давомида олинган чанг зарралари ва зарарли газлар бўйича маълумотлари жамланиб, таҳлил қилинди.

* Усмонов Маъруф Рустамович – СамДУ, География ва экология факультети География кафедраси доценти; Валиева Шахноза Исламовна – СамДУ, География ва экология факультети География кафедраси ассистенти.

Навоий шахри атмосферасига чиқарилаётган чанг заррачалари ва зарарли газлар миқдорининг 2005-2015 йиллар давомида ўзгариш динамикаси 3-расмда берилган.



3-расм. Навоий шахри атмосфера ҳавосининг зарарли чанг заррачалари ва газлар билан ифлосланиш динамикаси (2005-2015 йиллар)

Навоий шахрида атмосфера ҳавосига чиқарилаётган ифлослантнувчи моддалар миқдорининг 2005-2015 йиллардаги ўзгариш динамикаси таҳлили шуни кўрсатадики, атмосфера ҳавосининг чанг заррачалари билан ифлосланиши ўртача 0.15 мг/м^3 бўлиб, рухсат этилган меъёр (РЭМ) 0.16 мг/м^3 га нисбатан ўртача 12.5% га кам. Чанг заррачаларининг Навоий шахри атмосфера ҳавосидаги максимум ўртача миқдори 2005, 2006, 2008, 2010, 2014 йилларда 0.2 мг/м^3 ни ташкил қилиб, бу кўрсаткич РЭМдан (0.16 мг/м^3) 20% ортқилигини кўриш мумкин. Чанг заррачаларининг энг кам ўртача миқдори 2007, 2009, 2011, 2012, 2015 йилларда қайд қилинган бўлиб, 0.1 мг/м^3 ни ташкил қилган, бу миқдор РЭМдан кам бўлган. Аэрозоллар миқдорини аниқлаш бўйича Навоий шахрининг энг саноатлашган марказий (“Навоийазот”, “Навоий тоғ кон-металлургия комбинати”га хизмат қилувчи корхоналар) ҳудудларида олиб борилган тадқиқотлар давомида чанг заррачаларининг энг кам ўртача миқдори 0.58 мг/м^3 бўлган. Бу кўрсаткич эса рухсат этилган меъёрлардан (0.16 мг/м^3) юқорилигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, олиб борилган 11 йиллик кузатувлар натижасида Навоий шахри атмосфера ҳавоси таркибини мониторинг қилишда чанг заррачалари индикатор сифатида тавсия қилинади.

Навоий шахри атмосфера ҳавосига *углерод оксиди* газининг атмосферага ташланиши бўйича 2005-2015 йиллардаги маълумотларни статистик қайта ишлаб таҳлил қилиш натижаларидан маълум бўлдики, углерод оксидининг кўп йиллик ўртача миқдори 1.02 мг/м^3 ни ташкил этиб, рухсат этилган меъёр (РЭМ-

Хорватиядаги Слим (*Slime*) шахри саёхатчилар, айниқса экстремал туризм билан шуғулланувчиларга яхши таниш. Унинг номи ўзбекчага таржима қилинса “Шилимшик” деган маънони англатади.

Кайман оролларидаги Хелл (*Hell*) шаҳарчасида яшовчи маҳаллий аҳоли ўз шаҳарларининг номидан фойдаланиб, даромад олишни йўлга қўйишган. Бу шаҳар номи инглиз тилига таржима қилинганда “Дўзах” маъносини ифодалайди. Туристик компаниялар саёхатчиларга оролнинг ажойиб манзарали тоғ ва қояларини томоша қилиш билан биргаликда “Дўзах”дан ўз уйлариغا хат ёки бандероль жўнатишлари мумкинлигини реклама қилишади.

1970 йилларда АҚШнинг Аризона штатида ғаройиб номли Идиотвилл (*Idiotvill*), “Аҳмоқлар шаҳри” шаҳарчаси пайдо бўлди. Шаҳарнинг бундай ғаройиб номга эга бўлиши, Аризона штатининг Тилламук округида ёғоч тайёрлаш мақсадлари учун зудлик билан ишчилар таклиф этилишидан бошланди, мазкур жой округнинг аҳолиси жуда сийрак, олис, хилват қисмида жойлашгани учун аҳоли ўртасида “Фақат аҳмоқ одамгина у жойга ишлашга боради” деган ибора пайдо бўлади. Шундан, Идиотвилл “Аҳмоқлар шаҳри” деган ном пайдо бўлади. Кейинчалик олис регионда жойлашган мазкур шаҳарчада иш ўринлари қисқариши оқибатида ҳозирги кунда Идиотвилл- ўлик шаҳарга айланди.

Аризона штатида яна бир ғаройиб жой номи бор-йўғи 116 киши истикомат қиладиган кичик шаҳарчининг географик жойлашуви билан боғлиқ. Шаҳар маркази икки асосий автомагистралларнинг кесиладиган қисмида жойлашиб юқоридан қараганда инглиз тилидаги -Y харфига ўхшайди. Штатнинг қонунига кўра жой номи камида уч харфдан иборат бўлиши кераклигини инобатга олиб шаҳарчага Why деб ном қўйилди. Агар уни инглиз тилидан таржима қиладиган бўлсак “Нима учун” ёки “Нега” деган маънони билдиради.

Канаданинг Альберт провинциясида ўзининг ғалати номланиши билан ЮНЕСКО рўйхатидан олган Хед –сметт – Ин-Баффало-Джамп (*Head-Smashed-In Buffalo Jump*) шаҳри бор. Унинг номи инглизчадан таржима қилинганда “Бизонлар ҳалок бўлган тубсизлик” маъносини англатади. Шаҳарнинг бундай ғаройиб номланиши шу жойда яшаган туб жой аҳолиси индеецларнинг фаолияти билан боғлиқ. Индеецлар юзлаб йиллар давомида, кўпроқ ўлжа овлаш мақсадида бизон подаларини мазкур ҳудудда жойлашган тик жарликка томон ҳайдаб келишган. Ҳозирги кунда шаҳар Канаданинг сайёҳлар диққатини ўзига тортадиган объектларидан биридир, шаҳарда индеецлар қабиласи тарихи музейи ташкил қилинган.

Германиянинг Бавария округида ташкил қилинган коммуналарнинг бири - Киссинг (*Kissing*) деб номланган. Инглиз тилида “kissing” феъли “ўпишмоқ” деб таржима қилинади.

Ғаройиб номларнинг яна бири Жанубий Африка Республикасидаги Тгу Агаин шаҳрининг номи бўлиб, унинг инглизчадан таржимаси “Яна бир кўринг” маъносини билдиради.

Владивосток - Шаркни эгалла, Великие Луки - Катта ёйлар, Лос - Анжелес - “Бизнинг жаноби олийлари фаришталар қироли” ва ҳ.к.

Географик жой номлари жуда турли - туман, баъзи номлар ғаройиб, ғалати. Уларнинг келиб чиқиши ҳам жуда хилма - хил. Уларни турларга ажратиш ҳам жуда мураккабдир. Кўпинча тил қондалари нуктаи назаридан турларга ажратилади. Яна шаклланиш босқичларига, бунёдга келишига, нималар билан боғланганлигига кўра ҳам турларга ажратилади.

Географлар турларга ажратишни жой номларининг келиб чиқиши, қандай ҳодиса ва воқеаларга боғланганлигига қараб амалга оширадидилар. Буни куйидагилардан кўриш мумкин.

1. Жойнинг географик ўрнига боғлиқ ҳолда пайдо бўлган номлар.
2. Айрим географик номлар ўша жойнинг, географик объектнинг ўзига хос хусусиятларидан пайдо бўлади.
3. Сув билан боғлиқ номлар (гидронимлар).
4. Ўсимликларга боғлиқ номлар (фитонимлар).
5. Ҳайвонларнинг номи билан боғлиқ жой номлари (зоонимлар).
6. Фойдали қазилмаларга боғлиқ жой номлари.
7. Халқ, қабила, уруғлар номлари билан боғлиқ топонимлар (этнонимлар).
8. Аҳолининг касб - ҳунаридан олинган номлар.
9. Шахсларнинг исм - шарифлари, тахаллусларига қўйилган географик номлар (антропонимлар).
10. Афсонавий ва диний номлар.
11. Ғаройиб номлар.
12. Замонавий номлар.

Куйида ана шундай жой номлари туридан энг қизиқарлиси ғаройиб номларнинг айримлари ҳақида сўз юритамиз.

Дунё хариталарида ҳазилнамо, кулгили ёки ваҳимали номлар ғаройиб номлар турига киради. Ғаройиб номлардан Кривой Рог (Эгри шох), Капри (Эчки) ороли, Канар (Ит) ороллари, Золотой Рог (Олтин шох), кўрқинчли, ваҳимали номлардан Дашти Лут (Ўлим дашти), Ажал водийси, Дашти Маргтоҳ (Ўлим дашти), Борсақелмас, Ўлик денгиз, Жончиқар каби номларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам шундай ғаройиб номлар анчагина, жумладан, Тошкент шаҳридаги Хотинкўприк, Яланғоч, Падаркуш, Қорёғди, Инжиқобод, Пуштихаммом, Қонкус, Жинкўча, Кампирдевор каби кўча, маҳалла ва мавзелар номи, Наманган вилоятидаги Лаббай тоғи, Андижон вилоятида Чўнтакқишлоқ, Шахрисабзда Чарчаманг қишлоғи, Фарғона вилоятидаги Кўкдўппи, Қорақалпоғистон Республикасида, Ашаул (Оч овул), Эшкйўлген (Эчки ўлган) аули шулар жумласидир.

Ғаройиб номлар дунёнинг ҳар бир ҳар бир мамлакатада мавжуд. Чет элдаги баъзи бир жой номларини ўзбек тилига таржима қилинса ғалати, баъзан кулгили бўлиб туюлади. Буни билан куйидаги жой номлари мисолида танишиш мумкин.

3 мг/м³) ўртача 34%ни ташкил қилган. Ушбу йиллардаги таҳлиллардан маълум бўлдики, Навоий шаҳри атмосфера ҳавосига 2005-2015 йиллар давомида йилига ўртача 6.767 минг т. углерод оксиди ташланган.

Навоий шаҳри атмосфера ҳавоси таркибидаги *азот диоксиди* газининг атмосферага ташланиши бўйича олиб борилган 11 йиллик таҳлиллар натижасидан маълум бўлдики, 2005-2015 йиллардаги ушбу газнинг ўртача миқдори 0,049 мг/м³ни ташкил этиб, рухсат этилган меъёрлардан (0,04 мг/м³) 19% ортиқ бўлган. Шаҳар атмосфера ҳавоси таркибидаги азот диоксиди вази микдорининг йиллар кесимидаги динамикаси таҳлили натижалари 2005, 2006, 2008, 2010, 2012 йилларда ушбу газнинг миқдори 0.05 мг/м³ни ташкил қилиб, РЭМдан 20%га ортиб кетганини кўрсатди. Навоий шаҳри атмосфера ҳавосини мониторинг қилишда *азот диоксиди* вази ҳам индикатор сифатида тавсия қилинади.

Навоий шаҳри атмосфера ҳавоси таркибидаги *азот оксиди* микдорининг 2005-2015 йиллардаги ўртача кўрсаткичи 0.39 мг/м³ни ташкил этиб, рухсат этилган меъёрлар (0.06 мг/м³)дан 33%га кам бўлган. Бу газнинг шаҳар атмосферасидаги максимал миқдори натижалари таҳлили 2005, 2006, 2008, 2009, 2010, 2013 йилларда 0.04 мг/м³ни ташкил қилиб, мазкур кўрсаткичлар РЭМдан камлигини кўрсатди. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Навоий шаҳри атмосфера ҳавоси таркибидаги азот оксидининг ўртача миқдорини ҳозирги пайтда индикатор сифатида тавсия қилиш шарт эмас, деб ҳисоблаймиз.

Навоий шаҳри атмосфера ҳавосига *озон* газининг атмосферага чиқарилиши кўрсаткичи 2005-2015 йиллар давомида ўртача 0.023 мг/м³ни ташкил этиб, рухсат этилган меъёрдан (0.03 мг/м³) ошмаган. Озон газининг атмосфера ҳавоси таркибидаги микдорининг йиллар кесимидаги таҳлил натижалари ушбу газ микдорининг энг юқори миқдори 2012, 2013 йилларда 0,026 мг/м³, энг кам миқдори 2009 йилда 0,013 мг/м³ни ташкил қилган. Мазкур кўрсаткичлар ҳам РЭМ талабларидан ошмаганлигини кўриш мумкин.

Навоий шаҳри атмосфера ҳавоси таркибидаги *аммиак* вази микдорининг 2005-2015 йиллардаги ўртача кўрсаткичи 0,046 мг/м³ни ташкил этган ва рухсат этилган меъёрлардан (0,04 мг/м³) 14%га ортган. 2005, 2006, 2007, 2010, 2014 йилларда газнинг атмосферага ташланишининг максимал кўрсаткичлари, 0,05 мг/м³ни ташкил қилган, ушбу кўрсаткич РЭМдан 20%га ошган. Аниқланган энг кам кўрсаткичлар эса 2008, 2011, 2013, 2015 йилларда 0,04 мг/м³ни ташкил қилиб, РЭМ даражасида эканлиги аниқланган.

Навоий шаҳрида саноатнинг энергетика, кимё, кимё машинасозлиги, қурилиш материаллари тармоқлари жойлашган бўлиб, атмосферани ифлослантирувчи манбаларнинг 11 йиллик таҳлили натижаларини куйидагича изохлаш мумкин (2-жадвал).

Юқоридаги ифлослантирувчи моддаларнинг Навоий шаҳри атмосфера ҳавоси таркибидаги микдори ва уларнинг рухсат этилган меъёрлар (РЭМ) билан солиштириш натижасида мазкур шаҳар атмосфера ҳавоси учун индикатор сифатида: 1) атмосферанинг чанг ва қаттиқ зарралар билан ифлосланиши; 2) атмосферанинг азот диоксиди билан ифлосланиши; 3) атмосферанинг аммиак билан ифлосланиши тавсия қилинади.

**Навоний шахрида атмосфера ҳавоси учун танланган
асосий индикаторлар**

Т/р	Атмосферани ифлослантирувчи моддалар номи	Мавжуд ифлосланиш кўрсаткичларининг (мг/м ³) РЭМга таққосланиши (мавжуд кўрсаткич/РЭМ)
1	Чанг ва қаттиқ заррачалар билан ифлосланиши	0.15 < 0.16
2	Азот диоксида билан ифлосланиши	0.049 > 0.04
3	Аммиак билан ифлосланиши	0.046 > 0.04

АЙРИМ ШАҲАРЛАР ИҚЛИМИ ВА УЛАРДАГИ ФАРҚЛАР ТАҲЛИЛИ
Солиев Э.А.

Наманган давлат университети

Ўлкамизнинг йирик қуруқлик ичкарасида ва бир мунча жануброқда жойлашганлиги, шу билан биргалликда, унинг шимол томони очиқ бўлганлиги иқлимнинг жуда кескин континентал бўлишига сабабдир. Ўлкамизда ёз қуруқ, осмон деярли булутсиз-очиқ ва жазирама иссиқ келади, киш эса нисбатан сернам ва совуқ, айниқса, ўлканинг шимолида, қаҳратон совуқ бўлади.

Ўлкамиз иқлимнинг ҳосил бўлишида океанларнинг таъсири йил давомида сезилиб туради. Бу кўпроқ Атлантика океанида эсадиган ғарбий ва шимоли-ғарбий ҳаво оқимлари билан боғлиқ бўлса, қишда эса, Арктика денгизлари томонидан совуқ ҳаво ўлкамизга хуруж қилиб туради, лекин унинг таъсири масофа узоклиги сабабли, айниқса, ёз фаслида анча сусаяди.

Ёз ойларида, фақат атмосферанинг 3-6 км баландликдаги қатламларидаги денгиз ҳавосигина ўлканинг жануби-шарқий тоғли худудларида етиб бориб, у ерга совуқ ва юқори намлик олиб келади ва натижада тоғли минтақада булутлар пайдо бўлиб, ёмғир ва қор ёғади, ҳаво ҳарорати пасайиб кетади.

Ҳаво ҳарорати режимининг даврий тебраниши ва ўзгарувчанлигига турли омиллар ва жараёнлар таъсир этади. Йирик шаҳарларда ҳаво ҳарорати режимининг шаклланиши атрофдаги жойларга нисбатан бирмунча мураккаброк бўлган шароитда кечади. Чунки катта шаҳарлар ўзига хос мезоиклимга эга, унинг баъзи худудларида шаҳар тури, кўча ва майдонлар қопламаси, ўсимликлар ва сув ҳавзалари тақсимоти билан белгиланадиган ўзига хос микроиклимий шароитлар юзага келади.

Кўриб чиқилаётган шаҳарлар (Нукус, Самарқанд, Тошкент, Термиз) об-ҳавосининг режими шунчалик хилма-хилки, бунга ўхшаш жойларни бошқа кенгликларда топиб бўлмайди.

Ушбу шаҳарлар об-ҳавосининг совуқ даврида ёғинларнинг ёғиши ва ўзгарувчан об-ҳавонинг бўлиши хосдир. Киш ойларида худди баҳор ойларидек илик кунлар тез-тез совуқ кунлар билан алмашиниб туради, бунда ёмғирнинг қорга айланиши кутилади. Об-ҳавонинг бунчалик ўзгарувчанлиги туфайли энг совуқ киш оии бўлган январда ҳам қор қатлами ер устида кўп сақланмайди.

Маълумки, бирор жойнинг ҳаво ҳарорати режими тадқиқ этилаётганда июль ва январь ойларида ҳаво ҳароратларининг даврий тебраниши ва ўзгарувчанлигини албатта ҳисобга олиш зарур. Чунки энг иссиқ ва энг совуқ

holati bo'lib suv sarfi vaqti-vaqti bilan 305 m³/sek dan ham oshadi. Lekin tez ko'paygan suv tezda 90-100 m³/sek ga qadar kamayadi. Bunday tez o'zgaruvchanlik may oyidagi yog'ingarchiliklar bilan bog'liq. Iyun oyida, ya'ni Surxondaryoning Sho'rchi, Denov postlarida suv eng ko'p bo'lgan vaqtlarda Manguzar postida suv sarfi 120-130 m³/sek ni tashkil qiladi. Suvning bunday miqdorda oqimi suv omborlaridan chiqariladigan suv bilan bog'liq. Shuni aytish kerakki suv omboridan daryoning eski o'zaniga tashlanadigan suvning asosiy qismi iyun oyida sug'orishga sarflanadi.

Xulosa o'rnida shuni ta'kidlash lozimki, O'rta Osiyoning ko'pchilik daryolarida bo'lganidek, Surxondaryoda ham oqiziqalar miqdori daryoning quyi oqimi tomon ortib boradi va suvining loyqaligi jihatidan Surxondaryo o'zining quyi oqimida Amudaryodan kam farq qiladi. Daryoning oqim rejimi yil davomida bir tekis emas, uning minimal suv sarfi sentyabr-oktyabr oylarida kuzatiladi noyabrda may oyiga suv sarfi bir qadar ortib boradi. May-iyul oylarida daryoda to'linsuv davri kuzatiladi, lekin iyul oyidan boshlab suv keskin kamayib ketishiga sabab Surxondaryoga quyiladigan daryolarning suvidan shu davrlarda sug'orishga eng ko'p olinadi, ya'ni oqim rejimiga antropogen ta'sir kuchli bo'lishi kuzatiladi.

**ГЕОГРАФИК НОМЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИДА ҚИЗИҚАРЛИ ЖОЙ
НОМЛАРИНИНГ ЎРНИ**

Умарова М. Ҳ.

Термиз давлат университети

Ер юзида миллионлаб географик номлар топонимлар мавжуд бўлиб, ҳар бир географик объект; денгиз, тоғ, чўққи, шаҳар, қишлоқ ўз номига эга. Уларга шунчалик ўрганиб кетганмизки, баъзан ҳатто уларнинг мавжудлигини ҳам унутиб қўямиз. Бир зум географик номлар йўқолиб қолди деб фарз қилайлик. Унда ким қаерга боришни ҳам, ким қаердан келишни ҳам, шунингдек қаерда яшашини ҳам билмай қолади. Шу сабабдан географик номлар ҳаётимизнинг бир қисмига айланган. Географик номларнинг келиб чиқиши, яъни унинг этимологик маъносини билиш қадимдан кишиларни қизиқтириб келган, зеро ҳар бир ном орқасида маълум бир воқеа, ҳодиса, табиий хусусиятлар, халқ, қабила, уруғ, айрим кишилар фаолияти ҳақидаги тарихий маълумотлар яшириниб туради. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Тяньшан, Помир, Амударё, Қизилқум номларида қанча воқеа, ҳодисалар, тарих яшириниб ётибди. Нега улар шундай номлар билан аталади?


Ҳар бир киши, аввало, ўз жойи - шаҳри, қишлоғи, маҳалласи, кўчаси номини, уларнинг қандай ҳодиса, воқеа, табиий хусусият, қандай инсон номи билан боғлиқлигини билишни истайди. Нега Ҳиндикуш, Ажал водийси, Борсақелмас, Дашти Маргоҳ, Дашти Лут, Ўлик денгиз дейилади? Чет эллардаги номларнинг баъзиларини ўзбек тилига таржима қилинса, ғалати, баъзан бемаъни номларни кўрасиз. Кривой Рог - Эгри шох, Тбилиси - Қайнар булок,

* Умарова Махбуба Ҳамроевна-ТерДУ география кафедраси катта ўқитувчиси

qishloqlar yonidagi suv sarflari o'rtasidagi farq juda kam. Buning asosiy sababi shundaki, daryo suvining sug'orishga sarf bo'lishi bilan bir qatorda bu yerda daryo o'zaniga anchagina grunt suvlari kelib qo'shiladi.

Surxondaryo O'zbekiston daryolari orasida eng loyqa daryolardan biri hisoblanadi. Surxondaryo suvining o'rtacha loyqaligi Qorovultepa qishlog'i yonida $0,908 \text{ kg/m}^3$ ga, Malguzar qishlog'i yonida esa $2,90 \text{ kg/m}^3$ ga teng. Bu esa Qoravultepa yonidagiga nisbatan uch martadan ham ko'proq ortiqdir.

O'rta Osiyoning ko'pchilik daryolaridagi kabi Surxondaryoda ham oqiziqalar miqdori daryoning quyi oqimi tomon ortib boradi. Oqiziqalarning o'rtacha ko'p yillik miqdori Qorovultepa yonida $62,8 \text{ kg/sek. ni}$ yoki yiliga 1978 ming tonnani, Malguzar yonida esa 193 kg/sek. ni yoki yiliga 6080 ming tonnani tashkil etadi. Botiqning shimoliy qismida joylashgan Qoratog' daryo Surxondaryoning yagona chap irmog'i hisoblanadi. Bu sersuv daryo Hisor tizmasining janubiy yonbag'ridan boshlanib, qor va muzliklardan to'yinadi. Qoratog' daryosining uzunligi 95 km, suv yig'ilish maydoni 682 kv. km va o'rtacha yillik suv sarfi $23,0 \text{ m}^3/\text{sek.}$ ga teng (1-rasm) [1, 5].



1-rasm. To'yinish manbalari turlicha bo'lgan So'x va Surxondaryo daryolari suv sarfi va loyqaligini oylar bo'yicha o'zgarishi (O'zbekiston yer usti suvlari atlas, 2011).

Surxondaryoning Manguzar qishlog'ida 2010 yilgi gidrografni tahlil qilish shuni ko'rsatdiki qish oylari, ya'ni yanvar, fevral va yozning oxiri hamda kuz oylari (iyul, avgust, sentabr, oktabr, noyabr,) Manguzar postida asosan yer osti suvi oqib o'tadi va suv sarfi 7-8 m^3/sek ni tashkil qiladi, faqat iyul-sentabr oylarida suv sarfi 13-14 m^3/sek ga ko'payadi (1-rasm). Bu ko'payish Janubiy Surxon suv ombori quyi qismidagi yerlarni sug'orishga suv omboridan chiqariladigan suv bilan bog'liq. Mart oyida suv sathi $70 \text{ m}^3/\text{sek}$, aprel oyida $138 \text{ m}^3/\text{sek}$ ga ko'payadi. Lekin bu oylari suv kamaygan vaqtlarda $30 \text{ m}^3/\text{sek}$ ga tushib qoladi. Suvning bahor oylari ko'payishi ikki holat bilan bilan bog'liq bo'lishi mumkin. Birinchi holat bahorda yog'in ko'p yoqqanda suv omborining quyi qismidagi Surxondaryoga kelib qo'shiladigan ariq va zovur suvlarining ko'payishi bilan bog'liq. Ikkinchi holat kuchli yog'in yog'ib Surxondaryodan katta suv omboriga tushish payti bir qism suvni qo'shimcha kanal orqali pastga o'tkazib yuborish bilan bog'liq. May oyida suvning eng kapaygan

oylarda xavo xaroratlari davr oraliqida ma'lum bir kiyimatlar orasida tebranaadi, kutariladi eki pasayib boradi. Bunday iklim xodisasi turli omillariga: joyning tabiiy-geografik urni, orografias, atmosfera tsirkulyatsias, mikroiklimiy sharoitlar va bosqalariga bog'liq ravishda turlicha shakllanadi.

Eng sovuk va eng issiq oylar iklimi tahlil qilinaetgan shaxarlarda yanvar va iyun oylari kuriladi. Mutlok maksimum xavo xarorati Nuqus shaxrida $36,2^\circ\text{C}$, Samarqandda $34,1^\circ\text{C}$, Toshkentda shaxrida $35,6^\circ\text{C}$, Termezda esa $39,7^\circ\text{C}$, absolyut minimal xavo xarorati Nuqus shaxrida $-7,5^\circ\text{C}$, Samarqand shaxrida $-1,7^\circ\text{C}$, Toshkentda $-1,5^\circ\text{C}$ ni, Termezda $-0,3^\circ\text{C}$ ga teng buladi (1-jadval).


Eng sovuk va eng issiq oylarning xavo xarorati orasidagi xarorat amplitudasi iklimning muxim tavsifi hisoblanadi. Xavo xarorati amplitudasi Nuqus shaxrida $43,7^\circ\text{C}$, Samarqandda $35,8$, Toshkentda $37,1$, Termezda esa $40,0^\circ\text{C}$ ga teng bulgan.

1-jadval

Shaxarlar	Kursatkichlar	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII
Nuqus	$t^\circ\text{C, max}$	0,7	4	11,7	21,7	28,7	34,5	36,2	34,3	27,9	19,4	10	3,1
	$t^\circ\text{C, min}$	-7,5	-6	-0,1	8,2	14,2	19,1	21,3	18,9	12	4,9	-0,8	-5,5
Samarqand	$t^\circ\text{C, max}$	6,9	9,2	14,3	21,2	32,2	34,1	32,9	34,1	32,9	28,3	21,6	15,3
	$t^\circ\text{C, min}$	-1,7	-0,5	4	9,4	13,5	17,4	19	17,4	12,8	7,2	3,5	-0,2
Toshkent	$t^\circ\text{C, max}$	6,9	9,4	15,2	22	27,5	33,4	35,6	34,7	29,3	21,8	24,9	8,8
	$t^\circ\text{C, min}$	-1,5	0	4,8	9,8	13,7	18,1	19,7	18,1	13	7,8	4,1	0
Termez	$t^\circ\text{C, max}$	10,6	13,2	18,9	26,6	32,8	38	39,7	38	32,8	25,8	18,8	12,1
	$t^\circ\text{C, min}$	-0,3	1,6	6,5	12,1	16,5	19,9	21,5	19,4	14,1	8,8	4,8	1

*Jadval UZGI DROMETning 2016 yilgi ma'lumotlari asosida tuzildi.

Kuzatilaetgan hududlarda eginlar va eginli kunlar sonining taxsimlanishi ham uziga hoslikni namoen etgan. Eginlar asosan kish va bahor oylarida kup miqdorda kuzatilgan. Eng katta urtacha oilik egin miqdori Nuqus shaxrida mart oyida $17,7 \text{ mm}$, Samarqandda $68,4$, Toshkentda $64,8 \text{ mm}$, Termezda esa $38,6 \text{ mm}$ ni tashkil etgan. Samarqand, Toshkent, Termez shaxarlarida eng kup egin kuzatilgan oy mart oyi bulib, usbu oyda eginli kunlar soni urtacha miqdorda $12,6=11,4\div 9,2$ ni tashkil qilgan. Faqatgina dekabr oyida Nuqusda eginli kunlar soni kuprok kuzatilib, urtacha miqdori $6,2$ ga teng bulgan (1-rasm).



1-Расм. Шаҳарларда иқлим элементларининг йил давомида ўзгариши

Кўришиб турибдики, ёмғирлар мавсуми ўрганилган шаҳарларда кўпроқ ноябрнинг иккинчи ўн кунлигидан бошланиб, баҳорнинг март ва апрель ойларигача давом этади. Баҳор ойларида кузатиладиган ёмғирларнинг ўзига хос хусусияти бор. Агар кузги ёмғирлар кунига 10-20 соатлаб давом этса, баҳорчилари эса қисқа муддатли жаладан иборат бўлади. Март ойининг охири ва апрелда тезда илик кунлар кузатила бошлайди. Апрель ойларининг охири кунларида ҳаво намлиги юқори бўлиб, ҳарорат 26-30°C гача кўтарилганлиги сабабли ҳаво анча дим бўлади. Шундан сўнг, ёмғирлар камдан кам кузатилиб, ёз ойларида, умуман, бўлмаслиги мумкин.

Шаҳарларда ҳавонинг энг юқори ҳароратлари аҳоли энг зич жойлашган ва баланд бинолар мавжуд қисмларида кузатилади. Бу ҳарорат ва атрофдаги қишлоқ жойлардаги ҳароратдаги фарқ шаҳар иссиқлик оролининг жадаллиги деб аталади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, шаҳарларда ҳаво ҳарорати режими атрофдаги жойларга қараганда бирмунча мураккаб шароитларда шаклланади. Бунда шаҳар ичидаги бир қатор микроиқлимий шароитлар катта таъсир кўрсатади. Шаҳарлар ҳаво ҳарорати режими ташқи омиллар, атмосфера ҳавоси таркибининг ўзгариши, фаол қатлам характери, атмосфера циркуляцияси таъсирида исталган вақт миқёсида ўзгариши мумкин.

sharoitida har qanday hududning iqtisodiy taraqqiyoti sug'oriladigan va iste'molda ishlatiladigan suv bilan ta'minlanganlik darajasiga bog'liq. Surxondaryo havzasida sug'orilishi mumkin bo'lgan yerlar maydoni 529 ming gektarni tashkil qiladi, lekin shundan hammasi bo'lib 234,4 ming gektar sug'oriladi. Raqamlardan ko'rinib turibdiki, sug'orish mumkin bo'lgan yerlarning 50 % dan foydalanilmoqda. Shu bilan birga sug'oriladigan yer maydonlarining kengayganligi, aholi sonining yildan-yilga oshayotganligi suv rejimi, shuningdek daryolarning loyqaligiga ham katta ta'sir ko'rsatmoqda.

Surxondaryoning uzunligi 196 km, havzasining maydoni 13610 km². Surxondaryo To'palangdaryo va Qoratog'daryoning qo'shilishidan hosil bo'ladi. Bu daryolar to'yinish harakteriga ko'ra qor va muzliklar suvidan to'yinadigan daryolar tipiga kiradi (1-jadval). To'palangdaryo Qoratog'daryoga nisbatan ikki marta sersuv. Uning tog'lardan chiqish yeridagi o'rtacha ko'p yillik suv sarfi 70,2 m³/sek. To'palangdaryoning eng katta maksimal suv sarfi 470 m³/sek. ni, eng kichik minimal suv sarfi 5,48 m³/sek. tashkil etadi. O'rtacha yillik suv sarfi tog'lardan chiqish joyidagi Zarcho'p qishlog'i yonida 33,4 m³/sek. dan 71,1 m³/sek. gacha o'zgarib turadi. O'rtacha oqim moduli 23,6 l/sek. kv. km ga, suvining o'rtacha loyqaligi esa 0,305 kg/m³ ga teng. Oqiziqilar miqdori 15,6 kg/sek. ni yoki yiliga 491 ming tonnani tashkil etadi. Daryoning to'lin suv davri bahor va yoz oylarida kuzatiladi [2].

1-jadval

Surxondaryo irmoqlariga doir ma'lumotlar

T/r	Daryo nomi	Suv yig'ilish maydoni, km ²	Daryoning uzunligi, km	O'rtacha yillik suv sarfi, m ³ /sek.	O'rtacha oqim moduli, l/sek. km ²
1	Qoratog'	2340	99	28,0	12,0
2	To'palang	2200	112	68,9	31,3
3	Sangardak	901	98	17,3	19,2
4	Xo'jaipok	794	88	6,5	8,0
5	Surxondaryo	13610	196	74,7	22,0
6	Dashnobod	330	64	6,1	19,7

*Gidrometeorologiya xizmati ma'lumotlari asosida tuzildi

O'zbekiston gidrometeorologiya markazi ma'lumotlariga ko'ra Qoratog'daryoning suv sarfi To'palangdaryoning suv sarfiga nisbatan ikki marta kamroq, biroq o'rtacha oqim moduli 1,5 marta ko'proq.

Surxondaryoning oqim rejimi yil davomida quyidagi tartibda o'zgarib boradi: minimal suv sarflari sentyabr-oktyabr oylarida o'tadi. Shundan keyin suv to may oyiga qadar ortib boradi. May oyida eng ko'paygan vaqti hisoblanadi. Iyun oyida ham suv ko'p bo'ladi va may oyidagi suvdan kam farq qiladi. Ammo iyul oyidan boshlab suv keskin kamayib ketadi, chunki Surxondaryoga quyiladigan daryolarning suvi iyulda sug'orishga eng ko'p sarf bo'ladi. Molguzar qishlog'i yonida yillik oqimning 65,2 % mart-iyun, 12,8 % i iyul-sentyabr va 22 % oktyabr-fevral oylarida oqib o'tadi [2].

Surxondaryoning o'rtacha ko'p yillik suv sarfi uning yuqori oqimida, Qoravultepa qishlog'i yonida 70,2 m³/sek. Quyi oqimida Molguzar qishlog'i yonida esa 6,2 m³/sek ga teng. Qoravultepa bilan Molguzar qishloqlari orasida daryo suvining bir qismi sug'orishga sarf bo'ladi. Shunga qaramasdan, daryoning bu

1544 йили Меркатор 15 варақдан иборат бўлган Европа харитасини чоп этади. Харитада қадимий географ Птолемейнинг асрлар давомида қайтарилаётган хатоси Меркатор харитасида такрорланмаган эди. Чунки биринчи бўлиб Ўртаер денгизининг жойлашган ўрни тўғри кўрсатилган эди. 1563 йилга келиб Меркатор Лотаринги харитасини яратади, 1564 йили эса 8 варақли Британия ороллари харитасини чоп этади. 1569 йили Меркатор ўзининг «Хронология»сини (*Chronologia*) илмий кенгашга тақдим этади. Уч йилдан сўнг 15 варақдан иборат бўлган Европанинг янги харитасини яратади ва 1578 йили эса ўймакорлик услубида тузулган харитани «Птолемей географияси»нинг янги илмий наشري тарзида чоп этади. Сўнгра Герард ўзининг йирик картографик асарини (атласини) яратиш устида илмий тадқиқот ишларини бошлади. 1585 йили атласнинг биринчи қисми чоп этилади. Атлас таркибида 51 та харита бўлиб, унда Франция, Германия ва Белгия давлатлари тасвирланган эди. 1590 йилга келиб, 23 та харитани ўз ичига олган атласнинг иккинчи қисми нашрдан чиқади ва унда Италия ҳамда Греция худудларига картографик тавсиф берилган эди. Атласнинг учинчи қисми эса 36 та харитани ўзида жамлаган бўлиб, унда асосан Британия ороллари тасвирлашга асосий эътибор берилган. Атласнинг бу қисми Меркаторнинг вафотидан сўнг, унинг ўғли Румольд томонидан 1595 йили чоп этилади.

Меркаторнинг картографик проекцияси. Меркатор биринчи бўлиб, тўғри бурчакли цилиндрик проекцияни 1569 йили 18 варақдан иборат дунёнинг навигация харитасини тузишда қўллаган. Меркатор проекцияси асосида тузилган ўша давр хариталарида бурчак ва шаклларда айрим хатоликлар юз берган бўлиши мумкин. Лекин, масофалар фақат экваторда сақланиб қолинган ва деярли ҳақиқатга яқин бўлган. Ҳозирда бу усулдан дунёнинг навигация ва аэронавигация хариталарини тузишда кенг қўламда фойдаланилмоқда.

Юқоридаги тарихий картографик маълумотларни ўрганиш, таҳлил қилиш орқали қуйидагича хулоса чиқаришимизга асос бўлади. Авраам Ортели (1527-1598) билан Герард Меркатор (1512-1594) бир замонда яшаб ижод қилишган. Бу икки тарихий картограф олимлар янги типдаги денгиз навигация (портолона) хариталарини яратдилар. Ундан ташқари Меркатор фанга «атлас» атмасини киритди ва янги типдаги картографик проекцияни ишлаб чиқиб, ўзининг хариталарида бундан фойдаланди. Афсуски ҳозирда Ортелининг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ маълумотлар камлиги сабабли, унга етарлича тавсиф бериш бирмунча мураккаб бўлди.

SURXONDARYONING OQIM REJIMI VA LOYQALIK XUSUSIYATLARI

Ulug'murodov E.B., Ravshanov A.*
Samarqand davlat universiteti

Daryolar gidrologik rejimini o'rganish masalasi sug'orma dehqonchilik rivojlangan arid hududlar uchun o'ta muhim ahamiyat kasb etadi. Arid iqlim

* **Ulug'murodov Elmurod Berdimurodovich** – SamDU, Geografiya va ekologiya fakulteti Hidrometeorologiya kafedrasi magistranti;
Ravshanov Amin – SamDU, Geografiya va ekologiya fakulteti Hidrometeorologiya kafedrasi magistranti.

ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ХУСУСИДА Сафаров У.Х., Юлдашов А.У., Иброимов Ш.И., Бўрибеков М.Ф.* Гулистон давлат университети

Табиат кучоғига уюштирилган сайёҳат кўпинча экотуризм деб тушунилади. Экотуризм табиат туризмнинг асосий қисми ҳисобланади.

“Экотуризм” атамаси кўпинча табиат туризми, барқарор туризм кабилар билан алмаштирилади. Дарвоқе, бир қанча элементлари туризмнинг бу хилма – хил турлари билан бир хил бўлсада, ушбу атамалар синонимлар эмас, уларни ўзаро алмаштириб бўлмайди. Экотуризм бу табиат туризмнинг турларидан бири бўлиб, табиат турларининг бошқа бўлақларини ҳам ўзида намоён этиши мумкин. Экотуризмни аниқлашда қуйидаги таъриф кўпроқ ишлатилади.

“Экотуризм – бу табиат туризми ҳисобланиб, табиий муҳитни билиш ва тушунишни ўз ичига олади. Менежмент сифатида шаклланади, қайсики бу фаолият экологик, ижтимоий (социал) ва маданий жиҳатдан барқарор бўлса” бундай аниқланиш “табиий муҳит” маданий компонентларини ҳам ўз ичига олишини таъкидлайди. “Экологик муҳит” эса маҳаллий аҳоли учун маълум даромад ва фойдаланиладиган табиий ресурсларни узоқ муддат муҳофазасини камраган бўлади. Янада равшанроқ баён этилса, экотуризм ҳам, туризмнинг бошқа барча турларига ўхшаб экологик барқарор бўлиши, сайёҳ – туристларга қулайликлар туғдириши ва маҳаллий аҳолига даромад келтириши, шунингдек табиий ва маданий муҳитга “мос” келиши лозим. “Мос” келишлик, қайсики инсон фаолияти турлари, микёси ва усуллари ландшафт (экоцизм) лар ва маҳаллий аҳоли қайфияти қизиқишларидир, характери ҳамда ўлчамларига тўғри келишлигидир. Чунки ҳар қандай сайёҳлик ёки экотуризм маълум худудда амалга оширилади.

Табиатни туризм ёрдамида муҳофаза этиш муаммосини ҳал этиш натижасида қисқача **“экотуризм”**, кенг маънода экологик туризм сўзи пайдо бўлди. Лекин кўп изланувчилар фикрича “экотуризм” сўзининг чегараси тушуниб бўлмас даражада бўлган. Чунки маркетинглар бу сўзни дастлабки ишлатган вақтда табиатга интилган ва уни муҳофаза этмоқчи бўлган сайёҳларга таклиф этишганда унинг маъносини таҳлил этишмаган ва ҳаттоки бундай туроператорларнинг табиатни муҳофаза этишни тушунмай бу сўзга табиатга сайёҳат нуктаи назаридан қарашган. Шу сабабли туризм назариётчилари бу сўзга анча вақтгача кинояли қарашган. Шу сабабли экотуризмни биринчи бўлиб ўрганган В.В.Хребовченко фикрича “экотуризм” сўзининг тушунчаси “экологик туризм” сўзининг қисқартирилгани, лекин уни ишлатилиши экология фани нуктаи назаридан унчалик тўғри эмас деб ёзганди.

Экотуризмнинг биринчи ва анча тўғри тушунчасини Г.С.Гужин, М.Ю.Беликов ва Е.В.Клименко 1997 йилда берган: **“Экотуризм асосида**

* **Сафаров У.Х.** – Низомий номидаги ТДПУ География ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси, п.ф.н.
Юлдашов А.У. – Гулистон давлат университети Табиий фанлар факультети декани, г.ф.н.
Иброимов Ш.И. – Низомий номидаги ТДПУ Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси (география) мутахассислиги магистранти.
Бўрибеков М.Ф. – Низомий номидаги ТДПУ Аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси мутахассислиги (география) магистранти.

табиатни муҳофаза этиш ташвишлари ётади”, бундай сайёҳатда олдинги кам сонли сайёҳатчилар гуруҳини табиатга чиқиб, табиий ресурсларни муҳофаза этиш бўйича ҳар турли лойиҳаларни амалга ошириш учун қилган ишларни тушунилади. Бу тушунча халқаро экотуризм жамиятнинг тушунчасига ҳам тўғри келиб унда ёзилишича, **экотуризм** – “табиат минтақаларига масъул сайёҳат бўлиб, унда маҳаллий аҳолининг ижтимоий аҳволи муҳофаза этилади”.

Экотуризм тушунчасини аниқлашда хориж адабиётларида турли ёндашувлар учрайди. Қозоғистонлик М.Мусатаевнинг фикрича, унинг моҳияти куйидагилар ҳисобланади:

- табиатнинг ёввойи жойларига сайёҳат;
- табиатга таъсирнинг жуда пастлиги;
- табиий ҳудудлар ва табиат муҳофазаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш;
- экологик таълим – тарбияга эга бўлиш;
- маҳаллий аҳолини ана шу фаолиятлардан даромад қилишда қатнашишлари, қайсики табиий муҳитни сақлашда туртки ҳисобланади.

Россиялик олимлар И.Зорин ва В. Квартальный экотуризмга икки хил таъриф берадилар. **Экотуризм** – сайёҳларнинг яшаш муҳити сифатида ва барча туризм компонентлари экологик технологияларни қўллаган ҳолда “Ёввойи” табиатда бевосита озми – кўпми фойдаланишга қаратилган туризмдир.

Экотуризм – табиатга барча экологик муносабатларни мужасамлаштириб уюштирилган сайёҳат, янги ландшафтлар билан танишувдаги хушқайфият, ўсимлик ва ҳайвонлар намуналарини уларнинг мумкин қадар муҳофазасига мос тарзда ўрганишдир. Муаллифларнинг фикрича экотуризмнинг асосий ресурслари муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, кўриқхоналар, миллий ва табиат боғлари, ноёб ва типик ландшафтлар ҳисобланади.

Экотуризмнинг бошқа туризм турларидан ўзига хос хусусиятлари кирғиз эксперти А.Тоҳтогулова томонидан аниқ ва равшан тарзда ажратилган:

1. Экотуризм яхши сақланган табиий ҳудудларга сайёҳат ва ташриф бўлиб, булар миллий ва табиат боғлари, резерватлар ва муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг бошқа турларини ўз ичига олади.

2. Экотуризм нисбатан қонун-қоидаларга бўйсунуш ва уларга кескин риоя қилиш, сақланиши лозимлиги мавжуд тушуниладиган тармок.

3. Экотуризм табиий муҳитга салбий таъсирлар нисбатан кучсизлиги билан фарқланувчи бўлганлигидан, баъзан уни “юмшоқ туризм” ҳам деб аталади. Шу боис ҳам у муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда амалда табиий ресурслардан фойдаланишнинг ягона туридир.

4. Экотуризмда маҳаллий жамоа нафақат хизмат кўрсатувчи сифатида фаолият кўрсатади, балки муҳофаза қилинадиган ҳудудда яшашни давом эттиради, қайсики табиатдан фойдаланишнинг ўзига хос таркибига риоя қилган ҳолда ҳўжаликнинг анъанавий турлари билан шуғулланади. Демак, экотуризм – бу туризм, унда сайёҳатчилар учун дам олиш, хурсандчилик ва экологик тарбия мужассамлашган. Шунинг учун туризмнинг ушбу тури алоҳида ёндашув ва режалаштиришни тақазо этади.

кўринишдаги илк тарихий географик атласнинг муаллифларидан бири ҳисобланади.

Ортелиий ўз даврида янги типдаги дунёнинг географик атласини яратган ва уни чоп этган. 1570 йил 20-май куни Амстердамда 70 та ноодатий типдаги хариталарни ўзида жамлаган ва ўзгача характердаги географик атлас дунё юзини кўрди. Атлас *Theatrum Orbis Terrarum* (Ер шарининг кўриниши) номи остида чоп этилган ва у 1624 йилга қадар 40 мартадан кўпроқ Европанинг 6 хил тилларига таржима қилинган. Шу ўринда куйидаги йирик картографик асарнинг умумий тиражи 7300 нусхани ташкил этади.

Меркатор атласи билан бир қаторда Ортелиий атласи картографиянинг ривожини йўлида жуда катта аҳамият касб этган. Ундан ташқари Ортелиий биринчи бўлиб Тинч Океанининг (лот. *Maris Pacifici* ёки ингл. *The Pacific Ocean*) деталлаштирилган харитасини яратган ва ушбу харитани ўзининг йирик картографик асари (атлас) таркибига киритган муаллиф ҳисобланади.

Ортелиий атласида дунё ва қитъалар: Америка, Осиё, Африка ва Европанинг, шунингдек, алоҳида мамлакатларнинг хариталари жамланган. Атлас географик баёнлар, чиройли муқова, мамлакатларнинг алифбо тартибда тузилган рўйхати ва географик номлар кўрсаткичи билан бойитилган.

Ҳозирги кунда тарихий олимнинг номи билан аталувчи бирон-бир объектнинг ёки шунга ўхшаш бошқа бир турдаги ёзма манбаининг мавжудлигини тасдиқловчи маълумот йўқ. Аммо изланишлар натижаси шуни кўрсатадики, фақатгина 1958 йили унинг «Дунё кўзгуси ёки «Театр» эпитомаси» (фр. *Le miroir du monde, ou, épitomé du Theatre*) деб номланган асари француз тилида чоп этилган.

Биринчи атлас, уни ҳозирги замон тушунишида, **«Картографларнинг қироли» Герард Меркатор (1512-1594)** томонидан яратилган. Меркатор хариталари энг янги манбалар, экспедицияларнинг ҳисоботлари, географик адабиётлар асосида тузилган, қайта ишланган ва ушбу атлас хариталари учун янги картографик андозалар (проекция) ҳисоблаб чиқилган.

1537 йил Меркатор 6 варақдан иборат бўлган Палестин харитасини, 1538 йили эса дунё харитасини (харитада у биринчи бўлиб, ўша давр зиёлиларини узоқ вақт шубҳалантирган жанубий материкни тасвирлаган эди. Айни дамда у материкнинг мавжудлиги даргумон бўлган) яратган. Юқоридаги икки илмий иш Меркаторга обрў билан бир қаторда картограф унвонини олишига туртки бўлади ва Фламандлик савдогарлар унга Фландрия харитасини яратишга буюртма бера бошлайдилар. 1540 йилга келиб буюртма қилинган хариталар бирин-кетин яратилиб, ўз эгаларига топширилади. Ундан ташқари Меркатор «Италян курсивини лотинча ҳарфлар билан ёзилиши» номли брошюрасини чоп этади. Бу орқали муаллиф географик номларни ягона курсивда ёзилишини илмий кенгашга таклиф этади ва бу таклиф тез орада илмий кенгаш томонидан тасдиқланади. Кейинги йиллар давомида Меркаторга Муқаддас Рим императори Карл V астрономик асбоб яратишни таклиф этади. 1541 йил Меркатор Ер глобусини яратади, бундан 10 йил ўтиб эса Ой глобусини яратади ва бу ишларнинг барчасини 1552 йили Карл V га ҳада тариқасида тақдим этади.

мумкин. Бу орқали эса ўрганилаётган худуднинг холати ўша даврларда қай даражада эканлиги ва бугунги кунга келиб эса қандай кўриниш ҳамда шаклга келиб қолганлигини таҳлил қилиб, ўрганиш имконини беради. Мисол тариқасида шуларни келтириш мумкинки, Орол денгизининг майдони ХХ асрда қандай бўлганлиги ва ҳозир у қанчага қисқарганлигини ўрганиш мумкин. Бу орқали эса келажакда денгизнинг майдони яна қанчага қисқаришини тахмин (прогноз) қилиш имконига эга бўламиз.

Ҳозирда музейдаги экспозициялар сони 150 дан ортиқ картографик асарлардан ташкил топган. Уларнинг барчасини библеографик рўйхатини мазмун моҳиятини шакллантиришнинг ўз ҳам унинг аҳамиятини белгилаб беради.

Хулоса ўрнида шуларни қайд этиш жоизки, қуйидаги музейнинг тарбиявий аҳамиятини мактабгача таълим муассасаларидаги болаларга, уларнинг қаршисида турган ва инсониятнинг буюк кашфиётларидан бири бўлган атлас, харита ва глобусларнинг нафақат фаннинг ривожланишидаги ролини, балки жамиятнинг ривожини йўлидаги аҳамиятини уларнинг онгига мос равишда тушунтириб беришни зарур деб ҳисоблаймиз. Ундан сўнг эса мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари учун алоҳида тақдимотларни ташкиллаштириш орқали бу илмий экспонатларнинг мазмун моҳиятини уларга тушунтириб берилса, ёш авлод онгида «Атлас маданияти»ни шакллантириш ва асосийси «картография» деган фаннинг мавжудлиги ҳақидаги гоёни англаб етишларига кўмаклашган бўламиз.

АТЛАС КАРТОГРАФИЯСИ АСОСЧИЛАРИНИНГ КАРТОГРАФИК ИЛМИЙ ИЖОДИ ҲАҚИДА

Увраимов С.Т., Сафаров Э.Ю.*

Ўзбекистон Миллий университети

Маълумки, географик атласлар картографик ижоднинг энг юқори поғонаси ҳисобланади. Чунки унинг таркибидаги ҳар бир харита ягона дастур ва мақсад асосида тузилади. Ҳозирги кундаги атлас атамасига берилган таърифга мос келадиган биринчи картографик асар Клавдий Птолемей, Авраам Ортелиус ва фан тарихида ўчмас из қолдирган картограф Герард Меркатор томонидан яратилган. Бундай тарихий олимларнинг ҳаёти ва уларнинг илмий ижодини картографик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, ўқиш, ўрганиш ва таҳлил қилиш бугунги кундаги тарихий картографиянинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Ушбу ишнинг асосий мақсади атлас картографиясининг илк намоёндалари, уларнинг ҳаёти ва илмий ижодига картографик тавсиф бериш ҳамда фан таракқиётидаги ролини очиб беришдан иборатдир.

Авраам Ортелиус (лот. *Abraham Ortelius*, нидерл. *Abraham Ortels* ёки *Abraham Hortels* 1527 йил 14 апрелда таваллуд топган ва 1598 йил 28 июнда вафот этган) Жанубий Нидерландиялик (Фламандлик) картограф, замонавий

* Увраимов Суннатилла Тиллабой ўғли – ЎзМУ «Геодезия ва картография» кафедраси 1-босқич магистранти;

Сафаров Эшқобул Юлдашович - ЎзМУ «Геодезия ва картография» кафедраси мудири, т.ф.д., профессор;

Ҳозирги кунда экологик туризмга эътибор ҳар қачонгидан ҳам катта. Бу дунёнинг барча давлатларига тегишли бўлиб, фаол дам олишнинг бир тури, унга кўра инсон ўз соғлигини тиклабгина қолмай, балки бир қанча эстетик хиссиётларни олади. Ҳозирги кунда экологик туризм энг ривожланган дам олиш тури бўлиб, бу спорт тури ҳам ҳисобланиб, туризмнинг энг ривожланган соҳасига айланмоқда. Экотуризмнинг мақсади ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик ҳавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун табиатдан сайёҳлик йўналишида оқилона фойдаланишдан иборат.

Экологик туризм деб тан олиш учун қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

- кўрсатилган хизмат йўналиши экологик бўлиши;
- сайёҳларга хизмат кўрсатадиган транспорт экологик жихатдан тоза;
- овқат фойдали экологик тоза ва таркибида маҳаллий маҳсулотлар бўлиши;
- малакали гидлар;
- сайёҳларни қизиқарли ва экологик тоза табиий ва маданий жойларга бошлаб бориш керак.

Бутунжаҳон туристик ташкилоти (БТТ) таърифича – “**Экологик туризм** – табиий ҳудудларга маъсулият билан сайёҳат қилиш натижасида табиатни муҳофаза этишни таъминлайди ва маҳаллий халқнинг турмуш даражасини яхшилайти”.

Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепциясида-экотуризм деганда нафақат маърифий – маънавий мақсадларни кўзлаган ҳолда экотик табиий ҳудудларга, уларнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига сайёҳат балки ижтимоий – иқтисодий масалаларнинг амалга оширилиши ёрдамида экологик муаммоларни ҳал қилиш билан бир – бирига боғлиқ мажмуалар йиғиндисини тушунамаиз.

REL'YEF OMILLARINING O'SIMLIKLAR TARQALISHIGA TA'SIRI

Sadinov J.S., Tursunboyev Sh.O.

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti

Rel'yef omillari tirik organizmlarga bilvosita ta'sir ko'rsatadigan omil bo'lib, o'simliklarning geografik tarqalishiga ham to'g'ridan-to'g'ri ta'sir etmay, balki boshqa omillar orqali ta'sir ko'rsatadi. Masalan, ular iqlim omillari orqali ta'sir etishi mumkin. Rel'yef omillarga dengiz sathiga nisbatan balandlik, yonbag'irlarning ekspozitsiyasi (quyoshga nisbatan joylashganligi) va qiyalik kiradi. Rel'yef omillarning o'simliklar qoplamiga ta'siri faqat yerning geografik kengligiga (zonalarga) qarab emas, balki dengiz sathidan qanchalik balandlikda joylashganligiga qarab ham o'zgarib turadi. Bu holat, ayniqsa, tog'li hududlarda keskin namoyon bo'ladi. Ma'lumki, toqqa har 100 metr ko'tarilib borgan sari, temperatura 0,5°-0,6° ga pasayib boradi. Shunga ko'ra, o'simliklar qoplami ham o'zgarib boradi. O'rta Osiyo o'simliklar qoplamini o'rgangan botaniklar, tekislikdan tog'lar tomon ko'tarilgan sari o'simliklar qoplami xuddi geografik zonalarga qarab o'zgarгани singari ma'lum qonuniyatga muvofiq o'zgarib borishini aniqlaganlar.

Oʻrta Osiyoda dengiz sathidan koʻtarilish darajasiga qarab, oʻsimliklar mintaqalari ketma-ket keladi. Masalan, choʻl, adir, togʻ va yaylovlar. Shu bilan birga har qaysi mintaqa oʻz navbatida ikki bosqichga boʻlinadi: pastki va yuqorigi (bu Oʻzbekistonlik botanik olim, akademik Q.Z. Zokirov tomonidan taklif qilingan). Shuni taʼkidlab oʻtish kerakki, har qaysi oʻsimlik mintaqasining chegarasida dengiz sathidan balandlikka koʻtarilgan sari oʻsimliklarning balandligi, tanasining diametri, shox-shabbasining shakli, baʼzan hosilga kirish tezligi ham oʻzgarib boradi.

Oʻsimliklarning tarqalishida ekspozitsiya va yonbagʻirlarning qiyaligi ham katta ahamiyatga ega. Masalan, shimoliy yonbagʻirlar janubiy yonbagʻirlarga qaraganda sernam boʻlib, oʻsimlik qoplaminin qalinligi bilan tavsiflanadi. Janubiy yonbagʻirlarda issiqsevar va yorugʻsevar oʻsimliklar oʻsadi. Adabiyotlarda, odatda, togʻlardagi daraxtzorlar shimoliy yonbagʻirlar bilan bogʻlanib ketgan deb qayd qilinadi. Buni faqat tabiiy sharoit, yuqori darajadagi namlik va xilma-xil boʻladigan tuproq sharoitining muvofiq kelishi bilan izohlash mumkin. Lekin togʻlardagi oʻsimliklar qoplami qanday joylashganligiga diqqat bilan nazar tashlasak, togʻning aholi yashaydigan manzillardan ancha uzoq va odam borishi ancha qiyin boʻlgan shimoliy va janubiy yonbagʻirlari oʻsimliklar bilan qoplanganligini koʻramiz. Janubiy yonbagʻir oʻrmonlarining siyraklashishini odam taʼsiridan deb tushunsa boʻladi. Maʼlumki, janubiy yonbagʻirlarda qor ancha erta erib ketadi va Oʻrta Osiyo aholisi qadimdan bu yerlardan dehqonchilik maqsadlarida foydalanib kelgan. Buning natijasida janubiy yonbagʻir oʻrmonlari siyraklashib qolgan.

Yuqorida aytilganidek, oʻsimliklarning tarqalishida yonbagʻirlarning qiyaligi muhim rol oʻynaydi. Yonbagʻirning qiyaligi asosan tuproqning suv bilan taʼminlanish darajasiga, yogʻin miqdoriga, ayniqsa, kuchli boʻladigan yogʻinlarga bogʻliq. Maʼlumki, anchagina tik yonbagʻirlardan suv juda tez oqib tushadi va tuproqni hamda u bilan birga oʻsimliklarni ham maʼlum darajada yuvib ketadi. Kamroq qiya boʻlgan yonbagʻirlarda esa namlik koʻproq ushlanib qoladi va tuproqning chuqur qatlamlarigacha nam kirib boradi. Bunday yonbagʻirlarda oʻsimliklar qalin boʻlib oʻsadi va rivojlanadi.

Relʼyef shakllarining xilma-xilligi, ularning tarkibiga bogʻliq holda oʻsimliklarning tarqalishi, ayniqsa, togʻli hududlarda yaqqol koʻzga tashlanadi. Lekin tekisliklarda ham relʼyef omillarning taʼsiri yaxshi seziladi. Koʻpincha chuqurliklar hosil boʻladigan joylarda suv koʻp toʻplanib qoladi, tepaliklarda esa bunga teskari holda tuproq namligi past boʻladi. Bu farq oʻsimliklarning tur tarkibiga taʼsir koʻrsatmay qolmaydi.

TUPROQ VA INDIKATOR OʻSIMLIKLAR

Shamsuvalieva L.A., Sadinov J.S.

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti

Oʻsimliklar olami sayyoramizdagi tiriklikning asosi hisoblanadi. Oʻsimliklardagi 3 ta jarayon: fotosintez, nafas olish va transpiratsiya jarayonlari yer kurramizdagi hamma jarayonlarni boshqarib turadi yoki boshqacha qilib aytganda, yerdagi hayotning boshlanishi, davom etishi yashil oʻsimliklarga bogʻliqdir.

Yashil oʻsimliklar olaminin ekologik ahamiyati, xususiyatlari xilma-xil va beqiyosdir. Oʻsimliklarning atrof-muhitga taʼsiri munosabati turli tumandir.

А.Эгамбердиев, доц. Ж.С.Қорабоев ва катта ўқитувчи С.С.Салохитдиновалар фаол иштирок этиб, жонбозлик кўрсатганлар.

Музейни ташкил этишда асосий манбалар сифатида, Геодезия ва картография кафедраси илмий жамоаси ҳамда «Атлас картографияси» илмий мактаб аъзолари томонидан кафедра ташкил этилган вақтдан бошлаб тўпланиб келинган, картографик нуқтаи назардан чуқур илмий аҳамиятга эга бўлган, тарихий картографик асарлар асос бўлиб хизмат қилган. Музей фондида асосан XX аср охири ва XXI аср бошларида чоп этилган картографик асарлар жамланган. Ундан ташқари «Картография» илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси томонидан чоп этиладиган янги кўринишдаги, янги ўлчамлардаги ва янги дизайнга эга бўлган атлас ҳамда хариталар фондни бойитиш мақсадида бир ерга тўпланган ва ҳозир ҳам бу аъёна давом этмоқда.

1990 йиллар ва 2000 йиллар оралиғида музей ташкил этилган пайтда музейга проф. Т.М.Мирзалиев раҳбарлик қилиш билан бир қаторда ўз илмий тадқиқот ишларини ҳам олиб борган. 2001 йилга келиб эса устоз ўз шоғирдлари орасидан И.Абдуллаевга музей билан бирга, ундаги қимматли ва фан тарихини ўрганиш учун катта аҳамиятга эга бўлган картографик асарларни топширди. Музей коллекциясининг таркибида куйидаги мазмунга эга бўлган атласлар жамланган:

Табий географик атласлар: геологик; геофизик; иқлим; океонологик; гидрографик; тупроқ; зоогеографик; тиббий географик; комплекс табиий географик.

Социал-иқтисодий атласлар: аҳоли; саноат; қишлоқ ва ўрмон хўжалиги; маданият сиёсий-маъмурий бўлиниш; комплекс социал-иқтисодий.

Экологик-географик атласлар: муҳитга ва уни алоҳида компонентларига таъсир этувчи омиллар; таъсир этиш оқибатлари ва муҳитни ифлосланиши; экологик ҳолатлар; аҳолини яшаш шароитлари; экологик хавфсизлик.

Музейни ташкил этиш вақтида кафедра олимлари куйидаги фаолият йўналишларини бош омил сифатида қайд этиганлар:

- ўқув жараёни;
- илмий фондни сақлаш;
- илмий изланишлар олиб бориш;
- факультет талабаларини фонд материаллари билан таништириш ва экскурсия уюштириш;
- музей экспонатлари ва коллекцияларни тўлдириш.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда кафедра таркибидаги илмий изланишлар, музей фонди ва унинг илмий аҳамияти соҳа фанларининг ривожига етарли даражада муҳимдир. Музей коллекциясидаги атласлар картографик жиҳатдан ўз даврининг етуқ илмий ижод маҳсули ҳисобланади. Улар ўша давр ҳақида (атласнинг мазмунига қараб) маълумот берувчи картографик хужжат бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир. Шунга кўра, агарда зарур бўлса уларни ГИС технологиялари ёрдамида рақамли кўринишга келтириб, харитага олинаётган худуднинг илмий маълумотнома хусусиятига эга бўлган йирик атласини яратишда географик асос сифатида фойдаланиш

2. Кам сувли йиллар кузатилган дарёлар сони (N) нинг йиллараро ўзгариши графиги чизилди. Мазкур графикдан 1974, 1982, 1986, 1989, 2000, 2008 ҳамда 2011 йилларда деярли барча ўрганилган дарёларда кам сувли бўлганлиги аниқланди.

3. Шунингдек, мазкур график ёрдамида дарёларда кетма-кет такрорланган кам сувли йиллар аниқланди. Ҳисоб даври, яъни 1950-2015 йиллар (66 йил) давомида деярли барча дарёларда кам сувлилик 9 маротаба кетма-кет такрорланган. Улар такрорланишининг ўртача “шартли ҳисоб қадами” ($R_{\text{шк}}$) 3 йилни ташкил этган.

ГЕОГРАФИЯ ФАКУЛЬТЕТИ ГЕОДЕЗИЯ ВА КАРТОГРАФИЯ КАФЕДРАСИНING «АТЛАС КАРТОГРАФИЯСИ» МУЗЕЙИ Увраймов С.Т., Сафаров Э.Ю.*

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Маълумки, мавжуд бўлган ҳар бир фан тарихига оид бўладиган тарихий манбаларни излаб топиш, сақлаб бориш ва уларни келажак авлод учун кўрсатиб, бу манбаларнинг фан тарихидаги ҳамда ривожидagi аҳамияти қанчалик юқори эканлигини уларга ўқитиб, ўргатиб ва тушутириб бериш зарурдир. Шубҳасиз бундай маълумотларни музей фондларида сақланадиган экспонатларсиз тушутириб бериш мушкул бўлади.

Одатда атласларни лойihalаш ва тузиш устида картографлар, шунингдек, географлар, геологлар, экологлар ва бошқа соҳа олимларининг катта жамоаси фаолият юритади. Ишлар узок чўзилади, кўп вақт материал тўплашга, хариталарни мувофиқлашга сарфланади. Аммо яхши атлас кўп йиллар давомида хизмат қилади ва ҳатто 100 йилдан кейин ҳам аҳамиятини йўқотмайди. Бу географик системанинг ҳолати ҳақидаги муайян бир вақтдаги (даврдagi) ҳужжатларнинг фундаментал тўпламидир.

Шунга кўра 90 йилларнинг охири 2000 йилларнинг бошида Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ Геология ва география факультети таркибидagi «Геодезия ва картография» кафедрасининг профессори, география фанлари доктори Т.М.Мирзалиев ташаббуси ҳамда кафедра аъзоларининг саъй-харакатлари билан 2000-2008 йиллар мобайнида музей учун зарурий экспонатлар тўпланиб келинди. Кўп йиллик изланишлар самараси ўларок геодезия ва картография кафедраси таркибида «Атлас картографияси» деб номланган музей ташкил этилди.

Музей ташкил этишдан мақсад факультетда таҳсил олаётган бакалавриантлар, магистрантлар ва илмий изланувчилар учун музейдаги мавжуд экспонатлардан фойдаланган ҳолда ўтган асрлар мобайнида соҳага доир олиб борилган илмий изланишлар маҳсули билан яқиндан танишиш, ўқиш, ўрганиш ва зарур бўлса тадқиқот ишига доир бўлган материалларни таҳлил қилиш учун кенг имкониятлар мажмуини яратишдан иборат эди.

«Атлас картографияси» музейини ташкил этиш борасида кафедра илмий мактаби аъзолари, жумладан проф. Т.М.Мирзалиев, проф. Э.Ю.Сафаров, доц.

*Увраймов Суннатилла Тиллабой ўғли – ЎзМУ «Геодезия ва картография» кафедраси 1-босқич магистранти; Сафаров Эшқобул Юлдашович - ЎзМУ «Геодезия ва картография» кафедраси мудири, т.ф.д., профессор;

О‘симликлар tuproq muhiti bilan doimo munosabatda bo‘lib turadi, tuproqning kimyoviy tarkibiga moslashib o‘sadi. Undagi turli jinslar to‘g‘risida ma‘lumot beradilar, ya‘ni indikatorlik xususiyatiga egadir. Hozirgi kunda indikator turlar haqida ma‘lumotlar kam uchraydi. (Tudor Oprish 1986, Tuxtayev 1998. Ergashev 2003.)

Indikator turlar deb-ekotizimdagi tashqi muhit xususiyatlarini bildiruvchi tuproqning ma‘lum kimyoviy elementlarini biologik ko‘rsatuvchi o‘simliklarga aytiladi. Shunday o‘simliklar borki, ular alohida tog‘ jinslari bor joylarda o‘shiga moslashgan. Ba‘zilar issiqroq sharoitda tuproq muhitiga moslashib ohaktoshli yerlarda o‘ssa, ba‘zilar sovuq, nordon muhitli tuproqda o‘sa oladi va kremniyli tuproqlarini xush ko‘rishadi.

Ohaktoshli tuproqlarda o‘sa oladigan o‘simliklardan Edelveys turkum turlari hammaga ma‘lum. Edelveyslar ohaktoshli tog‘lar ko‘rkidir. Ohaktoshli tog‘larda, ko‘k gullari bilan Eritrichium nanum kichik Lepexiniyella va binafsharang gulli alp liyankasi ham uchraydi. Qattiq jisimli kremniy bor joylarda ayiqtovondoshlar oilasi vakili bo‘lgan tugmabosh -Ranunculus sceleratus, uning yonida oq gulli toshyorar o‘simligi o‘sadi. Bu o‘simliklar birgalikda kremniy jinsining indikatorlari bo‘lib, o‘simliklar jamoasini hosil qiladi.

Bo‘yi 3 metr ga yaqin, hayvonlar uchun ozuqabob va qurg‘oqchilikdan saqlaydigan tikanlari bor, shoxlari ingichka, kumush rangli, barglari va olov rangli mevalari bilan o‘ziga jalb qiladigan chakanda o‘simligi neft zahiralari yoki ularning izlari bor joylarni ko‘rsatuvchi o‘simlik hisoblanadi. Bulardan tashqari chakanda sho‘r tuproqlarda va selenit jinsi bor joylarda ham yaxshi o‘sadi. Bu ikki tog‘ jinsi doimo neft bilan yonma-yon uchraydi. Demak, tuzlar va selenitlar bor yerlarda neftni ham uchratish mumkin. Chakanda o‘simligi, hatto, dengiz qirg‘oqlarida ham o‘sadi. Demak, dengiz tubida yoki qirg‘og‘ida selenit va tuzlar bor, ularning yonida esa, neft albatta uchraydi.

Hozirgi kunda spektroskopiya usuli yordamida o‘simliklarning tuproqdan oziqlanishida ularda kechadigan jarayonlar va organik moddalarni sintez qilish uchun tuproqdagi - mikroelementlarning ham ahamiyati katta ekanligi aniqlangan. Masalan, bodring - kumushni, pomidor – sirkoniy elementini, karam–yodni, sarimsoqpiyoz – vannadiyni o‘zlashtiradi. Pomidor, tarvuz va loviyalarning tarkibida stronsiy ham bor. Makkajo‘xori donlarida berilliy, iridiy, oltin va sinklar bor. O‘simliklarda bu elementlar oz miqdorda bo‘ladi. Agarda o‘simliklar bunday elementlarga boy bo‘lgan tuproqlarda rivojlansa, tuproqdagi boshqa mineral tuzlar qatori o‘simlik bu elementlarni ham o‘zlashtiradi. O‘simlik o‘zlashtirgan ko‘p miqdordagi bu elementlarni ichki ehtiyojlar uchun o‘zlashtira olmaydi, shuning uchun bir qismi to‘qimalarda to‘planadi va shu bilan tirik metall yig‘uvchilarga aylanadi. Ba‘zida bu elementlarning zarralari shunchalik ko‘p yig‘iladiki, hatto u granulalarni hosil qiladi. Oltin ko‘p joylarda o‘sadigan o‘simliklar tahlil qilinganda, ularning ildiz va poya qismlaridan 2-3 mm kattalikdagi qimmatli metall donachalari topilgan. Agar biror o‘simlikning million qismidan 150 qismni tashkil etuvchi biror element yig‘a olsa, bu o‘simlikni kesib, yondirishadi va kulidan metall ajratib olinadi.

Yirik tishli terak va bo‘ymadoron o‘simliklari sink yig‘uvchilar hisoblanadi. Terak barglarining 200-250 qismida, bo‘ymadoron poyalarining 4500 ga yaqin

qismida rux to'planadi, (agar ular rux ko'p bo'lgan tuproqda o'sgan bo'lsa). Demak, 1000 kg terakning yashil massasini yoqilgandan so'ng 250 g, shu miqdordagi mingyaproqdan esa 4 kg rux olish mumkin.

Metall zahiralari ko'p bo'lmasa va ularning qazish maqsadga muvofiq kelmasa, o'simliklar metall tutuvchi bioindikatorlar sifatida qo'llaniladi. O'simlik kulini analiz qilish orqali geologlar shu joyni iqtisodiy qimmatiga haqida ma'lumotga ega bo'lishadi. Bu esa, geologiya – qidiruv ishlarini bajarishda va laboratoriya analizlari qilmasdan ham oltin, kumush, temir va boshqa metallarning zahiralari bor joylarni aniqlashga imkon beradi.

Plaun alyuminiyga boy tuproqlarda, astragal selenli, itqo'noq ruxli, shuvoq, oddiy qarag'ay va makkajo'xorilar oltinga boy bo'lgan tuproqlarda o'sadi.

Demak, hayotning birlamchi manbai bo'lgan o'simliklar, tirik organizmlar orasida o'ziga xos ajoyib xususiyatga ega. O'simliklar tuproq bilan o'ta muhim munosabatda bo'lib tuproqni xilma xil xususiyatlariga moslashgan holda o'sadilar. O'simliklar tuproq muhitidagi yetishmayotgan yoki ortiqcha elementlari bor joyda o'sishga moslashib o'z tanasida elementlarni to'plash bilan tuproq xususiyatlarini holatini belgilab beradilar va bioindikatorlik xususiyatiga ega bo'ladilar, sho'rlanish tiplari, darajasi haqida ma'lumot beradilar. Golofitlar – (yunoncha “golos” – tuz, “fiton” – o'simlik) hayotida sho'r tuproqlarda o'sishga moslashgan o'simliklardir. Sho'r tuproqdagi galofit Gmelina-Limonium gmelini, Golokserofit Kamforosma monpeliyskaya - Camphorosma monspeliacum o'simliklari hisoblanadi. Sho'r tuproqlarda o'sadigan o'simliklarni galofitlar deyiladi (yunon. galos - tuz). Bu o'simliklar ham kseromorf tuzilishga ega bo'ladilar. Galofitlarning hujayra shirasida osmotik bosim kuchli bo'ladi, ularning yashashi va tashqi muxit bilan aloqasini bog'lashlari uchun sho'r tuproqlarning bo'lishi, undagi suvni shimishi zarur. Hayotiy shakllari jihatidan galofitlarning ba'zilar sukkulent bo'ladilar ularga O'rta Osiyo cho'llarida o'sadigan sho'radoshlar oilasi vakillari misol bo'ladi. Ba'zi galofitlar mayda, dag'al barglarga ega bo'lib, barglarning ustiga tuz kristallarni ajratib turadigan bezlar joylashgan bo'ladi. (Masalan: tamariks, ba'zi boshqodoshlar vakillari, chiy va boshqalar) va ularga krinogalofitlar deyiladi. Galofitlarga barcha sho'r suvli okean dengizlarda o'sadigan o'simliklar ham kiradi.

ГЕОМОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПЛАТО УСТЮРТ

Толепберенов М.Ж


Каракалпакский государственный университет им. Бердаха

Одной из главных особенностей твердой поверхности Земли является рельефом совокупностью неровностей различных размеров и формы.

Можно выделить несколько свойств рельефа, которые играют основную роль в оценке эколого-геоморфологического состояния территорий. В первую очередь это морфологические его свойства.

Морфологические особенности плато Устюрт обусловлены целым комплексных факторов, довольно четко отразившихся в рельефе миоценового покрова. В общем, для плато Устюрта характерно очень пологая, волнистая поверхность с резко выраженными границами – чинками.

йиллар кетма-кет кам сувли бўлган. Сув миқдори меъёрга яқин бўлган 1985 йили бундан мустасно (1-расм). Дарёда кам сувли йилларнинг шу каби кетма-кет такрорланишига асосий сабаб - атмосфера ёгинлари миқдорининг бошқа йилларга нисбатан кам бўлишидир (2-расм).



2-расм. Атмосфера ёгинларининг кам сувли йиллар давомида тақсимланиши, Писком метеостанцияси.

Юқоридаги графиклардан кўриниб турибдики, тўлинсув даври оқими миқдорининг шаклланишида гидрологик йилнинг совуқ ярим йиллигида кузатилган атмосфера ёгинлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Гидрологик йил (1981 йил)нинг октябрь-декабрь ойларида кузатилган атмосфера ёгинлари миқдори 157,3 мм ни ташкил этиб, календарь йили (1982 йил)нинг мазкур ойларида у 267,4 мм га тенг бўлган (3-расм). Сўнгги миқдор 1983 йил оқимининг ҳосил бўлишида иштрок этади. Атмосфера ёгинларининг 1981 йил октябрь-декабрь ойларидаги қийматлари 1982 йилнинг кам сувли бўлишини белгилаб берган.

Ҳудди шу каби, 1982 йилнинг октябрь-декабрь ойларидаги ёққан атмосфера ёгинлари, 1983 йилнинг сувлилик даражасини белгилаб берган. Шу тарика 1984 ва 1986 йилларда ҳам кам сувлилик кузатилган (1-расм). Шунингдек, санаб ўтилган йилларда атмосфера ёгинларининг йиллик қийматлари базавий давр (1961-1990) учун ҳисобланган ўртача кўп йиллик меъёр (842,2 мм)га нисбатан кам бўлган. Масалан, кам сувли 1982 гидрологик йил учун ҳисобланган йиллик атмосфера ёгинлари 542 мм га тенг бўлган бўлса, кам сувли 1983, 1984 ва 1986 йилларда мазкур миқдор мос равишда 610,6; 646,1; 597,8 мм ни ташкил этган.

Бажарилган тадқиқот натижаларига таянган ҳолда, қуйидаги **асосий хулосаларни** қайд этиш мумкин:


1. Тадқиқот ишида ўрганилган 39 та дарёлар учун В.Л.Шульц коэффиценти ҳисобланди. Дарёларнинг тўйиниш турлари ҳисобга олиниб, улар 2 та гуруҳга ихчамлаштирилди.

аниклаш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада, дарёларда узлуксиз кетма-кет такрорланадиган кам сувли йилларни гидрометеорологик нуктаи-назардан ўрганиш янада долзарб аҳамият касб этади.

Дарёларда кузатилган кам сувли йилларни аниқлаш учун ўртача йиллик сув сарфларининг модуль коэффициентлари ҳисобланди. Қайд этиш лозимки, модуль коэффициентлари $0,93 \leq K_i \leq 1,07$ оралиқда ўзгарса, дарёнинг сув миқдори меъёрга яқин бўлади. Ушбу ҳолатни инобатга олиб, дарёларда кузатилган кам сувли йиллар $K_i \leq 0,92$ мезон асосида аниқланди [5].

Дарёларда кетма-кет такрорланган кам сувли йиллар алоҳида катталик ($P_{\text{укт}}$) сифатида ўрганилди. Олинган натижалар таҳлили кўрсатадики, кетма-кет такрорланган кам сувли йиллар турли дарёларда турлича бўлсада, улар маълум бир қонуниятга бўйсунди.

Мазкур қонуниятни ўрганиш мақсадида кам сувли йиллар кузатилган дарёлар сони (N) нинг йиллараро ўзгариши графиги чизилди (1-расм). Ушбу графикни чизишда ҳисоб даври 1950-2015 йиллар оралиғини камраб олди. Бунга асосий сабаб 1925-1950 йиллар давомида барча дарёларда бирдек кузатишлар олиб борилмаган, яъни ўрганилган 39 та дарёлардан бор-йўғи 7 таси бўйича маълумотлар мавжуд.



1-расм. Кам сувли йиллар кузатилган дарёлар сони (N) нинг йиллараро ўзгариши

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ўрганилган 1950-2015 йиллар (66 йил) давомида 1974, 1982, 1986, 1989, 2000, 2008 ҳамда 2011 йиллар деярли барча дарёларда кам сувли бўлган. Шу каби кам сувли йиллар 1955-1957 (3 йил), 1965-1967 (3 йил), 1974-1977 (4 йил), 1980-1986 (7 йил), 1988-1991 (4 йил), 1995-1997 (3 йил) 1999-2001 (3 йил), 2006-2008 (3 йил) ва 2013-2015 (3 йил) йилларда деярли барча дарёларда кетма-кет такрорланган (2-расм). Аниқки, кам сувли йилларнинг бу каби кетма-кет такрорланиши метеорологик омиллар таъсири натижасидир. Мазкур ҳолатни Чирчиқ дарёсининг йирик ирмоқларидан бири бўлган Писком дарёси мисолида кўриб чиқамиз.

Писком дарёси В.Л.Шульц таснифи бўйича қор-музлик сувларидан тўйинадиган дарёлар типига кирди. Мазкур дарёда 1982, 1983, 1984 ва 1986

В пределах Каракалпакского Устюрта прослеживаются три основных понижения: на севере – северо Устюртское, в центральной части – Барсакелмесское и на юге - Ассакеауданское. Между собой они разделяются Актумсукским и Карабаурским увалами. Наиболее высокое гипсометрическое положение здесь занимает Карабаурский увал – максимальные отметки поверхности достигает +330 м. при средних отметках плато около +200 м. Наиболее пониженные участки приурочены к северо Устюртской депрессии (+50, +70 м.), впадинах Барсакельмеса (+65 м.) и Ассакеаудана (+27 м.).

Характерная особенность для Устюрта это, то, что его южный участок отличается от северного более значительной расчлененностью рельефа и как отмечает О.Ю.Пославская, значение в нем мелких форм является наиболее характерным.

Северная часть Устюрта повторяет черты слабо волнистой поверхности с плоскими ложбинами, блюднеобразными понижениями небольшой глубины, незначительным распространением песчаных скоплений, наличием шоров, такыры и т.д. Ближе к центральной части Устюрта в рельефе начинает проявляться Центрально-Устюртская зона поднятий. В пределах её довольно обширного распространения отмечаются отдельные крупнообразные и седловидные участки, четко выраженные в рельефе. Равная, слабо расчлененная поверхность Устюрта севернее Карабаурская вала, осложнена небольшими уступами и останцами, незначительными по размерам замкнутыми котловинами и мелкими, но довольно частыми затакыренными понижениями. От увала Карабаур поверхность имеет небольшой уклон на север и северо-восток и расположенной здесь обширнейшей шоровой впадине Устюрта Барсакельмес.

Впадина Барсакельмес представляет собой группу шоров в едином плоскостном понижении, вытянутом в юго-восточном направлении. Максимальная протяженность этого понижения около 120 км при ширине 30-35 км, отличается она и значительной глубиной дна, достигая абсолютных отметок +60-65 м.

Склоны или борты котловины различны и по высоте, и по крутизне, восточный борт очень крут и обрывистый, его максимальная высота 20-30 м. Западный склон пологий. На исключительно равной поверхности Барсакельмеса резко выделяются два острова Шайтанкала, возвышающиеся над шоровой поверхности на 10-20м. Летом поверхность шора покрыта сплошным соляным слоем, в весеннее и осеннее время, т.е. в период дождей шор Барсакельмес заполняется водой.

В центральной части Устюрта лежит многочисленных песков Картпайкум, Сексеулсай, и др.

Наиболее богатая песками часть этого своеобразного окружения солончаковых впадин, на север и северо-восток от Агьин носит название песчаного массива Картпайкум. Около впадины Барсакельмес на северо-западе её лежит небольшой массив Табын-су.

Для песков окружающих Агын с северо-востока, запада и юго-запада характерен присутствие многочисленного комплекса растительных сообществ, весьма неоднородного по входящим в него компонентами.

На большей части Агыни Тюмрюк контактирует комплекс с одной стороны с сарсазанниками, и со ссорами дна впадины, а с другой – со своеобразным ландшафтом, получившим название черносаксауловых редин.

В центральной части Устюрта, где в рельефе прослеживаются увал Карабаур и несколько южнее в том же направлении увал Мусбель, пространство между ними шириной 30км характеризуется полого волнистой поверхностью с многочисленными за такыренными понижениями. Такыры достигает иногда значительных размеров (до 80-10 км² и более).

В южной части Устюрта расположена очень крупная котловина Ассаке-аудан, которая имеет крутые обрывистые склоны, высотой в некоторых местах 40-50м., на восток примыкающая и Сарыкамышской впадина (Бабушкин и Когай 1964). Впадина Ассаке-аудан представляет собой прогиб в миоценовых отложениях, известный в литературе как «Ассакеауданский прогиб» (Луппов) или «Синклиналь бессточных впадин» (Яншин). Обширное по площади дно этой впадины характеризуется пологиволнистым рельефом. Здесь, как и в понижениях, прилегающих и Барсакельмесу распространены бугристые пески, под названием «чоколаки-воеобразное скопления песчано-глинистое материала около кустарников.

Песчаные массивы впадин Ассакеаудане следует иметь в виду, что это – молодые озерные отложения лишь отчасти подвергшиеся ветровой переработке. Во впадине расположено три песчаных массива – на юге, на западе и на северо-востоке. Первые два массива вполне беспорядочно могут быть отнесены и рельефу и по характеру субстрата и по растительности к определенным подтипам песчаной пустынь. Типологическое же положение достаточно сложна. Основными элементом ландшафтной структуры здесь являются крупные фитогенное бугры, названием чукалаками, сформированные около сильно разросшихся экземпляров тамарисков.

В широтном направлении впадина Ассакеаудан простирается почти на 80км. К северу от Ассаке-ауданского понижения расположена котловина Шахпахты, вытянутая также в широтном направлении к длину около 6км и в ширину до 3км. Котловина имеет крутые обрывистые склоны. Общая высота 70м. Центральная часть котловины занята пухлым солончаком. Южнее, на сопряжении Ассакеауданского и Сарыкамышского понижений, располагается котловина Шорджа длиной около 9-10км, шириной 5км. вытянутая в юг – юго-восточном направлении. Склоны её более пологие, но глубина вреза по отношению к поверхности плато также очень большая.

Так, при невысоком гипсометрическом положении своей поверхности, но благодаря обрывистым крутым склонам, возвышающимся над окружающей местностью 160-180м. Ясно выраженные эрозионные формы встречаются и на чинка внутренних впадин – понижений. Образование этих эрозионных форм связано с современной деятельностью поверхностных вод – временных водотоков, формирующихся после дождя.

дан 432 мг/л гача, оддий кудук сувларида 252 мг/л дан 805 мг/л гача ташкил килади.

Сув минерализациясини ўзгариши билан кальций, магний ва натрий катионларининг микдори ҳам ўзгаради. Ушбу катионлар ичида кальций кўп тарқалган ва у кам минераллашган сувларда кўп учрайди. Натрий иони тарқалиши бўйича катионлар орасида биринчи ўринда туради, чунки натрий тузлари тез эриш хусусиятларига эга. Кальцийнинг микдори Ўрта Зарафшонда камдан кам РЭМдан ошади. У Бухоро ва Қорақўл вохаларида РЭМ дан 2,5 бараваргача ошганлиги аниқланган.

Магний ионининг микдори тоғларда булоқ сувларида РЭМдан паст, лекин грунт сувларда РЭМдан ошади. Айниқса Бухоро ва Қорақўл вохаларида унинг микдори РЭМдан тўрт ва беш мартагача ошганлиги кузатилган. Магний тузларнинг кўплиги, уларнинг кальций тузларига нисбатан тез эрувчанлиги билан боғлиқ (Алёкин, 1952).

Натрийнинг ҳамма тузлари тез эрувчанлик хусусиятига эга. Кам минераллашган ер ости сувларида натрий тузларининг микдори катта эмас, лекин сув минераллашувининг ошиши билан натрий ионининг микдори ошиб боради. Оддий кудук сувларида натрий ва кальций ионларининг микдори РЭМга нисбатан 1,5 баравардан 6,0 бараваргача ошади. Айниқса Бухоро ва Қорақўл вохаларида уларнинг микдори катта.

Ўрта ва Кўйи Зарафшон ландшафтларида ичимлик сув сифатининг, шу жумладан грунт сувларидаги сифат ўзгаришлар инсон хўжалик фаолиятининг таъсири билан боғлиқ. Бухоро, Қорақўл, Кармана вохаларида, Ўрта Зарафшоннинг Нарпай, Пахтачи, туманларида ва Улус қўлида суғорма деҳқончилик олиб борилган худудларида сув сифатининг ёмонлашуви ўтган асрнинг 70-80 йилларида суғориладиган ерлар майдонининг кенгайтирилиши, тоғ олди текисликларнинг ўзлаштирилиши, суғоришда агротехник коидаларга риоя қилмасликлар сабаб бўлди. Шулар билан бирга оқава сувларининг дарё ва каналларга ташланиши, минерал ўғитларнинг меъёрдан ортиқ ишлатилиши ва бошқа омиллар таъсир кўрсатди.

ЎРТА ОСИЁ ТОҒ ДАРЁЛАРИДА КУЗАТИЛГАН КАМ СУВЛИ ЙИЛЛАРНИНГ МЕТЕОРОЛОГИК ШАРОИТЛАРИ

Турғунов Д.М.*

Ўзбекистон Миллий университети

Дарёларда оким микдори йилларро ўзгариб туради, яъни уларда бир йил сув кўп бўлса, кейинги йилда кам бўлиши мумкин. Бундай микдорий ўзгаришлар амплитудаси ҳамда дарёлар оқимининг ўзгарувчанлиги уларнинг тўйиниш манбаларига боғлиқ [3, 5]. Бу жараёнларни ўрганиш сув ресурсларини микдорий баҳолаш, улардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муаммоларнинг ечимларини топишда муҳим ҳисобланади. Ушбу йўналишдаги тадқиқотлар доирасида дарёларда кузатилган кам сувли йиллар сонини

* Турғунов Д.М. - ЎзМУ “Гидрология ва гидрогеология” кафедраси докторанти.

минераллашувининг ошиб бориши билан сув каттиклиги ҳам ошиб боради. (Рубинова, Иванов, 2005)

Ўрта Зарафшоннинг тоғли ландшафтларидаги булоқ сувларида умумий сув каттиклиги 2,6-5,0 мг-экв/л ни ташкил қилади. Сув минераллашуви 1000 мг/л дан ошиши билан сув каттиклиги ҳам кўтарилади. Сув каттиклиги грунт сувларда катта бўлиб, унинг дарё хавзасининг юқори қисмидан қўйи қисми томон кескин ошиши кузатилади. Ўрта Зарафшоннинг юқори қисмида оддий кудукларда Тойлоқ туманида сув каттиклиги 10,55 мг-экв/л, Оқдарё туманида 13,41 мг-экв/л, Иштихон туманида 17,49 мг-экв/л, Нуробод туманида 24,2 мг-экв/л, Нарпай туманида 34,00 мг-экв/л, Бухоро вилояти Ромитан туманида 41,6 мг-экв/л га етганлиги аниқланган. Умуман кудукларда сув каттиклиги РЭМ га нисбатан 1,5 баравардан 6 бараваргача ошган. Ўрта ва Қўйи Зарафшонда сувдаги анионлар ва катионларнинг тарқалиши 20 та сув намуналари чизмалар орқали кўрсатилди. Турли сув манбаларидан олинган кўрсаткичлар бир-бирларидан фарқ қилади. Уларни таққослаш учун Самарқанд шаҳар водопровод суви ичимлик сувга қўйилган талабларга (O'z Dst 950-2000) тўлиқ жавоб беради.

Хлор ионининг РЭМ миқдори 300-350 мг/л деб белгиланган. Умуман хлор иони ҳам сув шўрлигига боғлиқ ҳолда Зарафшон водийсининг юқорисидан қўйи қисми томон ошиб боради. Ўрта Зарафшоннинг юқори қисмида оддий кудук сувларида хлор иони 100 мг/л дан ошмайди, қўйи томон унинг миқдори кўпайиб, Иштихон туманида 252 мг/л Нарпай туманида 532 мг/л, Навоий вилоятининг Хатирчи туманида 546 мг/л, Бухоро вилояти Ромитан туманида 609 мг/л ни ташкил қилади. Грунт сувидаги хлор ионининг энг катта миқдори Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида кузатилади ва 1015 мг/л га етган. Бу РЭМдан қарийб 3 баробар кўп.

Хлор ионининг сувлардаги асосий манбаси галит (NaCl) минерали бўлиб у сувда тез эрувчанлик ва осон кўчиб юрувчанлик хусусиятларга эга. Шу сабабли ҳам хлор иони дарёнинг юқори қисмидан қўйи қисмига, яъни дарё дельтаси томон ҳаракатланади ва Бухоро ва Қорақўл воҳаларида тупроқларнинг шўрланишини кучайтириб юбормоқда.

Сулфат ионлари учун РЭМ 450 мг/л белгиланган. Уларнинг ҳам кўчиб юриш хусусиятлари катта, лекин хлорид ионларига нисбатан камроқ (Чембарисов, Хожамуродова, 2012). Сульфат ионларининг асосий манбалари таркибида гипс, ангидридлар бўлган чўқинди жинслар ҳисобланади. Зирабулоқ, Зиёвутдин тоғ олди текисликларида, Маликчўл, Ўртачўл текисликларда гипс ($\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$) ётқизиклар кенг тарқалган. Улар сувда тез эрийди ва сув билан ҳаракатланиши кучаяди. Нарпай туманида, Маликчўл ва Ўртачўл ҳудудлари грунт сувларида сульфат ионларининг кўплиги ана шу ётқизиклар билан боғлиқ. Нарпай тумани Дўстлик жамоа хўжалигидаги кудук сувида сульфатлар миқдори 1679 мг/л га етган, бу РЭМ дан 3,5 баравар ортик.

Гидрокарбонатлар ва карбонатлар миқдори грунт сувларида катта эмас. Табиий сувларда карбонатлар миқдори кальций иони халакит беради, у тезда карбонат иони билан бирикиб қийин эрийдиган кальций карбонатини ҳосил қилади (Алёкин, 1952). Гидрокарбонатлар миқдори булоқ сувларида 171 мг/л

Таким образом, рельеф региона как видно, неоднобразен. Большая часть территории представлена возвышенным денудационным рельефом. Главную роль в формировании современного рельефа плато сыграли особенностями геологического строения; затем длительный континентальный этап развития способствовал проявлению здесь всех процессов выветривания с одновременной деятельностью всех экзогенных факторов, которые участвуют в процессе рельефообразования и в настоящее время с образованием макро и микроформ на уже сформированной поверхности.

Устьют характеризуется значительным расчленением в рельефе: наличием обширных понижений, а возвышенностей и обилием мелких форм – многочисленных нарушений – блюдце образных понижений, небольших западин и др.

ОРОЛ ЭКОЛОГИК ИНҚИРОЗИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА УНИ ЮМШАТИШ МАСАЛАЛАРИ

Умарова А., Гаипова Р., Умаров Е.К.

(Нукус давлат педагогика институти)

Қорақолпоғистон Республикаси бозор муносабатларига ўтаётган даврда ишлаб чиқариш соҳаларида фойдаланилмаётган захираларни ишга солиш энг муҳим масалалар қаторига киради. Ишлаб чиқариш тармоқларини самарали ривожлантириш учун фойдаланишга тегишли мўл захиралар Амударё хавзасида жойлашган суғорма дехқончилик районларида ҳам кўплаб учрайди. Амударё хавзаси ва унинг Орол денгизига яқин жойлашган қўйи оқими ер юзидаги энг йирик суғорилиб экиладиган дехқончилик минтақалардан бири ҳисобланади. Бу ерда Ўзбекистон ҳудудининг жумладан, Қорақолпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг 2,5 млн. га дан ортик суғориб экиладиган ер майдонлари жамланган. Шундан ҳозирги вақтда 491 минг га ери фойдаланилмоқда шундан захирадаги ерлар 2 млн. га дан ортик. Қуруқ ва бўз ерларни ўзлаштириш Амударё хавзасида 2-жаҳон урушидан кейин ривожланди. Ўз кучига суянган республика аҳолиси қисқа вақт ичида Амударё хавзасида қуриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда анча ютуқларга эришилди. Натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ўртача йиллик ҳажми кўпайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш ички захираларни фойдаланишдан ва йирик сув хўжалиги ишларини қуриш ҳисобидан амалга оширилди. Секундига 400 кубометр сув ўтказиш қувватига эга Қорақум каналининг, секундига 195 кубометр сув ўтказиш қувватига эга Қарши магистрал каналининг, сув метрдан иборат. Толимаржон сув омборининг ва секундига 140 кубометр сувни машина билан тортиб чиқарадиган Аму Бухоро каналига ўхшаган йирик сув хўжалиги иншоотларини қуриш ҳисобидан эришилди.

Амударёнинг Туямўйин сув омбори билан Тахиатош гидроузели оралиғида секундига 270 кубо метр сув олиш қувватига эга, Ташсақа 170 кубометр сув олиш қувватига эга Пахта Арна, Қиличнӣёзбой (81 кубометр). Савятжап (120 кубометр), Сувенлига (130кубометр) ўхшаган йирик-йирик суғориш тизимлари қурилди.

Амударё ҳавзасида суғориш тармоғининг умумий узунлиги 104 минг км.дан ошиб кетди. Шундан бетон билан қопланган қисми 3 минг км ни ташкил қилади, қолганларида эса сувнинг филтрланиш йўли билан сарф бўлишига чора кўрилмаган. Амударё сувининг анча миқдори сув омборларини тўлдиришга ишлатилмоқда. Унинг миқдори дарёнинг ўрта ва қуйи оқимида йилига 13 млрд кубометрдан ошади. Шундай қилиб, Амударёдан сувнинг кўп миқдорда суғоришга олиниши ва бошқада мақсадларга фойдаланишнинг оқибатида Қорақум канали районида ерни кенг ҳажмда шўрланишига олиб келса, айрим минтақаларда эса сув қуриб қурғокчилик натижасида чўл майдонларининг ортишига олиб келмоқда.

Шундай бир ҳолатда Орол денгизининг олдинги сув босаётган ерларда катта ҳажмдаги қум тузли чўллар пайдо бўлмоқда. Амударё сувидан тежаб фойдаланмаслик натижасида катта минтақавий масштабдаги муаммолар пайдо бўлди. Орол инкирозини режали равишда ечиш учун бизнинг фикримизча Амударёнинг ўрта ва юқори оқимида сувдан фойдаланишнинг ҳажмини қайта қараб чиқилса яхши бўларди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпайтириш масаласи фақат экин ерлари майдонини кўпайтириш йўли билан эмас, балки, ишлаб чиқаришда фойдаланилмаётган захираларни ишга тушириш йўли билан ечилса ўринли бўларди. Кейинги йилларда Орол денгизига қуядиган оқар сувларнинг миқдори йилдан йилга қисқармоқда.

Қорақум каналининг I-II ва III навбатлари қурилиб ишга тушиши билан каналнинг Амударёдан оладиган сувининг йиллик ҳажми 9-17 млрд. кубометрга етган ва филтрацияланиш даражаси кўпайди, 1995 йили (18-20 сентябр) Нукусда бўлиб ўтган Халқаро анжуман маълумотларига кўра канал сувининг шўрланиш даражаси 45-48 промиле ортди ва йил сайин сувнинг табиий йўл билан тупланиши натижасида 33,5 млрд м³ минерализацияланган ер ости сувлари пайдо бўлмоқда. Ҳозирги пайтда денгиз майдони 35-40 минг км қисқариб олдинги сув босаётган ўрнида ҳажми 35 минг км², Марказий Осиёдаги учинчи чўл "Оролқум" пайдо бўлди. Бу жуда хатарли офатни пайдо қилмоқда. Натижада Орол районида олдинги сувдан бўшаган тузли қумлар теварак атрофга шамол билан таъсир қилиб суғориладиган дехқончилик районларнинг шўрланишига ва экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келмоқда. Шундай ҳолатда инсонлар Амударё сувини мажмуали тарзда тежаб фойдаланишни амалга ошириш лозим, акс ҳолда у янада пасаяди.

Ишлаб чиқаришдаги каби табиатда ҳам барча нарса балансга эга, агар баланс бузилиб чиқинди барча нормативлардан ошиб кетса, бундай ишлаб чиқариш узоққа бормади. Агар ишлаб чиқариш захираларидан комплексли фойдаланишнинг биргина йўли сувдан тежамли фойдаланиш технологиясини киритиш зарур. Қорақум канали районида, Қарши ва Аму-Бухоро канали районида ҳам шундай ишлашни талаб этади. Бу ҳеч қандай ортга чекиниш дегани эмас. Масалан, 1958-йилларда Қорақум каналининг ҳали 1-навбати ишга тушмаган даврда Амударё сувидан қишлоқ хўжалигида барчаси бўлиб 7% фойдаланилади. Шундай қилиб, Чоржов ва Тошхөвүз вилоятларда йиллик пахта етиштиришнинг ҳажми Қорақум канали районида жойлашган вилоятларга нисбатан 57% кўп бўлди. Бунинг ҳаммаси Амударёнинг ўрта ва

АНТРОПОГЕН ТАЪСИР ТУФАЙЛИ ЎРТА ВА ҚҲЙИ ЗАРАФШОН ГРУНТ СУВЛАРИДАГИ СУВ СИФАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Рахматуллаев А., Баратов Х.*

Ўрта ва Қўйи Зарафшон воҳа геосистемаларида экологик вазиятнинг кескинлашуви биринчи навбатда грунт сувлар сифатининг ёмонлашуви кўринишида намоён бўлмоқда. Ушбу муаммони аниқ кўрсатиб бериш мақсадида, нафақат воҳа ландшафтларидан, балки тоғ олди ва тоғ ландшафтларидан ичимликда ишлатиладиган сувлардан намуналар олинди ва улар кимёвий таҳлил қилинди. Сув намуналари олинган жойлар сони 80 дан ортиқ бўлиб, асосан ичимликда ишлатиладиган оддий қудуқ сувларидан иборат.

Олинган ҳамма сув намуналаридан асосий ионлар, яъни хлоридлар, сульфатлар, гидрокарбонатлар, натрий, кальций, магний, ва калийнинг миқдорлари, ҳамда сувнинг минераллашиш даражаси, водород кўрсаткичи, сувнинг каттиклиги аниқланди. Булар сув сифатини белгиловчи асосий кўрсаткичлар бўлиб, улар ҳудудлар бўйича ва вақт давомида тез ўзгаради.

Грунт сувлар ер юзасига яқин жойлашганлиги сабабли уларга инсон хўжалик фаолиятининг таъсири катта. Умумий ҳолда грунт сувларининг минераллашиш даражаси Ўрта Зарафшоннинг юқори қисмида жойлашган Тойлоқ, Жомбой туманларида ҳам тузлар миқдори рухсат этилган меъёрдан (РЭМ)(1000 мг/л-РЭМ) анча баланд. Бу кўрсаткичлар Тойлоқ тумани Тойлоқ шаҳрида 1044 мг/л, Оқдарё тумани Янгикўрғон шаҳрида 1248 мг/л, Пайариқ тумани Челақ шаҳрида 1920 мг/л, Иштихон шаҳрида 1850 мг/л, Нарпай тумани Оқтош шаҳрида 2000 мг/л, Бухоро вилояти Жондор туманида 2226 мг/л, Бухоро вилояти Қорақўл туманида 3128 мг/л ни ташкил қилади.

Суғорма дехқончилик учун янги ерларнинг ўзлаштирилиши тузлар миграциясини кучайтириб юборди. Зирабулоқ ва Зиёвуддин тоғларининг шимолий ёнбағирларидаги тоғ олди текисликларнинг, Улус чўлининг ўзлаштирилиши, ушбу ҳудудларда тупроқлар шўрланиши жадаллашди, грунт сувлар шўрлиги кескин ошиб кетди ва қудуқларда сув шўрлиги 2500-3500 мг/л га етди.

Суғорма дехқончилик ривожлангунга қадар Улус чўли Бошқудуқ қишлоғи аҳолиси ичимлик сув сифатида қудуқ сувларидан фойдаланишган. Қудуқ сувлари тоза ва чучук бўлган. Қишлоқ атрофларида суғорма дехқончилик ривожлангач қудуқлар сувларининг сифати бузилди ва уларда сув шўрлиги 1500-2500 мг/л етди. (Рахматуллаев, Баратов, 2015)

Бухоро ва Қорақўл воҳаларида грунт сувлари ичишга яроқсиз ҳолатга етди. Сув каттиклиги сувда эриган кальций, магний ва темир ионларининг миқдори билан боғлиқ. Ичимлик суви бўйича O² Dst 950 (2000) умумий каттиклик учун меъёр 7 мг-экв/л деб кўрсатилган. Умуман сув

*Рахматуллаев Арзимурад – СамДУ, География ва экология факультети, Гидрометеорология кафедраси доценти, г.ф.н.;
Баратов Хабиб Абдиназарович - СамДУ, География ва экология факультети, Гидрометеорология кафедраси ассистенти.

хавза юзасини намлайди. Бироқ тоғ жинсларининг, сув ўтказувчанлиги мураккаблашади ва юза оқими кучаяди, оқибатда сел оқимлари кучаяди. Сел асосан кучли ёмғирдан шакилланиб, шиддатли тус олади. Аммо, сел тошқинлари нафақат дарё хавзаларида кузатиладиган ёгинларининг жадаллигига, балки тегишли тупроқ таркиби, ўсимликлар, хаво ҳарорати каби омилларга ҳам боғлиқ. Юқоридаги дарё хавзаларида қор эриши ёки суткасига 10 мм дан кам ёмғир ёғишидан рўй берадиган тошқинлар 7-13 % дан ошмайди, 20 мм дан 40 мм гача ёмғир ёққанда бу кўрсаткич 30-57 % га ортиб, жуда хавфли сел келиши эҳтимоли юзага келади.

Бу даврларда сел юзага келган вақтда дарёларнинг ўртача йиллик одатдаги 7 мартадан 100 мартагача ва ундан кўпроққа ҳам ошиб кетади.

Сел оқимининг давомийлиги ярим соатдан хатто 12 соатгача, тезлиги эса 5-8 м/соатгача етиши мумкин. Сел массасининг зичлиги эса 1,2-1,9 т/м³ ни ташкил этади. Шундай кўрсаткичларга эга оқим жуда катта – куч бўлиб, иқтисодиётга сезиларли зарар келтиради, оқим йўлида учраган иншоотларни, йўлларни, қишлоқ ва шаҳарларни, боғларни, кўприкларни вайрон қилиб кетади, улкан майдонларни лой, тош, қум қатламлари билан кўмиб ташлайди.

Шунинг учун Наманган вилояти иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши фавқулотда вазиятлар ишларини асосини ташкил этиши, сел оқимларининг олдини олиш, уларга қарши курашиш, сел бўлиши эҳтимоли бор ҳудудларни аниқлаш, уларнинг вужудга келиш сабабларини чуқур ўрганиш катта амалий аҳамиятга эга. Бунинг учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширилиши мақсадига мувофиқ:

1) сел бўлиши мумкин бўлган дарёлар хавзасида доимий кузатиш (мониторинг) ишларини олиб бориш;

2) сел оқими юзага келиши мумкин бўлган дарёлар хавзасини муҳофаза қилиш, яъни бу майдонлардаги ўсимликлар дунёсини сақлаш, дарактлар ва буталарни кесиш, майдонларда шудгорлаш ишларини олиб боришни чегаралаш;

3) юқоридаги дарёлар водийларида ўрмон хўжаликларини ривожлантириш, яъни тоғ ён бағрларида буталар ва дарактлар экишни йўлга қўйиш талаб этилади, чунки булар тоғ жинслари қатламларини мустаҳкам ушлаб туради, қор эришини секин-лаштиради, ер юзасини ювилишдан сақлайди;

4) тоғли ҳудудлардаги дарёларнинг ўзанида сув оқимини бошқарувчи иншоотлар қуриш, табиий, сунъий тўғонларни тартибга солиш;

5) мавжуд селга қарши қурилган гидроиншоотларни қайта таъмирлаш, ўз вақтида тозалаш ишларни амалга ошириш ва ҳ.к.

Бундан ташқари, вилоятнинг тоғ олди ҳудудларида 10 та га яқин сув омборлари бунёд этилган. Бу сув омборлар сувидан турли мақсадларида фойдаланилади. Шунинг учун бу сув омборларига сел ва тўлинсув даври сув оқимларидаги сувлардан оқилона фойдаланиш муҳим масалаларидан биридир.

қуйи оқимида жойлашган суғорма деҳқончилик тармоқларини ҳудуд тарафидан такомиллаштиришни келтириб чиқармоқда. Ер юзи амалиётда йирик дарёлар хавзасида ерларни ўзлаштириш дарёнинг қуйи оқимидан бошланади. Аҳолининг фаровон яшаб қолишини таъминлаш учун ҳаммасидан олдин кўп йиллар давомида тузилган ишлаб чиқариш салоҳиятини сақлаб қолиш бош масала бўлиб қолиши зарур. Оролнинг шамол таъсирида суғорма деҳқончилик районларига қўшилаётган чанг тупроқ аралаш тузларнинг ҳажми ортмоқда. Маълумотларга қараганда йил сайин суғорилувчи экин ерларига 0,5-1 тоннага яқин туз аралаш тупроқлар қўшилиб деҳқончиликда фойдаланиладиган ерлар шўрланмоқда. Бунинг оқибатида пахтанинг ҳосилдорлиги 1980 йилларга қараганда 58,1 га шоленинг ҳосилдорлиги 3 қиссага деярли пасайди.

Ҳозирги вақтда Амударёнинг қуйи оқимида яъни Орол фожээсининг эпицентри остида қолган Қорақолпоғистон Республикаси, Хоразм, Тошхувуз ва Қизил-Ўрда вилоятларида 5 млн дан ортиқ аҳоли яшамоқда. Бу Туркманистонда ёки Қирғизистонда яшаётган аҳоли сони билан деярли баробардир. Шунинг учун масалани ўзаро келишилган ҳолда ҳал этиб минтақа аҳолисини зарур миқдорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш ишлари биринчи навбатдаги муаммо бўлиши лозим.

Минтақада яшовчи аҳолини аввало зарур бўлган кундалик истеъмол моллар билан таъминлаш учун қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантиришга ўтиш ва ишлаб чиқаришда фойдаланилмаётган захираларни излаш ва уни хўжалик айланмасига қўшишни тезлаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

KARST G'ORLARI - TABIATNING NOYOB YODGORLIGI

Usmanova R. *, Baxriddinova M. *

Qarshi DU

G'orlar noyob tabiat yodgorligi bo'lib faqat bir marta hosil bo'lib, bir-biriga to'liq o'xshagani qayta hech qachon paydo bo'lmaydi. G'orlar tabiiy jarayonlar ta'sirida hosil bo'lib, bugungi kunda tabiat yodgorligi sifatida muhim ahamiyat kasb etadi. Tabiat yodgorliklari ilmiy - amaliy, tarixiy, madaniy, ma'rifiy, turistik va boshqa xususiyatlari bilan alohida ahamiyat kasb etadigan tabiiy obyektlardir. Ammo insonning xo'jalik faoliyati davomida ular muayyan o'zgarishlarga uchrashi mumkin. Shuning uchun bunday obyektlarni aniqlash, ro'yxatga olish, ilmiy – geografik ta'rifini tuzish va muhofaza qilish kabi ishlarni amalga oshirish lozim. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 50–moddasida ham “ Yer, yer osti boyliklari, suv, o'simlik va hayvonot dunyosi va boshqa tabiiy zahiralari umumiy boyliklardir. Ulardan oqilona foydalanish zarur va ular davlat muhofazasidadir” deb ta'kidlangan. Chunki keyingi yillarda tabiatga antropogen ta'sir natijasida yuzaga kelgan ekologik muammolar ortib borayotganligi hech kimga sir emas.

Bizning davlatimiz dunyodagi xilma-xil tabiiy yodgorliklarga boy mamlakatlardandir. Davlatimiz tomonidan ularni muhofaza qilishga alohida ahamiyat qaratib kelinmoqda, sohaning mustahkam huquqiy asoslari yaratilib, zamon talablari

* R. Usmanova Qarshi davlat universiteti Geografiya kafedrasida dotsenti.

* M.Baxriddinova. Geografiya o'qitish metodikasi yo'nalishi 4-kurs talabasi.

asosida yanada takomillashtirilib borilmoqda. BMTning “Butunjahon madaniy va tabiiy yodgorliklarini muhofaza qilish va undan foydalanish to'g'risidagi” hamda “Muhofaza qilinadigan tabiiy hudud to'g'risidagi” sohani isloh qiladigan qonunlar qabul qilindi. 2005 yilda qabul qilingan “Muhofaza etiladigan tabiiy hududlar to'g'risida”gi O'zbekiston Respublikasi Qonuni tabiat yodgorliklari xususan, g'orlar Qonuning 26-moddasida “noyob o'rnini to'ldirib bo'lmaydigan, ekologik, ilmiy, madaniy va estetik jihatdan qimmatli tabiat obyektlari bor muhofaza etiladigan tabiiy hududlar davlat tabiat yodgorliklari hisoblanadi” deb aniq ko'rsatilgan.


Geografiya darslarida tabiiy jarayonlar, xususan karst go'rlari haqida tushuncha berish muhim ahamiyat kasb etadi. Akademik litsey va kollejlarda o'qitiladigan “Amaliy geografiya” fanida “Tabiiy geografik jarayonlar”ga bag'ishlangan darslarda karst jarayonlari, karst go'rlari haqida bilim berish katta ahamiyatga ega bo'lib bu haqida ancha boy ma'lumotlarni o'quvchilarga yetkazish talab etiladi. Sinfdan tashqari ishlarda, to'garaklarda, kechalar va viktorinalar o'tkazilganda g'orlar haqidagi ma'lumotlarni test, savol-javob yoki krassvord shaklida o'quvchilarga yetkazib berish mumkin. O'quvchilar bilan tabiatga sayohat vaqtida g'orlarga borish, ular haqida ma'lumotlar yig'ish, rasimga olish, atrofni o'rganish, g'orning o'simliklari, hayvonot dunyosi, ya'ni landshafti haqida bilim olish imkonini beradi. Demak, “o'lkashunoslik” to'garaklarida karst go'rlarini o'rganish uchun o'quvchilar bilimini mustahkamlashda ular bilan birga g'orlarga sayohatlar uyushtirish maqsadga muvofiq bo'ladi. O'rta Osiyo va O'zbekiston tabiiy geografiyasi fanidan tog'li hududlarni relyefini o'rganganda Tyanshan, Pomir, Hisor, Oloy va Kopetdog' tog'larida va Ustyurt platosida karst jarayonlari ta'sirida hosil bo'lgan g'orlar haqida ma'lumotlarni berishni tavsiya etamiz. Geografiya darslarida o'quvchilarga g'orlar haqida “Materiklar va okeanlar tabiiy geografiyasi”, “O'rta Osiyo tabiiy geografiyasi”, “O'zbekiston tabiiy geografiyasi” fanlaridan mashg'ulotlar vaqtida hudud relyefi, okruglarning tabiiy geografik xususiyatlarini o'rganish davomida karst go'rlari haqida bilimlarni mustahkamlanadi. Masalan, “O'rta Osiyo tabiiy geografiyasi” fanidan Pomir tog'lari, Tyanshan tog'lari, Turkman-Xuroson tog'lari, Oloy-Hisor tog'lari mavzularini o'tgan paytda karst go'rlari haqida bayon qilish zarur. “O'zbekiston tabiiy geografiyasi” fanidan mashg'ulotlar vaqtida Surxondaryo, Qashqadaryo okruglari, Ustyurt va Hisor tog'lari xususida g'orlarning joylashgan o'rni haqida, ularning tarqalish sabablari haqida bayon qilish muhim ahamiyatga ega.

Tabiat yodgorliklarini o'rganibgina mamlakatimiz o'tmishi va uning taraqqiyoti haqida ilmiy ma'lumotlar olishimiz mumkin. Karst go'rlarining o'ziga xos noyob yodgorlik ekanligini o'rganib, quyidagicha hulosa qilishimiz mumkin:

G'orlar gidrotexnik inshootlar qurish va tunnel qazish ishlarida e'tiborga olinishi zarur. G'orlar avtomobil va temir yo'llar qurilishida, tog'li rayonlarda yo'l qurilishi uchun qurilayotgan tunnelar o'tkazishda karst jinslari tarqalgan hududlarda chuqurroq o'rganishni talab qilinadi.

Qashqadaryo viloyati g'orlaridan to'laligicha ham sayohat uchun, ham shifo uchun foydalanishni yo'lga qo'yishni amalga oshirish zarur. “G'orlar bilan tanishish”, “Qo'riqxonalar” kabi ko'plab sayohatlar yo'nalishlarini tashkil qilish maqsadga muvofiq. Bu sayohatlar o'quvchilarga dars davomida olgan bilimlarini

azaldan ma'lum. Шу сабабли селлар асосан йилнинг серёгин фасли ҳисобланган баҳор мавсумида бўлади ва уларнинг келиб чиқиши тасодифий ҳарактерга эга. Жумладан, Фарғона водийсининг шимолий қисмида, яъни




1-расм. Дарёлар оқимининг йиллик гидрографи

Наманган вилоятининг тоғли худудларида жойлашган Подшоотасой, Косонсой, Сумсор ва Говасой дарёлари хавзаларида ҳам сел ҳодисалари йилига бир марта ёки бир неча марта кузатилиб туради. Бу дарёларнинг нисбий оқими анча юкори (1-расм). Юкоридаги дарёларда сел оқимларининг ривожланишига хавзаларининг ўзига хос иқлим шароити таъсир кўрсатади. Жумладан, атмосфера ёғинлари нотекис тақсимланиши кучли ёғин ва жалаларнинг юзага келиши ва қорларнинг жадал эриши мазкур жараённинг келиб чиқишига таъсир кўрсатади.

Атмосфера ёғинларининг умумий йиллик йиғиндиси 277-1000 мм гача боради. Ёғинларнинг кўп қисми баҳор ва куз фаслларида тўғри келади. Йилнинг мазкур фаслларида ёмғирларнинг 79 – 91 % и тушади. Ана шунинг 45 – 52 % и баҳор фаслига тўғри келади. Шунинг учун ҳам ёғиннинг кўп қисми ёмғир шаклида тушади.

Шу сабабали дарёлар сув оқимининг асосий қисми 50-70 фоизи март-июнь ойларида оқиб ўтади. Апрель билан май ойларида сув тошқинлари тез-тез кайтарилиб туради (2-расм).



2-расм. Селларнинг йил давомида тақсимланиши, фоизда.

Ёмғирларининг давомийлиги бир хил эмас, улар жадаллиги бўйича ўзгариб туради. Шунингдек, қисқа муддатда тушадиган жала ёғинлар

географик хусусиятлари топонимик атамалар занжирида сақланган ҳолда нодир халқ кадриятларига айланиб қолади.

Худудлар аро оқиш тартибига кўра дарёларни икки гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин: Тоғ ва текислик дарёлари. Тоғ дарёлари тор водий ва даралардан ўтиб жуда тез оқади. Натижада ўзан эрозиясини кучайтиради. Она жинсларни парчалаб ҳосил қилган ётқизикларни саралайди. Йириклари юқори қисмида, бир мунча кичиклари сув тезлигининг сусайиши билан баровар тарзда куйига томон элтади. Бундай ётқизиклар қадимги туркий халқларда “ювуг” деб аталган (Махмуд Қошғарий, III том, 179-бет). Ушбу атама халқ кадриятларининг нодир намунаси сифатида танлаб олинган ва табиий географик хусусиятига тамомила мос келади. Яъни мазмунан ювиб олиб келинган деган мазмун беради. Ёки аллювиал ёки пролювиал ётқизикларнинг генетик хусусиятига мос тушади.

Текислик дарёлари секин оқади. Бу ерда энди қирғоқ эрозияси устуворлик қилади. Ўзан кенг ва оқим ёйилиб оққанлиги учун саёзлашади. Бундай ҳолатни яъни, тўпикдан ошмайдиган саёз сувли оқим “сайрам” деб аталади (Махмуд Қошғарий, ТДЛТ, 205-бет). Ушбу халқ географик термини негизида Жанубий Қозоғистондаги Сайрам шаҳрининг номи шаклланади. Текисликлар бўйлаб оқувчи дарёлар суви ҳаракати сусайган сари тиниклашиб, гўёки сузилади, яъни лойқадан ҳоли бўла боради. Шу боисдан улар қадимги туркий халқлар тушунчасида “сўзук” кўм-кўк, тиник дея аталган (Махмуд Қошғарий, I том, 370-бет). Ушбу халқ термини асосида Жанубий Қозоғистондаги Сузоқ (чунки сўзук тушунчаси узок йиллар давомида деформация олиб сузоқ тарзига кирган бўлиши мумкин) шаҳри номида қарор топди. Дарҳақиқат Сузоқ шаҳри ёнидан оқиб ўтувчи Сайрам дарёси секин оқиши ва сузилиши, сувининг тиниклиги билан батамом мазмунига мос тушади.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ СЕЛДОР ҲАВЗАЛАРИ ВА СЕЛ ОҚИМИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ Мақулов Ж.Т.*

Наманган давлат университети

Сел оқимлари қишлоқ хўжалигига жуда катта зарар етказадиган табиий офат бўлиб, у дунё бўйича ҳар йили минглаб кишиларни бошпанасиз қолдиради, ёстигини қуритади. Бундай хавфли гидрометеорологик ҳодиса Фарғона водийсидаги Олой тизмасининг шимолий ёнбағри шарқий қисми ва Фарғона тизмаси жануби-ғарбий ҳамда шимолий қисми дарё ҳавзаларида ҳам учраб туради.

Водийнинг ушбу тоғли худудларидаги тик ёнбағирлар, қияликлар ва ирмоқлардан иборат ер юзаси рельефи сел оқими суръатини тезлаштиради.

Кучли ёққан ёмғир йўлида учраган тўсиқ ғовларни ювиб кетиб, бўкиб ётган тоғ жинсларини кўпориб ташлайди ва уларни оқизиб кетиш хавфини оширади. Селлар асосан ёгингарчилик билан боғлиқ ҳолда юзага келиши

mustahkamlashga yordam beradi. O`lkamizdagi ilmiy va amaliy ahamiyatga ega g`orlarni tabiat tomonidan qanday bunyod etilgan bo`lsa, shu holda saqlash va ularni kelgusi avlodlarga o`z holidan qoldirishdir. Yosh avlodni o`lkashunoslik ruhida tarbiyalashga e`tibor qaratish, tabiatni asrash yuzasidan mahalliy chora tadbirlarni amalga oshirish talab etiladi.

JIZZAX VILOYATI BO`Z TUPROQ ZICHLIGINING UNUMDORLIKKA TA`SIRI

Usmonov Y.Q., Juraxujayev D.D., Usmonova N.M.

Abdulla Qodiriy nomidagi Jizzax davlat pedagogika instituti

O`zbekistonda sug`oriladigan yerlarning asosiy qismi bo`z tuproqlar zonasida joylashgan. Jumladan, Jizzax viloyatining Baxmal, Zomin, G`allarol va Forish tumanlarining tog` oldi etaklarida, tog` oldi yonbag`rlarining quyi qismlarida, tog` oldi tekisliklarida, tog`lar oralig`ida joylashgan bo`lib chegarasi hamma tumanlarda bir xil emas. Bo`z tuproqlarning quyi chegarasi Jizzax viloyatining dengiz sathidan 400-450 metr balandligidan o`tadi.

Bo`z turoqli zonaning o`rtacha yillik temperaturasi yuqori, yozi issiq va qishi iliq bo`ladi. Bir yilda 200-450 mm gacha yog`in yog`adi, tog`larda balandlik oshgan sari iqlim yog`ingarchilik miqdori o`zgarib boradi. Bo`z tuproqlar joylashgan hududlar asosan to`rtlamchi davr yotqiziqalaridan iborat bo`lib ular xilma-xil tog` jinslarining nurashidan, nuragan jinslar yuza oqar suvlari hisobidan tuproq yuzasiga cho`kib har xil fraksiyali tuproq qatlamini hosil qilgan. Bo`z tuproqlarni hosil qiluvchi jins lyoss va lyosssimon yotqiziqalardan iborat. Birgina Baxmal tumani hududida joylashgan bo`z tuproqlar dengiz sathidan qanday balandlikda joylashganligiga qarab bir qancha tipchalarga bo`linadi hamda mexanik tarkibi, sho`rlanishi eroziyalanish darajasi, tuproq zichligi, tuproq fraksiya tarkibiga qarab bir necha tipchalarga bo`linib ketadi. Ma`lumki, tuproq unumdorligi uning fizik holatiga bog`liq. Tuproqning fizik xossalari eng muhimi zichligidir, ya`ni hajm og`irligidir. O`simliklar normal rivojlanishi uchun tuproqning qattiq, suyuq va gaz holatlari o`rtasida muayyan nisbat saqlanishi kerak. O`ta zich tuproq kabi g`ovak tuproq ham bir qator o`simliklar xususan kartoshka va boshqa poliz ekinlari uchun qulay muhit hisoblanmaydi. Tuproqning zichligi birinchi navbatda uning mexanik tarkibi chirindi miqdori mikro va makro strukturasi va namligiga bog`liq. Yirik zarralar orasidagi bo`shliq mayda zarralar bilan to`lganda tuproq o`ta zich bo`ladi. Soz tuproq va og`ir qumoq tuproqlarda shunday holat mavjud. Tuproq zich bo`lsa madaniy o`simliklarning ildizlari ayniqsa, ilk vegetatsiya davrida tuproqning mexanik qarshiligiga duch keladi. Har xil o`simliklarning tuproq zichligiga sezgirligi turlicha, ammo hammasining ham rivojlanishi tuproq zichligiga bevosita bog`liq bo`ladi. Ko`p ekinlar zichlik oshishini uncha xush ko`rmaydi. Baxmal tumani, Uzunbuloq jamoa xo`jaligida 80 ga li maydonda ikki xil haydov traktori, po`lat tishli zanjirli traktor DT-75 va og`ir rezenali haydov traktori K-700 bilan tuproqqa mexanik ishlov berilganda turli xil kartoshka hosili olindi. Bu sohadagi ilmiy tadqiqot ishlarini yana ham chuqurlashtirib tuproq zichligini o`simlik ildiziga va fiziologiyasiga ta`sirini fan nuqtai nazardan izohlash shu bugungi kunning dolzarb masalasidir. Olimlarning tavsiyasiga ko`ra Jizzax viloyati sharoitidagi sugo`rib dehqonchilik qilinadigan bo`z

* Мақулов Жасурбек Тахиржанович -Наманган давлат университети География кафедраси ўқитувчиси

tuproqlar changligi, suvga chidamsiz agregatga egaligi va chirindisi kamligi, tuproqning hajmi og'irligi, tuproq donadorligi va boshqa mexanik xossalarini hisobga olib qishloq xo'jalik ekin turlarini to'g'ri tanlay bilish kerak. Baxmal tumani sharoitida dalaga ishlov berilganda tuproq g'ovak holatda bo'ladi, ammo ekin oldi ishlovlarini o'tkazish va birinchi sug'orish bilan u deyarli dastlabki zich holatiga keladi. Tuproqning g'ovakligi faqat pushtaning h=0-10 sm li yuqori qismidagina saqlanadi bu ham suvning pastdan yuqoriga kaplyar yo'l bilan ko'tarilishi tufaylidir. Dalada sug'orilganda suv haydalma qatlamining h=10-20 sm chuqurligida gorizontal yo'nalishida oqadi, shuning uchun ham tuproqni zichlashtiradi. Tuproq qanchalik strukturasi bo'lsa, sug'orilganda shuncha ko'p cho'kadi. Kartoshka ekib kelinayotgan tuproqlar, ayniqsa sug'orilgandan keyin tuproqqa mexanik ishlov berilganda va bir necha marotaba sug'orilganda tuproq zichligi oshib ketaveradi. Eng muhim ko'rsatkich haydalgan qatlam bilan haydalmagan qatlam o'rtasida h=5-8 sm qalinlikda zich qavat paydo bo'ladi. Mana shu zich qavatni inson o'z qo'li bilan shakllantiradi va hosil tuganaklarining rivojlanishiga katta ta'sir ko'rsatadi. Zichlik oshishi bilan tuproqda o'simlikning ildizi foydalana olmaydigan suv ham ko'payib boradi, tuproqning suv ushlab qobilyati pasayadi va aktiv namlikning deapazoni torayadi. Tuproqning dala nam sig'imi birgina ularning mexanik tarkibi va chirindi miqdoriga bog'liq bo'lmay zichlik qovushmasiga ham bog'liq ekanligi aniqlandi. Masalan, tuproqning kaplyar nam sig'imi zichlik osha borishiga qarab hajm og'irligi 1 g/sm³ bo'lganda g'ovaklik n=35-40 % bo'ladi, hajmiy og'irligi 1,6 gr sm³ bo'lganda g'ovaklik 20-25 % ga tushib qoladi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki kartoshka o'stiriladigan maydonlarda optimal tuproq sharoitiga ega bo'lish uchun ekin oldi ishlarini tuproqdagi namlik fizik yetilishiga mos kelgan paytda o'tkazilishi kerak. Iloji boricha qishloq xo'jalik mashinalari va texnika vositalari dalada ortiqcha yurmasligini chorasini ko'rish kerak. Buning uchun ekin oldi ishlari, tekislash, baronalash va mola bosishni bir yo'la qo'shib olib borishni tavsiya etamiz. Ana shundagina tuproq unumdorligini oshirishga va mo'l hosil olishga imkoniyat tug'iladi.

DAM OLISH ZONALARINI TASHKIL ETISHDA REKREATSIYA RESURSLARIDAN FOYDALANISH MASALALARI

Usmanova R. *

Qarshi davlat universiteti

Mamlakatimiz rekreatsiyani rivojlanishini joriy va istiqboldagi chora-tadbirlarini belgilashda iqtisodga ta'sirini har tomonlama hisobga olishni, dam olish va turizmni rivojlanish dasturlarini ushbu jarayonlar ta'siri nuqtai-nazaridan shakllantirish va ularni izchil amalga oshirishni taqazo etadi. Rekreatsiya kuch va faoliyatni tiklash doirasidagi mehnat faoliyatdan bo'sh davrdagi muddat birligi sifatida tavsiflanadi va salomatlikni tiklashning samarali yo'nalishi hisoblanadi.

Rekreatsiya geografiyaning rivojlanganlik darajasi mamlakatlarning tabiiy va iqtisodiy geografik o'rni bilan bevosita bog'liq. Mamlakatlarda rekreatsiya geografiyaning faoliyati va salohiyati hududning tabiiy sharoiti, landshaftlari, hamda

Фароб топонимининг этимологик мазмуни хусусида З.Дўсимов, Х.Эгамов (1977, 139-бет), С.Қораев (1978, 135-бет) каби топонимистлар жуда тўғри фикр билдирган ҳолда, уни икки ўзакли форсий тушунчалар билан боғланган ҳолда тавсифлайдилар. Яъни “Фар” ёки “Пар” форс тилида кўп, “об” эса сув дея тушунча берадилар. Аммо нима учун улар турли географик нукталарда жойлашган бўлсаларда барчаси бирдек “серсув” эканлиги хусусида бирон фикр билдирилмайди ва шу боисдан топонимининг асл этимологик келиб чиқиши ва жойнинг табиий географик ҳолати билан боғлиқ эканлиги очилмасдан қолаверади.

Амударё, Сирдарё, Зарафшон каби йирик сув тармоқларининг меъёрий кўрсаткичлари, айниқса межень даври “вакти қиллат”, тўлин даври эса “Фуроб” халқ географик терминлари орқали ифодаланган (Муҳаммаджонов А. 1972, 149-бет). Демак ушбу дарёларнинг бўйида жолашган “Фароб” деб аталувчи жойларни “фуроб” даврида сув босган. Маълумки Амударё, Зарафшон каби сувининг кўп қисмини муз-қорлар эришидан оладиган дарёлар ёзнинг ўрта ва охириларида Сирдарё каби қор-муздан тўйинувчи дарёлар эса ёзнинг бошида тўлин даврига киради ва ён атрофини сувга ғарк қилади.

Худди шу хусусият Амударё бўйидаги Фаробда ҳам мавжуд бўлган. Бу шаҳар жумласидан бўлиб, алоҳида жойларга эга, Жайхун дарёси лабидан то Фаробгача бир фарсанг, сув тошган вақтларда эса ярим фарсанг келади. Гоҳо шундай ҳам бўладики, Жайхуннинг суви (тошиб) Фаробгача бориб етади (Наршахий. 1991, 101-бет).

Дарёларнинг меъёрий кўрсаткичларида тошқин, уларнинг нафақат тўйиниши, балки музлаш ҳолати билан ҳам боғлиқ эканлиги маълум. Бу ҳолат дарё окимининг тор ва нишаб тоғ дараларидан текисликларга чиқиш нукталаридан бошланади. Масалан Амударё қисман Термиз шаҳри дан қуйида, ахён-ахёнда, қадимги Фороб шаҳри яқинида қишқаттиқ совуқлар билан кечувчи йиллари кучли музлайди. Худди шундай воқеа 1969 йили юз берган эди. Дарёда сув юзаси муз билан қопланганлигидан. Оким қирғоқдан тошиб чиқиб ён атрофларни ва ҳатто ўша вақтда Чоржўй (ҳозирги Туркманобод) деб аталувчи шаҳарни ҳам сув босган. Натижада Фуроб-Фароб юз берган. Демак, бундай ҳолатлар ўрта асрларда ҳам мавжуд бўлган ва унинг табиий географик хусусияти Фароб топоними мазмунида муҳрланиб қолган.

Сирдарё бўйидаги Фароб топоними ҳам худди шундай табиий географик шароит туфайли шаклланганлиги ҳақиқатга яқинроқдир. Ўрта асрларда Фароб атамаси биргина шаҳарга эмас, балки йирик вилоятга нисбатан ишлатилган. Ушбу вилоятнинг барча қишлоқлари ва жумладан қасаба деб аталувчи марказий Кедер шаҳри ҳам табиий баландликлар, тепаликлар устида жойлашган эди. Чунки, қиш чилласи қириши билан Сирдарё суви музлаб қирғоқларидан тошиб чиқар ва ён атрофни 30 фарсах кенгликда сув босар эди.

Маъсудий маълумотларига кўра Фаробда тошқин юз бергач, тепаликлар устида жойлашиб олган қишлоқлар аҳолиси бир-бирлари билан фақат қайиқлар ёрдамида, тошқин сув ҳам музлагач, муз устидан ўтиб алоқа қилишга қиришар эди (Бартольд III том, 525-бет). Шу тариқа жойнинг ўзига хос табиий

* Usmanova R. -Qarshi davlat universiteti Geografiya kafedrasi dotsenti.

кўрсаткичларини ўрганиш борасида бутун бир халқ географик терминлари тизими вужудга келган. Уларнинг аксарияти топонимлар шаклланишида фаол иштирок этади ва дарё оқимида юз берадиган ўзгаришларнинг белгилари, вақти ва муддатини аниқ кўрсатади (Муҳаммаджонов А. 1972, 165-бет). Масалан Зарафшон дарёсида тўртта тошқин бўлишини ифодаловчи термини мавжуд. Биринчи тошқин “Нарзоб” деб аталади ва ҳамал ойининг кириши 20-22 мартга тўғри келади. Бу тошқин Амударё этагида “кўк камиш”, Сирдарё этагида эса “қалами” номи билан юритилади.

Иккинчи тошқин Зарафшонда “Лойқа сув” деб аталади ва савур ойининг охири ва жовзанинг бошларига, яъни май ойининг иккинчи ярмига тўғри келади. Бу даврда дарё жуда лойқаланиб оқади ва ўзининг келтирган алювиал ётқизиклари-лойқаси билан (айниқса фосфор жуда кўплиги учун кулранг тусда бўлади) билан далаларга “ҳаёт” бағишлайди.

Зарафшон дарёсида учинчи тошқин “совуқ сув” деб аталади. Бу жараён саротон ойининг кириши, яъни 20-22 июнларига тўғри келади ва икки ҳафта давом этади.

Тўртинчи тошқин “иссиқ сувдир”. Бу тошқин саротоннинг 17-кунидан бошланади ёки 9 июлга тўғри келади ва 22 кун давом этади. Гармаб экинларнинг етилиб пишиши ва мўл ҳосил олишда муҳим аҳамият касб этади (Муҳаммаджонов А. 1972, 138-бет).

Дарёларнинг тўлин даври “фуроб”, энг кам межень даври эса “вақти қилла” тушунчалари билан изоҳланган. Ундан ташқари қиш чилласи 20-22 декабрдан февралнинг дастлабки кунларига қадар “қиш чилласи” пайтида “чилла” суви оққан ва далалар чилла суви билан “яхоб”га тўйдирилган. “Яхоб”га тўйинган боғлар, далалар ёз чилласининг тафтига бардош бериб, қовжираб қолмаган. Шу тарика Фароб шаҳри номи мазмунида фуроб ётади.

Ўзбекистон ва унга туташ ҳудудлар бўйлаб Фароб номи билан юритилувчи бир неча шаҳар ва қишлоқлар мавжуд. Жумладан Фарғона водийсида, Сирдарё бўйлаб ўрта асрларга хос Фароб номли шаҳар бўлганлиги хусусида араб географлари (Истахрий АГК, I том, 346-бет, Ибн Ховқал АГК, II том, 405-бет) маълумот беради (Қораев С. 1978, 134-бет). Туркманистон Республикаси, Тошовуз тумани (Амударёнинг ўнг қирғоғидаги порт қадимда Фароб, деб юритилган (Беруний I том). Тожикистон республикаси, Панжакент туманидаги Фароб қишлоғи, Қозоғистон республикаси, Чимкент области ҳудудида ўрта асрларнинг йирик маданият маркази бўлган Фароб шаҳри ҳам Сирдарё бўйида, унга Арис ирмоғи қуйилар нуқта бўйлаб ташкил топган. Айнақса ушбу тўрттала бир хил номга эга бўлган топонимларнинг энг машҳури, уларнинг тўртинчиси, яъни кейинги тилга олингани бўлиб, у таъкидлаганимиз каби ўрта асрларда йирик савдо тугуни, порт шаҳар ва фан маданият марказига айланган эди. Ушбу адабий-илмий муҳит таъсирида шарқнинг буюк донишманди, қомусий билимлар эгаси бўлган йирик файласуф олим Абу Наср Фаробий каби олимлар етишиб чиқди. Фароб кейинчалик Бароб Қорачук, Ўтрор деб ҳам аталган ва шу охириги ном билан XII асрнинг бошида мўғил босқинчилари томонидан топталиб, таназзулга юз тутади. Фароб хоробалари, Сирдарёнинг ҳозирги ўзанидан 10 км. лар ғарбда жойлашган.

мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланлиги, аynиқса, маданият-маиший хизмат кўрсатиш, саноат ва транспорт тarmoqlarining техник таъминланлиги, тарixий архитектура yodgorliklari, ilm-fan, san'at, madaniyat va boshqalarning rivojlanlik darajasi bilan belgilanadi. Bugungi kunda dunyo davlatlarining ko'pchiligida rekreatsion faoliyat mamlatat iqtisodiyotining ajralmas qismi bo'lib ulgurani bejiz emas. Bunday mamlatatlarda iqtisodiy faol aholining 10-15% i rekreatsion faoliyat bilan band. Yuqorida ta'kidlaganimizdek, rekreatsion faoliyatni tashkil etish hududning geografik joylashuvi hamda tabiiy va ijtimoiy-iqtisodiy sharoiti bilan chambarchas bog'liqdir. Masalan, Gretsiya, Ispaniya, Italiya, Turkiya davlatlarining geografik o'rni ya'ni, O'rta dengiz bo'yida va qit'alar orasida joylashganligi rekreatsion faoliyatni rivojlantirishda asosiy turtki bo'lganligi hech kimga sir emas.

Samarali va ko'ngildagidek hordiq chiqarish, salomatlikni tezda qayta tiklash uchun rekreatsiya obyektlarini to'g'ri tanlash, boriladigan muassasa yoki tabiatning turli go'shalarini yaxshi bilish, ular to'g'risida chuqur va atroflicha ma'lumotga ega bo'lish uchun rekreatsiya resurslari va obyektlarini majmuali baholash, yangi dam olish maskanlari va manzillarini bunyod etish hududlarini aniqlash lozim bo'ladi. Rekreatsiya faoliyati turlari juda ham keng va mutaxassislar tomonidan turli tasniflashlar amalga oshirilgan. Masalan, bular davolovchi, sog'lamlashtiruvchi, sport va dam olish guruhlarga ajratishgan. Dam olish muddatiga ko'ra qisqa muddatli (shahar yaqinidagi) va uzoq muddatli (ta'til vaqti) bo'lishi mumkin.

Qisqa muddatli dam olish odatda ish haftasidan so'ng va turli bayram kunlarida hordiq chiqarishdir. Shaharliklar bu kunlari ishlayotgan korxonalar yoki muassasalari yordamida shahar atrofidagi dam olish mumkin bo'lgan go'shalarga sayrga chiqadilar, dam olish uylariga boradilar yoki shaharning diqqatga sazovor joylarini borib ko'radilar. Dam olishning bu shakllari ularning hordiq chiqarishini ta'minlaydi, mehnat qobiliyatini tiklaydi.

Uzoq muddatli dam olish mehnat ta'tilida va bolalarning yozgi dam olish chog'ida turli o'lkalarda sayohatda, statsionar sog'lomlashtirish muassasalarida hordiq chiqarib, davolanish bilan bog'liq. Dam oluvchilar sanatoriya, kurort va shularga o'xshash shifoxonalarda majmuali davolanadilar, bu jarayonda shifobaxsh iqlim, mineral suvlar, quyosh vannalari, tarovatli tabiat go'shalari insonga ijobiy ta'sir etadi, ruhini tetiklashtiradi, kayfiyatini yaxshilaydi, uning kasallikdan forig' bo'lishi tezlashadi. Bu yo'nalishda Qashqadaryo viloyatidagi Langar, Mingchinor va boshqa tog' shifoxonalarning roli katta.

Rekreatsion faoliyatda mehnat qobiliyatini qayta tiklashning vazifa bajarishiga ko'ra quyidagilarga ajratish mumkin; a) ish vaqti davomidagi tanaffus; b) ish vaqtidan so'ng, har kuni (parklar, teatr); c) ish haftasi oxirida, har haftada (shahar atrofi, dala hovli, zoopark va boshqalar); d) yil choragida dam olish davri (sanatoriya, dam olish uylari); e) yillik ta'til davri (kurort shaharlar, sanatoriya va b.).

Yuqoridagi rekreatsiya shakllarining barchasida davriy mehnat qobiliyatini qayta tiklash bosh masala hisoblanadi. Ba'zan rekreatsion faoliyatning qisqarishiga tabiatning ba'zi omillarining o'zgaruvchanligi, tabiiy ofatlar (sel, zilzila, vulkan, to'fon, sunami va boshq.) transport bilan ta'minlashning kamchiliklari, savdo yoki xizmat ko'rsatuvchi tarmoqlar faoliyati kabi omillar sezilarli ta'sir ko'rsatadi.

Bulardan tashqari dam olish o'zining xususiyatiga ko'ra tashkiliy va tashkil qilinmagan turlarga bo'linadi. Tashkiliy dam olish odamlarning biror guruhga uyushgan holda turli muassasalar, ko'pincha sog'lomlashtirish tashkilotlarining yo'llanmasiga asoslangan tarzda amalga oshiriladi. Tashkil qilinmagan dam olish esa odamlarning o'z xoxishlari bo'yicha bir yoki bir nechta kishi bo'lib, tanlangan hududlarda uyushtiriladi. Dam olishning keng tarqalgan turi sayyohlikdir. Unda bir kishi, ko'p hollarda bir nechta kishi guruhga birlashgan (umumiy) holda, ma'lum yo'nalishda bir yoki uch kun va ba'zan undan ham ko'p muddatda sayohatda bo'ladi. Agar sayohat biror muassasa tomonidan uyushtirilsa, haqiqiy tashkiliy bo'ladi.

Sayyohlik va sport dam olish turlari eng faol harakatdagi hordiq chiqarish hisoblanadi. Bunday dam olish uchun O'zbekistonda juda qulay sharoit va katta imkoniyatlar mavjud. Masalan, yozda baland tog' mintaqalari- Chotqol, Qurama, Nurota, Hisor va boshqa tog' tizmalarida alpinizm, qoyalarga chiqish, piyoda sayr, o'rtacha balandlikdagi tog'larga sayohat, cho'qqilarni egallash sporti, adir va past tog'lar yonbag'irlarida umumiy dam olish, bahorda lola sayli, qishda tog' yonbag'irlarida qor bilan bog'liq bo'lgan sportning barcha turlari bilan shug'ullanish mumkin. Bularning barchasi inson salomatligini mustahkamlaydi, unga yaxshi kayfiyat bag'ishlaydi.

Rekreatsiya resurslari bu - turli tabiiy komponentlar birikmasidan iborat bo'lib, insonning dam olishi va davolanish ehtiyojlarini qondirishda xizmat qiladigan vositalardir. Kelib chiqishi va foydalanish xususiyatlariga ko'ra rekreatsion resurslar ikki guruhga ajratiladi: tabiiy va antropogen rekreatsiya resurslari. Rekreatsiya va davolash sog'lomlashtirish zonalarini tarkibiga shaharning ayrim hududlari, shahar atrofi va yashil zonalar, o'rmonlar, bog'lar, milliy, tabiiy bog'lar, botanika va zoologiya bog'lari, dam olish uylari va bazalari hududlari, qo'riqxonalar va buyurtmalarning aholi borib ko'rishi uchun ajratilgan ma'lum joylar kiradi. Tabiiy rekreatsiya resurslariga go'zal tabiat go'sha(landshaft)lari yani, daryo, ko'l, dengiz bo'ylari, tog' etaklaridagi o'simlik dunyosi, xilma-xil manzarali joylar, mineral suvli shifobaxsh maskanlar, bundan tashqari, aholining dam olishi, sport bilan shug'ullanishi, ov qilish imkoniyatlari uchun keng hududlar, shahar atrofidagi yashil mintaqalar, park va bog'lar yoki qo'riqxonalar va milliy bog'lar, o'rmonlar ham tabiiy rekreatsiya resurslaridir. Inson tomonidan turli davrlarda inson aql-zakovati bilan yaratilgan tarixiy, arxeologik va san'at obidalari, yodgorliklar, muzeylar hamda rekreatsiya maqsadida foydalanish mumkin bo'lgan ijtimoiy obyektlar esa antropogen rekreatsiya resurslariga kiradi.

Rekreatsion geografiyada zarur bo'lgan tabiat resurslari haqida ham mutaxassislar ko'pgina fikrlarni bayon qilishgan. L.A.Bagrova va boshq. (1977) ning fikricha, «Rekreatsiya resurslari - bu tabiiy, tabiiy - texnik va ijtimoiy - iqtisodiy geotizimlar va ularning elementlaridan iborat bo'lib, mavjud texnik va moddiy imkoniyatlar asosida rekreatsiya xo'jaligini tashkil qilish uchun foydalanish mumkin»⁵. Binobarin, rekreatsiya resursi inson dam olishi uchun zarur bo'lgan

⁵ . Bagrova L.A.и др. Рекреационные ресурсы (подходи к анализу понятия) //Изв. АН. СССР, сер. геогр.,1977, Н2, с. 5-12.

Muz g'orlari - muzlikning til qismida, aniqrog'i uning eng quyi qismi bo'ylab shakllangan bo'shliqlar. Muz g'orlari erigan muz suvining tashqariga chiqish nuqtalarida shakllanadi. Muz g'orlarining kirish qismi va ichki devorlari erishi natijasida turli jimjimador shakllar (stalagtit, stalagmite) bilan qoplanadi.

Muz stakanlari - muzlik ustida silindrsimon shaklda hosil bo'lgan o'yiqlar. Muz stakanlari asosan qora rangdagi yirik bo'lmagan tog' jinsi bo'laklarining quyosh nuri ostida qizib, muzlikni o'yib kirishi natijasida hosil bo'ladi. Demak, muz stakanlarining tubida doimo uning xosil bo'lishiga sababchi bo'lgan tog' jinsi bo'lagi yotadi. Muz stakanlariga erigan qor va muz suvi yig'ilib, qayta to'lib qolishi mumkin, aks holda ushbu muzlik shakllari, yuk tashuvchi jonivorlar, inson harakatlanishi uchun havfli holatlarni keltirib chiqaradi. Muz stakanlarining radiusi 15-20 sm gacha bo'lgan holda, chuqurligi o'nlab sm larni tashkil etadi.

Muz qo'ziqorinlari - bunday muzlik shakllari muz stakanlarining aksi bo'lgan jarayon natijasida shakllanadi. Ya'ni bu yerda qulab tushgan tog' jinsi bo'lagining tagidagi muzlikka nisbatan yon atrofdagi muz qatlamlari tez erib ketadi. Chunki yirik harsangtoshning tag qismi quyosh nurida qizimasdan, sovuq holicha saqlanadi, atrofdagi muz esa quyosh nuri ta'sirida erib yuza qismi pasaya boradi va harsang tosh tagidagi muzlikka tayangan holda "ko'tarilib" qoladi. U ba'zan qo'ziqorin shaklini olgan holda, ba'zan bahaybat kursini eslatadi. Shu boisdan ayrim adabiyotlarda muzlik kursilari deb ham ataladi.

Tog' muzliklari relyefning o'zgarishiga ta'siri nafaqat uning ostki qismidagi holati o'zgarishiga, balki uning ustki qismida relyefning ba'zi bir xususiyatlarini o'zida aks ettirishdagi ro'li ham muhim bir ahamiyat kasb etishligi bilan ajralib turishini ko'rishimiz mumkin.

ФАРОБ ТОПОНИМИ ЭТМОЛОГИЯСИ ХУСУСИДА
Низомов А., Сафаров Ў.Х., Маматова Ш.А.*
Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети

Ўзбекистоннинг Қуйи Амударё, Қуйи Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона водийси, ЧирчиқОхангорон водийларида бронза давридаёқ (милодгача бўлган II минг йиллик яъни бизнинг давримиздан 3500-3750 йил мукаддам) суғорма деҳқончилик маданияти шаклланган эди. (А.Асқаров 2001) Шу boisдан ўтган тўрт минг йилдан ортиқ давр мобайнида кўплаб халқ географик терминлари айнан сувдан фойдаланиш, ички сув тизимини ўрганиш нуктаи назардан пайдо бўлди. Ушбу халқ терминлари ички сувларнинг турлари, уларнинг меъёрий кўрсаткичлари каби хусусиятларни яққол ифодалаб туради. Жумладан дарёлар, булоқлар, кўллар, музликлар, ер ости сувлари, гидротехник иншоотларга хос хусусиятлар ушбу турдаги халқ терминлари мазмунида ўз ифодасини топади. Айниқса суғорма деҳқончиликни ривожлантириш учун дарёларнинг аҳамияти ўта муҳим эди. Шу boisдан дарёларда сувнинг меъёрий

* **Низомов Асрор** – Низомий номидаги ТДПУ “География ўқитиш методикаси” кафедраси доценти.
Сафаров Ўрол Хамраевич - Низомий номидаги ТДПУ “География ўқитиш методикаси” кафедраси п.ф.н катта ўқитувчиси.
Маматова Шойниста Асроровна – Қўшробот тумани №1 сонли умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиси.

taaluqli qismlari birmuncha past bo'lganligi sababli bu maydonlar bo'ylab garchand ahyon-ahyonda ko'p yillik qor qoplamlari uchrasada, muzliklar deyarli uchramaydi. Biroq, atmosfera yog'inlari va haroratga bog'liq tarzda tog' muzliklarining relyef o'zgarishiga ta'siri uning ostki qismi balki muzlikning ustki qismida ham yuz berishi hotlari ham kuzatiladi. 3500 m dan baland tog'li hududlarda shakllangan muzliklar va muzga aylanish arafasida turgan qor (uyumlari) qatlamlari ustida yuz beruvchi muzlik rel'ef shakllari quyidagilardan iborat:

Toros - materik muzliklarida bo'lgani kabi, tog' muzliklarining til qismida juda tartibsiz ravishda bir-birlarining ustiga mingashgan qatlamlardan tashkil topgan holatda uchraydi. Ammo tog' muzliklariga hos toroslar, qutb muzliklaridagi kabi yuzlab klometr larga cho'zilmadan, balki muzliklarning til qismlari o'lchami bilan chegaralanadi. Demak, eniga bir necha yuz metr, bo'yiga bir necha klometr masofani tashkil etishi mumkin.

Muzlik qozonlari - muzlik yoriqlari bo'ylab harakatlanayotgan oqimning quruqlikdagi qozonlari kabi tag qismi yotiq, yonlari tik qozonsimon rivojlangan o'yiqlar hosil qilishi tufayli shakllanadi. Muzlik qozonlarining shakllanishida oqim bilan birgalikda aylanma harakat qilayotgan turli o'lchamdagi harsang parchalari va qayroqtoشلarning roli kattadir. Shu boisdan muz qozonlarining o'lchami, uning shakllanishiga sababchi bo'layotgan suv oqimining miqdoriga bog'liq holda yuzaga keladi.

Muz yoriqlari - tog' muzliklarining harakati tufayli yuzaga keladi. Chunki, muzliklar harakatlanganda kuchli bosim vujudga keladi. Natijada muzlik yorilib-yorilib ketadi. Bu yoriqlar ayniqsa, muzlikning til qismi bo'ylab shakllanadi va to'rt guruhga bo'lib o'rganiladi:

1. yonlama yoriqlar - muzlikning yon va o'rta qismlaridagi harakat tezligining bir-biridan farq qilishi natijasida;

2. bo'ylama yoriqlar - muzlik harakatlana borib, vodiyning tor joyida keng qismiga o'tganda, elastiklik xususiyatiga ega bo'lgan muzlik kengayadi va bo'ylamasiga yorilib bir necha o'nlab yo'nalishda rivojlanadi;

3. ko'ndalang yoriqlar - muzlik elastik xususiyatiga ega bo'lganligi tufayli o'z harakati davomida vodiy tagidagi notekis (do'ng) nuqtalarini bosib o'tar ekan sinadi va natijada ko'ndalangiga yorilib ketadi. Natijada muzlikning yuza qismi zinasimon rivojlangan shakl kasb etadi;

4. bergshrundlar - muzlikning gletcher (nemischa glattyer-yaltiroq demakdir, firning donador tuzilishiga ega bo'lgan holda muzlikning o'rta qismlarini tashkil etadi) qismida shakllangan yoriqlar. Muzlik yoriqlari yoqqan va shamol uchirib keltirgan qor qoplami, balki yopilib qolishi tufayli uning ustida harakatlanish uchun juda katta havf tug'diradi.

Muz tegirmonlari - muz stakanlarining tag qismida hosil bo'lgan kapillyar yoriqlar bo'ylab suvning harakati tufayli hosil bo'lib, bo'shliq tabora kengayib va chuqurlasha boradi. Natijada hosil bo'lgan o'pqon shaklan rivojlana borib, yirik oqimlarni ham yutib keta oladigan va muzlikning o'rta yoki tag qismida harakatlanayotgan oqimga qo'shilishiga sababchi bo'ladi. Muz tegirmonlari ham harakatlanishi uchun katta havf tug'diruvchi hosilalar xisoblanadi.

barcha tabiiy, texnik, ma'naviy, ijtimoiy, iqtisodiy va boshqa omillarni o'z ichiga oladi. Bular tarkibida eng muhimi tabiiy resurslar hisoblanadi. Rekreatsiya faoliyati madaniy resurslarsiz ham mavjud bo'lishi mumkin, ammo tabiiy resurslarsiz o'z ma'nosini yo'qotadi.

Har bir dam olish turiga ma'lum tabiiy resurs zarur bo'ladi, ba'zan ularning almashib kelishi yoki bir guruh resurslarga ehtiyoj tug'iladi. Shuning uchun ham tabiiy resurslarni hisobga olish rekreatsiya majmuasi va ayrim muassasalarni ixtisoslashuvini aniqlashga imkon beradi. (Nefedova va boshq., 1980)⁶. Ushbu mualliflarning talqin qilishicha, rekreatsiya majmuasi va ayrim muassasalarni ixtisoslashuvi: 1) tabiiy resurslarga va 2) ijtimoiy - iqtisodiy xususiyatlarga bog'liq, bular rekreatsiyaning samaradorligi va taraqqiyot yo'nalishini belgilaydi.

Tabiiy resurslar kompleksi mineral resurslar, iqlim, suv, yer-tuproq, o'simlik, hayvon resurslari, shuningdek, atom resurslari va planetar hamda kosmik resurslarni o'z ichiga oladi.

Tabiiy resurslar bir tomondan dam olishni tashkil qilishi, boshqa tomondan esa cheklashi ham mumkin. Ijtimoiy - iqtisodiy xususiyatlar aholining dam olishga bo'lgan ehtiyojini qondirish, qurilish va hududdagi obyektlarni rekonstruksiya qilish tadbirlarining iqtisodiy samaradorligini qayd qiladi. Y. A. Vedenin va boshq. (1990)ning asoslashicha, har qanday statsionar dam olish obyektida ikki guruhdagi rekreatsiya resurslari mavjud bo'ladi. Birinchi guruhga iqlimiy, gidromineral, gidrografik (dengiz akvatoriyasi, ichki suv havzalari), orografik (tog'li o'lka, oydim - chuqur joylar), floristik (o'rmonlar) va boshqa resurs turlari xos. Ikkinchi guruh rekreatsiya - xo'jalik tuzilmasi bilan aniqlanadi. Unga energetik, suv, hududiy, mehnat resurslari, yani rekreatsiya faoliyati bilan bog'liq bo'lmagan, lekin rekreatsiya korxonalarini funksiyasi uchun zarur bo'lgan resurslar kiradi.

Rekreatsiya resurslarining funksional almashib kelishi asosida ikki tamoyilning mavjud bo'lishi kuzatiladi (Vedenin va boshq., 1990)⁷. Resurslarning yuqori darajada funksional almashib kelishida to'ldiruvchi tamoyil ishtirok etuvchi resurslar elementlari sohalarni rivojlantirish uchun yetarli darajada o'lchamlar va xususiyatlarga ega bo'lganda qo'llaniladi. Masalan, sohil bo'yida dam olish jarayonida resurslar almashib kelishining yuqori darajada bo'lishi dam olishning komfortli (qulay) iqlimiy sharoitlari uzoq davom etishi, iliq dengiz va qumli plyajning mavjud bo'lishi va ma'lum o'simlik turlarini borligi bilan aniqlanadi. Majmuai tamoyil resurslarning hududiy almashib kelish samaradorligi bilan bog'liq. Bu tamoyil rekreatsiya xo'jaliklarini xalq xo'jaligining boshqa tarmoqlari bilan ham almashib kelishini aniqlaydi. Bu hol barcha mavjud resurslardan samarali foydalanishni ta'minlaydi.

Yuqorida ta'kidlanganidek, rekreatsiya resurslari orasida tabiat boyliklari ustuvorlikka ega. Ayniqsa, iqlim, suv, relyef, tabiat manzarasi, tabiat yodgorliklari, mineral suvlar va boshqalar yetakchilik qiladilar, masalan, relyef turi rekreatsiya faoliyatining turini, dam olishning samaradorligini, iqlim - ma'lum dam olish turining vaqtini, bemorlar sog'ayishining sharoitlarini belgilaydi.

⁶ Неведова В.Б. и др. Рекреационное использование территории охрана лесов."Лесная промышленность" Москва 1980. с. 184.

⁷ Ведин Ю.А. Динамика территориальных рекреационных систем Москва, "Наука" 1982, с 190.

ЎЗБЕКИСТОН ВОҲАЛАРИ ПРЕЗИДЕНТЛАРИМИЗ НИГОҲИДА

Ҳожиматов А.Н., Юлдашов А.У., Джураев М.Э., Рисқибоева М.О.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Гулистон давлат университети

Бугунги кунда мамлакатимизда экологик инқирозларнинг олдини олиш бўйича муҳим тадбирлар амалга оширилаётган бўлса-да, ҳозирча атроф-муҳитнинг муҳофазаси ва инсониятга етарли қулай шароитларни яратиш масалаларини тўлиқ бошқарувчи том маънодаги кенг кўламли, таъсирчан, холис, ягона тизим мавжуд эмас.

Истиклолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда табиат ва унинг неъматларини муҳофаза қилишга устувор вазифа сифатида қаралиб келинмоқда. Айниқса, воҳалар (қадимдан инсон томонидан сув чиқарилиб обод қилинган ҳудудлар) ландшафтларининг чиройига-чирой кўшилиб, улардаги экологик вазиятлар йилдан-йилга барқарорлашиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг йирик воҳалари асосан дарё ва сойларнинг терраса, мансаб (дельта) ҳамда конус ёйилмаларида жойлашганлигидан улардаги табиий-мелиоратив шароитларни ҳар жиҳатдан (географик, мелиоратив ва х.к.) чуқур ўрганиш ва таҳлил қилиш, уларнинг географик тизим(система)ларидаги содир бўлаётган ўзгаришларнинг йўналишларини аниқлашга ва уларнинг номақбулларини олдини олишга ҳамда тезда бартараф этишга имкон яратади. Дельта (Қуйи Амударё ва Қуйи Зарафшон) агрогеотизимларини мажмуали ўрганиш (коинотдан олинган суратлар асосида) шуни кўрсатадики, бу ҳудудларда, айниқса, чўл минтақасидаги воҳаларда ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб тупроқда туз тўпланиши, гоҳ тупроқнинг юза қисмининг шомол ёрдамида учирлиши, гоҳ суғориш эрозияси йўналишида аниқ бир табиий жараёнлар билан боғлиқ ҳолда рўй бермоқда.

Воҳаларимизда, умуман суғориладиган майдонлардаги экологик вазиятларни соғломлаштиришда, айниқса, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони дастуриамал бўлди. Шу асосда тегишли давлат дастури қабул қилиниб, кўплаб мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш кўзда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2008 йил 21 октябрдаги “Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тизимдаги ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг янги босқичини бошлаб бериши билан бирга воҳа ландшафтларидаги хилма-хилликни бойитиш ва уларнинг бардошлилигини мустаҳкамлашга тurtки бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқларида (2017 йил 9 декабрь) жорий (2017) йилда мамлакатимиз бўйича 8 миллион 377 минг тонна ғалла, 2 миллион 930 минг тоннадан зиёд пахта ҳосили, 12 минг 450 тонна пилла, 318 минг тонна шоли, 23 миллион тонна мева-сабзавот маҳсулотлари олишга эришилганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтдилар.

атласларида “Maktabgacha tarbiya va umumta’lim muassasalari”, “O’rta maxsus, kasb-hunar va oliy ta’lim muassasalari”, “Sog’liqni saqlash” kabi kartalarda tegishli muassasalar, ulardagi bolalar (o’quvchilar) soni, davolash o’rinlari soni ko’rsatkichlarini tasvirlashda grafik vosita sifatida diagrammalardan foydalanilmagan bo’lsa-da, ular mohiyatan kartodiagramma usuli hisoblanadi. 8-sinflar uchun mo’ljallangan O’zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy geografiyasi atlasidagi qator ijtimoiy sohalar kartalarida ham xuddi shu shaklda qo’llanilgan.

Qishloq xo’jalik kartalarida nuqtalar usuli ham ko’p ishlatiladi. Ushbu usul bilan kartada yoyilib (bo’linib) joylashgan obyektlar (hodisalar) tasvirlanayotgan obyektни bir xil miqdor birliklarida belgilaydigan va uni joylanishi hamda to’planishiga mos joylashtiriladigan bir xil o’lchamdagi ko’plab nuqtalar bilan tasvirlanadi. Kartaga olishdan oldin nuqtaning «og’ir» ligi aniqlaniladi, ya’ni bitta nuqta qaysi o’lchamdagi miqdor ko’rsatkichiga mos kelishi belgilanadi. Masalan, bitta nuqta 10 000 kishiga yoki 10 000 gektar ekin maydoniga to’g’ri keladi. Ayrim hollarda bitta kartada aniqlikni oshirish uchun ikki xil o’lchamdagi nuqtalar beriladi, masalan, 1 yirik nuqta – 1000 kishi, 1 kichik nuqta (yoki chiziq) esa 100 kishi. Nuqtalar usuli tasvirlanayotgan hudud chegarasida obyekt yoki hodisani tarqalishi to’g’risida ko’rgazmali tasavvur beradi. Nuqtaning «og’ir»ligi uning miqdor, ranggi esa sifat tavsifini beradi. Mazkur usulda asosiy grafik vosita sifatida nuqta, kichik doiracha yoki chiziqcha berilishi mumkin. Shu bilan birga, bu usulda ham ko’rgazmalilik va ifodalilikka alohida urg’u berilib, ko’rgazmali belgilardan foydalanilmoqda.

Yuqoridagilardan tashqari, qishloq xo’jalik kartalarida izoliniyalar, miqdorli fon usullari kabilari ham ishlatiladi. Izoliniyalar bilan chorva mollari zichligi kabilarni tasvirlash mumkin. Miqdorli fon usuli esa ekin yerlarini hosildorligi bo’yicha ajratib tasvirlash kabilarda qulay hisoblanadi.

Umuman olganda, qishloq xo’jaligi kartalarini yaratish sohasi keng qamrovli bo’lib, ularda tuzilayotgan kartaning maqsadi va mavzusidan kelib chiqqan holda kartografik tasvirlash usullarini tanlash maqsadga muvofiq.

TOG’ MUZLIKLARINING USTKI QISMIDA REL’EFNING SHAKLLANISH XUSUSIYATLARI.

Matnazarov A.R., Mirsodiqova S.M., Tursunboyeva N.Y*

Toshkent davlat pedagogika universiteti.

O’zbekistonning tog’lari tabiiy sharoitda qor chizig’i taxminan 3500 m atrofidagi balandliklardan o’tsada, ammo bunday ko’rsatkichdagi balandliklar respublikamizning juda kam (20 %) hududlarini tashkil etadi. Shu boisdan ham tog’ muzliklari O’zbekistonning G’arbiy Tyanshan, Hisor tog’ tizmasi bo’ylab shakllangan. Turkiston - Nurota, Zarafshon tizmalarning O’zbekiston hududiga

* Matnazarov Akmal Ro’zivojevich – Nizomiy nomidagi TDPU tayanch doktoranti.

Mirsodiqova Sadoqat Mira’zam qizi – Nizomiy nomidagi TDPU Geografiya o’qitish metodikasi ta’lim yo’nalishi 1-bosqich talabasi.

Tursunboyeva Nigora Yoqubjon qizi – Nizomiy nomidagi TDPU Geografiya o’qitish metodikasi ta’lim yo’nalishi 1-bosqich talabasi.

ketadi. Masalan, dehqonchilik kartalari tarkibida paxtachilik, donchilik, sabzavotchilik, kartoshkachilik, poliz ekinlari yetishtirish, bog'dorchilik, uzumchilik, yem-xashak ekinlari yetishtirish kabi kartalar alohida o'rin tutadi.

Chorvachilik kartalari ham yirik guruhni tashkil etib, unda qoramolchilik, qo'ychilik, yilqichilik, parrandachilik, cho'chqachilik, tuyachilik, asalarichilik, pillachilik, baliqchilik, darrandachilik kartalari kabilarni ajratish mumkin.

Qishloq xo'jalik yer fondini kartografiyalashda, umumiy yer fondi kartasi bilan bir qatorda alohida ekin yerlar, ko'p yillik daraxtzorlar, bo'z yerlar, pichanzor va yaylovlar, tomorqa hamda bog'dorchilik-uzumchilik va sabzavotchilik uyushmalari yerlari, meliorativ qurilish holatidagi yerlar, o'rmonzorlar, butazorlar kartalarini yaratish mumkin.

Qishloq xo'jalik kartalarini tuzishda keng qo'llaniladigan qator tasvirlash usullari mavjud. Bular, birinchi navbatda sifatli fon, areallar, kartogramma va kartodiagramma hamda nuqtalar usullari hisoblanadi.

Qishloq xo'jaligini rayonlashtirish *sifatli fon usuli* bilan beriladi. Bunda qishloq xo'jaligi ixtisoslashuv yo'nalishlari asosida ajratilgan rayonlar kartografik birlik sifatida ajratib ko'rsatiladi. Masalan, 8-sinf O'zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy geografiyasi atlasidagi "Qishloq xo'jaligi" kartasida O'zbekiston hududi qishloq xo'jaligi ixtisoslashuvi jihatidan 5 ta rayonga ajratib berilgan. Sifatli fon usulida asosiy grafik vosita rang (fon) va shtrixovka.

Areallar usuli ham qishloq xo'jalik kartalarini tuzishda asosiy usullardan biri hisoblanadi. Mazkur usul yordamida kartalarda turli xil qishloq xo'jalik ekinlari yetishtiriladigan hamda chorva hayvonlari boqiladigan rayonlar tasvirlanadi. Odatda, bu kartalarda areallar ko'rgazmali belgilar bilan beriladi.

Kartogramma usulida ma'muriy birliklar doirasida tegishli shkalalardan foydalanib, qishloq xo'jalik yalpi mahsuloti, hosildorlik kabi ko'rsatkichlarni tasvirlash qulay. Shuningdek, hududiy birliklarning ma'lum ko'rsatkichlardagi salmog'ini ko'rsatishda ham kartogramma usulidan foydalangan ma'qul. Chunki, kartogramma usuli sodda asosga qurilgan bo'lib, uni qabul qilish oson hisoblanadi. Biroq unda tarkibiy va dinamik ko'rsatkichlarni tasvirlab bo'lmaydi. Bu jihatdan, kartodiagramma usuli yuqori mavqega ega. Kartogramma usulida ham asosiy grafik vositalar rang (fon) va shtrixovkadir. Ko'pincha kartogramma rangli shkalasiga bitta rang asos qilib olinadi, uning ochdan to'qqacha bo'lgan ayrim tus (ton)lari shkala pog'onalariga beriladi. Ayrim hollarda shkala asosiga bir necha xil rang berilishi ham mumkin.

Kartodiagrammalar bilan voqea-hodisaning nafaqat hajmini, umumiy miqdorini, balki tarkibini va dinamikasini juda ko'rgazmali qilib tasvirlanadi. Masalan, qishloq xo'jalik mahsulotlari yetishtirish tarkibi, ekin yerlar tarkibi, qishloq xo'jalik mahsuloti yetishtirishning xo'jalik toifalari bo'yicha tarkibi kabi tarkibiy ko'rsatkichlarni; yillar bo'yicha qishloq xo'jalik mahsuloti yetishtirish hajmi, ekin yerlarning o'zgarishi, hosildorlikning o'zgarishi kabi dinamik ko'rsatkichlarni turli diagrammalar yordamida ko'rsatish mumkin. Mazkur usulning asosiy grafik vositalari turli shakldagi diagrammalar hisoblanadi. Biroq keyingi paytlarda ko'rgazmalilikni oshirish maqsadida turli xil belgilardan ham foydalanilmoqda. Xususan, mamlakatimizning barcha hududlari uchun nashr etilgan o'lkashunoslik

Яна шунингдек, 2017 йилда биринчи марта галладан бўшаган қарийб 1 миллион гектар майдонга сабзавот, картошка, полиз ва дукканли экинлар экилганлиги ва 5,5 миллион тоннадан ортиқ маҳсулот етиштирилганлиги қайд этилди. Умуман 96 минг гектар ҳосилдорлиги паст майдонларда пахта ва галла ўрнига 32 минг гектар ерда қарам, турли сабзавот, кўкатлар экилганлиги ва бу майдонлардан олинган минглаб тонна маҳсулотлар экспорт қилинганлиги эътироф этилди. Маълумки ушбу маҳсулотларнинг аксарият қисми воҳалардаги суғориладиган майдонларда етиштирилган. Чунки, биламизки қишлоқ хўжалиқда етиштириладиган маҳсулотларнинг 93-98 фоизи айнан суғориладиган ерлар ҳиссасига тўғри келади.

“Мамлакатимизда суғориладиган ерлар атиги 3 миллион 300 минг гектар бўлиб, уни кенгайтиришнинг ҳеч иложи йўқ. Чунки бизда сув ресурслари чекланган. Аҳолимиз эса йилдан-йилга кўпайиб бормоқда”.⁸

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатида таъкидланганидек: “Биздаги унумдор тупроқ, тўрт фаслда ҳам офтоб чиқиб турадиган қулай иқлим ва бетакрор табиатни, ўзингиз айтинг, яна қаерда топиш мумкин?

Ҳамма гап ана шу бебаҳо бойликни халқимиз манфаати йўлида оқилона ва самарали ишлата олишда. Лекин, очик тан олишимиз керак, бу масалада биз орқادا қолмоқдамиз”.⁹

Бежиз ушбу масалага 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ҳам алоҳида эътибор берилмаган, унда: “...қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат ҳафсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш;... пахта ва бошоқли дон экиладиган майдонларни қисқартириш, бўшаган ерларга картошка, сабзавот, озуқа ва ем олинадиган экинларни экиш, шунингдек интинсив боғ ва узумзорларни жойлаштириш ҳисобига экин майдонларини янада оптималлаштириш; суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиқ соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиқ техникасидан фойдаланиш;...” кабилар алоҳида эътиборга олинган.

Ҳа дарвоқе, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўша нутқларида: “... суғориш иншоотлари эскириб, тармоқлар яроқсиз ҳолга келиб қолгани оқибатида 830 минг гектар ерни суғоришда қийинчиликлар юзага келмоқда.

Бундан ташқари, 1 миллион 300 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, 18 минг км коллектор ва дренаж тармоқларини

⁸ Мирзиёев Ш.М. Ризқ-рўзимиз бунёдкори бўлган қишлоқ хўжалиқ ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш – асосий вазифамиз. Қишлоқ хўжалиқ ходимлари кунига бағишланган (9.12.2017) тантанали маросимдаги нутқ // Ўзбекистон овози, 2017 йил 10 декабрь.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 22 декабрь.

босқисчма-босқич тозалаш лозим. Шунингдек, 103 та йирик, 720 та ўрта ва кичик сув иншоотлари янгилаш ва таъмирлашга муҳтож.

2018-2019 йилларда ирригация тармоқларини ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича давлат дастурига мувофиқ, келгуси икки йилда 1 минг 86 км узунликдаги каналлар бетонлаштирилиб, 661 км лотоклар янгидан бунёд этилади. Шунингдек, 109 та йирик гидротехник иншоотлар қурилади ва янги насос станциялари ўрнатилади.

Ана шу тадбирларни амалга ошириш натижасида 1 миллион 200 минг гектар ернинг сув таъминоти яхшиланади.

Энг асосийси йилига 1 миллиард 700 миллион куб метр сув тежалади ва 600 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади... 11 минг гектарда интенсив боғ ва янги токзорлар, 1 минг 500 гектарда иссиқхоналар барпо этилади”.¹⁰

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, ушбу саъй-ҳаракатлар замирида аввало халқимизнинг ҳаёт фаровонлиги таъминланади, шунинг билан бирга Ўзбекистон воҳа геотизимлари истиқболда янада барқарор, хушманазара, обод ҳамда аҳоли яшаши учун ўта қулай масканга айланади.

O‘ZBEKISTON TUPROQLARINING KIMYOVIY IFLOSLANISHI VA ULARNI MUHOFAZA QILISH YO‘LLARI

Saidmuratov Sh., Karakulov N.M., Ergashboyeva N.N.

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti

XX asr oxiri va XXI asrning boshlariga kelib dunyoning ko‘p mintaqalarida iqtisodiy va ijtimoiy muammolar imkoniyat darajasida hal qilinmoqda. Biroq tabiatning o‘zgarishi bilan bog‘liq ekologik muammolarni hal etishda insoniyat va jadallik bilan rivojlaniyotgan texnika imkonsiz qolmoqda. Bugungi kun ekologik vaziyati, jumladan tuproq xossa-xususiyatlarining keskin o‘zgarishi va qishloq xo‘jaligida foydalanilayotgan yerlarning “tanglik” holiga tushib qolishiga boshqa omillar qatorida inson xo‘jalik faoliyatining o‘rni benihoya kattadir.

Insoniyotni oziq-ovqat mahsulotlarini ta‘minlashda qishloq xo‘jaligi yerlarining o‘rni katta. Lekin so‘ngi paytlarda tuproqlarning ifloslanishi kuchayib, minglab gektar yerlar yaroqsiz holatga kelib qoldi. Albatta sho‘rlanish, shamol va suv eroziyasi kabilar tuproq unumdorligining pasayib ketishiga kuchli ta’sir etadi. Lekin bugungi texnika-texnologiya shiqdat bilan taraqqiy etayotgan davrda tuproqlarning kimyoviy ifloslanishi ko‘p kuzatilmogda.

Tuproqlarning kimyoviy ifloslanishi – tuproq tarkibiga muayyan kimyoviy moddalarning tushishi va ularning meyoridan ortishi natijasida zaharlanishi hamda tuproqning xossa-xususiyatlarining o‘zgarishidir.

O‘zbekiston Respublikasi Markaziy Osiyoda mintaqaviy ekologik havfsizlikni ta‘minlashda hal qiluvni o‘ringa ega, ya‘ni O‘zbekiston o‘zining tabiiy resurslari,

Қашқадарё вилояти оронимларининг географик ва лисоний таҳлили

Табий географик объектлар	Географик объектларнинг тури	Қайси тилдан олингани ва маъноси
Оронимлар		
Хисор	Тоғ тизмаси	Сўғд тилидан – кўрғон
Хонтахти	Тоғ массиви	Ўзбек тили - оидин ном
Белисиник	Тоғ	Ўзбек тили - оидин ном
Осмонтараш	Тоғ массиви	Ўзбек тили - оидин ном
Зарафшон	Тоғ тизмаси	Форс-тожик – олтин сочувчи
Османтарош	Тоғ тизмаси	Тожик – ўзбек-тор дарали
Кайфантоғ	Тоғ	Ўзбек тили - (тоғ, баланд тепа)
Қорасирт	Тоғ тизмаси	Ўзбек тили - паст тоғ
Қорадахана	Тоғ дараси, водийси	Ўзбек ва тожик тили – атрофи паст тепалик
Саксондара	Тепалик	Ўзбек тили - оидин ном (кўп емирилган, ўйилган тоғ)
Одамтош	Тоғ	Ўзбек тили - оидин ном

Жадвал муаллифлар томонидан олинган маълумотлар асосида тузилди

Дашт - Қарши туманидаги кишлоқ. Сўғд тилида *дагит*~*дахит*, яғноб тилида *дашт* - чўл, текислик, водийнинг туби, майдон. Тожикча дашт - сахро, биёбон, кенг текис жой, зиёратгоҳ, экинзор. Ўзбекча дашт - экилмай ётган сувсиз ер, чўл, кенг очик майдон. Топоним экин экилмайдиған сувсиз жой маъносида. Қашқадарё вилояти оронимиясининг турли лексик қатламлардан иборатлиги билан бир қаторда, уларда географик хусусиятларнинг аниқ намоён бўлиши, худуд табиий шароитининг номларда акс этиши ҳамда ниҳоятда хилма-хил тарзда шаклланганлигини алоҳида эътироф этиш мумкин.

QISHLOQ XO‘JALIGI KARTALARINI TUZISHDA AYRIM KARTOGRAFIK TASVIRLASH USULLARINING QO‘LLANILISH XUSUSIYATLARI

Ibraimova A.A., Abdurahmonova Sh.I.*

Toshkent arxitektura va qurilish instituti

Qishloq xo‘jaligini kartalashtirish ijtimoiy-iqtisodiy kartografiyaning eng rivojlangan sohalaridan biri bo‘lib, u mamlakatlar ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishida muhim rol o‘ynovchi qator tarmoqlardan iborat. Umuman olganda, qishloq xo‘jaligi kartalarining maqsadi dehqonchilik va chorvachilik tarmoqlarining joylashish va rivojlanish qonuniyatlarini vizuallashtirish hisoblanadi.

Qishloq xo‘jalik kartalari ko‘plab tarmoq (sohaviy) kartalardan iborat. Ular qatorida, eng avvalo, dehqonchilik va chorvachilik kartalari, qishloq xo‘jalik yer fondi kartalari ajratiladi. Ular ham, o‘z navbatida, yanada torroq tarmoqlarga ajralib

¹⁰ Мирзиёев Ш.М. Ризк-рўзимиз бунёдкори бўлган кишлоқ хўжалик ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш – асосий вазифамиз. Кишлоқ хўжалик ходимлари кунига бағишланган (9.12.2017) тантанали маросимдаги нутқ // Ўзбекистон овози, 2017 йил 10 декабрь.

* **Ibraimova Aziza Alimbayevna** – TAQI “Geodeziya va kadastr” kafedrası katta o‘qituvchisi, g.f.n. **Abdurahmonova Shahnoza Ikrom qizi** – TAQI “Geodeziya va kadastr” kafedrası talabasi.

икки поғонали тахтга бироз ўхшашлиги учун Хонтахти дейишади. **Кайфантоғ** - Кауфа+н(он) сўгд тилида ўрин-жой морфемаларидан иборат; кайфо~кауфи+н-тоғ, баланд тепа. **Дарбанд** - Бойсун туманидаги қишлоқ. Маҳаллий аҳоли нуткида Дербанд деб аталиб, аслида ороним. Навоий асарларида дарбанд - тўсиқ, бўсаға, эшик олди, тоғдан ўтадиган йўлнинг ўтавериш жойи, даранинг танг, сиқиқ жойи ҳисобланган. Дарбанд - эшик табақаларини зич ва маҳкам тутиб туриш учун кўйиладиган тиргакчўп, тамға, икки вилоят ёки мамлакат чегараларини кўрсатувчи табиий тўсиқ, белги, қалъа, кўрғон каби изоҳлари ҳам мавжуд. **Дастартош** - Чироқчи, Дехқонобод туманларидаги баландлик. Дастор - салла, чамбарак шаклида, тошни жойлашиш ҳолати одам бошидаги саллага ўхшатишган. **Айиқучди** - Шаҳрисабз туманидаги дара, айиқ кулаб тушиб, ҳалок бўлган тик дара, “*учди*” - учиб кетмоқ, куламоқ, йиқилиб кетмоқ демақдир. **Айғиртепа** - Ғузор, Дехқонобод, Чироқчи туманларидаги тик учли, тиклик хусусияти ортиқча бўлган тепалик. **Арчамайдон** - Шаҳрисабз туманидаги тоғ. Арча дарахти ўсган кичик текис жой, арчазор майдон, тоғ ичи, этаги ва тизмаларининг юқорисидаги кичик текис сатҳли юзалар. **Одамтош** - Дехқонобод туманидаги чўкки. Ўхшатиш асосида тоғнинг юксак нуктасидаги тик қоя тошлар узокдан одам қиёфасига ўхшаганлиги учун шундай ном билан аталган.

Олатоғ - Ҳисор тизмасининг Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаш, Дехқонободдаги қисмининг умумий номи. Тоғ номи икки қисмдан иборат олатоғ. “*Ола*” сўзининг ранг билдирувчи ола (оқ-қора) билан алоқаси йўқ. Туркий тиллардаги “*олатоғ*” ва эроний тилдаги “*кўхиқоф*” бир хил маънога эга. Ола - туркий луғат тилларига хос энг қадимий сўз. Тоғ эса туркий тилларга мансуб, “*ола*” сўзи юксак баландлик маъносини йўқотгач, тоғ кўшилган, олатоғ - баландтоғ демақдир. **Оннажар** - Ғузор туманидаги жар. Онна - қадимги сўгд, хоразм тилларига оид арна сўзининг варианты, сув ўйган, сув окимидан ҳосил бўлган жар - оннажар. **Оқжар** - Чироқчи, Қамаш туманларидаги жар, адир. Бу номни икки хил изоҳлаш мумкин. Жар тубидан оқадиган сувга нисбатан оқсувли жар, тупроқнинг рангига нисбатан оқ тупроқли жар. **Хуросонтена** - Яккабоғ туманидаги тепа. Аслида, топоним хуросни этноними (қўнғиротларнинг кичик тармоғи) номига тепа сўзи қўшилиб ороним ясалган бўлиб, Хуросонийларнинг тепаси. **Экзактева** - Қамаш туманидаги тепа. Кўш тепа, баландлик. **Қашқақум** - Дехқонобод туманидаги қумли баландлик, улкан тепалари бўлган қумлоқ. **Қоракамар** - тоғли камар. “*Камар*” - тевараги қир, қирсимон баландлик билан ўралган ярим ҳалқа шаклидаги ботик, тоқчасимон жой, халқоблик. Қоракамар - тевараги тепасимон ёлғиз дўнглик билан ўралган камар. **Қорасирт** - Дехқонобод туманидаги тоғ. Орономияда қора - баландликни кичиклиги, кичик тепа, кичик водий. Қорасирт - унча катта бўлмаган чўзиқ баландлик, тоғ, ёки юксак тоғлик куйисида жойлашган баландлик.

интеллектуал ва иқтисодий имкониятлари ко‘лами билан глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал этишда муҳим о‘рин тутди.

Ҳозирги замон экологик муаммолари кishilik jamiyatining barqaror rivojlanishiga tahdid solmoqda. Ekologik muammolarning o‘ziga xos tomoni shundaki, u chegara bilmaydi, chunki bu muammolar bir butun birlikda, ya‘ni tabiatda kechadi. Yer yuzida insonlar tomonidan yerlarni chegaralarga bo‘linishi tabiat nuqtai nazaridan shartli bo‘lib, tabiatda kechayotgan jarayonlar bir - biri bilan uzviy bog‘lik.

Tuproqlarning kimyoviy ifloslanishi va uni bartaraf etish hamda o‘rganilishi o‘z oldiga quyidagi vazifalarni qo‘yadi:

-kimyoviy ifloslanishning vujudga kelish sharoitlari va omillarini o‘rganish;

-ifloslanishni turlar, darajalar va tasniflarga ajratish;

-kimyoviy ifloslanishning oqibatlarini, tuproq xossalari ta‘sirini tahlil etish;

-muammolarni hal etishning ilmiy, amaliy va fundamental yechimlari hamda yangi usul-texnologiyalari tahlili kabi masalalar ko‘zda tutiladi.

Shu bilan bir qatorda jahonda, shu jumladan mamlakatimizda kimyo sanoatining rivojlanishi natijasida qishloq xo‘jaligida foydalaniladigan har-xil kimyoviy moddalar va mineral o‘g‘itlar miqdori, shu jumladan pestitsidlar xilmaxilligining ko‘payishiga sabab bo‘lmoqda. Pestitsidlarning qo‘llanishi umumiy hosilni ko‘paytirib, hosil olish yo‘lidagi yo‘qotishlarning oldini olmoqda. Lekin, kundan-kunga yangi, turg‘un qilib ishlab chiqarilayotgan pestitsidlar tuproqlarga zararli ta‘sir ko‘rsatmoqda. Soha olimlarining tadqiqotiga ko‘ra qishloq xo‘jaligida qo‘llaniladigan pestitsidlardan har yili jahonda 1 mln. kishi zaharlanadi, ulardan taxminan 15—20 ming kishi hayotdan ko‘z yumadi. Yuqorida keltirilgan ma‘lumotlardan ko‘rinadiki, bugungi kunda atrof-muhitni ifloslantiruvchi omillar ichida pestitsidlar muhim o‘rin tutadi.

Atrof - muhitni, jumladan tuproq qoplaminin muhofazasi quyidagi yondashuvlar asosida amalga oshiriladi: ijtimoiy-siyosiy, huquqiy, ekologik-iqtisodiy, ijtimoiy-gigienik, texnika-texnologik, tarbiyaviy-estetik va ilmiy yondashuvlar.

Tuproqlarni kimyoviy ifloslanishida bir necha omillar asosiy o‘rin tutadi, bu o‘rinda insoniyat faoliyati bilan bog‘liq holda vujudga keladigan kimyoviy ifloslanishlarni aytish o‘rinlidir. Yer yuzi aholisi o‘zining ehtiyojlarini ta‘minlash maqsadida tabiatga, xususan tuproq qoplamiga bevosita va bilvosita ta‘sir etish qirralarini kengaytiradi.

Tuproqlarning ifloslanishi bilan bevosita bog‘liq bo‘lgan shahar aholisi tomonidan chiqarilayotgan chiqindilar miqdori kun sayin ortib bormoqda. Chiqarilayotgan chiqindilar faqatgina rivojlangan davlatlaridagina to‘liq qayta ishlanadi va zararsizlantiriladi, aksariyat davlatlarda esa to‘g‘ridan – to‘g‘ri tuproq qoplami ustiga tashlanadi yoki tuproq ostiga ko‘miladi, natijada yillar o‘tishi natijasida sizot suvlari orqali tuproqlarning ifloslanishi vujudga keladi.

Insonning yerdan noto‘g‘ri foydalanishi va tuproqlarning kimyoviy ifloslanishi natijasida katta-katta maydonlarda hosildor yerlar cho‘lga aylanmoqda. BMT ma‘lumotlariga ko‘ra insonlar har yili o‘zining yerga e‘tiborsizligi tufayli qishloq xo‘jaligida foydalaniladigan 10 mln. gektardan ortiq yerdan mahrum bo‘lmoqda.

Yillar davomida turli omillar ta'sirida kimyoviy ifloslangan tuproqlarni chuqur o'rganish, ularni tuproq xossalriga va unumdorligiga ta'sir etish tendensiya va mexanizmlarini ochib berish hamda uni qayta tiklash bugungi kunda har bir davlatning ustuvor vazifalari qatoriga qo'yilgan. Bu muammolar xalq etilsagina tuproqlardan yuqori samarada foydalanishga erishiladi. Tuproq unumdorligini saqlab, uni keyingi avlodga "sog'lom" holida qoldirish mumkin bo'ladi.

АҲОЛИ ГЕОЭКОЛОГИК ОМИЛ СИФАТИДА

Шарипов Ш.М.

Ўзбекистон Миллий университети

Геоэкологик омиллар (лот. *faktor* – яратувчи, бунёд этувчи, айбдор – бирон жараёни ҳаракатлантирувчи, унинг хусусиятини ёки алоҳида жиҳатларини белгиловчи куч, сабаб) – геоэкологик вазиятни белгиловчи, юзага келтирувчи табиий ва антропоген, диалектик ўзаро алоқадор ички ва ташқи жараёнлар.

Геоэкологик омилларнинг хилма-хиллиги уларни ўрганиш мақсадида гуруҳлаштиришни талаб этади. Уларни келиб чиқишига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Табиий омиллар; 2. Антропоген омиллар.

Табиий омиллар – табиий кучлар таъсирида рўй берадиган, геотизимларнинг ривожланишига, махсус фаолиятига, экологик, барқарорлик ва ресурс имкониятларига таъсир этувчи ҳодиса ва жараёнлардир. Масалан, эрозия, дефляция, шўрланиш, чўллашиш, ботқоқланиш, сел, кўчки, тоғ қулаши, тупроқ кўчиши, зилзила ва ҳ.к.

Антропоген омил деганда геоэкологик вазиятга таъсир этувчи антропоген ҳодиса ва жараёнларни тушунилади. Геотизимларнинг ресурс, экологик ва барқарорлик имкониятларига эга эканлигини ҳисобга олсак, уларга антропоген таъсир турли мақсадда бўлиши мумкин: 1) унинг ресурс имкониятини ошириш, масалан, ерларни шудгорлаш, суғориш, минерал ўғитлар солиш, турли мелиоратив тадбирлар ва ҳ.к.; 2) экологик имкониятини ошириш, масалан, манзарали дарахтлар экиш, аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш, табиий инфекция ўчоқларини йўқ қилиш, ботқоқларни қуритиш ва ҳ. к.; 3) барқарорлик имкониятини ошириш, масалан, эрозия, дефляция, суффозия, карст, сурилма, кўчки, шўрланиш каби табиий географик жараёнларнинг олдини олиш ва ҳ.к.

Табиий компонентларнинг, шунингдек ёнма-ён геотизимларнинг узвий боғлиқлиги компонентлардан бирига бирор мақсадда қилинган таъсир кўпинча бошқа компонентларга атайлаб қилинмаган таъсирнинг содир бўлишига олиб келади (сув омборларини қуриш – атрофдаги ерларни сув босишига, ер ости сувларининг олинishi – ер юзасининг чўкишига ва ҳ. к.). Аслида, хўжалик фаолиятининг деярли барча тури (ишлаб чиқариш, рекреацион, табиатни муҳофазалаш, илмий-текшириш) амалда доимий ёки вақти-вақти билан геотизимларга таъсир этади. Ҳар қандай хўжалик фаолияти геотизимларнинг бир маромда ривожланишига таъсир этиш билан кечади. Антропоген таъсир аҳоли сони ва эҳтиёжининг ортиши ҳамда техниканинг ривожланишига мос ҳолда жадал суръатда ортиб бормоқда.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИНИНГ ҲУДУД ТАБИЙ ШАРОИТИНИ ЎЗИДА АКС ЭТТИРИШИ

Эшбоев Б.Т.*

Қарши давлат университети

Қашқадарё вилоятидаги кўп сонли географик объектларнинг номлари, хусусан табиий географик номлар тоғ, текислик, тепа, жар, адир, дарё, чўкки, дара, жилға, сой, қудук, кўл, ботқоқлик шунингдек, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси номлари билан аталган топонимлар географик объектларнинг турига қараб оронимлар, гидронимлар, фитонимлар ва зоонимлар тарзида таҳлил қилинди. Қашқадарё вилояти географик номларини топонимик таҳлил қилишда уларнинг муайян хусусиятлари шу объектнинг номида қандай акс этганлигига алоҳида аҳамият берилади. Ўзбекистон Республикасида “Географик объектларнинг номлари тўғрисидаги қонун” талабларидан келиб чиқиб “географик объектга берилаётган ном: географик объектга хос бўлган белгиларни акс эттириши, мазкур объект жойлашган ердаги географик объектлар номларининг мавжуд тизимига мос тушиши” каби жиҳатларни тўғри келишига асосий эътибор қаратилди. Умуман географик объектларга ном беришда халқ тили, тарихи, халқнинг асрлар давомида шаклланган табиатга бўлган муносабатларини акс эттириши, халқ кадриятининг бир қисми сифатида тасвирланишига алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Республикасида географик объектларнинг номлари қонун билан муҳофаза қилиниши, объектларга ном бериш давлат сиёсати даражасида эканлиги, каби масалалар халқлар ҳаётининг таркибий қисмидир. Умуман, Қашқадарё вилояти географик объектларининг номларини таърифлашга ҳукукий жиҳатлар дастури амал бўлиб хизмат қилди.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари худудини ўз ичига олган Жанубий Ўзбекистон табиатининг ранг-баранглиги, бу ерда яшайдиган халқларнинг мушоҳадаси кенглиги, маҳаллий аҳолининг табиатга, диққатга сазовор географик объектларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиши каби жиҳатлар бу ердаги топонимларда ўз аксини топган. Профессор Т.Нафасовнинг “Ўзбекистон топонимларининг изоҳли лугати” китобида Жанубий Ўзбекистоннинг 400 га яқин жой номлари изоҳланган бўлиб, бу топонимларнинг ярмига яқини географик объектнинг маълум бир табиий белгиларини ўзида мужассамлаштирган. Минтақа географик объектларининг табиий хусусиятлари билан боғлиқ номларини оронимлар, гидронимлар, ойконимлар, фитонимлар, зоонимлар гуруҳларга бўлиб таърифлаш мақсадга мувофиқдир.

Оронимлар - яъни жойни рельеф хусусиятларини ўзида акс эттирган географик номлар. Аксарият географик объектларнинг номи жой табиатини, хусусиятларини таърифлайди. **Ҳисор** - Қашқадарё, Сурхондарё ва Ҳисор водийлари орасида кўрғон сингари юксалиб турганлигидан шундай аталади. “Ҳисор” сўғдийлар тилида “кўрғон”, “қаср” демакдир. **Хонтакти** - Ҳисор тоғининг жануби-ғарбий ёнбағрида сурилма ва карст жараёнлари биргаликда ҳосил қилган супага ўхшаш рельеф шакли бўлиб, у ҳукмдорлар ўтирадиган

* Эшбоев Бехзод Тожиёвич – Қарши давлат университети, География кафедраси ўқитувчиси.

13. Чили—Чилининг номи хақида аниқ бир фараз мавжуд эмас. Эхтимол араукуанлар тилидаги “чукурлик”дан олинган бўлиши мумкин. Шу билан биргач “чили” сўзи кечуа тилидаги “дунё чегараси”(“олам охири”) сўзидан келиб чиққан бўлиши мумкин. Баъзи тарихий манбаларга кўра, “чили” сўзи “қиши” маъносини ҳам англатар экан. **Р.Қодиров** таъкидлашича, “чили” сўзи “совуқ” деган маънони билдиради. **М.С. Боднарский**нинг “**Географик номлар лугати**” китобида ҳам мамлакатнинг номи хиндуларнинг chilí (совуқ) деган сўздан келиб чиққан бўлиши эхтимоли тўғрисида фикрлар берилган бўлиб, чунки шу ном берилган Сант-Яго водийси тепалари қор билан қопланган тоғлар орасидадир, деб қайд этилган (Ўз МЭ 9-ж; 610-б.)

Жадвал Х.М.Байқабилов томонидан тузилган.

№	Мамлакат номи	Қайси тилдан олинган	Топонимик бирлиги	Маъноси	Давлат тили
1	Аргентина	лотинча	Фойдали қазилма номи	“қумуш”	Испан
2	Боливия	испанча	Антропоним	С.Болivar шарафига	Испан
3	Бразилия	португалча	Фитотопоним	Бразил дарахти	Португал
4	Венесуэла	испанча	Ойконим	Венеция шарафига	Испан
5	Парагвай	Тупи-гуарани	Гидроним	“Денгиз манбаи”	Испан
6	Колумбия	испанча	Антропоним	Х. Колумб шарафига	Испан
7	Перу	испанча	Гидроним	Биру дарёси номига	Испан
8	Чили	Арауқан индеецлари	Рельеф	“совуқ”, “қиши”	Испан
9	Эквадор	испанча	Жой тузилиши	“тенг бўлувчи”	Испан
10	Суринам	Аравак индеецлари	Этнопоним	Суринам халки шарафига	Нидерланд тили
11	Уругвай	Тупи-гуарани	Зоотопоним	“қуш думи”	Испан
12	Гайана	инглизча	Гидроним, этнопоним	“сувлар ери”, “хурматга лойиқ инсонлар”	Инглиз
13	Фолькленд ороллари	инглизча	Антропоним	Фолькленд шарафига	Инглиз-Испан
14	Француз Гвианаси	Тупи-гуарани индеецлари	Жой тузилиши	“сероб ўлка”	Француз

14. Эквадор – испан тилидан олинган бўлиб, ҳудудини Экватор кесиб ўтганлиги учун шу номни олган. Экватор чизиғи испанча “эквадор” деб аталади. “Экватор” сўзи лотинчадан олинган бўлиб, “тенглаштирувчи” деган маънони билдиради. 1830 йилдан шу ном билан аталмоқда. Лотинча “*aequator*” – “тенг бўлувчи” деган маънони англатади. (Ўз МЭ 10-ж; 155-б.)

Аҳоли ҳозирги пайтда илмий техник тараққиёт ва ишлаб чиқариш билан бир қаторда географик қобикнинг ривожланишидаги, айниқса геоэкологик муаммоларнинг шаклланиши ва ривожланишидаги энг муҳим антропоген омиллардан бири ҳисобланади. **Аҳоли** – маълум ҳудудда яшаётган, иркий-этник, ёш ва жинсий таркиби турлича бўлган жами одамлар. Аҳоли озиқ-овқат ҳамда саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш ва хўжалик фаолиятининг бошқа соҳаларини ривожлантириш учун зарур бўлган ресурсларнинг истеъмолчиси ҳисобланади. Аҳолини геоэкологик омил сифатида тавсифлайдиган асосий кўрсаткичлар қуйидагилар: 1) сони, 2) зичлиги, 3) миграция.

Аҳоли сони жамятнинг озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва бошқа ресурсларга бўлган жами эҳтиёжини белгилайди. Шу билан бирга аҳоли сони тўғридан-тўғри ҳам табиий, ҳам ижтимоий-ишлаб чиқариш тизимларига сезиларли антропоген юк юзага келтиради ва оқибатда геоэкологик муаммолар келиб чиқади.

Агар бирон мамлакатнинг аҳолиси сони шундай миқдоргача, яъни унинг эҳтиёжлари айрим табиий ресурсларнинг қайта тикланиш ҳамда табиий муҳитнинг ўз-ўзини тозалаш табиий имкониятларидан ошиб кетадиган даражагача кўпайиб борса, унда аҳолининг ўзи ўзининг табиий-ресурс базасини барбод қиладиган кучга айланади. Бу ҳолат демографик тузоқ дейилади. Айрим демографлар географик қобикнинг потенциал сиғими 2 млрд. киши деб, баҳолашмоқда. Бу Ер юзи аҳолисининг нисбатан фаровон ва барқарор турмушини таъминлаган бўлар эди. Эколог-олимларнинг ҳисоблашларича, Ер юзида 10 млрд киши ҳам яшаши мумкин, лекин озиқ-овқат, энергия ва табиий ресурслар танқис шароитда кун кечирадидлар. Бундай шароитда экологик инқирозлар ва фалокатлар юз бериши мумкин, аҳоли сони эса табиий ва ижтимоий-иқтисодий кўринишдаги офатларни тартибга соладиган асосий омил бўлади.

Аҳоли зичлиги – майдон бирлигига тўғри келадиган аҳоли (яшовчилар) сони, маълум ҳудудда аҳолининг жойлашувини кўрсатадиган кўрсаткич, одатда ўлчов бирлиги сифатида киши/км² олинади. Биз геотизимларга бўлаётган антропоген юкнинг миқдорини ифодалайдиган кўрсаткичлардан энг интеграл ва мажмуалиси деб аҳоли зичлигини тушунамиз. Чунки, аҳоли қанчалик зич бўлса турли бинолар, саноат корхоналари, транспортлар, йўллар, турли чиқиндилар ва х.к. шунчалик кўп бўлиши ҳамда ерлардан фойдаланиш ҳам интенсив бўлиши, ўз навбатида, геотизимларнинг ўзгарганлик даражаси ҳам юқори бўлиши табиий.

Ер сайёрасида аҳолининг ўртача зичлиги 50 киши/км², Ўзбекистонда эса 71,5 киши/км² га тенг. Республикамизда, одатда аҳоли зичлиги маъмурий бириклар бўйича ҳисобланади. Лекин, аҳоли маъмурий бириклар бўйича бир текис тақсимланмаганлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Одамлар экологик ва ресурс имкониятлари юқори бўлган геотизимларда (масалан, дарё террасалари, дельталари ва ёйилма конусларида) ниҳоятда зич ва қадимдан яшаб, воҳалар вужудга келган. Республикамиздаги энг йирик ва қадимги шаҳарларнинг деярли барчаси шундай геотизимларда жойлашганлиги бунинг

исботидир. Бундай геотизимлар республикамизнинг тоғ олди текисликлари ва тоғ оралик ботиқларидаги дарё ва сойларнинг террасалари (Тошкент, Самарканд, Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ, Шахрисабз ва ҳ.к.) ва ёйилма конусларида (Андижон, Наманган, Қўқон, Фарғона, Марғилон ва ҳ.к.) текислик қисмида эса дарё дельталарида (Бухоро, Хива, Термиз, Қарши, Урганч, Нукус ва ҳ.к.) жойлашган.

Қуйида Тошкент вилояти аҳолисининг зичлигини ва “ер сиғими” меъёрини геотизимлар, аниқроғи ландшафт хили бирлиги доирасида ҳисоблаш нагизларини келтирамиз. Ландшафтларни “ер сиғими” меъёрига қараб гуруҳларга ажратиш учун А.Раҳматуллаев (2007) таклиф қилган 7 поғонали шкаладан фойдаланилди ва қуйидагича гуруҳлаштирилди: 1) 0-10 киши/км² – жуда кам; 2) 10-50 киши/км² – кам; 3) 50-100 киши/км² – бироз кам; 4) 100-200 киши/км² – камроқ; 5) 200-300 киши/км² – меъёр; 6) 300-400 киши/км² – ортиқроқ; 7) 400 киши/км² дан кўп – ортиқ.

Аҳоли энг зич жойлашган ландшафтлар III террасага тўғри келиб, 22-ландшафт (суғориладиган оддий бўз тупроқларда маданий ўсимликли текис юзали лёссимон ётқизикли текисликлар) хилида ўртача зичлик 615.887 киши/км² бўлиб “ер сиғими” - ортиқ поғонасига, 24-ландшафт (суғориладиган бўз-ўтлоқи тупроқларда маданий ўсимликли текис юзали лёссимон ётқизикли текисликлар) хилида эса ўртача 386.482 киши/км² ва “ер сиғими” - ортиқроқ поғонасига тўғри келади. Бунга сабаб рельефнинг текислиги, тупроқларнинг қалин ва унумдор эканлиги, суғориш учун қулайлиги ва сувнинг мавжудлигидир. Шу боис, бу геотизимлардаги қишлоқларнинг аксарияти йирик ва аҳоли қадимдан яшаб келади. Вилоятдаги 16 та шаҳардан – 8 таси, айнан шу ландшафтларда жойлашган.

Аҳоли зич жойлашган ландшафтлардан бири 19-ландшафт (қадимдан суғориладиган оддий бўз тупроқларда маданий ўсимликли тўлқинсимон лёсси текисликлар) хили бўлиб, IV террасада жойлашган ва қадимдан суғорма деҳқончиликда фойдаланилади. Ўртача зичлик 355.330 киши/км² бўлиб, “ер сиғими” - ортиқроқ поғонасига тўғри келади. Бу ердаги қишлоқлар жуда қадимги бўлиб 2000 йилдан ортиқ тарихга эга.

Ўзлаштириш учун табиий шароити нисбатан ноқулай бўлган жойларда янги ўзлаштирилган маданий ландшафтлар шаклланган бўлиб, уларда асосан 1-2 тадан шаҳар ва шаҳарчалар пайдо бўлган ва “ер сиғими” – кам ёки камроқ даражаларига тўғри келади. Масалан: IV террасада жойлашган 18-ландшафт (янги суғориладиган оддий бўз тупроқларда маданий ўсимликли тўлқинсимон-қирли лёсси текисликлар) хилида 1 та шаҳар вужудга келган бўлиб, аҳолининг ўртача зичлиги 125.669 киши/км² бўлиб, “ер сиғими” - камроқ поғонасига тўғри келади. Қайир усти II террасаларида жойлашган 28-ландшафт (суғориладиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда маданий ўсимликли қайир усти II террасаси аллювиал ётқизикли гил-кумоқ-шағалтошли ясситекисликлар) хилида аҳолининг ўртача зичлиги 179.786 киши/км² бўлиб, “ер сиғими” - камроқ поғонасига тўғри келади.

Қолган ландшафтларда ўртача зичлик ва “ер сиғими” меъёр ёки ундан паст даражаларда эканлиги аниқланди.

томонидан қурилган қоя устидаги уйларни кўриб хайратланишган ва мамлакатни Италиядаги Венеция шаҳри шарафига номлашган. Венесуэла – Венеция шаҳри номининг кичрайтирилган шакли. (Ўз МЭ 2-ж; 426-б.)

5. Гаяна – маҳаллий аҳолининг сўзлашув тилидан келиб чиққан бўлиши мумкин. “*Guanazes*” ёки “*Guainazes*” сўзи “*ҳурматга лойиқ инсонлар*” деган маънони англатади. Иккинчи бир маълумотга кўра, ҳиндулар тилида “*сувлар ери*” деган маънони англатган. Гаяна Жанубий Америкадаги расмий тили инглиз тили бўлган ягона давлатдир. 1499 йил испанлар томонидан кашф этилган. 1831 йилдан **Британия Гвианаси** деб аталадиган бўлди. 1966 йил 26 майдан шу ном билан атаб келинмоқда. (Ўз МЭ 2-ж; 543-б.)

6. Колумбия – мамлакатнинг номи машҳур сайёҳ – **Христофор Колумб** шарафига қўйилган. 1499 йилда испанлар мамлакатни кашф қилиб, 1530-йилда уни **Янги Гранада** деб атайдилар. 1886-йилдан шу ном билан атаб келинмоқда. (Ўз МЭ 4-ж; 665-б.)

7. Парагвай – ҳиндуча, “*пара*” – “*денгиз*”, *гуай* – “*манба*”, яъни “*денгиз манбаи*” демакдир. Гуарани ҳинду қабилалари яшовчи Парагвай ҳудуди 1515 йилда **Диас де Солис** томонидан кашф қилинган. Шунингдек, мамлакатда “*пара*” – “*дарё*” маъносидаги гидронимик термин кенг тарқалган. (Ўз МЭ 6-ж; 675-б.)

8. Перу - ҳозирги Эквадорда жойлашган **Биру** дарёсининг номидан келиб чиққан бўлиши мумкин деган тахминлар мавжуд. Мамлакатга испанлар Тинч океанга қўйилувчи Вигу ёки Ригу дарёсининг номини қўйганлар. Бу дарёга биринчи бўлиб **Де-Андагойя** 1522 йилда келган ва бу мамлакат ҳақида испанларга муайян маълумотлар берган. (Ўз МЭ 7-ж; 49-б.)

9. Суринам–ушбу мамлакатнинг номи маҳаллий инглиз кўчманчилари томонидан Суринаен халқининг шарафига шундай номланган (америкалик маҳаллий кўчманчи суринаен халқи назарда тутилмоқда). (Ўз МЭ 8-ж; 147-б.)

10. Уругвай– Чарруа ва Гуарани ҳиндулари ўрнашган ҳозирги Уругвай ҳудуди 1516 йили испаниялик сайёҳ – **Диас де Солис** томонидан кашф этилган. Ушбу сўз гуарани тилидан олинган бўлиб, “*уру*” – “*қуш*”, “*гуай*” – “*дум*”, яъни “*Қуш думи*” маъносини англатади. Уругвай – “*қушлар дарёси*” демакдир. Маҳаллий аҳоли ўз мамлакатларини Уругуайо деб атайдилар. (Ўз МЭ 9-ж; 123-б.)

11. Фолькланд ороллари–ушбу ороллارни ўрганиш учун биринчи жиддий уриниш голланд денгизчиси **Себальд Варт** томонидан амалга оширилди. Оролларга Себальдин ороллари номи берилиб, улар географик хариталарга киритилди. 1760 йил январда инглизлар ғарбий ва шарқий ороллارни ажратиб турган бўғизни кашф қилишди ва унга инглиз флоти ғазначиси **лорд Фолькланд** номини бердилар. Кейинчалик бутун архипелаг шу ном билан атала бошланди.

12. Француз Гвианаси- “Гвиана” сўзи Ориноко дарёси бўйида яшаган *guainares* деган индеецлар номидан келиб чиққан; уларни тилида бу сўз “*ҳурматли одамлар*” демакдир. 1604 йилдан бошлаб Франция мустамлакаси саналади. Гуарани тилларида яратилган ушбу топоним **Гвиана (“сероб ўлка”)** маъносида қўлланилган.

ЖАНУБИЙ АМЕРИКА МАМЛАКАТЛАРИ НОМЛАНИШИНИНГ ТОПОНИМИК ТАҲЛИЛИ

Байқабилов Х.М., Махамдалиев Р.Ю.*

Ўзбекистон Миллий университети

Топонимика фанида ҳар қандай ном ўз даврининг ёдгорлиги, муайян халқ тилида яратилган эсдалик ҳисобланади. Жанубий Америка материгидаги мамлакатларнинг номлари ҳам шулар жумласидандир. Биз қуйида Жанубий Америка мамлакатлари номланишининг топонимик таҳлил қилишни лозим деб топдик. Даставвал маълумот ўрнида айтишимиз мумкинки, Жанубий Америка мамлакатлари (14 та) табиий географик ўрнига кўра 3 қисмга ажратилади:

1. Денгизбўйи ёки океан билан бевосита чегарадош мамлакатлар (11 та);
2. Материк ичкарасидаги мамлакатлар (2 та);
3. Ороллардан иборат мамлакат (1 та).

Топонимик таҳлил ишимизда Жанубий Америка мамлакатларининг номлари ўзбек кирилл алфавитига асосланган ҳолда изоҳли – этимологик лугат шаклида берилмоқда.

1. Аргентина – ушбу мамлакат номи лотинча “*аргентум*” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “кумуш” деган маънони англатади. XVI аср ўрталарида бу ерга келган испан босқинчилари маҳаллий аҳоли – хиндулар қўлида кумушсимон буюм кўришиб, “Кумушли” (Ла-Плата) дарёсига менгзаб атаган давлатнинг 1826 йилда ўзгартирилган номи. Аргентина номи 1526 йилда Себастьян Кабот томонидан берилган, Аргентина номига ҳам фойдали қазилма тури асос бўлиб хизмат қилган. *Argentus* – кумуш демакдир. (Ўз МЭ 1-жилд, 398-бет.)

2. Боливия – испанларга қарши кураш олиб борган ва мамлакатнинг биринчи президенти бўлган **Симон Боливар** (1783-1830) шарафига қўйилган. Мамлакатнинг номи 1776-йилдан 1825 йил 8 августгача Юқори Перу деб аталган. (Ўз МЭ 2-ж; 138-б.)

3. Бразилия – мамлакатининг номи – бразил дарахти билан боғлиқ. Дарахтдан кизил бўёқ учун ишлатиладиган суюқлик олинган ва бу хом-ашё португал мустамлакачиларининг дастлабки йилларда асосий экспорт маҳсулоти бўлган. Бўёқ португал тилида **браз**(*braza*), дарахти эса *brazil*, кейинчалик эса бутун мамлакат ҳам шу ном билан аталган. Бразилия – унинг русча номланиши. 1500 йил португалиялик денгизчи **Педру Алварес Кабрал** Бразилия қирғоқларига биринчи бўлиб борган ва ўша даврнинг анъанасига кўра, янги кашф қилган ўлкага португалча диний – “*Terra do Vera Cruz*” – “муқаддас салиб ери” номини берган. Тахминан чорак асрдан сўнг ўлка номи “*Terra do Brasil*” – “*Brazil yeri*” деб ўзгартирилган ва кейинчалик ном соддалашиб Бразил(-ия) шаклини олган. Мамлакат номи *brazil* (португал тилида “*brasa*” – “*чўғ*”, “*қизарган кўмир*”) – дарахт номи билан боғлиқ. Шу сабабдан, ушбу дарахт номи давлат номига ўтган ва унинг рамзига айланган.

4. Венесуэла – Венеция шахрининг номи билан узвий боғлиқ ҳолда вужудга келган. Европалик тадқиқотчилар Маракайбо кўлида аборигенлар

Вилоят майдонининг (Тошкент шахрисиз) 7.45 % и меъёрдан ортиқ, 2.16 % и меъёрдан ортиқроқ, 11.78 % и меъёр, 6.95 % и меъёрдан камроқ, 4.57 % и меъёрдан бироз кам, 5.58 % и меъёрдан кам ва 13.93 % и меъёрдан жуда кам погонани ташкил этади. Қолган қисмида доимий аҳоли мавжуд эмас.

Аҳоли миграцияси – аҳолининг яшаш жойидан бошқа жойга доимий ёки вақтинча яшаш учун кўчиши. Аҳоли миграцияси аҳолининг сони ва зичлигига жиддий таъсир кўрсатади ва мамлакатнинг ресурсларга талабини сезиларли ўзгартиради. Маълумки, миграциянинг ташқи ва ички турлари ажратилади. Ўзбекистон учун асосан ички миграция хос бўлиб, қишлоқ жойлардан шаҳарларга йўналгандир. Бу жараён мамлакатимизнинг урбанизация даражаси бугунги кунда 50 % дан ортиб кетишига олиб келди.

Урбанизациянинг асосий жиҳатларидан бири шаҳар аҳолисининг, хўжаликнинг шаҳарга хос барча тармоқларининг, аҳолини маданий ва бошқа фаолиятининг нисбатан кичик ҳудудда тўпланишининг ўсишини давомийлигидир. Бунда, кўп ҳолларда, шаҳар ерларининг кенгайиши шаҳар аҳолисининг ўсишига қараганда тезроқ юз беради. Шаҳарларнинг атроф ҳудудларни “эгаллаб олиши”, қишлоқ хўжалиги ерлари ва рекреацион, жумладан, ўрмон-соғломлаштириш зоналарини эгаллаб олиши кўпгина мамлакатларда жуда жадал бормоқда.

ОҲАНГАРОН ВОДИЙСИ ДАРЁЛАРИНИНГ ТҶИНИШИ ВА ХЎЖАЛИҚДАГИ АҲАМИЯТИ

Шаджалилов Ш.Ш.*, Абдуллаев И.Х.*, Арслонова И.М.*

Оҳангарон водийсининг ички сувлари асосан Оҳангарон дарёси ва унинг ирмоқларидан иборат. Мазкур ҳавзанинг сув йиғиш майдонини асосий қисми тоғлардан иборат бўлиб, Чотқол, Қурама тизмаси ва уларнинг тармоқларидан бошланади. Ҳавзадаги дарёларнинг тўйиниш шароитлари, оқим режими асосан ана шу тоғ тизмалари ва улар тармоқларининг умумий шакли, баландлик ҳолатлари ва йўналишига боғлиқдир. Оҳангарон дарёсининг сув йиғилиш майдонини ташкил этган тоғ тизмалари 3000 метрдан баланд жойлар Оҳангарон дарёси сув йиғилиш майдонида атиги 0.2 % ни ташкил этади. Бу ҳолат баён этилаётган ҳавзада доимий қор ва музликларнинг ҳосил бўлишига имкон бермайди, чунки бу ҳудудда қор қизиги баландлиги 3300-4000 метрни атрофида белгиланган.

Ҳосил бўлган доимий қорликларнинг аксарияти Чотқол тизмасида жойлашгандир. Оҳангарон дарёсининг бош ирмоқлари сув йиғиш майдонидаги доимий қорликлар кичик – кичик, “сони бор, салмоғи йўқ” қорликлардир. Кўпчилик қорликларнинг майдони 0,5 км квадратга ҳам етмайди. Мавсумий қорликлар Оҳангарон дарёси ҳавзасида кўплаб учрайди ва Оҳангарон дарёсининг тўйинишида жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки улар узок вақт давомида, (бутун ёз бўйи) эриб дарёни сув билан таъминлаб туради.

* Байқабилов Хуснудин Марданович – ЎзМУ География кафедраси таянч докторанти.
Махамдалиев Равшан Юлдашевич – ЎзМУ География кафедраси доценти, г.ф.н.

* Шаджалилов Ш.Ш. Тошкент ислом университети, катта ўқитувчи

* Абдуллаев И.Х. Низомий номидаги ТДПУ, география фанлари номзоди, доцент

* Арслонова И.М. Пскент агросаноат ва иктисодиёт КХК, ўқитувчи

Сув йиғилиш майдонининг жанубга қараган ён бағирларида жойлашгани сабабли Оҳангарон дарёси қор- ёмғир сувлари билан тўйинадиган дарёлар туркумига киради. Шунга қўра, Оҳангарон дарёсида тўлин сув даври эрта апрель-июнь ойларида, энг катта сув сарфлари эса май ойида йиллик оқимнинг 32 % қисми, апрель-май давомида эса унинг қарийб 51 % қисми оқиб ўтади. Июл- октябрь даврида, аксинча, дарёда сув жуда ҳам оқади, бу даврда оқиб ўтадиган сувлар йиллик оқимга нисбатан бор-йўғи 13 % ни ташкил этади.

Худудда абдий қор ва музликлар яхши ривожланмаган, шу сабабли Оҳангарон дарёси қор-ёмғир сувларидан тўйинадиган дарё типига киради ва шу типдаги дарёларга хос бўлган режимга эга.

Оҳангарон дарёси Чотқол ва Қурама тизмалари ён бағирларидан оқиб тушадиган бир неча сой ва жилғаларнинг бирлашувидан ҳосил бўларди. Оҳангарон дарёсининг жуда кўп ирмоқлари бор, лекин улар кичкина-кичкина жилға ва сойлардир. Бу ирмоқларнинг энг катталари Арашон, Ертошсой, Тошсой, Дукентсой, Қорабағирсой, Оқчасой, Шаввасой, Нишбошсой ва Гишсойлардир. Сувларининг суғоришга олиниши ва конус ёрилмалар остига сизиб кетиши натижасида дарё ўзанлари ёз ойларида узоқ вақт давомида қуриб ётади. Бу сойларнинг ҳаммасида баҳор ойларида сел тез-тез бўлиб туради.

Оҳангарон дарёсининг узунлиги кўпинча Оқтошсойнинг (баъзида эса Човлисойнинг) бошланиш жойидан ўлчанади. Аслида Оҳангарон дарёси Чотқол ва Қурама тоғ тизмалари ён бағирларидан оқиб тушадиган бир қанча сой ва жилғаларнинг бирлашувидан ҳосил бўлади. Бу сой ва жилғалар туб тоғ жинсларини чуқур ўйиб қояли даралар ҳосил қилади. Оҳангарон сув омборига дарё Оҳангарон платосини чуқур кесиб ўтган тор дарадан оқиб тушади.

Дара чуқурлиги дарёнинг бошланиш қисмида 250 м, Яккасарой келиб қўшилган жойда эса 800 м, га боради. Дарё водийси жуда тор, у фақат икки жойда: Яккасаройнинг қўйилиш жойи билан Бешқўл оралиғида ва Ертошсойнинг қўйилиш жойи билан Кўксарой қишлоғи ўртасида 300-400 м га қадар кенгайган холос. Серқақирлдисой келиб қўйилган жойдан бошлаб, водий аста-секин ўзгариб боради. Тошсой ирмоғининг қўйилиш жойидан юқорида дарё умуман қайир ҳосил қилмаган. Оҳангарон сув омбори қуйида водий кескин кенгайди, унинг кенглиги Облик қишлоғи олдида 700 м га, Оҳангарон шаҳри ёнида эса 4-5 км га етади. Водий ёнбағирлари ётиқ бўлиб, қатор сой ва жарликлар учрайди. Облик ишлогидан қуйида унда-бунда аллювиал терассалар ҳам учрайди.

Облик қишлоғидан ўтгач, дарё қайири жуда кенгайиб, унинг кенглиги 4 км гача боради. Фақат Телов қишлоғи олдида у бироз тораяди – 1,4 км. Қайир юзаси текис, лекин уни қуруқ ўзанлар кесиб ўтган. Қайирнинг чекка жойлари ботқокланиб кетган, кўпчилик жойларда у ерларда шоли етиштирилади. Оҳангарон сув омбори Оҳангарон шаҳри оралиғида дарё ўзани бир қанча тармоқларга ажралиб кетган.

Оҳангарон шаҳридан ўтгач, дарё кенглиги 8 км келадиган водийда оқа бошлайди. Хўжақўрғон қишлоғи яқинида водийнинг эни 4 км келади, лекин орадан кўп ўтмай, у яна кенгая бошлайди ва Ҳалимбек қишлоғига борганда водийнинг эни 8 км га етади. Ҳалимбек қишлоғидан ўтгандан сўнг дарё

МИЗ дастурига 7 ташкилот киритилган бўлиб, улардан ҳар чоракда бир марта намуналар олиниб, таҳлил қилинди. Булар Станция Аэрация, Авиаотряд, Жума қум каръери, Каттақўрғон “Ёғ-мой” комбинати, “Оқтош дон” ОАЖ, Бойназар тозалаш иншооти, Жанубий кон бошқармаси (ЮРУ) тозалаш иншоотлари.

1. Станция Аэрация (ИЧБ «Сув оқова») корхонаси бир чорак давомида тозалаш иншооти самарали ишлади. Таҳлил натижаларига қўра муаллақ заррачалар тасдиқланган меъёрий миқдори (ПДС нисбатдан) - 2,7 марта ортиқлиги аниқланди. Ўтган йил 4-чорак натижалари билан таққослаганда БПК₅ – 1,0 марта купайган, муаллақ заррачалар – 1,05 марта купайган, NH₄ – 1,5 марта купайган.

2. Авиаотряд оқова сувида муаллақ заррачалар – 2,7 марта, NH₄ – 5,1 марта тасдиқланган меъёрий миқдордан (ПДК) ортиқлиги аниқланди. Тозалаш иншооти самарали ишляпти. Ўтган йил 4 чорак натижалари билан таққослаганда БПК – 1.04 марта купайган, NH₄ – 1,1 марта купайган.

3. Каттақўрғон «Ёғ-мой» АЖ оқова сувида тасдиқланган меъёрий миқдори (ПДС) дан муаллақ заррачалар – 2.7 марта, NH₄ – 7.4 марта ортиқлиги аниқланди. Ўтган йил 4-чорак натижалари билан таққослаганда БПК₅ – 1.03 марта камайган, NH₄ - 1.8 марта купайган, муаллақ заррачалар – 1.45 марта камайган.

4. Жума қум каръери оқова сувида муаллақ заррачалар – 4.7 марта, NH₄- 3.8 марта белгиланган меъёрий миқдор (ПДК) дан ортиқлиги аниқланган. Ўтган йил 4-чорак натижалари билан таққослаганда БПК – 1,0 марта купайган, NH₄ – 1.6 марта купайган, муаллақ заррачалар – 2.14 марта камайган.

5. Жанубий кон бошқармаси (ЮРУ) тозалаш иншооти оқова сувларида тасдиқланган меъёрий миқдор (ПДС) дан муаллақ заррачалар – 2.7 марта, NH₄ – 10.2 марта ортиқлиги аниқланган. Ўтган йил 4-чорак натижалари билан таққослаганда БПК – 1.0 марта камайган, NH₄ 1.3 марта купайган, муаллақ заррачалар -1.0 марта камайган.

6. “Оқтош-дон” АЖ тозалаш иншооти оқова сувларида тасдиқланган меъёрий миқдор (ПДК)дан муаллақ заррачалар 2.7 марта, NH₄ - 7.2 марта ортиқлиги, БПК- 2.35 марта ортиқлиги аниқланган.

7. «Бойназар» тозалаш иншооти (К-Кўрғон) оқова сувида муаллақ заррача 12.4 марта ортганлиги, NH₄ - 10.4 марта ортганлиги, БПК₅ – 3.34 марта ортиқлиги аниқланди.

Самарқанд вилоятдаги очиқ сув ҳавзалари, оқова сувлар ва тозалаш иншоотлари сув манбаларининг самарадорлиги янада такомиллаштирилиб, аҳоли томонидан қонун бузилиши ҳолатларининг олди олиниб, атроф муҳитнинг ободлигини таъминлаш саъй ҳаракатлари борасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш, бепарқликка йўл қўймаслик, келажак авлоднинг эртанги ҳаётини яхшилашга хизмат қилган бўламиз.

ойида (сув энг кам бўлган давр) 1,4 ва 1,5 мартгача меъеридан ортганлиги кузатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги “Гидрометеорология” маркази томонидан ҳам ўз навбатида Зарафшон дарёси суви сифати устидан, шу жумладан бошқа оғир металллар билан ифлосланиш бўйича кузатувлар олиб борилади. Жумладан: мис бўйича 1,6 дан 4,6 мартага, фенол бўйича 1,0 дан 6,0 мартагача меъердан ортганлиги аниқланган. Дамбаларнинг ўпирилиши натижасида Зарафшон дарёсига таркибида сурма, мишьяк ва бошқа элементлар чиқиндилари тушиши мумкин.

Зарафшон дарёси ва Сиёб каналда (боши ва охиридан) ҳар ойда намуналар олинади.

Зарафшон дарёси (боши)

2016 йил	2017 йил
NH ₄ - 0.64 мг/л	0,66 мг/л
NO ₂ - 0,026 мг/л	0,025 мг/л
БПК ₅ - 2.28 мг/л	2,61мг/л
НП - 0.03 мг/л	0,031 мг/л

Ўтган йил натижалари билан таққослаганда NH₄ – 1.03 марта кўпайган, NO₂ – 1,04 марта камайган, БПК₅-1.14 марта кўпайган, НП -1,03 марта кўпайган.

Зарафшон дарёси (охири)

2016 йил	2017 йил
NH ₄ - 0.65 мг/л	0,73 - мг/л
NO ₂ -0,034мг/л	0,031 мг/л
БПК ₅ – 4,45 мг/л	4,06 мг/л
НП – 0,04 мг/л	0,042 мг/л

Ўтган йил натижалари билан таққослаганда NH₄ – 1.1 марта кўпайган, NO₂- 1,1 марта камайган, БПК₅-1.1 марта камайган, НП -1,05 марта кўпайган,

Сиёб канали (боши).

2016 йил	2017 йил
NH ₄ -0, 61 мг/л	0,63 мг/л
NO ₂ -0,032 мг/л	0,026 мг/л
БПК ₅ - 3.36 мг/л	2,42 мг/л
НП-0,031 мг/л.	0,031мг/л

Ўтган йил натижалари билан таққослаганда NH₄ -1.03 марта кўпайган, NO₂- 1.2 марта камайган, БПК₅-1.4 марта камайган, НП – узгаришсиз.

Сиёб канали (охири).

2016 йил	2017 йил
NH ₄ - 2,7 мг/л	2,75 мг/л
NO ₂ - 0.09 мг/л	0,089 мг/л
БПК ₅ - 4.05 мг/л	4,6 мг/л
НП- 0,051 мг/л	0,051 мг/л

Ўтган йил натижалари билан таққослаганда NH₄ -1.02 марта кўпайган, NO₂- 1.01 марта камайган, БПК₅– 1.1 марта кўпайган, НП – узгаришсиз.

водийси охири марта кескин тораяди. Кундузак кишлоғи ёнида водийнинг эни бор йўғи 100 м даражасига тораяди. Шундан сўнг у яна кенгайиб, Шахрин гидроузели олдида йилнинг кўп вақтида, дарё сувининг катта қисми Таначибуқа ва Ёрдан каналлари орқали суғоришга олинади. Шу туфайли Шахрин гидроузелдан пастда дарё узок вақт давомида куриб ётади. Ҳалимбек кишлоғидан бошлаб грунт сувларининг чиқиши натижасида дарё ўзанида яна сув ока бошлайди. Чирчиқ сувини келтириб қуядиган Қорасув каналининг кўшилиш жойидан пастроқда дарё водийси парчаланиб кетган, уни атрофдаги текислик ерлардан ажратиб бўлмайди. 1960 йилда Оҳангарон дарёсининг куйи оқимида Тошкент денгизи деб ном олган Туябоғиз сув омбори курилиб ишга туширилди. Оҳангарон дарёсининг оқим режимини ифодалайдиган баъзи маълумотларни куйида келтирамыз:

Оҳангарон дарёси ирмоқларининг умимий оқим миқдори (оқим режими ўрнатилган 17 ирмоқнинг сув миқдорлари йиғиндиси бўйича тузилган)

Ойлар	III	IV	V	VI	VII	VII I	IX	X	XI	XII	I	II	ўрт. й-к	III-VI	VII I-X	X-II
м ³ /сек хисоби да	25.3	60.7	49.1	12.9	11	5.8	4.3	4.0	5.0	5.0	6.0	1.0	17.7	37.0	7.0	4.2
Йил. оқ-га нисбатан %	11.9	28.6	23.1	11.7	5.2	2.7	2.0	2.1	2.5	2.5	2.9	4.8	100	75.3	14.8	9.9

Оҳангарон дарёсининг ўртача кўп йиллик сув сарфи Ангрен шаҳрининг юқорисидида 22,8 м³/сек га тенг, ўртача йиллик сув сарфлари 11,6 м³/сек ва 36 м³/сек ўртасида ўзгариб туради. Максимал сув сарфи 1959 йил 8 апрел куни 460 м³/сек.га тенг бўлган, лекин бу сув сарфи шу давргача такрорланмаган. Дарё одатдаги максимал сув сарфлари 420 м³/сек дан ошмайди.

Оҳангарон дарёси сув йиғилиш майдонининг катта қисми -2576 км² Оҳангарон сув омборидан куйида жойлашган. Дарёнинг кўпчилиги ва асосий ирмоқлари, шу жумладан, сув кўплиги жиҳатидан энг йирик ҳисобланган ирмоқлари - Дукент, Қорабағир ва Ниёзбошсойлар, ана шу қисмидан оқиб тушади. Кўп ирмоқлар сув йиғилиш майдонларининг ўртача баландликлари 1500-1800 м ўртасида, сув йиғилиш майдони энг баланд жойлашган айрим ирмоқларнинг ўртача баландлиги эса 2200 м дан ортқ эмас. Шунинг учун ҳам дарёнинг сув омбордан куйида келиб қуйиладиган ирмоқлари кичик сойлар бўлиб, уларнинг оқим режими деҳқончилик учун Оҳангарон дарёсиникидан ҳам ноқулайдир. Ҳақиқатан ҳам, Оҳангарон дарёсининг ирмоқлари тўлиқ сув даврининг анча эрта кузатилиши, оқим миқдорининг у йилдан-бу йилга кўроқ ўзгариб туриши ва йиллик оқимнинг ҳосил бўлишида ёмғир сувларининг ҳиссаси катта бўлгани билан, Оҳангарон дарёсидан анча фарқ килади. Оҳангарон дарёсининг ирмоқлари учун сел ходисаси ҳосилдир.

Сув йиғилиш майдонининг энг пастки қисмидан оқиб тушувчи кичкина-кичкина ирмоқларнинг оқими 2- 2,5 м³/сек ни ташкил этади.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, сувнинг суғоришга олиниши ва ёйилмалар остида сизиб кетиши сабабли, Оҳангарон дарёсининг Оҳангарон сув

омборидан куйида жойлашган ирмоқлари, асосий ўзанга етиб кела олмай узок вақт давомида куриб ётади, лекин уларнинг ер остидан қайтадан чиққан сувлари кўпдан кўп қорасувларни ҳосил қилади.

Оҳангарон сув омборидан ўтгандан сўнг Оҳангарон сувининг суғоришга олиниши билан бирга грунт сувлари (қорасувлар) ва оқова сувлар келиб қўшилади. Оҳангарон дарёсига келиб қуйиладиган қўшимча сувлар миқдори ўртача ҳисобда 28,7 м³/сек га тенг, бу эса дарёнинг Оҳангарон сув омбори ёнидаги ўртача оқим миқдorigа нисбатан 12,6 % ни ташкил этади.

Оҳангарон дарёсининг суви унча лойқа эмас. Оҳангарон сув омбори яқинида дарё сувининг ўртача лойқалиги 0,17 кг/м³ тенг лойқа оқизиклар сарфи эса 3,8 кг/сек.

Оҳангарон водийси дарёси сувлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлатилиниши натижасида сувнинг сифати ифлосланиб бораётгани мутахассисларни ташвишга солмоқда. Шунинг учун Оҳангарон дарёси сувларидан оқилона фойдаланиш масаласи келгусида ҳам географ, гидролог ва экологлар олдида турган, тадқиқотларни талаб қиладиган масалалардан бўлиб қолмоқда.

ҲАВО ТАРКИБИГА ЧИҚАРИЛАДИГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЧИҚИНДИЛАРИНИНГ АТРОФ - МУХИТГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Чориев А.Ж, Холматов З.М.

Термиз давлат унверситети

Қаттиқ кўринишдаги фторид зарралар асосан АІЗ F6 нинг парчаланишидан пайдо бўлади. Қаттиқ зарралар 35—44 % ининг оғирлиги 1 мкг дан камдир. Алюминий ишлаб чиқарадиган заводларнинг атмосфера ҳавосини гигиеник нуқта назардан ифлослантирадиган, одам организми учун энг хавфли моддалар бу фторитлардир. Ҳаво таркибига кирган газ ҳолидаги фтор бирикмалари тирик организмлар учун заҳарлилиги билан ажралиб туради.

Мис метали сульфид маъданидан иборат бўлган концентратлардан олинади, бунда флотация ва гравитация усулларида фойдаланилади, Мис олиш асосан 4 хил жараён билан кечади, маъданларни куйдириш, эритиш, конвертациялаш ва тозалаш амаллари шулар жумласидандир, Бу мураккаб технологик жараёнлар натижасида атмосфера ҳавосига жуда кўп миқдорда турли таркибга эга бўлган чанглр ва газлар тушади. Масалан, 1 тонна концентрат тайёрлашда ажралиб чиқадиган чанг 67,5 кг, сульфид ангидриди — 625 кг га тенг бўлади.

Кўрғошин-рухли маъданлардан, кўрғошин ва рухли концентратлар эса маъданларни куйдириш ёки уларга флотация усулини қўллаш йўли билан олинади. Кейин бу концентратлар махсус конвейерларда олтингугурт ажратиб олиш учун куйдирилади, натижада кўрғошин оксиди ҳосил бўлади. Металл ҳолидаги кўрғошинни олиш учун махсуслот эритиш печига кокс, охак, рух оксиди солинади, шунда кўрғошин оксиди металл ҳолидаги кўрғошинга қайтарилади.

Махсуслотларни киздириш, куйдириш ва эритиш давомида газлар, чанглр ва сульфид ангидриди ҳосил бўлади ва хавони ифлослантирувчи омиллардан

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ОЧИҚ ВА ОҚОВА СУВ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ МОНИТОРНИГИ

Бобоев С., Келдиёрова Г., Фозилов А.*

Самарқанд давлат университети

Республикаимиз қолаверса, вилоятимиз сув манбаларининг ифлосланиш сабаблари: пестицид ва дефолиантлардан нотўғри фойдаланиш, минерал ўғитларнинг меъёридан ортик ерга солиниши ҳамда саноат, қишлоқ хўжалиги, маиший ва коммунал чиқиндиларининг сув ҳавзаларига ташланишидир.

Бугунги кунда аҳоли томонидан табиий ресурсларга эътиборсизлик, сув ҳавзаларининг ифлосланганлиги жуда кўп ҳолатларда кузатишмоқда. Самарқанд вилоят экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан вилоятдаги сув ҳавзаларининг ҳолатлари бўйича ҳар чоракда намуналар олинади. Бундан ташқари сув ҳавзаларидан оқилона фойдаланишни янада такомиллаштириш бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Самарқанд вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси вилоятдаги очик сув ҳавзалари, оқова сувлар ва оқова сувларни тозалаш иншоотлари сув манбаларидан 237 та намуна олган ва 4025 та таҳлиллар бошқарма томонидан бажарилган. Намуналардан 57 таси очик сув ҳавзаларидан 180 та намуна оқова сувларга тегишли. Олинган таҳлилий натижаларга асосан 4 та манбаларда ингредиентларнинг белгиланган меъёридан орткилиги аниқланган. Таҳлил натижаларига кўра 2017 йил 4-чораги давомида 8 та тозалаш иншоотидан 6 таси самарали ишлаган. Каттақўрғон сувоқовага қарашли “Бойназар” тозалаш иншооти ва “Алпомиш” АЖ тозалаш иншооти ишламаган. Воҳада суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларини ривожланиши Зарафшон дарёси сувларига режалаштирилган, ичимлик ва қишлоқ хўжалигида ерларининг суғоришнинг бошқа манбалари мавжуд эмас.

Шунга мос равишда аҳолининг ичимлик сув таъминоти икки давлат яъни Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари чегарасидаги (оралигидан) ҳосил бўладиган ер ости чучук сувлари манбаларидан ташкил топади.

Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг аналитик назоратга ихтисослашган инспекцияси томонидан олиб борилаётган таҳлилий назоратларга асосан Зарафшон дарёси сувининг таркибидаги нитратлар, нитритлар, аммиак, нефть маҳсулотлари, БПК, ХПК ва оғир металлардан мис, темир, хром бўйича кимёвий ифлосланишлар аниқланмоқда.

Ҳар ой давомида Жиззах, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятларига сув тарқатувчи 1-май тўғонида (плотинасида) таҳлил учун намуналар олинади. 2016-2017 йилларда ўтказилган таҳлиллар натижалари бўйича нитратлар ва нитритлар рухсат этилган меъёрдан (ПДК) 1,5 дан 3 мартагача, аммиак бўйича 1,5 дан 2 мартагача, мис бўйича июн ойида (сув энг кўп булган давр) ва ноябр

*Бобоев Собир Муродуллович – СамДУ, География ва экология факультети, Экология кафедраси профессори.

Келдиёрова Гулмира – СамДУ, Экология кафедраси докторанти.

Фозилов Азамат – СамДУ, Гидрометеорология кафедраси ассистенти.

karpsimonlar oilasiga mansub bo'lib, Respublikamizning deyarli hamma daryolarida, ko'llarida, suv omborlarida uchraydi. Qimmatli va mazali bo'lganligi uchun ovlanadi. Zog'ora Orol dengizi, Amudaryo va Sirdaryoda xalqimiz tomonidan juda qadim zamonlardan beri ovlanib kelinadigan sevimli baliqlardan biridir.

Zog'ora asosan 3—4 yoshida jinsiy voyaga yetadi. Uzunligi odatda 15—20 sm ga yetganda uvildiriq qo'ya boshlaydi. Urchish davri mart oylarining oxirlariga to'g'ri keladi. Aprel oyining o'rtalari, may oylarida zog'oraning to'dalari suv havzalarining o'simliklarga boy, ayniqsa, qamishzor, chuqurliklari 50—60 sm, hattoki 1 m bo'lgan joylariga uvildiriq tashlashadi. Odatda uvildiriq qo'yish vaqtlari erta tong paytlariga yoki kechqurunga to'g'ri keladi. Bu paytlarda suvning harorati 16—20° ni tashkil qiladi.

Zog'ora uvildiriqlarini bo'lib-bo'lib tashlaydi, shu sababli urchish davri ham biroz cho'zilgan. Zog'ora avval uvildiriqning 70—80 foizini sochadi, qolgan qismlarini esa keyinroq tashlaydi. Bunday uvildiriq qo'yish zog'oraning yosh chavoqlarini ovqat bilan ta'minlanishida katta ahamiyat kasb etadi.

Zog'oraning serpushtililigi turli suv havzalarida turlicha bo'ladi va baliqning uzunligi va og'irligiga qarab o'zgarib boradi.

O'zbekiston suv havzalarida zog'oraning 10—15 yoshga yetadiganlari uchraydi. Masalan, Janubiy Surxon suv omboridagi zog'oraning uzunligi va og'irligi yoshiga qarab oshib borishini kuzatish mumkin. Ikki yoshdagi zog'oraning uzunligi 14,5 sm va og'irligi 178 grammni tashkil qilsa, 3—4 yoshdagisining uzunligi — 26—29,2 sm va og'irligi — 382—560 g, 5—6 yoshdagisining uzunligi— 32,3—39,4 sm va og'irligi — 715—1630 g, 7—8 yoshdagisining uzunligi— 44,3—51 sm va og'irligi — 1583—2400 g ga teng. Hattoki, ba'zi hollarda 10—15 kg keladigan yoshi 14—18 ga yetgan zog'oralar ham uchrab turadi. Mamlakatimizning barcha suv havzalari va daryolardagi zog'oraning o'sish sur'ati va boshqa ma'lumotlarni to'liq berish imkoniyatimiz yo'q. Lekin shuni alohida ta'kidlash lozimki, daryolarda yashaydigan zog'oraning o'sish sur'ati suv omborlari va ko'llarda yashaydiganlariga nisbatan ancha pastroq bo'ladi. Bundan tashqari, zog'oraning o'sish sur'ati suv havzalarining ekologik xususiyatlariga, ozuqa massasiga ham bog'liqdir.

Keyingi yillarda zog'oraning soni sezilarli darajada kamayib bormoqda. Zog'ora baliqlarining kamayishiga erta bahorda, baliqlarning urchish davrlarida, suv havzalaridan suvning olinishi natijasida suv hajmining keskin pasayishi, suv havzalarining qirg'oqqa yaqin joylariga qo'yilgan baliq uvildiriqlarining quruqlikda qolib ketishi, ko'plab baliq chavoqlarining suv havzalaridan oqim bo'ylab kanallar orqali ekinzorlarga tushib, nobud bo'lishi kabi hodisalar sabab bo'lmoqda. Shuningdek, daryolar ifloslanishi, baliqlarning uvildiriq qo'yish joylaridan mahrum bo'lishlari ham salbiy oqibatlariga olib kelmoqda. Bular o'z navbatida baliqchilik uchun zarar keltirmoqda.

Suv xo'jaligi xodimlari suv havzalaridan kompleks ravishda, ya'ni faqat irrigatsiya maqsadida emas, balki baliqchilikni rivojlantirishni ham hisobga olgan holda foydalanishlari zarur.

бирига айланади. Бир тонна кўрғошин концентратига 68,5 кг чанг, 330 кг сульфид ангидриди тўғри келади.

Алюминийнинг енгил қотишмасини олиш учун у мис, магний ва кремний билан қотирилади. Одатда, булар махсус тигель печларида олинади. Алюминий асосида юқори сифатли қотишмалар олиш жараёнида ажралиб чиқадиган газларни, шунингдек оксидларни холи қилиш учун оҳак тошдан, калий-хлорид каби моддалардан фойдаланилади.

Алюминий қотишмаларини олиш жараёнида турли таркибга эга бўлган чанглар ажралиб чиқиб, алюминийнинг магнийли, рухли, кальцийли, натрийли хлор бирикмалари ва газ ҳолидаги хлор ҳосил бўлади.

Бу моддаларнинг ҳаммаси тирик организмлар учун ниҳоятда захарлилиги билан ажралиб туради. Латун ва бронза ишлаб чиқариш учун мис чиқиндилари ва синикларидан фойдаланилади. Металлар айланма тигель ёки яллиғ лакка печларда эритилади.

Эритиш вақтида чанг, газлар, ис гази, азот оксиди, сульфид; ангидриди, рух ва кўрғошин оксиди ҳавога учиб чиқади. Латун ва бронза ишлаб чиқаришда бир тонна қотишма тайёрлаш учун олиб бориладиган технологик жараёнларда ҳавога ажралиб чиқадиган чанг миқдори тигель печларида 6 кг, яллиғ печларда эса 35—30 кг атрофида бўлади.

Умуман металл ишлаб чиқарадиган корхоналар атмосфера; ҳавосини чанг ва газлар билан ифлослантирувчи объектлар бўлиб, одамлар истиқомат қиладиган жойлардаги радиуси 2—12 км бўлган минтакаларни ифлослантиради.

Металлургия комбинатлари чиқиндиларининг атмосфера ҳавосини ифлослантириши натижасида 5—6 км радиусдаги минтақада атмосферанинг тиниклиги 25—30%, ультрабинафша нурларининг ерга тушиши 30—35% камайишига сабаб бўлади.

Булардан ташқари, бундай ифлосланишлар атмосфера ҳавосининг ионли таркибини ўзгартириб юборади. Айниқса саноат чанглари таъсирида ҳавода оғир ионлар кўпайиб, енгил ионлар камайиб кетади.

Металлургия заводларининг атмосфера ҳавосига етказадиган зарари, шунингдек инсон организмга салбий таъсири Япония, АҚШ, Германия, Чехия, Словакия ва МДҲ республикаларида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида аниқланган.

Ўзбекистонда Олмалик, Чирчиқ, Навоий, Охангарон ва бошқа саноати ривожланган шаҳарларнинг аҳолиси атмосфера ҳавоси ифлосланишидан зудлик билан покланишни талаб қилади. Акс ҳолда ифлосликларнинг саноат корхоналари жойлашган шаҳар аҳолиси сихат-саломатлигига салбий таъсири янада кучайиши мумкин.

Атмосфера ҳавосининг зарарли аорганик моддалар—мис, рух, кўрғошин, кадмий, молибден, вольфрам, маргимуш, симоб ва бошқалар билан кўплаб ифлосланиши А. Комилжонов, Н. Скворцова, Г.М. Шандала, Л.Н. Бухряковалар томонидан тасдиқланган.

Алюминий заводининг Сурхондарё вилоятининг сарасиё, узун, олтинсой, кумкўрғон туманларининг тупроқлар, ўсимликлар, сувда футор мқдорнинг кўплиг аниқланган.

Шахар атмосфера ҳавосини ифлослантирадиган асосий омиллардан бири автотранспорт воситаларидир. Улар ифлослантирган ҳавонинг заҳарлилигини камайтириш мақсадида ёки ҳавога чиқариб ташланадиган чиқиндиларнинг умумий мқдорини камайтириш учун турли технологик жараёнларни қўллаш йўли билан исталган мақсадга эришиш мумкин.

ИНСОНИЯТ ВА ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР

Эрматова С.М., Юлдашева Б.О.,

Маълумки ҳаво хароратининг ошиши инсониятга бевосита хавф туғдиради бу жараёнда харорат, намлик ва кўёш тафтининг ўзгариши кишлоқ хўжалиги соҳаларига жиддий зиён етказида.

Иқлим моделларига кўра, ўртача глобал хароратнинг ошиши, денгиз сатҳининг кўтарилишига бўронлар ва жазирама каби экстремал табиий ходисалар қайтарилишининг ортишига ҳамда иқлим минтақаларининг кутбларга қараб кўчиши, куруқлик юзасининг каттагина қисмида тупроқ намлигининг камайишига олиб келади.

Иқлим ўзгариши ва чўлланиш дунё миқёсидаги экологик муаммо бўлиб, бугунги кунда юздан ортиқ мамлакатларнинг кишлоқ хўжалиги мазкур муаммо туфайли азият чекмоқда. Чўлланишнинг бош сабаби курғоқчил, ярим курғоқчил ёки намгарчилик кам бўлган худудларда кузатиладиган узок ва қисқа муддатли иқлим тебранишларидир. Бугунги кунда куруқликнинг деярли учдан бир қисмини курғоқчиликка учраган ерлар ташкил этади ва бу ерларда ер юзи аҳолисининг олтидан бир қисми истиқомат қилмоқда. Курғоқчил ерлардан ва ўсимлик дунёсидан нотўғри фойдаланиш, тупроқ ва шамол эрозияларнинг олдини олмаслик аста-секин чўлланиш жараёнини тезлаштириб, курғоқчиликнинг тез-тез содир бўлиши, тупроқ емирилиши ва курғоқчил иқлимни худудлар чўлланишга кучли таъсир кўрсатади.

Шунингдек, чўлланиш иқлим ўзгариши, биологик турлар хилма-хиллигининг камайиши ва дунё сувларининг ифлосланиши каби бошқа экологик муаммолар билан ҳам ўзаро боғлиқдир. Хароратнинг кўтарилиши, буғланиш даражасининг ортиши ёки ёгинларнинг камайиши, чўлланиш жараёнини жадаллаштиради. Чўлланиш иқлим ўзгаришларига ҳам регионал, ҳам глобал миқёсида таъсир кўрсатади. Бундан ташқари ўсимлик қопламнининг сийраклашиши, тупроқ сифатининг пасайиши углерод кўпроқ хосил қилади. Натижада ўсимлик кўпайган углеродларни қайта қабул қилиб, унинг биомасса таркибида кўпайишга олиб келади. Иқлимнинг глобал ўзгариши оқибатида эса харорат, буғланиш ва ёгинларнинг ўзгариши туфайли чўлланиш баъзи худудларда кучайиб, айримларидан пасайиш холатлари кузатилади.

Иқлим ўзгаришлари ҳозирги кунда жаҳоннинг кўплаб худудларида тоза ичимлик суви танқис бўлиб бормоқда. Албатта, буларнинг барчаси сув хавзаларининг ифлосланиши, экологик меёрларнинг бузулиши туфайли сув захираларининг сифат ёмонлашуви оқибатида юз бераётгани бугун ҳеч

Amudaryo gulbalig'i — O'rta Osiyoning eng katta daryolaridan biri— Amudaryo havzasida keng tarqalgan. Shuning uchun ham bu baliqni daryoning nomi bilan Amudaryo gulbalig'i deyiladi. Amudaryo gulbalig'i Amudaryo havzasining yuqori irmoqlari bo'lgan Varzob, Vaxsh, Qofirmihon, Surxondaryoning irmoqlari bo'lgan Sangardak, To'polang, Qoratog' kabi daryolarda hayot kechiradi.

Amudaryo gulbalig'i deyilishiga uning usti va suzgich qanotlari har xil rangdagi dog'lar bilan qoplanganligi va nihoyatda chiroyli bo'lganligi sabab bo'lgan. Mahalliy xalqlar ham uni gulmohi, ya'ni gulbaliq deb atashgan. Bu baliq o'zining chiroyli tuzilishi, go'shtining nihoyatda laziz bo'lishi bilan O'rta Osiyodagi baliqlar orasida alohida o'rin tutadi. Yangi tutilgan baliq tanasining usti, suzgich qanotlari, oyquloq qopqog'ining usti va yon tomonlarni och qizil, qora, qo'ng'ir-jigar rangdagi dog'lar bilan qoplangan bo'lib, har xil tovlanib turadi. Bu esa baliqda juda ham jozibali tus beradi. Bundan tashqari, dog'larning turli xil bo'lishi baliqlarning yashash sharoiti, yil fasliga, erkak va urg'ochiligiga, shuningdek, jinsiy mahsulotlarining yetilishiga ham bog'liqdir.

Amudaryo gulbalig'i tez oqar sovuq suvlarda hayot kechiradi va odatda 2—3 yoshda, uzunligi 15—20 sm bo'lganda jinsiy voyaga yetadi.

Gulbaliqlarning uzunligi 20 sm dan 60 sm gacha va og'irligi 200 g dan- 3—4 kg gacha bo'ladi. Ammo ularning asosiy qismining uzunligi 25—30 sm, og'irligi 300—500 grammni tashkil qiladi. Gulbaliqning vazni, uzun-qisqaligi, o'sish sur'atlari daryolardagi tabiiy muhitga ham bog'liq. Masalan, Sangardak daryosida 1—2 yoshlik gulbaliqning o'rtacha uzunligi 13—17 sm va og'irligi 33—64 g ni, 3—4 yoshdagisining uzunligi 20,6—27,2 sm va og'irligi 114—260 g, 5—6 yoshdagisi esa 37—47,4 sm va og'irligi 680—1340 g ni tashkil qiladi.

Gulbaliqning uvildirig'i yirik-yirik bo'lib, rangi qizg'ish-sariq tusdadir. Go'shti jigarrang bo'lib, nihoyatda mazali va to'yimli. Shuning uchun qadimgi ta-biblar undan ayrim kasalliklarni, hususan pushtsizlikni davolash uchun foydalanganlar. Kamquvvat, nimjon kishilarga gulbaliqning uvildirig'i va go'shtini iste'mol qilish tavsiya etiladi.

Amudaryo gulbalig'i yildan-yilga kamayib bormoqda. Buning asosiy sabablaridan biri shuki, gulbaliqlarning uvildirig' tashlash davrida ko'plab ovlanishi va ovlash uchun har xil zaharli hamda portlovchi moddalarning ishlatilishidir. Bunday noxush hodisalarni Surxondaryoning irmoqlari bo'lgan Sangardak, To'polang, Xonjiza daryolarida kuzatish mumkin. Bunday hollarga chek qo'yish, bu noyob va kamyob baliqni qo'riqlash, borlarini saqlab qolish, ko'paytirish va asrash yo'llarini topish, bunga keng jamoatchilik diqqatini tortish talab etiladi. Shuning uchun gulbaliq O'zbekiston «Qizil kitob»iga kiritilgan.

Zog'or

Zog'ora
(Сазан,
Карп)

*Cyprinus
carpio*—



йўллари, ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналари орасидаги мунособатларни белгилаши зарур.

Кичик дарёлар хавзаларида мавжуд сув ресурсларини бошқариш, такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланишдаги чора - тadbirlардан бири қишлоқ хўжалигида экин турларига қараб сув ажратиш сув таъминотини яхшилашдаги энг тўғри йўл ҳисобланади. Кичик дарёлар хавзаларида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни, кўпайтириш ва сифатини яхшилашга замин яратади.

O'ZBEKISTONNING SUV HAVZALARIDA TARQALGAN BALIQ TURLARI VA ULARNI MUHOFAZA QILISH MUAMMOLARI

Bobonazarov G.Y., Karakulov N.M., Ishmo'minov B.B.

Qarshi davlat universiteti


Toshkent davlat pedagogika universiteti

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Baliqchilik tarmog'ini boshqarish tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risi"da 2017 yil 1-maydagi PQ-2939-sonli qarorida ta'kidlab o'tilganidek, baliqchilik tarmog'ini boshqarish tizimini takomillashtirish, baliqchilik va baliq ovlash tashkilotlari faoliyati samaradorligini oshirish, baliq mahsulotlarini qayta ishlash bo'yicha ishlab chiqarish quvvatlarini kengaytirish, tabiiy va sun'iy suv havzalaridan oqilona foydalanish, shuningdek, baliq yetishtirishning ilmiy asoslangan usullari va intensiv texnologiyalarini joriy etish maqsadga muvofiqdir.

Keyingi yillarda respublikada aholining oziq-ovqat xavfsizligini ta'minlash, shu jumladan, sifatli baliq mahsulotlari ishlab chiqarish hajmlarini ko'paytirish bo'yicha bir qancha dasturiy chora-tadbirlar ishlab chiqildi.

Amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar natijasida 2016 yilda qariyb 3 ming gektar yangi sun'iy hovuzlar tashkil etildi, ularda 900 taga yaqin yangi baliqchilik xo'jaligi tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirmoqda. Baliqchilik xo'jaliklarini moliyaviy qo'llab-quvvatlash maqsadida «Ipoteka-bank» aksiyadorlik tijorat ipoteka banki tomonidan 116 milliard so'mdan ortiq kreditlar ajratildi. Aholining baliq mahsulotlariga bo'lgan ehtiyojini ta'minlash maqsadida 2016 yilda 76 ming tonnaga yaqin baliq yetishtirildi, bu 2015 yilga qaraganda 16 ming tonna ko'pdir.

Yuqoridagi masalalarni inobatga olgan holda vohalarda tarqalgan baliqlar muhofazasiga e'tibor qaratdik.



Amudaryo gulbalig'i

Amudaryo gulbalig'i (Амударьинская форель) *Salmo trutta oxianus* Kessler—
lososimonlar oilasining kenja turlaridan biri.

биримизга сир эмас. Айтиш жоизки саноат чикиндилари ва ўғитлардан интенсив фойдаланиш кўпгина холларда сувда зарarli кимёвий моддаларнинг ортишига сабаб бўлиб, нотўғри суғоришлар тупроқ шўрланиши ва сувнинг буғланиш даражасини кучайишига олиб келади. Кам шўрланган тупроқлар хосилнинг 40%, ўртача шўрланган ерларда 60%, шўрланган ерларда 80-100 %гача қисми нобуд бўлади. Бунда ёгинларнинг баъзи худудларида кўпайиб, бошқа жойларда камайиши эҳтимолдан холи эмас. Иқлим ўзгариши ёгингарчилик кам кузатиладиган худудларда чучук сув захираларини камайишига, ёгингарчилик кўп бўлган шароитда эса тошқинлар содир бўлиб дарё ва кўллардаги сув сатҳи кескин кўтарилиб кетади. Биргина ёгинларнинг 10%га камайиб, хароратнинг 1-2° С га ортиши қурукроқ хавзаларда оқимнинг 70%га камайишига олиб келиши мумкин. Натижада ер ости сув сатҳи пасайиб денгиздаги шўр сувларнинг чучук сизот сувлари билан аралашуви оқибатида шўрланиш хосил бўлади. Ёгинларнинг камайиши ва буғланишнинг ортиши қишлоқ хўжалик ерлари, ўрмон, ботқоқлик ва бошқа экотизимларга жиддий зарар келтиради.

БМТ конвенциясида ер ва унинг атмосфераси умумий – ҳамма учун ягонадир. Шу боис дунёнинг кўпгина мамлакатлари томонидан имзоланган БМТнинг "Иқлим ўзгариши тўғрисида"ги конвенцияси муҳим халқаро шартномалардан биридир. Мазкур шартноманинг мақсади иссиқхона газлари миқдори, иқлим тизимига хавфли антропоген аралашувни барқарорлаштиришдан иборат.

Бир сўз билан айтганда, жамиятнинг барқарор тараққиёти ва хавфсизлиги кўп жиҳатдан атроф-муҳит соғломлигига, қолаверса ундан хар бир фукаронинг тўғри ва унумли фойдаланишига боғлиқ. Шундай экан, она табиат нематларидан оқилона фойдаланиб, атроф - муҳитни самарали муҳофаза қилиш хар биримизнинг зиммамиздаги улкан маъсулият ҳисобланади.

ОПРЕДЕЛЕНИЯ ВОЗРАСТА ДРЕВНИХ ОРОШАЕМЫХ ПАЛЕОПОЧВ ИЛИ АГРОИРРИГАЦИОННЫХ ЛАНДШАФТОВ

Эшпулатов Ш.Я.

Кандидат сельскохозяйственных наук,

Ферганский государственный университет

Голоценовые почвы очень часто бывают погребены под искусственными насыпями, курганами, валами, выбросами, время сооружения которых определяется археологическими и другими методами.

Существует методика изучения погребенных почв авторами которой являются Александровской (1972), Торгулян (1976) и др. [1,4].

Очевидно, пришло время выделения почвенно-археологического метода, в качестве самостоятельного. Этому обязывает специфика изучения почв археологических памятников, таких как могильники, курганы, городские поселения и др.

В этом случае изучается почвы, погребенные различными сооружениями, которые имеют полигенетическое развитие.

Изучение почв в таком порядке и последовательности позволяет получить хронологиям различной деятельности. В связи со сказанным, археологические памятники Ферганской долины, одновременно являются памятниками природы, важнейшим объектом изучения которых является почва и почвообразующие породы.

Согласно методике исследований нами использованы материалы Ферганской экспедиции на памятниках Ферганской долины, в составе которой начиная с 1995 года ежегодно принимал участие автор настоящих исследований.

Из исторического обзора Ферганской долины вытекает, что на протяжении всего древнего периода Фергана сохраняла свою политическую самостоятельность. Это положение находит свое убедительное подтверждение в оригинальности ее культуры, выявленной в ходе ряда археологических исследований.

Идея сопоставительного анализа разновозрастных почв с целью выявления направления и темпов почвообразования была использована еще В.В. Докучаевым. В работе «Русский чернозем» с его стороны приводятся результаты сравнения почвенного профиля сформировавшегося на Староладожской крепости, с профилями почв окружающей территории (Докучаев 1883)[3].

Почвы с элювиально-иллювиальной дифференциацией профиля, где имеется иллювиально-карбонатный профиль, развиваются в течение 3000-4000 лет. Гетеромные почвы микропониженный формируются в течение 500-1000 лет (Геннадиев А.Н. 1986)[2].

Горизонтальное и вертикальное иллювиование проявляется в течение первой тысячи лет на разных этапах дифференциации почв по элементам рельефа и типам материнских пород. С лессованием связаны начальные периоды истории почв. Но современный биоклиматический потенциал этого процесса достаточно высок и при благоприятных условиях формуруется через 1000 лет после начала почвообразования на суглинках (Геннадиев А.Н. 1986).[2].

Одна из наиболее общих закономерностей развития и эволюции почвенного покрова является неодинаковость развития всех его компонентов, эта характерная черта почв и ландшафтов.

Стадийное развитие генетических явлений происходит с неодинаковой периодичностью и зависит от ряда почвенно-географических факторов. При этом развитие может происходить одно направленно, синхронно, разнонаправленно.

Известно, что сближение почва по соотношению элювиальных и аккумулятивных процессов обуславливает конвергенцию свойств компонентов почвенного покрова расхождение- дивергенцию.

В зависимости от влияния факторов в развитии почв и биогенный, топогенный, литогенный, климатогенный.

Развития на высокой эоловой равнине автономных почв сопровождается повышением уровня залегания в них углекислых солей, где происходит

Подшоотасой - Чоткол тизмасининг ён бағридан бошланади ва Наманган вилоятининг 24 минг гектар майдонлари суғорма дехқончиликда фойдаланилади. Бундан вилоятнинг Чортоқ туманида 5,0 минг гектар, Янгикўрғон туманида 19,0 минг гектар ҳамда Қирғизистон Республикасининг Оксув тумани 3,8 минг гектар, жами 27,8 минг гектар ерлар суғорилади. Дарё ҳавзаси денгиз сатҳидан ўртача 2000 метр баландликда жойлашган. Дарёнинг узунлиги 130 км. бўлиб, сув йиғилиш майдони 443 км³га тенг. Подшоотасой бошланишида чуқур даралар ҳосил қилади. Нанай кишлоғи ёнида тоғдан чиқиб, Қорабош кишлоғидан оқади ва катта ёйилма ҳосил қилади. Асосан қор, булок сувлари ва қисман музликлардан тўйинади. Ҳавзасида умумий узунлиги 4 км дан ортиқ 6 та музлик бор. Госту дарёси қуйилиш жойидаги гидрологик пост маълумотларига кўра дарё сувларининг ўртача йиллик оқими 178,3 млн.м³/йил ни ташкил этади. Дарёнинг ўртача йиллик сув сарфи 5,65 м³/с га тенг бўлиб, энг кўп ўртача сув сарфи июн ойига тўғри келади ва 27,3 м³/с ни, энг кам ўртача сув сарфи эса 0,74 м³/с ни ташкил этади. Подшоотасойдан йилига 130,9 млн.м³ сув истеъмол учун фойдаланиладиган бўлинса, шундан 30,9 млн. м³ носуғориш даврига, 100,0 млн м³ суғориш даврига тўғри келади.

Говасой – Чоткол тизмасининг жанубий ёнбағирларидан бошланади. Ҳавзаси – 344 км². Ангрэн платосида чуқур даралар ҳосил қилиб оқади. Дарё ҳавзасида 2600 – 2700 м баландликда иккита кўл бўлиб, дарё сувининг 10 фоизи шу кўллардан оқиб чиқади. Говасойнинг йиллик сув сарфи 5,08 м³/сек. Қор ва музликлардан тўйинади. Дарё водийсида йиллик ёгин миқдори 474 мм. Дарё сувининг 21 фоизи сизот (булок) сувларидан иборат. Март-август ойларида йиллик сув оқимининг 87 фоизи тўғри келади ва тўлиб оққан даври деб, ҳисобланади. Говасой вилоятнинг 8616 гектар майдонларини сув билан таъминлайди, Сойдан Чуст тумани 8445 гектар, Поп тумани эса 171 гектар унумдор майдонлар суғорилади. Говасойдан йилига 76,7 млн.м³ кишлок хўжалигида фойдаланиладиган бўлинса, шундан 16,5 млн. м³ носуғориш даврига 60,2 млн м³ суғориш даврида фойдаланилади. Вилоятда барча майда сойлар 116,5 млн.м³ сувдан фойдаланиладиган бўлса, шундан 20,5 млн м³ носуғориш даврида 96,0м³и суғориш даврида фойдаланилади.

Чодаксой – Курама тизмасининг ён бағридан, Ангрэн платосидан бошланади. Узунлиги 27 км, ҳавзасининг майдони 350 км², ўртача баландлиги 2370 м, сув сарфи 3,70 м³/сек, вегетация даври ўртача сув оқими 7,24 м³/сек. Қор ва музликлардан тўйинади. Поп туманида 190 гектар ерлар суғоришида фойдаланилади.

Чортоқсой – Чоткол тизмасининг Бўзбиттов тоғи (2875 м) ёнбағридан (озроқ қисми Қирғизистон ҳудудида) бошланади. Узунлиги 67 км бўлиб, ҳавзасининг майдони 715 кв км. Ўртача йиллик сув сарфи 2,3 м³/сек. Асосан ёгин ва булоқлардан тўйинади. Чортоқсой Подшоотасой суғориш тизмига қиради. Чортоқсой ҳисобига Чортоқ сув омбори ҳам 18 млн.м³ ҳажми билан қиради. Сув омбордан Чортоқ ҳамда Янгикўрғон туманларини 4415 гектар майдонлари суғорилади.

Бугунги кунда сувдан фойдаланиш режаси сув истеъмолчиларининг сувга бўлган талаб меъёрини, уни белгиланган даврда тежамли фойдаланиш

Кичик дарёларда мавжуд сув ресурсларининг умумий миқдорини аниқ баҳолаш, уларнинг оқиш режимини аниқлаш гидрологик тадқиқотлар шу жумладан зарур ҳисоб-китоблар ва башоратлар ёрдамида амалга ошириш керак. Гидрологик ҳисоб-китоблар ва башоратлар қўп йиллик кузатув маълумотлари асосида одатда маълум вақт оралиғи учун амалга оширилади.

Гидрологик башоратлар натижалари асосида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилари: (фермер хўжаликлари) ва бошқа муассасаларни сув истеъмоли миқдорларини аниқ белгилаш шунингдек иқтисодиётнинг барча тармоқларини сув ресурсларидан фойдаланиш фаолиятини режалаштириш имкониятлари яратилади.

Кичик дарё сувларнинг Наманган вилояти қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ўрни катта. Мавжуд суғориладиган ерлар 274, 4 минг гектарни ташкил қилишини ҳисобга оладиган бўлса, шундан 54250 гектари кичик сойлар ҳисобидан суғорилади.

Наманган вилоятидаги кичик дарёларнинг суғоришда Косонсой, Подшоотасой, Говасой, Чодаксой, Чортоқсой каби сойлар алоҳида аҳамиятга эга. Вилоятда шунингдек, Жийдалисой, Морғузарсой, Жабборсой, Кенгсой, Шербулоксой, Қуруқсой, Сассиқсой, Тўдасой (Чустсой) каби мавсумий сойлар ҳам мавжуд, аммо улар фақатгина ёгин-сочин сероб бўлган пайда ҳамда сел ҳодисалари вақтидагина оқим ҳосил қилади ҳолос.

Юқорида келтирилган кичик дарёлар ва ички манбаларда лойкаланиш кам, шўрланиш эса 0-1,0 г/л. Барча дарё сувларидан фойдаланиш режаси ҳар йили сув хўжалиги бирлашмалари томонидан тузилади.

Кичик дарёлардан бири Косонсой – Чотқол тоғ тизмасидан Чилқудуқсой номи билан бошланиб, шарқ ва жануби-шарққа томон оқади. Узунлиги 154 км, ҳавзасининг майдони 1650 км². Ўртача баландлиги 2347 м. Косонсой дарёсининг юқори оқими Қирғизистон ҳудудида қор ва музлик, ёмғирлардан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 9,81 м³/сек, ўртача оқим модули 5,94 л/сек км². Сувнинг 58 фоизи март-сентябрь ва 42 фоизи октябрь-февраль ойларига тўғри келади. Косонсой дарёсининг Ўртатўқай ботиғида Шимолий Фарғонадаги энг йирик бўлган Косонсой сув омбори (1941-1956 й.й.) барпо этилган бўлиб, бугунги кундаги сув сифими 160 млн.м³.дан иборат. Косонсой дарёсидан йил давомида ўртача 135,1 млн.м³сув истеъмол учун фойдаланиладиган бўлса, шундан носуғориш даврида 42,0 млн.м³,суғориш даврида эса 93,1млн.м³сувдан фойдаланилади.

Косонсой дарёси вилоятнинг 26000 гектар майдонларини суғоради. Шундан Чуст туманида 6230 гектар, Косонсой туманида 18600 гектарни Тўрақўрғон туманида 1170 гектарни ташкил қилади. Косонсой дарёси туман қишлоқ хўжалигини асосини ташкил қилади. Дарё ҳисобидан суғорилаётган 18600 гектарнинг 3496 гектари пахта, 5186 гектари ғалла, 2284 гектарини боғ ва узумзорлар, 407 гектари сабзавот ва полиз, 7227 гектари аҳоли томорқа майдонлар суғорилади. Чуст туманидаги жами 6230 гектар унумдор ерларнинг 976 гектари пахта, 1178 гектари ғалла, 2054 гектари боғ ва узумзорлар, 321 гектари забзавот ва полиз экинлари, 808 гектарига аҳоли томорқалари ва бошқа мақсадларда 893 гектар майдонлар суғорилади.

иллювирование карбонатов иногда с образованием мицеллярно-карбонатных конкреции.

В последнее время в географо-генетическом направлении исследовании почв все чаще высказываются мнения о том, что многие существующие представления об обусловленности современной географии- почв теми или иными факторами среди требует определенных корректив на основе более полного учета факторов времени и возраста почв. [5].

Антропогенные ландшафты с оазисными почвами возникшие в районах орошаемого земледелия отличаются своеобразным рельефом. Широкие приканальные повышения чередуются с межканальными понижениями и чашами.

В условиях антропогенного ландшафта с оазисными почвами наблюдается четкая дифференциация отложений по механическому составу, где межканальные понижения наполнены тяжелыми глинистыми отложениями, вдоль каналов и больших ариков тянется неширокая полоса песчаных и супесчаных отложений.

В результате орошения в зависимости от рельефа местности и мутности воды, режиме орошение, агротехники и других факторов на массиве орошение образуется культурно-оазисные почвы с различной мощности агроирригационных горизонтов.

Как было отмечено в культурно-оазисных почвах мощность агроирригационных горизонтов подразделяются: на слабые – 0.5 м., средние – 0,5-1,0 м, мощные ->1,0 м.

При почвенно-археологическим методе, при определении возраста древне-орошаемых палеопочв, определяется следующим образом: простым математическим способом определяется годичная мощность, с помощью которой определяется слой современного агроирригационного горизонта, с пересчетом с датой кургана. Затем с помощью годичный мощности определяется возраст погребенной под курганом палеопочвы. Затем при сложении обеих двух дат определяется возраст древне-орошаемых палеопочв.

Изучение факты говорят, что в настоящее время антропогенная деятельность проявляется настолько сильно, что ее воздействие на вещественный состав почв резко превышает физико-географических факторов. Изучение закономерностей формирования агроирригационных горизонтов и сероземно-оазисных почв представляети не только индивидуальной интерес. Оно помогает изучению таких фундаментальных проблем как геохимические закономерности распределение макро-микроэлементов во времени и пространстве.

**ЛАНДШАФТ КОМПЛЕКСЛАРИНИ SWOT – ТАҲЛИЛ УСУЛИДА
ТАДҚИҚ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ
Ярашев Қ.С., Абдулқосимов А.А.*
Самарқанд давлат университети**

Ландшафт комплекслари ўз-ўзини бошқарадиган ва ўз-ўзини тиклайдиган система бўлиб, уларда қуйи рангдаги географик компонентлар ва комплекслар ўзаро боғланган. Бу комплекслар битта ёки бир нечта компонентларнинг таъсирида доимий равишда функционал ҳолатда бўлиб, уларда етакчи омил вазифасини бажаради. Қуйи рангдаги географик компонентлар ва комплексларнинг ўзаро алоқадорлик характери, генетик хусусиятлари ва фарқларига кўра улар учта категорияга бўлинади: регионал комплекслар, типологик комплекслар ва парагенетик комплекслар. Бу комплекслар бир-бири билан боғлиқ бўлмаган мустақил таксономик бирликлар системасини ташкил этади. Қуйида ландшафт комплексларининг парагенетик ва типологик категорияларига қиёсий тавсиф бериб ўтамиз.

Типологик комплекслар ландшафт комплексларининг алоҳида категорияси бўлиб, улар морфологик жиҳатдан бир хил, генетик жиҳатдан турли хил табиий комплекслардан таркиб топган. Уларнинг ареаллари регионал комплекслардан фарқ қилиб, бир-бирларидан ажралган ҳолда учрайди ва улар ҳам мустақил таксономик бирликларни ташкил этади.

Типологик ландшафт комплекслар биринчилар каторида Ф.Н.Мильков (1954, 1959) томонидан Россия текислигининг ўрмон-дашт ва дашт зоналари доирасида тадқиқ қилиниб, уларга тавсиф берилган ва карталаштирилган. Муаллиф типологик ландшафт комплексларини ажратишда ва карталаштиришда асосан қуйидаги таксономик бирликлар системасидан фойдаланган: ландшафт типи, жой типи ва урочиша типи. Ҳар бир географик зонада муайян бир ландшафт типи ҳукмронлик қилади. Масалан, чўл зонасида чўл ландшафт типи, дашт зонасида дашт ландшафт типи, субтропик зонада субтропик ландшафт типи ва ҳ.к. Булардан ташқари интразонал ландшафт типлари ҳам мавжуд. Бунга ботқоқ ландшафт типи мисол бўлади (1-чизма).

Ўрта Осиё шароитида ландшафт типлари Н.А.Гвоздецкий (1961), В.М.Чупахин (1964) ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган ҳамда ажратилган. Н.А.Гвоздецкий (1961) ландшафт комплексларини таснифлаш билан шуғулланиб, тоғ ландшафтлар синфи таркибида гляциал-нивал, тоғ тайга, баланд тоғ альп ўтлоқ-дашт ландшафт типларини ажратган. В.М.Чупахин (1964) Тяньшан тоғ системаси ҳудудида ландшафт карталаштириш ва комплекс табиий географик районлаштириш ишларини олиб бориб, у ерда 29 та ландшафт типини ажратган ва картага туширган. Бунга мисол қилиб тоғолди текислик эфемер-шувоқли чўл, ўртача баланд тоғ кенгбаргли ўрмон, водий дашт, тоғоралиғи ботиқ чўл-дашт ва бошқа ландшафт типларини кўрсатиш мумкин.

* Ярашев Қувондик Сафарович – СамДУ, Гидрометеорология кафедраси докторанти;
Абдулқосимов Али Абдулқосимович - СамДУ, Гидрометеорология кафедраси профессори, г.ф.д.

педагогик фаолиятини олиб бораётган серқирра олим, топонимист, географ геология-минералогия номлари номзоди Асрор Низомов, топонимика ва географик топонимика шаклланиши ҳамда ривожига қўшаётган ҳиссаси ниҳоятда каттадир.

География, тарихий география, геоморфология, геология каби фанлардан дарсларни малакали олиб бораётган олим, ҳозирда топонимика фанини республика олий таълим муассасаларида ўқитилиши учун ўзининг ўқув қўлланмалари, мажмуалари билан ном қозонган. Унинг “Ўзбекистоннинг қадимги гидротехник иншоотлари географияси” монографияси (2008 йил), “Табиий географик жараёнлар” (2015 йил), айниқса, “Топонимика” (2012, 2017 йил) ўқув қўлланмалари, улардаги илмий ва амалий маълумотлар, топонимика ва геотопонимика фанлари, уларнинг география таълимидаги аҳамияти нечоғлиқ муҳимлигини белгилайди.


Топонимика географик фан эканлигини ушбу асарларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида яққол намоён бўлади. “Топонимика” қўлланмасидаги топонимик қонуниятлар, стратиграфик қатлам қайта ишлаб тузилган, фанда илк бора топонимик районлаштириш принциплари ва методлари ишлаб чиқилган ҳолда республика ҳудуди 8 та районга ажратилганлиги диққатга сазовордир. Масалан, “Топонимларнинг географик таснифлаш” мавзусида берилган маълумотлар оригинал ҳисобланиб, бирор бир адабиётда бунинг қиёси йўқ. Топонимист олим топонимларни таснифини шакллантиришда маҳаллий ва географик омилларни бениҳоя катта маҳорат билан мужассамлайди. Бу ўринда келтирилган топонимларнинг “худуднинг сув манбаалари”, “ўсимликларнинг номи билан боғлиқ ҳолда шаклланган топонимлар, яъни фитотопонимлар”, “ғаройиб номлар” ва уларга берилган шарҳлар топоника фанини бойитгандир.

Ҳозирги кунда топонимика ва геотопонимика география, филология, тарих ва бошқа йўналишларда ўз ўрнига эга бўлган, асосий мутахассислик фанлардан ҳисобланади. Бу ўринда географ олимлар томонидан ишлаб чиқилган дастур, ишланма, услубий ва ўқув қўлланмалар, топонимикани геотопонимикага айланишига хизмат қилиши ҳамда бў ўринда география нуфузини янада кўтарилишига асосий омил бўлиши, уни интегратив фан сифатида қабул қилинишига хизмат қилади.

**КИЧИК ДАРЁ ХАВЗАЛАРИДА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ВА
УЛАРДАН САМАРАЛИ ФЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ
Баратов А.С.**

Наманган давлат университети

Дарё хавзаларида сув ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш одатда дарё хавзасидаги мавжуд сув ресурсларининг умумий миқдорини аниқ баҳолаш асосида олиб борилади. Бунда дарёларнинг оқим режимини белгилаш билан бирга, дарё хавзасидаги сув истеъмолчилари томонидан фойдаланилаётган сувларнинг умумий миқдорлари аниқ ҳисоб - китоб қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шундан сўнг, мазкур сув истеъмоли дарё сув оқими режимига мос тушишини аниқлаштириш асосида қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш талаб қилади.



5-расм. Картанинг интерактив қисми.

География дарсларида АКТларидан фойдаланиш ўқувчиларнинг географик ахборотлар йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш, баҳолаш, англаш ҳамда мазкур ахборотлардан тўғри фойдаланиш, турли амалий мақсадларга эришиш учун ўз билимларини қўллаш ва бошқариш каби саводхонлик кўрсаткичлари, яъни географик маданияти компонентлари шаклланади.

Мазкур манбаларни “Дрофа” медиаконпаниясининг интернетдаги веб-саҳифасидан ёки мақола муаллифларидан олиб фойдаланишингиз мумкин. Маълумот ва боғланиш учун Botu7612@gmail.com электрон манзилига мурожаат қилинг.

ГЕОГРАФИК ТОПОНИМИКА ВА ТОПОНИМИКА ҲАҚИДА

Абдуллаев И.Х., Абдуллаев И.И.*

Бугунги кунда география фанида топонимика ва геотопонимика ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар турли фан номоёндалари томонидан, яъни, асосан географ, лингвист, филолог ва атамашунослар берилмоқда. Топонимика фан сифатида ХУП-ХУШ асрда шаклланиб, дастлабки нашр этилган асарлардан “Географические имена” (Н.И.Березин, 1984), “Географические имена” (А.А.Ивановский, 1914) кабиларни кўрсатишимиз мумкин. Аммо аждодларимиз меросига назар соладиган бўлсак, Абу Райхон Бериунийнинг “Ҳиндистон”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарларида кўплаб географик жойлар номлари, уларнинг келиб чиқиши ва тарихи ҳақида маълумотлар бор.

Замонавий география фанида географик топонимика ривожига ҳисса қўшган ва давом эттираётган олимлардан география фанлари доктори, профессор, “Ўзбек Магеллани” номини олган Х.Хасанов, география фанлари доктори Э.М.Мурзаев, география фанлари доктори, профессор Суён Қораев, география фанлари номзоди, доцент Патихкамол Ғуломов, география фанлари номзоди, доцент Мирали Миракмаловларни алоҳида қайд этишимиз керак. Бугунги кунда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида

* Абдуллаев И.Х. Низомий номидаги ТДПУ, география фанлари номзоди, доцент
Абдуллаев И.И. Низомий номидаги 21 мактаб тарих ўқитувчиси


Ўзбекистонда типологик ландшафт комплексларини тадқиқ қилиш, жой типларини ажратиш ва карталаштириш 1960 йиллардан кейин бошланди. А.А.Абдулқосимов (1962) Фарғона ботиғини ландшафт-типологик карталаштириш ва табиий-географик районлаштириш муаммоси билан шуғулланиб, тўқай, қайир усти терраса, эол кумли чўл ва адир жой типларини ажратган. Кейинчалик Ўрта Осиё воҳа ландшафтларининг, шунингдек Сурхондарё ботиғини морфологик структурасини ва ички хусусиятларини таҳлил қилиб, унинг таркибида тўқай воҳа, қайир усти терраса воҳа, дельта воҳа, тоғолди текислик воҳа, кумли чўл воҳа ва бошқа жой типларини ажратиб, уларнинг тавсифини берган ва карталаштирган.

Ш.Эргашов (1974) Сурхондарё вилоятини ландшафт районлаштириб, ҳар қайси ландшафт ҳудудида жой типларини ажратиб, уларнинг характерли хусусиятларига изох берган.

Ландшафт комплексларининг яна бир категориясини парагенетик комплекслар ташкил этади. Парагенетик комплекслар бир-бирига ёндош ва чегарадош бўлган, келиб чиқишининг умумийлиги билан ўзаро боғланган турли хил таксономик рангдаги регионал ёки типологик комплекслардан таркиб топган бир бугун системадир. Агар бирор географик компонентда ёки муайян ландшафт комплексида ташқи ва ички кучлар таъсири натижасида ўзгариш содир бўлса, бундай ўзгариш фақатгина оқибат юз берган ландшафт доирасида бўлиб қолмасдан, балки қўшни ландшафтларда ҳам кузатилади. Шунинг учун ҳам парагенетик ландшафт комплексларни ўрганиш, уларни тадқиқ қилиш табиий географик ва антропоген-ландшафт прогнозлаштириш муаммоларини ҳал этишда илмий ва амалий аҳамият касб этади.

«Парагенезис» атамаси бир қатор фанларда кўп йиллардан бери қўлланиб келинади. Бу атама минералогияда биргаликда ер пўстида жойлашган ва ҳосил бўлиш шароитининг умумийлиги билан боғлиқ бўлган минералларга нисбатан кенг қўлланилади. 1966 йилдан бошлаб «парагенезис» атамаси «Табиий география» ва «Ландшафтшунослик» фанларига кириб келиб, уларнинг таркибидан ўрин ола бошлади. Бу борада шуни таъкидлаш лозимки, ландшафтшунос географлар «парагенетик» тушунчасига ландшафтшунослик, аниқроғи парагенетик ландшафт комплекси нуктаи назаридан ёндашишган. Ана шу нуктаи назарга ва янги парагенетик йўналишга асосланган ҳолда улар ҳозирги босқичда регионал ва типологик комплексларни ўрганиш билан бир қаторда парагенетик ландшафт комплексларини тадқиқ этиш ландшафтлар географиясини барқарор ривожланишига ва такомиллашиб боришига катта имкониятлар яратиб беришини эътироф этишган (Ярашев, 2009, 2015).

Ландшафт комплексларининг регионал, типологик ва парагенетик категорияларини таҳлили шуни кўрсатадики, биринчи ва иккинчи категория комплексларининг таксономик бирликлар системаси ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган. Лекин, парагенетик ландшафт комплексларини таксономик бирликлар системаси тўлиғича ишлаб чиқилмаган. Биз ўз тадқиқотларимизда А.Абдулқосимов томонидан ишлаб чиқилган таксономик бирликлар системасини қайта ишлаб чиқдик ва тўлдирдик (1-чизма).



1-чизма. Ер ландшафт сферасининг схематик структураси

Бу таксономик бирликлар системасидан катта-кичик регионларни ландшафт-типологик карталаштиришда, табиий географик районлаштиришда, ландшафтларнинг морфологик структурасини очиб беришда ва таснифлашда кенг қўлланилади. Қуйида ландшафт комплексларини тадқиқ этишда типологик ва парагенетик принципларга асосан тадқиқ этишни SWOT – таҳлил усулида кўриб чиқамиз (1-2-жадваллар).

1-жадвал

Ландшафт комплексларини типологик принципга асосан

SWOT – таҳлил усулида ўрганиш


S	Кучли томони	Типологик комплекслар ўзининг морфологик ўхшашлик ва полигенетик хусусиятлари ҳамда ареалларининг бир-бирдан ажралган, тарқоқ ҳолда учраши билан характерланади. Типологик комплексларни ўрганишда биринчи навбатда барча типга хос бўлган умумий белгиларига аҳамият берилади. Иккинчидан типологик комплекслар морфологик алоқадорлик принциpigа асосан тадқиқ этилади.
W	Ожиз томони	Ландшафтлар ёки уларнинг морфологик бирликларининг бир-бирига таъсири, таъсир этиш механизмининг очиб беришнинг иложи йўқ.
O	Имкониятлари	Ареаллари бир-бирдан ажралган, тарқоқ ҳолда учрасада, уларни тадқиқ этиш ва тавсифлаш масаласи осон. Масалан, адир жой типи ҳамма ҳудудда бир-бирига ўхшаш, ёки эол кумли чўл жой типи ҳам шундай характерланади. Жойлар ёки вариантлар ҳудуднинг геологик тузилиши ва рельеф шаклларига боғлиқ равишда фарқланиб боради, бу ландшафтлар типини ажратишни осонлаштиради.
T	Хавфлар	Жой типларининг морфологик жиҳатдан бир хиллиги нисбий эканлиги; хар бир муайян жой, урочиша ва ҳатто фация индивидуал характерга ҳамда регионал хусусиятларга эгаллиги.

2-жадвал

Ландшафт комплексларини парагенетик принципга асосан


SWOT – таҳлил усулида ўрганиш

S	Кучли томони	Бирор географик компонентда ёки муайян ландшафт комплексида ташқи ва ички кучлар таъсири натижасида ўзгариш содир бўлса, бундай ўзгариш фақатгина оқибат юз берган ландшафт доирасида бўлиб қолмасдан, балки қўшни ландшафтларда ҳам кузатилади. Шунинг учун ҳам парагенетик
----------	---------------------	--



3-расм. Карта шартли белгилари ва қатламлари.


Картада географик объектлар бўйича қўшимча иллюстратив маълумотлар (фотолавҳалар, матнли ва динамик маълумотлар) берилганки, бу машғулотда бериладиган географик ахборотларни тўлдирди. Мисол тариқасида, баландлик ва чуқурликлар шкаласи, аниқ географик объектлар (Ер шари куруқлик ва океан қисми бўйича 30 дан ортиқ) Химолой чўққиси, Антарктида сохиллари, Кариб денгизи каби жойларнинг маълумотлари кўринади (4- расм).



4-расм. Картанинг қўшимча иллюстрациялари.

Манбанинг интерактивлиги унинг шу муҳитда фойдаланиш давомида ўқитувчи ва ўрганувчилар томонидан турли ёзувлар ёза олиши, чиқиқлар ва белгилар қўя олишида намоён бўлади (5-расм). Масалан, карта билан ишлаганда географик объектларга тегишли миқдорий ва бошқа кўрсаткичлар (унинг ўлчамлари, саналар, исмлар ҳамда географик терминлар) ёзув ва геометрик шаклларда турли ранглар ифодасида таъсирчан ҳолатда белгилар қўйиб бориш, мазкур амалларни сақлаб қўйиш имкониятлари жамланган. Ундан табиий география фанлари машғулотларида кенг ва самарали фойдаланиш мумкин. Амалиётимизда иқтисодий ва ижтимоий география, топография ва картография ҳамда махсус география фанлари бўйича жамланган электрон карталардан фойдаланиб келмоқдамиз.


Кутубхоналарда турли географик дастурлар, энциклопедиялар, маълумотномалар ҳамда электрон интерактив карталар мавжуд бўлиб, улардан замонавий таълим воситаси сифатидан кенг фойдаланилади. Биз амалиётда қўллаб келаётган электрон табиий картадан фойдаланиш бўйича йўриқларимиз ва тажрибаларимиз билан ўртоклашмоқчимиз. Интернет тармоғи таълимий ресурсларидан унумли фойдаланиш мақсадидаги интилишимиз натижасида жуда кўп географик интерактив карталарни олганмиз. Булардан бири Россия Федерацияси “ДРОФА” медиакомпаниясининг “Угол падения солнечных лучей” номли манбасидир (1-расм).



1-расм. Электрон картанинг асосий кўриниши.

Мазкур манба босма табиий карталарнинг алтернатив варианты сифатида катта ҳажмли экранда проекция йўли билан намойиш этилади. Унинг 1-бўлимида Ер шарининг йил бўйи ёритилиши бурчакларини кўрсатувчи икки ўлчамли динамик ролик яратилган бўлиб, ўргатувчи ва ўрганувчига аниқ астрономик-географик тасаввурни тақдим этади (2-расм).

Электрон картада шартли белгилар қисми алоҳида иллюстрацион тарзда берилган. Картада бир неча қатламлар билан ишлаш имконияти берилган (3-расм).



2-расм. Ер шарининг йил бўйи ёритилиши.

		ландшафт комплексларни ўрганиш, уларни комплекс тадқиқ қилиш табиий географик ва антропоген-ландшафт башоратлаштириш муаммоларини ҳал этишда катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.
W	Ожиз томони	Парагенетик комплексларнинг таксономик бирликлар системаси ҳозирга қадар ҳам тўлиқ ишлаб чиқилмаган.
O	Имкониятлари	Парагенетик комплексларни ўрганиш ландшафтлар динамикасини тадқиқ қилишнинг янги-янги услубий имкониятлардан фойдаланишга йўл очиб беради. Ландшафтлар ўртасида таъсир этиш механизмини аниқлаш, уларнинг ўзгаришини прогноزلашда катта имконият яратади. Келиб чиқишидаги ўзаро боғлиқлик ва умумийлик ландшафт комплексларини таъсир этиш механизмини, мода ва энергия алмашилиш жараёнини аниқлаш имконини яратади.
T	Хавфлар	Айрим ҳолатларда парагенетик ландшафт комплекслар ва типологик комплекслар бир-бирини такрорланиб қолиши мумкин. Масалан, қайир, қайир усти террасса.

Хулоса қилиб шуни эътироф этиш лозимки, агар геокомплексларга ландшафт-типологик нуқтаи назардан тавсиф берилса морфологик алоқадорлик принципага, парагенетик комплекс нуқтаи назаридан тавсиф берилса парагенетик принципага, яъни уларнинг келиб чиқишидаги ўзаро боғлиқлик ва умумийлик принципага асосланиш мақсадга мувофиқдир.

JIZZAX VILOYATIDAGI LALMI TUPROQLARNING YER ZAXIRALARI

Kayumova M.M., Qayumova Z.M.

Jizzax Davlat pedagogika instituti

Samarqand shahar 42-sonli umumta'lim maktabi

Lalmi tuproqlarning unumdorligini belgilovchi asosiy omil bo`lib, uning mexanik tarkibi hamda, unga bog`liq tuproqni agrofizikaviy texnologik xususiyatlari, suv o`tkazuvchanligi, nam sig`imi va tuz meyorlari hisoblanadi.

Jizzax viloyati lalmi tuproqlari ichida ko`proq, o`rtacha qumloqli fizikaviy va agronomik xususiyatlarga egadir.

1-jadval

№	Tumanlar	Loylar	Og`ir qumloqli	O`rtacha qumloqli	Yengil qumloqli	Qumloqli
1.	Baxmal	-	3,5	81,5	15,0	-
2.	G`allaorol	-	2,1	71,1	26,8	-
3.	Zomin	-	8,4	80,8	10,8	-
4.	Zarbdor	1,1	21,8	64,6	12,5	-
5.	Mirzacho`l	-	-	100,0	-	-
6.	Zafarobod	-	-	-	100,0	-
7.	Forish	-	8,7	87,7	9,9	2,7
8.	Yangiobod	-	4,6	78,0	17,4	-
Jami viloyat bo`yicha		0,1	5,3	74,4	19,9	0,3

(Jizzax viloyati Yer resurslari boshqarmasi ma`lumotlari 2015 y)

Tuproqning xususiyatlarini yomonlashtiruvchi omillardan biri suv eroziyasi bo`lib hisoblanadi. Ular yonbag`irli yerlarda ko`proq uchraydi, chunki bu yerlarda

suv oqimi katta tezlik oladi. Tuproq eroziyasida suv oqimlari bilan uning eng unumdor qatlami buziladi va olib ketiladi. Tuproq yuzidagi mayda tuproq zarrachalari olib ketilgandan so'ng tuproq tosh, shag'al va karbonatlarni qattiq bo'laklari bilan boyib ketadi. Bularning barchasi lalmi tuproqlarni ishlab chiqarish qobiliyatini pasaytiradi.

Lalmi tuproqlarning yuvilganligiga ko'ra tavsifi (% hisobida)

2-jadval

№	Tumanlar	Eroziyaga uchragan, ga	Shu jumladan		
			Kuchsiz yuvilgan	O'rtacha yuvilgan	Kuchli yuvilgan
1.	Baxmal	32847	23,1	46,6	30,3
2.	Jizzax	17308	17,2	55,4	27,4
3.	Zomin	13242	24,9	70,9	4,2
4.	Zarbdor	12479	41,4	42,9	15,7
5.	Zafarobod	673	100	-	-
6.	Forish	13035	58,2	37,8	4,0
7.	Yangiobod	10841	39,6	57,7	2,7
Jami viloyat bo'yicha		100425	31,4	50,7	17,9

(Jizzax viloyati Yer resurslari boshqarmasi ma'lumotlari 2015 y)

Viloyat hududida 2-jadvaldan ko'rinib turibdiki, o'rtacha yuvilgan tuproqlar ko'proq. Kuchli yuvilgan lalmi tuproqlar faqat Baxmal va Jizzax tumanlarida keng tarqalgandir. Tuproq unumdorligiga bundan tashqari, uning toshloqligi ham salbiy ta'sir ko'rsatadi. Tuproqdagi tosh va shag'allar unga mexanik ishlov berishni og'irlashtiradi. Undan tashqari suv – fizikaviy xususiyatlarini yomonlashtiradi. Yuqori darajada toshloqli toshloqli tuproqda uning mayda zarrachalarini ham kamaytiradi. Bunday tuproqlarda tuproq namligi va o'simliklarning ozuqa elementlari uncha yuqori bo'lmaydi.

3-jadval ma'lumotlaridan ko'rinib turibdiki toshloq yerlar faqat Forish va Yangiobod tumanlarida uchraydi. Bu tumanlarda kuchsiz toshloqli (79,7 %) tuproqlar ko'proq uchraydi.

3- jadval

Lalmi tuproqlarning toshloqligiga ko'ra tasnifi (% hisobida)

№	Tumanlar	Toshloqli yerlar, ga	Shu jumladan	
			Kuchsiz toshloqli	O'rtacha toshloqli
1.	Forish	3485	100,0	-
2.	Yangiobod	1370	28,1	71,9
Jami viloyat bo'yicha		4855	79,7	20,3

(Jizzax viloyati Yer resurslari boshqarmasi ma'lumotlari 2015 y)

Lalmi tuproqlar sifatini yuqori darajada tuproq – gruntning gipslashganlik darajasi ham pasaytiradi. Gipslar tuproqni zichlashtiradi, natijada uning suv – havo va ozuqa meyyorlari yomonlashadi, shuningdek madaniy o'simliklarning ildiz tizimini rivojlanishi qiyinlashadi. Viloyatning gipslashgan yerlari ichida o'rtacha gipslashgan tuproqlar ko'proq uchraydi, lekin G'allaorol tumanida gipslashgan yerlarning yarmidan ko'prog'i kuchli darajada gipslashgan tuproqlar guruhiga kiradi

таркибидаги –ак кичрайтириш аффикси. Демак, Регистонак – «кичикроқ кумлоқ» маъносидадир.

Ромитан туманидаги дўнгликнинг номи *Қизилтоштиктепа* деб аталади. Топоним таркиби тўртта сўз – *қизил, тош, тик* ва тепа сўзларидан иборат. Топонимнинг биринчи компоненти – *қизил* сўзи бу ерда ранг-тусни билдирмоқда. Топонимнинг иккинчи компоненти – *тош* сўзи эса «*алоҳида турган қоятош*» маъносини билдиради. Топонимнинг учинчи компоненти – *тик* сўзи қизил рангли якка қоятошнинг юзага нисбатан вертикал (тик) ҳолатда турганлигини билдиради. Топонимнинг тўртинчи компоненти – Қизилтоштиктепа – «*қизил рангли тик (вертикал) турган қоятоши бор дўнглик*» деган маънони англатади.

Сариқум Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги чўл (кумлик) нинг номи. Чўл (кумлик) Қоровулбозор аҳоли пунктидан жануби-шарқда, Шовдир урочишчесининг жанубида, Жанама урочишчесидан шимоли-шарқда, Жарқоқ платосидан жанубда жойлашган. Топоним таркиби иккита сўз – *сар* ва *қум* сўзларидан иборат. Топонимнинг биринчи компоненти – *сар* форсча-тожикча сўз бўлиб, «*боши*», «*бошланиши*», «*юқори томон*», «*баланд*», «*уст*» деган маънони билдиради. Шарқ топонимикасининг билимдони, таниқли рус топонимист ва терминшунос олими Э.М.Мурзаев ҳам тожикча *сар* сўзи «*боши*», «*юқори*», «*чўққи*», «*бошланиши*» каби маъноларда келиши ҳақида ёзади [1]. Топонимнинг иккинчи компоненти – *қум* сўзи эса *тоғ жинслари ва минералларнинг сочилувчан зарраларини* билдиради [3]. Топоним таркибидаги – *и* кўшимчаси ўзбек тилидаги –*лик* кўшимчаси англатган маънони билдиради, яъни мансубликни англатади [2]. Демак, Сариқум – «*баланд кумлик*» ёки «*кумликнинг бошланиши қисми*» деганидир.

ЭЛЕКТРОН КАРТАЛАР ЗАМОНАВИЙ ИНТЕРАКТИВ

ТАЪЛИМ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

Абдурахмонов Б. М.

Наманган давлат университети

Республикамизнинг замонавий тараққиёт йўлига ўтишидаги янгиланишлар жамиятимизда демократик ва инсонпарварлик ғояларига тўла риоя қилиш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муносабатларни умуминсоний ва миллий кадрятлар асосида тубдан ўзгартириш, илғор ривожланган давлатларда қўлга киритилган ютуқларни танқидий ва таҳлилий ўрганиш, уларни республикамиз шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда ҳаётга жорий этиш орқали амалга оширилмоқда.

География фани муҳим хусусияти шундаки, унда жуда кўп ахборотлар жамланган. Замонавий география дарсларини ташкил этиш ўқитувчилардан жуда кўп ахборотлар билан, энциклопедиядан то ОАВдаги геоахборотлар билан ишлашни талаб этади. Дарсларда АКТ, географик дастур ва электрон интерактив карталардан таълим воситаси сифатида кенг фойдаланиш, зарур ахборотларни излашда вақтни тежаб, тайёргарлик босқичида фойдаланиладиган манбалар хажмини умумлаштиради.

билдиради», дея уктиради [4]. Кудук бепоён Қизилқум чўлида жойлашганлиги сабабдан ҳам шундай ном олган бўлса керак.

Олот туманидаги тоғнинг номи *Жиллиқоя* деб аталади. Таникли ўзбек топонимисти С.Қораевнинг маълумотларига кўра, топоним «*силлиқ қоя*» ёки ўта исиб кетадиган «*жили қоя*» бўлиши мумкин [4]. Бизнингча, олимнинг биринчи фикри ҳақиқатга яқинроқ. Мазкур тоғ Денгизкўл платосининг жануби-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, паст тоғлар сирасига киргани ҳолда, юзаси силлик, киррали чағир тошлару қоятошлар деярли учрамайди. Шу сабабдан ҳам топонимни «*силлиқ қоя*» деб изохлаш тўғри бўлса керак.

Ковакли – Қоровулбозор туманидаги қумлик, чўлнинг номи. Топоним таркибидаги *ковак* сўзи «*чуқурча*», «*бўшиқ*» деган маъноларни билдиради. Ороним таркибидаги *–ли* қўшимчаси эса кўплик аффикси. Демак, Ковакли – «*чуқурчалари, бўшиқлари кўп ер*» демакдир.

Қорақўл туманидаги кудуклардан бирининг номи *Оққум*. Маълумки, топонимияда *оққум* сўзи «*ўсимликсиз қум*», «*кўчиб юрадиган қум*», «*оқар қум*», «*асли оқма қум*», «*кўчма қум*» деган маъноларни билдиради. Маҳаллий аҳоли кудук жойлашган худуддаги қумликлардан, қирлардан иборат ерни *оққум* (*Оққум чўли*) деб атайдди. Гидронимнинг бундай аталишига у жойлашган худуднинг табиий шароити сабаб бўлган.

Регдамин Вобкент туманидаги кишлок номи. Географик жой номи аслида *Регизамин* бўлса керак. Топонимнинг биринчи компоненти – *рег* сўзи форсча-тожикча бўлиб, «*майда қум*» деган маънони билдиради [3]. Топонимнинг иккинчи компоненти – *замин* (ўзгариб *даминга* айланган) сўзи ҳам форсча сўз бўлиб, «*ер*», «*тупроқ*», «*экин экиладиган жой*» маъноларини англатади. Демак, Регдамин – «*қумли ер*», «*қумлоқ жой*» маъносидадир. Маҳаллий аҳоли ҳам топонимни шундай изохлайдди.

Бухоро вилояти Пешку туманида *Зарқум* номли кудук бор. Кудук Пешку тумани худудининг ғарбида, аҳоли манзилгоҳларидан олисда, Бухоро вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси чегарасида жойлашган. Топоним таркиби иккита сўз – *зар* ва *қум* сўзларидан иборат. Топонимнинг биринчи компоненти – *зар* сўзи «*олтин*», «*тилла*» деган маъноларни, иккинчи компоненти – *қум* эса *қаттиқ минераллар ва тоғ жинсларининг сочилувчан майда зарраларини* билдиради. Бунга кўра, Зарқум – «*тиллақум*» деганидир. Аммо, топонимист Т.Нафасов *зар* сўзи «*катта*», «*улкан*», «*бош*», «*юқори*», «*уст*» маъноларидаги форсча-тожикча *сар* сўзининг ўзгарган шакли бўлиши ҳам мумкин, деб ҳисоблайди [2]. Шундай бўлса, Зарқум – «*катта қумлик*», «*улкан қум*» маъносини англатади. Профессор С.Қораев «*қудук номи аслида Зери қум шаклида бўлиб, «барханли қум остидан қовланган» деган маънони билдиради*», дея уктиради [4]. Кудук бепоён Қизилқум чўлида жойлашганлиги сабабдан ҳам шундай ном олган бўлса керак.

Вобкент туманидаги кишлоклардан бирининг номи *Регистонак* деб аталади. Топоним таркиби *регистон* сўзи ва *–ак* аффиксидан иборат. Географик жой номининг биринчи компоненти – *регистон* сўзи форсча-тожикча бўлиб, «*қумли чўл*», «*қумлоқ майдон*», «*қумлоқ*» маъносини англатади. Топоним

Lalmi tuproqlarning gipslashganligiga ko'ra tavsifi (% hisobida)

№	Tumanlar	Gipslashgan yerlar, ga	Shu jumladan		
			Kuchsiz gipslashgan	O'rtacha gipslashgan	Kuchli gipslashgan
1.	Baxmal	3656	43,2	56,8	-
2.	G'allaorol	5819	3,2	40,2	56,6
3.	Zomin	2089	37,0	42,3	20,7
4.	Zarbdor	6006	-	100,0	-
5.	Forish 4896	4896	-	84,2	15,8
6.	Yangiobod	3771	8,0	92,0	-
7.	Jizzax	3810	86,4	13,6	-
Jami viloyat bo'yicha		30047	20,4	64,6	15,0

(Jizzax viloyati Yer resurslari boshqarmasi ma'lumotlari 2015 y)

Jizzax viloyati tuproq qoplamlarini o'rganish, lalmi dehqonchilikning yuritilishi ta'siri bilan bog'liq holatda, tuproqlarning qator hususiyatlarini ochish imkoniyatini yaratadi.

ФИЗИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЙ ОЧЕРК И О МИНЕРАЛЬНО-СЫРЬЕВЫХ РЕСУРСАХ ГОРНОГО МАССИВА КУЛЬДЖУКТАУ

Курбонов А.Ф., Разиков О.Т.

Ташкентский Государственный Технический Университет

Горы Кульджуктау расположены на территории Навоийской и Бухарской областей. Площадь гор составляет более 815 кв.км. До ближайшей ж/д станции «Караката» - 44 км по железному пути «Навои-Учкудук». До ближайшего населенного пункта Жонгельды - 2 км, до населенного пункта Женгельды - 46 км. Имеются грунтовые дороги, связанные с автотрассой Р-61. Расстояние до городов Навои - 135 км, Зарафшан - 90 км, а также ГМЗ-2 - 93 км. В морфологическом отношении данный район представляет собой сочетание характерных для пустыни Кызылкум равнинных пространств, замкнутых котловин и невысоких горных возвышенностей, наибольшая высотная отметка которых достигает +785 м, а наименьшая 360 м. Значительная часть территории представляет собой песчаную пустыню с мелко-грядовым и грядово-ячеистым рельефом, с высотой 5-7 м.

Климат района резко континентальный, характеризуется малым количеством осадков, жарким и сухим летом, холодной зимой, резкими суточными колебаниями температуры. Максимальная температура воздуха (в июле) достигает +45°С, минимальная (в декабре-январе) -30°С. Колебания температуры дня и ночи достигают 10-15°. Количество осадков составляет в среднем 110 мм в год, большая их часть выпадает в зимнее время. Снежный покров достигает 20 см. Постоянны порывистые сильные ветры, несущие пыльные бури.

Растительный мир беден, лесной покров и древесная растительность отсутствует, имеется лишь скудная травянистая растительность, в основном,

полюнь, солянка. Травяной покров к началу лета полностью выгорает. Животный мир представлен мелкими грызунами и рептилиями.

Проезд на автотранспорте по участку работ затруднен из-за наличия глубоких промоин, саев, песчаных гряд и бугров.

Плотность населения района не превышает 1 ч. на 1 кв.км. В последние годы плотность населения выросла к началу XXI века в несколько десятков раз. Потребность в питьевой и технической воде может удовлетворяться за счет ее привоза из водовода Амударья.

Горы Кульджуктау представляют собой поднятие субширотного простирания и сложено древними породами палеозойского возраста (образованы более 200 млн.лет назад).

В геологическом строении участвуют песчано-сланцевые отложения, известняки и доломиты, вулканогенные породы, граниты, габбро и др.

Для пород комплекса отмечается специализация на титан, хром, ванадий, молибден, возможно свинец, цинк.

Государственная геологическая съёмка масштаба 1:50 000 (в 1963-1972 г.г.) и последующие работы выявили большое количество месторождений и рудопроявлений, в том числе 2 золоторудных месторождения Таушан и Янгиказган с запасами 5,4 у.е. и 2,5 у.е. Эти месторождения изучены на глубину до 70-100 м, при этом распространение золотых руд ожидается не менее 350-400 м. Фланги месторождений также не изучены. Запасы месторождений могут быть увеличены в 2-3 раза.

Одновременно выявлены более 60 перспективных рудопроявлений и рудных точек золота, которые требуют изучения.

Выявлено месторождение графита Тасказганское с запасами 805,9 тыс.т. графита, а также крупные месторождения: гранита - 4, габбро – 4, мрамора– 3 и одно месторождение известняка.

Выявлены также 21 проявление полезных ископаемых: серебра–1, редкоземельных элементов–3, лития–1, цветных металлов– 3, полиметаллических руд (свинец и цинк)-1, ртути -3, урана–1, фосфора – 1, габбро - 3, мрамора – 2, высококачественного кварца -1 и графита – 1.

Гидрогеологическими исследованиями выявлены напорные воды, пригодные для водоснабжения, как в питьевых так и для технических целей.

Горы Кульджуктау несмотря высокие перспективы выявления месторождений различных полезных ископаемых, уже долгие годы остаются вне поле зрения геологов и добывающих предприятий из-за значительной отдаленности от существующих инфраструктур.

Запасов вышеотмеченных 15 месторождений, согласно оценке международных экспертов составляет порядка 30 млрд. долл., а с учетом имеющихся более чем 80 рудопроявлений различных полезных ископаемых, металлогенического потенциала гор Кульджуктау эта ценность может возрасти на порядок.

В последнее годы геологи мало уделяют внимание на географо-экономическое условия региона, хотя в промышленном, культурно-просветительном отношении играет главную роль развитие и открытие новых

Демак, ушбу тизимлар орасидаги баландлик фарки 1-нуқтада юкоридаги кийматга тенглиги аниқланди. Қолган 4 та нуқталарнинг координаталари ҳам худди шу тарзда ҳисоблаб чиқилади. Бу каби ҳисоблаш ишларини Microsoft Office Excell балки бошқа масалан **Delphi**, C++ ҳисоблаш дастурлари ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин. Мазкур ҳисоблаш ишлари натижаларидан ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда ўқув жараёнларида ҳам фойдаланиш мумкин.

БУХОРО ВИЛОЯТИДАГИ ТОҒ ЖИНСЛАРИ ВА ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ТОПОНИМЛАР

Авезов М.М., Миракмалов М.Т.*
Ўзбекистон Миллий университети

Бухоро вилояти нафақат табиатининг ўзига хослиги, балки, худудда тарқалган топонимларнинг хилма-хиллиги, жой номларида худуд табиатининг акс этиши билан ҳам алоҳида ажралиб туради

Баъзи географик жой номлари худуднинг геологик тузилишини, у ерда тарқалган тоғ жинслари ва фойдали қазилмаларни ўзида яққол акс эттиради. Ҳаттоки, геологик қидирув ишларини топонимика фани билан ҳамкорликда олиб бориш, уни муваффақиятли яқунлаш учун замин яратиб беради. Чунки бир қанча географик номларнинг маъносида ўша жой учун хос бўлган ёки шу ерда қатта заҳирага эга бўлган қазилма бойликлар номи акс этиши маълум. Сабаби бу ердаги қазилма бойликлари қадимданоқ маҳаллий аҳоли учун маълум бўлган ва шу туфайли улар географик жой номларида ўз аксини топган. Худуддаги тоғ жинслари ва фойдали қазилмаларни билдирувчи географик жой номлари Бухоро вилоятида ҳам талайгина. Уларга қуйидаги топонимларни мисол қилишимиз мумкин.

Бухоро вилоятида шаҳар, қон ва урочишченинг номи *Газли* деб аталади. Бу ерда *газ* – фойдали қазилма, ёқилги тури. –*ли* эса «*қўп (бирор нарса қўп тарқалган жой)*» деган маънони билдиради. Бу ерда бир нечта йирик газ қонлари топилганлиги туфайли шаҳар шундай номланган бўлиб, «*газ қўп жой*», «*газга бой худуд*» деган маънони билдиради.

Зарқум – Пешку туманидаги қудуқ номи. Топонимнинг биринчи компоненти – *зар* сўзи «*олтин*», «*тилла*» деган маъноларни, иккинчи компоненти – *қум* эса *қаттиқ минераллар ва тоғ жинсларининг сочилиувчан майда зарраларини* билдиради. Бунга кўра, Зарқум – «*тиллақум*» деганидир. Аммо, топонимист Т.Нафасов *зар* сўзи «*қатта*», «*улкан*», «*бош*», «*юқори*», «*уст*» маъноларидаги форсча-тожикча *сар* сўзининг ўзгарган шакли бўлиши ҳам мумкин, деб ҳисоблайди [2]. Шундай бўлса, Зарқум – «*қатта қумлик*», «*улкан қум*» маъносини англатади. Профессор С.Қораев «*қудуқ номи аслида Зери қум шаклида бўлиб, «барханли қум остидан қовланган»* деган маънони

*Авезов Мухриддин Мақсуд ўғли – Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУ Геология ва география факультети магистранти.

Миракмалов Мирали Туранбоевич - Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУ Геология ва география факультети “География” кафедраси доценти, география фанлари номзоди.

Бундан ташқари ҳисоблаш ишларида қуйидаги қийматлар ишлатилади: $w = (\omega_x, \omega_y, \omega_z)^T = (0.0'', 0.35'', 0.66'')$, $T = (T_x, T_y, T_z)^T = (25.0, -141.0, -90.0)^T$;

WGS-84 тизими ва СК-42 тизимлари баландликларни солиштиришда 5 та нуқтанинг геодезик координатлари берилган бўлиб, унинг қийматлари 1-жадвалдагидек бўлсин.

1-жадвал.

Т/р.	Кенглик (B)	Узоклик (L)	Баландлик Н
1.	38° 20' 16,1''	66° 06' 21,7''	790,5 м
2.	39° 08' 05,2''	66° 53' 07,6''	622,6 м
3.	38° 14' 06,7''	67° 52' 48,8''	477,5 м
4.	38° 41' 04,1''	66° 56' 29,3''	2690,7 м
5.	40° 21' 24,0''	70° 31' 25,2''	421,7 м

Баландликни ҳисоблаш Microsoft Excel дастурида бажарилди. Microsoft Excel дастурида ΔH , яъни WGS-84 тизими ва СК-42 тизимлари баландликлари орасидаги фарқни топиш учун махсус алгоритм тузиб олинди. Ҳисоблаш натижалари қуйидагиларга тенг бўлди:

1-нуқта: WGS-84: $B=38^\circ 20' 16,1''$, $L=66^\circ 06' 21,7''$, $H=790,5$ м.

2-жадвал.

Қийматлар	Ҳисоблаш натижалари	Радян	Градус
$H=$	790,5		
$T_x=$	25		
$T_y=$	-141		
$T_z=$	-90		
$\sin B=$	0,620296717	0,669120935	38,33780556
$\cos B=$	0,78436725	0,669120935	38,33780556
$\sin L=$	0,914296573	1,15376784	66,10602778
$\cos L=$	0,405045401	1,15376784	66,10602778
$aE=$	6378137		
$N=$	6386367,252		
$\Delta aE=$	0,00000048		
$\Delta e^2E=$	0,00000096		
$e^2=$	0,00669438		
$R=$	6370741,813		
$x=$	2029227,784		
$y=$	4580513,703		
$z=$	3935413,582		
$\Delta H=$	-147,8219515		

Ушбу ҳисоблаш натижасида WGS-84 тизими ва СК-42 тизимлари фарқи $\Delta H = -147,8219515$ метрга тенг бўлди.

месторождений. Помимо месторождений роль инфраструктуры (вода, электроэнергия, автомобильная, железная дорога является ключевыми позициями в развитие экономики региона) имеет большое значение.

Для геологов необходимо изучить географо-экономические условия площадей для постановки геологоразведочных работ. Стоимость проекта зависит от инфраструктуры, площади климатических условий, от высотной отметки, от человеческого ресурса и т.д. В конечном результате при открытии месторождения, в процессе добычи выше отмеченные данные на прямую влияют на себестоимость продукции.

По решению Правительство Республики Узбекистан по Программе строительства новой железной дороги запланированы геологоразведочные работы в пределах гор Кульджуктау. Ранее мы отмечали перспективность этого региона. Помимо золота, установлены-цветных редкоземельных металлов ртути, серебра, урана и др. полезные ископаемые, которых необходимо выявлять, продолжая географически и геологоразведочные работы.

MAMLAKATIMIZDA TABIATNI MUHOFAZA QILISH VA EKOLOGIYA Xudoyberdiyeva I.A Navoiy davlat pedagogika instituti

Fan texnika yuksak taraqqiy etgan hozirgi davrda inson bilan tabiat o'rtasidagi munosabatlar ayniqsa, atrof-muxitni muhofaza qilish va tabiat resurslaridan oqilona foydalanish masalasi juda muhim muammo bo'lib qoldi.

Shuning uchun jamiyat taraqqiyotining hozirgi bosqichida Yer shari tabiatini qo'riqlash global, olamshumul ahamiyat kasb etmoqda. Tabiat komponentlaridan bironasining buzilishi boshqa bir qancha komponentlar muvozanatining tabiiy ekotizimlarining o'zgarib ketishiga olib kelmoqda.

“Hozir, XXI asr busag'asida deb ta'kidlagandi O'zbekiston Respublikasining birinchi Prizidenti I.A. Karimov, fan-texnika taraqqiyoti jadal sur'atlar bilan rivojlanib bormoqda. Dunyoning jug'rofik siyosiy tuzilishi o'zgarmoqda. Bunday sharoitda inson tomonidan biosferaga ko'rsatilayotgan ta'sirni tartibga solish, ijtimoiy taraqqiyot bilan qulay tabiiy muhitni saqlab qolishning o'zaro ta'sirini uyg'unlashtirish, inson va tabiatning o'zaro munosabatlarida muvozanatga erishish muammolari borgan sari dolzarb bo'lib qolmoqda”.

Tabiat cheksiz, tabiat boyliklari bitmas-tuganmas degan tasavvurlarga chek qo'yiladigan davr keldi, kishining madaniyat darajasini, intellektual saviyasini uning tabiatga bo'lgan munosabati bilan o'ichaydigan payt keldi. Tabiatni muhofaza qilish, tabiat boyliklaridan oqilona foydalanish, ularni iloji boricha tiklash davlat ahamiyatiga molik ish bo'lishi bilan birga har bir kishining muqaddas burchidir. Nabotot va hayvonotni ehtiyot qilish bu muammolar ichida muhim ahamiyatga ega.

Tabiatni muhofaza qilish deganda butun insoniyat manfaatini ko'zlab, tabiatdan oqilona foydalanish, uni saqlash, qo'riqlash va tabiiy boyliklarini ko'paytirish yo'lida davlatlar va xalqlar amalga oshirayotgan tadbirlarning ilmiy jixatdan asoslangan majmuasi tushuniladi.

Respublikamizda hozirgi va kelajak avlodlarining manfaatlarini ko'zlab, yer va yer osti boyliklari, suv resurslari, o'simliklar va hayvonot dunyosini qo'riqlash ulardan ilmiy asosda, oqilona foydalanish, havo va suvni toza saqlash, tabiiy boyliklarni uzluksiz ko'paytirib borishni ta'minlash va insonning atrof muhitni yaxshilash uchun zarur choralar ko'rish asosiy dastur bo'lib xizmat qilishi kerak.

Tabiatni muhofaza qilish hozirgi zamondagi eng aktual muammolardan biri – inson bilan tabiat o'rtasidagi va tabiat bilan inson o'rtasidagi, jamiyat bilan tevarak – atrofda muxit o'rtasidagi muammoning tarkibiy qismidir.

Muammoning mohiyati shundaki, tabiat eng avvalo inson uchun qo'riqlanishi kerak.

Inson bilan tabiat o'rtasidagi munosabatlarning negizini tashkil etadigan mehnat jarayonidir. Mehnat tufayli insoniyat jamiyati paydo bo'ldi, uning tarkib topish va taraqqiyot qonunlari vujudga keldi. Noqulay ekologik sharoitda biosferaning ayrim go'shalarini saqlab qolish, ularda kamayib ketayotgan hayvonlar va o'simliklarni ko'paytirish yo'li bilan ularni butunlay yo'qolib ketish xavfidan qutqarib qolish eng dolzarb masala.

O'zbekiston Respublikasi tabiatni muhofaza qilish davlat qo'mitasi atrof-muhitni yuksak sifatini ta'minlash maqsadida me'yorlashtirish, standartlashtirish, meteorologiya va sertifikatsiyalash siyosatini amalga oshirishni davom ettirmoqda.

Davlat maxsus analitik inspeksiya tabiatni muhofaza qilish davlat qo'mitasi bilan birga tabiat muhofazasi sohasini standartlashga oid uslubiy, me'yoriy-texnik va boshqa hujjatlarni ishlab chiqmoqdalar.

Hozirda O'zbekistonda quyidagi standartlar qo'llaniladi:

- atmosfera havosi sifati;
- ishchi joylaridagi havo sifati;
- ichimlik suvlar sifati;
- yer usti suvlari sifati;
- tuproq sifati;
- yer osti suvlari sifati;
- oziq-ovqat mahsulotlari sifati;
- atmosfera havosiga chiqariladigan ifloslovchi moddalar me'yori;
- yer usti suvlariga tashlanadigan ifloslovchi moddalar me'yori.

Tabiatni muhofaza qilish davlat qo'mitasi huzurida mahsulot va xizmatlarni ekologik sertifikatsiyalash markazi tashkil etilgan (1993 y.). Uning asosiy maqsad va vazifalari quyidagilardan iborat:

- ekologik xatarsiz texnologik jaryonlarni ishlab chiqish va joriy etish;
- ekologik xavfsiz mahsulotlar ishlab chiqarishni tashkil etish;
- qulay atrof-muhitni saqlash maqsadida me'yoriy-huquqiy va iqtisodiy mexanizmlarni yaratish va qo'llash;
- ekologik xavfli mahsulotlar, texnologiyalar, ishlab chiqarish va ehtiyojli chiqindilarning respublikaga kiritilishi va uning hududidan olib o'tilishiga barham berish;
- tabiatni muhofaza qilishga qaratilgan ish va xizmatlar bozorini tartibga solish;

balandlik tizimlari oрасидағи фарқни топиш учун турли хилдағи усуллар мавжуд бўлиб, улар ичида энг кўп ишлатиладиган усул бу Гельмерт-Молоденский усули ҳисобланади.

Гельмерт-Молоденский усули ёрдамида WGS-84 ва СК-42 тизимлари орасидағи фарқни аниқлаш мумкин. Бунинг учун бизга WGS-84 тизимида олинган координаталар (B, L, H) берилган бўлса, WGS-84 ва СК-42 тизимлари орасидағи фарқни аниқлаш учун қуйидағи формулалардан фойдаланиш мумкин:

$$\left. \begin{aligned} B_{84} &= B_{42} + \Delta B \\ L_{84} &= L_{42} + \Delta L \\ H_{84} &= H_{42} + \Delta H \end{aligned} \right\}, \quad (1)$$

бу ерда – B_{84}, L_{84}, H_{84} WGS-84 тизимида олинган кенглик, узоклик ва баландлик;

- B_{42}, L_{42}, H_{42} СК-42 тизимида олинган кенглик, узоклик ва баландлик;

- $\Delta B, \Delta L, \Delta H$ WGS-84 тизими ва СК-42 тизимлари орасидағи фарқ.

WGS-84 тизими ва СК-42 тизимлари орасидағи фарқи $\Delta B, \Delta L, \Delta H$ ларни топиш учун эса қуйидағи формулалардан фойдаланилади:

$$\Delta B = \frac{\rho''}{M + H} [-T_X \sin B \cos L - T_Y \sin B \sin L + T_Z \cos B + \Delta \alpha_E (N e^2 \sin B \cos B) / a_E + \frac{N \Delta e_E^2}{2} \left(\frac{N^2}{a_E^2} + 1 \right) \sin B \cos B] + (1 + e_E^2 \cos 2B) (\omega_X \sin L - \omega_Y \cos L) - \rho'' e_E^2 \mu \sin B \cos B; \quad (2)$$

$$\Delta L = \frac{\rho''}{(N + H) \cos B} (-T_X \sin L + T_Y \cos L) - \operatorname{tg} B (1 - e_E^2) (\omega_X \cos L + \omega_Y \sin L) + \omega_Z; \quad (3)$$

$$\Delta H = T_X \cos B \cos L + T_Y \cos B \sin L + T_Z \sin B - \frac{a_E \Delta \alpha_E}{N} + \frac{\Delta e_E^2 N \sin^2 B}{2} + e_E^2 N \sin B \cos B \left(\frac{\omega_X}{\rho''} \sin L - \frac{\omega_Y}{\rho''} \cos L \right) + \mu (N + H - e_E^2 \sin^2 B). \quad (4)$$

бу ерда - $\Delta \alpha$ - WGS-84 тизими ва СК-42 тизимлари сиқилиш коэффициентлари орасидағи фарқ;

$\Delta \alpha$ - WGS-84 тизими ва СК-42 тизимлари катта ярим ўқлари орасидағи фарқ;

e^2 - WGS-84 тизими ва СК-42 тизимлари эксцентритетлари орасидағи фарқ;

Улар қуйидағи формулалар орқали ҳисоблаб топилади;

$$\Delta \alpha = a_{84} - a_{42}, \quad \Delta \alpha = a_{84} - a_{44}, e^2 = 2\alpha - \alpha^2 \quad (5)$$

N – қуйидағи формула орқали ҳисобланади;

$$N = \frac{a}{\sqrt{1 - e^2 \sin^2 B}} \quad (6)$$

WGS-84 тизими ва СК-42 тизимлари катта ярим ўқи ва эксцентритети қуйидағига тенг:

WGS-84: $a=6378137.000$ м, $e^2=0.00669438$.

СК-42: $a=6378245.000$ м, $e^2=0.00669342$.

Ўлчов ишлари бажариш бўйича йўриқномада қилинган тавсияга мос ҳолда амалга оширилиш ва белгиланган журналда ёзилиши керак.

GPS сигнал қабул қилувчини ишга тушириш ва ўчириш йўриқномага асосан бажарилади.

Ўлчаш ишлари «сунъий йўлдошлар ҳаракатланиш жадвали»га асосан бажарилиши зарур. GPS сигнал қабул қилувчи ўлчаш ишлари бажарилишидан 5 минут олдин ишлатилиши мумкин. GPS сигнал қабул қилувчи кеч қўшилиши мумкин эмас, акс ҳолда GPS сигнал қабул қилувчиларнинг бир вақтда ишлаш вақти камаяди ва бунинг натижасида олинадиган якуний натижага салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ўлчаш ишларини бошлашдан олдин асбобнинг ишчи ўрнатмалари, яъни сунъий йўлдошдан олинаётган сигналларнинг ўлчаниш бурчаги, информация йиғиш интервали ва ёзиб олаётган мосламанинг (флешка) ҳажми етарлиги текшириб кўрилади. Информация йиғиш интервали барча ишлаётган GPS сигнал қабул қилувчиларда бир хил бўлиши керак. Иш бошлангандан кейин керакли сунъий йўлдошлар билан алоқа борлигига ва GPS сигнал қабул қилувчи ўз ўрнини аниқлаётганлигини текшириш зарур.

Сеанс бошлангунга қадар пункт номи, антенна баландлиги, оператор коди, об-ҳаво, температура, босим, намлик ва бошқа маълумотлар киритилади.

Сеанс давомида GPS сигнал қабул қилувчи иши алоқадаги сунъий йўлдошлар сони, сунъий йўлдошнинг геометрик жойлашувини текшириб туриш зарур. Агар юқоридаги кўрсаткичлар талабга жавоб бермаса сеанс вақтини узайтириш керак бўлади. Атмосферадаги ўзгаришлар ёмғир, туман ва куннинг тунги ҳолати GPS сигнал қабул қилувчи ишлашига таъсир кўрсатмайди.

Бу усул ёрдамида сув омборларининг минтақа сув ресурсларидаги ўрнини, тўғонларининг ҳолати, сув микдори, селхоналарнинг сув режими, сув сарфи, филтрация ва бугланиш каби ўзгаришларни юқори аниқликда кузатиш имкониятини яратади.

СК-42 ВА WGS-84 ТИЗИМЛАРИ БАЛАНДЛИКЛАРИНИ СОЛИШТИРИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Абдумўминов Б.О.*

Термиз давлат университети

Дунёнинг турли минтақларида келишилган баландликлар тизимидан фойдаланиб келинмоқда. Бундай баландликлар тизимига Болтик баландликлар тизими (МДХ ва Ўзбекистон), Normalhöhennull (Германия), European Terrestrial Reference System 1989 (Италия), Amsterdam Ordnance Datum (Нидерландия), Марсел футуштоки (Франция) ва бошқа замонавий (GPS, ГЛОНАСС, DORIS ва Galileo) навигацион тизимлар мисол бўла олади. Бироқ мазкур баландликлар тизимларида аниқланаётган баландликлар бир-биридан фарқ қилади. Сабаби, ушбу баладликлар тизими Ер юзининг турли минтақаларида жойлашган ва улар ҳам бир-бирларидан нисбий баландликлари бўйича фарқ қиладилар. Бу

- атроф-муҳит сифатини yaxshilash;
- resurslarni saqlash va atrof-muhitga nomaqbul ta'sir haqida ogohlantirish.²

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш вазифаси hozirgi kunda har qanday davlat iqtisodiy va ijtimoiy taraqqiyotining asosiy belgilovchi omili bo'lib qoldi.

Xulosa o'rnida shuni aytish joizki, bugun biz XXI asrda, ya'ni ilm- fan , texnika rivojlangan davrda yashayapmiz. Turli tarmoqqa tegishli sanoat korxonalari turli chiqindilarni chiqarmoqda. Iloji boricha bu borada turli yangicha texnologiyalardan foydalanib atrof –muhitga chiqindilarni kamroq chiqarish yo'llarini izlashimiz kerak. Har birimiz tabiatni,atrof muhitni ekologiyamizni ko'z qorachig'imizdek asrab avaylashimiz shart va zarur.

ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИБ БОРИЛГАН ГЕОБОТАНИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ДИНАМИКАСИ

Ҳамидов А.А., Мирзакаримова Г.М., Саминжонова О. Фаргона давлат университети

Ўзбекистон Республикаси фундаментал кутубхонасида қўлёзманнинг асосий бўлими “Ўзбекистон ўсимликларини тадқиқ қилинишида – ўтган ва hozirgi davr” деб номланиб, Ўрта Осиё ўсимликларини ва флорасини англаш тарихи, Ўзбекистоннинг флорасини англаш жараёнини иқтисодий билан боғлиқ ҳолда худудий ҳамда ижтимоий-иқтисодий масалалар рамкасида аниқлаштириш атрофлича кўриб чиқилган ва Ўзбекистон флораси ҳақида жуда яхши илмий фикрлар, ғоялар илгари сурилган.

Энг асосийси Е.П.Коровин томонидан Ўрта Осиё ўсимликларини тадқиқ қилинишини энг қадимги замонлардан 1917 йилгача бўлган даврини тўртта даврга бўлинишидир, яъни:

1. Қадимги, Ўзбекистонда географик кидирув, 1717-1804 йиллар.
2. Рекогносцировка бўйича тадқиқотлар, 1820-1904 йиллар.
3. Ўзбекистон худудида биринчи систематик тадқиқотлар, 1908-1917 йиллар (“Аҳолини кўчириш бошқармаси” ҳамда “Ерлар ҳолатини яхшилаш бўлими” томонидан амалга оширилган кўплаб тупроқ-ботаник, геоботаник, географик тадқиқотлар амалга оширилди) ташкилотларининг фаолияти.
4. Шўролар давридаги тадқиқотлар, 1917-йиллардан бошланган. Шўролар давридаги Ўзбекистон ўсимликларини тадқиқ қилиш тарихи асосан иқтисодий масалаларини хал қилиш билан боғлиқ ҳолда амалга оширилган.

Геоботаник тадқиқотларда ёввойи ҳолда ўсадиган флора ва ўсимликлар билан бир қаторда маданий ўсимликларни ҳам ўрганиш, уларнинг навини яхшилаш, янги турларини тадқиғи, ўсимликларни ҳосилдорлигини ошириб бориш бўйича ҳам тадқиқот ишлари олиб борилди. Геоботаник тадқиқотларда комплекс методларни қўллаш ҳамisha ем-хашак ва техник мақсадларда фойдаланиб келинган ёввойи ўсимликларни кўп қиррали эканлиги аниқланди ва иқтисодиётда атрофлича фойдаланила бошланди.

Алоҳида маданий ўсимликлар бўйича ҳам тадқиқот ишлари олиб борилди. Масалан, бугдой бўйича К.А.Флякобергер, Н.Покровский, Г.М.Попов

* Абдумўминов Баходир Одинаевич – ТерДУ География кафедраси ўқитувчиси.

ва бошқалар, беда биологияси ва систематикаси бўйича В.Л.Голодковский ва бошқалар илмий тадқиқот ишларини олиб бордилар.

1917 йиллардан сўнг Ўзбекистон ҳудудини табиати ўрганиш, унинг ўсимлик ва ҳайвонот ресурсларини тадқиқ қилиш давлат аҳамиятига молик умумий бир режа асосида олиб борилди ва бу ишлар мамлакат ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш ҳамда жадал ривожлантириш масалалари билан чамбарчас боғланди. Натижада геоботаник тадқиқотлар режали, тизимли равишда ва аниқ амалий мақсадларни кўзлаб ўтказилди. Режали ривожланувчи иктисодиётнинг мақсад ва вазибалари мамлакат табиатини ўрганиш бўйича комплекс ва тармоқ тадқиқотларни, экспедицион ва стационар тадқиқотларни бир йўла, узвий равишда олиб боришни тақозо этди. Бу эса табиий географик компонент, комплекс, жараён ва ҳодисаларни ҳам ҳудудий, ҳам тарихий-динамик жиҳатдан ўрганиш ва баҳолашга имкон берди.

Ўлкада олиб борилган геоботаник тадқиқотлар натижасида табиат компонентларининг (масалан ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) ўзаро алоқадорлиги ва бир бутунлиги, доимо ўзгаришда, ривожланишда эканлиги ва ўзига хос ҳудудий тақсимланишга оид бой фактик маълумотлар тўпланди, янгидан-янги илмий ғоялар баён этилди. XX Аср бошида геоботаник тадқиқотлар докучаевча комплекс методларда олиб борилган бўлса, 20-йиллардан кейин геоботаник тадқиқотларда прогрессив методлар – геофизик, геохимий, экологик ва бошқа методларнинг қўлланилиши табиий ландшафтларнинг тарқалиши ва ривожланишигина эмас, балки физик, химий ва биологик моҳиятини ҳам чуқур таҳлил қилишга имкон берди.

1920 йилда Тошкентда Ўрта Осиё давлат университети ташкил этилиб, йўлланма билан келган етуқ олимлар–Н.А.Димо, А.И.Розанов, М.Н.Воскресенский, М.А.Орлов, М.А.Панков (тупроқшунослар), А.В.Благовещенский, П.А.Баранов, Е.П.Коровин, М.Г.Попов, М.В.Культиасов, В.П.Дробов, И.А.Рамкова, М.М.Советкина, И.И.Гранитов (ботаниклар) ва бошқалар мамлакат ўсимлик дунёсини ўрганишга ўзларининг жуда катта хиссаларини қўшдилар. Жумладан 1921 йили университет қошида Илмий тадқиқот институтлари тузилиб уни таркибида Тупроқшунослик ва геоботаника институти (1921-1932 йй.) алоҳида ажралиб турарди. Бу институт томонидан 1921 йилдан бошлаб мунтазам давом этган кўплаб тупроқ-геоботаник экспедициялар юқорида айтиб ўтилган инқилобдан олдин В.В.Докучаев яратган ва қўллаган дала тадқиқотларининг комплекс табиий-тарихий методикаси ҳамда янги илмий ғоялар руҳида олиб борилди. Бу катта ишларга Докучаев таълимотининг давомчилари, таникли олимлар, тупроқшунос-географ Н.А.Димо (институт директори) ва тупроқшунос, геоботаник-географ Р.И.Аболин умумий илмий раҳбарлик қилдилар. Умуман институт ўз фаолияти давомида Ўзбекистон ҳудудининг (1921-1928 йй.) 522376 минг кв км майдонини тупроқ-ботаник жиҳатдан ўрганиб чиқди. Буларни ўрганиш учун институт томонидан 100 га яқин экспедиция ҳамда илмий отрядлар тузилиб, уларда 50 га яқин илмий ходим иштирок этди.

Экспедициялар мамлакат қишлоқ хўжалиги ташкилотларининг эҳтиёжи ва бевосита топшириқлари бўйича ўтказилганлиги сабабли катта амалий

тизимдаги GPS ёрдамида кузатиб, аниқ геодезик ўлчаш ишларини олиб бориш, долзарб масала ҳисобланади.

Мазкур мақолада икки частотали Leica Geosystems (Швецария) фирмасида ишлаб чиқарилган Leica – 500 GPS сигнал қабул қилувчининг ўлчов ишларини «Статика» усули ёрдамида сув омборларнинг тўғонларини, уларнинг сув сатҳини ўлчашда кенг фойдаланиш мумкин.



Leica Geosystems (Швецария) фирмасида ишлаб чиқарилган GPS сигнал қабул қилувчининг расми. (1- расм)

Бу усулда бир вақтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ GPS сигнал қабул қилувчи узок вақт давомида ўлчаш ишларини бажаради. Ўлчаш ишлари вақтида сунъий йўлдошларнинг геометрик жойлашган ўрни ўзгаради, бу эса аниқлик масаласини ечишда муҳим роль ўйнайди. Узок вақт ўлчаш натижасида цикллارнинг узилиш оралиқлари ва уларни тўғри моделлаштиришга имкон яратади.

Статика усули юқори аниқликдаги геодезик ишларни бажаришда, 15-20 км дан ортиқ масофадаги векторларни ўлчашда ва сунъий йўлдошларнинг минимал кўринишида ҳам бажариш мумкин. Ўлчаш ишларининг сеанс давомийлиги вектор узунлигига, бир вақтнинг ўзида кузатилаётган сунъий йўлдошлар сони, сигнал қабул қилувчилар типига (бир ва икки частотали) ва талаб қилинаётган аниқликга боғлиқ.

Ўлчаш жараёнида яъни 90% вақт мобайнида GPS сигнал қабул қилувчи камида тўртта сунъий йўлдошдан сигнал қабул қилиши шарт.

Статика усулига қўйиладиган асосий талаблар:

- сигнал жўнатаётган сунъий йўлдошлар сони 4 тадан кам бўлмаслиги керак;

- информация йиғиш ва қабул қилиш интервали - 20 сек. бўлиши керак;

Станцияда иш штативга боғланган антеннани ўрнатиш ва унинг баландлигини аниқ ўлчашдан бошланади. GPS сигнал қабул қилувчини марказлаштириш ва нивелирлаш ишлари оптик центрир ёрдамида ± 2 мм аниқликда бажарилади. Антеннадаги белги шимолга ориентирланади.

Барча ўлчашлар антенна маркази орқали бажарилганлиги туфайли унинг баландлигини аниқ ўлчаш зарур. Антенна баландлигини ўлчашдаги хатолик учала координаталар ечимига таъсир кўрсатади. Баландлик рулетка ёки махсус ўлчаш мосламаси ёрдамида сеанс бошланиши ва тугагандан сўнг ўлчанади, агар ўлчанган натижа 2 мм дан ортиқ бўлса бу ўлчов қайтадан бажарилади.

III-ШЎБА. ГИДРОЛОГИЯ, КАРТОГРАФИЯ ВА ТОПОНИМИКА **МУАММОЛАРИ**

СУНЬИЙ ЙЎЛДОШ ТИЗИМИДАГИ GPSНИНГ СТАТИКА УСУЛИДА СУВ ОМБОРЛАРДА ЎЛЧАШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Абдуллаев И. Х., Каримов И.Э., Сейтжелилова Э.С.*

Ўзбекистон республикаси истиқлол йўлини танлаб, мустақилликка эришганидан сўнг саноатда, қурилишда, ишлаб чиқариш ва иқтисодийётнинг бошқа кўпгина тармоқларида барқарор илмга асосланган ривожланишни талаб этмоқда. Шунинг учун ишлаб чиқаришнинг қатор тармоқларида замонавий технологиялар талаб сезирарли даражада кўпайди. Масалан, ҳозирги кунда геодезия соҳасида ишлаб чиқариш назарияси ва амалиёти мисли қўрилмаган ривожланиш поғонасига кўтарилди. Бу ҳақда замонавий технологиялар ва электрон геодезик асбобларнинг республика иқтисодиётида тадбиқ этилганлиги ва қўлланилишида кўришимиз мумкин.

Топографик-геодезик ишлар тизимида замонавий технологияларга асосланган GPS ва ГЛОНАСС сунъий йўлдош ва геонформацион тизимлар, рақамли ва лазерли-электрон ўлчаш ва ҳисоблаш техникалари, шунингдек, лазерли сканерлаш технологияларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этилмоқда.

Шу сабабдан, ўлчаш ишларини бажаришда замонавий техника ва технологияларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Геодезик ўлчаш ишларини тез ва сифатли бажариш мақсадида замонавий GPS сигнал қабул қилувчини тизимларни қўллаш тавсия этилади.

GPS сигнал қабул қилувчи мосламалар ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасининг барча геодезик бўлимларида геодезик тармоқларни яратишда, аэросуратларни планли боғлашда, топографик ва кадастр съемкаларини бажаришда кенг қўлланиб келинмоқда. GPS сигнал қабул қилувчининг яна бир афзаллиги ундан сутканинг 24 соатида ҳам фойдаланиш имкониятидир.

Ҳозирги кунда геодезик ишларни бажарувчи турли корхоналар замонавий геодезик асбоблар билан қуролланган. Бу борада республикамиз раҳбариятининг ташаббусига кўра, замонавий геодезик асбобларни ишлаб чиқарувчи чет-эл фирма ва компаниялари билан узоқ муддатли шартномалар тузилган. Бу эса ўз навбатида ҳозирда мутахассисларимиз замонавий геодезик асбоблар ёрдамида иқтисодиётдаги энг зарур ишларини бажаришда қўлланилмоқда.

Демографлар таъкидлашича, аҳолининг ўсиши ва глобал иқлим ўзгариши натижасида, Ўзбекистон ҳудудида 2030 йилга бориб, сув ресурсларининг 10% -15% бугланиш ва 10-20 % ўсимликларга сарфланиши белгиланган. Сув ресурсларининг йўқотилиши эса тахминан 18% ни ташкил этиши мумкин. Шу сабабли Марказий Осиёда ушбу муаммо энг актуал ҳисобланади. Уни ҳал этиш учун дарё ва турли сув ресурсларидан унумли фойдаланиш зарурдир. Шунинг учун ҳам сув ресурсларини сунъий йўлдош

аҳамиятга эга бўлди. Бу экспедицияларда ҳудудларнинг тупроқ-ўсимлик қоплами ландшафтлар фонида комплекс ўрганилди. Бинобарин, тупроқ ҳосил қилувчи ва экологик омиллар сифатида табиатнинг барча компонентларига жуда катта эътибор берилди. Экспедициялар ҳисоботида далада тўпланган хилма-хил аниқ маълумотларнинг илмий таҳлилидан ташқари, ўрганилган район тупроқ-ўсимлик қопламининг ҳолати, ундан оқилона фойдаланиш йўллари ҳақида муҳим амалий хулосалар келтирилган. Уларга тупроқ ва ўсимликларнинг йирик масштабли карталари илова қилинган.

Табиий географик тасаввурларнинг 20-йиллардаги ривожланишида САГУ Ботаника ва Зоология институтларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Гарчи бу даврда университет ботаникалари тадқиқотлари флористик тавсифда бўлсада етакчи биологлар геоботаник, экологик ҳамда биоценологик ғояларни ҳам муваффақиятли ривожлантирдилар. Бу тадқиқотларда П.А.Баранов, А.В.Благовешгенский, В.П.Дробов, А.И.Введенский, Е.П.Коровин, М.Г.Попов, И.А.Райкова, И.И.Гранитов, М.В.Культиасов, Е.А.Макеева, О.Н.Радкевич ва бошқалар фаол иштирок этдилар.

1929-1941 йилларда орасида И.П.Герасимов, А.Н.Розанов, М.А.Панковлар мамлакат тупроқларини кенг аспектда ўрганиб генезиси, тарқалиши, классификацияси ва мелиорациясига оид муҳим фикрларни билдирдилар. И.П.Герасимов Ўрта Осиёнинг жанубида Турон тупроқ-иқлим провинциясини ажратиб уни континентал субтропикларнинг шимолий қисми сифатида талқин қилди. Бу ғояни А.Н.Розанов билан Е.П.Коровин 1938 йили кенг географик режада янада ривожлантирдилар.

Е.П.Коровиннинг “Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистон ўсимликлари”, Д.Н.Кашкаров ва Е.П.Коровинларнинг 30-йилларда яратган “Туркистон чўллариининг типлари”, “Чўллар ҳаёти” каби йирик асарлари флористик, фаунистик, геоботаник ва экологик ғояларнигина эмас, балки умумгеографик ғоялар эволюциясида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши йиллари ҳам мамлакат ҳудудида геоботаник тадқиқотлар давом эттирилди. Жумладан 1943 йилда Жанубий Қизилқум экспедицияси (М.А.Орлов, Е.П.Коровин, М.М.Орифхонова, Қ.З.Зокиров, В.М.Жамаева) ва 1944-1945 йилларда Утюрт комплекс экспедицияси (Е.П.Коровин, И.И.Гранитов, М.М.Орифхонова, А.Д.Пятаева) иш олиб борди. Бу экспедицияларнинг илмий натижалари иккита катта асарда жамланди.

Уруш йилларининг эҳтиёжлари геоботаник тадқиқотларнинг мавзуларини амалий мақсадлар сари кескин буриш ва янада жадаллаштиришни тақозо этади. Мамлакат ўсимлик бойликларини аниқлаш ҳамда баҳолашда муҳим ютуқлар қўлга киритилди. Ўзбекистонда ўсимликлар географиясига оид геоботаник ғояларнинг 1960-1990 йиллардаги ривожланишида биринчи навбатда Е.П.Коровин, И.А.Райкова, В.П.Дробов, И.И.Гранитов, Қ.З.Зокиров, Н.И.Рубцов, И.В.Виходцев, А.В.Головкова, Б.А.Биков, К.В.Станюкович, П.Н.Овчинников ва бошқа етакчи ботаникларнинг изланишлари билан узвий боғлиқдир.

Тупроқшунослик бўйича: И.Н.Актинов – Каратаев ва А.Н.Розанов раҳбарлигида, Н.В.Богданович, Б.В.Горбунов, Н.В.Кимберг, С.А.Кудрин,

М.А.Панков, С.А.Шувалов, М.А.Орлов ва бошқалар томонидан олиб борилган тупроқ-геоботаник тадқиқотлар ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Ўтган асрнинг 80-90-йилларига келиб (булар ҳозир ҳам давом этмоқда) Ўзбекистонда олиб борилаётган геоботаник тадқиқотларнинг йўналиши анча ўзгариб кетди. Бу ўзгаришлар асосан табиатга антропоген таъсирни кучайиши билан боғлиқ бўлиб, эндиги асосий масала ўсимлик дунёсини сақлаб қолиш мақсадида, табиатни муҳофаза қилиш, экологик ҳолатларни яхшилаш, одамларда экологик билим ва онгни атрофлича шакллантириш муаммоси билан боғлиқ бўлиб, эндиликда бу масалалар билан ҳар бир вилоятда маҳаллий илмий ташкилот, муассасалар ҳамда олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари фаол иш олиб бормоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎСИМЛИК ДУНЁСINI ТАДҚИҚ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ИЛГАРИ СУРИЛГАН КОНЦЕПЦИЯЛАР Хамидов А.А., Усмонова Б., Раҳматова Ш. Фарғона давлат университети

Ландшафтнинг ҳавоси ҳам, сувлари ҳам ундаги жонли компонентларнинг мавжудлиги ва ўз махсус фаолиятини бажариши учун зарурий шарт-шароитлардандир. Бу компонентлардан айниқса ўсимлик қоплами тизим ташкил қилувчи муҳим компонент ҳисобланади. У ландшафтнинг ташқи кийёфасини акс эттириши билан бир вақтда ландшафтнинг рельефи, иклими ва тупроқ хусусиятларини шаклланишида, ҳайвонот турлари ва уларнинг географик тарқалишида ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Ландшафтнинг ўсимликлари ландшафтда рўй берадиган кўплаб кимёвий, физикавий ва биологик жараёнларнинг асоси ҳисобланган бирламчи органик модданинг шакллантирувчисидир. Ўсимликларнинг ўсиши модда ва энергия қабул қилиши, ўзида жамлаши ва ажратиб чиқариши жараёнида ландшафтнинг бошқа компонентларига таъсир қилиб, уларнинг таркиби ва хусусиятларини ўзгартиради. Ҳавонинг ҳаракати, намлиги, ҳарорати, газ таркиби ва бошқа хусусиятларига тегишли бўлган микдор кўрсаткичлари кўпинча ўсимлик қопламининг тавсифларига боғлиқ бўлади.

Ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишидаги физиологик жараёнлар ва уларнинг ландшафт ҳосил бўлиши, мавжудлигидаги иштироки ҳам аҳамиятлидир. Масалан, фақат биргина фотосинтез жараёнининг ўзида ўсимликлар ҳаводаги CO₂ дан нафас олади, ҳавога O₂ чиқаради, куёш нурлари энергияси ёрдамида тупроқдан сув ва турли минерал моддалар олади. Улардан эса органик бирикмалар ҳосил қилади. Ҳаво-ўсимлик-тупроқ орасида рўй берадиган ўзига хос модда ва энергия алмашилиш жараёни ландшафтнинг қайси табиат зонасида ва қандай рельеф шароитида жойлашганлигига боғлиқ ҳолда турли жадалликка эга бўлади.

Биз мана юқорида ўсимликларнинг ёки ўсимлик дунёсини ландшафтда тутган ўрнини кўриб чиқдик. Хўш, умуман Ўзбекистонда ўсимлик дунёсини ўрганиш ва уни тадқиқ қилиш бўйича қандай ишлар олиб борилганлиги ва уни динамикасини қуйида кўриб чиқамиз.

жадвал

Ўзбекистон вилоятларида ЯХМ таркиби, аҳоли бандлиги ва урбанизация даражаси (2017 йил якуни, фонда)

№	Минтақалар	ЯХМ таркиби			Аҳоли бандлиги			Умумий урбанизация даражаси		
		I сектор	II сектор	III сектор	I сектор	II сектор	III сектор			
	Ўзбекистон Республикаси (ЯИМ)	19.2	33.5	47.3	80.8	27.3	23.0	49.7	72.7	50.6
	шу жумладан:									
1	Қорақалпоғистон Республикаси	15.2	40.2	44.6	84.8	29.9	17.3	52.8	70.1	49.2
	вилоятлар:									
2	Андижон	33.4	26.4	40.2	66.6	26.8	21.5	51.7	73.2	52.3
3	Бухоро	31.0	29.4	39.6	69.0	30.2	23.0	46.8	69.8	37.4
4	Жиззах	35.2	22.4	42.4	64.8	41.8	15.1	43.1	58.2	47.0
5	Навоий	18.5	58.7	22.8	81.5	22.3	37.9	39.8	77.7	48.8
6	Наманган	30.9	21.7	47.4	69.1	25.2	20.3	54.5	74.8	64.6
7	Самарқанд	32.2	24.5	43.3	67.8	28.4	17.6	54.0	71.6	37.4
8	Сирдарё	36.9	29.6	33.5	63.1	48.0	15.0	37.0	52.0	42.9
9	Сурхондарё	40.3	15.9	43.8	59.7	36.9	14.9	48.6	63.1	35.5
10	Тошкент	23.1	42.4	34.5	76.9	26.2	26.7	47.1	73.8	49.4
11	Фарғона	23.4	30.8	45.8	76.6	27.6	22.0	50.4	72.4	56.6
12	Хоразм	30.4	24.5	45.1	69.6	35.6	16.4	50.0	64.4	33.3
13	Қашқадарё	22.6	42.8	34.6	77.4	28.1	22.1	49.8	71.9	43.1
14	Тошкент шаҳри	-	39.6	60.4	100.0	0.9	27.5	71.6	99.1	100.0

Изоҳ: I сектор – қишлоқ, ўрмон ва баллиқ ҳўжалиги, II сектор – саноат ва қурилиш, III сектор – хизматлар соҳаси.

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг stat.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.

иктисодий ва ижтимоий география нуктаи назардан олганда минтақаларда саноат ва қурилиш, умуман қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқларда банд бўлганлар улуши билан шаҳар аҳолисининг нисбий кўрсаткичи ўртасидаги алоқадорликни аниқлаш маълум аҳамиятга эга.

Республика минтақалари доирасида урбанизациянинг демографик кўрсаткичи билан иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий (аҳоли бандлиги, ялпи ҳудудий маҳсулот – ЯҲМ таркиби) кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик мавжуд. Бироқ, бу хусусда аҳоли бандлигининг таркибий тузилиши аниқроқ маълумотлар беради. Юқоридаги жадвал маълумотларидан Сирдарё вилоятида иқтисодий фаол аҳолининг 48.0 фоизи қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 52.0 % қишлоқ хўжалиги бўлмаган соҳаларда (саноат ва қурилишда 15.0 %, хизматлар соҳасида 37.0 %) банд, умумий урбанизация кўрсаткичи эса 42.9 %. Жиззах вилоятида бирламчи секторда 41.8, саноат ва қурилишда 15.1 ва хизматлар соҳасида 43.1 фоиз иқтисодий фаол аҳоли ишлайди, урбанизация даражаси 47.0 %. Тахминан шундай вазиятни Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида ҳам кузатиш мумкин.

Аслини олганда, классик урбанизация ҳудуднинг саноатлашганлиги билан тавсифланади. Бу жиҳатдан қараганда ЯҲМ таркиби билан урбанизация ўртасида қандайдир қонуний алоқадорликни илғаш мумкин.

Демак, урбанизация жараёнининг республика ва унинг минтақаларида ривожланиши ўзига хос хусусиятлар касб этади ҳамда улар жойнинг демографик вазияти, иқтисодиётининг тармоқлар таркиби ва ихтисослашуви каби омиллар билан боғлиқ бўлади.

Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон географияси тарихида XX асрнинг боши бир қатор хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради. Бу даврнинг энг муҳим хусусияти тупроқ-ботаник экспедициялар ҳақидаги географик тасаввурлар мунтазам равишда кенгая борди ва янада такомиллашди. Бунда Россия География жамиятининг 1897 йил Тошкентда ташкил этган Туркистон бўлими ва Туркистон қишлоқ хўжалик жамияти фаолияти катта ижобий роль ўйнади.

XX асрнинг бошидаги геоботаник тадқиқотлар бир қатор илмий географик қонуниятларнинг аниқланиши ёки янги фактлар билан тасдиқланишига олиб келди. Жумладан, ўлка жанубий қисми флораси ва фаунаси генезисининг – жанубий ҳудудлар (Олд Осиё ва Ўрта денгиз бўйи), шимолий қисми эса Ғарбий Сибирь ва Марказий Осиё билан боғлиқ эканлиги ҳақидаги фикрлар узил-кесил қарор топди.

1908-1915 йиллар орасида “Аҳолини кўчириш бошқармаси”нинг С.С.Неуструев раҳбарлигида ва “Ерлар ҳолатини яхшилаш бўлими”нинг Н.А.Димо бошчилигидаги докучаевча комплекс табиий-тарихий метод асосида олиб борган геоботаник тупроқларни ўрганиш бўйича экспедициялари якунлари илмий жиҳатдан ва хўжалик нуктаи назардан аниқсиз катта аҳамиятга эга бўлди.

1930 йилларга келиб Ўзбекистон ҳудудининг жуда катта қисми геоботаник тадқиқотлар билан қамраб олинди. Жумладан, Нурота, Жиззах, Мирзачўл, Бекобот, Зомин, Янгиқўрғон, Самарқанд, Ургут, Конимех ва бошқа районларда тадқиқот ишлари яхши йўлга қўйилиб илмий жиҳатдан жуда катта материал тўпланди.

Озуқабоб ўсимликларни тадқиқ қилиниши натижаси ўлароқ 1934 йилда Е.П.Коровин ва М.М.Советкинанин “Ўзбекистоннинг пичанзор ва яйловларини ўрганишга киришиш” ҳамда М.М.Советкинанин “Ўрта Осиёнинг пичанзорлари ва яйловлари табиий ишлаб чиқариш кучлари сифатида” (1938) номли илмий ишлари пайдо бўлди. Энг асосийси бу тадқиқотларнинг якуни сифатида Ўзбекистон Республикасининг ўсимликлар картаси ишланди.

Айнан шу 30-йилларда А.В.Ярмоленко, М.И.Брик, Е.П.Коровинлар томонидан Ўзбекистон ҳудудида палеоботаник нуктаи назардан учламчи ва юра даври флораси элементлари тўлиқ тикланди. Уларнинг тадқиқотларига кўра Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон ҳудудида учламчи даврда субтропик ўрмонлар, ксерофитлашган ва доимий яшил дарахт ва бутазорлар билан қопланган бўлган экан.

Бу борада М.Г.Попов томонидан флора тарихи бўйича масалаларни ёритишда ўсимлик турларини таҳлили анча катта қизиқиш уйғотади. Унинг томонидан ер шари флораси икки қисмга ажратилади, яъни; жанубий чўл – Вельвичия ва мезофилли – Гинкго. Ўрта Осиё ва қисман Ўзбекистон бу икки флора областининг чегарасида жойлашган. Қизиқиш уйғотадики Ўрта Осиё ҳудудидаги гипслашган қатламларда сақланиб қолган флора элементларидир. Бу ўсимликлар Ўрта Осиё ва Ўзбекистон флорасининг таркиби ва шаклининг қадимги даврийлиги ҳисобланади. Умуман М.Г.Поповнинг фикрича ҳозирги

худуддаги ўсимлик коплами кадимги бирламчи флора элементларининг миграцияси ва қолаверса гибридизацияси натижасида ҳосил бўлган.

М.Г.Попов билан бир вақтда ўсимликлар миграцияси концепцияси бўйича Е.П.Коровин ҳам жуда катта илмий тадқиқот ишларини олиб борди. Ўрта Осиё, Ўзбекистонда ўсимликларнинг ривожланишини ботаник-географик хусусиятларини очиб беришда худуд флора элементларини шаклланишини тарихий концепциясини яратди. Барча илгари сурилган ғоялар, тарихий концепциянинг моҳияти, флора элементларини шаклланишига оид манба маълумотлари ўзининг 1961, 1962 йилларда нашрдан чиқарилган икки томлик “Ўрта Осиё ва Жанубий Қозоғистон ўсимликлари” номли фундаментал асари таркибига киритди.

Е.П.Коровиннинг таъкидлашича аутохон йўналиш ўсимликларнинг таркибини ўзига хослигини генетик жиҳатдан бир бутунлигини таъминлайди, миграция эса ўсимликларнинг янги шакллари тўлдириб экологик тизимлар масаласида бойитиб боради.

Е.П.Коровиннинг бошқа илмий ишларида ҳам ўзига хос қизиқ илмий маълумотларни кўришимиз мумкин. Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон худудларида топилган қазилма маълумотлар учламчи ва юқори бўр даври флораси вакиллари топилган. Бу тадқиқотлар асосида Е.П.Коровин шундай хулосага келадики, Ўрта Осиёнинг жанубий қисми ўсимликлари учламчи даврда ксерофит характерида бўлган ва майда баргли доимий яшил буталар кўринишида ривожланган. Бу борада ҳар ҳолда М.Г.Попов ҳамда Е.П.Коровинларнинг фикрлари ва тадқиқот натижалари бир бирига жуда яқин келади. Фақатгина М.Г.Поповда субтропик ўрмонлар кўринишида бўлса, Е.П.Коровинда майда баргли доимий яшил бутазорлар кўринишида деган фикр билдирилмоқда. Лекин иккала тадқиқотчи ҳам ўсимликларни ксерофитлашувига бир хилда эътибор берган.

1937 йилда Ўзбекистон ўсимликларини экологик - генетик тавсифномасини яратиш борасида Е.П.Коровин томонидан қуйидаги фикрлар билдирилди: “Узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистонда ўсимлик дунёсини ўрганиш бўйича тадқиқотлар, изланишлар умумлаштирилмади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон худудидида жуда катта флора ва ўсимлик бўйича материаллар тўпланди. Эндиликда иктисодиёт эҳтиёжларини қондириш, республикада ўсимликлар ҳақидаги қарашларнинг мантикий силжишлари илгарилаб бораётганлигини ҳисобга олиб ўсимлик турларини системага солиш ҳамда умумлаштириш вақти етиб келди”.

NAVOIY VILOYATIDA SUVDAN SAMARALI FOYDALANISHNING GEOGRAFIK MUAMMOLARI

Xoliqova M.O.

Navoiy davlat pedagogika instituti

Bizga ma'lumki, Navoiy viloyati hududi Zarafshon daryosining o'rta oqimida joylashgan bo'lib, azaldan Zarafshon daryosi suvidan foydalanib kelmoqda. O'tgan asarning 70-yillarida kelib Qiziltepa, Karmana tumanlari hududi hamda Malik cho'l zonasi Amu-Buxoro kanali orqali Amudaryo suvi bilan ta'minlanib kelmoqda. Yaqin

талаб қилади. Айниқса бу муаммо шаҳар хўжалиги тор ихтисослашган, яъни “моношаҳар”ларда кескин. Марғилон асосан тўқимачиликка, Ангрен кўмир саноатига ихтисослашуви ҳозирги вақтда маълум бир қийинчиликларни келтириб чиқаради. Қўқон шаҳрининг сўнгги йилларда суғоривчилик ҳам бу ерда жойлашган республикадаги энг йирик пайпоқ тўқиш фабрикасининг депрессив ҳолати билан боғлиқ. Республиканинг қолган кичик ва ўрта шаҳарлари кўпроқ агросаноат мажмуасига ихтисослашган бўлиб, уларнинг тараққиёти замонавий технологияларни жалб этиш, кичик бизнес соҳасининг ривожини билан боғлиқ.

Демак, урбанизация жараёнининг ривожланишини умуман шаҳар жойларнинг мавжудлиги билан эмас, балки уларнинг функционал типлари билан баҳолаш тўғрроқ бўлади. Республикаимиз олимлари: Э.Аҳмедов, Т.Раимов, О.Ата-Мирзаев, А.Солиев, А.Қаюмов ва бошқалар шаҳарларни функционал типларга ажратиш масаласи билан шуғулланишган. Уларнинг илмий ишларини ҳисобга олган ҳолда, шаҳарларнинг қуйидаги функционал типларини ажратиш мумкин:

- пойтахт шаҳар (Тошкент);
- кўп функцияли катта шаҳарлар – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар маъмурий марказлари (Нукус, Самарқанд, Андижон ва бошқ.);
- йирик саноат марказлари (Чирчик, Ангрен, Олмалик, Марғилон, Қўқон ва х.к.);
- ўрта даражадаги саноат марказлари (Бекобод, Янгийўл, Зарафшон, Каттақўрғон, Шахрисабз ва бошқ.);
- транспорт ва саноатга ихтисослашган шаҳарлар (Когон, Қўнғирот, Ховос, Учқудук кабилар);
- ресурс шаҳарлар (Газли, Муборак, Шарғун, Толимаржон, Ғозғон, Маржонбулок ва х.к.);
- кишлоқ туманларининг маъмурий марказлари, агросаноат мажмуалари шаклланган шаҳарлар (Қува, Шахрихон, Чуст, Яққабўғ, Шуманай ва бошқалар, уларнинг сони республикада энг кўпчилиқни ташкил қилади.);
- рекреация ва туризм марказлари (Чортоқ, Чимён, Хива, Қашқадарё, Мироқи ва бошқ.).

Шаҳарлар функционал типларининг ривожланиши урбанизация жараёнининг муҳим иктисодий кўрсаткичларидан биридир. Бу хусусда, айниқса, шаҳар ҳосил қилувчи тармоқларнинг аҳамияти катта. Умумий тарзда эса бу ҳолат вилоят ва республика ялпи ички маҳсулотларида (ЯИМ) кишлоқ хўжалиги бўлмаган тармоқлар ҳиссасининг ошиб боришида ўз аксини топади. Масалан, республикаимизда 2017 йил якунларига қўра ЯИМ таркибидида саноат ва қурилиш 33.5 фоизни, хизматлар соҳаси 47.3 фоизни ташкил қилган. Ваҳоланки, бу кўрсаткичлар 2000 йилда юқоридагиларга мос ҳолда 23.1 ва 42.5 фоизга тенг бўлган. Урбанизациялашувнинг энг муҳим кўрсаткичлари бўлмиш саноат, қурилиш ва хизматлар соҳасининг бундай тез ўсиб бориши янги шаҳарчаларнинг шаклланишида муҳим омил саналади. Ўзбекистон минтақаларида урбанизацияни атрофлича баҳолаш учун ушбу жараённинг турли кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиш талаб этилади. Жумладан,

ketish uchun yangi muhit bo'lib xizmat qiladi. Aholining ijtimoiy holati va mamlakat iqtisodiyotini rivojlantiruvchi omillarning holatini aniqlash maqsadi o'z dolzarbligini yo'qotmaydi.

XIX asrning so'ngida XX asr oxirigacha bo'lgan davrda O'zbekiston Respublikasi hududida ham muntazam aholi ro'yxatlari o'tkazib turilgan. Mamlakatimiz aholisining ko'rsatkichlari dinamik ravishda o'sib borganligi ushbu tadbirlar davomida aniq qayd etilgan. Shuningdek, aholi ro'yxatlarida aniqlanishi kerak bo'lgan ma'lumotlar asosida aholining ijtimoiy va hududiy xususiyatlari bo'yicha aniq ma'lumotlar shakllandi, natijada respublika aholisining etnik, demografik va boshqa ijtimoiy jihatlari haqida tizimli tasavvur hosil bo'ldi.

Ushbu ko'rsatkichlar muntazam o'tkazib borilgan aholi ro'yxatlari natijalari bo'lib, ularning aniqligi tadbirning o'tkazilganligi bilan kafolatlanadi. Aytib o'tilganidek, mamlakatimizda aholi ro'xatlari mustaqillik yillarida o'tkazilmagan va aholi miqdori hududiy statistik hisoblar asosida belgilanib kelmoqda. Bunday ma'lumotlar turli hududlardagi statistika muassasalari tomonidan yig'ilganligini e'tirof etilsa, ularning aniqligi ko'p marotabalik qiyosiy tahlillar o'tkazilishini taqozo etadi.

Mustaqillik yillari davomida mamlakat aholisi haqidagi umumiy ma'lumotlar maxsus tashkilotlar tomonidan doimiy to'planib o'rganib borilayotganligi barchaga ayon. Shunday bo'lsada, mamlakatning iqtisodiy va ijtimoiy taraqqiyotida aholi ro'yxatlarini o'tkazishning muhim tajriba ekanligini e'tirof etish va O'zbekiston Respublikasida ham aholi ro'yxatlarini o'tkazishni muntazam yo'lga qo'yish zarurligi ta'kidlanadi.

Aholi ro'yxatlarining muntazam o'tkazilishi ijtimoiy tartib hamda aholi va hukumat o'rtasidagi aloqani mustahkamlaydi, mamlakat taraqqiyoti uchun qilinadigan ishlardagi hamjihatlikni shakllantiradi.

ЎЗБЕКИСТОНДА УРБАНИЗАЦИЯ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Қурбонов П.Р.*

Қарши давлат университети

Жаҳон урбанизациясининг асосий хусусиятлари турли мамлакатларда турлича намоен бўлади. Ушбу жараённинг ривожланиши, жумладан, Ўзбекистонда ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Республикамиз қадимги маданият ва шаҳарсозлик марказларидан ҳисоблансада, бу ерда шаҳарлар тўри ва тизими, ҳозирги замон мазмунидаги урбанизация жараёнлари энг сўнгги йилларда шаклланган.

Маълумки, ҳозирги вақтда мамлакатимизда, миллий иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу муаммонинг ечими эса кўп жиҳатдан шаҳарларнинг функционал типларига боғлиқ. Масалан, йирик sanoat марказларида, жумладан, Чирчиқ, Ангрен, Олмалик, Бекобод ва бошқаларда уларнинг иқтисодиётини ривожлантириш янги технологияларни жалб қилиш, sanoat тармоқлари таркибини бойитишни

vaqtlardan boshlab Uchquduq va Zarafshon shaharlari ham Amudaryo suvi bilan ta'minlanadigan bo'ldi. Viloyat hududida 2010-yil davomida jami bo'lib 2335614,1 ming m³ (2176647,1 ming m³ 2009-yilda) suvdan foydalanilgan. Shundan Zarafshon daryo suvidan 1623400,1 ming m³ (1517448,1 ming m³ 2009 yilda), Amu-Buxoro kanali orqali Amudaryo suvidan esa 640594 ming m³ (590983,5 ming m³ 2009 yilda), er osti suvlarida 71620 ming m³ (68215,5 ming m³ 2009-yilda). Bundan tashqari viloyat hududida er osti va buloqlar suvdan Nurota tumani to'liq 40300,0 ming m³ Xatirchi tumani 6 foiz, Konimex tumani va Tomdi tumanlari 18 foiz foydalaniladi.

Viloyat hududida foydalanib kelinayotgan suv zahiralari tarmoqlar o'rtasida taqsimlangan quyidagi holatni ko'rish mumkin: 2010-yil davomida ishlab chiqarishga 889785,5 ming m³ (884791,5 ming m³ 2009 yilda), ichimlik suvi sifatida 85221,4 ming m³ (83718,3 ming m³ 2009 yilda), sug'orishga 1335926,8 ming m³ (1185562,1 ming m³ 2009-yilda) suv sarflangan bo'lib, 24680,4 ming m³ (22585,2 ming m³ 2009-yilda) suv yo'qotilgan.

Viloyat hududida foydalanib kelinayotgan suvlarning bir qismi korxon va tashkilotlar tomonidan oqova suvi sifatida tashlangan, ya'ni me'yoriy tozalangan 644821,5 ming m³ (64214,7 ming m³ 2009-yilda), ifloslangan 4897,2 ming m³ (4658,9 ming m³ 2009-yilda), tozalangan 83220,4 ming m³ (78155,52 ming m³ 2009-yilda) hajmida suv tashlangan. Viloyat hududidagi sug'orish tizimidagi zovur tarmoqlari 2010-yilda 624500,1 ming m³ (620845,3 ming m³ 2009-yilda) suv tashlangan bo'lib, bu suv miqdori Oyoq-Og'itma tashlamasiga 102355 ming m³ (98745 ming m³ 2009-yilda), Sho'r ariq zovuriga 13848 ming m³ (135,52 ming m³ 2009-yilda), Tudako'l suv havzasiga 12765 ming m³ (12420 ming m³ 2009-yilda), Zarafshon daryosiga 26784 ming m³ (26235 ming m³ 2009-yilda) tashlangan.

Viloyat hududi bo'yicha 2010-yil qishloq xo'jaligini suv bilan sug'orish tizimiga sarflangan suv miqdorini 2009-yil bilan solishtirilganda 158967 ming m³ suv ko'p foydalanilganligini ko'rsatadi. Ishlab chiqarish korxonalarida suvdan aylanma foydalanish esa 1134165,2 ming m³ ni (1131592,5 ming m³ 2009-yilda) tashkil qilib, suvdan qayta foydalanish 347975,2 ming m³ (343350,8 ming m³ 2009-yilda) ni tashkil qiladi.

Bugungi kunda viloyat hududida 1860 dona yer osti suv quduqlari mavjud bo'lib, shundan 568 tasidan foydalanib kelinmoqda. Qolgan 1292 tasi qishloq xo'jaligining nasoslar stansiyasiga qarashli bo'lib, ularning ancha qismi Nurota, Tomdi, Konimex, Uchquduq tumanlari hududida joylashgan.

Suvdan oqilona foydalanishni yo'lga qo'yish "Suv qonuni"da ko'rsatib o'tilgan me'yoriy, uslubiy va qonuniy hujjatlar bazasini yaratish maqsadga muvofiqdir. Kuzatishlar shuni ko'rsatadiki viloyat hududida xalq xo'jaligi va qishloq xo'jaligining barcha tarmoqlarida suvga bo'lgan ehtiyojni hisobga olib, sho'r yuvish, g'alla, paxta hamda boshqa qishloq xo'jaligi ekinlarini me'yorida sug'orishni tashkil qilish, suvdan maqsadli foydalanish bo'yicha qattiq tartib o'rnatish zarurligini qayd qilinishiga qaramasdan ba'zi hollarda suvdan foydalanish qonunlari buzilmoqda.

Viloyat tabiatini muhofaza qilish boshqarmasi bilan 2010 yilning yoz oyida o'tkazilgan kuzatuvlar jarayonida Qiziltepa tumaniga qarashli O'rta cho'l, Karmana tumaniga qarashli Malik cho'l hududlarida qishloq xo'jaligi ekinlarini sug'orish vaqtini olib borish, mahalliy o'g'itni sharbatlash, ko'llatib sug'orish kabi salbiy

* Қурбонов Пахлавон Рустамович – Қарши ДУ География кафедраси мудири, г.ф.н.

holatlar aniqlandi va bunday salbiy holatlarni bartaraf etish, zovur tarmoqlariga tashlanadigan oqova suvlarni kamaytirish, suvdan oqilona foydalanishni yo'lga qo'yish chora-tadbirlari ishlab chiqildi.

Shunday ekan, suvdan foydalanishda bozor munosabatlariga bosqichma-bosqich o'tish, suvdan noto'g'ri foydalanilgan holatlarda iqtisodiy javobgarlik va suvdan tejamli hamda samarali foydalanilganda iqtisodiy rag'batlantirish joriy qilinishi muhim ahamiyatga ega.

Bundan tashqari suvdan oqilona foydalanish mavzusida targ'ibot-tashviqot ishlarini yo'lga qo'yish, ayniqsa "14 mart daryolar suv va hayotni asrash uchun harakatlar kuni", "27-mart Butun jahon suv kuni" mavzusida seminarlar o'tkazish katta ahamiyat kasb etadi.

МИНЕРАЛЬНЫЕ УДОБРЕНИЯ И ИХ ВОЗДЕЙСТВИЕ НА ПОЧВУ

Хисматова Х.Ф.

Ташкентский государственный педагогический университет

Почва является бесценным природным богатством, обеспечивающим человека необходимыми продовольственными ресурсами. Ничто не может заменить почвенный покров: без этого колоссального природного объекта невозможна жизнь на земле. Вместе с тем, сегодня можно наблюдать неправильное использование почвы, что приводит к росту её загрязнения и, как следствие, снижению её плодородных свойств.

Одним из источников загрязнений сельскохозяйственных угодий являются минеральные удобрения. Конечно, сегодня минеральные удобрения используются широко в сельском хозяйстве любой страны или региона. Но вопрос о том, нужно ли их использовать, для многих остается открытым. Главными преимуществами искусственных удобрений являются: высокая эффективность, экономическая выгода, стойкость к негативным факторам, неприхотливость в хранении, высокая универсальность.

Известно, что каждое растение, в процессе питания, испытывает критический период поглощения конкретных элементов. Это значит, что им необходимо наличие питательных веществ в доступной форме. Почва и органические удобрения не дают им эти вещества в необходимом количестве. Как результат, растения дают неполноценные продукты. К примеру, при посеве растений, их следует удобрить суперфосфатом. Или же, при обильном цветении сада, он требует внекорневой подкормки мочевиной, иначе произойдет опадение цвета, имеющихся завязей и плодов. Есть еще масса примеров, когда заменить минеральные удобрения попросту невозможно.


Самая распространенная версия - органические удобрения являются источником абсолютной пользы. Несомненно, с помощью компостов и навоза обеспечивается реализация экологического земледелия. Такие продукты как навоз, опилки, компост или ил, лучше всякой химии, но несмотря на то, что, например, компост, являясь прекрасным источником необходимых полезных элементов для всех растений, и при его использовании улучшаются показатели продуктивности, а также характер питания сельскохозяйственных растений

o'tkazib borish amaliyotini joriy qilish va muntazamligini ta'minlash maqsadga muvofiqdir.

Aholi ro'yxatlarining asosiy maqsadi aholiga tegishli eng ishonchli ma'lumotlarga ega bo'lish orqali mamlakatni iqtisodiy ijtimoiy rivojlantirishning kelajak strategiyalarini belgilashdir. Ma'lumki, iqtisodiy va ijtimoiy taraqqiyot turli hodisa va jarayonlarning o'zaro bog'liqlikda kechishi bilan murakkablik kasb etadi, hamda asosan inson omiliga tayanadi. Binobarin aholi ro'yxatlarini o'tkazish mamlakat uchun muhim ijtimoiy va siyosiy ahamiyatga ega bo'lgan tadbir.

XX asr oxiri va XXI asr birinchi o'n yilligida dunyo mamlakatlarining aholi ro'yxatlarini o'tkazishlari geografik tafovutlarga ega bo'la bordi. Xususan muntazamlik tamoyiliga amal qilmagan holda aholi ro'yxatlarini o'tkazishga befarq munosabatda bo'lish odati shakllana boshladi. Agar mavjud ma'lumotlar asosida tuzilgan dunyo kartasiga nazar tashlansa, aholi ro'yxatlarini o'tkazish bo'yicha davriy tafovutlar yaqqol ko'zga tashlanadi.

1-rasm. Dunyo mamlakatlarida 2011 yilgacha aholi ro'yxatlarini o'tkazilganlik holati



2005– 2011 yillar oralig'ida aksariyat davlatlar aholi ro'yxatini o'tkazganligi ko'rinib turibdi, lekin shuni aytib o'tish joizki, ko'pchilik mamlakatlar uchun bu tadbir ilk bora o'tkazilgan. .

Aholi ro'yxatlari o'tkazishning ijtimoiy ahamiyati shundaki, joriy hisobning hududiy uzilganligi natijasida ma'lumotlar noaniqligi yillar davomida ortib boradi va muayyan muddatga yetganida ma'lumotlar to'liq noaniqliklardan iborat bo'lib qolishi mumkin. Joriy hisobning umumlashtirilishi va tahlilini muntazam shakllantirish esa bu muddatni uzoqlashtiruvchi omil xolos. Binobarin, aholi ro'yxatlarini o'tkazish barcha hisoblarning yakuniy jamlanmasi hamda ularni yana bir chiziqdan boshlab

SHHT harbiy blok hisoblanmaydi. Uning asosiy e'tibori mintaqada xavfsizlikni ta'minlashga qaratilgan. Tashkilot miqyosida a'zo davlatlar Xavfsizlik kengashlari kotiblarining yig'ilishlari doimiy tarzda o'tkazilib boriladi.

Bugun O'zbekistonda amalga oshirilayotgan tashqi va ichki siyosat ShHT ning prinsiplariga to'la mos keladi. Mamlakatimizda tinchlik va xavfsizlikni ta'minlash, iqtisodiy barqaror rivojlanishga qaratilgan amaliy ishlar boshqa davlatlarning e'tiborini o'ziga jalb etmoqda. ShHTning Mintaqaviy aksilterror tuzilmasi (MATT)ning Toshkent shahrida joylashganligi ham fikrimiz isboti hisoblanadi. MATT 2004-yil 1-yanvardan faoliyatini boshlagan bo'lib, uning zimmasiga axborot almashish, chegara va bojxona qo'mitalarining, maxsus xizmatlarning hamkorligini ta'minlash orqali terrorizmning oldini oldini olish vazifasi yuklatilgan.

Yo'qori sur'atlarda rivojlanib borayotgan bugungi davrda aholi tinchligiga xavf soluvchi turli xil harakatlarning soni ham kundan kunga ortib bormoqda. Bugun dunyoning ko'plab davlatlarida tartibsizliklarni yuzaga keltirishga urinayotgan har xil radikal kuchlar, asosan yoshlarning ongini zaharlash orqali o'z saflarini kengaytirmoqda. Bu esa tashkilotga a'zo davlatlarning yanada sergak bo'lishini talab etadi. A'zo davlatlar aholisining asosiy qismini yosh avlod vakillari tashkil etishini inobatga olib, tashkilot miqyosida yoshlarga oid dastur ishlab chiqich vaqti keldi bizningcha. Yangi dastur asosida ShHT yoshlarining axborot almashuvi, fan va texnikaning so'ngi yangiliklariga birgalikda baho berish va ularni analiz qilish imkoniyatlari yuzaga keladi. Bu esa yoshlarga ShHT yordami bilan xalqaro maydonga chiqish imkoniyatlarini yaratadi. Zero, faqat davlatning emas, balki butun dunyoning ertangi kuni yoshlar qo'lida.

AHOLI RO'YXATLARINI O'TKAZISHNING ZARURATI VA AHAMIYATI

G'apparov A.N., Haydarova S.A., Zaynutdinova D.K.

Jizzax davlat pedagogika instituti

Bugungi kunda barcha ijtimoiy taraqqiy etgan davlatlar o'z aholisi haqida doimiy ma'lumotlar to'plab boradi. Bu aholining barcha xususiyatlarini hisobga olgan holda olib boriladi.

Ma'lumki, aholi haqida ma'lumotlar joriy va davriy ravishda to'planadi. Joriy aholi hisobi uzluksiz, yil davomida yig'iladi. Bu - ijtimoiy masalalar bilan shug'ullanuvchi barcha davlat tashkilotlarining vazifasidir. Davriy hisob muayyan davr oralig'ida o'tkaziladi va u aholi ro'yxatlari deb ataladi.

Aholi ro'yxatlarini o'tkazish muhim ijtimoiy va siyosiy ahamiyatga ega. Bu tadbirni o'tkazishdagi dunyo mamlakatlari tajribasini o'rganish va mamlakatni rivojlantirish rejalariga kiritishning muhimligini ta'kidlash ishning asosiy maqsadidir. Ushbu maqsadda, dunyo mamlakatlarida o'tkazilgan aholi ro'yxatlarining izchilligi atroflicha tahlil qilishga va O'zbekiston hududida o'tkazilgan tadbirlar tarixini yoritishga harakat qilindi. Mamlakatimizda aholi ro'yxatlari so'nggi marta 1989 yilda o'tkazilgan va keying yillarda aholi hisobi asosan joriy hisob bo'yicha olib borilgan. Bu holat mamlakatimiz aholisining miqdori bo'yicha ma'lumotlardagi noaniqlikning ortib borishiga olib kelishi aniq. Binobarin, mamlakatimizda aholi ro'yxatlarini

,однако, его частое использование чревато распространением по участку имеющихся болезней, а также рассеиванием семян сорняков.

Учеными-агрохимиками было доказано, что запасов органических удобрений недостаточно для компенсации питательных элементов в почве. Без минеральных удобрений плодородие снизится, соответственно упадет продуктивность земледелия, а также качество сельскохозяйственной продукции. Прежде чем внести в землю удобрения, производят анализ почвы. Почву изучают на предмет ее происхождения, образования, какими физическими свойствами она обладает, какой у нее химический состав. Выясняют, каких микроэлементов в данной почве не хватает, чтоб почва стала плодородной, и определенная культура хорошо росла, развивалась, дала хороший урожай. Исходя из полученных данных, и подбирают, для конкретной почвы и для конкретной культуры нужные удобрения.

Так, например, кремниевые удобрения, можно отнести к самым первым комплексным минеральным удобрениям, так как зола растений по своему химическому составу и воздействию может быть классифицирована именно как комплексное кремний-содержащее удобрение. Содержание кремния в почвах зависит от их гранулометрического состава: в глинистых почвах его содержится от 20 до 35%, а в песчаных — 45- 49%.

Кремний в почве находится в недоступном для растений состоянии. Поэтому возникает дефицит кремния. Растения просто не получают его в необходимых количествах. Тем более что кремний определяет плодородие почвы. Атомы кремния составляют основу глины, песка и скал. Можно сказать, что весь неорганический мир связан с кремнием. В природных условиях кремниевые минералы находятся в кальцитах и меле. Бесструктурная пылевидная почва – верный признак того, что кремния в ней мало. Растения могут испытывать недостаток кремния на кислых, сильно выщелоченных и ферраллитных почвах. Кремний играет важную роль и в устойчивости растений к засухе, морозам, способствует быстрому росту корней и листовой массы. Наличие усвояемых соединений кремния понижает потребность растений в фосфоре. Также доступность кремния повышается в присутствии фосфора, азота, калия, натрия и железа. При применении кремниевых удобрений значительно усиливается роль бора в почве, существенно снижается токсичность соединений алюминия, марганца, железа за счет образования труднорастворимых соединений. Для повышения содержания в почве кремния существует несколько способов, например, компостирование листьев деревьев, внесение грязи или сапропеля.

В составе органической части сапропеля имеются биологически активные вещества — гуминовые кислоты, витамины. Важнейшая характеристика сапропеля как удобрения — это общий уровень зольности и содержания кремния, железа, серы, карбонатов, кальция.

Недостаток другого элемента в почве - калия вызывает множество нарушений обмена веществ у растений, ослабляется деятельность ряда ферментов, нарушается углеводный и белковый обмен, повышается затраты углеводов на дыхание. В итоге продуктивность растений падает, качество

продукции снижается. Внесение этого элемента не только повышает урожайность сельскохозяйственных культур, но и улучшает качество плодов и зерен. Также этот элемент принимает участие в синтезе витамина С; в случае недостатка этого витамина плоды теряют цвет и аромат. Как не странно основное широко доступное органическое удобрение с калием это печная зола. В золе содержится поташ (углекислый калий). Его количество сильно варьирует в разных видах топлива. Например, зола молодых лиственных растений содержит до 14% оксида калия. В старых хвойных породах его меньше. Зола можно назвать комплексным удобрением, поскольку, кроме калия, содержит фосфор. Наличие в золе оксида калия позволяет применять ее на почвах с повышенной кислотностью.

Карбамид (мочевина) производится синтезом газообразного аммиака и углекислого газа под воздействием высокого давления 200 атм. и температуры 185-200 градусов. Его химическая формула - $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$. Из всех азотных удобрений карбамид отличается наибольшим содержанием азота – 46%. Подобно всем азотным удобрениям карбамид может применяться на любых видах почв для питания растений и их подкормки. Преимуществом карбамида перед аммиачной селитрой является то, что содержащийся в нем азот лучше удерживается почвой и не так легко вымывается грунтовой водой. Поэтому на почвах, подверженных переувлажнению, его применение предпочтительнее. В состав карбамида входит амидная форма азота, которую хорошо усваивают листья растений. У карбамида есть одна особенность, которую нельзя упускать из виду. Дело в том, что при грануляции в нем образуется биурет. При уровне содержания биурета выше 0,8% он обладает токсичным воздействием на растения. Усваиваемость азота, содержащегося в карбамиде, зависит от температуры почвы. Она тем лучше, чем выше температура.

Известково-аммиачная селитра (ИАС) применяется в качестве сложного удобрения. Она, как и другие азотные удобрения, обладает универсальностью применения, не теряя своих качеств на любых видах почв и в любых климатических зонах. Однако наилучшие результаты, благодаря карбонатам кальция и магния, приносит его применение на солонцовых и кислых почвах, а так же на легких почвах с невысоким содержанием магния. ИАС обеспечивает наращивание зеленой массы и способствует повышению урожайности. Известково-аммиачная селитра является эффективным удобрением, превосходящим по своим физическим свойствам аммиачную селитру, так как оно не впитывает влагу и взрывобезопасно.

Хороших результатов удастся добиться посредством применения комбинированных смесей. При соединении доломитовой муки с борной кислотой, компостом, перегноем, медным купоросом нормализуется уровень кислотности. Однако следует помнить, что порошок доломита не сочетается с селитрой, карбамидом, суперфосфатами. Также не следует вносить удобрение вместе со свежим навозом. Сочетание данных удобрений вызывает химическую реакцию, сопровождающуюся выделением вредных для растений веществ.

Tashkilotning asosiy maqsadi o'z hududlarida xavfsizlikni ta'minlash va iqtisodiy munosabatlarni rivojlantirishga qaratilgan. Mamlakatimizning birinchi Prezidenti I.A.Karimov ShHT 2004-yil 17-iyunda Toshkentda bo'lib o'tgan sammitida quyidagi fikrni bildirib o'tgan. «Biz shunga qat'iy aminmizki, ShHT ning binosini ko'tarib turadigan asosiy ustunlar – xavfsizlik va iqtisodiyot bo'lishi zarur. Ana shu ikki ustun, yoki ta'bir joiz bo'lsa, aravaning ikki g'ildiragiga tayangan holdagina SHHT faoliyatining samaradorligi va uning xalqaro nufuzini, shiddat bilan o'zgarayotgan dunyodagi vaziyatga mos tarzda harakat qilishini ta'minlash mumkin»

Tashkilot a'zo davlatlar o'rtasida iqtisodiy aloqalarni mustahkamlash, fan va texnikaning rivojlanishini ta'minlash, hududlarda terrorizm, ekstremizm, giyohvandlik va noqonuniy migratsiyaga qarshi kurashish kabi yo'nalishlarda faoliyat olib bormoqda.

SHHT ning tarkibidan maydoni, iqtisodiy va harbiy potentsiali jihatidan dunyoning yirik davlatlari (Rossiya Federatsiyasi va Xitoy Xalq Respublikasi) ning joy olganligi tashkilotning xalqaro maydondagi nufuzini oshirib, dunyo hamjamiyatini e'tiborini o'ziga tortmoqda. 2017-yil iyun oyida Qozog'iston Respublikasining Ostona shahrida bo'lib o'tgan tashkilot davlat rahbarlari kengashining 17-sammitida Pokiston va Hindiston davlatlarining SHHT ga a'zo bo'lishi bilan tashkilotning safi yanada kengaydi.

SHHT davlatlarining umumiy maydoni bugungi kunga kelib 35 mln. km² ga (Yevrosiyo hududining 64% ni egallaydi) yaqin bo'lib, dunyo aholisining 44% i (3 mlrd. dan ortiq) tashkilot hududida istiqomat qiladi. Bundan tashqari tashkilot safida kuzatuvchi maqomiga ega davlatlar (Eron, Belarussiya, Mongoliya, Afg'oniston) va muloqot hamkor davlatlar (Armaniston, Ozarbayjon, Turkiya, Nepal, Kambodja, Shri-Lanka) ham bor. Bu esa ShHT ning safi kelajakda yanada kengayishi mumkin ekanligini ko'rsatadi.

A'zo davlatlarning bir-biri bilan chegaradosh ekanligi mintaqada erkin savdo zonasini tashkil etish va transport logistik aloqalarni o'rnatish uchun qulaylik tug'diradi. Bundan tashqari davlatlarning o'zaro chegaradosh ekanligi mahsulot va xom ashyolar importining arzonlashuvi, kontinental davlatlarning (O'zbekiston, Qozog'iston va h.k) Dunyo okeaniga chiqishini ta'minlaydi.

Tashkilot quyidagi asosiy prinsiplarga tayangan holda faoliyat olib boradi:

- 1) Xavfsizlik va tinchlikning ta'minlanishi;
- 2) Barqaror iqtisodiy rivojlanish.

XXI asrdagi muammolarni birgalikda hal qilish, ayniqsa, rassizm, natsizm, terrorizm, ekstremizm kabi aholi tinchligiga xavf soluvchi illatlar avj olib borayotgan bir davrdagi siyosiy vaziyat tashkilot e'tiboridan chetda qolmaydi. Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev Ostona sammitida bu borada quyidagi fikrni bildirdi: «Bugungi kunda xalqaro terrorchi guruhlar va buzg'unchi kuchlar o'z faoliyatida axborot texnologiyalarini yanada kengroq qo'llanmoqda va bu orqali yovuz g'oyalarini yoyib yoshlarimiz ongini zaharlamogda».

Zero, tinchlik va xavfsizlik ta'minlangan joydagina iqtisodiy taraqqiyotga erishish mumkin.

5	Paxtakor	0,377	37741	27620
6	Zarbdor	0,51	50734	31786

Ayni vaqtda viloyatdagi ikki xil tabiiy sharoitga ega tumanlarning dehqonchilikni rivojlantirishdagi imkoniyatlarini taqqoslash imkoniyati mavjud. Xususan, tog' va tog' oldi tumanlarida dehqonchilikning imkoniyatlari ancha katta va turli ekinlardan yuqori darjada hosil olish mumkin. Shu bilan birga ta'kidlash joizki, ushbu hududlarda yer va suv resurslaridan foydalanishda oqilona yondashuv juda muhim. Bizning fikrimizcha, ayni hududlarda ko'p yillik ekin turlarini yetishtirishni yo'lga qo'yish qonun miqyosida belgilanishi kerak, aks holda yer usti va yer osti suvlaridan foydalanish va mo'l hosil uchun yerga ishlov berishdagi xatoliklar slabiy oqibatlariga olib keladi. Ayni kunda tog' oldi hududlarida sabzavotchilikning rivojlantirilishi natijasida yer, yer usti va yer osti suvlaridan foydalanishda noto'g'ri yondashuvlar kuzatilmog'ga.

O'zlashtirilgan cho'l tumanlarida dehqonchilik sohalarining rivojlanishi turli darajadagi omillar bilan bogliq. Bunday omillar quydagicha namoyon bo'ladi:

- ✓ Tabiiy sharoit omilining barqaror emasligi;
- ✓ Suv resurslarining cheklanganligi;
- ✓ Yer maydonlariga ishlov berishda inson omilining asosiy o'rin tutishi;
- ✓ Malakali mutaxassislar va tajribaning yetishmasligi va hokazo.

Xulosa qilib aytganda Jizzax viloyatida dehqonchilikning hududiy rivojlanishi tabiiy hududiy xususiyatlar bilan to'la ravishda bog'liq va iqtisodiyotni isloh qilish jarayonida ushbu xususiyatlarni atroflicha va oqilona tarzda hisobga olish muhim ahamiyatga ega.

SHANXAY HAMKORLIK TASHKILOTI MINTAQADA XAVFSIZLIK VA TARAQQIYOT YO'LIDA

Sharibayev A.M., Djanabaev I.B., Yusupov Q.U.

Nukus davlat pedagogika instituti

Dunyo mamlakatlari o'zining iqtisodiy mavqeyini oshirish, o'z hududlarida tinchlik va xavfsizlikni ta'minlash, yuzaga kelgan chigal vaziyatlarni tartibga solishda o'zaro do'stlik va ishonchga asoslangan sheriklikga ehtiyoj sezadi. Bunday sheriklik o'zaro manfaatli kelishuvlar asosida amalga oshiriladi.

Ishlab chiqarish sohasida bir nechta davlatlarning uyushgan holda faoliyat olib borishi negizida xalqaro iqtisodiy integratsiya yuzaga keladi. Xalqaro iqtisodiy integratsiya – bu turli shakl va darajadagi o'zaro muvofiqlashgan ishlab chiqarish tarkibining milliy iqtisodiyotlar mehnat taqsimoti asosidagi chuqur va barqaror aloqalardan iborat mamlakatlarning xo'jalik-siyosiy birlashuv jarayonidir. YI, MDH, ASEAN, BRICS, NAFTA, ShHT shular jumlasidan.

SHHT (Shanxay hamkorlik tashkiloti) – bu yirik hududiy xalqaro tashkilot. Uning shakllanishi 1996-yil 26-aprelda Xitoy Xalq Respublikasining Shanxay shahrida Xitoy, Rossiya, Qozog'iston, Qirg'iziston va Tojikiston respublikalarining harbiy sohada hamkorlik qilish bo'yicha kelishuv imzolashi bilan bog'liq. Dastlab tashkilot «Shanxay beshligi» deb nomlangan bo'lsa, 2001-yilga kelib O'zbekistonning unga a'zo bo'lishi bilan hozirgi rasmiy nomdagi tashkilotga aylandi.

КЕМИРУВЧИЛАР (*rodentia*) ТУРКУМИНИНГ АЙРИМ ВАКИЛЛАРИНИНГ БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРАДИГАН ГЕОЭКОЛОГИК МУАММОЛАРИ

Хамроқулова Х.З.

Тошкент давлат педагогика университети

Кемирувчилар (*Rodentia*) туркуми вакиллари биозарарлаш манбаи сифатида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бутун Ер шарига кенг тарқалган ва улар 2800 турни ташкил қилади. МДХ минтақаларининг барча худудларини ишғол қилиб, Ўрта Осиё чўлларидан тундрагача ва Шимолий Муз океани ороллари, тоғларнинг денгиз сатҳидан 4,5 минг метр баландлигига қадар кўтарилиб боради. Кемириш фаолиятининг интенсивлиги, турли кемирувчиларнинг биологияси, озикланиш хусусияти, ин ва пана типлари билан бевосита боғлиқ бўлади. Энг юқори кемириш фаоллиги мураккаб уя қазувчи (айниқса, заранг ерга), пухта, пўстли уруғлар ёки ўсимликни қаттиқ қисملари билан озикланувчи турлар (сув кундузи, ондатра, пластинка тишли каламуш, кумсичкон, кўрсичкон) да кузатишган.

Табиий ҳаётда ва иктисодиётда кемирувчиларнинг туган ўрни турли-туман ва бениҳоядир. Улар, айнақса Арктика (лемминглар), Тайга (олмаҳонлар), кенг баргли ўрмонлар (даласичконлар, сичконлар, сонялар ва б.), чўл, чалачўл ва саҳролар (суғурлар, юмронқозиклар, кумсичконлар, олмаҳонлар ва б.) биоценозларининг эътиборли аъзоларидан бири ҳисобланади. Чўл, чалачўл ва саҳроларда уларнинг қазил фаолияти тупроқ ҳосил бўлишида муҳим аҳамият касб этиб, геозологияда эрозиянинг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади. Тупроқни юмшатиш, ер ости тупроқ қатламларини ер бетига чиқариш, кемирувчилар яшаш жойларида кўпинча ўсимликларни ёппасига еб қўйиши ўтлоқли, чўл ва саҳро ўсимликлари ассоциация хилма-хиллигига ҳам таъсир кўрсатиб, бегона ўсимликларни тарқалишига олиб келади. Майда сичконсимон кемирувчилар, собол, сувсар, қорақузан, тулки сингари қимматбаҳо мўйнали ҳайвонларнинг ҳамда кундузги йиртқич қушлар ва бойўғлиларнинг озикаси сифатида хизмат қилади. Бобр, олмаҳон, ондатра, суғурлар-мўйнали ҳайвонлар муҳим овчилик объектлари ҳисобланади. Кўпчилик сичконсимонлар кемирувчилар ўлат, кутириш, туляремия, энцефалит, лептоспориоз, риккетсиоз ва бошқа касалликларни ўзларида сақлаб бундай хавфли касалликларни инсон ва уй ҳайвонларига юктирадилар. Кемирувчилар қишлоқ ва ўрмон хўжалиқларига катта зарар келтиради. Озика захираларига, идишлар, турли материал, буюмлар ва иншоотларни зарарлайди масалан: олмаҳон, летяга, сони сингари айрим кемирувчилар-типик дарахтда яшовчи жониворлардир. Улар новдаларда яхши ҳаракатланадилар, бир дарахтдан иккинчисига энгилгина сакраб ўтадилар (летягалар аста-секин пасталар учадилар), уларнинг бошпаналари дарахтларда, кўпинча дарахт қовлақларида жойлашади. Олмаҳоннинг уялари чуғурчуқлар иниди ва одамлар турар жойларида ҳам қайд этилган.

Айрим кемирувчилар турларининг тарқалиши бевосита геозология сўв хавзалари билан боғлиқ. Улар сўв муҳитида яшаши туфайли қатор морфолик (сузиш пардалари, жун қолами ва ҳоказо) мосламаларга эга. Булар қаторига

сув сичқон, ондатра, нутрия ва сув қундузлари киради. Бу кемирувчиларнинг инлари сув хавзасининг тикка қирғоғига (одатда сув остидан чиқади), ёхуд оролчаларда ва оқизмаларда қурилади. Сув қундузлар бундан ташқари кулба (“хата”) қуради. Бунинг натижасида сув ёнидаги тупроқ қатламларини ювилиб емирилиш каби муаммоларни келтириб чиқаради.

Ер остида ҳаёт кечириб, энг яхши ер қазувчи кемирувчилар турларига кўрсичқон, слепушонка, қўшоёқ, чўл ва сахро даласичқонларни кўрсатиш мумкин. Айниқса, уларнинг жағ аппаратидаги ер юмшатадиган курак тишлари кучайган. Улар оғиз бўшлиғидан туртиб чиқиб туради, унинг қиялик бурчаги бош суягига нисбатан катталашган. Оғиз бўшлиғи тупроқ заррачалари тушишидан жунли тери қатламлари билан ҳимояланган, қатламлар диастегмага букулади ва курак тишлар оғиз бўшлиғидан ажралиб туради. Ер остида ҳақиқий ҳаёт кечирувчи кемирувчилар, амалда ер юзига чиқмасдан бутун умр инларида яшайдилар. Слепшиларнинг кўзи ривожланмаган. Уларда қазилар типиди бирмунча қизил; қўшоёқлилардан фарқланиб, ҳайвончалар курак тишлари билан тупроқни кемирганга ўхшаш ин қазиса, бешпанжали қўшоёқлилар курак тишлари билан болғага ўхшаш тупроқни тез-тез уриб юмшатади.

Кемирувчиларни тарқалишини турли типдаги тупроқлар билан боғлаш мумкин. Жумладан, оддий кўрсичқон, цокор, доғли юмронқозиклар қоратуроқларда учрайди. Сахро гил тупроқлари учун сарғиш юмронқозик, бешпанжали қўшоёқлилар характерлидир. Чўл қумоқ тупроқларининг кемирувчилари (катта қумсичқон, яримқун қумсичқон, ингичкабармоқ юмронқозик ва бошқалар) қумда ҳаракатланишга ва юмшоқ қумда уя қуришга мослашган: Оёқ қафтларидаги қалин жунлар ривожланган.

Намлик кемирувчиларнинг тарқалишига таъсир этувчи муҳим омил ҳисобланиб, кўпинча бошқа, жумладан ўсимликлар тарқалиши хусусиятлари билан биргаликда таъсир этади. Аммо айримларининг ўз тарқалишлари нам иқлим билан боғлиқ (масалан, ўрмон минтақасида), чунки бу ерда кемирувчилар ўрмон ва дала сичқонлари кўпчилик дала сичқонлари озикланадиган ўсимликлар ўсади. Кўпчилигининг тарқалиши дарё ўзанларига тўғри келади. (Гарчанд улар бошқа биотопларда учраши ҳам мумкин). Масалан, ўрмон сичқони ўрмон ўзанлари орқали ўрмон чўл ва чўл минтақасига кириб боради. Суғориладиган деҳқончиликнинг ривожланиши намсевар турларни қуруқ минтақаларга кириб боришига имкон яратади.

Кемирувчиларни ўсимликларга боғлиқлиги ҳам ниҳоятда юқори. Айрим турларнинг тарқалиши тўғридан –тўғри у айрим ўсимликлар ёки улар тўдаларининг тарқалиши билан боғлиқ. Масалан, оласичқон (бурундук) нинг ареали, айрим игнабаргли турлари ареалига, сонянинг (олмахонга ўхшаш жонивор) ареали кенгбаргли ўсимлик турларининг ареалига тўғри келади. Бундай боғлиқлик айниқса чўчкаёнғоқ, ёнғоқ, нинабаргли ва кенгбаргли дарахлар уруғи билан озикланадиган стенофаг турларда кескин ифодаланган.

Кемирувчилар турли-туман шароитларда яшашга мослаша оладилар ва барча-сахродан тортиб, тундрагача ва Шимолий муз океани оролларигача бўлган барча минтақаларда жойлашадилар. Қишда фаол ҳаёт кечирувчи кемирувчиларнинг мавсумий тери қоплами мўйнасининг ўзгариши, токоферал

yo'nalishlar hisoblanadi. Shuningdek tabiiy suv havzalariga asoslangan sabzavotchilik ham mavjud.

Jizzax viloyati hududini dehqonchilik yo'nalishlari va sharoitiga ko'ra ikkita mintaqaga ajratish mumkin:

1. Tabiiy nam va tabiiy sug'orish havzalariga asoslangan dehqonchilik hududi.(tog' va tog' oldi hududlaridagi tumanlar);

2. Sun'iy sug'orish tizimiga asoslangan dehqonchilik hududi (o'zlashtirilgan cho'l hududlaridagi tumanlar).

Birinchi mintaqaga kiruvchi tumanlar asosan 6 ta bo'lib, viloyat hududining asosiy qismini egallaydi.

№	Tumanlar	Maydoni ming km ²	Jami maydoni ga	Jami ekin maydonlari ga
1.	Baxmal	1,86	186437	21740
2.	Jizzax	1,32	132031	37369
3.	Zomin	2,87	286581	48189
4.	Forish	9,67	953542	10406
5.	Yangiobod	0,72	72131	17254
6	G'allaorol	1,95	194852	72564

Bu tumanlar garchi tabiiy geografik jihatdan bitta guruhga kiritilgan bo'lsada, ulardagi agroiklimiy shart-sharoitlar turlichadir, bu tumanlar hududlaridagi tabiiy sharoitning turlichaligi bilan izohlash mumkin va ayni holat tumanlardagi dehqonchilik yo'nalishlarining alohida jihatlarini ko'rsatadi. Bundan tashqari, tumanlardagi tog'larning tabiiy geografik xususiyatlari aholining balandlik mintaqalari bo'yicha joylashuviga ham katta ta'sir ko'rsatgan. Tog'li hududlarning asosan shimoliy yonbag'irlarida aholi dengiz sathidan anchagina baland joylarda ham dehqonchilik bilan shug'ullanish imkoniyatiga ega. Qayd etish mumkinki, viloyat tog'li tumanlarida dehqonchilik turlarining muayyan ixtisoslashuvi kuzatiladi va bu holat qadimdan an'anaviy ko'rinishga ega.

Viloyatning o'zlashtirilgan cho'l tumanlarida yer fondi yetarli darjada katta emas. Bundan tashqari, yerlarning tuproq unumdorligi past va sho'rlanish tobora ortib bormoqda. bu jarayonlar inson xo'jaik faoliyatining joriy va davriy ta'siri ostida rivojlanmoqda. Cho'l hududlarida ekin maydonlariga har yilgi ishlov berish va bu amaliyotning yillar davomidagi ta'sirini shunday atash joiz deb hisoblaymiz. Cho'l hududlaridagi yerlar holatining yomonlashuvi ayniqsa Aydar-Arnasoy ko'llar tizimiga yondosh hududlarda juda sezilarli ekanligi ta'kidlanadi.

O'zlashtirilgan cho'l tumanlari tog' va tog' oldi tumanlariga nisbatan maydon jihatidan kichik bo'lishi barobarida ulardagi ekin maydonlarining hajmi ham oz, lekin mamlakatning strategik xom-ashyosini beruvchi paxtachilik va viloyatdagi donchilikning salmoqli hosili ushbu tumanlarda yetishtiriladi.

Ayni vaqtda cho'l tumanlarining hududiy nisbatlari quyidagicha.

№	Tumanlar	Maydoni ming km ²	Jami maydoni ga	Jami ekin maydonlari ga
1	Arnasoy	0,49	49273	34171
2	Do'stlik	0,45	44869	34268
3	Mirzacho'l	0,420	47848	31404
4	Zafarobod	0,522	52151	27698

Ko'rinib turibdiki, ishlab chiqarish sohasini rivojlantirishga salbiy ta'sir etuvchi omillar faqat inson omiliga bog'liq va bu salbiy omillar ta'sirini hal etish xohish va vaqtga bog'liq xolos.

Ishlab chiqarish sohasini shakllantirish va rivojlantirishga ta'sir etuvchi ijobiy omillar quyidagilardan iborat:

- ❖ Tuman hududi viloyat markaziga yaqin joylashgan;
- ❖ Bir qancha tumanlar va qo'shni viloyat bilan chegaradosh;
- ❖ Viloyat markazidan barcha cho'l tumanlariga boruvchi avtomobil va temir yo'l ustida joylashganligi, va Katta o'zbek traktiga yaqinligi;
- ❖ Tuman aholi punktlari bo'yicha transport tizimining yaxshi shakllanganligi va hokazo.

Bu omillarning ishlab chiqarishning turli sohasini shakllantirish va rivojlantirishda ahamiyati juda katta. Ulardan foydalanishda esa bugungi kun talabiga mos tadbirkorlik va savodli yondashuv asosiy mezondir.

Bir so'z bilan aytganda tumanning iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanish xususiyatlari barcha o'zlashtirilgan cho'l hududlarini rivojlantirishning kelajak rejalarini belgilashda asos bo'ladi deb hisoblash mumkin.

JIZZAX VILOYATIDA DEHQONCHILIK TARMOQLARINING HUDUDIIY SHAKLLANISH XUSUSIYATLARI

Haydarova S.A.

Jizzax davlat pedagogika instituti

Bugungi kunda respublikamizning barcha jabhalarida rivojlanishning yangicha yondashuvlari namoyon bo'lmoqda. Ayniqsa iqtisodiyotning asosiy tarmog'i bo'lgan qishloq xo'jaligi yo'nalishlari tabiiy sharoit va resurlardan oqilona foydalanish tamoyili asosda qayta shakllantirishi juda dolzarb masaladir. Buning uchun, dehqonchilikdagi an'anaviy va yangicha yo'nalishlarni va usullarni hududiy – iqtisodiy aspektda tahlil qilish muhimdir. Tadqiqotlardagi hududiy-iqtisodiy xususiyatlar mintaqalardagi muayyan hududlar tabiiy sharoiti va agroiklimiy resurslarning eng kichik omillariga ham e'tibor qaratishni talab etadi. Binobarin, bunday omillar hududlarning o'ziga xosligini namoyon etadi. Shu bilan birga dehqonchilik sohasining iqtisodiy samaradorligi hududlarning tabiiy va iqtisodiy-ijtimoiy imkoniyatlariga qanchalik bog'langanligini hisobga olish asosiy o'rin tutmog'i maqsadga muvofiqdir. Bunda mintaqalar tabiiy sharoitidagi hududiy tafovutlar va ushbu tabiiy sharoit tafovutlarining mintaq aholisi xo'jalik faoliyati va mintaq iqtisodiyotiga qanchalik ta'sir ko'rsatishini tahlil qilish birinchi navbatgi vazifa hisoblanadi.

Ma'lumki respublikamiz hududuining tabiiy geografik sharoitining o'ziga xosligi natijasida bir qancha viloyatlarning hududida o'zaro tafovutlarga ega mintaqalar shakllangan. Xususan, Jizzax viloyatida tog', tog' oldi tekisliklari va cho'l sharoitiga ega hududlar mavjud. Cho'l hududlari to'la o'zlashtirilgan va asosan paxtachilik va donchilikka ixtisoslashtirilgan. Ayni kunda bu maydonlarda dehqonchilikning boshqa yo'nalishlari ham shakllantirilmogda. Tog' va tog' oldi hududlariga ega tumanlarda esa bog'dorchilik va lalmikor dehqonchilik an'anaviy

va e'gning yig'iliши va kimёвий термогуляция интенсвивлигининг пастлиги яхши ифодаланган. Айримлари совуқ тушиши билан уйқуга кетиб, давомли донг қотиб қолади. Буларга суркалар, юмронқозиклар, мишовкалар таълуқлидир. Уйқуга кетишдан олдин организмда кўпчилик физиолог, биокимёвий жараёнларда ўзгаришлар юзага келади, ёғларни аскорбин кислотаси ва Е витаминини, тўпаланиши, организмда сув миқдорининг камайишига олиб келади. Табиатда уйқуга кириш ташки муҳит омиллари таъсирида: хароратнинг пасайиши, ёруғлик режимининг ўзгариши, озикада химизм ва сув миқдорининг ўзгариши туфайли юзага келади. Айрим чўл турларида озика базасининг ёмонлашуви ва ўсимликларнинг қуриши натижасида ёзги уйқу ҳам қузатилади. Уларнинг кўпчилигида ёзги уйқу узилишсиз кишки уйқуга ўтади.

Оғмахонлар, сонялар, олмахонлар, айрим қумсичқонлар йил фаслининг совуқ даврида қисқа муддатли ва қисқа уйқуга ёки ноқулай об-ҳавода улар фаоллигида қисқа муддатли зулуши рўй беради. Бундай кемирувчилар кишки озика захираси тўплаб, уларни ёхуд махсус камераларга (оғмахонлар, қумсичқонлар), ёхуд дарахт ковақларига (олмахонлар, оласичқонлар), илдиз остлари ва бошқа яширин жойларда сақлайдилар. Олмахонлар ҳам замбуруғларни йиғиб дарахтлар шохларига илиб қўядилар. Қўрғонча сичқонлар озикасини тупроқ билан беркитиб қўрғонча ҳосил қиладилар. Совуқ даврда ҳам фаоллигини сақлаб қоладиган сичқон ва дала сичқонлар ҳам кишки озика захирасини яратадилар. Улар ўсимликларнинг меваси ва уригини, илдизмева, илдизпоя, вегетатив қисмларни ғамлайдилар. Ноқулай об-ҳаво шароитида улар фаоллигининг сусайиши қузатилган.

Муҳит билан нормал иссиқлик алмашиш сутка фаоллиги давомида амалга ошириладиган; масалан, қатта қумсичқонлар қишда ўз инларига нисбатан очик ва илиқ кунлари қисқа муддатга ташқарига чиқадилар. Баҳор ва қузда улар кунинг барча ёруғ даврида, айниқса кунинг ўртасида (10-16 соатларда) фаолдирлар. Ёзда уларнинг максимал фаоллиги эрталабки ва кечки соатларга тўғри келади. Ҳавонинг иссиқ соатларида инларида ўтирадилар. Қизилдумли кемирувчилар ёзда қатъий тунги жониворлар бўлиб, йилнинг қолган фасларида кундизи ўз уйларида тез-тез чиқиб турадилар. Совуқдан ва иссиқдан кемирувчиларни инлари ҳимоя қилади. Сичқонлар ва даласичқонлар қишда иссиқ инлар қурадилар. Қалин қорда даласичқонлар ер юзасидаги қор остида йўл очадилар, қор ости кишки инни ясайдилар, қузда ҳаво ва тупроқ хароратининг пасайиши туфайли сичқон ва даласичқонлар оммавий равишда аҳоли пунктларига, омборхоналарга, похол уюмларига ва кўпийлик ўтларга кўчиб ўтадилар. Инсон томонидан атроф-муҳитни турли мақсадларда: янги ҳудудларни ўзлаштириш йўли ва суғориш тармоқларини, турли хўжалик объектларини қуриш кемирувчиларнинг материаллар, буюмлар ва иншоотларни зарарлаш фаолиятини шакллантиради. Зарарлишни фаоллаштиришда ҳалқ хўжалигида қатта миқдордаги синтетик материаллардан кенг фойдаланиш ҳам ўз таъсирини қўрсатди. Материалларни зарарлашда, тирик организмлар орасида, кемирувчилар алоҳида ўрин тутиб, асосан зарарлаш ноозуқа хусусиятга эга ва бу уларнинг кемириш фаоллиги билан

боғлик. Кемирувчилар орасида материалларни зарарлайдиган ихтисослашган турлари йўқ. Амалда уларнинг барчаси потенциал зарарлидирлар. Инсоннинг хўжалик фаолияти туфайли синантроп турларнинг тарқалиши, яшаш шароитининг ўзгариши, уларнинг инсон билан боғлиқлигининг ва уни ўраб турган муҳит билан ишлаб чиқаришни кучайиши кемирувчиларни янги биотопларини эгаллашига олиб келди. Жумладан, яшаш шароитининг ўзгариши, маҳаллий турлар томонидан инсон иншоотларини эгаллаб шартли ёки қисман синантропга айланишига олиб келади. Масалан, кулранг оғмагон жанубда Ашхабат, Бишкек, Ереван сингари шаҳарларда одамларнинг хонадон ва хўжалик биноларида учрайди, ҳаттоки уй сичқонлари билан кўп қаватли биноларга ҳам ўрнашиб, айримда уларнинг сони сичқонлар сонидан ошиб кетади.

Кемирувчиларга қарши курашдан асосий мақсад-маълум бир объектларда, иншоотларда, аҳоли пунктларида ва уларнинг сонини қисқартириш ёки зараркуналларни тўлиқ қириб йўқотишдан иборатдир. Тадбирлар икки йўналишда амалга оширилади: кемирувчилар ўтишини олдини олишни таъминлайдиган умумий профилактик чоралар ва кимёвий, механик ва биологик кураш усулларини қўллаб, қириш чораларини амалга ошириш. Юқори натижа олиш учун барча тадбирлар систематик равишда ўтказилиши керак. Кураш ютуғи ушбу шароитда юқори самарали воситаларни танлаш ва ундан тўғри фойдаланишга бевосита боғлиқ. Ишни дастлаб кемирувчиларни бошпанадан, озикадан ва объектга ёки бинога суқилиб қиришдан маҳрум қиладиган профилактик тадбирлардан бошлаш керак. Шаҳар ва бошқа аҳоли пунктларида бунга мос равишда кемирувчиларни биноларга (айниқса оморхоналарга) суқулиб қиришини олдини оладиган санитарпрофилактик тадбирларни амалга ошириш, аҳоли пунктларида санитария ҳолатини яхшилашга олиб келади. Атроф муҳитнинг бундай ўзгариши кемирувчиларни объектларга жойлашиб олинишларига ва у ерда доимий яшашига тўсқинлик қиладди. Ҳозирги даврда кемирувчиларга қарши етакчи кураш воситаси сифатида кимёвий воситалар қўлланиб, улар ўз навбатида юқори самаралидир. Материалларни кемирувчилар зараридан ҳимоя қилиш масаласини ҳал қилиш комплекс тадқиқотларни амалга оширишни талаб қилиб, натижада турли объект ва иншоотларни ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқишни тақозо қиладди.

ТУПРОҚ ҲОСИЯТЛАРГА БОЙ КОМПОНЕНТ

Ходжиматов А.Н., Холмуродов Ш.А., Нугманова А.А., Джураев М.Э.¹¹

Низомий номли ТДПУ

Кириш. Тупроқ – табиатнинг муҳим компоненти сифатида биосферада улкан вазифаларни бажаради. Унинг барча экологик вазифалари биргина унумдорлиги ёки кўплаб тирик организмлар учун ҳаёт манбаи эканлигида намён бўлади. Бежизга академиклар Б.Б.Полинов тупроқ қопламни: „**ҳаёт**

¹¹ Ходжиматов Алишер Нигматович – ТДПУ “География ўқитиш методикаси” кафедраси доценти, ф.ф.н.; Холмуродов Шакарбек Абдуғаниевич – ТДПУ “География ўқитиш методикаси” кафедраси ўқитувчиси; Нугманова Арофат Абдухамитовна – ТДПУ “География ўқитиш методикаси” кафедраси ўқитувчиси; Джураев Мансур Эгамбердиевич – ГулДУ “Экология ва География” кафедраси ўқитувчиси.

YAHM ishlab chiqarishning tarmoqlar bo'yicha tarkibi so'nggi yillarda quyidagicha o'zgaragan.

	Yakunga nisbatan % hisobida		2016 yilga nisbatan % hisobida
	2016 yil	2017 yil	
Jami	100,0	100,0	108,6
Sanoat	9,9	10,1	
Qishloq xo'jaligi	37,5	37,7	108,7
Qurilish	9,8	10,1	106,4
Transport va aloqa	11,3	10,6	111,2
Savdo va umumiy ovqatlanish	9,9	10,0	106,8
Boshqalar	18,1	18,1	111,7

Jadval Jizzax viloyati statistika boshqarmasi materiallari asosida muallif tomonidan tayyorlangan

Xususan, viloyatning XX asr o'rtalarida o'zlashtirilgan cho'l tumanlarida aholi joylashuvi va xo'jalikning shakllanishi muayyan maqsadga, asosan paxtachilikni rivojlantirishga qaratilgan edi. Mustaqillik yillarida xo'jalik tizimiga yangicha yondashuv bu tumanlarda ham xo'jalikning turli yo'nalishlarini shakllantirish va yangicha ishlab chiqarish tizimini shakllantirishga yo'l ochdi.

Barcha cho'l tumanlari kabi paxtakor tumani iqtisodiyotida qishloq xo'jalik tarmoqlari asosiy o'rin tutadi. Ayni vaqtda paxtachilik bilan bir qatorda g'allachilik, chorvachilik, parrandachilik, asalarichilik rivojlantirilmogda. Tumandagi fermer va dehqon xo'jaliklarida yetishtirilayotgan mahsulotlar tuman iqtisodiyotidagi asosiy moddiy mahsulotlardir. Tuman markazida bir qancha qishloq xo'jalik mahsulotlarini qayta ishlovchi sanoat korxonalari xususan, "Paxtakor paxta tozalash zavodi", "Paxtakor moy ishlab chiqarish korxonasi" kabialr bo'lib, yana bir qancha xizmat ko'rsatish tipidagi korxonalar va Paxtakor dehqon bozori kabilar mavjud. Ayni vaqtda tumandagi ishlab chiqarish sohasining salohiyati shunday holatda. Bu holatni Jizzax viloyatidagi barcha cho'l tumanlarida kuzatish mumkin. Tuman ishlab chiqarish sohasining rivojlanishidagi ayni holat bugungi kun taraqqiyoti talabiga javob bermaydi va tuman aholisining iqtisodiy faoliyatiga salbiy ta'sir ko'rsatadi. Statistik ma'lumotlarga ko'ra tuman aholisi jami 69261 kishini tashkil etadi, shundan mehnatga layoqatli mehnat yoshidagi aholi soni 39400 kishini, ish bilan band aholi soni 24300 kishini tashkil etadi. Bu esa tumandagi ishsizlar 61,6% ni tashkil etishini ko'rsatadi.

Tumanda turli ishlab chiqarish sohaslarini shakllantirish va rivojlantirish imkoniyatlari juda katta. Bunday imkoniyatlarni amalga oshirishga ijobiy va salbiy ta'sir etuvchi bir qancha omillar mavjud, ishlab chiqarish sohaslarini shakllantirishga salbiy ta'sir etuvchi omillar quyidagilar:

- Turli sohaslar bo'yicha malakali mutaxassislarining yo'qligi;
- Mahalliy aholida ishlab chiqarish sohaslari bo'yicha amaliy tajribaning kamligi;

yog'-ekstraksiya korxonasi viloyatda ishlab chiqiladigan o'simlik moyining asosiy qismini ishlab chiqarmoqda. Uning xissasiga Denov tumanidagi jami yalpi sanoat mahsulotining 30%dan ortig'rog'i, viloyat sanoat mahsulotining 12% to'g'ri keladi.

Surxon rayonida Denov sanoat tuguni (u shakllanish harajasida) hamda Termiz, Denov, Jarqo'rg'on sanoat markazlarini, Sho'rchi, Qumqo'rg'on, Sariosiyo, Uzun sanoat punktlarini ajratish mumkin. Shuningdek, bu yerda Sharg'un, Hovdog', Kakaydi kabi "resurs" markazlar yoki shaharchalar mavjud.

Sherobod sanoat rayoniga Angor, Mo'zrabot, Sherobod, Qiziriq, Boysun tumanlari kiradi. Mazkur tumanlar guruhi viloyat aholisining 22,5%ini va yalpi sanoat mahsulotining 30,5%ini mujassamlashtiradi.

Mintaqaning sanoat salohiyati Surxon vodiysi tumanlariga nisbatan ancha sust bo'lib, Boysun tumanidan tashqari, Sherobod, Muzrabot, Qiziriq, Angor tumanlarida asosan paxta tozalash korxonalari mavjud. Masalan, Sherobod tumani sanoat mahsulotining 81,2 %ini, Angor tumanida 90,7, Qiziriq tumanida 97,2 va Mo'zrabot tumanida 75,1%ini paxta tozalash zavodlari ishlab chiqaradi. Boysun tumanida ipak gazlama ishlab chikaruvchi "Ishonch" hissadorlik jamiyati, Sherobod tumanida respublika ahamiyatiga molik Ho'jaikon tuz koni, Boysun tumanida To'da ko'mir koni joylashgan.

Ko'rinib turibdiki, Sherobod rayonining sanoat salohiyati Surxon rayoniga nisbatan ancha past. Ushbu xulosaga bu yerda sanoat tugun va markazlarining shakllanmaganligi ham dalolat beradi. Mavjud barcha qishloq tumanlarining markazlarini sanoat punkti darajasida baholash mumkin, xolos. Sherobod tumanida sanoatini rivojlantirish mahsadida tumanda yirik sement zavodi hurilmohda.

JIZZAX VILOYATI HUDUDLARIDA ISHLAB CHIQARISHNING RIVOJLANISHIGA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR

Haydarova S., Qoraqulov M., Qodirova R.

Jizzax davlat pedagogika instituti

Viloyat iqtisodiyotining rivojlanishida qishloq xo'jaligi asosiy etakchi o'rinda bo'lib, sanoat ishlab chiqarishining ahamiyati ortib bormoqda. Shuningdek transport va aloqa, qurilish va boshqa turdagi ishlab chiqarish va noishlab chiqarish sohalarining viloyat yalpi hududiy mahsulotlar hajmidagi o'zgarishlari turlicha natijalar bilan rivojlanmoqda. Xususan qishloq xo'jaligi, savdo va umumiy ovqatlanish yo'nalishlarining ulushi birmuncha susaygani holda sanoat va boshqa tarmoqlarda sezilarli o'sish kuzatiladi. Bu so'nggi ikki yil davomida ayniqsa aniq ko'rinadi.

Shu bilan birga Jizzax viloyatida ishlab chiqarishni rivojlantirish bir ancha geografik omillarga tayanadi. Bu viloyat hududining tabiiy geografik jihatdan bir-biridan farq qiluvchi tog'lik va tekislik qismlariga bo'linishida o'z aksini topgan.

Binobarin, viloyatda aholi joylashuvi, aholi punktlarining rivojlanishi, xo'jalikni shakllantirish va ularning ishlab chiqarishiga bo'lgan talablar kabi ham ushbu geografik xususiyatlar bilan bog'liqdir.

энг зич қобик", М.С.Гильяров эса: „**тупрок сайёрамиздаги ҳаёт генетик хилма-хиллигининг асосий омборхонаси**“, деб таъкидлашмаган.

Асосий қисм. Тупроқда Ер шаридаги маълум ўсимлик ва ҳайвон турларининг 92-93 фоизи ҳаёт кечиради. Курукликдаги организмларнинг биологик массаси Ер биомассасининг 99,8 фоизини ташкил этади, ваҳоланки куруклик Ер шарининг 1/3 қисмини ташкил этади. Тупроқ табиий-антропоген ландшафтларнинг асодидир. Тупроқ табиатда моддаларнинг айланма ҳаракатида иштирок этиб, биологик айланма ҳаракатда асосий ролни ўйнайди. Барча организмларнинг қолдиклари тупроқда парчаланadi ва янги минерал-органик бирикмаларга айланади. Биосферадаги барча компонентлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар фақат тупроқ орқали амалга ошади. Шунинг учун бу компонентлар бир-бирлари билан узвий боғланган, турғун, бир бутун қобик-биосферани мавжудлигини таъминлайди.

Тупроқ қопламисиз Ерда умуман ҳаётни, ҳатто биосферанинг ўзини ҳам тасаввур қилиш қийин.

Тупроқ қоплами орқали ер пўсти- литосфера, атмосфера, гидросфера ва тупроқда яшовчи кўп сонли организмлар ўртасида мураккаб модда ва энергия алмашинуви жараёни рўй беради.

Тупроқларнинг литосферадаги аҳамияти. Литосферада хилма-хил чўқкинди ва ётқиқикларнинг ҳосил бўлиши, энергиянинг қайта тақсимланиши ҳам тупроқ билан боғлиқ. Тупроқ ғовак бўлганлиги учун ёгин сувларини остки қатламларга ўтказadi, тупроқ бўлмаганда ёгин сувларининг ҳаммаси оқиб кетиб, бошқа номақбул табиий жараёнларнинг бошланишига йўл очилар эди. Шу билан литосферанинг эрозия натижасида ювилиб кетишдан асрайди. Демак, аксарият ҳолларда рельеф ҳолатининг, яъни рельеф шакллариининг ўзгариши ҳам тупроқ қоплами билан боғлиқ.

Литосферада азотнинг ушланиб қолиши ва тўпланиши тупроқ ва тупроқ микроорганизмларига боғлиқ бўлмаганда ҳамма азот атмосферага чиқиб кетган бўлар эди.

Тупроқнинг атмосферага таъсири. Шамол таъсирида ер юзаси тупроқдан кўтарилган чанг-тўзонлар атмосферанинг тиниклигига путур етказadi. Ер юзасига келаётган Куёш энергияси таъсирини сусайтиради, ёгинларни вужудга келишига ҳам сабаб бўлади.

Тупроқ қопламининг ифлосланиши атмосфера сув ҳавзалари, ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларини ифлослантиради.

Тупроқ атмосфера ҳавоси таркибига кучли таъсир кўрсатади. Бу тупроқда яшовчи микроорганизмлар фаолияти билан узвий боғлиқ. Ҳар гектар ер майдони соатига 1000-4000 л гача ҳаво олиб, шунча микдорда ҳавони чиқаради. Тупроқ ҳавоси таркибида O₂ атмосфера ҳавоси таркибидан 10-100 марта оз бўлиб, CO₂ микдори кўпдир.

Тупроқнинг гидросферага таъсири. Тупроқ ғоваклиги туфайли атмосфера ёгин сувларини ўзига шимиб, ортиқчасини остки қатламларга ўтказadi ва сизот сувларини ҳосил қилади. Ўз йўлида баъзи минерал ва тузларни эритиб сизот сувлари таркибига ҳам таъсир қилади.

Тупрокнинг дарё сувлари тартибига ҳам таъсири катта. Тупрокдаги сувлар ҳар йили янгиланиши оқибатида Ер шари сув мувозанатида муҳим рол ўйнайди (Дунё океани сувларининг тўлиқ янгиланиши учун 3000, ер ости сувларининг тўлиқ янгиланиши учун 5000 йил керак бўлади).

Сув ҳавзалари биомасулдорлигининг ортишида ҳам тупрокнинг роли катта. Ҳар йили турли сабабларга кўра Ер шари куруклик юзасидан 10 миллиард т га яқин тупроқ ювилиб, денгиз ва океанларга чиқиб кетади. Бу денгиз ҳайвонлари ҳамда ўсимликларини озикланишида муҳим рол ўйнайди.

Тупроқ сув оқимларидан турли sanoat ва маиший чиқиндилар (захарли моддалар)ни ўзига сингдириб, сув ҳавзаларини ифлосланишдан сақлайди ва ҳ.к.

Тупрокнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти. Инсоният учун зарур озик-овқат маҳсулотларининг 88 фоизи ерга ишлов бериш-деҳқончиликдан олинади. Ўтлоқ ва яйловларда етиштириладиган чорвачилик маҳсулотлари зиммасига уларнинг яна 10 фоизи тўғри келади.

Таниқли эколог олим Ж.Дорст (1968) таъкидлагандек: „Тупроқ-бизнинг энг қимматли капиталимиз (бойлигимиз). Ҳаёт ва Ер юзасидаги барча табиий ва сунъий биогеоценоз мажмуаларининг хатарсизлиги охир оқибатда Ернинг энг юза қисмини ташкил этувчи, ниҳоятда юққа қатлами-тупроққа боғлиқ”.

Кишлоқ хўжалигида тупроқ асосий ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланиб, бошқа ишлаб чиқариш воситаларидан фарқи: уни бошқа воситалар билан алмаштириб бўлмайди, чегараланганлиги, жойдан-жойга кўчириб бўлмалиги, унумдорлик хусусияти, тугайдиган ва тикланадиган (амалда тикланиши қийин) табиий ресурс эканлигидир (0,5-2 см қалинликдаги тупроқ ҳосил бўлишига 100 йил, 18 см тупроқ ҳосил бўлиш учун 1400-7000 йил керак бўлади). Инсон саломатлигига тупроқлар таъсири анча сезиларли. Гистоплазмоз касаллигини келтириб чиқарувчи замбуруғлар қизил-сарик подзоллашган тупроқни, иссиқ икклими, ёгин микдори йилига ўртача 1000-2000 мм ҳудудларда яхши ривожланиши кузатишган.

Бенгалиянинг ғарбий ҳудудларидаги айрим кишлоқ ҳудудларида аҳолининг холлерадан ўлиши ҳам тупроқ характери билан боғлиқ экан. Энг юқори ўлим даражаси гидроморф тупроқлар (аллювиал, дельта, ботқоқлашган) минтақасида рўй берганлиги аниқланган. Чунки бундай шароит холлера инфекциясининг ривожланиши учун қулай бўлса керак.

Тупроқда сил, вабо, ўлат, ичтерлама, бурселлиоз ва бошқа касалликларни кўзгатувчи бактериялар бўлиши мумкин. Тупроқда турли кимёвий элементларнинг етишмаслиги ёки кўплиги инсонларда турли касалликларга сабаб бўлади, масалан, ёд элементи етишмаслиги буқоқ хасталигига дучор этиши мумкин.

Тупроқнинг инсонни даволовчи хусусиятлари ҳам бисёр (тупроқда яланг оёқ юриш, лойқа сувда чўмилиш, балчик билан даволаш ва б.).

Тупроқларнинг турли фойдали қазилма бойликларни ахтаришдаги аҳамияти ҳам муҳим ҳисобланади. Тупроқ ҳавоси таркиби орқали нефт, табиий газ, радиактив элементларни аниқлаш мумкин (бошқа руда конлари ҳам тупроқ таҳлили орқали аниқланади-металлометрия усули).

олган holda hududiy tashkil etiladi. Xom ashyo, yoqilg'i, elektr quvvati, iqlim va suv sharoitlari, mehnat resurslari, iste'mol, transport, iqtisodiy geografik o'rin, ekologik va boshqa omillar ishlab chiqarish kuchlarini joylashtirishda muhim rol o'ynaydi.

Surxondaryo viloyati ishlab chiqarish tarmoqlarini hududiy tashkil etishda xom ashyo, iqlim va suv sharoiti, mehnat resurslari, transport omillarining o'rni katta. Mavjud omillardan samarali foydalanish natijasida mintaqa iqtisodiy rivojlanishiga erishish mumkin. Viloyat xo'jaligining tarkibiy tuzilishini tahlili mintaqada rivojlanish darajasiga ko'ra' bir-biridan farq qiluvchi tumanlar borligini ko'rsatdi. Jumladan, uning azaldan tarkib topgan tekislik qismida joylashgan, yirik ekin maydonlariga ega bo'lgan tumanlarida dehqonchilik va sanoatning asosiy korxonalari joylashgan bo'lsa, tog'li qismida chorvachilik, tog'-kon sanoati tarmoqlariga rivojlangan.

Viloyat sanoat tarmoqlarining hududiy tarkibida ham o'ziga xos xususiyatlar mavjud. Shu o'rinda alohida ta'kidlash zarurki, o'rganilayotgan hududda sanoat rayonlari hozircha shakllanmagan. Viloyatda sanoat rayonlari tarkibiga kiruvchi tipik sanoat tugunlari va markazlari ham mavjud emas. Binobarin, hozircha bu yerda sanoatni rayonlashtirishning birlamchi pogonalari yoki taksonomik birliklari, ya'ni sanoat korxonalari va sanoat punktlar mavjud, xolos. Biroq shunga qaramasdan, tizim-tarkib nuhtai nazaridan viloyat sanoatining hududiy tuzilishini shartli ravishda 2 sanoat rayoniga ajratib ko'rishimiz mumkin. Ular:

1. Surxon yoki Termiz-Sariosiyo sanoat rayoni;
2. Sherobod sanoat rayoni.

Surxon yoki Termiz - Sariosiyo sanoat rayoni tarkibiga Sariosiyo, Uzun, Denov, Oltinsoy, Sho'rchi, Qumqo'rg'on, Jarqo'rg'on, Termiz tumanlari va Termiz shahri kiradi.

Ushbu ma'muriy tumanlar maydoni viloyatning janubidan shimolga tomon meridional holatda cho'zilgan bo'lib, deyarli bir xil haryo turi va transport yo'llari tizimi bilan yaxshi ta'minlangan. Mazkur tumanlar hududini Termiz-Denov-Dushanbe temir yo'li va Katta O'zbek trakti avtomobil yo'li kesib o'tgan. Shuningdek, ushbu tumanlar hududidan viloyatning yirik haryosi Surxondaryo haryosi (196 km) oqib o'tadi va bu yerda viloyatdagi eng yirik suv omborlari Janubiy Surxon, To'polang, Degrez, Uchqizil va Oqtepa suv omborlari qurib ishga tushirilgan.

Rayon hissasiga viloyat umumiy aholisining 77,5 % to'g'ri keladi. Bu yerda sanoat, shu jumladan, Xalq iste'mol mollari ishlab chiqarish yaxshirok rivojlangan. Rayon viloyat jami sanoat mahsulotining 69,5%ini, hald iste'mol mollaring 90%ni ishlab chiharadi.

Biroq, Surxon rayonining sanoati nisbatan rivojlangan bo'lsada, bu borada tumanlararo miqosda katta farqlar mavjud. Chunonchi, viloyat va rayon sanoat ishlab chiqarish hajmida Denov tumani yuqori mavhega ega. Tumanda viloyat jami yalpi sanoat mahsulotining 13,2 %, iste'mol mahsulotining 22 %, rayon yalpi sanoat mahsulotining 14 % va Xalq iste'mol mollaring 28 %ni ishlab chiharmoqda (2015 y.). Bu yerda mintaqaning yirik sanoat korxonasi Denov yog' ekstraksiya zavodi, sut, konserva, aroq-vino ishlab chikaruvchi korxonalari, shuningdek, momih-paxta fabrikasi, paxta tozalash korxonalari (Denov, Hayrabod) joylashgan. Birgina Denov

Ko'pgina chet mamalatlarda shahar va qishloqlarni orasta bo'lganligining asosiy sababi u mamlakatlarda bu borada mukammal qonunlarning mavjudligi va ularni hayotga izchil tadbiq etilayotganligidir. Masalan, Singapurda sigareta qoldig'ini maxsus ko'rsatilgan joyga tashlanmasa, 500 dollar jarima to'lanadi. Agar axlatni to'g'ri kelgan joyga to'kkanda 1000 dollar jarima solinadi. Shvetsariyada tabiatni buzish borasida biror nojo'ya ish qilinsa, uni ko'rgan kishi tezlik bilan tabiatni muhofaza qilish tashkilotiga xabar qiladi. O't o'chiruvchilar qanday ishlasa, ular ham shunday tezkorlik bilan ish tutadilar. Aybdorlar aniqlanib, katta jarima solinadi. Shu usullar orqali shahar mahallalari, ko'chalarini ekologik jihatdan toza, orasta saqlashga erishiladi. Bizda ham shunday tartib o'rnatilsa, atrof-muhit toza va pok saqlangan bo'lar edi.

Chiqindilarni qayta ishlovchi zavod hozircha respublikamizning hamma viloyatlarida yo'qligi uchun axlatlarni maxsus joylarga to'kib, ko'mib tashlash davom etmoqda. Axlatxonalar manzilgohlar va daryolarning o'zanlari, ariqqlar yaqiniga joylashtirilishi aslo mumkin emas. Ular devor yoki sim setkalar bilan o'ralib qo'yilishi kerak. Axlatlarni to'kish uchun chuqurligi 3- 4 m ga yetkazib xandak qazish va ularga to'kilgan axlat ustidan xorli ohak sepib qo'yish lozim. Xandaklar to'lgach, ular ko'mib tashlanadi.

Qarshi shahrining shimoli sharqida ya'ni Ko'ng'ir tog'i etagidagi axlatxona shahardan chetroqda bo'lsa, ham aytilgan talablarga to'liq javob bermaydi, axlatlar pala – partish to'kib tashlanadi, xorli ohak o'z vaqtida sepilmaydi. Shaharning markaziy ko'chalarini toza saqlash bo'yicha nazorat qattiq bo'lsa ham, chetroqdagi ko'p ko'chalarda ahvol yomon, ko'p joylarda axlatlar to'dasi ko'zga tashlanib turadi. Ba'zi mahallalardagi axlat to'kiladigan maxsus handaklar ham doimo o'z vaqtida tozalanib, chiqindilar olib ketilmaydi. Bizda chiqindi va axlatlarning joylarda to'planib qolayotgani bilan xorijiy mamlakatlarning ishbilarmonlari qiziqmoqdalar. Masalan, chiqindilarni qayta ishlashda nemislar bilan hamkorlik yuzaga kelmoqda. Ispanlar Angren ko'mir havzalarida to'planib qolgan chiqindini ishlatishdan manfaatdor ekanliklarini bildirishgan.

SURXONDARYO VILOYATI SANOAT TUGUNLARI VA MARKAZLARINING BUGUGI KUNDAGI HOLATI

Esanov N.A.*

Termiz davlat universiteti

Har qanday mintaqa iqtisodiy-ijtimoiy rivojlanishini, odatda bir qancha ko'rsatkichlar orqali ko'rib chiqiladi. Yalpi milliy mahsulot, sanoat va qishloq xo'jalik mahsulotlarining umumiy hajmi, kapital qo'yilmalar, aholiga pullik xizmat, investitsiya, eksport va import miqdori kabilar ana shunday asosiy ko'rsatkichlar hisoblanadi. Ushbu ko'rsatkichlar orqali mintaqalarning iqtisodiy rivojlanish darajasi qay holatda ekanligini aniqlash mumkin. Har qanday mintaqaning iqtisodiy-ijtimoiy darajasi tahlil etilayotganda o'sha hududda rivojlanishiga ko'ra bir-biridan farq qiluvchi hududiy (geografik) tafovutlar borligi aniqlanadi.

Mintaqa iqtisodiyoti tarmoqlari ma'lum shart-sharoitlar va omillarni hisobga

Санитар-гигиеник аҳамияти жиҳатидан тупрок биологик филтрловчи вазифасини ҳам ўтайди. Ундан зарур қурилиш хом ашёлари сифатида, айрим уй-рўзғор маҳсулотлари ишлашда фойдаланиш азалдан маълум. Ҳар хил тусдаги тупроқларга тикилиш инсонга завқ беради, руҳиятини енгиллаштиради, чарчокни қочиради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, тупрокни кўзга суртиш, уни тиззалаб ўпиш, мусофирчиликда юрганлар учун қанчалар муқаддас эканлигини Мирзо Бобур мисолида кўриш мумкин. Тупрок бир сўз билан айтганда Ватан тимсоли, шунинг учун уни „**Она замин**“ деб атаймиз. Демак, унинг тарбиявий-маънавий, айниқса ватанпарварлик тарбиясидаги аҳамияти ҳам чексиздир. „Сен ерни боксанг, ер сени боқадӣ“, „Ерни тепма, гуноҳ бўлади“, деган ҳикматларда қанчалар хур маъно мужассам. Тупроқда гап кўп. У ҳам диний, ҳам дунёвий мазмунга эга. Афсуски, ҳозирча фан унинг сиру – хислатларини, ҳосиятларини яхши билмайди (А.Солиев, 2013, 175-б.).

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ТАБИЙ ШАРОИТИНИНГ РЕКРЕАЦИЯ ВА ЭКОТУРИЗМ ЖИҲАТЛАРИ

Ходжиматов А.Н., Холмуродов Ш.А., Иброимов Ш.И., Умаралиева М.Ф.*

Тошкент давлат педагогика университети

Зарафшон водийси деярли кенглик бўйича шарқдан ғарбга 766 км чўзилган бўлиб, ғарб томони очиқ ва нишабдир. Вилоят аниқ табиӣ чегаралар билан ажралган бўлиб, шимол томондан Чумқартоғ, Ғўбдинтоғ, Қароқчитоғ, Оқтоғ ва Қоратоғ, жанубдан Қоратепа, Зиёвуддин ва Зирабулоқ тоғлари билан ўралган, шарқий чегараси эса шартли равишда Тожикистон билан бўлган чегара оркали ўтади.

Рельефи. Вилоят ер юзаси асосан палеоген, неоген ва антропоген давр чўкинди жинсларидан таркиб топган.

Вилоятнинг рельефи асосан ясси текислик бўлиб, шарқдан ғарбга томон нишабдир: Самарқанд шаҳри яқинида мутлақ баландлик 727 м, Каттақурғонда 450 м. Иккинчи томондан, вилоят марказий қисмидан шимолга ва жанубга – водийни ўраб турган тоғларга томон баландлаша борди. Бу қисм рельефи ўнқир-чўнқир ерлардан иборат тоғолди текисликларидир. Зарафшон водийси рельефининг ўзига хос хусусиятлари шундаки, у гоҳ кенгайди, гоҳ тораяди.

Зарафшон водийсининг ана шундай кенгайган жойида Самарқанд ботиғи жойлашган. Самарқанд ботиғи анча кенг, рельефига кўра қирлардан иборат бўлиб, ғарбда то Хазар йўлагигача 220 км га чўзилади. Унинг кенлиги 50 – 60 км га етади. Ботикнинг жанубида унча баланд бўлмаган Қоратепа, Зиёвуддин, Зирабулоқ тоғлари, шимолда эса Қароқчитоғ, Оқтоғ ва Қоратоғлар жойлашган. Бу тоғларнинг Самарқанд вилоятига қараган ёнбағирлари сойлар ва вақтли сувлар таъсирида емирилган. Вилоятнинг бу қисмида Зарафшон дарёсининг

***Ходжиматов А.Н.** – Низомий номидаги ТДПУ География ўқитиш методикаси кафедраси профессори в/б., г.ф.н.

Холмуродов Ш.А. – Низомий номидаги ТДПУ География ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси.

Иброимов Ш.И. – Низомий номидаги ТДПУ Аниқ ва табиӣ фанлари ўқитиш методикаси (география) мутахассислиги магистранти.

Умаралиева М.Ф. – Низомий номидаги ТДПУ География ўқитиш методикаси йўналиши талабаси.

* **Esanov Nazar Amanturdiyevich** – Termiz davlat universiteti geografiya kafedrasida o'qituvchisi

учта кўхна қайрлари бўлиб, улар лёссимон юмшоқ жинслардан тузилган. Шу сабабли оқар сувлар натижасида улар ювилиб, жуда кўп жарлар ҳосил қилган. Бундай жарлар, айниқса Самарқанд шаҳрининг жануби-ғарбида кўп. Ҳатто Самарқанд ботиғининг шимолий қисмидаги Оқтепа ва Андан сойлари орасидаги 220 кв.км ҳудудда 100 дан ортиқ жарлар вужудга келган. Демак, Самарқанд ботиғида рельефнинг характерли хусусиятларидан бири – бу сув эрозиясидир. Ҳозирда жарларнинг вужудга келишига чек қўйиш, борларини кенгайтмаслик учун бундай ерларга кўп йиллик экинлар (жар чеккаларига) дарахтлар ўтказилмоқда.

Самарқанд ботиғи ғарбга томон торайиб боради. Натижада Зиёвуддин ва Қоратоғнинг ғарбий давоми бўлган Абтобач, Азкалор, Хазар платолари бири-бирига жуда яқинлашади ва Хазар йўлагини ҳосил қилади. Бу ерда Зарафшон водийси торайиб, унинг кенлиги 8-10 км бўлиб қолади. Хазар қишлоғидан ғарбга ўтгач, Зарафшон водийси яна кенгайди ва пасаяди.

Иқлими. Самарқанд вилояти иқлими Туркистоннинг текислик қисмидагига ўхшаш – ёз жазирама, иссиқ ва курук, қиш совуқ, ёғин кам бўлади. Лекин вилоят жанубий кенгликларда бўлганлигидан ва қисман бўлсада, шимол, шимоли-шарқ ва шарқ томонлардан тоғлар билан ўралганлигидан қишда ҳаво ҳаддан ташқари совуқ кетмайди. Январ ойининг ўртача ҳарорати – 0 - 1,3 °С бўлади. Баъзан арктика ҳаво массалари кириб келганда энг паст ҳарорат – 24 – 35 °С гача пасаяди. Ёзда эса, аксинча, ҳаво очиқ бўлиб, жуда исиб кетади. Натижада июлнинг ўртача ҳарорати +26 +28 °С атрофида бўлиб энг юқори ҳарорат эса +40 +44 °С га етади.

Вилоятга баҳор ва кузда баъзан арктика ҳаво массалари бостириб келиб, ҳавони совутиб юборди баҳорда бўладиган охириги совуқлар тахминан март ойининг учинчи ўн кунлигига тўғри келади. Вилоятда бир йилда 213 – 215 кун совуқ бўлмайди. Ҳарорат +10 °С дан юқори бўлган кунлар сони 212 – 215, вегетация давридаги ижобий ҳароратларнинг йиғиндиси эса 4300 – 5050⁰ ни ташкил этади.

Самарқанд вилоятида ёнғин кам – ғарбдан шарққа томон ортиб боради. Каттакургонда йиллик ёнғин миқдори 282 мм (мутлоқ баландлиги 695 м), Самарқандда (мутлоқ баландлиги 695 м) 328 мм. Йиллик ёнғиннинг кўп қисми (44 – 49 %) баҳор ва қишга тўғри келади, ёзда бор – йўғи 2,0 – 4,0 % ёнғин ёғади.

Ёнғиннинг бир қисми қор тарзида тушади, лекин ҳароратнинг юқори бўлиши туфайли қор қоплами узок турмайди, тез эриб кетади. Қишда қор қоплами ўртача 7 – 15 см қалинликда бўлиб, 15 – 20 кун эримай туради.

Сувлари. Самарқанд вилоятининг асосий дарёси Зарафшондир. У Туркистоннинг катта сув артерияларидан бири бўлиб, Кўксув тоғ тугунида жойлашган Зарафшон музлигидан бошланиб, Амударёга 20 км етмасдан Сандикли ва Эшакчи қумлари орасига сингиб кетади. Шу масофада унинг узунлиги 781 км, ҳавзасининг катталиги 43 минг кв км дир. Лекин шундан фақат 12,3 минг кв км бўлган тоғли қисмидагина сув йиғилади, холос.

Зарафшон дарёси ўзининг юқори қисмида Зарафшон музлигидан Мастчоҳ номи билан бошланади. У Айний қишлоғи ёнида чап ирмоғи Фандарё билан қўшилгач, Зарафшон номини олади. Зарафшон дарёси тоғли қисмида кўпириб,

3. Газ ҳолатдаги чиқиндиларга газ конларидан чиқадиган чиқиндилар кирди.

Ахлатлар тезда зарарсизlantirilmasa, u tashqi muhitni ya'ni atmosferani, suv havzalarini, tuproqni, oziq – ovqatlarni, binolarni, korxonalarni va boshqalarni zararlaydi. Uy xo'jalik axlatlari, oziq – ovqat chiqindilari va boshqalar juda ko'p organik moddalarni ushlagani uchun tez chiriy boshlaydi, oqibatda turli gazlar: ammiak, serovodorod, metan, indol, stokol va boshqalar paydo bo'ladi. Yog'ingarchilik oqibatida yer yuzasidan yuvilib daryolarni, kichik ariq suvlarini ifloslantiradi. Suyuq chiqindilar hatto yer osti suvlariga sizilib o'tib ularni ifloslantirishi mumkin. Ayrim chiqindilar axlatlarida turli mikroorganizmlarning mavjudligi va ularning uzoq vaqt yashashi aniqlangan. Jumladan qorin tifi, paratif, ichburug', sil, kuydirgi va boshqalar axlatlar tarkibida uchraydi.

Bu chiqindilar bizning issiq iqlim sharoitida har xil kasallik tarqatuvchi mikroblarning tez ko'payishi uchun qulay muhit yaratadi. Ular hashoratlar, shamol yoki suv orqali tez tarqalib, odamlarni turli yuqumli kasalliklarga yo'liqtiradi.

Umuman aholi turar joyida to'planadigan axlatlarni axlatxonalariga tashlash allaqachonlar gigiyena fani tomonidan qoralangan. Bu iqtisodiy jihatdan samarasiz, iflosgarchilikka yo'l qo'yiladigan usuldir.

Axlatlarni 2 yo'l bilan zararsizlantirish va ulardan foydalanish mumkin:

a) biotermik usul – ya'ni axlatni kompost qilish, issiqxonalarda foydalanish va mukammallashtirilgan axlatxonalarda zararsiz holatga keltirish;

b) axlatlarni kuydiriladigan, sortlaydigan zavodlarida zararsizlantirishdir.

Biotermik usul tuproq bilan zararsizlantirish usuliga o'xshaydi, asosan organik moddalarning bioximik parchalanish jarayonlari mikroorganizmlar hisobiga bo'ladi, ammo jarayon yuqori haroratda jadalroq o'tib, tezroq nihoyasiga yetadi.

Keyingi vaqtlarda axlatlarni mexanizmlar yordamida qayta ishlash uchun zavodlar qurilmoqda. Masalan, har yili 65000 tonna axlatni qayta ishlash zavodi Sankt – Peterburgda qurildi. Bu zavodni loyihalashda G'arbiy YEvropa mamlakatlari loyihalaridan va tajribalaridan foydalanilgan.

Zavod organik azotli g'itlarni qishloq xo'jalik ehtiyoji uchun ishlab chiqadi. Zavodda axlatlarni qabul qilish, hamda axlatlarni sortga ajratish, nazorat qilish bo'linmalari bor. Zavodga axlat temir, tosh va boshqalardan ajratilgach, aylanuvchi barabanlarga (diametri 4 m, uzunligi 60 metrli) solinadi. Barabanlarda axlatlar aralashiriladi 1–3 kundan so'ng ma'lum darajada namlik berilgach, chiqindilar qizishib ularning harorati 50 – 60 S ga yetadi, bu bioximik jarayonlarni keltirib chiqaradi. Harorat 50 – 60 s ga yetganda patogen mikrofloralar, gelmint tuxumlarini qirila boshlaydi. Shu yo'l bilan axlat kompostga aylanadi.

Tsivilizatsiyalashgan mamlakatlardagi shahar va qishloq ko'chalarining bir joyida axlatning to'kilib yotganini ko'rmaymiz. Ro'zg'or va korxonalardan chiqqan chiqindilar maxsus joylarga to'kilib, o'z vaqtida qayta ishlovchi zavodlarga olib boriladi. Bu zavodlarning texnologiyasi ham ekologik jihatdan sog'lom, ya'ni ularning trubalaridan zaharli tutun emas, toza bug' chiqadi. Tsexlari gigiyenik jihatdan toza, ishchilar maxsus orasta kiyintirilgan. Eng asosiysi ularga to'lanadigan ish haqi boshqa korxonalaridagiga qaraganda yuqoridir.

“Zagatzero” bazasida qurildi. U 1956 yilda Xonqa temir yo'l tarmog'i yaqiniga ko'chirildi.

“Xonqa don” hissadorlik jamiyati hozirda viloyatdagi yirik uchta don mahsulotlarini ishlab chiqaruvchi korxonadan biri sanaladi.

Ilgari tumanda poyabzal sanoati ham mavjud bo'lgan. Xususan 1988 yilda Xonqada oyoq kiyimlar fabrikasi qurilib ishga tushdi. Dastlabki yillarda mutaxassis kadrlarning yetishmasligi, xomashyo tanqisligi kuzatildi. Ishlab chiqarish jarayonlarining takomillashtirilishi, yangi texnologiyaning ishlab chiqarishga joriy etilishi mahsulot ishlab chiqarishni yaxshiladi. Oradan uch yil o'tgach, yani 1991 yilda 831 ming juft poyabzal ishlab chiqarildi.

Shuningdek, tuman iqtisodiyoti va madaniyatini rivojlantirishga katta hissa qo'shib kelayotgan yengil va oziq-ovqat sanoati korxonalari, xalq istemol mollar fabrikasi, meva-sabzavotlarni konservalash korxonasi, maishiy xizmat muassasalari, mashina-texnika remonti stantsiyasi, hunarmandchilik tsexlari va boshqa korxonalar unumli ishlab kelmoqda.

Tumanda sanoat tamoqlarini rivojlantirish uchun xorijdan investitsiyalar ham jalb etilgan. Tumanda 1 ta qo'shma korxonalar faoliyat yuritmoqda. Har yili 2-3 mln. AQSh dollari miqyosida xorijiy investitsiyalar kiritilmoqda.

So'nggi yillarda tuman sanoati tez sur'atlar bilan rivojlanmoqda. Bunga oziq - ovqat va yengil sanoat tarmoqlarida kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sohasida barpo etilayotgan o'nlab korxonalar sabab bo'lmoqda. Tuman sanoat salohiyatini oshirish, yangi ish o'rinlarini yaratish, hudud iqtisodiyotini rivojlantirish, aholining turmush darajasini yuksaltirishga xizmat qiladi.

TURAR JOYLARNI TOZA TUTISH HOZIRGI KUNNING ENG MUHIM MASSALA.

Choriev A.J.*

Termiz davlat universteti

Shahar, va qishloqlarni toza tutishning epidemiologik-gigiyenik ahamiyati juda katta. Turar joylarning tozaligi, obodonligi, ariqlardan suvlarning oqib turishi, daraxtzor va ko'kalamzorlarni mavjudligi yuqumli kasalliklarning oldini olishga yordam beradi.

Turar joylarni tozaligini saqlash va tashkil qilishda rejali, tashkiliy, sanitar – texnik va xo'jalik tadbirlari ishlab chiqiladi. Bunday tadbirlarni amalga oshirishda sanitariya nazoratini to'g'ri uyushtirishning epidemiologik ahamiyati juda katta. Aholi turar joylarini toza tutish uchun chiqindi axlatlarni o'z vaqtida yig'ish, olib chiqib ketish va zararsiz holatga keltirish hamda ba'zi bir chiqindilarni qayta ishlash uchun jo'natish zarur. Shu bosqichlardan birortasi bajarilmay qolsa, tozalikni saqlash qiyin bo'ladi.

Chiqindilar uch xil bo'ladi.

1. Qattiq holatdagi chiqindilar – bular tog' - kon sanoatidan chiqadi.

2. Suyuq holatdagi chiqindilar – bularga aholi turar joylaridan va ayrim sanoat tarmoqlaridan chiqadigan chiqindilar kiradi.

toшларга урилиб, секундига 15-17 м. тезликда оқади. Бу қисмида Зарафшон 200 га яқин ирмоқларни қўшиб олади. Бу ирмоқлар ичида энг муҳимлари чапдан қўшилувчи Фандарё, Киштутдарё ва Мағиёндарёдир. Қолган ирмоқлари кичик. Зарафшон дарёси Панжакент шаҳридан ўтгандан кейин, вилоят ҳудудида биронта ҳам доимий оқадиган ирмоғи йўқ. Лекин суғориш натижасида суви камайиб, Зарафшон дарёсига қуйилмайдиган 120 та сой бор. Шу сойларнинг 50 таси Нурота – Октоғдан, қолгани Қоратёпа, Зирабулок ва Зиёвуддин тоғларидан бошланади. Бу сойларнинг энг муҳимлари Зарафшон тизмасидан бошланувчи Ургутсой, Омонқўтонсой, Камангарансой, Оғалисой, Сазангансой, Оқсой ва Нурота-Октоғдан бошланувчи Тусунсой, Оқтепасой, Тасмачисой, Лангарсой, Қўқарасой ва бошқалар.

Зарафшон дарёси вилоят ҳудудида секин оқиб, кенглиги 3-4 км келадиган қайирлар ҳосил қилган. У Самарқанд шаҳридан 8 км ўтгач, Оқдарё (узунлиги 130 км) ва Қорадарё (узунлиги 127 км) номи билан икки тармоққа бўлинади. Хатирчи қишлоғида эса бу икки тармоқ яна бирлашиб, орасида ҳосилдор Миёнкол оролини ҳосил қилади. Оролнинг узунлиги 100 км, кенглиги 15 км, майдони эса 1200 кв.км дир.

Зарафшон дарёси серсув бўлиб, Зарафшон, Туркистон ва Ҳисор тоғларида жойлашган умумий майдони 556,7 кв км бўлган 424 га яқин музликларидан ва доимий қорлардан сув олади. Зарафшон дарёсининг йиллик оқимини 100 % десак, шунинг 65 % и муз ва қорларнинг эришидан, 34 % и қор сувларидан ва атиги 1 %и ёмғир сувларидан иборат. Демак, Зарафшон дарёсининг суви айни кун исиган ёз фаслида (июн – сентябр ойлари), қишлоқ хўжалик экинлари учун сув керак бўлган даврда кўпаяди. Бу ойлarda Зарафшон дарёси йиллик оқимнинг 61,1 % ини ўтказди. Энг кам сув сарфи (30 – 35 м³/сек) эса қиш фаслига тўғри келади. Аксинча, суви энг кўпайган давр ёзга тўғри келиб, июлда баъзан секундига 930 м³ гача сув оқизади. Зарафшон дарёсининг ўртача йиллик сув сарфи секундига 165 м³ ни ташкил этади.

Маълумотларга кўра вилоят ҳудудида ҳар йили 914 млн м³ ер ости суви тўпланади. Унинг асосий қисми (52%) суғориш шаҳобчаларидан, экин далаларидан бўладиган шимилиш ҳисобига, 26 %и Зарафшон водийсининг юқори қисмидан сизиб келиш ҳисобига, 10 % и вилоятнинг ўзида дарёдан шимилиш ҳисобига, 3 % и атрофни ўраб турган тоғлардан ва 6 % и Каттақўрғон сув омборидан сизиб келган сувлар ҳисобига тўғри келади.

Биологик ресурслари. Самарқанд вилоятининг табиий ўсимликлари кишиларнинг хўжалик фаолияти туфайли анча ўзгартирилган. Шу сабабли маданий воҳа тупроғи тарқалган обикор ерларда асосан маданий ўсимликлар ўстирилади.

Зарафшон дарёсининг қуйи қайирларида ва эски қайирларида ҳамда қадимий ўзанларида қамиш, рўвак, жингил, тол, ёввойи жийда, янтоқ, шўражрик, кампирсоч, итгунафша, сувранг, юлғун ўсади.

Самарқанд вилоятининг бўз тупроқли ламикор ерларида қозикқулок, шувоқ, бугдойик, оқ қуврак, кампирчопон ўсади. Шунингдек, бу жойларда баҳорда эфемер ва эфемероид ўсимликлар, айникса ранг, қўнғирбош, лолақизғалдоқ, чучмома қабилар кенг тарқалган.

* **Choriev Aliqul Jumaevich** –Termiz davlat universiteti “Ekologiya” kafedrası o'qituvchisi

Вилоят Туркистондаги аҳоли зич яшайдиган районлардан бири бўлганлиги сабабли, унинг табиий фаунасига катта таъсир кўрсатилган. Бу ерларда Туркистонга хос ҳайвонларнинг баъзи турлари учрайди: бўри, тулки, қуён, чиябўри, жайрон ва жайра, тўқайзорларда эса қирғовул, лойхўрак, ўрдак яшайди. Бу ерда қушлардан яна сўфитўрғой, чумчук, зарғалдоқ, судралиб юрувчилардан геккон, калтакесак, тошбака, сариқ илон, эчкемар, кемирувчилардан кўрсичқон, кичик кўшоёқ, кумсичқон, типратикан, каламуш ва бошқалар учрайди.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЭКОЛОГИК ВАЗИЯТИ ВА ГЕОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЖАДАЛЛАШУВИ

Холдорова Г.М., Ҳазратқулова Г.М.
Жиззах давлат педагогика институти

Геоэкологик хавфсизликни таъминлаш инсониятнинг бугунги ва эртанги кунини белгиловчи энг муҳим муаммолардандир. Бу муаммо худудий хусусиятларга эгаллиги ва айниқса унга бўлган муносабатнинг турличалиги билан характерлидир. Бу ҳолатни Жиззах вилояти мисолида кўришимиз мумкин.


Инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар муайян қонуниятлар асосида ривожланиб боради. Мазкур қонуниятларнинг бузулиши эса экологик инкирозга олиб келади. Сўнги йилларда фан ва техниканинг жадал тараққиёти, инсоннинг табиатга бўлган таъсирининг тўхтовсиз ортиб бориши ва шу туфайли табиатда юз бераётган қатор салбий ўзгаришлар инсон саломатлигига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Атроф-муҳитни асосан икки манба: табиий омиллар ва инсон фаолиятининг маҳсули – антропоген манбалар ифлослантиради. Жиззах вилоят экологик шароитини ифлослантирувчи табиий омилларга чўлланиш, тоғ жинсларининг емирилиши ва бошқа табиий омиллар кирса, антропоген ифлослантирувчи манбалар сифатида асосан мавжуд саноат корхоналари, автомобил, ҳаво, темир йўл транспорти чиқиндилари шунингдек, турли ёқилғиларнинг ишлатилиши натижасида ҳосил бўладиган зарарли моддаларни кўрсатиш мумкин. Вилоятимизда назоратдаги объектлар сони 269 та бўлиб, саноат корхоналари сони 108 та, транспорт корхоналари 161 та ташкил этади. Ҳозирги кунда, вилоят атмосфера ҳавосини турли ифлосланишлардан муҳофаза қилиш, ҳаво таркибидаги зарарли моддалар миқдорини камайтириш, ҳеч бўлмаганда ҳозирги ҳолатда сақлаб қолиш чора тadbирларини олиб бориш лозим. Ҳавонинг ифлосланиши айниқса геоэкологик шароитнинг ниҳоятда ёмонлашувига олиб келади. Ифлосланган атмосфера ҳавосининг атроф муҳитга, ўсимликларга, инсоннинг соғлигига ва турмуш тарзига салбий таъсири жуда каттадир. Вилоятда атмосфера ҳавосига 2016 йил якуни билан зарарли ташлама ташланаётган корхона ва ташкилотлар куйидагиларни ташкил қилади:

Саноат корхоналари бўйича атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддалар статистик ҳисоботи бўйича 45,425 минг тоннани ташкил қилган бўлиб ўтган 2015 йилга нисбатан 24,767 минг тоннага камайган. Кўчма

Туман саноатининг асосини янгил ва озиқ-овқат саноати тarmoqlari ташкил etadi. Paxta tozalash, tikuvchilik, un, non, qandolat mahsulotlari ishlab chiqarish sanoatning asosiy tarmoqlari sanaladi.


Хоразм вилояти саноати ҳудудий таркиби
(mahsulot hajmi bo'yicha, jamiga nisbatan foizda 2016 yil)



1-rasm. Rasm Xorazm viloyati statistika bosh boshqarmasi ma'lumotlari asosida tayyorlandi.

Mustaqillik yillarida tumanda iqtisodiy rivojlanishning xususiyati o'zgardi. Tumanda paxta tozalash sanoati yangil sanoatning yetakchi tarmoqlaridan sanaladi. Xonqa paxta tozalash zavodi ilgari bir mavsumda 45 ming tonna paxta qabul qilish quvvatiga ega bolgan bo'lsa hozirda 30 ming tonna paxta qabul qilmoqda.

Хонқа тумани саноати ривожланиш динамикаси




2-rasm. Rasm Xorazm viloyati statistika bosh boshqarmasi ma'lumotlari asosida tayyorlandi.

Xonqa don mahsuloti kombinati tumandagina emas, balki vohadagi eng yirik ishlab chiqarish korxonalaridan biridir. Kombinat 1938 yili ish boshlagan

Экотуризмни ривожланишига таъсир этувчи омиллар ичида атроф табиий муҳит сағасига оид билим ва малака, инфратузилмалар, ташкилотчилик каби муҳим омиллар билан бир ҳил аҳамиятга эга (1-чизма).

Экотуризмнинг ривожланиши минтақанинг атроф табиий муҳитига, жойларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири турлича йўналишда кечиши мумкин. Ижобий таъсир фақатгина соҳа ривожига илмий нуқта назардан ёндошилса, барқарор ривожланиш ва биологик хилма-хилликни сақлаш концепцияларига таянган ҳолдагина ўз самарасини бериши мумкин.

Юкоририлдан кўриниб турибдики, экотуризм ва рекреация фаолияти табиат, яъни атроф табиий муҳит билан бир бутунликда мавжуд ривожланадиган, бир-бирини таказо этадиган жараёнлардир. Шу туфайли минтақада рекреация ва экотуризмнинг ривожланиши, асло атроф-муҳит табиий ҳолатига зиён етказмаслиги лозим, акс ҳолда бутунлай тезқари, нохуш жараёнлар ривожланишига йўл очган бўлаемиз.



1 – чизма. Экотуризмга таъсир этувчи муҳим омиллар алоқадорлиги (Тухлиев Н. Экономический туризм: сущность, Тенденции и стратегия развития. Т.: ЎЗМЭ, 2006, с. 65.)

XONQA TUMANI SANOAT TARMOQLARI VA HUDUDIY TASHKIL ETILISHI

Xudayberganova R.T., Aminov B.B., Qutlimurotova G.D.
Urganch davlat universiteti

Xonqa tumani Xorazm viloyatining sanoati taraqqiy etgan hududlaridan sanaladi. 2016 yilda tuman sanoati ulushiga viloyatda ishlab chiqarilgan sanoat mahsulotining 8,8 foizi to'g'ri keladi. Xonqa tumani viloyatda faqat Hazorasp tumani va Urganch shahridan keyin uchinchi orinda turadi (1 - rasm).

манбалардан бирламчи маълумотларга кўра 2016 йил давомида 33,740 минг тонна зарарли моддалар ташланиб, бу кўрсаткич 2015 йилга нисбатан ташламалар миқдори 7,669 минг тоннага камайган. Бунга сабаб 2016 йил давомида автотранспорт воситаларининг сони 1411 донага ошган.

Тадқиқотлар натижалари шуни кўсатадики, атмосфера ҳавоси ифлосланган ҳудудларда касалликларнинг кўпайиши кузатилади. Атмосферага чиқарилаётган ҳавони ифлослантирувчи моддаларнинг умумий миқдори бўйича Ўзбекистонда биринчи ўринда Олмалик – 145 минг т, Ангрэн – 126,2 минг т, Фарғона – 88,8 минг т, Қарши – 73,4 минг т, Навоий – 57,9 минг т, Жиззах – 24,8 минг т, Тошкент – 23,2 минг т, Чирчиқ – 21,9 минг т, Бекобод – 15,1 минг т, Самарқанд – 13,6 минг т ва бошқалар туради. Ҳавога чиқарилаётган чиқиндиларнинг катта қисми газсимон ва суюқ моддалар бўлиб, уларнинг таркиби кўпроқ олтингурут ангидриди, азот оксиди, углеводород, учувчи органик бирикмалар ва бошқалардан иборат.

Жиззах вилоятида антропоген ландшафтларда олиб борилаётган ишлар таъсирида ҳам атроф муҳитнинг ифлосланиши кузатилмоқда. Бундай жараён айниқса экин майдонларида, аҳоли манзиллари атрофида, саноат корхоналари яқинида, ирригация иншоотлари ва фойдали қазилма конлари мавжуд ҳудудларда кучли ривожланган. Масалан, Жиззах вилояти ҳудудидаги Маржонбулоқ олтин кони атрофида тупроқ қоплами ва рельефнинг кучли ўзгарганлигини, ўсимликларнинг зарарланганлигини кўриш мумкин. Бундай ҳолат йирик саноат марказлари атрофида, яъни Жиззах, Дўстлик, Пахтакор, Даштобод ва Зомин ҳамда Ғаллаорол туман марказларида ҳам катта миқдор ва кўламга эга. Вилоят ҳудудида атмосфера ҳавосини ифлосланиш даражасини назорат қилиш пости ташкил этилмаган. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражасини мунтазам равишда назорат қилиб бориш учун гидрометеорология постларини ташкил қилиш бўйича бир неча бор хатлар орқали мурожаат қилинган бўлсада ижобий жавоблар олинмади. Вилоятнинг экологик ҳолатини яхшилаш учун биринчи навбатда атроф-муҳит ифлосланишини ҳар томонлама, мукамал ва изчил ўрганиш талаб этилади. Қолаверса, минтақа аҳолиси ўртасида экологик маданиятни шакллантириш ишларини жадал олиб бориш ва табиатни асраб-авайлашни таъминлашнинг ҳуқуқий меъёрларини яратиш зарур. Вилоят атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш инспекциясининг маълумотлари асосида шуни айтишимиз мумкинки, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ва санитария эпидемиология давлат назорати маркази билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» ги қонуни талабларини бажарилиши юзасидан ҳар йили ҳамкорликдаги тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тадбирларда белгиланган муддатларда ишлар ташкил қилинмоқда. Масалан, вилоятда ўтказилаётган «Тоза – ҳаво» тадбири ойлигида ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда.

салбий оқибатларга олиб келувчи табиий географик жараёнларнинг олдини олиш ва ландшафтлар шароитини аҳоли ҳаёти учун оптималлаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

1) Турли зараркунанда хашоратларга ва бегона ўтларга қарши ишлатиладиган кучли пеститсидлардан воз кечиш ва бошқаларни мумкин қадар кам ишлатиш;

2) Сув ва шамол эрозиясини камайтириш учун қиялиги 2-3 м дан ошадиган ёнбағирларидаги экинларни жўяклар билан ёки бостириб суғориш ўрнига томчилатиб суғоришдан фойдаланиш. Томчилатиб суғориш, яъни ўсимлик илдизига сув бериб суғориш, жуда катта миқдордаги сувни тежайди, тупроқ ювилишининг олдини олади ҳамда тузлар мигратсияси камаяди.

Жиззах вилоят экологик ҳолатини яхшилаш ва инсон саломатлигига зарарли бўлган таъсирларни камайтириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур деб ўйлаймиз:

- табиий ресурслар, жумладан сув, ер, минерал хом ашё, биологик ва асосан қайта тикланмайдиган табиий ресурслардан оқилона ва комплекс фойдаланиш;

- вилоят миқёсида атроф муҳитнинг ифлосланиш даражасини экологик, гигиена-санитария меъёрлари асосида қатъий назорат қилиш;

- саноат корхоналаридан атмосферага чиқаётган турли газлар ва сув ҳавзаларига чиқарилаётган ташлама сувларининг доимий мониторингини шакллантириш;

- вилоят аҳолисини сифатли ичимлик суви, озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш;

- тупроқ шўрланишини олдини олиш мақсадида вилоят ҳудудининг тупроқларини ўрганиш ва баҳолаш асосида суғоришнинг янги усулларидадан фойдаланиш;

- вилоят экологик ҳолати билан боғлиқ бўлган касалликлар ўчоқлари ҳамда тарқатиш ареалларини аниқлаш ва карталаштириш.

Экологик шароит мувозанатининг барқарорлигини таъминлашни илмий асосда шакллантириш билан бирга умумхалқ ишига айлантириш барчамизнинг вазифамиздир.

INSON VA TABIAT

Hoshimov A.N. Akbarov G'.A

Qo'qo davlat pedagogika instituti

Tabiiy muhitning buzilishi nafaqat tabiiy komplekslar balki, odamlarning hayot va faoliyat sharoitlarining buzilishiga ham olib keldi.

Bu muammo so'nggi yillarda yanada keskinlashdi. MDHga a'zo bo'lgan bir qancha mamlakatlarning bozor iqtisodiyotiga betartib suratda o'tishi, tabiiy va mineral-xom ashyo zaxiralaridan foydalanishda boshqaruvning barham topgani, nazorat qilinmaganligi natijasida ular tashib ketila boshlandi. Vahshiyarlarcha qazib olindi va arzon narxlarda eksport qilindi. Benihoya ulkan moddiy boyliklar, insoniyatning noyob yutuqlari vijdotsizlarcha o'g'irlab ketilmoqda, yo'q qilib tashlanmoqda. Bu bilan butun atrof muhitga ham juda katta zarar yetmoqda, iqlim buzilmoqda. Eng yomoni esa bir necha avlod kishilarining tabiiy hayot va faoliyat sharoitlariga putur yetmoqda.

Таклиф қилинадиган сайёҳлик хизматлар: апартамент, лагерларга жойлаштириш, ресторанлар, магазинлар, сайёҳлик хизматлари	Таклиф қилинадиган сайёҳлик хизматлар: апартаментлар, дам олиш лагерларига жойлаштириш, таълим дастурлари, экскурсиялар, туроператорлар хизмати	
Ўз-ўзини ёки концессионерлар бошқаради	Биринчи навбатда таълим ва илмий туризм	Тушумнинг 45 % и давлат маъмурияти, кўрикхона бошқарувида ажратилади
Экотуризмнинг барча сегментлари мавжуд	Бошқариш харажатларининг ҳаммаси туризм тушумларидан молиялаштирилади	Тушумнинг 50 % и маҳаллий (худудий) ташкилотларга ажратилади
Кўрикхона бюджетининг 35 % и экотуризмдан келади	Сайёҳлар киришда 3,75 доллар тўлайдилар 1997 йилда тушум 400.000 долларни ташкил этган	Cofanes – Metropolitan Touring қўшма корхонаси ташкил этилган
Маҳаллий аҳоли: 800 га яқин иш ўринлари ташкил этилган (шу жойида On – the – job ўқиши), Community Fund фонди, хунармандчилик санъати маҳсулотлари ишлаб чиқарилади	Махсус лоихалар ва сармоя ўзлаштирилиши молиялаштирилади Кузатув иттифоқи: давлат институтлари, нодавлат ташкилотлари, хусусий сектор (давлат кўпчилик овозга эга эмас)	- туроператор роли: -бирламчи молиялаштириш, маслаҳат турларни ташкил этиш, транспорт маркетинг; - маҳаллий бирламчалар роли: жойлаштириш, овқатлантириш, маҳаллий дастурлар, хунармандчилик санъати маҳсулотлари; - туризм нефт саноати ва овчиликдан келадиган фойдани эгаллайди; - туроператор имтиёзлари: ноёб маҳсулотларни бозорга чиқариш; - табиатни муҳофаза қилиш мақсадида уюшма ташкил этади.

Манба: Тухлиев Н. Экологический туризм: сущность, тенденция и стратегия развития. Т.: ЎзМЭ, 2006, с. 146.

Бу экотурларнинг кўпи табиат ресурсларидан бир тарафланма фойдаланиш бўлиб, унга қайтаришни ўйламайди. Масалан, шаҳарликларнинг табиат қўйнига сайёҳларининг 90 % и бу бир кунлик, яқин орадаги ҳудудни кўриш билан боғлиқ. Дам олувчилар санитар қоидаларга риоя қилмайдилар. Бу ўз навбатида сувни, атроф муҳитни ифлосланишига олиб келади. Бу каби “экотуристлар” дарахтларни синдирадилар, қушларнинг инини бузадилар, кўрикланадиган ҳайвонларни отишдан лаззат оладилар, ўрмон ва бўтазорларни куйдириш хавфи туғилади. Шу каби ҳолларни ҳисобга олиб, бизнинг экотурларимизни баъзан “**қозон – туризми**” деб аташ мумкин, чунки бунда экологик тафакурдан кўра, истеъмолчилик туйғуси устун туради.

бошқ.), соҳил бўйи манзаралари дарахтзорлар билан банд бўлиши, ошхона, автотранспорт учун махсус жойлар, телефон ва хордиқ чиқариш учун бошқа зарурий имкониятлар бўлиши лозим. Дам олувчиларни табиат манзараси, таровати, ҳушманзаралилиги лол қолдириши керак, тоза ҳаво, сув, мева-чева, шифобахш балчик, минерал сувлар энг зарурий омилларки, уларнинг бисёрлиги инсонни кўнглидагидек хордиқ чиқариши учун асос бўлади.

Рекреация-экотуризм инфратузилмалар қанчалик такомиллашган бўлса хордиқ чиқарувчиларнинг ҳам тезда соғлиқларини тиклаши, дам олишни юқори даражада таъминланишига эришилади. Бу ўз навбатида малакали шифохона мутахасислари билан таъминланишга ҳам боғлиқ.

Экспертларнинг маълумотларига қараганда экотуризм сайёҳлик бозорининг 10-20 % ини қамраб олган, ўсиш суръати эса умумий туризм индустриясининг ўсиш суръатидан 2-3 маротаба ошиб кетган.

Экотуризмнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларига қуйидагиларни қўшиш ҳам мақсадга мувофиқдир:

1) экотуризм объектларида аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилиш;

2) экотуризм қадамжойларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринларини яратиш, сайёҳлик инфратузилмани ҳосил қилиш;

3) экотуризмнинг жаҳон талабларига жавоб бера оладиган моддий – техник, ахборот – таҳлилий базасини яратиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш;

4) экотуризм масканларини электр энергияси (ёритиш, ТВ, радио, алоқа ва х.к.) ва иссиқ сув билан таъминлаш мақсадида экологик тоза, қайта тикланувчи муқобил энергия қурилмалари ёрдамида фойдаланишни кенг йўлга қўйиш лозим.

Шундагина рекреация ва экотуризм соҳаси иқтисодиётимизга сезиларли таъсир кўрсатади. Бу борада муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларимиз (МЭТХ) имкониятидан оқилона фойдалансак, кўплаб хориждаги миллий табиат боғлари каби улар ҳам иқтисодиётга салмоқли фойда келтирар эди (1-жадвал).

Ҳозирги вақтда минтақадаги экотуристик маҳсулотларга хорижий ва маҳаллий сайёҳлар орасида эҳтиёж катта. Мутахасисларнинг фикрига кўра, Марказий Осиё табиат қўйнига қилинадиган сайёҳатчилар учун ўзига хос “Макка” бўлиб қолиши мумкин. Экологик сайёҳат – бизнинг мамлакатимизда янги ва келажаги порлоқ йўналишлардан бири ҳисобланади. Аммо бугунги кунга келиб, у маълум хусусиятларга эга бўлиб, экологик мувозанатни сақлаб турулмади.

1-жадвал

Экотуризмнинг миллий табиат боғлари ва маҳаллий бирлашмалар иқтисодиётига таъсири

Жанубий Африка KwaZulu Natal Wildlife	Белиз кўриқхонаси	Экватор, Галапагос ороллари
Давлат ижтироқидаги кўриқхона	Кўриқхонага нодавлат ташкилоти раҳбар	1999 йилда тушум 5 млн доллордан орти

Asrlar tutash kelgan pallada butun insoniyat, juda katta ekologik xavfga duch kelib qoldi. Buni sezmaslik, qo'l qovushtirib o'tirish -o'z-o'zini o'limga mahkum etish bilan barobardir. Afsuski, hali ko'plar ushbu muammoga beparvolik va mas'uliyatsizlik bilan munosabatda bo'lmoqdalar.

Ekologik xavfsizlik muammosi allaqachonlar milliy va mintaqaviy doiradan chiqib, butun insoniyatning umumiy muammosiga aylangan. Tabiat va inson o'zaro muayyan qonuniyatlar asosida munosabatda bo'ladi. Bu qonuniyatlarni buzish o'nglab bo'lmas ekologik falokatlariga olib keladi.

Bu xavfni ancha kech, 70-yillarning boshlaridagina anglay boshladik. O'shanda mazkur masala dunyo miqyosidagi taraqqiyotga bag'ishlangan dastlabki G'arb modellarida keskin qilib qo'yilgan edi. Bu hol bamisoli "bomba portlaganday" ta'sir etdi. Insoniyat qanday xavf qarshisida turganligini, atrof muhitga inson faoliyati tufayli yetkazilayotgan zarar qanday natijalarga olib kelganligini yaqqol his etdi.

Insonning tabiat imkoniyatlarini va uning rivojlanish qonuniyatlarini hisobga olmay, jadal yuritilgan xo'jalik faoliyati, Rim klubining "XXI asr yo'li" deb atalmish tadqiqotlaridan birida ko'rsatib o'tilganidek, Yer yuzida tuproq nurashi, o'rmonlardan mahrum bo'lish, baliqlarning haddan tashqari ko'p ovlanishi, tuzli yomg'irlar, atmosfera ifloslanishi, ozon qatlami buzilishi va hokazolarning ro'y berishiga olib keldi. Mutaxassislarining baholashlaricha, 2020 yilga borib o'rmonlar egallab turgan maydon quruqlikning 1/7 qisminigina tashkil etadi, holbuki, 50-yillarda ular 1/4 qismni egallagan edi. Jahon okeanining suvlari halokatli ravishda ifloslanib bormoqda, uning takroriy mahsuldorligi keskin pasaymoqda. Jadal sur'atlar bilan yuz berayotgan urbanizatsiya jarayonlari shaharlarning asosiy aglomeratsiyalari eng yirik ifloslantirish manbalariga aylanib qolishiga olib keldi. Tarkibida oltingugurt qo'sh oksidi va azot oksidi bo'lgan tuzli yomg'irlar yog'ishi ko'paydi. Buning natijasida butun dunyoda ekologik muhitning yomonlashuvi bilan bog'liq turli-tuman kasalliklar soni ortib bormoqda.

Hozirgi vaqtda jahon fan-texnika taraqqiyoti jadal rivojlanishi munosabati bilan tabiiy zaxiralardan xo'jalik maqsadlarida tobora ko'proq foydalanilmoqda. Buning ustiga, dunyo aholisi yildan-yilga o'sib borib, ko'proq miqdorda oziq-ovqat, yoqilg'i, kiyim-kechak va boshqa narsalarni ishlab chiqarish talab qilinmoqda. Bu esa o'rmonlar egallab turgan maydonlarning jadal sur'atlarda qisqarishiga, cho'l-sahrolarning bostirib kelishiga, tuproqning buzilishiga, atmosferaning yuqorida joylashgan ozon to'sig'i kamayib ketishiga, yer havosining o'rtacha harorati ortib borishiga va boshqa holatlarga sabab bo'lmoqda.

Beto'xtov davom etayotgan qurollanish poygasi, atom, kimyoviy qurollar va ommaviy qirg'in qurollarining boshqa turlarini ishlab chiqarish, saqlash va sinash insoniyat yashaydigan muhit uchun juda katta xavfdir.

Hozir, XXI asr bo'sag'asida, fan-texnika taraqqiyoti jadal sur'atlar bilan rivojlanib bormoqda. Dunyoning jo'g'rofiy-siyosiy tuzilishi o'zgarmoqda. Bunday sharoitda inson tomonidan biosferaga ko'rsatilayotgan ta'sirni tartibga solish, ijtimoiy taraqqiyot bilan qulay tabiiy muhitni saqlab qolishning o'zaro ta'sirini uyg'unlashtirish, inson va tabiatning o'zaro munosabatlarida muvozanatga erishish muammolari borgan sari dolzarb bo'lib qolmoqda. Xalqaro hamjamiyat insonning nafaqat yashash huquqi, balki to'laqonli va sog'lom turmush kechirishi uchun zarur

mo'tadil atrof-muhit sharoitlariga ham bo'lgan huquqlarining muqaddas va daxlsizligini allaqachonlar e'tirof etgan. Ekologik xavfsizlik kishilik jamiyatining buguni va ertasi uchun dolzarbligi, juda zarurligi bois eng muhim muammolar jumlasiga kiradi. Bu muammolar amaliy tarzda hal etilsa, ko'p jihatdan hozirgi va kelgusi avlod turmushining ahvoli va sifatini belgilash imkoniyatini beradi. Iqtisodiyotning ishlab chiqarish bilan bog'liq tarmoqlarini ekologik jihatdan zararsiz texnologiya yordamida rivojlantirishni ta'minlash imkoniga ega bo'linadi. Ma'lumki, tabiatning holati birdaniga va darhol yomonlashib qolmaydi. Bu jarayon uzoq vaqt davom etadi. Boshqacha aytganda, ekologik vaziyat asta-sekin yomonlasha boradi.

Ekologiya hozirgi zamonning keng miqyosdagi keskin ijtimoiy muammolaridan biridir. Uni hal etish barcha xalqlarning manfaatlariga mos bo'lib, sivilizatsiyaning hozirgi kuni va kelajagi ko'p jihatdan ana shu muammoning hal qilinishiga bog'liqdir.

Taraqqiyotning hozirgi bosqichida inson bilan tabiatning o'zaro ta'siriga oid bir qator muammolarni hal etish faqat bir mamlakat doirasida cheklanib qola olmaydi. Ularni butun sayyoramiz ko'lamida hal qilish zarur. Ko'rinib turibdiki, tabiiy muhitni inson yuritadigan xo'jalik faoliyatining zararli ta'siridan himoya qilish bilan bog'liq ko'pgina muammolar keng ko'lam kasb etadi. Shu sababli ular faqat xalqaro hamkorlik asosida hal qilinishi lozim.

ДЕЛЬТА ЛАНДШАФТ СТРУКТУРАСИНИ ШАКЛЛАНИШИДА РЕЛЬЕФНИНГ РОЛИ

Хурсанов Д.Б.*

Самарқанд давлат университети

Маълумки, Ўзбекистон худудида дарё дельталари (Амударё, Зарафшон, Сух, Қашқадарё) ва сойларнинг иши натижасида ҳосил бўлган конус ёйилмалари кўп учрайди. Бу худудларнинг барчаси дарё ёки сойларнинг олиб келган аллювиал ётқизикларидан ҳосил бўлган. Дарё дельталари ва сойларнинг конус ёйилмаларини ҳосил бўлишида ўзига хос табиий географик конуниятлар мавжуд. Масалан, ер усти сув оқимининг иши натижасида олиб келинган ётқизиклар маълум бир тартиб асосида ётса, делта ёки конус ёйилмасининг юқори қисмларида шағал ва йирик литологик таркибга эга бўлган ётқизиклар устунлик қилади, уларнинг қуйи қисми эса лойсимон ётқизиклардан таркиб топади. Ушбу ётқизик қатламларига боғлиқ равишда турли механик таркибга эга бўлган тупроқ қопламларининг структурасини ҳосил қилади ва шу билан бирга грунт сувининг режими ҳам турлича бўлади.

Демак, дарё дельталарида суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши, худудни тизимли-структуравий таҳлили асосидаги маълумотлар негизида мелиорация ишларини мажмуали амалга оширишни тақозо этади. Ушбу муаммони ҳал этиш, бир томондан худуд ландшафтининг табақаланишини ва унинг структурасини йирик масштабда рельеф пластик картаси асосида тадқиқ қилишни, иккинчи томондан эса коллектор ҳавзаларидаги парагенетик

* Хурсанов Дунёбек Бахтиёрвич – СамДУ, География ва экология факультети, География кафедраси ассистенти.

РЕКРЕАЦИЯ ВА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЭКОЛОГИК-ИҚДИСОДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ходжиматов А.Н., Сафаров У.Х., Холмуродов Ш.А., Иброимов Ш.И.*

Тошкент давлат педагогика университети

Ҳар қандай дам олиш тури маълум ҳудудда амалга оширилади, лекин мазкур ҳудуд маълум муддатга ҳордиқ чиқариш учун келган – рекреантларни экологик жиҳатидан ўзига сиғдира оладими ёки йўқми, бу масала унинг экологик сиғими билан аниқланади. Экологик сиғим шундай ўртача меъёрни унда рекреантларнинг миқдори экологик майдонга тўғри келиб, ундан ошмаслиги лозим, акс ҳолда табиий мувозанат бузилади. Бу борада маълум андозалар, меъёрий кўрсаткичлар ишлаб чиқилган. Масалан, ёзда сув ҳавзаларида чўмилаётганлар учун денгиз пляжи ҳар бир чўмилиувчи учун камида 5 м², ички сув ҳавзаларида 8 м², болаларга эса 4 м², дарёларда ҳар бир чўмилиувчи учун камида 5-10 м², оқмас ҳавзаларда 10-15 м² акватория бўлиши лозим. Агарда чўмилиувчилар сони кўрсатилган миқдордан ортиб кетса, у ҳолда сувнинг ифлосланиши тезлашади, бинобарин гидроэкологик мувозанат бузилади, унинг оқибатлари барчага аён. Тоғ ёнбағирлари, қирлар, адирларда баҳорда (лола сайли, ялпиз йиғиш, оддий ҳордиқ чиқариш ва ҳ.к.) дам олувчиларнинг миқдори кескин ортади. Бунда маълум кичик ҳудудда рекреантларнинг сони мўлжалдагидан кўп бўлади. Натижада ўсимлик ва тупроқ топталади, турли гиёҳларнинг миқдори кескин камаяди, дам олувчилар ўзлари билан олиб келган баъзи нарсаларни шу жойда қолдирадилар (озик-овқат қутилари, қоғозлар, ичимлик идишлари, сигарет қолдиқлари ва бошқалар), бинобарин атроф-муҳит ифлосланади. Ҳисоб-китобларга кўра бундай шароитда дам олувчиларни ўртача миқдори ҳар гектар майдонга бир кунда 18-20 кишини ташкил қилиши лозим.

Табиатнинг рекреация имкониятларидан фойдаланиш бўйича ҳозиргача кўп соҳаларда экологик сиғим, ўлчам, миқдорий кўрсаткичлар, руҳсат этилган меъёр (РЭМ)лар андозалари ишлаб чиқилган ва улар амалда тадбиқ этилган. Уларга риоя қилиш ва бажариш албатта шарт, аксинча эса табиатда турли нохуш ҳодисалар таркиб топа бошлайди.

Рекреация ва экотуризмни ривожлантиришнинг иқтисодий асослари – гўзал табиат имкониятлари инсонни дам олиши учун қулай шарт-шароитларни вужудга келтиришига боғлиқ. Дам олиш мумкин бўлган табиат кучоғида тегишли инфратузилма ташкил этилмаса, рекреантларни кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариш имкони юзага келмайди. Рекреация ва экотуризм инфратузилмалари – бу дам олиш объектлари (санатория, курорт, пансионат ва бошқалар) га транспорт коммуникациялари, электр ва табиий газ тармоқлари туташтирилган бўлиши лозим. Дам олиш объектида мумкин бўлган спорт майдонлари ва жиҳозлари, сув ҳавзалари (чўмилиш учун, сайр учун, қайиқ, катамаран ва

* Ходжиматов А.Н. – Низомий номидаги ТДПУ География ўқитиш методикаси кафедраси профессори в/б., г.ф.н.

Сафаров У.Х. - Низомий номидаги ТДПУ География ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчиси, п.ф.н.

Холмуродов Ш.А. – Низомий номидаги ТДПУ География ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси.

Иброимов Ш.И. – Низомий номидаги ТДПУ Аниқ ва табиий фанлари ўқитиш методикаси (география) мутахассислиги магистранти.

килиб экотуризмнинг бозори кенг, унинг асосий сегментлари қуйидагилардан иборат:

- фаол сайёҳлар, уларнинг 2/3 қисми дам олишнинг фаол турлари билан боғлиқ, шу жумладан табиат қўйнида;

- ёввойи табиатни ёқтирганлар уни асл ҳолатда сақлаб қолишга уринадилар. Табиатшунослик туризмнинг бир қисми бўлиб, бу тоифа умумий экосайёҳларнинг сонидан 20% ини ташкил этади;

- автосайёҳлар транспорт воситаси билан сайёҳат қилишни ёқтирганлар, кўпинча бу саҳролараро сайёҳат, саффари, тоғли ёки тошли жойларда кечади;

- саргузашт туризм, улар ҳам табиий туризмнинг бир қисми бўлиб ҳисобланади. Чунки сайёҳат давомида инсон табиат билан бирга бўлиб унинг ёввойи ва оғир ноқулай шароитларига дуч келадилар.

Ҳозирги кунда, экотуризм Туризм ва экскурсия қилиш жаҳон кенгашининг (ВВТТК) ва Бутун жаҳон туристик ташкилоти (БТТ) маълумотларига кўра, жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган сайёҳлик саноатидан бири ҳисобланади.

Экспертларнинг таъкидлашишича, ҳозирги кунда туризм индустриясида экотуризм тармоғига кирувчи табиий ва саргузашт туризм тармоғи жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

БМТ ва БТТ нинг маълумотларига кўра, 2000 йилда халқаро туризмдан тушган даромад 720 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Агар бунга ички туризмдан тушган даромадни қўшсак, унда ушбу даромад 5 – маротабага ошиб кетади. Масалан, Канада давлатида ёввойи табиатга сайёҳат туризмнинг умумий ҳажми ички туризмдан тушган даромаднинг 25% ини ташкил этади. Канада ҳукумати, фақатгина экотуризмдан тушган солиқ ҳисобидан ҳар йили 1,7 млрд АҚШ долларига фойда олади. Бу эса, ҳукумат томонидан ёввойи табиатни муҳофаза қилиш дастурига ажратилган маблағдан (300 млн доллар) 5 баробар кўпдир. Шундай қилиб, экотуризм табиатни муҳофаза қилиш тadbирларини амалга оширишга катта хисса қўшади, ҳамда уларни тўла – тўқис ўтказишга сезиларли молиявий кўмак беради.

БМТ ва БТТ ташкилотлари маълумотларига биноан, охириги 30 йил ичида ривожланаётган мамлакатларда сайёҳлар сони сезиларли даражада кўпайиб ва ундан олинган даромадлар йилдан – йилга ўсиб бормоқда. Масалан, ҳар йили экотуризмдан кичик давлатлар Кения – 1400, Эквадор – 1180, Коста – Рика – 1140, Непал – 1550 млн АҚШ долларидан даромад оладилар. Шуни айтиш жойизки, ушбу мамлакатларнинг экотуризмдан олган даромади давлат ички ялпи маҳсулотининг 70 – 80% ини ташкил этади.

Ўзбекистонда экотуризм имкониятлари ниҳоятда катта ҳамда салоҳияти бўйича жаҳон экотуризм саноатида юқори ўринларни эгалласади, лекин амалда Ўзбекистонда бу салоҳият ва имкониятлардан тўла – тўқис фойдаланиш учун чора – тadbирлар етарли даражада амалга оширилган эмас.

Бунга мисол тариқасида, Бутунжаҳон Туристик Ташкилоти (БТТ) маълумотларига кўра, Ўзбекистонга 2010 йилда 300 минг сайёҳлар келиб кетган, ваҳоланки Ўзбекистондаги сайёҳлик ресурслари ҳар йили 1 млн дан ортиқ сайёҳларни қабул қилиш имкониятига эгадир.

ландшафт мажмуаларининг ўзаро боғлиқлигини элементар ландшафтларнинг узвий алоқадорлиги асосида ўрганишни назарда тутади. Ер ресурсларининг мелиоратив ҳолати фақатгина ландшафт типлари билан боғлиқ бўлмасдан, балки у рельеф структураси асосида табақаланган ландшафт структураси ва кичик дельталардаги элементларнинг (баландликлар ва пастликлар) геокимёвий алоқадорлигига ҳам боғлиқдир.

Коллектор ҳавзалари ёки кичик дельталардаги ландшафт табақаланишини парагенетик ландшафт мажмуаси ёки геокимёвий ландшафт таълимотлари асосида ўрганиш авваломбор йирик масштабли рельеф пластик картаси негизида амалга оширилади. Рельеф пластик картасида баландлик ва пастликлар йўналишининг кўрсатилиши дельта ландшафтларининг табақаланишига таъсир этувчи табиий географик омил ҳисобланган ер усти сув оқими ролини ўрганишга асос бўлади.

Дельтадаги ландшафтларнинг ҳосил бўлишида ер усти сув оқими билан бир каторда иқлим, рельеф ва тупроқ ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ландшафтни ҳосил қилувчи компонентлар бир вақтнинг ўзида ҳам элемент бўлиши мумкин, ҳам ана шу элементларнинг йиғиндиси бўлган ландшафтни ёки “Табиат зонасини” ҳосил қилади. Кўпчилик олимлар (Ретеюм, 1975; Уразбоев, 2016) ҳар бир объект структурасини тадқиқ қилганда энг аввало ландшафт компоненти бўлган рельеф структурасини ўрганишга алоҳида эътибор беради. Чунки, айнан шу рельеф объектнинг ички структурасини белгилаб қаратади. Бошқача сўз билан айтганда, ушбу рельеф структураси билан ландшафтнинг бошқа компонентлари: иқлим, тупроқ қопламанинг структураси, ўсимликлар қоплами, грунт сувининг табиий ҳаракати ва ер усти сув оқимининг йўналиши бевосита боғлиқдир.

Ландшафтларнинг ташкил топиши ва ривожланиши компонентларнинг қайси бири етакчи, қайси бири иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлиши билан узвий боғлиқдир. Табиий географ олимлар ўртасида бирламчи ва иккиламчи, етакчи ва етакчи бўлмаган, кучли ёки кучсиз компонентларни аниқлашга доир фикрлар мавжуд. Масалан, Н.А.Солнцев (1960) тузган компонентлар тизимида геоморфологик компонентлар (геологик тоғ жинслари ва рельеф) кучли ёки етакчи, гидрологик, иқлимий компонентлар (сув, ҳаво) эса иккиламчи даражали, биотик компонентлар (ўсимлик ва ҳайвонот) учламчи даражали ёки кучсиз ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб дарё дельталари ландшафтларини ҳосил бўлишида бирламчи омил яъни геоморфологик компонентлар асосий ролни ўйнайди.

Объектларнинг ландшафт структурасини ўрганишда рельеф структурасини билиш алоҳида аҳамият касб этади. Т.В.Звонкова фикрича, рельеф ландшафтнинг элементи бўлгани ҳолда у барча умумгеографик ва махсус карталарнинг асосини ташкил этади. Олиманинг фикрига қўшилган ҳолда ландшафт структураси картаси асосида рельеф структураси этади. Ландшафтнинг структурасини ўрганиш жараёнида унинг структурасига сабаб бўлувчи учта асосий омилни ажратиш мумкин: 1.Ер юзининг элементлари (баландликлар ва пастликлар); 2.Элементларнинг ўзаро боғлиқлиги ва муносабати; 3.Элементларнинг ўзаро бирлашиб маълум бир бутунликни ҳосил

қилиши. Демак, маълум бир географик объектнинг структурасини тадқиқ қилишда структура категориясининг уч жиҳатиға эътибор бериш мақсадға мувофиқдир.

Ландшафтнинг структурасини таҳлил қилиш рельефни ўрганиш билан боғлиқ. Рельеф пластикаси карталарида баландликлар ва пастликлар ҳаққоний қилиб тасвирланиши ландшафтшуносларни илмий мушоҳада қилишға ундайди. Шунини эътиборға олган ҳолда ландшафтларнинг ҳақиқий структурасини кўрсатиш мақсадида табиатдаги реал ландшафтдан абстракт ҳолдаги ландшафтларға ўтиш учун идеализация босқичини ўтказамиз. Рельефнинг баландлиқ элементлари картографик идеализацияда чизиқлар ёрдамида тасвирланади ва рельефнинг геометрик структурасида кўрсатилади. Бу усул табиий географик тадқиқотларда қадимдан қўлланилиб келинади. Картанинг масштаби қанча йирик бўлса, рельеф структураси ҳам шунча аниқ кўрсатилади. Объектнинг рельефини ҳисобға олган ҳолда масштаби 1:50000 бўлган топографик карталарда фойдаланиш мақсадға мувофиқдир. Бундай масштабдаги рельеф пластикаси карталарида тоғ ва тоғ олди ҳудудларидаги рельефнинг структураси етарли аниқликда тасвирланган бўлади. Баъзи бир ҳудудларни ўрганишда ҳатто масштаби 1:10000 ва 1:25000 бўлган топографик карталарини ҳам қўллаш фойдадан холи бўлмайди.

Биз тадқиқот иши олиб борадиган ҳудуд, яъни Қуйи Амударё округининг рельефи таҳлили шунини кўрсатадики, Амударёнинг ҳозирги дельтаси, Сарикамиш ва Ақчадарё дельталарида рельеф дарё ўзанидан чап ва ўнг томонларға қараб пасайиб, ўзига хос рельеф шаклланган. Амударёнинг ҳозирги дельтасида рельеф нафақат дарё ўзанидан чап ва ўнг томонларға пасайиб боради, балки дельтанинг бошланғич қисмидан (Тахиятош шаҳри) шимол томонға ҳам пасайиб боради. Маълум бўлишича Амударё ҳозирги дельтаси бир қанча кичик дельталардан ташкил топганлиги учун ҳам бу ерда ўзанбўйи баландликлари билан бир қаторда ўзанлараро пастликлар ҳам учрайди. Бу эса ўз навбатида дельтанинг умумий рельеф структурасининг шаклланишиға ўз таъсирини кўрсатади. Рельеф структурасининг шу тарзда ўзгариб бориши бевосита тупроқ ва ўсимлик қоплами структурасининг ўзгаришиға олиб келади. Ана шунинг учун ҳам маълум бир ҳудуднинг рельеф структурасини тадқиқоти ландшафтшунослиқда алоҳида ўрин тутади.

DARYO TANGILARI EKOTURISTIK OBYEKT SIFATIDA

Xidirov M.Sh., Allayorov R.X., Bo'ribekov M.F.*

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti

Bugungi kunga kelib jahon mamlakatlari rivojlanishida alohida o'rin tutgan sohalardan biri shubhasiz turizmdir. Dunyoning rivojlangan mamlakatlari (Kanada, AQSh, Xitoy, Italiya) qatori, rivojlanayotgan davlatlar (Keniya, Ekvador, Kosta-

* Xidirov Musiddin Shermamatovich – Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti Geografiya o'qitish metodikasi kafedrasida laborant.

Allayorov Ruslan Xaykal o'g'li – Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti Aniq va tabiiy fanlarni o'qitish metodikasi (geografiya) mutaxassisligi magistranti.

Bo'ribekov Mansur Farmonovich – Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti Aniq va tabiiy fanlarni o'qitish metodikasi (geografiya) mutaxassisligi magistranti.

- экотуристтик объектларни ҳар томонлама баҳолаш ва уларни кадастрини олиб бориш;

- экотуризм мониторинги ва истиқболини олиб боришни йўлга қўйиш;

- миллий давлат ҳудудини экотуризм бўйича районлаштириб чиқиш;

- экотуризм билан шуғулланувчи, юридик шахс мақомиға эга бўлган махсус турдаги субъектлар фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб қуватлаш чора – тадбирларини белгилаш;

- давлатларнинг ва ҳалқаро ҳамжамиятнинг экотуризмға оид тактик режа ва стратегик дастурлари ва тадбирларини ишлаб чиқиш;

- экотуризмға оид ижобий ҳаракатларни рағбатлантирувчи омилларни яратиш;

- биологик хилма – хилликни сақлаш ва х.к.

Мазкур вазифаларини бажаришда қуйидаги экотуристтик тамоил, яъни экологик муносабатларни туризм орқали тартибға солишға йўналтирилган қоидаларға риоя қилиш даркор:

- экотуризмда табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш масалаларининг устуворлиги;

- экотуризмнинг тарихий, маданий ва бошқа туризм турлари билан узвий боғланганлиги;

- туризм ва сервис соҳаси йўналишидаги барча таълим муасасаларида экотуристтик фанлар ўқуви киритилишининг мақсадға мувофиқлиги;

- маҳаллий аҳолининг экологик онги ва маданиятини ўстиришда экотуризмни жалб қилиш зарурияти;

- табиатдан оқилонга фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишни мазмунини экотуристтик маршрутларда акс этириш;

- давлат, жамият, маҳаллий бошқарув идораларнинг экологик туризмдан манфаатдорлиги;

- экотуризмда экологик ижтимоий – иқтисодий манфаатдорликнинг ягона лиги;

- экотуризмда миллий ғурур ва ифтихорни шакллантиришнинг зарурилиги ва б.

Ҳозирги пайтдаги экосайёҳлар гуруҳининг таркиби қуйидагича: авваломбор, бу 35 – 40 ёшли кишилар, яъни бу ёшдаги одамлар ёввойи табиатда сайёҳат қилиш учун соғлигини ва молиявий томондан ўзини таъминлай оладилар. Табиат ҳаммани ўз бағриға жалб этади, сайёҳлардан 60% и оилалилар чунки уларни табиатнинг аҳволи ва оиланинг келажаги баравар кизиқтиради.

Экспертларнинг таҳлилича экосайёҳларнинг кўпчилиги бадавлат одамлар ёки даромадлари ўртача даромаддан ортик. Туризмнинг экотурлари қиммат турмахсулотға киради. Дунёда инсон оёғи тегмаган ва табиат ўз аслини сақлаб қолган жойлар кам қолган, бундай жойларни сайёҳат қилиш чегараланган ва у ерларни сайёҳат қилиш жуда қиммат туради.

Экотуризм қатта ҳаражатлар ва вақт билан таснифланади, сайёҳат вақти бир ҳафта билан чегараланмайди. Кўпинча у 8 – 12 кун давом этади ва бир неча бор такрорланади. Бундай сайёҳларнинг сабаби сайёҳатчи ўзини доимий қулайликлардан узоқрода, табиатнинг қуйнида хис қилишни хоҳлайди. Шундай

хамда 8 та ноёб объектларда тадқиқотлар) олиб борилган. Тадқиқот йўналишлари: пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, ипакчилик, ўсимликларни химоя қилиш, ветеринария, қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш бўйича амалга оширилган.

Хулоса ўрнида, республикамизда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг ажралмас қисми сифатида куйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- инновацион технологиялар ютуқларидан самарали ва ўз ўрнида фойдаланиш;

- соҳада фундаментал ва амалий тадқиқотларни олиб бориш;

- инновацион ишланмаларни амалётга узлуксиз жорий этиш.

Демак мана шундай бир шароитда инновацион кластер асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини йўлга қўйишида, албатда ҳар бир ҳудуднинг табиий-географик ва иқтисодий-географик имконият ва хусусиятларини ҳисобга олиши лозим. Албатда, географик омиллар ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг жойлашуви ва ишлаб чиқариш йўналишига бевосита таъсир қилади.

РЕКРАЦИЯ ВА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ-ЭКОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Ходжиматов А.Н., Юлдашов А.У., Холмуродов Ш.А., Қўлдошева Г.М.*

Тошкент давлат педагогика университети

Гулистон давлат университети

“Ўзбекистон Республикасида экологик туризмда” “ривожлантириш концепсиясини” ишлаб чиқилган. (2007 йил). Унда экотуризмни мақсади – “ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун табиатдан туристик йўналишда оқилона фойдаланиш”, деб қайд этилган. Экотуризмнинг мақсадини амалга ошириш куйидаги вазифаларни бажаришни талаб этади:

- экотуризм индустриясини шакллантириш учун махсус қонунларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳуқуқий механизмларни яратиш;

- экотуристлик фан, таълим ва амалиётнинг назарий асосларни ишлаб чиқиш;

- аҳолининг экологик онги ва маданиятини экотуризм орқали ўстириш;

- экотуризм йўналишидаги таълим ва тарбияни изчил йўлга қўйиш;

- экотуризм орқали, маҳаллий аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этиш;

- экотуризм бўйича мутахассисларни таёрлаш ва қайта таёрлаш;

* Ходжиматов Алишер Нигматович – ТДПУ “География ўқитиш методикаси кафедраси дпрофессори в/б, г.ф.н.

Юлдашов Аброр Убайдуллаевич – Гулистон давлат университети Табиий фанлар факультети декани, г.ф.н.

Холмуродов Шакарбек Абдуғаниевич – ТДПУ География ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси.

Қўлдошева Гулҳаё Мухтор қизи – ТДПУ География ўқитиш методикаси таълим йўналишининг 2-курс талабаси.

Rika, Nepal) ham turizmning yirik tarmog‘i hisoblanmish ekoturizmdan katta daromad olmoqdalar. Ayrim mamlakatlarda (Tailand, Malayziya, Maldiv) esa bu tarmoq iqtisodiyotning asosiy bo‘g‘ini sifatida shakllanib ulgurani ham ayni haqiqat.

So‘nggi yillarda O‘zbekistonda turizmni rivojlantirish borasida bir qator farmon va qarorlarning imzolanishi hamda amaliyotga keng joriy etilishi, mamlakatimiz turizm salohiyatining yuqoriligi va turizmga doir tadqiqotlarning rivojlanishi muhim ahamiyatga ega ekanligidan dalolat beradi. O‘zbekistonning tabiiy geografik joylashishi, relyefi, iqlimi, gidrologik xususiyatlari va organik dunyosining rang-barangligi, biologik va landshaft xilma-xilligi ekoturizmni rivojlantirish imkoniyatlari yuqoriligini ko‘rsatadi.

Ma‘lumki, O‘zbekiston hududining 21,3 % qismini tog‘ va tog‘ oraliq botiqlari ishg‘ol qilgan. Ushbu serviqor tog‘lardan minglab daryo va soylar boshlanadi. Tog‘li hududlarda maftunkor tabiat mo‘jizalari shakllangan bo‘lib, tabiat hosil qilgan ana shunday mo‘jizalarga relyef formalaridan biri – daryo tangilari yaqqol misol bo‘ladi. **Tangi** – turkiy tushuncha bo‘lib, daryolarning tog‘li hududdan oqib o‘tuvchi qismida, qattiq tub jinslarni daryo yuvishi natijasida hosil bo‘ladigan tor va chuqur, tik yon bag‘irli vodiya aytiladi. Uning yon devorlari uzoq muddatgacha tik holatda bo‘ladi. Vodiy eniga sekin o‘sadi va odatda, chuqurligi enidan ortib boradi. Tangilar ba‘zan yer yuzasi yorilganda tektonik yo‘l bilan ham vujudga keladi. Adabiyotlarda qopchig‘ay, dara kabi shakllarda uchraydi. O‘zbekiston tog‘li hududidan boshlanuvchi daryo va soylar ana shunday tangi(dara)larni hosil qilgan.

Jahon tajribasida tangilarning ekoturistik ahamiyatini AQSh dagi Katta Kanyon misolida ko‘rishimiz mumkin.

Shu o‘rinda tangi yoki dara ekoturizm obyekt bo‘lib xizmat qila oladimi? O‘zbekiston daryo vodiylaridagi tangi va daralarda ekoturizmni rivojlantirish imkoniyatlari qanday? – singari savollar paydo bo‘lishi tabiiy.

Ekoturizm obyektiga M.I.Egorenkov (2003) landshaft mintaqalari ekotizimlari va alohida muhofaza etiladigan tabiiy hududlarni olsa, V.V.Xrabovchenko (2003) inson faoliyatidan saqlangan va u tomonidan o‘zgartirilgan atrof muhitni olgan. Jahon turistik tashkiloti ekoturizm obyekt sifatida muayyan davlatlarda insonlarni turizm nuqtai nazaridan qiziqтира oladigan tabiat ekanligini uqtiradi. Lekin unda insonlarni aniq bir bilish yoki amaliy faoliyatida qo‘llash mumkin bo‘lgan obyektiv reallik aniq qilib ko‘rsatilmagan. Ularda ekoturistik obyektga nisbatan aniq bir tushuncha yoki tasniffiy belgi ko‘rsatilmagan. Antropogen o‘zgargan yoki inqirozli holatdagi hududlar (Orol va Orolbo‘yi) ularning fikricha, ekoturizm obyekt bo‘la olmaydi (N.T.Shamuratova, 2011).

Ekologik turizm borasida maxsus tadqiqot olib borgan N.T.Shamuratova (2011) fikricha, ekologiya ma‘lum bir tizimda tabiat va jamiyat o‘rtasidagi munosabatlarni optimallashtirishga qartilgan fan sohasi ekan, ekoturizm obyektiga tabiiy komplekslar, tabiat yodgorliklari, muhofaza etiladigan, madaniylashtirilgan va buzilgan geotizimlarni kiritish mumkin. Ekoturistik obyekt bo‘lishi uchun ushbu hududlar tabiiy kelib chiqqan yoki ular insonlar tomonidan o‘zgartirilgan bo‘lishi hamda kishilarni sayyohlik imkoniyatlarini qondirishi kerak. Aks holda tabiat majmualari yoki obyektleri ekoturizm obyekt bo‘la olmaydi.

A.Nizomov va b. (2014) ekoturistik resurslarni tasniflab, yer yuzasining ustki qismi bo‘ylab hosil bo‘lgan cho‘l, adir, tog‘, baland tog‘ mintaqalari uchun xos relyef formalari: barخانlar, dyunalar, taqirlar, jarliklar, chinklar, karst hosilalari, kuestalar, sirtlar va h.k.larni ekoturistik resurslarning yer usti geomorfologik turi sifatida ajratishadi.

Yuqoridagi fikrlardan ayon bo‘ladiki, daryo yoki soylarning ishi tufayli vujudga kelgan relyef shakllari – tangilarni ekoturistik obyekt hamda foydalanish mumkin bo‘lgan ekoturistik resurslarning yer usti geomorfologik turi sifatida qarash o‘rinli.

Daryo tangilarining hosil bo‘lishi va muhofaza qilinishi borasida ham bir qator fikrlar olg‘a surilgan. Jumladan, A.Mamatov va b. (2006) Janubiy O‘zbekiston hududidagi daryo tangilar haqida quyidagi fikrlarni yozadi: “Ayniqsa, daryolarning yemiruvchilik (eroziya) va erituvchilik (karst) faoliyati yaqqol samarali bo‘lgan, ayni chog‘da “Hisor” qo‘riqxonasi tarkibida himoyaga olingan Qal‘aisheron va hozircha muhofazaga olinmagan Zarmas va Langar kabi daralarda mahobatli qiyofada betakrorlik kasb etgan. Shuningdek, Kichik O‘radaryo, Torqopchig‘ay va Sherobodaryo havzasidagi tangilarning ko‘pchiligi ham yura davriga mansub ohaktosh qatlamlarida shakllangan. Ma‘lumki, Hisor tog‘larining Jinnidaryo, Oqsuv va Tanxozdaryo havzalari doirasidagi qismi yuqori paleozoyda hosil bo‘lgan cho‘kindi yotqiziqlar va ularni yorib kirgan magmatik jinslardan tarkib topgan. Shu sababli juda qalin cho‘kindi jins – ohaktosh zaminli strukturalarni daryolar kesib o‘tgan hududlarda daryo vodiylari tangilar shaklida namoyon bo‘lgan”.

O‘zbekistonning turli hududlarida bir qator go‘zal tabiat yodgorliklari, dayo va soy daralari – tangilar hosil bo‘lgan. Quyida kelajakda ekoturizmning rivojlantirish mumkin bo‘lgan daryo tangilariga qisqacha to‘xtalamiz.

Bandixon darasi – Surxondaryo viloyatidagi dara. Boysunsoy vodiysi Takasakiradi tizmasini kesib o‘tgan joyda. Uzunligi 10-12 km ga teng bo‘lgan ushbu dara tagining eng tor joyi 8-10 m. Bandixon darasining yonbag‘irlari tik bo‘lib, bo‘r davrining gil, gips, ohaktosh, alevrolit jinslaridan tuzilgan. Ohaktosh jinslari qattiq bo‘lganidan kam yemirilgan. Boysunsoy bu darada tor (4-5 m) o‘zanda oqadi. Dara devorlarida ibtidoiy odamlar tomonidan hayvonlarning rasmlari va ov manzarasi tasvirlangan.

Bironsoy darasi – Nurota tog‘lari tarmog‘i (Qoratog‘)dagi dara. Darani Bironsoy hosil qilgan. Daraning ikki tomoni bo‘ylab 2,5-3 km masofaga cho‘zilgan rasmlarda odam, o‘q-yoy, ot, it, tuya, echki, qo‘y, yovvoyi hayvonlardan arxar, tog‘ echkisi, bug‘u, to‘ng‘iz, bo‘ri, tulki, ilon, qoplon, yo‘lbarslar tasvirlari aks etgan.

Boshqizilsoy darasi – Chotqol tizmasining (O‘zbekiston qismidagi) janubi-g‘arbiy yonbag‘rida, Toshkent shahridan 70-80 km sharqda, Toshkent viloyati Parkent tumani hududidagi dara. Baland va tik yonbag‘irlarda qadimgi va ilk o‘rta asrlarga mansub qoyatosh rasmlari ishlangan. Tangidagi 400 dan ortiq rasmlarning asosiy qismi mil.av. VI-I asrlarga mansub.

Buzgalaxona, Buzgala (tojikcha, buzg‘ola – tog‘ echkisi, kiyik) tangisi – Boysun tog‘laridagi tor dara. Shahrisabz bilan Termiz oralig‘ida, granit va porfirdan tuzilgan, uzunligi qariyb 3 km, eni 12-20 m bo‘lgan ushbu dara tojikcha Darbandi ohanin (yoki Darai ohanin – “Temir darvoza”), arabcha Bobulabvob yoki

икки ой ҳар бир ходим даромад манбаига эга бўлади (Салимов, 2006). Қайсики, биз қишлоқ хўжалигида агроиқлимий омил асосида йўлга қўйилган “фаслий” қонуниятдан унумли фойдаланган бўламиз. Бунинг асоси эса бевосита инновацион кластер ҳисобланади.

Иновацион кластер-бир мажмуа доирасида (пахтачилик, дончилик, ипакчилик, чорвачилик, қорақўлчилик, мевачилик, сабзавотчилик мажмуалари ва ҳоказолар) бир жамоа бўлиб меҳнат қилишдир. Масалан, ерни шудгорлаш, яхоб суви бериш, чигит экиш, экинга агротехник ва кимёвий ишлов бериш, техник хизмат кўрсатиш, кимёвий ўғитлар ишлаб чиқариш, пахта хом ашёсини йиғиштириб олиш, хом ашёни замонавий усулда чуқур қайта ишлаш, хом ашёдан турли маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва ички-ташқи бозорда сотиш, олинган даромадни бутун мажмуа ходимлари ўртасида йиллик сарф-харажати амалга ошириш асосида тақсимлашдир.

Бу ерда оддий деҳқон-саноат ходими-савдо ходими-молия ходими меҳнатлари бирикади. Уларни ҳамкорликдаги меҳнати соҳани ҳам ривожлантиради ҳамда ўзларининг манфаатдорлик даражасини оширади. Яъни, мазкур жараёнда барча меҳнатқашлар (соҳа ходимлари)нинг манфаатлари уйғунлашади. Хом ашё етиштирувчидан тортиб, уни қайта ишловчиларигача бўлган барча ишчи-ходимлар маҳсулот миқдори ва сифатига бирдек жавобгар бўладилар. Шунга яраша охирги тайёр маҳсулотни сотишдан пайдо бўладиган қўшимча қийматнинг маълум бир қисми шу ишга ўз ҳиссаларини қўшган ходимларга тақсимланади.

“Шунингдек, ҳозирги вақтда 1,5-2 миллиард доллар миқдорида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқдамиз. Лекин ушбу соҳада 10-15 миллиард доллар маҳсулот экспорт қилиш имконияти мавжуд. Бунинг асосида ҳам инновацион кластерни ўрни катта. Қайсики маҳсулот тайёрлаш ва экспорт қилишда “Ўзагроэкспорт” акциядорлик жамияти, биржалар, агрофирмалар ва улгуржи компанияларни ўзаро ҳамкорлик асосида ҳаракати катта роль ўйнайди.

Бу инновацион кластер (боғлам) нафақат мазкур мажмуа ходимлари манфаатдорлигини оширади, балки ҳар қандай инвестор фаолиятини жонлантириб, давлатни ҳам инновацион лойиҳалар доирасидаги фаолиятини юзага чиқаради.

Демак, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги туб бурилишларнинг асосий омилларидан бири сифатида соҳада қўлланилаётган инновацион кластерни кўрсатиб ўтишимиз мумкин. Бу инновацион жараён соҳада йил мавсумлари доирасида соҳа ходимларининг ўз меҳнатидан қониқиш ҳосил қилишларига, аҳоли бандлиги (айниқса, ёшлар)ни оқилона таъминлашга олиб келади.

Янги инновацияларни шакллантириш ва жорий этишда илмий ишлаб чиқариш марказларининг роли катта. Маълумотларга қараганда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказида таркибида 11 илмий-тадқиқот институти, 44 та илмий-тажриба станцияси мавжуд, 4 та олий таълим муассасаси ва уларнинг 3 та филиали фаолият олиб бормоқда.

2017 йил қишлоқ хўжалиги тизимида 300 га яқин илмий лойиҳалар (30 дан ортиқ фундаментал, 166 амалий, 90 га яқин инновацион грант лойиҳалар,

**ИННОВАЦИОН КЛАСТЕР-ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШИ САМАРАДОРЛИГИДА АСОСИЙ ОМИЛ СИФАТИДА
Хидиралиев К.Э., Ахунбобоев М.М., Курбонова Ю.К.**

Гулистон давлат университети

Моддий ишлаб чиқаришнинг асосий соҳаси ҳисобланган қишлоқ хўжалиги, ўзига хос ишлаб чиқариш жараёнига эга. Бу соҳанинг самарадорлиги ва соҳада кўзланган натижага эришиш бевосита ва билвосита агроиқлимий шароитга боғлиқдир. Айнан, агроиқлимий шароит соҳани мавсумий ишлаб чиқариш йўналишига олиб келган омил ҳисобланади.

Ана шу омил узок вақт мазкур соҳа ходимларининг турмуш шароитини меъёр даражада таъминлашга имконият беради. Сабаб, ходимлар йил фаслларининг маълум бир даврида фаол меҳнат қилади ва маълум бир даврида нисбатан суст-гўёки иш тўхтаб, тиним даври бошланади. Ходимларнинг йиллик даромадлари ўртасидаги фарқ, уларнинг турмуш шароитига кучли таъсир қилади. Натижада баъзи турмуш даражасининг ёмонлашувига, провард оилаларнинг бу соҳадан бошқа соҳага ўтиб кетишига мажбур қилар эди. Аммо, вақт ва макон доирасида ҳар қандай объект, жараён янги омиллари таъсирида бўлади ва фаолияти доирасида қисман бўлсада ўзгаради.

Шунинг учун бошқа соҳаларда бўлаётгани каби қишлоқ хўжалиги соҳасига инновацияларни кенг татбиқ этиш, республикамиз ҳудудларидаги хилма-хил хом ашёларни ўзимизда қайта ишлашни чуқурлаштириш ва бозорини вужудга келтириш замон талабидир.

Қишлоқ хўжалиги қанчалик даражада саноатлашса, давлатнинг иқтисодий салоҳияти ортади ва халқнинг турмуш фаровонлиги юксалади. Шу боис Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида охириги вақтларда илғор, замонавий технологияларга асосланган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш инфратузилмасини яратиш, соҳада кластер усулини жорий этишга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Бунинг асосида қишлоқ аҳолиси айниқса, қишлоқ хўжалиги ходимларининг турмуш шароитини кўтарилишига, соҳада муқим ишлашга, соҳа ривожини учун қайғуришларига имкон яратган бўлади. Йил давомида соҳа ходимлари меҳнат билан банд бўладилар ва олган даромадлари асосида оилавий фаровонликка эришилади.

“Ҳозирги кунда юртимизда 51 фоиздан зиёд аҳоли қишлоқ жойларда яшайди. Бироқ, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши 17 фоиздан ошмайди. Аграр соҳа маҳсулотларини қайта ишлаш ҳажми эса 10 фоизга ҳам етмайди. Ҳолбуки, ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 50 фоиздан ортиқни ташкил этади. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш лозим” (Мирзиёев, 2017).

Юқоридаги фикрлар асосида эътибор берадиган бўлсак, бизга маълумки қишлоқ хўжалигини икки асосий тармоғи ва кичик тармоқлари ўзаро бир-бири билан боғланган, уларни айри ҳолда тасаввур этиш қийин. Энди биз бу тармоқлардаги ходимларнинг фаолиятларини уйғунлаштирсак, улар фаолиятини саноат асосида, яқуний маҳсулот доирасида бирлаштирсак, йил ўн

Bobulhadid (“Temir darvoza”), mo‘g‘ulcha Qahlug‘ (“Boburnoma”da) yoki Temir Qahlaqa (“Jome attavorix”da, xaalga(n) – “darvoza” so‘zining buzilgan shakli), o‘rta asrlarda turkiyda Temir qapig‘ deb ham atalgan. Bir vaqtlar bu dara temir darvoza bilan to‘silgan degan afsona ham bor. Hindiston bilan Samarqand orasidagi qadimgi karvon yo‘li ana shu daradan o‘tgan.

Burgansoy – Navoiy viloyati Xatirchi tumanidagi dara, shu nomdagi soy hosil qilgan. Ushbu soy Oqtog‘ning janubiy yonbag‘ridan 1600 m balandlikdagi Qorag‘achsoy nomi bilan boshlanadi. Uzunligi 23 km bo‘lgan soyni yuqori oqimida vodiysi tor, ko‘p joylarida chuqur tangilar orqali o‘tadi. Quyi oqimida vodiysi 500-800 m gacha kengayadi.

Boyqo‘ng‘irsoy – Jizzax viloyati G‘allaorol tumani hududida, Turkiston tog‘larining shimoliy yonbag‘ridagi dara. Daradan shu nomdagi soy oqib o‘tadi. Uzunligi 20 km, kengligi 100-200 metr, soy oqadigan o‘zanning eni 2-5 m.

Ilonsoy darasi – Zarafshon tizmasining shimoliy yon bag‘rida Samarqanddan 15-16 km janubda ilonsoy hosil qilgan tangi. Ilonsoy darasi miloddan avvalgi 1 ming yillikning 2 yarmi, milodiy 1 ming yillikka tegishli qoyatosh rasmlari bilan ham mashhur.

Ispaysoy tangisi – Toshkent viloyati Bo‘stonliq tumanidagi dara. Piskom daryosining chap irmog‘i bo‘lgan Ispaysoy hosil qilgan. Tangining kengligi 15-40 m.

Oltinsoy darasi – Navoiy viloyatidagi dara. Oltinsoy yuqori oqimida Langarsoy nomi bilan janubi-sharqqa oqadi. Chilosh qishlog‘i yaqinida Maydonsoy bilan birlashib, Kattasoyni hosil qiladi. Bosh qismida tor daradan oqadi. O‘rta va quyi oqimlarida 4 ta ko‘hna qayiri bor.

Ohangaron darasi – Toshkent viloyatidagi Ohangaron daryosi hosil qilgan dara. Chovlisoy quyilgan yerdan Turk qishlog‘iga qadar Ohangaron daryosi Ohangaron platosini kesib o‘tib tor darani hosil qiladi.

Oqsuvdaryo darasi – Oqsuvdaryo hosil qilgan tangi. Kengligi 40-60 m, devorlarining balandligi aksari hollarda 190-200 m yetadigan darani mutaxassislar (A.Mamatov va b.) AQSh dagi Grand Kanyonning O‘rta Osiyodagi andozasi sifatida qarashadi.

Pasttog‘ darasi – Jizzax viloyati Forish tumani markazidan 12-15 km shimolda joylashgan tangi. Ushbu tangida X asrda Nurota tog‘idan oqib chiqadigan Osmonsoy va Ilonchisoy sel suvlarini jamlash va yozda ekinlarni sug‘orish maqsadida Xonbandi suv ombori qurilgan.

Zarautsoy darasi – Hisor tizmasining janubi-g‘arbida, Termizdan 100-110 km shimoli-garbdagi, Ko‘hitang tog‘ining sharqiy yonbag‘ridagi dara. Ushbu daraning ungriv va kamar toshlariga ishlangan ibtidoiy san‘atning nodir namunalari O‘zbekiston hududidagi eng qadimiy qoyatosh rasmlari hisoblanadi.

Bunday tangilarni yana ko‘plab daryolar – Ko‘ksuv, Piskom, G‘uzordaryo, Sheroboddaryo havzalarida uchratish mumkin.

Yuqoridagi tangilarni kelajakda turizmni rivojlantirish mumkin bo‘lgan ekoturistik ob‘ekt sifatida qarash lozim. Tangilarning bir vaqtning o‘zida quyidagi xususiyatlarni birlashtirishi ularning ekoturistik ahamiyatini yanada oshiradi:

- tangilarning o‘zi, ya‘ni tik tushgan tor vodiylar landshafti. Yilning istalgan faslida ham o‘zgarmagan holati;

- tangilarning baland devorlarida tarix sir-asrorlarining jamlaganligi. Ya'ni ming yillar ilgari yurtimizda yashagan ibtidoiy odamlar qoldirgan tasvirlar, qoyatosh rasmlari;

- tangi vodiysining barcha fasllardagi umumiy manzarasi (landshafti). Buni tangi landshaftini o'zgaruvchanligi bilan tavsiflash o'rinli. Soy yoki daryo bir tekis oqmay meandra hosil qilishi, vodiydagi yakka holda o'sgan daraxtlar, osilib qolgan qoyalar, mavsumiy o'zgarishlar tangining go'zalligi.

Yuqoridagi xususiyatlar daryo tangilariga yangi yo'nalishlar asosida ekoturizm tashkil etishning zarur ekanligini ko'rsatadi. Tabiat in'om etgan ushbu ekoturistik resurslar – daryo tangilari mamlakatimizda ekoturizmning rivojlanishida muhim o'rin tutishiga ishonchimiz komil.

ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ошди, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт таркиби ва географиясининг кенгайишига эришилди.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш» [2] каби вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ривожланишининг иқтисодий-географик омилларини бозор муносабатларига ўтиш шароитида тизимли ва мажмуали тадқиқ қилиш ҳамда унинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш борасида илмий изланишлар муҳим аҳамият касб этади [3].

2017 йил Инвестиция дастури доирасида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимида республика Ҳукумати қафолати остида 13 та лойиҳа бўйича ишлар амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, мазкур лойиҳалар доирасида йил давомида режалаштирилган 181,5 млн. доллар ўрнига амалда 198,8 млн. доллар инвестиция маблағлари ўзлаштирилди ва прогноз кўрсаткичлар 109,5 фоизга бажарилган. “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури” бўйича 2017 йилда жами 455,0 млрд сўмлик (2016 йилда 428 млрд сўм) бюджет маблағлари тўлиқ ўзлаштирилди ва кенг миқёсда мелиорация тадбирлари амалга оширилди.

Жаҳонда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳамда мамлакатларaro интеграция шароитида республикада қисқа вақт ичида қишлоқ хўжалиги тармоғини янги инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш зарур. Бу йўл орқали замонавий техник-технологик асосида қишлоқнинг мавқеини ошириш имконияти пайдо бўлади. Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтиши ҳозирги вақтдаги устувор вазифалардан бири сифатида баҳоланиб келинмоқда. Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон аграр секторида инновациялар ҳажми жами ялпи ички маҳсулот ҳажмида 1-2 фоизни ташкил этади, қишлоқ инфратузилмаси тармоғида эса бу кўрсаткич ундан ҳам кам, ваҳоланки ушбу кўрсаткич бошқа ривожланган мамлакатларда 50-60 фоиздан кўпроқни ташкил этади [4].

Аграр соҳани ислоҳ қилиш жараёнида юзага келадиган қатор муаммолар қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишида инновацион технологиялардан унумли фойдаланиш асосий мақсад вазифалардан ҳисобланади. Аграр муносабатларни жадаллаштириш, жамият иқтисодий муносабатлар тизимининг ажралмас, муҳим таркибий қисми бўлиб, тармоқда инновацион технологиялар – қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янгича усулда қайта ишлаш, сақлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш борасида юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатларни шакллантириб, асосий ишлаб чиқариш воситаси сифатида ер ва бошқа воситаларга бўлган мулкчилик муносабатлари, аграр муносабатларнинг ҳуқуқий-ижтимоий муносабатлари яратилади.

келмайдиган меҳнат ресурсларини қайта тайёрлаш малакасини ошириш ва касбга йуналтириш чораларини кўриш;

- меҳнат ресурслари ривожланишини бугунги кун талабига мутоносиб ҳолда миқдор ва сифат кўрсаткичлари билан таъминлаш, шунингдек, меҳнат ресурслари ва иш жойларини ҳисобга олишнинг самарали тизимини яратиш ҳамда аҳолининг оқилона бандлигини шакллантириш тадбирларини амалга ошириш;

- иқтисодиётнинг малакали ишчи кучига бўлган талабини қондириш мақсадида меҳнат ресурсларини ривожланган чет давлатларга юбориб ўқиб ва ишлаб, тажриба олмашиб келишларини таъминлайдиган имкониятларни турли тармоқлар бўйича янада ривожлантириш ва кенгайтириш;

- меҳнат ресурсларини минтақалар, туманлар, корхоналар ва соҳалар шунингдек, шаҳар ва қишлоқ ўртасида оқилона тақсимлаш ва қайта тақсимлаш ишларини режали олиб бориш ва такомиллаштириш;

- меҳнат ресурсларини бир жойда узок давр давомида меҳнат қилишини таъминлаш учун кадрлар қўнимсизлигини камайтириш ва барқарор меҳнат жамоаларини яратиш, бунинг учун меҳнаткашларга яхши шарт-шароитлар ва зарур имкониятлар учун йул очиш ва бошқалар.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Файзуллаев М.А.*

Қарши давлат университети

Қишлоқ хўжалигида ислохотларни амалга ошириш жараёнида асосий эътибор инновацион фаолликни оширишга қаратилмоқда. Ҳозирги вақтда инновациялардан фойдаланиш асосида жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг янги намунаси шаклланмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётининг барча соҳаларида, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида инновацион жараёнларнинг фаоллашуви таъминланиши зарур.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тармоғининг барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан инновацион фаолиятнинг самарадорлигига боғлиқ. Инновацияларни ўзлаштириш натижасида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш базаси технологик, техник ва ташкилий-иқтисодий жиҳатдан янгиланиб боради. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига интеграциясини кучайтиради.

Мустақиллик йилларида республика қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини жорий этишда туб ислохотларни амалга оширишни тақозо этди. Жумладан, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, мулкдорлар синфини шакллантириш ҳамда уларнинг мустақиллигини таъминлаш бўйича босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги экин майдонларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни иқтисодий рағбатлантириш механизмларини жорий этиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Натижада суғориладиган

* Файзуллаев М.А. - Қарши давлат Университети География кафедраси катта ўқитувчиси, ф.ф.д. (PhD)

II ШЎЪБА. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИЯ ВА ДЕМОГРАФИЯ МУАММОЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ТРАНСПОРТ-ГЕОГРАФИК ЎРНИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Қаюмов А.А., Усманов З.К.

Ўзбекистон Миллий университети

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиёнинг қок ўртасида жойлашган бўлиб, ушбу геосиёсий омил бўйича бошқа қўшни давлатлардан ажралиб туради. Ўзбекистон Марказий Осиё доирасида бошқа мамлакатларни ўзаро боғлаб, жамлаб турибгина қолмасдан, уларнинг ягона минтақа доирасида мустақкам бўлишини таъминлаб турибди. Бунда географик, тарихий, демографик, иқтисодий омилларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир. Ўзбекистоннинг минтақадаги транспорт-географик аҳамияти умуман бетакрордир.

Айнан юқорида келтирилган ҳолатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш кўп жиҳатдан транспорт инфратузилмасини талаб даражасида такомиллаштириш ва замонавий логистика тизимини шакллантиришга боғлиқ бўлмоқда. Ўзбекистоннинг Осиё ва Европа ўртасидаги транспорт коридорлари марказида жойлашганлиги, катта транзит салоҳиятга эга эканлиги миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва жаҳон иқтисодиётида муваффақиятли интеграллашувини таъминлашнинг асоси бўлиб хизмат қилади¹². Бундан ташқари, республикамызнинг аънавий маъмурий ташкиллашуви ва геосиёсий ҳолати, табиий ресурслар, ишлаб чиқариш шароитларининг турли хиллиги, улар ва минтақалар ўртасидаги муганосибликни таъминлаш зарурияти мамлакатимиз ва минтақалар даражасида маҳсулот оқимини таъминловчи транспорт-логистика тизимини шакллантиришни тақозо этмоқда. Айнан, шу жиҳатдан транспорт-коммуникацион инфратузилмани ривожлантириш, транспорт-логистика тизимини шакллантириш мамлакатимиз ҳукумати томонидан иқтисодиётни модернизациялаш ва ривожлантиришнинг стратегик йўналиши сифатида белгиланган¹³.

Хорижий мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатнинг транспорт-логистика тизими ва унинг йирик транспорт тугунлари шаклланишида географик ўрни, истеъмолчилар талабининг концентрацияси¹⁴, минтақаларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, иқтисодиёт таркиби ва ҳажми, юк оқимларининг интенсивлиги ҳал қилувчи

¹² Абдуназарова Г. На виражах транзита. Журнал «Экономическое обозрение», 2007г., №6, С.28.

¹³ www.xs.uz. Критический анализ, жесткая дисциплина и персональная ответственность должны стать повседневной нормой в деятельности каждого руководителя. Доклад Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на расширенном заседании Кабинета Министров, посвященном итогам социально-экономического развития страны в 2016 году и важнейшим приоритетным направлениям экономической программы на 2017 год.

¹⁴ Ван Дер Мей Н.Ю., Малевич Ю.В., Задачи и перспективы развития логистической системы Санкт-Петербурга//Современные проблемы транспортного комплекса России. Выпуск № 4 / 2013, - С.39-40.

аҳамият касб этади¹⁵. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, хорижий давлатларда мамлакат ва минтақалар иқтисодийнинг ўсишида транспорт ва логистиканинг ўрни бекиёс эканлиги ҳақида анча барвақт англаб етилган, бу нарса эса хорижий мамлакатларда транспорт-логистика тизимининг шаклланишига шароит яратди.

Ривожланган мамлактларда транспорт-логистика тизимининг шалланиши, бир-нечта шартларнинг таъсири натижасида муайян иқтисодий эҳтиёжлардан келиб чиққан. Хусусан, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси, мамлакатнинг ташқи ва ички бозорларда ихтисослашуви ва кооперациялашуви, технологик ривожланиш даражаси, бозор муносабатларининг тавсифи ва даражасини киритиш мумкин ва улар ушбу мамлакатдаги транспорт-логистика тизимининг шаклланишининг усуллари, шакллари ва механизмларига ўз таъсирини кўрсатади.¹⁶

Германиянинг ТЛТ шаклланишининг ҳудудий жиҳатларини ўрганиш натижаси шуни кўрсатмоқдаки, минтақавий ТЛТлар асосан йирик ва ўрта шаҳарлар, шунингдек шаҳарлар агломерациялари транспорт тизими асосида шаклланимоқда (яқин жойлашган аҳоли пунктлари ва шаҳар атрофи билан интеграллашган метрополилар, мегаполисларда). У ёки бу ривожланиш босқичида бўлган минтақавий ТЛТларни, ҳар қандай йирик шаҳарда топиш мумкин. Юқори даражада ривожланган минтақавий ТЛТлар юк ва йўловчи ташишда нафақат маҳаллий эҳтиёжга бўлган эҳтиёжларни балки, шаҳарлараро, минтақавий ва ҳаттоки халқаро ташувларга бўлган эҳтиёжларни ҳам қондиради¹⁷.

Ўзбекистонда ТЛТларнинг ривожланишига айрим минтақалар иқтисодий ривожланиш даражаси ва географик жойлашуви бевосита таъсир кўрсатмоқда. Агар 2000 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, аниқроғи жон бошига тўғри келувчи аҳоли даромадлари бўйича Навоий, Тошкент, Бухоро, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри етакчилик қилган бўлса, 2015 йилга келиб бундай юқори кўрсаткичларга фақат Тошкент шаҳри, Навоий ва Тошкент вилоятлари эриша олди.

Ушбу минтақалар қулай транспорт-географик ўрни, юқори демографик салоҳияти, саноатнинг шаклланиш таркиби ва йирик агломерацион тузилмалар мавжудлиги ҳисобига нисбатан юқори даромадга эгаси бўлишига олиб келди. Ундан ташқари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятлари Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларининг кўп қисми амалга ошириладиган ўзига хос дарвозаси эканлиги ушбу минтақаларда ТЛТларнинг жадал ривожланишининг асосий шарт-шароитлари эканлигини таъкидлаш жоиз.

¹⁵Тимофеева Е.Ю., Пимоненко М.М. Международные исследовательские проекты в транспортной логистике//Транспорт Российской Федерации. Журнал о науке, практике, экономике. Выпуск № 1 (20) / 2009, - С.51.

¹⁶Старкова Н.О., Рзун И.Г., Успенский А.В., Исследование зарубежного опыта формирования логистических систем//Научный журнал КубГАУ, №99 (05), 2014.- С.10.

¹⁷Смирнов И.Г. Процессы транспортно-логистической кластеризации в Европейском Союзе и Украина: региональный аспект. // Псковский региональный журнал, № 15 / 2013 г., С.70.

кучини англатувчи меҳнат ресурслари категориясини киритиш заруриятини келтириб чиқарди.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларни, шу жумладан моддий неъматлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ўта муҳим вазифаларни бажаради. Ана шу жараёни амалга ошириш мобайнида табиат билан жамият, аҳоли билан атроф муҳит, меҳнат ресурслари билан ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳалари ўртасидаги объектив тарзда қатор иқтисодий, ижтимоий, демографик ва географик муаммолар вужудга келадики, уларни тадқиқ этиш илмий ва амалий жиҳатдан долзарб аҳамият касб этади.

Аҳоли ва меҳнат ресурслари ҳаракати муаммоларининг долзарблиги мамлакатдаги демографик ва иқтисодий вазиятнинг ўзгариши билан белгиланади. Меҳнатга лаёқатли ёшдаги иқтисодий фаол аҳолининг катта қисми моддий неъматлар ишлаб чиқаришда, қолгани эса хизмат кўрсатувчи соҳаларда банддир. Кишилар ишлаб чиқариш кучлари, моддий неъматларнинг яратувчиларигина бўлиб қолмасдан, балки унинг истеъмолчилари ҳамдир. Ҳар қандай жамиятдаги халқ хўжалигининг у ёки бу соҳасида белгиланган ҳажмдаги ишларни бажариш учун етарли иш жойларига эга бўлиши, ижтимоий меҳнатни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишни ҳисобга олиши натижасида ўз ижтимоий эҳтиёжларини қондиради.

Меҳнат ресурсларини ривожлантириш, меҳнатга тайёрлаш, иш билан таъминлаш, моддий ва номоддий соҳаларда, уй, томорқа хўжалигидаги меҳнат фаолиятини юргизиш, уларни қайта тақсимлаш, қайта тайёрлаш, маҳоратини ошириш, унинг сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Бу билан меҳнат ресурсларини жаҳон талаблари даражасига мос келадиган ва мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга жавоб берадиган юқори малакали кадрлар этиб тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жамиятдаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Аҳоли ва меҳнат ресурсларининг сонининг ўзгариши унинг кўпайиши ва камайиши ҳамда ҳудудлар ўртасидаги тақсимланиши миграция натижасида юз беради. Иқтисодий, сиёсий, табиий, этник ва бошқада омилларга боғлиқ ҳолда ўзгарувчан мураккаб ижтимоий жараён ҳисобланган миграция аҳоли турмуш тарзининг жуда кўп қирраларига катта таъсир кўрсатади.

Ҳар қандай жамиятнинг илдам ривожланиши ва жаҳон миқёсидан жой олиши учун ундаги мавжуд меҳнат ресурсларининг миқдор ва сифатига алоҳида эътибор бериледи. Ҳарбир минтақада ҳар йили қанчадан-қанча ёшлар меҳнатга лаёқатли ёшга етади. Мазкур вазият уларга алоҳида эътибор ҳамда моддий ва маънавий ёрдамлар берилиб, имкон қадар иш жойлари билан таъминланса, албатта ушбу минтақадаги меҳнат ресурсларининг сифати анча яхши томонга ўзгаради.

Хулоса ўрнида куйидагиларга эътибор қаратиш лозим:

- меҳнат ресурсларини шакллантириш, тақсимлаш ва фойдаланишни уларнинг минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш ва ҳозирги замон талабига жавоб бера олмайдиган ва ихтисослиги туғри

bo'lgan turoperatorlik firmalarida xorijlik va mahalliy mehmonlar talabiga javob beradigan barcha shart-sharoit yaratilgan.

Yuqori Uxum qishlog'ida "Guest house" uy-mehmonxonasi yaqin yillardan boshlab mahalliy va xorijiy sayyohlarga xizmat ko'rsatishni yo'lga qo'ygan bo'lsa, Asraf va Ko'hna Forish qishloqlarida ham barcha qulayliklarga ega bo'lgan 9 ta shunday uy-mehmonxonalari faoliyat yuritmoqda. Ularda hudud tabiati bilan tanishish maqsadida kelgan mahalliy va xorijiy sayyohlarga xizmat ko'rsatish uchun barcha qulayliklar mavjud bo'lib, bu uy-mehmonxonalari sayyohlar bilan gavjum.

Qizilqum cho'li va Nurota tog' tizmalari oralig'ida joylashgan Aydar-Arnasoy ko'llar tizimi yurtimiz hayvonat va nabodot olamining noyob turlarini saqlab kelayotgan tabiiy hududlardan biri sifatida ekoturizm manzillari ro'yxatida alohida o'rin tutadi.

Ko'l sohilida, Forish tumani Qizilqum qishlog'ida qurib bitkazilgan 20 o'rinli kempingda sayyohlarga xizmat ko'rsatish yo'lga qo'yilgani hududda ekoturizmni rivojlantirishdagi muhim ishlardan biri bo'ldi. Kempinglar yonida yana shuncha sayyoh dam olishiga mo'ljallangan o'tov-mehmonxonalar ishlab turibdi. Ushbu sayyohlik maskanlarida dam olib, Qizilqumning o'ziga xos tabiati bilan tanishish, ov bilan shug'ullanish uchun barcha sharoit yaratilgan.

"Oxus traver" mas'uliyati cheklangan jamiyati tomonidan barpo etilgan 1250 gektarlik, «Egizbuloq» qishloq fuqarolar yig'ini hududidagi "Jizzaxtog'konkimyo" mas'uliyati cheklangan jamiyatiga qarashli 573 gektarlik dam olish maskanlarida ham sayyohlar va ov ishqibozlari uchun barcha qulaylik yaratilgan.

Bu ishlarni hududda ekoturizmni rivojlantirish borasidagi dastlabki qadamlar, deyish mumkin. Tadbirkorlar mamlakatimizning yetakchi turoperatorlari, davlat va jamoat tashkilotlari bilan hamkorlikda mazkur sohani rivojlantirish bo'yicha keng ko'lamli loyihalar ustida ish olib bormoqda. Loyihalarda turistik manzillarni kengaytirish, sayyohlarga xizmat ko'rsatishni tashkil etishdan tortib atrof-muhitni muhofaza qilishgacha qamrab olinayotir. Loyihalar doirasida seminar o'tkazilib, gidlar, uy-mehmonxonalar sohiblarining o'qishlari tashkil etilmoqda.

Ekosayyohlik nafaqat tabiat qo'ynida sayr qilish, ayni paytda mahalliy aholi, uning turmush tarzi bilan tanishish imkoniyati hamdir. Binobarin, bu yo'nalishdagi loyihalar orasida tabiatni muhofaza qilish, mahalliy aholi turmushi, urf-odat va an'analarini, xalq og'zaki ijodi namunalari o'rganish, sog'lom turmush tarzini targ'ib qilish asosiy maqsad sifatida amalga oshirilmoqda. Aholi faol ishtirok etayotgan bu ishlarning muhim jihati – joylarda aholini doimiy daromad manbai bilan ta'minlashga xizmat qilayotganidir.

Viloyatda kelgusida ekoturizmni rivojlantirish uchun ko'plab "ekoturistik" loyihalarni hududlarda jalb etish aniq maqsad qilib olingan.

МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИ СИФАТ ДАРАЖАСИГА ИЛМИЙ ЁНДАШИШ

Утепова Г.Б., Юлдашева Д.К.

Нукус давлат педагогика институти

Аҳолининг табиий ҳаракати ва табиий такрор барпо этилишини ўрганиш асосида, илму-фан илмий истеъмолга эга, янги иқтисодий категорияни, яъни микдорий ва демографик жиҳатдан шаклланган салоҳиятли ва амалдаги ишчи

Табиий ресурсларга бой эканлиги ва шу асосда тоғ-кон ва оғир саноатнинг ривожланганлиги Навоий вилоятида ТЛТ ривожланишини белгилаб берди.



1-расм. Ўзбекистоннинг транспорт-логистика марказлари географияси.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистоннинг транспорт-транзит салоҳияти жуда юқори бўлган мамлакатлар каторига киради ва ТЛТларни шакллантириш ва самарали ривожлантириш учун барча шарт-шароитларга эга. Шунга ўхшаш имконият Марказий Осиёнинг барча мамлакатларида мавжуд эканлигини алоҳида қайд этиш зарур. Шу ўринда, Марказий Осиё мамлакатлари нафақат географик жиҳатдан ягона ҳудуд ҳисобланади, балки уларнинг иқтисодий тарихи, маданияти ва сиёсий ривожланиши ҳам бир бўлиб, айнан шу жиҳатдан улар олдида самарали иқтисодий тизимларга трансформацияланиш вазифаси кўндаланг турибди. Айнан ушбу масалаларни амалга оширишда, долзарб муаммолардан бири бўлган, жаҳон маҳсулот ва хизматлар бозоридан ажратиб турувчи "иқтисодий масофа" муаммосини бартараф этиш вазифаси долзарб аҳамиятга эга. Бундай "иқтисодий масофа" ўз ичига юкни бирор-бир ташқи бозорга етказишда сарфланадиган вақт ва моддий харажатлар йиғиндисидан иборат бўлиб, маҳсулотлар ҳаракати йўлини оптималлаштириш ва харажатларни камайтириш, шунингдек таъминловнинг самарали тизимини шакллантириш минтақалардаги барча мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишида ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлмоқда.¹⁸ Бундай "иқтисодий масофа"нинг бартараф этилиши Хитойда давом этаётган иқтисодий ўсишнинг Марказий Осиё бўйлаб кенг "ёйилишига"¹⁹ олиб келиши ва ушбу минтақада иқтисодий ўсиш сурьатларининг янада тезлашувига олиб келиши мумкин.

¹⁸www.myuniversity.ru

¹⁹Новый взгляд на экономическую географию. Доклад о мировом развитии 2009 год. Всемирный Банк. С.11

ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНА Фойдаланишнинг Иқтисодий Географик жиҳатлари

Ахунбобоев М.М., Хидиралиев К.Э., Пайзиева М.У.

Гулистон давлат университети

Ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосида инсон манфаатлари, унинг турмуш шароитини фаровонлаштириш масаласи ётади. Бу эса бевосита ва билвосита у яшаётган муҳитнинг мусоффолигига, у ердаги табиий ресурсларнинг сифат ва миқдор ҳолатига, мазкур ҳудуддаги ишлаб чиқариш кучларининг жойлашув характериға боғлиқдир. Шу билан бир қаторда мазкур табиат инъом этган табиий ресурслардан фойдаланишнинг инновацион механизмларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш давр талабидир.

Агар тарихан эътибор бериладиган бўлса, табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро таъсир инсон пайдо бўлиши даври билан боғлиқдир. Меҳнат жараёни ва меҳнат муносабатларининг пайдо бўлиши билан жамиятнинг ўзаро таъсир характери тезда ўзгарди. Жамиятнинг табиат билан ўзаро таъсири натижасида, моддаларнинг ижтимоий-иқтисодий алмашинувини таъминлаш учун қатор маҳсус тизимларни инсон яратган: забт этувчи, қайта ишловчи, ажратувчи, ташувчи, қайсики жамиятнинг барча тузумларида ҳам ўз хусусиятини сақлаб келмоқда (Ҳақимов, 2007).

Забт этувчи тизим тоғ-кон корхоналарини, тирик табиат маҳсулотларини терувчи ва ов қилувчи корхона ҳамда ташкилотларни, ҳаво ва сувни тутувчи қурилмалар, қишлоқ хўжалик корхоналарини ўз ичига олади. Забт этувчи тизим табиатдан модда ва энергияни ундириб олиб, ташиш учун қулай ҳолатга келтиради.

Қайта ишловчи тизим барча қайта ишловчи ва кимё саноати турларини, ҳаво ва сувдан фойдаланишдан олдин тозаловчи корхона ва қурилмаларни ўз ичига олади. Ушбу тизимнинг асосий вазифаси-забт этилган модда ва энергиядан жамиятнинг фойдаланиши учун имкон яратишдир.

Ажратувчи тизим турли шомоллаштирувчи ва канализация қурилмалари, тозаловчи иншоотлар, маҳсус хўжалик, чиқинди ва бошқа элементларни ўзида мужассамлаштиради. Бу тизимнинг асосий белгиси-жамият ва муҳитга ҳамда унинг ҳаётига ўзлаштирилмаган модда ва энергияларнинг зарарли таъсирини бартараф этиш. Истиқболда у қайта ишловчи тизим билан ягона мажмуа ҳосил қилиши мумкин.

Ташувчи тизим барча транспорт, хусусан сув, қувур транспорти моддаларни забт этилган жойидан қайта ишлаш ва ўзлаштириш жойига етказишни бирлаштиради. Ташиш мобайнида йўқотилишнинг қисқариши ва етказишнинг тезлашиши ташувчи тизимнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Моддаларнинг ижтимоий алмашинуви тизимини таҳлил қилган вақтда ресурслар миграцияси (атмосфера, сув, кўчириб юривчи организмлар) ва ҳаракатдаги ресурслар туфайли жамият учун кераксиз бўлган модда ва энергиянинг келиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозим.

“Ўзбекистон жуда бой табиий ресурсларга, катта иқтисодий салоҳиятга эга бўлган давлат. Юртимиз заминада олтин, қумуш, мис, уран, нефть, табиий

фармони бу бордаги ишлар самардорлигини yanada oshirishda muhim dasturilamal bo'lib xizmat qilmoqda.

Tadqiqotlarning so'ngi ma'lumotlariga ko'ra, ko'pgina turizmning turli tarmoqlari o'sishi yiliga o'rtacha 5% ga ortib borayotgan bo'lsa, ekoturizmning korsatkichi esa 20-30% dan oshmoqda. Ko'pgina mutaxassis va tadqiqotchilarning ilmiy tajriba va xulosalari shuni ko'rsatmoqdaki, ekoturizm turizmning yangi yosh yonalishi bo'lishiga qaramasdan, ommalashuvi boshqa turistik yo'nalishlarga nisbatan 2-3 barobar jadal kechmoqda. Shuning uchun ham viloyatda ekoturizmni rivojlantirishga qaratilgan ko'plab ishlar amalga oshirilmogda.

“Ekoturizm jahon miqiyosida sayyohlikning eng jozibador turiga aylanib borayotir” – deydi O'zbekiston Respublikasi Turizmni rivojlantirish davlat qo'mitasining Jizzax viloyatidagi vakili b.f.n. L.Sanayeve

Ekosayyohlar oqimining ko'payishi qishloq hududlari aholisi farovonligini oshirishda ham muhim ahamiyat kasb etadi. Aynan shu jihat hisobga olinib, viloyatda 2017-2021 yillarda turizmni rivojlantirish dasturida zamonaviy ekoturizm infratuzilmasini yaratishga alohida e'tibor qaratilgan. Ushbu dastur asosida joriy yilning birinchi yarmida viloyatda 2 ta yangi mehmonxona, 2 ta dam olish va davolanish sanatoriyasi, 10 dan ortiq uy-mehmonxonalar ishga tushirildi. Yangi turistik yo'nalishlar ochilmogda.

So'ngi yillarda yurtimizda mahalliy va xorijiy turistlar oqimining tobora ortib borishiga sabab bo'layotgan “Toshkent-Zomin-Toshkent” va “Toshkent-Aydarko'l-Toshkent” marshrutlari Jizzax viloyati hududida joylashganligi viloyatning turizm aniqrog'i ekoturizmdagi salohiyati istiqbolli ekanligidan dalolat beradi.

Boy nabotot va hayvonot dunyosi, xushmanzara archazor tog'lari bilan mashhur Zomin tumaniga xorijlik sayyohlarning qiziqishi katta. Turkiston tog' tizmalari bag'ridagi noyob ekotizimga ega bo'lgan «Zomin» xalq parki, «Zomin» qo'riqxonasi, Zomin davlat o'rmon xo'jaligi hududida yovvoyi o'simliklarning 700 dan ziyod turi, kam uchraydigan va noyob yovvoyi hayvonlarning 150 turi mavjud. O'riklisoy sharsharasi, 1000 yoshli Boboyong'oq kabi tabiat yodgorliklari nafaqat mahalliy, balki xorijlik sayyohlarda ham katta qiziqish uyg'otmogda.

Qadimiy tarixiy manbalarda tilga olingan Zominda xalqimizning uzoq o'tmishi bilan bog'liq ko'plab yodgorliklar saqlanib qolgan. Tumanda sayyohlarga qulaylik yaratish maqsadida yangi inshootlar, xizmat ko'rsatish tarmoqlari barpo etish, ijtimoiy infratuzilmani rivojlantirishga alohida e'tibor qaratilmogda. Joriy yilda Zomin dam olish zonasida 370 va 160 o'rinli 2 ta yangi sanatoriya qurilib, ishga tushirildi. Hududdagi O'riklisoy, Hulkar, Usmonlisoy, Peshag'or qishloqlarida sayyohlar uchun uy-mehmonxonalar faoliyat yuritmogda. Yaqinda tumanda yana ikkita shunday uy-mehmonxona faoliyat boshladi.

Forish tumanining musaffo tog' suvi, yam-yashil bog'lari, ekologik toza mevalari sayyohlarni o'ziga rom etmogda. Uyda tayyorlanayotgan tandir non, qatiq, ayron, qimiz, saryog' kabi hududga xos milliy mahsulotlar xorijliklarga manzur bo'layotir.

Tumanda o'ndan ziyod uy-mehmonxonalari sayyohlar xizmatida b'lib, joriy yilda yana ikkita shunday mehmonxona ishga tushirildi. Tegishli sertifikatga ega

известить в год, поэтому целесообразно на базе Актауского месторождения построить крупный завод по производству известняков мощностью 200 тыс. тонн в год. Строительство двух таких предприятий обеспечит потребности региона с учетом перспектив развития территориально производственного комплекса Республики Каракалпакстан в ближайшие годы. Таким образом, промышленное освоение минерально-сырьевых ресурсов, и на этой основе развитие строительной индустрии должно предшествовать всем мероприятиям по развитию производительных сил региона.

Район также богат ресурсами для создания центров бальнеологической индустрии. В этом отношении уместно высказать пару слов о производственных достижениях государства Израиль. Им принадлежат маленький кусочек Мертвого озера и успешно осваивает его бальнеологического сырья. Изготовленные средства экспортируются на промышленно развитых стран Европы для лечения производственные травмы рабочих. В Каракалпакстане производственные запасы бальнеологического сырья очень огромна, может исчисляться сотнями миллионов и даже миллиардов тонн. Поэтому изучение запасов бальнеологического сырья и промышленное освоение было бы целесообразно хотя бы для обеспечения собственных нужд, и отчасти его вывозить на экспорт. В связи с этим, хочется отметить, что по утверждению отдельных ученых и по закономерностям залегания и распространения полезных ископаемых Каракалпакская часть Устюрта и высохшего дна Аральского моря относится частью Энбиско-Каспийского прогиба, а Кизилкумские останцы возвышенности является продолжением Урало-Мугаджарских поднятий. Все это обнадеживает о наличии огромных запасов минерально-сырьевых и топливно-энергетических ресурсов в Каракалпакстане.

В заключительной части особое внимание уделяется устойчивому развитию экономики регионов Республики Узбекистан, в частности Каракалпакстана подступах к странам Европейского континента.

JIZZAX VILOYATINING EKOTURIZM ISTIQBOLLARI

Usmanov Mashrab Rustamovich

Jizzax davlat pedagogika instituti

So'ngi yillarda Jizzax viloyatida ham turizm, ayniqsa, ekoturizmni rivojlantirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. 2016 yili viloyatga 23 mingdan ortiq mahalliy va 4 mingdan ziyod xorijlik sayyohlar tashrif buyurgan. Joriy yilning birinchi yarmida xorijlik sayyohlar soni 3.5 mingdan oshdi. Ularning aksariyati tabiat ishqibozlari – ekoturistlardir.

Ekoturizm boshqa sohalardan farqli o'laroq, katta xarajat talab etmaydigan, ammo yaxshi daromad keltiradigan biznes ekani ma'lum. Biznesning bu turini rivojlantirishda Turkiston tog' tizmalari bag'rida joylashgan Zomin, Baxmal, Forish, G'allaorol tumanlari, Aydar-Arnasoy ko'llar tizimi hududida keng imkoniyatlar mavjud.

Prezidentimizning 2016 yil 2 dekabrda «O'zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta'minlash chora-tadbirlari to'g'risida» gi

газ, кўмир каби табиий қазилма бойликларнинг катта захиралари мавжуд. Ҳамма гап ана шу бебаҳо бойликни халқимиз манфаати йўлида оқилона ва самарали ишлата олишда. Бу масалада биз орқада қолмоқдамиз. Масалан, 2017 йилда юртимизда газ ишлаб чиқариш ҳажми 56,5 миллиард куб метрни ташкил этди. Аммо мазкур соҳа йиллар давомида модернизация қилинмагани туфайли йўқотиш миқдори жуда ката-20-23 фоизни ташкил этмоқда. Бу бойликнинг катта қисми бекордан-бекорга исроф бўлаётгани албатта барчамизни ўйлантириши, ташвишга солиши керак» (Мирзиёев, 2017).

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида турли хил табиий ресурсларнинг ҳўжалик ишлаб чиқаришига жалб этилиши, кўпларининг захираси камайиш йўналишига ўтган шароитда атроф табиий муҳит муҳофазасининг иқтисодий ва ижтимоий географик жиҳатларининг аҳамияти янада ортмоқда. Бу ерда:

- ишлаб чиқаришни ҳар қандай ҳудуднинг ички имкониятларини ва сифатини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш;
- ҳудудда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш механизмларини такомиллаштириш ва йўлга қўйиш;
- табиий ресурслардан фойдаланишда инсон омилини биринчи ўринга қўйиш;
- замонавий ресурс тежамкор технологияларни ишлаб чиқаришга ўз вақтида жорий этиш;
- ишлаб чиқаришда фойдаланиб келинаётган технологияларни модернизациялаш;
- инсон саломатлиги учун хавф солувчи ва ишлаб чиқариш жараёнида узлуксиз ажралиб чиқаётган моддаларни ушлаб қолиш ва қайта ишлаш;
- табиий ресурсларни ташиш ва қайта ишлашда янги-замонавий инновацион лойиҳаларни жорий этиш ва ҳоказо.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, бугунги кунда бозор тамойиллари асосида (талаб ва таклиф, инвестицион фаолият, очик иқтисодиёт) ҳар бир ҳудуднинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш талаб этилади. Ҳудудлардаги табиий ресурсларни миқдор ва сифат даражасини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариш кучларини оқилона жойлаштириш асосида, аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг турмуш фаровонлигини таъминлаш мумкин. Ҳақиқатдан ҳам, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий географик асосида, замонавий ишлаб чиқариш кучлари ва уларни давр талаби асосида жойлаштириш масалалари ётади.

АҲОЛИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

Абдуллаев А.Г*., Жобборов О.Б*.

Урганч давлат университети

Озиқ-овқат билан таъминланганлик муаммоси ҳамда кишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш халқаро миқёсда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-

Ja'xon tajribasi shuni ku'rsatadiki, 2008 iyl dan keyin ja'xon daga mo'liy i' inkiroz ku'rsatkichlari va terrorizm havfining ushishiga qaramasdan fan-texnikaning rivojlanib, aholi turmush sharoitining yaxshilani boriishi bilan aholining turizm xizmatiga bu'lgan talabi oshib bormoqda va ushbu tarmaq ayrim rivojlangan davlatlar yilpi ichki ma'xsulotining aksariyat kismini tashkil etmoqda.

BMT ning Butunja'xon turistik tashkilotining (UNWTO) 2016 iylgi ma'lumotiga ku'ra ja'xon bu'ycha 1,2 mlrd dan ortik turist xalqaro safarda

ўрганиш билан 1960-йиллардан шаҳаршуносликда (Покшишевский В.1952, Саушкин Ю.1976) қўллана бошлади. Ҳозирги кунда инсон яшовчи муҳит сифатида ушбу тушунча оммавий тус олди. Шаҳар ландшафти -мураккаб тизим бўлиб, табиий компонентлар, инсон томонидан яратилган объектларнинг ўзаро уйғунлашувидан вужудга келган географик ареаллардир. У инсон томонидан кучли ўзгартирилган-маданийлашган ландшафт бўлиб, шаҳарнинг тарихан таркиб топиши билан ривожланиб боради.

Шаҳарнинг табиий-тарихий негизи унинг кейинги ривожланиши учун муҳим асос ҳисобланади. Табиий хусусиятлар-сейсмиклик, шамол йўналиши, ер ости сувлари, дарё ва эски ўзанлар, жарлик, ер қатламлари ҳолати, ўсимлик, тупроқ, рельеф, ва шу билан бир қаторда шаҳарнинг тарихий асоси-шаҳар қандай вазифани бажарган, қадимда қандай йўллар ўтган, қандай иншоот, обидалар бўлган ва бошқаларнинг пухта ўрганилмаслиги оқибатида маблағ беҳуда сарф бўлади, аҳоли яшаши учун турли ноқулайликлар келиб чиқади.

Шаҳар энг аввало аҳоли манзилгоҳи, яъни инсон яшовчи муҳит, кўп минглаб аҳоли мужассамлангани боис, аҳолининг яшаши, дам олиши, ўқиши ва ишлаши, даволаниши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун қулай бўлиши назарда тутилади.

Ҳозирги вақтда дунё аҳолисининг, шунингдек республикамиз аҳолисининг ҳам ярмидан ортиғи турли қиёфа ва катта-кичикликдаги шаҳарларда яшайди ҳамда у йилдан-йилга ортиб бормоқда. Урбанизация жараёнининг ривожланиб бориши улкан шаҳарларнинг шаклланиши, бу ерларда социал, транспорт, шовкин-сурон, атроф-муҳит ифлосланиши, криминоген муаммоларнинг вужудга келиши, унинг ”дезурбанизация”га ўхшаш салбий оқибатларини юзага келтирмоқдаки, ундан хулосалар чиқариб, келгусида шаҳар планировкасида ўзига хос услубларни яратиш талаб этилади. Масалан, кейинги йилларда шаҳар табиат билан уйғунлашган бўлишига одамларнинг талаблари юқори бўлмоқда. Шу боис, шаҳар архитектурасида табиат билан ҳамоҳанг бўлган мажмуалар, ландшафтлар шаклланимоқда-табиий каркас, экологик каркас ғоялари илгари сурилмоқда.

Инсон биологик мавжудот сифатида аввало психофизиологик хусусиятларга эга. Шаҳар ландшафти максимал даражада ушбу талабларга жавоб бериши лозим. Шаҳарсозлик концепцияларини ишлаб чиқишда аҳоли саломатлиги, маданияти, ахлоқи, дам олиши-инсон экологияси фанининг ютуқларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Инсон ўзининг юқори илмий салоҳияти, фан ютуқлари асосида барча эҳтиёжларга юксак даражада жавоб берадиган ҳар томонлама қулай шаҳар ландшафтини барпо этади. Олимларнинг фикрича ўз навбатида шаҳар ландшафти дизайни одамларни тарбиялар, ҳаётига, руҳиятига таъсир этар экан. Хилват жойлар, тунги кафе ва клублар криминоген вазиятларни вужудга келтиради, кўпқаватли бинолар миллий кадриятларни йўқотади, улкан шаҳарлар четидаги хароба уйлар шаҳар мавқеини пасайтиради, элит маҳалла ва кўчалар тенгсизликни келтириб, аҳолининг руҳиятига, ахлоқига таъсир этади. Чиройли манзаралар, хиёбон ва боғлар асабларни тинчлантиради.

2005	26021,3	1,1	1432,8	1,5	5,5
2006	26312,7	1,3	1453,9	1,6	5,5
2007	26663,8	1,5	1477,8	1,7	5,6
2008	27072,7	1,7	1504,2	1,8	5,6
2009	27533,4	1,7	1530,8	1,9	5,6
2010	28001,6	4,0	1561,6	2,3	5,5
2011	29123,4	1,5	1601,0	2,1	5,5
2012	29555,4	1,0	1629,1	1,0	5,5
2013	29993,5	1,1	1653,8	1,0	5,5
2014	30336,9	1,1	1699,8	2,7	5,6
2015	30909,9	1,8	1747,0	2,8	5,7
2016	31576,8	2,1	1776,8	1,7	5,6

Jadval O'zbekiston Respublikasi statistika qo'mitasi ma'lumotlari asosida tuzilgan

Aholi soni o'sib borish sur'atlarining nafaqat Quyi Amudaryo mintaqasida balki butun O'zbekiston miqyosida kamayib borishi birinchi navbatda tug'ilish ko'rsatkichlarining pasayishi bilan bog'liqdir. Tug'ilish ko'rsatkichlarining pasayishi 90-yillar avvalida boshlanib, hozirgi paytgacha davom etib kelmoqda.

Ushbu davrda Xorazm viloyatida tug'ilish darajasi - - 36,6 foizga (36,05 dan 22,84 promillegacha) kamayish tendensiyasini namoyon qildi.

Keyingi yillarda tug'ilish koeffitsienti respublikaning deyarli hamma viloyatlarida pasayib bordi. Ayollarning yoshlari bo'yicha tug'ilish ko'rsatkichlarini tahlil qilish shuni ko'rsatadiki, tug'ilish kattaroq yoshdagi ayollar guruhida barqaror pasayish tendensiyasiga ega bo'lmoqda. Tibbiyot sohasidagi olimlarning xulosasiga ko'ra ayollar uchun sog'lig'iga zarar qilmagan holda tug'ish uchun eng qulay davr 20-35 yoshlar orasi hisoblanadi. 2011 yildagi ko'rsatkichlarga ko'ra Xorazm viloyatida tug'ilishlarning asosiy qismi (70,8 foizi) ayollarning 20-30 yoshlariga to'g'ri kelmoqda. Eng asosiysi 20 yoshgacha bo'lgan davrda, ya'ni ayollarning organizmi tug'ish uchun hali to'liq shakllanmagan davrda tug'ilishlar soni kamayib ketgan.

Ma'lumki, mustaqillikning ilk yillarida O'zbekistonda yashayotgan ko'pgina millatlarning tarixiy vatanlariga qaytib ko'chib ketishi jarayoni kuchaya boshlagan edi. Mustaqillikning dastlabki yillarida ham bu jarayonning jadalligi natijasida aholining migratsiya harakatlari ko'rsatkichlari yuqori darajada saqlanib turdi. Yuqori migratsion jadallik butun respublika bo'yicha 1991-1994 yillar davomida yuz berib turdi. Bu davrda O'zbekistonga ko'chib keluvchilar ham, ko'chib ketuvchilar ham ko'p bo'lgan. Xorazm viloyatida ko'chib yurishlar eng yuqori bo'lgan davrlarda (1991-1993), bu jarayonda har yili 20-30 ming qatnashgan edi, keyingi yillarda ko'chib yuruvchilar soni 20 ming kishi atrofida bo'ldi.

Keyingi yillardagi aholining migratsiya xarakatlari mazmuni shuni ko'rsatadiki ko'chib yuruvchilar soni (ko'chib keluvchilar soni ham, ko'chib ketuvchilar soni ham) yildan yilga kamayib bordi.

КАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА МЕХНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИ

Бердикулова М.Т.*

Қарши давлат университети

Аҳоли - туғилиш ва ўлим жараёнларининг натижасида мавжуд бўлган авлодлар алмашуви йигиндисидир. Ҳар қандай минтақанинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари муайян даражада шу ҳудуд аҳолисининг табиий ва механик ҳаракатига ҳам боғлиқ бўлади. Ўтмишда янги ерларни босиб олган хукмрон давлатлар жон солиғи учун аҳоли рўйхатлари ўтказилгани маълум. Минтақаларни ривожлантириш стратегияларини ва дастурларини ишлаб чиқишда минтақада яшаб турган аҳолининг бугунги, яқин ҳамда узоқ истиқболдаги сони, таркиби ва ҳаракати асос бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, меҳнат ресурслари – аҳолининг меҳнатга қобилиятли қисми бўлиб, уларга иқтисодий фаол аҳоли билан бирга, ишламайдиган ва меҳнатга қобилиятли ёшдаги иш қидирмаётган, жумладан, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган меҳнатга қобилиятли шахслар ҳам киради. Иқтисодий фаол аҳоли (ишчи кучи) – аҳолининг товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун ишчи кучи таклифини таъминлайдиган қисми. Иқтисодий фаол аҳоли сони иш билан таъминланганларни ва ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни камраб олади. Меҳнат ресурслари меҳнат бозори орқали тақсимланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг IV. Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари босқичининг 4.1. Аҳолининг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириш бандида шундай фикрлар келтирилган: “янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало, ўрта махсус ва Олий ўқув юртлари битирувчиларининг оқилона бандлигини таъминлаш, меҳнат бозори инфраструктурасининг мутаносиблиги ва ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини қисқартириш масалаларини таъкидлаб ўтганлар.”²⁶

Қашқадарё вилояти ўзига хос демографик вазиятга эга бўлиб, у аҳоли таркибида ёшлар салмоғининг мунтазам ортиб бориши ва республика ўртacha кўрсаткичидан сезиларли даражада юқорилиги билан ажралиб туради. Бутун дунёда, шу жумладан, республикада кечаётган демографик жараёнлардаги ўзгаришлар бироз кечикиб бўлсада, воҳада ҳам кузатила бошлади. Туғилишнинг қисқариши 1980-йилларнинг охирида мунтазам камайиш даврига ўтади ва аҳоли таркибида ёшлар улуши нисбатан камайиб боради. Масалан, 1926 йилда меҳнатга лаёқатли ёшгача бўлганлар салмоғи 33,3% ни ташкил этган ҳолда 1959 ва 1979 йилларда 43,5% ва 48,9% га тўғри келди. Бу йилларда вилоятга кўчиб келувчилар оқимининг кўплиги жами аҳоли таркибидаги ёшлар салмоғининг кўпайишига сабаб бўлган. Аҳоли ёш таркибидаги бундай силжишлар, айниқса меҳнатга лаёқат ёшидагиларда аниқ намоён бўлади.

* Бердикулова Муҳайё Тоштемурова – Қарши ДУ География кафедраси ўқитувчиси.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги Ф-4849-сон Фармойиши. (Ўзбекистон Республикаси нонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 7-сон, 88-модда)

Janubiy Osiyo davlatlarida ishsizlik darajasi, (2015 yil hisobida)

№	Davlat	Ishchi kuchi miqdori, mln. kishi	Ishsizlik darajasi, %	Savodxonlik darajasi, %
1	Bangladesh	77,6	5,0	57
2	Butan	0,393	2,1	63
3	Mal'div	0,164	-	98
4	Nepal	15,1	46,0	60
5	Pokiston	65,6	6,6	55
6	Hindiston	481,2	10,1	63
7	Shri-Lanka	8,4	4,2	91

Iqtisodiy islohatlar olib borishda integratsion jarayonlarning ahamiyati katta. Shu maqsadda 1985 yil Janubiy Osiyo davlatlari mintaqaviy hamkorlik Assotsiatsiyasi – SAARK (South Asian Association for Regional Cooperation – SAARC) tashkil etilgan. 2007 yildan boshlab mintaqa davlatlaridan tashqari Afg'oniston ham mazkur tashkilot ishida faoliyat yuritib kelmoqda.

1998 yil jahon ommaviy axborotlarida mintaqalararo iqtisodiy tashkilot sanaladigan – BIMST tashkilot topganligi to'g'risida ma'lumotlar paydo bo'ldi. Bangladesh, Hindiston, M'yanma, Shri-Lanka, Tailand kabi davlatlar hamkorligi natijasida birinchi navbatda transosiyo kommunikatsion “janubiy yo'lak” deb nomlangan temir yo'l magistrallari va avtostradalar tizimini shakllantirishni maqsad qilib olingan.

Bundan tashqari, mintaqaning yetakchi davlati hisoblanadigan Hindiston Respublikasining BRICS tashkilotiga a'zo bo'ldi. Barchaga ma'lumki, Hindistondan tashqari Braziliya, Rossiya, Hindiston, XXR, JAR davlatlari ham ushbu tashkilot tarkibida faoliyat olib boradi. Jahon maydonining 26%, aholisining 42%, YaMMning 18%, tashqi savdoning 15% BRICSGa a'zo davlatlarga to'g'ri kelishi hisobga olinsa, bu holat Janubiy Osiyoning barcha davlatlari ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatishi mumkinligi haqida fikr yuritsa bo'ladi.

ШАҲАР ЛАНДШАФТИ ВА УНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ИНСОН ОМИЛИ

Таштаева С., Эгамбердиева М.

Ўзбекистон Миллий университети

Шаҳар ва шаҳар агломерацияларининг шаклланиши, ривожланиши, урбанизация жараёнларининг горизонтал ва вертикал юксалиб бориши билан ўзига хос шаҳар ландшафтлари юзага келади. Бу узоқ давом этадиган тарихий жараён бўлиб, табиий ландшафтларнинг инсон фаолияти натижасида маданийлашиб бориши: шаҳар жойларда грунтнинг текисланиши, кесилиши, фойдали қазилмаларни қазиб олиниши, жарликларнинг кўмилиши, чуқурликларнинг тўлдирилиши, ботқоқликларнинг қуритилиши билан рельеф, микроклим, тупроқ таркиби, гидрогеологик шароит, тоғ жинсларининг физик-кимёвий ва механик таркибининг ўзгариб боришида ўз ифодасини топади. Ландшафт сўзи немисча бўлиб, илк маротаба XIX асрда табиий географияда вужудга келган ва унинг бош тушунчаларидан бири ҳисобланади. Шаҳарларни

3	Mal'div	5,18	14895
4	Nepal	70,2	2463
5	Pokiston	932	4906
6	Hindiston	7998	6187
7	Shri-Lanka	224	10590
	Mintaqa bo'yicha	9815,37	4907


Janubiy Osiyo davlatlari iqtisodiyotining rivojlanish xususiyatlarini tahlil qilinarkan, Hindistonning iqtisodiy salohiyati boshqa davlatlarnikidan farq qilishini ko'rish mumkin. U umumiy YaMM ko'rsatkichiga ko'ra jahonda uchinchi o'rinni egallagan holda jahon umumiy YaMMning 7,02%ni yaratadi. Mintaqa YaMMning esa 81,4% ushbu davlat xissasiga to'g'ri keladi. Shu bilan birga Janubiy Osiyo maydonining 73,4%, aholisining 76,5% ham Hindiston xissasini tashkil qiladi.

YaMMning davriy o'zgarish dinamikasiga e'tibor qaratsak, quyidagi holatni kuzatish mumkin:

Ma'lumotlar mintaqa davlatlarida YaMMning o'rtacha yillik o'sish miqdori o'rtacha 3%ni tashkil qilayotganini ko'rsatmoqda. Bu holat past darajada o'sayotgan qishloq xo'jaligi, industrlashuv siyosatining to'g'ri olib borilmayotganligi sababli yuz bermoqda. Shu bilan birga moliyaviy resurslarning yetishmasligi ham mazkur holatda katta ta'sirga ega. So'nggi yillarda Janubiy Osiyoda amalga oshirilayotgan liberal o'zgarishlar o'zining ijobiy natijalarini bermoqda

1-rasm

Janubiy Osiyo davlatlarida 1971-2015 yillar oralig'ida umumiy YaMMning o'sish dinamikasi, % hisobida




2000-2015 yillar oralig'ida YaMMning o'sish darajasi 6,1%ni tashkil qilmoqda. Bunda ayniqsa, Hindiston, Bangladesh, Pokiston davlatlarida sanoat tarmoqlaridagi hamda Nepal, Shri-Lanka va Mal'div Respublikasidagi xizmat ko'rsatish tarmoqlaridagi rivojlanish katta ahamiyatga ega bo'lgan. Hozirgi vaqtda iqtisodiy rivojlanish dinamikasiga mintaqaning ko'p sonli, arzon ishchi kuchi ham katta ta'sir ko'rsatadi. Katta miqdordagi mehnat yoshidagi aholiga ega bo'lganligiga qaramay, ishlab chiqarish tarmoqlarining intensiv rivojlanmaganligi sababli ishsizlik darajasi ancha yuqori (2-jadval). Shu bilan birga savodxonlik darajasining past ko'rsatkichlarga egaligi ham bu holatda salbiy ahamiyat kasb etadi.

Ularining jami aholidagi ulushi mustaqillik yillarida 47,3%dan 51,8% gacha oshdi.

Qashqadaryo viloyati Statistika boshqarmasi ma'lumotlariga ko'ra, 2017 yil 1 yanvar holatida viloyatda doimiy aholi soni 3089,4 ming kishi bo'lib, tabiiy kupaish har ming kishiga 21,4 promilleni (tug'ulish 25,5, ulim 4,1) tashkil etgan. Jami mehnat resurslari esa 1759,4 ming kishi bo'lib, shundan 1180,9 ming kishi (shundan, davlat korxonasi va tashkilotlarida 190,1; nodavlat korxonasi va tashkilotlarida 990,8 ming kishi banded) iqtisodiy faol aholi hisoblanadi. Mehnat resurslari viloyat jami aholisining 56,9 % ini tashkil etadi. Iqtisodiy faol aholi esa jami mehnat resurslarining 61,7 % ini tashkil etadi.

Mehnat resurslari tumanlar kesimida tahlil qilinganda, yuqori kursatkichlarda Chirokchi, Shaхrisabz va Koson tumanlari ekanligi aniqlandi (2-rasm). Tabiiy kupaishning ayniqsa kishloq joylarda yuqori bo'lishi kishloq mehnat bozorida vaziyatni tartibga solishni, unga bo'lgan talabni va ish kuchi taklifini muvozanatlashuvini taqozo etadi. Tahlillar viloyat mehnat bozorida ishchi kuchi taklifining unga bo'lgan talabdan bir necha marta ortiqdligini kursatadi.



Manba: Qashqadaryo viloyati Statistika boshqarmasi ma'lumotlari asosida muallif tomonidan ishlandi.

Qashqadaryo viloyati mehnat bozorida asosiy muammolar aholi bandligi bilan bog'liq va u hududning ishchi kuchi bilan ortiqcha ta'minlanganligi mehnat resurslari yillik ushish sur'atining yuqoriligi orqali namoён bo'lmoqda. Aholi bandligi muammolari xalq kilişining eng asosiy yullari-hududiy y'ni, tumanlar mik'osida x'jalik tarmoqlarini ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishni faollashtirish, bu borada ishlab chiqarish va xizmat kursatish soxalariga innovatsion texnologiyalarni jalb kilişdir. Bu esa ishlab chiqaruvchi kuchlarning rivojlanishi bilan mos ravishda mahalliy ehti'j asosida turli tarmoqlarni tarakkii etirish, k'p mehnat talab kiladigan va ekologik sof ishlab chiqarishni jadal rivojlantirish hamda xizmat kursatish soxalarini kenгайтириşni taqozo etadi.

2016 йил якунларига кўра, вилоятда 89469 та янги иш ўринлари ташкил қилинди. Яратилган янги иш ўринларининг 89 %и қишлоқ жойларга тўғри келганлигини эътироф этган ҳолда, бу борада sanoat тармоқлари билан бирга ижтимоий соҳаларга боғлиқ ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаларини ривожлантиришга ҳар бир туманда алоҳида эътибор қаратилаётганлиги кузатилмоқда. Қишлоқ жойларда янги иш ўринларини ташкил этишда вилоятда Шахрисабз, Яккабоғ, Чирокчи ва Китоб туманлари етакчилик қилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, вилоятда ишсизлик муаммосининг тобора барҳам топаётганлиги, янги иш ўринларининг кўплаб барпо этилаётганлигини таъкидлаш лозим.

Вилоят меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, меҳнат бозори фаолиятининг тартибли йўналиши кўп томонлама ишчи кучининг малакасига боғлиқ бўлади. Меҳнат бозорида таклифнинг катта қисмини маълумотлилик даражаси паст бўлган меҳнат ресурслари ташкил этмоқда. Бундай ҳолат аҳолини иш билан таъминлаш, бандлик даражасини ошириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурларини янада такомиллаштиришни тақозо қилмоқда.

ТУРИСТИК БОЗОР СЕГМЕНТЛАРИ

Джураев М.Э., Ахунбобоев М.М, Сатторов С.М., Зикиров И.Я.

Гулистон давлат университети

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги даврда миллий ва маданий кадрларга бўлган эътибор кучайди. Ўзбекистонда амалга ошираётган ташқи иқтисодий алоқаларнинг асосий шакли хорижий мамлакатлар билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришдир. Бу ўринда Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини шакллантиришда шубҳасиз туризмнинг ўрни бекиёсдир. Жумладан, Республикада туризмни ривожлантириш, ижтимоий-географик асосларини билиш, ва уни ўрганиш айниқса туризм тарихи ва ҳудудий таркибини, унинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан юксалиши билан боғлиқ муаммоли масалаларини тадқиқ этиш ҳозирги замон география фанининг энг муҳим вазибаларидандир.

Туристлик хизматлар бозорининг тадқиқоти ва таҳлили турли бозорларни сегментлаш заруриятини аниқлаб берди. Ҳар бир мамлакат бозорининг тадқиқотини экспертлар қуйидаги кўрсаткичлар бўйича ўтказишни тавсия қиладилар:

1. Аҳоли. Сегментлар: жинс ва ёш таркиби, ишловчилар, талаба ва ўқувчилар ҳамда нафақахурлар сони, оилалар сони ва таркиби, ўсиш суръатлари.

2. Ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар. Сегментлар аҳолининг даромадлари ва ҳаражатлари таркиби, ижтимоий таъминот даражаси, таътил муддати ва ҳақини ўз ичига олувчи таътиллار тизими, дам олиш кунларининг сони.

3. Сафарлар мақсади. Сегментлар: дам олиш турлари, муддати, мавсумийлиги, сафар йўналиши, бир мамлакат туристларининг бошқа

Умуман хулоса қилиб айтиладиган бўлса, оила куришдаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий етуқлигини ошириш оилаларнинг мувоффақиятли яшаб кетишидаги айрим муаммоларнинг ечилишида муҳим аҳамият касб этади ва ажралишларнинг бирмунча камайишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат давлатимиз тараққиётига, жумладан жамиятнинг кичик бўғини ҳисобланган оилаларнинг мустақкам бўлиши ва раванқига қаратилган.

JANUBIY OSIYO DAVLATLARINING JAHON IQTISODIYOTIDA TUTGAN O'RNI

Safarova N., Qalandarova M., Abduraimova X.*

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti

Ma'lumki, Janubiy Osiyo – Osiyo qit'asidagi subregion. Unga Hindiston va Hindixitoy yarim orollari, Himolay tog'lari, Hind-Gang tekisligi, Malay arxipelagi, shuningdek, Hind okeanining sharqiy qismidagi vulkan va marjon orollari kiradi. Janubiy Osiyo hududida Bangladesh, Butan, Nepal, Hindiston, Mal'div, Pokiston, SHri-Lanka davlatlari joylashgan. Bu davlatlar ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish darajasiga ko'ra bir-biridan farq qiladi. Mazkur tafovvutlar bir qator siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy omillar ta'sirida shakllangan.

Ko'p asrlik tarixga, turli ko'rinishdagi tabiiy resurslarga, demografik salohiyatga ega bo'lgan Janubiy Osiyo iqtisodiyoti rivojlanish darajasiga ko'ra Osiyoning boshqa subregionlariga nisbatan past ko'rsatkichlar qayd etadi. Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning asosiy ko'rsatkichi hisoblanadigan davlatlarning umumiy YaMM ko'rsatkichini tahlil qilinganda yuqoridagi fikrlar yaqqol o'z tasdig'ini topadi. Mintaqada jahon YaMMning 8,5% yaratiladi. Qo'shni subregionlar bilan taqqoslanganda mazkur ko'rsatkich bo'yicha faqat Markaziy Osiyodan oldinda turishi kuzatiladi. Bu borada Osiyoda yetakchi mintaqa hisoblangan SHarqiy Osiyo mintaqasi bilan taqqoslanganda, undan deyarli 3 marta kam umumiy YaMM tayyorlashini ko'rish mumkin (1-jadval).

Mintaqada aholi jon boshiga YaMM o'rtacha ko'rsatkichi jahon ko'rsatkichidan 3 barobar kam (15536 AQSH dollari). Bangladesh, Nepal davlatlari mintaqa o'rtacha ko'rsatkichlaridan past, Pokistonda mintaqa darajasida, qolgan davlatlarda esa o'rtacha ko'rsatkichdan yuqori miqdor qayd qilinadi.

1-jadval

Janubiy Osiyo davlatlarida YaMM ko'rsatkichi (2016 yil ma'lumoti asosida)

№	Davlat	Umumiy YaMM, mlrd. AQSH dollari	Aholi jon boshiga YaMM, AQSH dollari
1	Bangladesh	580	3629
2	Butan	5,99	7690

* **Safarova N.** – Geografiya o'qitish metodikasi kafedrası dotsenti .

Qalandarova M. – Geografiya o'qitish metodikasi kafedrası o'qituvchisi.

Abduraimova X. – Geografiya o'qitish metodikasi yo'nalishi talabasi.

расмийлаштирилмаганлар ҳам кўпчиликти ташкил этади. Агар ажралишлар сонини йиллар кесимида таққослайдиган бўлсак, вилоят статистика бошқармаси маълумотларга кўра, кейинги беш йил ичида никоҳни бекор қилиш ҳоллари бирмунча кўпайган. Чунончи, 2013-йил ҳолатига кўра ажралишнинг мутлақ сони 823 кишидан ортиқни ташкил этган бўлса, 2017-йилга келиб бу кўрсаткич 1014 тани ташкил этди ёки никоҳ аҳдини бекор қилиш 20.1 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

2013-2017 йиллар оралиғида вилоятда жами 4120 дан ортиқ никоҳ аҳди қонун йўли билан бекор қилинди. Бу рақамни туманлар кесимида шу давр ичида тузилган никоҳлар сонига таққослаб кўрсак, сақланиб қолган никоҳлар сони 82630 кишини ташкил қилган бўлса, унинг 5 фоизга яқинини никоҳни бекор қилган оилалар ташкил этган. (1 жадвал).

1- жадвал

Ажралишлар сонинг 2013-2017 йилларда туманлар кесимидаги таҳлили

Туманлар	2013 йил		2014 йил		2015 йил		2016 йил		2017 йил	
	сони	%	сони	%	сони	%	сони	%	сони	фоиз
Богот	54	6.6	48	6.5	36	5.3	60	6.3	57	5.7
Гурлан	45	5.5	44	5.9	35	5.2	57	6.1	61	6.0
Урганч	91	10.9	88	11.8	75	11.1	136	14.4	153	15.1
Хонқа	49	6.0	45	6.0	38	5.6	56	6.0	68	6.7
Хива	84	10.3	47	6.4	54	8.0	92	9.7	101	10.0
Шовот	58	7.1	53	7.1	47	6.9	63	7.0	68	6.7
Янгиариқ	46	5.6	42	5.6	38	5.6	41	4.4	43	4.2
Янгибозор	33	4.0	31	4.2	21	3.1	37	3.8	41	4
Қўшқўпир	78	9.5	64	8.6	71	10.5	89	9.5	95	9.4
Ҳазорасп	86	10.5	77	10.3	79	11.7	106	11.2	110	10.8
Урганч шаҳри	197	24.0	205	27.6	184	27.0	204	21.6	217	21.4
Вилоят бўйича жами	823	100	744	100	678	100	941	100	1014	100

Жадвал Вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Ажралиш ҳоллари 2013- йилда вилоятда энг кўп Урганч шаҳрида ҳамда Урганч, Ҳазорасп ва Хива туманларида кузатилган. Бу туманлардаги ажралишнинг умумий коэффициенти вилоят ўртача кўрсаткичидан юқоридир (вилоятда ўртача 74.34 киши). Юқорида санаб ўтилган туманларда ажралишлар сонининг юқори бўлишида бир қанча омиллар мавжуд. Улардан бири туманлар аҳолиси маълум бир қисмининг хориж давлатларига узоқ муддатларга ишга кетувчилар улусининг бошқа туманларга нисбатан юқорилигидир.

Ажралиш сабаблари орасида энг катта кўрсаткични эр-хотин дунёқарашининг мос келмаслиги, яъни характерларининг бир-бирига зид эканлиги ташкил этади.

Эркакларнинг спиртли ичимлик ва гиёҳвандлик моддаларига ружу қўйиши уларнинг оилага нисбатан эътиборсизлигини кучайтиради. Бу нарса ҳам оилалар ажралишининг ошишига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда.

мамлакатга сафарлари чоғида ҳаражатлари таркиби. Мамлакат киефаси, сафарлар хавфсизлиги.

4. Туристтик хизматларнинг нархлари. Сегментлар: индивидуал ва гуруҳлар билан сафарлар, анъанавий (стандарт) саёҳатлар, махсус хизматлар, шу жумладан меҳмонхона, овқатланиш нархлари, миллий ва халқаро ташувчи компаниялар томонидан ташиш киймати, таклиф қилинаётган хизматларнинг халқаро стандартларга мослиги.

5. Бозор конъюктураси. Сегментлар: рақобатчи фирмалар, таклифлар турлари, ташриф дастурлари, нархлар даражаси.

6. Моддий-техник негизнинг даражаси ва аҳволи. Сегментлар: жойлаштириш воситаларининг сони таркиби, хоналар ва жойлар сони, овқатланиш шаҳобчалари ва улардаги жойлар сони, табиий ва маданий обидалар, кўргазма объектларининг қабул қилиш имкониятлари.

7. Транспорт воситалари ва инфратузилма. Сегментлар: ер усти, ҳаво ва сув транспорти, транспорт йўналишларининг турлари, аралаш ташиш.

8. Реклама воситалари. Сегментлар: радио, матбуот, электрон ОАВ, каталоглар ва буклетлар, реклама учун ҳаражатлар (шу жумладан ёшлар ва қариялар сегментлари бўйича).

9. Миллий ва халқаро туризм тараққиётини ташкил қилиш ва унинг даражаси, туроператорлар ва агентларнинг аҳамияти, монополиялар, жамоат ташкилотлари, туризм статистикаси, расмиятчиликлар, мамлакатдан(га) чиқиш ва кириш қоидалари.

10. Туристлар талабидаги товарлар (аудио ва видеоасбоблар, компьютерлар, автомобиллар, соатлар, атир-упа моллари, кийим-кечаклар, ичимликлар ва бошқ.).

Халқаро туризм амалиётида турист(лар)нинг сафар йўналиши бўйича қабул қилувчи мамлакат(лар)да турга кирувчи хизматларни олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ваучер (ваучерлар тўплами) ҳисобланади.

Ваучер намунаси ва шакли сотувчининг контрагентлари (қабул қилувчи агентлар) билан келишиб олинishi керак.

Ваучер (ваучерлар тўплами) жўнатувчи мамлакат тили ва инглиз ёки қабул қилувчи мамлакат тилида тузилиши лозим.

Ваучер (ваучерлар тўплами) туристга 2 нусхада саёҳат бошлангунга қадар берилади, бир нусхаси қабул қилувчи агент ёки сотувчи контрагентининг вақилига берилади, иккинчиси эса туристнинг ўзида қолади.

Харидорнинг туристик хизматни нақд пулга харид қилганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб қилинган варақасига илова бўлиши тилхат ҳисобланади ва унда берилган туристик йўлланмасининг рақами кўрсатилиши лозим. Туристтик йўлланмага илова қилинган ваҳақтўланганлиги тўғрисида белги қўйилган йиртиб олинадиган талон ҳам бу мақсадда ишлатилиши мумкин.

Йўлланма учун пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўланган ҳолларда харидор банкнинг ижро этилганлик тўғрисидаги белгиси қўйилган тўлов варақасининг нусхаси тасдиқловчи ҳужжат бўлиб хизмат қилади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Емберген Н.Ж., Турсинов М.Ж., Отеўлиев М.О.

Қорақалпоқ давлат университети

Ишлаб чиқариш тармоқларини ҳудудий ташкил этиш ва уларни оқилона жойлаштириш истикболда аҳоли турмуш шароитини яхшилашга замин яратади. Таъкидлаб ўтилганидек, ҳар қандай мамлакат ёки минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши қатор омилларга боғлиқ бўлиб, бунда асосан ҳудуд табиий хом ашё ресурсларининг аҳамияти каттадир. Мавжуд бундай омиллардан самарали фойдаланишнинг ўзига хослиги уни илмий жиҳатдан тадқиқ этилишини тақоза этади.

Таъкидлаш лозим, ушбу масала юзасидан Ҳукуватимиз томонидан 2017 йил 7 февралда «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони қабул қилинди. Ушбу фармоннинг учинчи йўналиши бевосита иқтисодий масалаларга қаратилган. Бунда марказдан олисда жойлашган ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантиришда улардаги мавжуд табиий, минерал хом ашё ресурсларини ўзлаштириш ва улардан комплекс ва самарали фойдаланиш натижасида эришиш мумкинлиги таъкидлаб ўтилган¹

Бу жиҳатдан олиб қараганда Қорақалпоғистон Республикаси мамлакатимизнинг чекка шимоли-ғарбий қисмида, унинг sanoat марказларидан нисбатан олисда жойлашган

Минтақа нефт-газ, кимё, темир ва қурилиш материаллари хом ашёси захираларига бой. Қорақалпоғистон ҳудудида топилган минерал ресурс захираларнинг асосий қисми Нукус-Тошкент, Қўнғирот-Бейнов ва Нукус-Чимбой йўналишидаги транспорт тармоқлари атрофида жойлашганлиги иқтисодий жиҳатдан қулайлик яратиб, истикболда ушбу транспорт йўлларига яқин шаҳар ва шаҳарчаларда sanoat тармоқларини ривожлантириш имкониятларини белгилаб беради.

Қазилма бойликларнинг ҳудудий жойланишида, энг аввало, Султонувайс тизмасини кўрсатиш жоиз. Майдони унча катта бўлмаган мазкур ҳудудда рангли ва қора металл, қурилиш sanoati хом ашёсининг кўплаб конлари аниқланган. Улар жумласига мармар, оҳақтош, гипс, мергел, фосфорит, олтин, темир рудаси, мис, қимматбаҳо тошлар, барит, тальк, абразив материаллар ва бошқалар қиради. Лекин, sanoat ишлаб чиқаришини ташкил қилиш учун келажакда ушбу бойликларнинг захираси, техник иқтисодий жиҳатларини мукамал ўрганишни талаб этади.

Султонувайс тизмаси Нукус-Тошкент автомобил йўли ва Нукус-Мискин-Учкудук-Тошкент темир йўли бўйида жойлашган. Бу эса мавжуд қазилма бойликларни қазиб олиш ва ташишда қулайликлар яратади. Шу билан бирга хом ашё ресурсларининг бир қисмини қайта ишлаш учун минтақада sanoat корхоналарининг бунёд этилиши аҳоли ҳудудий таркибини яхшилаш ва иш билан таъминлашга олиб келади.

ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРДА АЖРАЛИШНИНГ ЎСИШИ ВА УНИНГ САБАБЛАРИ (Хоразм вилояти мисолида)

Рахимов А.К., Тохирова Ў.Ў.

Урганч давлат университети

Мамлакат Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган томонидан ишлаб чиқилган 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947 сонли Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг “2017-2021 йилларда бешта устувор йўналишлари” тўртинчи боби, тўртинчи бўлимида ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш тўғрисида қуйидагича фикр билдирилган:²⁸

Унга кўра ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш жисмонан соғлом, руҳий ва интеллектуал ривожланган, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий нуқтаи-назарига эга, Ватанга содиқ ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифа эканлиги эътироф этилган. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ёшлар ўртасида оила муқаддас эканлигини ёшларга тўлиқ етказиш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Ҳар қандай замон ва маконда никоҳ жараёнига ёнма-ён равишда ажралиш жараёни ҳам мавжуд бўлади. Шундай экан, қонунларимиз никоҳ эркинлиги, ажралиб кетиш эркинлигини ҳам кўзда тутди. Никоҳни рўйхатга олиш каби ажралишни расмийлаштириш ҳам давлат назорати остидадир. Вақт ўтиши билан ташкил топган оилаларнинг бир қисми эр ёки хотиннинг вафоти туфайли, яна бир қисми эса турли хил келишмовчиликлар сабабли бекор қилинади. Оилалардаги келишмовчиликлардаги ажралиш жуда мураккаб социал жараён, у қатор омиллар таъсирида содир бўлади. Уларга жамиятда никоҳнинг тутган ўрни, никоҳ турлари, ҳар бир давлатда никоҳ ва ажралиш ҳақидаги мавжуд қонунлар, давлат томонидан оила мустаҳкамлиги борасида олиб борилаётган сиёсат, аёлларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни, фарзандсизлик, оила турмуш тарзи, дин, урф-одатлар, алкоголь маҳсулотлар ҳамда наркотик моддаларнинг исътемоли ва бошқаларни киритиш мумкин. Булардан ташқари бугунги кунда вилоятимиз фуқаролари бир қисмининг чет давлатларга узоқ муддатларга ишга кетиши (меҳнат миграцияси) ҳам сабаб бўлмоқда. Ушбу омиллар таъсирида жамият тараққиётининг турли босқичларида, давлатларда, халқларда ва шу жумладан, вилоят аҳоли гуруҳларида ажралиш даражаси турлича бўлади.

2017- йил 1 январь ҳолатига кўра вилоятда жами 17030 та никоҳ қайд қилинган бўлса, унга ёнма ён равишда 1014 та никоҳ қонун йўли билан бекор қилинди, ёки умумий никоҳнинг 5.9 фоизи демакдир. Ажралишлар сонининг асосий қисмини аслида бир мунча муддат олдин тўхтатилган эр-хотин муносабатларининг юридик жиҳатдан расмийлаштирилиши ташкил этади. Бугунги кунда оилалар орасида ажрашган, бироқ қонуний жиҳатдан

²⁸ 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947 сонли фармони.

Ўзбекистонда хайвонлар экологияси илмий мактабининг асосчиси Д.Н.Кашкарлов ва унинг шогирдлари – А.Л.Бродский, И.А.Райкова 1920 йилда Тошкент ва Жиззахнинг сув ҳавзаларида бакра балигини икра ташлаш каби биологик хусусиятларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар олиб борганлар.

Ушбу тадқиқотларни кейинчалик 1933 йилда Г.В.Николский давом эттирди. Шунингдек, олим осётрсимонларни ўзгарувчанлигини аниқлаган.

А.Н.Пробатов 1929 йилда Орол бакра балигининг ёш хусусиятларини ўрганган.

П.В.Сидуленко эса Сирдарё ҳавзасида бакра балиқнинг биологик хусусиятлари ва уни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланди.

1937 йилда Д.Б.Албанов Қорақалпоғистон балиқлари фаунасини ўрганиб чиқди.

Г.М.Барханская ва Л.П.Павловская каби олимлар томонидан Қорақалпоғистон ва Хоразм воҳаси сув ҳавзалари балиқларининг тур таркиби ва биологик-экологик хусусиятлари ўрганилди.

Таниқли олим Э.А.Бервальд ўтган асрнинг 50 йилларида Орол денгизи овладидиган балиқларининг икра ташлаш хусусиятларини ўрганди.

Ихтиолог олим Л.С.Берг 1920-30 йилларда Туркистон ўлкаси ва Орол денгизи ҳавзаси балиқлари фаунасини ўрганиб чиқди.

1952 йилда Н.И.Драгомиров ва О.И.Шмалгаузен куракбурун балиқларининг личинкаси–чавоқларини экологик-морфологик хусусиятларини ўрганишди.

Зоолог олимлардан А.И.Жаров эса шу йилларда катта амударё куракбурунини морфологик ва биологик хусусиятларини тадқиқ қилишди.

Олимлардан яна С.Н.Иванов ва Н.В.Печникова куйи Амударё ҳавзасида бакра балиқларининг чавоқларини ҳаракатланишини тадқиқ қилганлар.

1940-50 йилларда Д.М.Муратов томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар сохта куракбурун балиқларини ўрганишга қаратилган.

1947 йилда амлга оширилган бакра балиғининг заҳирасини тиклашга қаратилган илмий тадқиқот ишлари К.З.Трусивга тааллуқлидир.

1961 йилда П.М.Коновалов Орол денгизи ўткинчи балиқларини, шу жумладан бакра балиқларини кўпайтиришнинг биологик асосларини ўрганишга доир илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Таниқли зоолог олим А.К.Сагитов амударё катта ва кичик қилқуйруқ балиқларининг морфологияси, биологияси, кўпайиши ва ривожланиши каби хусусиятларини ўрганиш борасида фанга катта ҳисса қўшган.

Хоразм воҳаси айнан Амударё ва унга боғлиқ равишда шаклланган табиий сув ҳавзалари ва кўлларда учрайдиган балиқларнинг систематикаси ва биологиясини ўрганишда Б.Ҳ.Ҳақбердиевнинг хизматлари ниҳоятда катта.

Ўзбекистонда балиқчиликни саноат асосида ривожлантириш ўтган асрнинг 30-йилларидан бошланган. Бугунги кунда эса қишлоқ хўжалигининг бошқа йирик соҳалари қаторида балиқчилик ҳам халқ хўжалигининг сердаромад тармоғига айланди. Ўзбекистонда балиқчилик асосан, сув ҳавзаларида балиқ заҳирасини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш билан шуғулланади.

Қорақалпоғистонда тоғ-кон кимё хом ашё заҳиралари Қўнғирот шаҳрига яқин жойлашган Борса-Келмас (17,8 млрд т) ҳамда Қораўмбет (0,8 млрд т) каби конларида сульфат-магний, тош ва ош тузларининг жуда катта заҳиралари аниқланган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Устюрт платоси нефт ва айниқса табиий газ конларига бой. Ушбу хом ашё турларини геологик қидирув ишларини олиб бориш ва қазиб олиш мақсадда кўплаб чет эл инвестициялари жалб этилган.

Қорақалпоғистонда кимё саноати хом ашё заҳиралари Чимбой туманида Қушхонатов ва Қўнғирот шаҳрига яқин жойлашган Борса-Келмас (17,8 млрд т) ҳамда Қораўмбет (0,8 млрд т) каби конларида сульфат-магний, тош ва ош тузларининг жуда катта заҳиралари аниқланган.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Устюрт платоси нефт ва айниқса табиий газ конларига бой. Ушбу хом ашё турларини геологик қидирув ишларини олиб бориш ва қазиб олиш мақсадда кўплаб чет эл инвестициялари жалб этилган. Геологик қидирув ишлари натижасида Ғарбий Борсакекмасда нефт конлари аниқланди. Демак, Шимолий минтақада, хусусан Устюрт текислиги ва Оролқум чўлидан нефт ва газ конларини қидириб топилиши келажакда Қорақалпоғистонда саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаб ўтилганидек, Қорақалпоғистон кимё саноати хом ашё ресурслари заҳираларига бой. Ушбу минерал хом ашё ресурслари оғир саноатни ривожлантиришга кенг имкониятлар очиб беради. Шу ўринда айтиш жоизки, минтақада қазилма бойлик конларининг жойлашиши билан аҳоли манзилгоҳлари ўртасидаги номутонасибликлар ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш муаммоларини вужудга келтиради. Бинобарин, ишлаб чиқаришни жойлаштириш ва ривожлантиришда транспорт тармоқларининг аҳамияти катта. Шу сабабдан келажакда саноатни муҳим транспорт йўллари ёки қазилма конларига яқин аҳоли манзилгоҳларида жойлаштириш имкониятлари кенг.

Минтақанинг хом ашё ресурсларига асосланиб Жанубий Кореянинг Samsung Engineering, GS Engineering ва Hyundai Engineering компаниялари томонидан 2016 йили умумий қиймати 4,16 млрд АҚШ доллари миқдоридagi Сургул газ-кимё комплекси ишга туширилди. Ушбу комплекс тўлиқ қувватда йилига 4,5 млрд м куб газни қайта ишлаб, ундан 4 млрд м куб табиий газ, 400 минг т полиэтилен, 100 минг т полипропилен ва 100 минг т пиролизланган бензин тайёр маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари умумий қиймати 40,8 млн АҚШ долларига тенг бўлган Султон Увайс тизмасида “Қорақалпоқ цемент” заводи ишга туширилиб, йилига 1,2 млн т цемент ишлаб чиқармоқда. Шунингдек, ушбу ҳудудда Урал тоғ-кон металлургия комбинати билан ҳамкорликда Тебинбулоқ кони (заҳираси 3,5 млрд т) асосида умумий қиймати 1,5 млрд АҚШ долларига тенг бўлган йилига 1 млн т пўлат ишлаб чиқариш қувватига эга йирик металлургия комбинати қурилиши бошланди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Қорақалпоғистонни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси доирасида минтақада мавжуд табиий ва минерал хом ашё заҳираларнинг хилма-хил турларига бой бўлиши ва унинг

истикболда айрим саноат тармоқларини ривожлантириш асосида ялпи ички маҳсулот ҳажмини ошириш имкониятини яратди.

ЭРОН ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАРИХИЙ ГЕОГРАФИК ТАҲЛИЛИ

Жумаханов Ш.З.*

Наманган давлат университети

Бугунги кунда маълум бир давлатнинг ташқи сиёсий фаолиятини тадқиқ қилиш учун халқаро муносабатлар назариясида кўплаб илмий- сиёсий қарашлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар бевосита давлатларнинг салоҳиятини баҳолашга ҳам имкон беради. Сиёсий реализм, либерализм, неореализм ва неолиберализм каби назарияларни бунга мисол сифатида келтириб ўтиш мумкин. Мазкур назариялар давлатларнинг ташқи сиёсий стратегиясини тавсифлаб, атрофлича таҳлил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, халқаро муносабатларда умумэтироф этилган классик назариялардан бири реализм мактаби ҳисобланиб, ундаги ёндашувларга кўра халқаро муносабатларнинг иштирокчиси сифатида фақат давлатлар тан олинади. Ушбу назариядан келиб чиқиб, ҳар бир давлатнинг ташқи сиёсий стратегиясининг ўзига хослиги таҳлилига кўра, бир давлат иккинчи давлатнинг кучайиб кетишидан манфаатдор эмас. Давлат ташқи сиёсий стратегиясидан кўзланган асосий мақсад эса миллий манфаатлар билан боғлиқ эҳтиёжларни максимал даражада қондириш учун мавжуд кучлар мувозанатини сақлаб туришга ҳаракат қилишдир. Ўз навбатида, ушбу назариянинг таниқли намояندаси Г.Моргентау таъкидлаганидек, халқаро муносабатларда барча давлатлар бирдек иштирок эта олмайди, чунки улардаги мавжуд бўлган кучлар тенг эмас [1, Р.28.]. Шу жиҳатдан, бугунги кунда Эрон ҳам ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, минтақавий ва глобал даражада ўз таъсирини кенгайтириш мақсадида фаол ташқи сиёсат олиб бормоқда.

Яқин тарихдан маълумки, 1978-1980 йилларда Эронда юз берган сиёсий воқеалар кўплаб сиёсатчилар ва олимларининг ушбу жараёнларга эътиборини жалб қила бошлади. 1979 йилда юз берган Эрондаги ислом инқилоби очикдан-очик Ғарбга ва мамлакатдаги ғарблаштириш сиёсатига қарши қаратилган бўлиб, у мамлакатни Ғарб модели бўйича ривожланишини инкор этди.

Экспертларнинг фикрича, айнан 1979 йилдаги ислом инқилобидан сўнг ЭИРнинг ички ва ташқи сиёсатида туб ўзгаришлар содир бўлди. Инқилобгача бўлган даврда шоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавий Ғарб давлатлари билан яқин муносабатларни йўлга қўйиб, мамлакатда ғарблаштириш сиёсатини олиб бораётган эди. Унинг даврида минтақада Эроннинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий устунлигини таъминлаш мақсадида Ғарб давлатлари билан кўплаб шартномалар имзоланган. Ўз навбатида, Ғарб давлатлари ҳам АҚШ бошчилигида Эронга юқори технологияларни бериш эвазига унинг нефть захираларига интилиб, ўзининг маҳсулотларини сотиш учун Ўрта Шарқда катта бозорни эгаллашни мақсад қилаётган эди.

шуғулланадиган кўплаб ахборот марказларини ташкил этиш, чет элларда туризм офисларини ташкил этиш, бошқариш амалиётини эса бозор талаблари ва хизматларни яхшилашга йўналтириш муҳим аҳамият касб этади.

ЎЗБЕКИСТОНДА БАЛИҚЧИЛИК СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Омонова Н. Р., Зарифов А.

Қарши давлат университети

Балиқлар умуртқали ҳайвонларнинг энг катта гуруҳи бўлиб, ҳозирги вақтда дунё фаунасида уларнинг 20000 дан ошиқроқ тури мавжуд. Ўзбекистон сув ҳавзаларида ушбу ҳайвонларнинг 100 га яқин турлари тарқалган. Бу турларнинг 20 га яқини «Ўзбекистон Қизил китоби» га (2006) киритилган.

Туркистон, жумладан, Ўзбекистонда Ихтиология соҳасидаги дастлабки тадқиқотлар К.Ф.Кесслер номи билан боғлиқ. 1872 йилда унинг «Туркистон ихтиофаунаси» асари чоп этилган.

Туркистон балиқлари тўғрисидаги материаллар С.М.Герсенштейн асарларида ҳам учрайди.

1899-1903 йилларда С.М.Берг Орол денгизи, Сирдарё, Балхаш ва Иссықкўл ихтиофаунасини ўрганиб «Туркистон балиқлари» монографиясини чоп эттиради.

1928 й. да Г.В.Никольский Орол ва Амударё сув ҳавзалари балиқлари тўғрисида маълумот беради.

Ўзбекистоннинг сув ҳавзалари: дарё, кўллар, сув омборлари ва каналлари балиқларини ўрганиш, бу ҳавзаларда янги балиқ турларини иқлимлаштириш мақсадида 1940 йилда академик Л.А.Зенкевич ташаббуси билан Каспий денгизидан осётрсимонларнинг озукаси ҳисобланмиш нереида чувалчанги, синдесмия моллюскаси иқлимлаштирилди.

Ўтган асрнинг 40 йилларида осётрсимонларнинг заҳираси кескин камайиб кетган. Худди шу вақтдан осётрсимонларни овлашни таъқиқлашга қаратилган қонун эълон қилинди.

МДХ давлатлари ҳудудида тарқалган бакра балиқларни сунъий урчитиш борасида Ф.В.Овсянникова, О.А.Гримм, Н.А.Бородин, А.Н.Дежавин, Н.Л.Гербилский каби олимлар тадқиқотлар олиб боришган. Мазкур тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари туфайли осётрсимон балиқларни кўпайтиришга ихтисослаштирилган хўжаликлар ва заводлар курилиб ишга туширилди. Жумладан, бундай заводларнинг энг биринчиси 1954 йилда Курада ишга туширилди ва Каспий денгизига осётр балиғининг 1 млрд дан ортик чавоқлари қўйиб юборилди.

Ўзбекистонда бакра балиқларининг биологик хусусиятларини ўрганиш XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўрта Осиёга қилинган экспедицияларга раҳбарлик қилган олимлар тадқиқотлари билан боғлиқ. Жумладан, 1871 йилда рус географи ва саёҳатчиси А.П.Федченко Сирдарё сохта куракбурун балиғини, машҳур табиатшунос олим М.Н.Богданов 1874 йилда Амударё катта сохта куракбурунини, академик Н.А.Северцов эса 1876 йилда Амударёда кичик қилқуйрук ёки куракбурунни учрашлигини қайд этишган.

*Жумаханов Шавкатжон Зоиржонович- Наманган давлат университети География кафедраси доценти.

дастури тасдиқланган. Бундан ташқари, юртимизда ички туризм имкониятларини тарғиб қилиш, сайёҳлик базалари, дам олиш зоналари, пансионатлар, санаторийлар, курорт ва экосайёҳлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир ҳудуд учун мўлжалланган махсус дастурга вилоят, туман, шаҳар ва қишлоқларда ички туризмни ривожлантиришга оид тадбирлар киритилган. Уларда ҳудудларнинг ички имконият ва салоҳияти инobatга олинган. Бунинг натижасида, масалан, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Жиззах ва Хоразм вилоятларида бир нечта замонавий кемпинг, соғломлаштириш муассасалари ва ўтовлар барпо этилди, сайёҳларга турли хизматлар кўрсатиш учун барча имкониятлар яратилди.

Туризм соҳасида чет эллик шериклар билан ҳамкорликни кенгайтириш учун ҳам қулай шароитлар яратилган. Бу борада “Ўзбектуризм” миллий компанияси томонидан ташкил этилаётган маркетинг лойиҳалари – мега-инфотурлар яхши самара бермоқда. Ушбу лойиҳа доирасида Италия, Испания, Франция, Япония, Хитой, Буюк Британия, Россия, Нидерландия, Венгрия, Сингапур каби кўплаб мамлакатларнинг икки юздан зиёд сайёҳлик компанияси билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, туризм тараққиёти учун фақатгина жозибадор масканлар мавжуд бўлишининг ўзи етарли эмас. Маҳаллий туристик инфратузилмани ҳам етарли ривожлантириш лозим, яъни ҳудудда ички туризмнинг ҳам ўрни катта бўлиб, ундан даромад олиш, маҳаллий аҳоли талабларини қондириб, унга хизмат кўрсатиш, аҳолининг савиясини ошириш, одамларни иш ўринлари билан таъминлаш имкониятларини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда туризм жаҳон иқтисодиётининг етакчи тармоқлари доирасида учинчи ўринни эгаллаб келмоқда. Европанинг ривожланган давлатлари, жумладан, Франция, Швейцария, Австрия, Италия, Испания, Дания, Германия, Финляндия, АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг фуқаролари мунтазам равишда саёҳат қилмоқда ва мамлакат даромадининг асосий қисми туристик фаолият ҳисобига амалга оширилмоқда. Дунё бўйича туристик хизматларнинг етакчи экспортчилари сифатида Испания, Франция, Италия, АҚШ майдонга чиқаётган бўлса, импортни амалга оширувчилар – Германия, Япония, буюк британия ҳисобланади. шунингдек, ушбу мамлакатлар, хусусан, Германия ва АҚШ ҳалқаро туризм доирасида актив балансга эга, ички туристик бозорда хизматлар даражаси ва нархининг юқорилиги билан характерланади.

Истикболда мамлакат туризмни энг яхши халқаро андозалар даражасида ташкил этиш, юртимизнинг улкан сайёҳлик салоҳияти, имконияти, нуфузини янада мустаҳкамлаш, бу борада замонавий электрон технологияларни кенг жорий этиш, шу жумладан, саёҳатлар тўғрисидаги барча ахборотлар билан танишиш имкониятини яратиш, Ўзбекистон туризми тўғрисида доимий янгиланиб бориладиган электрон атласни ишлаб чиқиш ва ундан кенг фойдаланиш, уларни виза, авиа ҳамда темир йўл чипталарини олишда, саёҳатлар ва меҳмонхоналарни брон қилишда кенг қўллаш, мавжуд улкан салоҳият ва имкониятларимизни кенг миқёсда фаол реклама қилиш билан

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Эрон шохининг ўз мамлакатини минтақада етакчи давлатга айлантиришга бўлган интилишлари АҚШнинг минтақадаги ташқи сиёсатида тўлиқ мос келарди. АҚШ учун Собик Иттифокнинг жанубий чегараларида, яъни Ўрта ва Яқин Шарқ минтақасида ўзига плацдарм яратиши унинг манфаатлари доирасида бўлиб, ушбу давлатдан стратегик мақсадларда фойдаланишни режалаштирган эди. Бироқ, шохнинг мамлакат ичида ғарблаштириш сиёсатини олиб бораётгани халқнинг консерватив руҳдаги қисмида унга нисбатан кучли норозиликни вужудга келишига сабаб бўлди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда инқилобни келтириб чиқариб, шох ҳокимиятини ағдарилишига сабаб бўлди.

1979 йили ЭИР ташкил этилгандан сўнг мамлакатнинг янги раҳбари давлатда ислом нормаларини устун эканлигини расман эълон қилиб, ғарблаштириш сиёсатини кескин танқид қилди ва унга барҳам берди. Инқилоб ўз ғалабасига эришгандан сўнг, мамлакат ташқи сиёсатида ҳам кескин ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, диний раҳбарнинг мамлакат ташқи сиёсатда олиб борган дастлабки ислохотларидан бири - бу АҚШ билан иттифоқчилик муносабатларига яқин ясаш, у билан барча ҳарбий келишувларни бекор қилиш ва Эрондаги АҚШ ҳарбий базаларини ёпиш бўлди.

Шунингдек, Эрондаги 350 га яқин АҚШ компаниялари (“Нортроп”, “Локхид”, “Белл”, “Дженерал моторс”, “Вестингауз”, “Дюпон де Немур”, “Бечтел”, “Грумман” ва бошқалар) фаолияти тўхтатилди. Ушбу компанияларнинг ЭИРда фаолиятини тўхтатилиши АҚШнинг иқтисодиётига сезиларли салбий таъсир этди. Маълумотларга кўра, Эроннинг АҚШ билан ҳарбий шартномаларни бекор қилишининг ўзи АҚШ иқтисодини 10-12 млрд. долл. зарар кўришига сабаб бўлган[5, С. 183.].

Ўз навбатида, АҚШ ҳам ЭИРга нисбатан жавоб чораларини амалга тадбиқ этди. Хусусан, Американинг “Чейз Манхэттен банки” шох даврида Эрондан ноқонуний равишда олиб чиқиб кетилган 20 млрд.долл. суммани қайтиб беришни рад қилди. Шу билан бирга, АҚШнинг қолган банклари ҳам Эронга 8 млрд.долл. суммага тенг маблағни қайтиб беришни рад этди. Бу эса Ислом Республикасининг иқтисодиётига катта зарба берди.

Бундан ташқари, инқилобнинг дастлабки йилларида Эрон СЕНТО ҳарбий-сиёсий блокидан чиқди ва мамлакат ҳудудидаги барча хорижий ҳарбий базаларни ёпди. Шу билан бир бирга, Эроннинг қўшни давлатлар билан ҳам муносабатларида қарама-қаршилик кучайди. Хусусан, ЭИР Исроил давлати билан дипломатик муносабатларни узиб, уни давлат сифатида тан олишдан бош тортди. Эроннинг Баҳрайн, Қувайт, Уммон, Иордания ва Саудия Арабистони давлатлари билан икки томонлама муносабатларида совуқчилик жараёни бошланди.

Эронга қарши қаратилган ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Саудия Арабистони ташаббуси билан 1981 йили Форс кўрфази минтақасида жойлашган Оман, Катар, Қувайт, Баҳрайн ва Бирлашган Араб Амирлигини ўз ичига олган Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлиги кенгаши тузилди. Бироқ, расман мазкур Кенгашни тузишдан асосий мақсад унга аъзо бўлган давлатлар ўртасида муносабатларнинг барча соҳаларида, хусусан устувор

йўналишлари сифатида иктисодий ва мудофаа соҳасида позицияларни мувофиқлаштириш, интеграциялашув жараёнларини амалга ошириш эканлиги кўрсатиб ўтилган [7, 8, С. 183.].

Шунингдек, расмий Техрон мамлакат ташқи сиёсатда Фаластинни озод қилиш ташкилоти билан яқин алоқаларни ўрнатди. Бундан ташқари, ЭИР ўзининг ташқи сиёсатида икки ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантирган ҳолда “Кўшилмаслик ҳаракати” ташкилотига аъзо бўлиб кирди.

Экспертларнинг фикрича, бугунги кунгача расмий Техроннинг ташқи сиёсатида бир қанча ўзгаришлар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос характерга эга. Шу сабабдан Эрон ташқи сиёсий стратегиясини ўрганишда унинг ривожланиш босқичларини алоҳида таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Кўплаб тадқиқотчилар ЭИР ташқи сиёсатини шаклланишини ҳозирги кунгача бўлган даврини бешта асосий босқичга бўлиб кўрсатади. Хусусан:

Биринчи босқич (1979-1989 йй.)“Изоляция” даври. Ушбу даврда мамлакатда ислом динининг нормалари ва тамойиллари асосида ҳокимият ташкил этилиб, бу жараён ички ва ташқи сиёсатда ҳам ўз аксини топа бошлади. Хусусан, мамлакатнинг биринчи раҳбари Оятолла Мусавий Хомейний минтақа мамлакатларида ислом инқилобини экспорт қилишни кўллаб-қувватлаб, “ерда умумий адолат ҳокимиятини барпо этиш” ғоясини илгари сурди.

Иккинчи босқич (1989-1997 йй.)“Прагматик дипломатия” даври. Эрон ташқи сиёсатида бу даврнинг ўзига хослиги унинг халқаро изоляциядан чиқишга ҳаракати билан изоҳланади. Шунингдек, бу даврда мамлакат ташқи сиёсатининг энг асосий тамойилларидан бири - “на Фарб, на Шарқ - фақат Ислом” ўз моҳиятини қисман йўқотди. Эрон консерватив ташқи сиёсатдан йироқлашиб, уни либераллаштириш жараёнини бошлади. Бундан ташқари, бу даврда Эроннинг минтақадаги давлатлар билан муносабатида яқинлашув жараёни кузатилди.

Учинчи босқич (1997-2005 йй.)“Маданиятлар орқали мулоқот” даври. 1999 йили Эроннинг ўша даврдаги президенти М.Хотамий халқаро муносабатларда маданият орқали мулоқот қилиш форматини илгари сурди. Бу ўз навбатида, жаҳон ҳамжамияти томонидан халқаро муносабатларда долзарб формат сифатида қабул қилинди. М.Хотамий ўзи томонидан илгари сурилган маданий мулоқот концепциясини уч даражасини тавсифлаб ўтди: 1) ислом дунёси ичидаги мулоқот; 2) ислом ва христианлик ўртасидаги ўзаро мулоқот; 3) бошқа маданият ва конфессиялар билан мулоқот. Шу билан бирга, М.Хотамий президентлиги даврида ЭИР нинг сиёсий ва иктисодий изоляциядан чиқишга ва минтақавий етакчи давлат бўлишга интилиши кучайди.

Тўртинчи босқич (2005-2013 йй.)“Радикал дипломатия” даври. 2005 йили Эронда М.Ахмадинажод президент этиб сайлангандан сўнг мамлакат ташқи сиёсатида кескин радикал жараёнлар кузатилди. Хусусан, у ўзининг расмий чиқишларида Исроил давлатини ер юзидан йўқ қилиб ташлаш билан таҳдид солди. Бу даврда Фарб давлатлари, айниқса АҚШ билан муносабатларда кескин совуқлик жараёни кузатилди. Бундан ташқари, ташқи сиёсатда мамлакатнинг ядрога бўлган ҳуқуқини эътироф этиш, Россия ва Хитой билан яқинлашиш

- mavjud turistik resurslardan foydalanish samaradorligini oshirish uchun viloyatdagi turistik resurslarga aniq mavzuli ekskursiya marshurtlarini ishlab chiqish va ulardan milliy turistik mahsulotlarni shakllantirishda foydalanish;

- yangi turistik firmalar tashkil qilish va ularning faoliyatini asosan ekologik, diniy, madaniy, sport-ekstremal sayyohlik sohasiga yo'naltirish;

- viloyat tumanlaridagi turistik resurslardan, diniy-ziyoratgoh maskanlari- dan maqsadli foydalanish dasturlarini ishlab chiqish va targ'ibot - tashviqot, reklama jarayonini rivojlantirish, xalqaro turistik firmalar o'rtasida sayyohlik ko'rgazmalarini tashkil etish va o'tkazish orqali sohani rivojlantirishga erishiladi.

ИҚТИСОДИЁТДА ХУДУДИЙ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Олимова Н.Х., Тлеуов Қ.О.

Фаргона давлат университети, ТАТУ Нукус филиали

Ўзбекистон туризми ривожлантиришда катта салоҳиятга эга. Ўзбекистонда туризми ривожлантириш учун ноёб шифобахш манбалар ва 7 мингдан ортиқ тарихий ёдгорликлар мавжуд. Ҳозирги вақтда хорижий туристлар Бухоро, Самарқанд, Хива ёдгорликлари, Тошкентнинг замонавий архитектураси, Жиззахнинг тарихий ёдгорликлари, Зарафшон ва Фарғона водийларига ташриф буюришяпти. Бу туризм объектларининг ҳар бири ўзбек халқининг кўп асрлик маданий тарихидир.

Ўзбекистоннинг чет воҳаларига туристларни жалб қилиш мақсадида экотуризм ва халқ хунармандчилигини ривожлантириш ҳисобига 10 мингдан ортиқ иш ўринларини яратиш режалаштирилмоқда. Туристик хўжалик жаҳон иктисодиётининг энг сердаромад тармоғи ҳисобланади. Умумжаҳон туризм ташкилотининг прогнозига кўра 2020 йилга келиб хорижий туристларнинг сони 2000 йилга қараганда икки баробаридан кўп миқдорига кўпаяди – 681 млн. дан 1,6 млрд. га етади. Туризм соҳасига йўналтирилган ҳар йиллик инвестицияларнинг ҳажми 30% га ошади. Ҳозирги кунда республика туризм саноатида хусусий туристик корхоналарнинг фаолият кўрсатиши юқори даражага кўтариш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, туризм ва туристик инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда туризм соҳасини ижтимоий-иқтисодий комплекснинг муҳим таркибий қисмларидан бирига айлантириш учун барча шароит мавжуд. Ўзбекистоннинг миллий маданий меросини чет элларда оммалаштириш, мамлакатимизга хорижлик сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш ва ички туризми ривожлантириш мақсадида мамлакатимиз сайёҳлик ташкилотларининг Мадрид, Рига, Берлин, Париж, Токио ва Лондонда ўтказилаётган йирик халқаро сайёҳлик кўргазмаларида иштирокини таъминлашга доир ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудида сайёҳликни ривожлантириш ва сайёҳлик хизматлари экспорт салоҳиятини оширишга доир манзилли тадбирлар

Viloyatda turistlarga servis xizmatlarini ko'rsatish, mehmonxonalar faoliyatini rivojlantirishga oid turli xildagi loyihalarning joriy qilinishi kelgusida sayyohlar oqimining yanada jadallashuviga imkon bermoqda.

Navoiy viloyatida bugungi kunda sayyohlarga xizmat ko'rsatuvchi 26 ta mehmonxona mavjud bo'lib, bular Navoiy shahrida 10 ta (*"Navoiy"*, *"Gulmira-K"*, *"Kamilla"*, *"Grand-M"*, *"Zarafshon Grand"*, *"Uchquduq-Motel"*, *"Yoshlik"*, *"Navoiy Texno Plaza"*, *"Tibtexnika"*, *"Sherdor"*), Zarafshon shahrida 1 ta Markaziy kon boshqarmasiga qarashli mehmonxona, Karmana tumanida 8 ta (*"SILK ROAD PALACE"*, *"Registon"*, *"Parvoz"*, *"Zarafshon Grand"*, *"Hanjin Navoi Kompleks"*, *"Navoi Aeroporti"*, *"Hostel Karmana"*, *"Samo Yulduzi"*), Konimex tumanida 3 ta (*"Sputnik Navoiy"*, *"Golden Safari"*, *"Qizilqum Safari"*), Nurota tumanida 3 ta (*"Sentobiston"*, *"Sentob Shaxi Mustafo"*, *"Sentob Tagi Jar"*), Uchquduq tumanida 1 ta (*"Tog'chi"*)ni tashkil etadi. Viloyatdagi jami mehmonxonalar bir vaqtning o'zida 1500 nafar sayyohlarga xizmat ko'rsatish quvvatiga ega. O'tgan 2015 yilda viloyat hududiga jami 7150 nafar xorijiy sayyoh tashrif buyurgan (2014 yil 6548 nafar) yoki 2014 nisbatan 9,2 foizga oshgan.

2015 yilda viloyatda tadbirkorlik sub'ektlari tomonidan 3ta Karmana tumanida 2 ta (25 o'rinli *"Hostel Karmana"*, 15 o'rinli *"Samo Yulduzi"*) hamda Konimex tumanida 1 ta (60 o'rinli *"Golden Safari"*) mehmonxonalari qurilib foydalanishga topshirilib, buni alohida ta'kidlash lozimki, Navoiy viloyatida turizm sohasiga alohida e'tibor qaratilib, hududga tashrif buyurayotgan mahalliy va xorijiy sayyohlarga servis xizmatlarini ko'rsatish, ularga sifatli mehmonxona xizmatini ko'rsatish samarali yo'lga qo'yilmoqda. Shuningdek, O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidentining 2013 yil 17 apreldagi "2013-2016 yillarda qishloq joylarda xizmat ko'rsatish va servis sohasini jadal rivojlantirish yuzasidan qo'shimcha choratadbirlar to'g'risida"gi PQ-1957-sonli Qarori asosida Konimex tumani "Aydarko'l" tabiiy suv havzasi bo'yida 60 o'rinli xorijiy sayyohlarga xizmat qiluvchi o'tov lageri qurilib foydalanishga topshirildi. Shuningdek, bitta 80 o'rinli o'tov lageri qayta ta'mirlanib, 120 o'rinli o'tov lageriga aylantirildi.

Nurota tumani "Sentob" qishlog'ida barcha qulayliklarga ega bo'lgan 2 ta 30 o'rinli milliy uy va 1 ta 25 o'ringa mo'ljallangan mehmonxona qurilib foydalanishga topshirilgani hamda bugungi kunda tumanda turizm sohasining rivojlanishidan dalolat bermoqda.

Navbahor tumanidagi "Sarmishsoy" dasida xorijiy sayyohlarga xizmat ko'rsatish uchun "Navoiy Texno Planet" MCHJ tomonidan 2014 yildan-2018 yilga qadar jami 200 ta sayyohga mo'ljallangan 45 ta zamonaviy kottejlar qurilishi rejalashtirilgan bo'lib, 2015 yilda 4 ta kottej qurib bitkazilgan bo'lsa, 2016 yilda yana 11 ta kottej, 2017 yilda 40 yaqin kottej qurib foydalanishga topshirilishi rejalashtirilgan.

Xulosa sifatida shuni aytish mumkinki, Navoiy viloyatida turizm sohasini shakllantirish imkoniyatlarini tadqiq etishda ijobiy ko'rsatkichlar bilan birgalikda ushbu sohani rivojlantirishga oid quyidagi sohalarga e'tiborni qaratish maqsadga muvofiq bo'lardi:

siёsati, shuningdek, Livan va Falastinda ozodlik xarakatlarini kўllab-quvvatlash yaqqol kўzga tashlandi. Kўplab ekspertlar fikriga kўra, M.Axmadinajod tashki siёсий faoliyat sohasida prezidentning vaqolatlarini kengaytirishga xarakat kildi. Ushbu xarakat, ўz navbatida, prezident bilan mamlatning konservativ din vakillari ўrtasidagi munosabatlarini keskinlashuviga sabab bўldi. Chunki, uning prezident vaqolatlarini kengaytirishga bўlgan intiliши din vakillari ўrtasida ЭИРнинг asosiy tamoyili - "viloyate faqih"ga zid deb qaraldi. Шу туфайли 2009 йилдаги президентлик сайловларида M.Axmadinajodning siёсий mavkei sezilarli darajada pasaydi. Шунга қарамай, таъкидлаш ўринлики, M.Axmadinajodning "Этика ва адолат" номли ташки siёсий концепцияси тўлиқ равишда ислом динининг нормаларига асосланган бўлиб, мамлатнинг барча фуқароларини дин асосида бирлашиб, бир-бирига адолатли бўлишга чақирди. Шу билан бирга, M.Axmadinajod жаҳон ҳамжамиятини бутунги кундаги халқаро муносабатларни адолат нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишга чақирди. Халқаро муносабатлар борасида M.Axmadinajod ўзининг расмий чиқишларида "кўп кутбли дунё", "тенг ва адолатли давлатлараро муносабатлар" ва "куч ишлатишдан тийилиш" кабиларга алоҳида урғу берган бўлсада, uning tashki siёsatiда AQSh va Isroilga nisbatan keskin munosabat kuchaygan.

Бешинчи босқич (2013 йилдан ҳозирги кунгача) "Конструктив ҳамкорлик" даври. 2013 йилнинг август ойида Хасан Рухоний Президент этиб сайлангандан сўнг, у мамлакат ташки siёsati соҳасида кўплаб ислохотларни амалга оширди. Бу ҳолат биринчи навбатда янги президентнинг агрессив ташки siёсатдан воз кечиб, бошқа барча давлатлар билан мамлакатнинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда очик ҳамкорликка киришганлигида кўзга ташланди. Хусусан, янги президент ҳокимиятга келган кундан бошлаб Ғарб давлатлари билан қарама-қаршиликдан воз кечиб, икки ва кўп томонлама муносабатларда улар билан мамлакат манфаатларига зарар келтирмаган ҳолда яқинлашиш siёsатини илгари сурди. Шунингдек, у жаҳон ҳамжамияти ва минтақадаги давлатлар билан яқин ҳамкорликни ўрнатиб, Эронга nisbatan иқтисодий санкцияларни ечилишига ва ташки босимни камайтиришга харакат килди. Бугунги кунда кўплаб мутахассислар Х.Рухоний ўзининг "конструктив ҳамкорлик" концепциясидан келиб чиқиб, ташки siёсатда фаол либерал siёсатни амалга ошираётганини таъкидламоқдалар. "Конструктив ҳамкорлик" концепциясига кўра, Эрон ташки siёсатда бошқа давлатлар билан ўзаро хурмат ва тенглик асосида ҳамкорликни ривожлантиришни кўзлайди. Х.Рухоний фикрича, ушбу ҳамкорлик Эроннинг ўз миллий манфаатлари ва ҳуқуқларидан воз кечишини англамайди[8, С. 29].

Х.Рухоний мамлакатдаги иқтисодий кийинчиликларнинг олдини олиш, ишсизликка барҳам бериш ва давлатни иқтисодий изоляциядан чиқиши учун AQSh билан келишувга бориш зарур деб билди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўз вақтида А.Хомейний Америка билан алоқаларнинг узилганлиги uning abadiy davom этишини англамаслигини кайд этиб ўтган эди[9, С. 29]. Натижада, 2016 йилда Эрон ташки siёсатининг устувор масалаларидан бири

бўлмиш, ядровий дастур бўйича келишувга эришилди ва Фарб давлатлари томонидан расмий Техронга жорий этилган санкциялар қисман ечилди. Бунга эса, бугунги кунда ЭИР ташқи сиёсатининг улкан ютуғи деб айтиш мумкин.

Хулоса ўрнида ЭИР ташқи сиёсатининг шаклланишини инқилобдан бугунги кунгача бўлган даврини атрофлича таҳлил этган ҳолда, шунга айтиш мумкинки, Эрон ўз ташқи сиёсатида доимо минтақада етакчи давлат бўлишга интилиб келган. Шунингдек, бугунги кунда ЭИРнинг ташқи сиёсий стратегияси либераллашиб бориши билан бир қаторда, халқаро муносабатларга ўз таъсирини ўтказиши кучайиб бормоқда.

NAVOIY VILOYATI IJTIMOIIY SOHALARINI RIVOJLANISH ISTIQBOLLARI

Jumayeva M.B.

Navoiy davlat pedagogika instituti

Navoiy viloyati iqtisodiyotining istiqboli sanoatning tarmoqlar tarkibini takomillashtirish, yengil va oziq-ovqat sanoatini rivojlantirish, agrar sohani mustahkamlash, transport tizimini yaxshilash bilan bog'liq. Shuningdek, qishloq infratuzilmasini va sanoatini rivojlantirish, mehnat resurslaridan to'laroq foydalanish. Mintaqamizda ishlab chiqarish suratlarining o'sish va sanoat tarmoqlarining rivojlanishi iqtisodiyotning istiqbolini belgilab berarkan. Shu qatori ijtimoiy sohalarini rivojlanishi, aholi turmush tarzining yaxshilanishiga sabab bo'ladi. Navoiy viloyati katta hududiy va hozircha to'la o'rganilmagan mineral xom ashyo zahiralarga ega.

Aholining turmush sharoitlarini yaxshilashda xizmat ko'rsatish sohalarini yoki boshqacha qilib aytganda, ijtimoiy infrastrukturaning ahamiyati katta. Xizmat ko'rsatish sohalarini aholining turli-tuman moddiy, ma'naviy ko'rinishidagi ehtiyojlarini qondirishga xizmat qiluvchi sohalar va ularning muassasalarini qamrab oladi. Har bir xizmat ko'rsatish sohasi o'z navbatida ko'plab turlicha xususiyat va ko'rinishga ega bo'lgan xizmatlar turlaridan tashkil topgan. Binobarin, ularni guruhlash, tasniflash, shakllanishi, hududiy tashkil etilishi, zamonaviy holati hamda kelajak rivojlanishi masalalarini tadqiq etish katta ilmiy va amaliy ahamiyat kasb etadi. Keyingi o'n yillikda O'zbekistonda ham mamlakat rahbariyati tomonidan aholining turmush sharoitlarini yaxshilash, ayniqsa mamlakat aholisining katta qismi yashaydigan qishloq joylarning ijtimoiy va iqtisodiy infrastruktura sharoitlarini yuksaltirishga katta e'tibor qaratilmoqda. Aholiga xizmat ko'rsatish sohalarini o'rganishda har bir sohaga xos tarmoq fanlari, iqtisodiyot, sotsiologiya va boshqa fanlar bilan bir qatorda geografiya ham alohida o'rinni egallaydi. Chunki, xizmat ko'rsatish sohalarini muassasalarining joylashuvi va xizmat ko'rsatish darajasini aholining joylashuvi va ehtiyojlarini darajasiga mosligi orasidagi tafovutlarni aniqlashda aholiga xizmat ko'rsatish sohalarini roli katta.

Chunonchi, birinчисida xizmat ko'rsatish sohalarini xo'jalik tarmoqlari sifatida iqtisodiy nuqtai nazardan o'rganiladi, ya'ni bu yerda eng avvalo kam xarajat sarflangan holda, ko'proq foyda olishga asosiy e'tibor qaratilsa, ijtimoiy yondoshuvga ko'ra xizmat ko'rsatish sohalarini — bu eng avvalo aholining turmush sharoitlari, turmush darajasining muhim sharti sifatida tushuniladi. Agarda, xizmat ko'rsatish muassasalarini muayyan bir hududda vujudga kelishi, shakllanishi va

chikarilaётган газларни тозаловчи қурилмаларни янгилаб мўрилар баландлигини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, шаҳар ичида жойлашган кимё саноат корхоналарини четга чиқариш ҳам муҳим омиллардан биридир. Бу соҳада дастлабки кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Аввало, фаолияти давомида ҳавони ифлослантириб турган “Фарғонаёғмой”, “Фарғонагазаппарат” корхоналари, фуран бирикмалари заводи шаҳар ташқарисига кўчирилди.

Бундан ташқари шаҳардаги кекса дарахтлар ўрнига ҳавони тозалаш хусусияти эга бўлган каштан, дуб, япон сафораси каби дарахт ва буталарнинг 30 мингдан ортиқ кўчатлари ўтказилди, ноёб гул турлари келтирилиб, гулзорлар барпо қилинди. Чунки ҳавонинг мусаффолиги табиат мувозанатининг, инсон саломатлигининг гаровидир.

NAVOIY VILOYATIDA TURIZM SOHASINI RIVOJLANTIRISHDA MEHMONXONA XIZMATINING AHAMIYATI

Oblaqulov H.A.

Navoiy davlat pedagogika instituti

Mustaqillik yillarida Navoiy viloyatida turizmning hudud iqtisodiyoti tiga ta'siri oshib bormoqda. Bunda albatta turizm faoliyati bilan shug'ullanuvchi firmalar, tashkilotlar, sayyohlik agentlarining o'rni beqiyos. Shuni alohida ta'kidlash lozimki, Navoiy viloyatida turizm sohasiga alohida e'tibor qaratilib, hududga tashrif buyurayotgan mahalliy va xorijiy sayyohlarga servis xizmatlarini ko'rsatish, ularga sifatli mehmonxona xizmatini tashkil etish samarali yo'lga qo'yilmoqda.

Turistik xizmatni taqdim etuvchi tashkilotlar soni yildan - yilga oshib bormoqda. Viloyatida turizm sohasini rivojlantirish uchun qulay shart-sharoitlar yuzaga kelayotganligi uning iqtisodiyotida tutgan o'rning yildan-yilga tobora ortib borishi hamda mamlakat iqtisodiyotidagi o'rni ham muhim ahamiyat kasb etmoqda. Jahon iqtisodiyoti tajribasidan ma'lumki, turizm mamlakat iqtisodiyoti uchun zarur bo'lgan valyuta tushumini ta'minlash, yangi ish joylarini vujudga keltirish va shu bilan birga aholining turmush darajasini ko'tarish uchun xizmat qiladi.

Navoiy viloyatining geografik o'rni qulay, ajoyib tabiiy iqlim sharoitiga ega ekanligidan tashqari, uning insoniyat taraqqiyotidagi o'rni ham beqiyos. Navoiy shahri ham Samarqand, Buxoro, Xiva shaharlari kabi nodir tarixiy arxitektura yodgorliklariga, shirin-shakar mevalar, xilma-xil taomlar, ajoyib milliy an'ana, urf-odatga ega bo'lgan mehmondo'st aholisiga ega. Bularning barchasi xorijiy turistlar e'tiborini o'ziga tortadi va kishilarni lol qoldiradi.

Viloyatining turistik salohiyatini rivojlantirish yuzasidan keyingi yillarda olib borilgan qator tadbirlar natijasida transport, kommunikatsiya, servis xizmati ko'rsatish tarmoqlari takomillashmoqda. Birgina O'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidentining “Navoiy viloyatida erkin industrial - iqtisodiy zona tashkil etish to'g'risida”gi Farmonining qabul qilinishi va uning ijrosi nafaqat iqtisodiyotga balki turizmning rivojlanishiga ham ijobiy ta'sir etadi. Chunki Navoiy viloyatining turistik resurslar imkoniyatlaridan foydalanish va viloyatga yaqin bo'lgan turistik shaharlar Samarqand va Buxoroning resurslaridan ham foydalanishga imkon beradi.

Ҳозирга даврда йирик шаҳарларда тўпланиб қолаётган турли саноат, маиший-хўжалик чиқиндилари шаҳарлардаги экологик вазиятга сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Ҳар бир шаҳар аҳолиси жон бошига сутка мобайнида ўртача 1 кг ахлат тўпланса, дунё бўйича бу миқдорни қанчага етишини тасаввур этиш мумкин.

Фарғона шаҳри, Ўзбекистонда йирик саноат корхоналари жойлашган шаҳарлардан бири ҳисобланади. Шаҳар саноат тармоқлари орасида кимё, нефтни қайта ишлаш, машинасозлик саноат корхоналари алоҳида ўринга эга. Бу саноат корхоналаридан чиқаётган чиқинди газлар миқдори меъёридан юқоридир. Ўзбекистон Давлат ҳисоблаш марказининг маълумотларига кўра бир йилда Фарғона худудига жами чиқарилаётган чиқинди газлар ва захарли аралашмалар миқдори 3, 21 млн тоннани ташкил қилинган кўрсатилган.

Атмосферага ўзининг энг кўп чиқинди газларини чиқараётган соҳа бу кимё саноати бўлиб, йилига атмосферага 230 минг тонна, углевод оксиди ва унинг чанги 40-50 минг тонна, олтингугуртли ва азот оксидли газлар 20-35 минг тоннани ташкил қилади, шаҳарнинг атмосфера ҳавосига „Иссиқлик энергияси“ ишлаб чиқарувчи корхона, „ФНҚИЗ“, „Фарғона азот“ ва „Фарғона сунъий чарм“ заводларининг таъсири катта бўлиб, бундан ўз навбатида худуднинг ҳаво, сув, тупроқ, ва инсонларга салбий таъсирини кузатишимиз мумкин. Инсонлар нафас олиш аъзолари сил, ўпка раки, ўпка яллиғланиши, бронхит, юрак қон томир вааллергик касалларга дучор бўлмоқда. Бу эса захарли газларнинг инсон ҳаётига салбий таъсирини яққол намунаси ҳисобланади.

Фарғона шаҳрида ҳаракатдаги ва турғун манбаалардан атроф-муҳитга 14 хилдаги зарарли моддалар чиқарилади ва бу зарарли чиқиндиларни ичида энг кўп тарқалгани саноат чиқиндилари. Олтингугурт оксиди, формалдегин, азот II оксиди амиак 3-4 бенз(а) пирен ва бошқалардир. Фарғона водийсида санитария зоналарини ташкил қилиш талаб этилади. Лекин шаҳарнинг ўзига хос табиий ҳусусиятларини тўлиқ инобатга олган ҳолда, уларни саноат корхоналари атрофида ташкил қилишнинг илмий асосини ишлаб чиқиш зарурдир. Қуруқ иқлим шароитида саноат корхоналаридан чиқаётган чиқиндилар таъсирини инобатга олган ҳолда кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Шаҳарлардаги атмосфера ҳавосига чиқарилаётган чанг ва газ миқдорларини камайтиришга эришиш, зарарли чиқиндиларни сув ва тупроққа сингдиришни камайтириш мақсадида турли хил чора-тадбирлар белгиланмоқда бу эса санитария –муҳофаза зоналарини ташкил қилишда саноат корхоналарнинг атроф-муҳитга чиқараётган чиқиндиларнинг кимёвий таркиби ва қаттиқ моддалар турини эътиборга олган ҳолда лойиҳалаштириш ва жойлаштириш лозим. Чунки санитария ҳимоя зонасидаги ўсимликлар бевосита шу корхоналардан чиқараётган чиқиндиларга чидамли бўлган ўсимликлардан таркиб топиш лозим.

Фарғона шаҳри атмосфера ҳавосини турли ингридентлар билан кучли ифлосланишини олдини олиш мақсадида мавжуд саноат корхоналардаги технологик қурилмаларнинг эски моделини ўрнига янгисини қуриш, улардан

kelajakda rivojlanish qonuniyatlarini e'tiborga olinsa, u holda bizningcha uchinchi, ya'ni hududiy yondoshuvni ham aniqlash mumkin. Xizmat ko'rsatish sohalarining viloyatimizda jonlanishini o'tgan asrning 90 - yillardan boshlab kuzatish mumkin.

Aholiga xizmat ko'rsatish sohalari ijtimoiy-qtisodiy geografyaning o'ziga xos tarmog'i bo'lib, xizmatlarga bo'lgan ehtiyojlar va ularning qondirilishi darajasidagi hududiy tafovutlar va shuningdek, xizmat ko'rsatish sohalarini tabiiy ijtimoiy, iqtisodiy, demografik hamda turlicha aholi joylashuvi shakllaridahududiy tashkil etilib bu masalalarini ijobiy hal etilmoqda va rivojlantirilmoqda.

Aholiga xizmat ko'rsatish sohalarini ikki yo'nalishga ajratish mumkin: birinchisida tarmoq, ya'ni xizmat ko'rsatish sohalari alohida olingan holda o'rganilsa, masalan, aholiga tibbiy xizmat ko'rsatish, ikkinchi yo'nalish - xududiy majmualii, ya'ni bunda xizmat ko'rsatish sohalari bir butun holda va ma'lum bir hududda tashkil qilinadi.

Pullik xizmatlarning asosiy qismi Navoiy shahri hissasiga to'g'ri keladi. O'tgan yilga nisbatan 115,6 foizga o'sganligini kuzatishimiz mumkin. Aholi jon boshiga hisoblaganda 1742,7 ming so'mni tashkil etgan. Bu ko'rsatkich o'tgan yilga nisbatan 115,2 foiz ko'rsatkichni tashkil etgan.

Tumanlarda pullik xizmat ko'rsatish hajmi bo'yicha Karmana, Qiziltepa, Xatirchi tumanlarida bir muncha yuqori. Navbahor, Nurota, Uchquduq kiyengi o'rnlarini tashkil etadi. Viloyat bo'yicha eng past ko'rsatkich konimex va Tomdi tumanlariga to'g'ri keladi.

Aholiga pullik xizmatlar ko'rsatish bo'yicha kiyingi ko'rsatkich Zarafshon shahri hissasiga to'g'ri keladi: 42586,6 mln so'm. O'tgan yilga nisbatan 116,7 foizni, aholi jon boshiga hisoblaganda esa 577,8 ming so'm ko'rsatadi. O'tgan yilga nisbatan 116,4 foizni tashkil etadi. Navoiy viloyatida bugungi kunda aholiga xizmat ko'rsatish sohalari jadal sur'atlar bilan rivojlanmoqda. Faoliyat yuritayotgan madaniyat uylari quyidagilarni tashkil etadi. Viloyatda jami faoliyat yuritayotgan teleradio kompaniyalari soni 3 tani tashkil etadi. Gazetalar soni esa hozirda 36 ta turni tashkil etadi. Muzeylar soni 10. Aholiga madaniy xordiq chiqarishlar uchun viloyatda 10 ta istirohat bog'lari ishlab turibdi. Ularning deyarli barchasi qaytadan ta'mirlandi. Viloyatda aholiga xizmat ko'rsatayotgan jami kutubxonalar soni 102 tani tashkil etadi. Viloyatda axborot resurs markazlari 96 ta. Hududda 1 ta ko'zi ojizlar kutubxonasi mavjud. Boshqa vazirlik va idoralar kutubxonalarini 4 tani tashkil etadi. Kutubxonadagi jami kitoblar fondi 2340,5 ming nusxani tashkil etadi. Foydalanuvchi kitobxonlar hajmi 359,9 mingdan oshiq. Hududlar bo'yicha madaniyat uylari quyidagicha joylashgan. Viloyatda 2 ta mehribonlik uylari faoliyat yuritib kelmoqda.

Navoiy viloyati ijtimoiy va iqtisodiy sohalarining shahar va tumanlar bo'yicha asosiy rivojlanish ko'rsatkichlarini ko'rib chiqadigan bo'lsak: Navoiy shahri asosan rangli metallurgiya, kimyo, mashinasozlik, qurilish materiallari kabi sanoat tarmoqlari rivojlangan. Shu bilan birga ijtimoiy sohalarning rivojlanishiga katta e'tibor qaratildi; Zarafshon shahri iqtisodiyoti bevosita rangli metallurgiya sanoati bilan bog'liq; Xatirchi tumani asosan yengil, oziq-ovqat, dehqonchilik, bog'dorchilik, qo'ychilik; Navbahor tumani yengil, oziq-ovqat, dehqonchilik; Qiziltepa tumani qurilish, yengil, oziq-ovqat, dehqonchilik, chorvachilik sohalari rivojlangan.

ШАҲАР АТРОФИ ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА ИЛМИЙ–НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАРГА АЛОҚАДОР МАСАЛАЛАР

Исломов И.Н., Афенов Н.Н.

Тошкент давлат педагогика университети

XX асрнинг сўнги йиллари ва XXI асрнинг дастлабки даврида шаҳар атрофи худудида жойлашган хўжаликларнинг ривожланиши, ихтисослашувининг ўзгаришини ўрганишга бўлган қизиқиш яна ҳам кучайди. Бунинг асосий сабабларидан бири дунёда давлат умумхалқ мулкига асосланган режали иқтисодиётдан тараққиётнинг бозор моделини танлаб олган мамлакатлар гуруҳининг вужудга келиши билан боғланади.

Шунинг учун ҳам мазкур йўналишдаги тадқиқотларнинг кўпчилигини ўтиши иқтисодиётга эга мамлакатларнинг ҳиссасига тўғри келаётганлиги бежиз эмас. Бу ўринда айниқса Россия олимлари катта фаоллик кўсатаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур.

Россия олимлари, педагоглари томонидан 2001 йилда чоп этилган «Экономическая и социальная география России» деб номланган дарсликда шундай таъкидланган: «Йирик шаҳар аҳолисининг кам транспортабель, янги озик–овқат маҳсулотларига бўлган талабларнинг ўсиб бориши, уларга худуддан яқин бўлган атроф районларда интенсив типдаги қишлоқ хўжалик корхоналари шакллантиришни тақозо этмоқда.

Бунда хўжалик типлари ихтисослашувини шаклланишга шаҳарларнинг катталиги, уларни табиат зоналари ва районларига нисбатан жойлашганлиги, худудни ўзлаштирганлик даражаси айниқса катта таъсир кўрсатади.

Аҳолининг сони бир миллиондан ортиқ бўлган шаҳарлар атрофида турли хил типдаги юқори интенсив хўжаликлар шаклланимоқда. Улар алоҳида типдаги қишлоқ хўжалиги районларига ажратилмоқда.

Демак, катта, йирик ва жуда йирик шаҳарлар атрофи қишлоқ хўжалиги алоҳида типдаги қишлоқ хўжалиги районларига ажратилади. Ўзбекистонда ана шундай қишлоқ хўжалиги райони Тошкент шаҳри атрофида мавжуд. Унда Тошкент вилояти ёки бошқа вилоятлардан фарқли ўлароқ пахтачилик ёки дончилик ривожланмаган. Районда юқори интенсив ва катта товар аҳамиятига эга тармоқлар сабзотчилик (сабзи, кўкатлар, қулупнай, помидор, бодринг, қизил лавлаги, шолғом, турп ва бошқалар), картошка етиштириш, боғдорчилик ва узумчилик кенг тарқалган сабзавотларнинг баъзи бир турлари, лимон ҳамда турли хил гулларни етиштиришга имкон берувчи иссиқхона ва парник хўжалиги кенг тарқалган.

Бу ўринда Беларусиялик олим Н. Н. Гурич фикрига қўшилиш мумкин, у шундай деб таъкидлайди; турли хил интенсивлик даражасидаги алоқаларга эга «Шаҳар маркази» билан унга тортилувчи қишлоқ худудларни қишлоқ аҳоли пунктларини ва хўжалик тармоқларининг ривожланишига салмоқли таъсир кўрсатади. Бунинг оқибатида икки турдаги аҳоли пунктлари ва хўжаликлар, яъни «Шаҳар атрофидаги» ва «Олис типдаги тизимлар» бир- бирдан ажралиб туради. Шаҳар атрофи қишлоқ жойлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдан ташқари, асосий шаҳарнинг халқ хўжалиги мажмуи билан узвий алоқададир.

Вилоятда 1045 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд, қишлоқ фуқаролар йиғинлари 148 та. Деҳқонobod, Қамаш, Қитоб, Қироқчи, Шаҳрисабз ва Яққабogʻ туманларининг ҳар бирда 100 дан ортиқ қишлоқлар бор (eng koʻpi Қитоб туманида - 144 та). Сон boʻyicha eng oz қишлоқлар Муборак (15 та), Миршкор (23 та) ва Ншон (30 та) туманларида. Бу maʼmuriy hududlarning barchasi yangi yerlarni oʻzlashtirish munosabati bilan tashkil etilgan.

Қишлоқ аҳоли ва аҳоли пунктлари географиясининг асосий хусусиятлари табиий шароит ва унинг taʼsirida xoʻjalik tar-moqlarining hududiy tashkil etilishi va ixtisoslashuvi bilan tavsiflanadi. Masalan, Shahrisabz guruh tumanlarida nisbatan katta qishloqlar, togʻ va togʻoldi hududlarda esa kichikroq qishloqlar joylashgan.

Вилоят қишлоқ аҳоли географиясини асосан oʻrta darajadagi қишлоқлар, yaʼni har birida 1000-3000 аҳоли бор аҳоли манзилгоҳлари белгилан beradi. Bunday қишлоқлар soni 474 та yoki jami қишлоқларнинг 45,4 foizini tashkil qilib, ular viloyat umumiy қишлоқ aholisining 53,3 foizini oʻzida mujassamlashtiradi. Katta қишлоқларнинг demografik salohiyati esa 21,7 foizga teng. Demak, oʻrta va katta қишлоқларда deyarli 4/5 mintaqa aholisi yashaydi. Shu bilan birga qayd etish joizki, 500 kishigacha boʻlgan қишлоқлар soni ham kam emas - 175 та, ammo ularda bor-yoʻgʻi 4 foizdan ortiq аҳоли yashaydi, xolos.

Maʼlumki, “Sogʻlom ona va bola yili” dasturida koʻrsatilgan tadbirlarni amalga oshirishda, xususan taʼlim, sogʻliqni saqlash va boshqa ijtimoiy infratuzilmalarni hududiy tashkil etish va rivojlantirishda, eng avvalo, аҳоли punktларининг katta-kichikligi muhim ahamiyatga ega. Shu nuqtai nazardan bunday қишлоқларда mazkur muammolarni hal qilish ancha dolzarb hisoblanadi.

АТРОФ МУҲИТНИНГ ИФЛОСЛАНИШИ ВА СОҒЛИКНИ САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Нугманова А.А., Абдуллаев Д.И., Аманбаева З.А.*

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Табиат — оламнинг, моддий дунёнинг бир қисми, ер юзидаги мавжудотнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш манбаи. Табиат билан жамият чамбарчас боғланган. Инсон ўзига керакли ҳамма нарсани табиатдан олади ва ўзи ҳам шу табиатда мавжуд.

Лекин инсонларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири натижасида бир қатор экологик муаммолар келиб чиқмоқда. Иқлимнинг ўзгариши, атмосферанинг ифлосланиши, озон қатламининг емирилиши ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундай глобал муаммоларнинг келиб чиқиши, нафақат она табиатга салбий таъсир ўткази, балки жамики мавжудот, инсонлар соғлиғига ҳам катта ҳавф солиб келмоқда.

Абу Бакр Розий таъкидлаганидек, табиатнинг бекиёслигини тан олмоқ, уни ҳурмат қилмоқ, асраш керак. Кишининг қанчалик соғлом, носоғлом бўлиши ҳаво, иқлим ва яшаш тарзига боғлиқдир.

* Нугманова А.А. – Низомий номидаги ТДПУ, катта ўқитувчи
Абдуллаев Д.И. – Зангиота тумани МБ, ходим
Аманбаева З.А. – Низомий номидаги ТДПУ, доцент.

daraja 2000 yilda Chiroqchi tumanida bo'lib, u bu yerda yaqin 34 kishiga barobar (O'zbekistonda oldingi o'rinlarda). Muborak tumanida ham tug'ilish ancha yuqori – 30,7 %. Ayni vaqtda umumiy tug'ilish koeffitsiyenti Shahrisabz tumanida past, Qarshi shahrida esa u 16,7 promille. 2016 yilda ham Chiroqchi tumani tug'ilish koeffitsiyenti bo'yicha ajralib turadi (29,8 %). Qolgan qishloq tumanlari orasida katta farq kuzatilmaydi. Viloyat markazi – Qarshi shahrida tug'ilish 20,1 promille.

Aholi o'lim koeffitsiyentida ham katta raqamlar qayd etilmaydi. U 2016 yilda Qamashi va G'uzor tumanlarida 4,4 %, Muborakda 4,2 % ko'rsatgan. Aholi tabiiy harakatining yakuni, ya'ni tabiiy ko'payish esa ko'proq tug'ilish darajasi ta'sirida shakllangan, eng yuqorisi Chiroqchida (24,8 %), eng pasti G'uzorda (19,6 %) qayd etiladi. Shunday qilib, tug'ilishning yuqoriligi, o'lim ko'rsatkichining ancha pastligi viloyatda aholi sonining tez o'sishiga olib keladi.

Migratsiyaning aholi soni o'sishiga ta'siri uncha kuchli bo'lmasada, u salbiy. Masalan, 1997 yilda shahar joylarda migratsiya qoldig'i minus 1440, 1998 yilda 1765 kishini tashkil etgan. Qishloq joylarda bu ko'rsatkich, yuqoridagilarga mos holda, minus 2910 va 2205 kishidan iborat bo'lgan. 2015 yil natijalariga ko'ra, har ming kishi hisobiga Nishon tumaniga 12,9 kishi kelgan va 18,7 kishi ketgan, migratsiya qoldig'i minus 5,8 kishini tashkil etgan. Qarshi tumanida kelish koeffitsiyenti 13,1 ketish 33,8 promille, migratsiya natijasi minus 20,7 promille. Qizig'i shundaki, Qashqadaryo viloyatining qolgan aksariyat qishloq tumanlarida aholi migratsiyasining natijasi 2015 yilda ijobiy bo'lgan. Masalan, 2015 yilda viloyatga kelganlar 34,6 ketganlar 35,1 promille, migratsiya qoldig'i minus 0,5 %. Manfiy ko'rsatkichlar Qamashi, Qarshi, Koson, Kitob va Nishon tumanlarida qayd etilgan. Shu bilan birga ta'kidlash joizki, Quyi mintaqaning ayrim tumanlarini aholisi (masalan, Muborak, Kasbi, Nishon, Mirishkor) asosan migratsiya natijasida shakllangan.

Mehnat resurslarining shakllanishi aholining yoshi va jinsiy tarkibiga bog'liq. 1959 – yilda o'tkazilgan aholi ro'yxati yakuniga ko'ra erkaklar viloyat aholisi tarkibida 48,1 % ni tashkil etgan. Hozirgi paytda viloyat aholisining 50,4 % ini erkaklar va 49,6 % ini ayollar tashkil etadi.

Viloyatning umumiy urbanizatsiya darajasi 43,3 % - bu respublika ko'rsatkichidan ancha past (51,7 %). Bu yerda hammasi bo'lib 12 shahar va 123 ta shaharcha bor. Ulardan Qarshi O'zbekistonning 17 katta shaharlari qatoriga kiradi (264,6 ming kishi, 2016 y.).

2009 yilda “Qishloq taraqqiyoti va farovonligi ” Davlat dasturini qabul qilinishi munosabati bilan viloyatning 119 ta qishloq aholi punktlariga shaharcha maqomi berilgan. Natijada, umumiy urbanizatsiya darajasi 2008 yildagi 24,6 foizga teng bo'lgani holda, u birdaniga 19,0 foizga ortdi. Yangi shaharchalar (agrosaharchalar), ayniqsa Shahrisabz, Qarshi, Kitob va Yakkabog' tumanlarida ko'p. Jumladan, Shahrisabzda bunday maqomga 18 ta, Qarshida 15, Kitobda 14, Yakkabog'da 13 ta qishloqlar ega bo'lgan.

Ma'lumki, Qashqadaryoning yuqori zonasida joylashgan qishloq tumanlarida intensiv sug'orma dehqonchilik yaxshi rivojlangan va shu asosda aholi zich, katta-katta qishloqlar shakllangan.

Шахарлар ўзларининг орқасидан кишлоқни олиб боради. Шахарлар, кишлоқлар иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг кишлоқ жойини такомиллаштиришнинг ҳал қилувчи омилidir.

В.И.Федосеевнинг «Сельское население региона» деб номланган монографиясининг 8.2 қисми тўлиқ шаҳарларни кишлоқ районлари иқтисодий–ижтимоий хусусиятларига таъсирини баҳолашга бағишланган. (Влияние городов на социально–экономические особенности сельских районов).

Унда куйидагилар таъкидланган: Шаҳарларни кишлоқ жойлари ривожланишга бўлган таъсирини ўсиши ва уни ҳудудий фарқланишини ҳисобга олган ҳолда кишлоқ жойларини ва транспорт йўлларидаги узоқ яқинлигини уларнинг кечаётган демографик ва социал-иқтисодий ривожланишга таъсирини таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади.

Районларни жойлашувидаги фарқларни баҳолаш натижаси бўлиб, уларни айрим гуруҳларга тақсимлашга хизмат қилади. Жуда йирик ва йирик «миллионер» шаҳарга нисбатан кишлоқ жойларини улардаги шаҳар, шаҳарча ва кишлоқларни олис четдаги, узоқдаги ва шаҳар атрофидаги гуруҳларга бўлиш мумкин.

Трушков В. В. ўзининг «Население города и пригорода» деб номланган монографиясида шундай ёзган; «Шаҳар атрофи нисбатан мустақилликка эга. У агломерация марказига таъсир қилиши мумкин. Ушбу таъсир куйидагичадир:

- йирик шаҳарни ишчи кучи билан таъминлайди, шаҳар аҳолиси ўсишининг манбаларидан бири бўлиб хизмат қилади, шаҳар турмуш тарзидан фойдаланади (аввало маънавият ва маърифат соҳасида) ва бошқалар.

- шаҳар атрофи зонасини белгилаш учун функционал ёндашув энг самарали усулдир. Шу йўл билан мезонлар каби куйидагиларни илгари суриш мумкин;

- шаҳар атроф хўжалиги биринчидан, агломерация марказида ривожланган ишлаб чиқариш билан функционал жиҳатдан боғланган (ассосий корхоналарнинг цехлари, транспорт парки, омборхоналари, портлар ва бошқалар);

- шаҳар атрофи зонасига ҳуқуқий мақомга эга унга хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг мавжудлиги асосий шароитлардан бири. Бу қурилиш материаллари саноат корхонаси бўлиши мумкин. Бундай вазифаларни аграр мажмуалари ҳам бажаради;

- шаҳар атрофига марказий шаҳар билан меҳнат ресурсларининг алмашинуви хосдир.

Шаҳар билан унинг атрофидаги шаҳар аҳоли пунктлари ва кишлоқ жойлари ўртасидаги алоқадорлик масалалари йирик олим Г.М.Лаппо эътиборидан ҳам четда қолмаган. У шундай деб таъкидлаган: «Шаҳарни география нуктаи назаридан тадқиқ этиш уни ундан ҳам каттароқ таркибий қисми, ҳудудий меҳнат тақсимотининг чуқурлашиши ва аҳоли пунктлари тизимини мукамаллашиб бориши билан ҳамоханг ҳолда ривожланиб боровчи

худудий ижтимоий тизимларнинг қисми сифатида қабул қилинишини англади».

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШИДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ХУДУДЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Игамкулова Ш.

Тошкент давлат педагогика университети

Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир худудий-маъмурий бўлинмалари ҳам унинг иқтисодий ривожини учун аҳамиятли ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодий минтақалари орасида Жиззах вилоятининг ўз ўрни бор.

Жиззах вилояти Ўзбекистоннинг марказий қисмида жойлашган вилоят бўлиб, шимолидан Қозоғистон, жануби-шарқдан Тожикистон Республикаси каби ташқи, шарқдан Сирдарё, шимоли-ғарбдан Навоий, жануби-ғарбдан Самарқанд вилоятлари каби ички қўшниларга эга. Қўриқ турибдики, Жиззах вилояти географик ўрнининг “марказийлиги” ва трансчегаравийлиги унинг тарихий, иқтисодий ва сиёсий ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилган. Шу билан бирга вилоят иқтисодиётининг ривожланишида, ишлаб чиқариш тармоқларини худудий ташкил этишда ҳам ашё, иқлим ва сув шароити, географик ўрин, меҳнат ресурслари, транспорт омилларининг аҳамияти катта.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосий мезони ҳисобланган ЯММнинг тармоқ таркибига эътибор қаратилса, унинг 32,6 кишлоқ хўжалиги, 12,6% саноат, 8,3% қурилиш, 3,2% солиқ, 9,2% савдо ва умумий овқатланиш, 8,7% транспорт ва алоқа, 25,4% турли хизматлар яратганлигини кўриш мумкин. Ушбу кўрсаткич 2010 йил маълумотлари билан таққосланганда қатор соҳаларда ижобий ўзгаришлар бўлганлигини кўриш мумкин. Саноат ишлаб чиқариши (2010 йил 6,6 % бўлган), қурилиш (7,7%) деярли икки баробар ўсган ҳолда кишлоқ хўжалиги 42,7%дан 32,6 %га камайган. Шу билан бирга транспорт ва алоқа (7,7 %), савдо ва умумий овқатланиш (6,8 %), солиқлар (3,5 %) каби соҳаларда ҳам ўсиш қайд қилинган.

Вилоят ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги юз берган ўзгаришлар биринчи навбатда олиб борилаётган иқтисодий ислохатлар билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йил 19-20 апрель кунлари Хитойнинг Халқ Республикасига давлат ташрифи давомида икки давлат ўртасида иқтисодий-ижтимоий ҳамкорлик борасида Жиззах вилоятида Хитой юқори технологиялари асосида саноат паркинни ташкил этиш лойиҳасини амалга ошириш юзасидан келишиб олинган эди. Айнан шу мақсадда 2013 йил 18 мартда имзоланган “«Жиззах» махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида”ги ПФ-4516-сонли Фармони вилоят иқтисодиёти ривожини учун катта аҳамиятга эга бўлди. Махсус индустриал зоналар эркин иқтисодий худудларнинг (ЭИХ) маълум бир шакли ҳисобланади. Маълумки, ЭИХлар мамлакат ичидаги махсус худуд бўлиб, унда чет эл сармоясини жалб этиш асосида фақат экспортга мўлжалланган товар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун юқори самарали зарур барча шарт-шароитлар яратилади. Бунда хўжалик фаолияти юритиш учун турли имтиёзлар (экспорт-

туристларни қабул қилиб олувчи Бутун иттифок акционерлар ташкилоти «Отель» ташкил этилди. Унинг таркибига 17 та отеллар кирган бўлиб, улар турли шаҳарларда жойлашган эди. Йирик шаҳарларда эса биринчи тоифали меҳмонхоналар қурила бошланди. Жумладан, Москва шаҳрида – «Националь», «Метрополь», Санкт – Петербургда – «Астория», «Европа». 1980 йиллардан бошлаб халқаро туризм халқаро иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим, доимий, барқарор ривожланиб бораётган соҳасига айлана бошлади.

Бугунги кунда Россия Федерацияси туризм саноатини ривожлантириш ва халқаро туристларни жалб қилиш бўйича жаҳонда юқори салоҳиятга эга. Россия Федерациясининг параллел ва меридионал йўналишда узоқ масофага чўзилганлиги бу ерда туризмни деярли барча турларини ривожлантириш имкониятини яратади.

QASHQADARYO VILOYATI AHOLISINI GEOGRAFIK O'RGANISHNING AYRIM MASALALARI

Murodova D.S.*

Qarshi davlat universiteti

Qashqadaryo viloyati O'zbekistonning janubida joylashgan, maydoni 28,6 ming kv.km bo'lib, mamlakat hududining 6,4 % ini tashkil etadi. Viloyat aholisi 3089,4 ming kishini tashkil etadi, shu jumladan qishloq aholisi 1762,8 ming kishi, shahar aholisi 1326,6 ming kishi. Aholi soniga ko'ra Qashqadaryo viloyati mamlakatda Samarqand va Farg'ona viloyatlaridan keyingi uchinchi o'rinda turadi. Aholining zichligi har bir kv.km ga 108 kishini tashkil etadi.

O'tmishda Buxoro amirligi tarkibida bo'lgan Qashqadaryoda 1926 yilga qadar aholi ro'yxatga olinmagan. M.Qoraxonovning (1965y) tadqiqotlariga ko'ra 1897 yilda hozirgi Qashqadaryo viloyati hududida taxminan 540 ming aholi istiqomat qilgan bo'lib, shundan qariyb 30 ming kishi shahar aholisiga mansub bo'lgan. 1926 yilda o'tkazilgan aholi ro'yxati ma'lumotlariga ko'ra Qashqadaryo viloyatining aholisi 343,5 ming kishiga yetgan (shahar aholisi-39,1 ming kishi, qishloq aholisi-304,4 ming kishi). 1926-1939 yillar mobaynida viloyatda aholining umumiy soni 118,1 ming kishiga ko'paydi yoki aholining yillik o'sishi 2,6 % ni tashkil etdi va viloyat aholisining soni 459,6 ming kishiga yetdi. 1926-1939 yillarda viloyatda ishlab chiqarish kuchlarining kam rivojlanganligi hamda chetdan keladigan aholi harakatining kam bo'lishi tufayli aholining yillik o'sish darajasi mamlakatdagiga nisbatan past bo'lgan. Pirovardida O'zbekiston umumiy aholisiga nisbatan Qashqadaryo viloyatining tutgan o'rni 7,5 % dan (1926y.) 7,3 % ga (1939y.) kamaydi. 1939-1959 yillarda Qashqadaryo viloyatining aholisi 48,4 ming kishiga ko'paydi. 1959 yilda o'tkazilgan aholi ro'yxati ma'lumotlariga ko'ra viloyatda 508,0 ming kishi, shu jumladan qishloqlarda 440,6 ming kishi va shaharlarda 67,4 ming kishi istiqomat qilgan.

Viloyatda tabiiy harakat ko'rsatkichlari boshqa hududlarga qaraganda (Surxondaryodan tashqari) sezilarli darajada farq qiladi. Viloyatda tug'ilish koeffitsiyenti har 1000 kishi aholiga 25,5 kishini tashkil etadi (2016 yil). Eng yuqori

* Murodova D.S. – Qarshi davlat universiteti Geografiya kafedrasida o'qituvchisi.

Россияда уюшган оммавий туризмнинг ривожланиш босқичи 1890 йиллардан бошланади. Бу даврда Россияни Қрим ва Кавказ хуудларида курортлар, санаторийлар ташкил этила бошлайди. Бу эса туризмни даволаш-соғломлаштириш соҳасининг пайдо бўлишига олиб келди. 1914 йилда Россияда иккита энг катта йўловчилар ташийдиган теплоходлар «Буюк княжна Ольга Николаевна» ва «Буюк княжна Татьяна Николаевна» курилиб ишга туширилди. Қрим ва Кавказ минтақаларида туризмнинг рекреация- даволаш, соғломлаштириш тури ривожлана боради. Сочи хуудида «Кавказ ривьераси» мажмуаси курилиб ишга туширилади. Мажмуа таркибига 360 хонали 4 та меҳмонхона, 600 ўринли концерт зали, даволаниш биноси, кортлар, чўмилиш жойи (пляж) ҳ.к бор эди. Мамлакатда «Экскурсия ахбороти», «Мақтаб экскурсияси ва мақтаб музейи», «Рус экскурсанти» каби махсус журналлар босилиб чиқа бошлади. Туристтик ташкилотларда жуда кўплаб атоқли олимлар, саёҳатчилар, ёзувчилар, жамоат арбоби вакиллари катнашганлар. Экскурсиялар фаолиятининг ривожланиши ҳар хил кўргазмалар, музейлар, тарихий ва маданий ёдгорликлар фаолияти билан ҳамкорликда олиб борилади. 1872 йили Москвада Политехника музейи, 1873 йилда эса Тарихий музейлар ишга туширилди. Керелияда «Марказий сувлар» курорти ишга туширилиб соғломлаштириш, даволаш туризми ривожланишига асос солинди. Россиянинг кўпгина жойларида соғломлаштириш ва даволаш масканлари, курортлари: Старой Руссе, Кашино, Самара атрофида (Сергеев Минерал суви), Липсик, Яхта, Кавказ Минерал сувлари кабилар ташкил этилди.

XIX асрда экскурсиялар саёҳатлар тўғрисида мақтабларда, олий ўқув юртларида ўқитилиши муҳим илмий географик ва ўлкашунослик ахборотларни йиғиш учун хизмат қиладиган соҳага айланади. 1882 йили Русия князи Муқаддас Ерга бориб ҳаж зиёратларини амалга оширгандан сўнг император Александр III Праваслав палестин Императорлик жамиятини ташкил этиш учун буйруқ берди. Бу илмий-хайрия ташкилоти Яқин Шарқда праваславийларни доим қўллаб-қувватлаб, у ерда ибодатхона, мақтаблар, касалхоналар куриб, муқаддас жойга саёҳатлар уюштирганлар.

1901 йилда тузилган Россия туристлар жамияти мамлакатда туризмни кенг қўламда ривожлантириш учун катта роль ўйнайди. Туристлар жамияти аъзолари турли хил экскурсияларни, яъни яёв (пиёда), вилосипедда, чангида, отда, байдарка ва қатикларда ташкил қилганлар. Жамият аъзоси А.Панкратов вилосипедда биринчи бор Ер шарини 15 йилда айланиб чиқади. Биринчи жаҳон урушидан кейин, яъни 1920 йиллардан бошлаб халқаро туризм янги ривожланиш босқичига ўтди. Уруш даврида кўпгина туристлар Италия ва Швейцария мамлакатларига борган бўлсалар, урушдан сўнги йилларда эса уларнинг сафари бутун Европа мамлакатларини қамраб олди. XX асрнинг бошларида, тузимининг бошланғич йилларида туризмнинг энг асосий мақсади омма ўргасида экскурсия ва саёҳатларни кенгайтиришдан иборат эди. Мамлакатда туризмнинг ривожланишига давлат томонидан катта ёрдам берила бошланди. 1928 йилда Россия туристик жамияти қайтадан ташкил бўлди ва унинг ўрнига Пролетарлар туризми жамияти тузилди. 1929 йилда Бутун иттифок акционерлар жамоаси «Интурист» ташкил этилди. Ҳорижий

импорт, бож солиқ имтиёзлари кабилар) бериш учун махсус чегирмалар берилади. ЭИХлар яратиш учун, аввало, танланган хууд географик ўрни қулай, ижтимоий-иқтисодий вазият барқарор, ўзига хос ишлаб чиқариш тармоқлари ва ижтимоий инфраструктурага эга бўлиши керак. Демак, Ўзбекистон пойтахти Тошкент ва республика иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган Самарқанд шаҳарлари оралиғида (Тошкент шаҳригача 203 км, Самарқанд шаҳригача эса 80 км), муҳим транспорт йўллари устида жойлашган Жиззах шаҳри жойлашган ўрин ҳолатига кўра зарурий талабларга жавоб беради. Бундан ташқари, мазкур шаҳарда Жиззах вилоятининг муҳим машинасозлик, кимё, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари жойлашганлиги, унда вилоятда яратилган ялпи хуудий маҳсулотнинг 31,7%, ялпи саноат маҳсулотининг 64,3% ишлаб чиқарилиши ҳам унда эркин иқтисодий хууднинг бежизга шакллантирилмаганлиги маълум бўлади.

Жиззах шаҳридаги асосий ва Сирдарё туманида филиал хуудларидан ташкил топган мазкур зона 524,0 га майдонни ташкил этиб, келишувларга кўра “Жиззах” эркин иқтисодий хууду 30 йил муддат давомида фаолият олиб боради. Махсус хуудда 279 лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

2016 йилда «Жиззах» эркин иқтисодий зонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 255,2 миллиард сўмни, экспорт ҳажми эса 11,9 миллион долларни ташкил этганлигини ушбу ишларнинг амалий тасдиғи сифатида қайд қилиш мумкин. Умумий ҳисобда вилоят хуудида ўтган йилда 11832 та корхона ва ташкилотлар фаолият юритган бўлса, уларнинг 3922 таси яъни 33,1% Жиззах шаҳри ҳиссасига тўғри келган. Бу ерда 46 та хорижий инвестиция асосида фаолият олиб бораётган корхоналар мавжуд (умумий вилоятдаги чет эл инвестициялари киритилган корхоналарнинг 61%).

«Жиззах» эркин иқтисодий зонаси хуудида хитойлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган “ZTE Corporation”, “Huawei Tech.Investment Co.LTD”, “Broadband Solutions” каби аниқ машинасозлик, иссиқ ва совуқ сув учун полипропилен қувурлар, иссиқ пол қопламалари ишлаб чиқарувчи “Master Bilding Products”, “Master Screw Systems” каби қўшма корхоналар фаолият олиб бормоқда. Шу билан бирга “Euroasia carpet”, “Wenzhou Jingshen Trade Co.LTD” каби енгил ва озиқ-овқат саноат корхоналари иш бошлаш жараёнида турганлиги юқорида келтирилган фикрларнинг тўғрилигини исботлаб беради.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ФЙДАЛАНИЛАДИГАН ЕРЛАРЛАРНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Калонов Б. Ҳ.

Навоий давлат педагогика университети

Кейинги йилларда мамлакатимиз раҳбари томонидан аграр соҳа вакиллари олдида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини ошириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ярим

тайёр ва тайёр озик-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга асосий эътибор қаратилган.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни оқилона жойлаштириш ва ихтисослаштириш ер, меҳнат ресурслари, асосий ҳамда айланма фондлардан самарали фойдаланиш имкониятини бериш билан бир қаторда ижтимоий меҳнат самарадорлигини ва ялпи маҳсулот ҳажмининг ортишини жадаллаштиришни таъминлайди. Навоий вилоятида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жойлаштириш ва ихтисослаштириш бугунги бозор иқтисодиёти шароитида муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида илмий-техника тараққиётига эришиш, фермер хўжаликлари моддий техника таъминотини яхшилаш асосида ялпи маҳсулотни кўпайтириш имкониятлари мавжуддир. Қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиёти ишлаб чиқариш жараёнларининг барча элементларини сифат жиҳатдан такомиллаштиришни талаб этади. Қишлоқ хўжалигини саноатлаш ҳозирги босқичда иккита асосий йўналиш-горизонтал ва вертикал йўналишларда олиб борилмоқда. Биринчи йўналиш деҳқончилик ва чорвачиликда ишлаб чиқариш жараёнларини маҳанизациялаш ва автоматлаштиришни, иккинчи йўналиш эса қишлоқ хўжалик маҳсулотларини саноат йўли билан қайта ишлашни кўзда тутади. Вилоятда кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган кўплаб кичик корхоналар қурилган. Бу кичик корхоналар қишлоқ жойлардаги ортиқча меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашда катта роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини илмий асосланган ҳолда оқилона ташкил этиш, ихтисослашувни такомиллаштириш қатор муҳим ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этиш имкониятларини беради. Бу биринчидан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, табиий, иқтисодий, меҳнат ресурслари ва хўжалик бўғинларининг ички имкониятларидан тўла фойдаланишни юзага келтиради. Иккинчидан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этишни ва ихтисослашувини такомиллаштириш, озик-овқат муаммосини ижобий ҳал этади. Шунини ҳисобга олиб, вилоятда суғориладиган ерлардан унумли фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалик экинларини мақсадга мувофиқ ихтисослаштириш бугунги куннинг асосий масаласи ҳисобланади.

Навоий вилояти иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги муҳим роль ўйнайди. Вилоят ер ресурслари билан яхши таъминланган, ҳайдалиб деҳқончилик қилинадиган ерларнинг умумий майдони 109485 гектар бўлиб шундан, суғориб деҳқончилик қилинадиган ерлар 89354 гектарни ташкил этади. Вилоят яроқли ерларнинг 8764185 гектари яйловлардан иборат. Вилоятда ер ресурслари қуйидагича тақсимланган:

**Навоий вилояти ер ресурслари тўғрисида маълумот
(гектар ҳисобида)**

№	Туман, шаҳар номи	Умумий майдони	Жами экин ерлар	Шундан суғориладиган ерлар	Яйловлар
1	Кармана	95254	15997	15997	44164
2	Конимех	1584926	4724	4724	1197964

№	Мамлакат номи	Мусулмон аҳолиси сони	Жами аҳолига нисбатан	№	Мамлакат номи	Мусулмон аҳолиси сони	Жами аҳолига нисбатан
1.	Индонезия	221 млн	88 %	11.	Судан	34 млн	99 %
2.	Ҳиндистон	177 млн	14 %	12.	Хитой	33 млн	2,5 %
3.	Покистон	176 млн	97 %	13.	Ирок	32,8 млн	97 %
4.	Бангладеш	144 млн	90 %	14.	Марокаш	32,4 млн	98 %
5.	Нигерия	88 млн	53 %	15.	Афғонистон	30 млн	99 %
6.	Миср	80 млн	95 %	16.	Ўзбекистон	29,6 млн	94 %
7.	Эрон	77 млн	89 %	17.	Саудия Арабистони	27 млн	97 %
8.	Туркия	74 млн	98 %	18.	Яман	25 млн	99 %
9.	Эфиопия	46 млн	52 %	19.	Танзания	23 млн	50 %
10.	Жазоир	36 млн	99 %	20.	Сурия	19 млн	90 %

Жадвалдан кўриниб турибдики энг кўп мусулмон аҳолиси Индонезия ҳисобига тўғри келади. Кейинги ўринларни Ҳиндистон ва Покистон эгаллаган. Ўзбекистон мусулмон аҳолисининг сони бўйича Саудия Арабистони мусулмонларидан ҳам ортиқ ҳолда 16 ўринни эгаллаган.

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДА ТУРИЗМ САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Махкамова Д., Солиева З.

Фарғона давлат университети

Туризм, яъни саёҳат қадимдан ривожланган бўлиб, халқлар ўртасидаги (иқтисодий савдо сотик, фан, маданият, санъат, хунармадчилик ва х.к) алоқа манбаи сифатида муҳим аҳамиятга эгадир. Жумладан, эраиздан аввалги 2-3 минг йиллар давомида кишилар янги географик жойларни очиш, ўзлари учун қулай ҳудудларни эгаллаб олиш, бойлик орттириш ва бошқа мақсадларда дунёни ўргана бошлашган. Туризм, айниқса буюк географик кашфиётлардан кейин тез ўсиб борди. К.Либеренинг таърифи: «Европада XVIII асрда туризм янги кўриниш олди ва сайёҳлар танишув, даволаниш ва дам олиш мақсадида ҳамда савдо-сотик аҳамиятидаги саёҳатлар тез ўсди» - деб айтади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида туристик ташкилотлар Россияда (1885) ва бошқа бир қанча мамлакатларда ҳам ташкил этилди. Туризмда оддий ҳолатлардан бири—бу транспортда жойларни буюртма қилиш, меҳмонхоналарда хона (номер)ларни банд (брон) қилиш, отеллар турланиши, йўл чипталари, жадваллар ва сифатли йўл кўрсаткичлари, етарли ахборотлар билан таъминланиши оддий бир ҳолатга айланиб қолди. XIX аср ўрталаридан бошлаб Россияда ҳам туризмга бўлган эътибор кучая борди. Бу даврда Россияда табиатшуносликка қизиқувчилар жамияти, Қрим тоғи клуби, Кавказ тоғи жамияти каби сайёҳлик ташкилотлари тузилиб, кенг тарзда оммалашди. 1885 йили Петербургда Л.Линсон туристик ташкилоти ўз фаолиятини бошлади. 1899 йилда Москвада умумий таълим ўқувчилари учун экскурсияларни ташкил этиш бўйича Педагоглар жамияти комиссияси иш бошлади. 1895 йилда Қрим - Кавказ тоғ клуби Ялта бюроси ташкил этилди.

Диннинг ривожланишига катта таъсир кўрсатадиган яна бир муҳим фактор бу миграциядир. Миграцион оқимларни башорат қилиш жуда мураккаб жараён ҳисобланади, чунки ушбу жараён асосан олдиндан айтиб бўлмайдиган иқтисодий ва сиёсий факторларга асосланади. Масалан, <http://islamoved.ru> тахририятининг таҳлилига кўра, европадаги мусулмонлар сони 2050 йилга келиб 5,9 фоиздан 10,2 фоизга ошади. Мазкур башорат жорий демографик тенденциялар сақланиб қолишини кўрсатиб турибди. Бироқ, йил сайин кутилмаган уруш, очарчилик, эпидемия, технологик инновация, сиёсий тўнтарилишлар сабабли у ёки бу дин эътиқодчилари сони кўпайиши ёки камайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам бу мавзуда узоқ муддатли башорат қилиш ҳеч қандай маънога эга эмас.

Европа — бу дунё бўйича аҳолининг абсолют сони камайиши башорат қилинаётган ягона ҳудуддир. Европадаги христианлар сони 2050 йилга келиб 553 миллиондан 454 миллионгача камаяди, европаликнинг 23 фоизи ҳеч қандай динга эътиқод қилмайдиганларни ташкил этади.

Худди шундай ҳолат Россия Федерациясида ҳам бўлиши кутилмоқда. Россия муфтийлар кенгаши раиси шайх Равиль Гайнутдиннинг “Анадолу” агентлигига берган интервьюсидан маълум бўлишича айни пайтда Россияда истиқомат қилаётган мусулмонлар сони 25 миллионга етган ва уларнинг сони ўсишда давом этмоқда. Унинг сўзларига кўра, мусулмонлар сони нафақат Марказий Осиёдан бўлаётган миграция ҳисобига ошмоқда, балки мусулмон оилаларда туғилиш сонининг кўпайиши ҳам бунга туртки бўлмоқда. Бундан ташқари, Россия муфтийлари кенгаши раҳбарининг айтишича, мамлакатдаги мусулмонларнинг ўртача умр кўриш кўрсаткичи юқорига кўтарилган. Муфтийнинг келтиришича мусулмонлар Россиянинг туб аҳолиси саналади ва у ерда 58 дан ортиқ миллат ва элатлар тарихан ислом динига эътиқод қилиб келади.

Динларнинг дунё бўйича тарқалиши ҳам ўзига хос характерга эга. Христиан дини асосан Африкада мамлакатлари ҳисобидан кўпайиб келмоқда, лекин Африка қитъаси тарихдан христиан динига алоқадор ҳудуд бўлмаган. Ислом дини эса ўзи ташкил топган ҳудудларда ривожланиб келмоқда. 1900 йилда Мисрда тахминан 9 миллион мусулмон бўлган, бугун улар сони 80 миллионга етди. Эронда мусулмонлар сони 10 млн.дан 77 млн.гача ошди. Индонезияда 1900 йилда Мухаммад пайғамбар издошларининг сони 34 миллионни ташкил этган, бугунда эса улар сони 220 миллиондан ошди. Бу тенденция Европа мамлакатларидаги охириги юзйилликда демографик “киш” эффекти билан тушунтирилади.

Американинг Вашингтон илмий-текшириш марказининг маълумотларига кўра, ҳозирда Ислом дунёнинг 120 дан ортиқ давлатида (бошқача айтганда дунё мамлакатларининг ярмидан ортиғида) тарқалган бўлиб, 28 та давлатнинг давлат дини ҳисобланади. Қуйида энг кўп мусулмон аҳолиси жойлашган малакатларнинг 20 таси эътиборингизга ҳавола этилади.

3	Қизилтепа	218519	21749	21749	123751
4	Навбахор	157079	18153	17957	110080
6	Томди	3578098	243	243	3030940
7	Нурота	653042	19315	3225	483001
8	Учкудук	4501225	120	120	3701898
9	Хатирчи	141797	29180	25335	72387
10	Навоий ш	5153	4	4	0
11	Зарафшон ш	2132	0	0	0
12	Учкудук ш	210	0	0	0
	Вилоят бўйича	10937435	109485	89354	8764185

Жадвал вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланган

Суғориладиган пахтакор районларда илмий асосланган-алмашлаб экишни жорий қилмасдан тупроқ унимдорлигини оширишга эришиб бўлмайди. Суғориладиган ерлардан самарали фойдаланишнинг тўғри йўли беда-ғўза, ғалла-ғўза алмашлаб экиш тизимини тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ. Вилоятда суғориладиган ерларнинг асосий қисми Хатирчи, Кармана, Навбахор ва Қизилтепа туманларида жойлашган бўлиб, пахта, ғалла шу ҳудудларда етиштирилади.

Вилоят қишлоқ хўжалигида асосан яйлов чорвачилиги муҳим тармоқ ҳисобланади. Ҳар йилда ўртача бу тармоқда 100-110 минг т гўшт (тирик вазнда), 315 минг т сут, 186 млн дона тухум, 3063 тонна жун, 323 минг бирлик қорақўл териси, 960 тонна пилла тайёрланади. Жун ва қорақўл терисини етиштиришда вилоят республикада олдинги ўринларда туради. Мамлакатда етиштирилган жуннинг 11,4 фоизи ва қорақўл терисининг 28,3 фоизи айнан шу вилоят зиммасига тўғри келади. Кейинги йилларда интенсив чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ердан юқори унум билан фойдаланишни таъминлашнинг муҳим воситаси илмий жиҳатдан асосланган деҳқончилик системаларининг қўлланиши билан бир қаторда экин майдонлари структураси ихтисосига мос келадиган қилиб тўғри белгилаш ва уни изчиллик билан мукамаллаштириб бориш, иқтисодий жиҳатдан фойдасиз ва кам ҳосил экинларини энг катта самара берадиган юқори ҳосилли ва жуда қимматли экинлар билан алмаштириб бориш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларни ихтисослаштириш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпроқ етиштириш, аҳолини озиқ-овқат масалаларини ижобий ҳал қилишга катта имконият яратади.

ТИББИЙ ГЕОГРАФИК РАЙОНЛАШТИРИШНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Комилова Н.Қ*, Равшанов А.Х[©].

Инсон саломатлигига таъсир этувчи табиий ва иқтисодий-ижтимоий шароитларни баҳолашда тиббий географик районлаштиришнинг аҳамияти

* **Комилова Н.Қ** - Ўзбекистон Миллий Университети География кафедраси мудири, г.ф.д;

© **Равшанов А.Х** - Самарқанд давлат университети катта ўқитувчиси.

бекиёс. Дастлабки тиббий географик районлаштириш ишларидан бири А.А.Келлер (1962) томонидан амалга оширилган. XX асрнинг 90 йилларида Б.Б.Прохоров (1996) Россия хуудини тиббий географик жихатдан тадқиқ этиб, 20 та тиббий-экологик районларни ажратди. Ҳар бир районни ажратишда асосий кўрсаткич сифатида – аҳолини яшаши учун табиий шароитни қулайлигини баҳолаш, атроф-муҳитни ифлосланиш даражаси ва 90-йиллар бошида аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигини қисқаришини олшан [1].

Регионал тиббий географик районлаштириш И.А.Хлебович, И.Н.Ротанова, Т.А.Трифановаларнинг ҳам илмий тадқиқот ишларининг асосий объекти ҳисобланади. Ўтган асрнинг 70-йилларида С.И.Белов томонидан иқтисодий географик ва ландшафт районлаштириш асосида Беларус Республикасини тиббий географик районлаштириш ишлари амалга оширилган. Ушбу районлаштиришда ажратилган провинциялар ва районлар учун хос бўлган табиий, иқтисодий, демографик ва тиббий санитар омиллар мукамал ўрганилган. Бундан ташқари, доривор ўсимликларни йиғиш, шифобахш минерал сувлар манбаларини тарқалиши, шунингдек аҳоли орасида тарқалиш эҳтимоли бўлган касалликларнинг табиий ўчоқларини аниқлашга катта эътибор берилган. Натижада Беларуссия хуудини 3 та тиббий географик провинция ва 25 та тиббий географик районларга ажратган.

Тиббий геогрфик районлаштириш аҳоли саломатлигига таъсир этувчи табиий, ижтимоий-иқтисодий омилларнинг мажмуали тадқиқ этишнинг қонуний ва зарурий натижасидир. З.И.Мартинованинг таъкидлашича тиббий географик районлаштириш – географик муҳитни аҳоли саломатлигига таъсир этувчи табиий ва ижтимоий-иқтисодий омилларнинг характери ва интенсивлиги, инсон касалликларининг келиб чиқиши ҳамда географик тарқалиши билан бир-биридан фарқ қилувчи хуудий бирликларга ажратишдир. Тиббий географик районлаштиришнинг аҳамияти шундан иборатки, у географик муҳит табиатининг турли-туманлиги ва маконда табақаланиши ҳамда шу билан бир вақтда ушбу хуудий бирликлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш ва синтез қилишдир.

Тиббий географик районлаштириш компонентли, тармоқ, мажмуали бўлиши мумкин. Ҳар қандай тиббий географик район вертикал ва горизонтал тузилишга эга. Вертикал тузилиш табиий, хўжалик ва ижтимоий – маиший омилларнинг аҳоли билан ўзаро таъсири натижасида шаклланади. Горизонтал тузилиши тиббий географик район таркибига қирувчи элементар тиббий географик мажмуаларни ўз ичига олади. Элементар тиббий географик мажмуалар ўзининг ўлчамлари таксономик бирликлари жихатдан ландшафтнинг морфологик бирликларига мос келади.

Тиббиёт географиясида ҳам анъанавий районлаштириш усулининг аҳамияти катта. Тиббий географик районлаштириш мажмуавий тиббий географик тадқиқотларнинг муҳим натижасидир. Тиббий географик районлаштиришда даставвал нозогеографик ўчоғлар ва ареаллар аниқланади. Бинобарин, тиббий географик районлаштиришнинг асосий тоқсономик бирликлари нозогеографик ўчоқ, нозогеографик ареал ва районлардан таркиб топади. Нозогеографик ўчоқ - у ёки бу касалликнинг вужудга келган жойидир.


Бугунги кундаги замонавий демографик трендлар давом этса, таҳлилларга кўра, XXI-аср ўрталарига бориб мусулмонлар сони христианлар сонига етиб олиши башорат қилинмоқда. Тахмин қилинишича, дунё аҳолисининг сони 2010дан 2050 йилга қадар 35 фоизга ошиши кутилмоқда, яъни аҳоли сони 9,3 млрд.ни ташкил этиши мумкин. Шу даврда ёшлар сони ва нисбатан туғилиш юқори бўлган мусулмонлар 73 фоизга ошиши кутилмоқда. Христианлар сони ҳам кўпаяди, лекин анча паст кўрсаткичларда. Тахминан 2050 йилда уларнинг сони атиги 35 фоизга ошади ҳолис. Шундай қилиб, 2050 йилда мусулмонлар сони 2,8 млрд.ни, яъни дунё аҳолиси сонининг 30%ни, христианлар эса 2,9 млрд.ни, яъни 31% ни ташкил этади.

2070 йилга келиб эса христиан ва мусулмонлар сони тенглашади, иккала дин вакиллари дунё аҳолисининг умумий сонининг 32 фоизидан ташкил этади. Кейинроқ эса яъни 2100 йилга келиб дунёда мусулмонлар жами аҳоли сонининг 35 фоизини, христианлар эса - 34 фоизини ташкил этадиган бўлади. Иккала дин ҳам асосан Африка мамлакатлари ҳисобидан кўпаяди.

Албатта, дунё динларининг барчасида вақт ўтиши билан ўсиш ҳолларини кузатиш мумкин бўлади, аммо буддизм эътиқодчилари сони табиий кўпайиш кўрсаткичи жуда паст бўлганлиги туфайли ўзгармайди; Хитой, Тайланд, Япония каби давлатларда эса миллатнинг қариши ҳисобидан ушбу кўрсаткич янада камайиб кетади. Индуизм эътиқодчилари сони ҳам дунё аҳолиси сони билан бир хил ошади, яъни 34 фоизга (1 млрд.дан 1,4 млрд.гача). Иудаизм ҳам ўз давомчилари сонини деярли 16 фоизга ошириб, ушбу диний йўналишга эътиқод қилувчилар сонини 14 млн.дан 16 млн.га олиб чиқади.

Шу билан бирга ҳеч қандай диний қарашга ва эътиқодга эга бўлмаганлар, атеист ва агностиклар сони камайди, яъни 2050 йилга келиб улар сони 16 фоиздан 13 фоизга тушиши кутилмоқда.

Юқоридаги мисолдан динларнинг ўсиш қонуниятининг географик тақсимотидаги кескин фарқини кутиш керак эканлигини кўриш мумкин. Бирор бир динга эътиқод қилувчилар сонининг ўсишининг асосий детерминантларидан бири бу эътиқодчиларнинг замонавий географик концентрациясидир. Дин, туғилиши кўп бўлиб, чақалоқлар ўлими даражаси анча паст бўлган мамлакатларда тезкор суръатларда ривожланади. Масалан, христианлар ва мусулмонлар сони асосан Африка ҳисобидан кўпайиши кутилмоқда. Атеист ва динсизлар асосан туғилиши деярли бўлмаган ва миллати қариб келаётган Европа, Шимолий Америка, Хитой, Япония каби мамлакатларда жам бўлишади. Айни пайтда дунёда энг кўп тарқалган христиан ва ислом динининг тарқалиш географияси қуйидаги карта-схемада акс эттирилган.



Xulosa qilib aytish mumkinki, turizm ham insonning tabiiy ehtiyoji hisoblanadi. Eng muhimi, turizmning noana'naviy turlarini rivojlantirish, sayyohlar uchun kerakli shart-sharoitlar yaratish, xizmat qilish sohalarini rivojlantirish bor imkoniyatlardan foydalanib mintaqada turizmning yuqori darajaga olib chiqish dolzarb masalalardan biri hisoblanadi.

ДУНЁ АҲОЛИСИ ДИНИЙ ТАРКИБИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Мусаев Ж.П.


Касб-хунар таълими тизimini инновацион ривожлантириш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти

Одамзод пайдо бўлибдики, турли илоҳларга сиғиниб келади. Натижада турли қабила, элат, миллатга тегишли динлар пайдо бўлди. Вақт ўтиши билан майда миллат ва элатлар номи ҳамда уларнинг сўзлашадиган тили йўқолиб йирик миллат ва халқларга сингиб кетгани (ассимиляция) сингари дунё динларида ҳам шундай жараён кузатилди. Айниқса илоҳий китоблар (таврот, забур, инжил, куръон)нинг туширилиши билан дунё халқлари эътиқот қиладиган динларнинг сони ҳамда унга эътиқод қилувчи аҳолининг салмоғи кескин ўзгариб кетди.

Хозирги вақтга келиб дунё аҳолисининг аксарияти у ёки бу динга эътиқод қилади. ХХI асрга қадар дунёнинг энг йирик дини (эътиқодчилари сонига кўра) христиан дини ҳисобланиб келинди. Дж. Мелтоннинг «Религии мира» энциклопедиясида келтирилишича ҳозирга қадар дунё аҳолисининг 31 фоизини (деярли ҳар 3 кишини бири) христианлар ташкил этмоқда.

Иккинчи йирик дин бу ислом дини бўлиб, ҳозирда дунё аҳолисининг 23 фоизи (деярли ҳар 4 кишини бири) мусулмон динига эътиқод қилади. Дунё аҳолисининг анчагина қисмини индуист (14-15%), буддист (7%) ва бошқа кичик дин ва маслақлар ташкил этади.

Тахлиллар шуни кўрсатмоқдаки, эндиликда турли динларга мансуб аҳоли сонига туғилиш кўрсаткичи турлича эканлиги, дунё миқёсида ташқи миграцияни кучайиши ҳамда аҳолининг маълум қисмида диний эътиқоднинг ўзгариши ҳисобига айрим динларнинг салмоғи ошиб, айримлариники камайиб бормоқда. Қуйидаги чизмада асосий динларнинг ўзгариш динамикаси акс эттирилган.



Табиий географик нуктаи назардан уни Е.Н.Павловскийнинг юкумли-паразитар касалликларнинг табиий ўчоқлари хусусидаги ғоясига мос келади. Иқтисодий ва ижтимоий географияда эса улар маълум аҳоли манзилгоҳи, саноат корхона ва марказлари бўлиши мумкин. Нозогеографик ареал муайян касалликнинг бевосита тарқалиши ёки шу касаллик мавжуд бўлган ҳудуд ҳисобланиб, у нозогеографик район асосини ташкил этади. Эпидемиологик жиҳатдан ёндашилганда бу жараён географик диффузия қонуниятларига ўхшаб кетади. Умуман олганда эса нозогеографик ареаллар фақатгина юкумли касалликларга тааллуқли бўлмасдан, у барча касалликларнинг ҳудудий таркибини ҳам англатади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, инсонларда учрайдиган касалликлар ўз хусусиятларига кўра бир неча гуруҳларга ажратилади. Улар орасида нафас олиш, юрак, қон-томир аъзолари, овқат ҳазм қилиш тизими билан боғлиқ касалликлар энг катта гуруҳларни ташкил этади.

Маълумки, иқтисодий ва ижтимоий география ҳамда умуман география фанида ҳудудий мажмуалар (комплекслар) муҳим ўрин тутади. Бу фан учун комплекс ёндошув, турли хил ҳудудий тизим, ҳудудий таркиб ва ҳудудий мажмуаларни аниқлаш катта методологик аҳамиятга эга. Шу нуктаи назардан инсон касалликлари географияси - нозогеографияда ҳам бундай мажмуаларни ўрганиш талаб этилади. Нозогеографик мажмуалар ёки нозогеографик комплекслар маълум табиий географик ва ижтимоий-иқтисодий, социал муҳитда (маконда), уларнинг таъсири остида вужудга келадиган турли хил касалликларнинг ҳудудий бирикмаси, бирлигидир. Бошқача қилиб айтганда, маълум ландшафт-экологик ва ижтимоий муҳит негизида вужудга келадиган асосий касаллик ва у билан боғлиқ ёки унинг таъсирида пайдо бўладиган касалликлар бирлиги касалликларнинг ҳудудий мажмуи дейилади. Ушбу назарий ғоя Чикаголик тиббиёт олимларининг инсон экологияси ҳамда иқтисодий-ижтимоий географияда яратилган ҳудудий мажмуалар ва энергия ишлаб чиқариш цикллари ғояларига асосланади.

Нозогеомажмуалар ҳақида сўз юритар эканмиз айтиш ўринлики, ташқи муҳит ва организм ўртасидаги ўзаро алоқадорлик оддий ёки тўғридан-тўғри, баъзида эса уч ва ундан ортик омилларга боғлиқ бўлади. Бундай ҳудудий мажмуаларда кўплаб трансмиссив ва паразитар касалликларни (лейшманиоз, безгак ва б.) учратишимиз мумкин. Нозогеомажмуаларда ўзгаришларни юзага келиши учун энг кам 20-30 йил вақт керак бўлади. Даврлар ўтиши билан айрим турдаги касалликлар камайиб, баъзиларининг эса янги хил шакллари юзага келади. Касалликларни келтириб чиқарувчи сабаб ва қонуниятларни аниқлашда уларнинг нозоареалларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Касалликларнинг муайян ҳудудда тарқалиши уларнинг ареаллари ҳисобланади. Касалликлар ареали ёки «ўчоғи» атамаси эса, юқорида таъкидлаганимиздек, дастлаб рус олими Е.Н.Павловский ишларида ёритиб берилган эди. Айнан ана шу ареаллар нозогеографик тадқиқотларнинг асосий объекти бўлиши лозим [3].

Нозоареаллар турларининг тақсимланиши ва уларнинг динамикасидаги қонуниятларни ўрганиш аҳоли касалланишининг жадаллашувида у ёки бу нозоареалнинг туган ўрнини аниқлашда назарий ва амалий асос бўлиб хизмат

килади. Нозоареалларни икки асосий туркумга, яъни ёппасига ёки тарқок нозоареалларга ажратиш мумкин. Ўз навбатида, тарқок ареаллар нозогеографик ўчоқ доирасида ва тўғри чизик бўйлаб тарқалувчи турларга бўлинади. Ушбу ареаллар ёйиқ ареаллар ҳам дейилади, яъни бундай ареалларда касалликлар бир бутун ҳудуд миқёсида ёппасига тарқалган бўлади. Мазкур касалликлар муайян ҳудуддаги типик табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароит маҳсули ҳисобланади. Ёйиқ ареалларга хос касалликларга кўпгина табиий ўчоқ ва юқумли касалликлар, шунингдек, турли хил табиий омиллар таъсирида инсон организмида юзага келган нозологик шаклларни киритиш мумкин. Баъзи бир касалликлар ўзининг географик хусусиятига кўра ҳудудларнинг айрим қисмларида тўғри чизик шаклида тарқалади. Масалан, дарё ёки кўл соҳилларида, ер усти алоқа йўллари йўналишида тарқалган касалликлар шулар жумласидандир. Тарқок ареаллар алоҳида чегараланган ҳудудлар доирасида учрайдиган инсон касалликлари учун хос бўлиб, бунга жумладан, эндемик буқоқ касаллиги киради. Умуман, нозогеографияда «ўчоқ» атамаси кўп ишлатилади. «Ўчоқ» дейилганда юқумли касаллик рўй бериши мумкин бўлган ёки касаллик рўй бериб бўлган жойлар тушинилади ва улар табиий географик (алоҳида ландшафт турларида) ёки ижтимоий географик муҳитда вужудга келади. Касалликларнинг бу ўчоқдан тарқалиши эса ижтимоий географияда швед олими Т.Хегерстранд томонидан яратилган «янгиликларнинг диффузион тарқалиши» ғоясини ҳам эслатади.

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА АҲОЛИ ДЕМОГРАФИК ТАРКИБИНИНГ РОЛИ

**Мадаминов З., Собиров Т.
Фарғона давлат университети**

Ҳар бир тирик мавжудот борки, умрининг давомийлиги у истеъмоладан килиётган ва фойдаланаётган маҳсулотларга чамбарчас боғлиқ. Шу маҳсулотлар туфайли ўз умр давомийлигини таъминлаш билан бирга, танасининг физик ва руҳий томондан мустаҳкамлайди. Инсоният қадим замонлардан бери даставвал ўз истеъмолини қондириш учун меҳнат қилиб келган. Чунки, инсон эҳтиёжи учун зарур бўлган истеъмолини бир қисмини табиатдан олса, қолган қисмини ўз меҳнати орқали яратади. Инсоният дунёнинг турли ҳудудларида ҳар хил шароитда кун кечириб, шу жойнинг табиий шароитига мослаша борган ва истеъмоладан кўрсаткичлари ҳам шунга қараб ўзгара борган.

Инсонларнинг истеъмолига нафақат ҳудуднинг табиий шароити, балки миллати, ёши, жинси, дини ва шу каби бир қатор демографик кўрсаткичлар ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Чунончи, ўзбек ва инглизнинг, эркак ва аёлнинг, ёш ва қарининг, христиан ва буддистнинг ўз истеъмоли бор. Шу сабабли демографик кўрсаткичларни таҳлил қилиш халқ истеъмоладан моллари ишлаб чиқариш ва бу маҳсулотлар билан аҳолини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Халқ истеъмоладан моллари ишлаб чиқаришга таъсир этувчи демографик кўрсаткичлардан бири бу аҳолининг ёш-жинс таркибидир. Аҳолининг жинсий таркиби асосан ноозик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда аниқроғи бу

қо'риқxonasi faqat turistlarga ekskursiya xizmati sifatida foydalanishini qattiq nazorat qilish. "Dislan qal'a" devorlarini saqlash bo'yicha chora tadbirlar ishlab chiqish;

- turistik yunalishlarning yangi turlarini ishlab chiqish: - ovchilik va baliqchilik turizmi, Xorazm viloyatida muxofaza qilinadigan tabiiy hududlarda hamda Qaraqum, Amudaryo qirg'oqlari hududlariga yangi turistik yonalishlarini ochish bo'yicha (tuyalarda) ekologik turizmni yo'lga qo'yish;

- qishloq joylarida mavjud tarixiy yodgorliklarni ta'mirlash va turizm infratuzilmasini barpo etib yangi turistik marshrutlarni tashkil etish;

- transport infratuzilmasini; aviareyslarni turistik mavsumlarda ko'paytirish va mamlakatimiz turistik shaharlari Buxoro, Samarqand yo'nalishlarida tezyurar poezdlarni tashkil qilish, Buxoro viloyatini bog'lovchi avtomagistral yo'lini ta'mirlash va yo'l bo'yida jahon andozalariga javob beradigan kempinglar, dam olish maskanlari, meditsina xizmatlari ko'rsatish, avtomobillarga yoqilg'i qo'yish shahobchalarini tashkil etish;

- viloyatda mehmonxona xo'jaligi xizmatlarini takomillashtirish maqsadida Xiva va Urganchda zamonaviy mehmonxonalar qurish va mavjudlarini kapital ta'mirlash uchun to'g'ridan to'g'ri chet el investitsiyalarini jalb etish;

- turizm sohasida malakali kadrlarni jumladan: turizm va mehmonxona xo'jaligi, restoran menejerlari, turoperatorlar, gid ekskursovodlarni faqatgina oliy o'quv yurtlari bazasida olib borish maqsadga muvofiqdir;

- O'zbekiston Respublikasining chet eldagi elchixonalar va O'zbekiston Respublikasidagi xorijiy davlatlarning elchixonalari yordami bilan televidenie, radio hamda internet tarmog'i orqali O'zbekiston Respublikasi va Xorazm viloyatining salohiyati va ahamiyatini ko'taradigan reklama roliklarni va prezentatsiyalarni namoyish qilish;

- "O'zbekturizm" MK, Madaniyat va sport vazirligi va halqaro tashkilotlar bilan hamkorlikda "Xorazm san'ati, madaniyati va milliy me'rosi" mavzusida doimiy halqaro turistik yarmarkasini tashkil qilish;

Xorazm viloyatida turizm infrastrukturasi rivojlantirish, chet el sarmoyasini jalb qilib zamonaviy turistik komplekslarni barpo etish, yangi turistik yo'nalishlarni ishlab chiqish, xizmatlar doirasini kengaitirish kabi bir qator masalalar dolzarb hisoblanadi. "O'zbekturizm" milliy kompaniyasi sayohat qilish turiga qarab quyidagi turistik yo'nalishlarni ishlab chiqqan:

- an'anaviy yo'nalishlar: Urganch-Xiva-Yangiariq-Bog'ot-Xazarasp yo'nalishlari viloyatimizdagi eng qadimiy yodgorliklar va boshqa tarixiy-madaniy obidalariga tashrif bilan bog'liq;

- arxeologik turizm yo'nalishlari: mazkur yo'nalishda o'lkamiz tarixiga oid o'zida uzoq o'tmishning sir-sinoatlarini yashirgan eng qadimiy arxeologik yodgorliklar bilan tanishishni maqsad qilib qo'yadi;

- diniy turizm yo'nalishi: Urganch-Xiva-Shovot kabi viloyatimizdagi tarixiy diniy obidalarni ziyorat qilish bilan bog'liq.

- ekologik turizm yo'nalishlari: Orolbo'yi ekologik regionini, qa'lalar va muhofaza qilinadigan tabiiy hududlar va sayyohlar uchun ekologik jihatdan qulay hamda foydali hisoblanadigan joylarga tashrif bilan bog'liq;

XORAZM VILOYATIDA TURIZMNING NOAN'ANAVIY TURLARINI RIVOJLANTIRISH IMKONIYATLARI

Matchanova A.E.

Urganch davlat universiteti

Mustaqillikka erishilgach, o'tmish tariximizni haqqoniy va batafsil yoritishga, tarixiy manbalarni sinchiklab o'rganish va ularga aniqlik kiritishga, shu jumladan qadimiy yodgorliklar sayyohlarni o'ziga jalb kiluvchi turizmga e'tibor karatishga undaydi. Ma'lumki, turizm dunyo mamlakatlarida milliy iqtisodiyotga salmoqli daromad keltiruvchi sohalaridan biri hisoblanadi. Turizm hamda turistik xizmatlarning tobora rivojlanib borishi natijasida so'nggi yillarda uning noan'anaviy turlari — ekoturizm, agroturizm, arxeologik, etnografik, diniy turizm, ekstremal sharoitlar turizmi va boshqalar shakllana boshladiki, bugungi kunda mazkur yo'nalishlar mutaxassislar tomonidan tez taraqqiy qilayotgan sohalar sifatida baholanmoqda. Ayniqsa, bugun ko'pchilikning diqqat-e'tiborida bo'layotgan va turizmning eng istiqbolli turlaridan biri ekoturizm jadal rivojlanmoqda. Ekoturizmni rivojlantirishda turistlarga yuqori darajadagi xizmat ko'rsatuvchi mehmonxonalar talab qilinmaydi. Turizmning bu turida an'anaviy hordiq chiqarish va maishiy qulayliklar eng muhim, deb hisoblanmaydi. Tabiatning betakror manzaralarini tomosha qilish uchun palatkalarni joylashtirish va kempinglarni o'rnatishning o'zi kifoya. Biroq, bu soha yuqori malakali mutaxassis, ya'ni har bir guruh uchun ekolog, turistlarning xavfsizligini ta'minlovchi xodimni talab qiladi. Bundan tashqari ekologik turlarni taklif etuvchi firmalarning barcha harakatlari tabiatni muhofaza qilish borasidagi qonunchilik talablari asosida olib borilishi kerak.

Ekoturizm sog'lom hayot tarzi shakli hamdir. Ekologik turlar ko'pincha sport bilan shug'ullanish, sog'lomlashtirish muolajalarini ham ko'zda tutadi. Ekologik turlar turopoperatorlar tomonidan alohida tur sifatida taklif etilishi mumkin. Masalan tog'li hududda yashab tabiat ob'ektlarini ziyorat qilish yoki kurort mehmonxonalarida yashovchilar uchun qo'shimcha xizmatlar sifatida qo'riqxonalar zonalariga ekskursiyalar, tog' yoki ko'llarga bir kunlik safar uyushtirish mumkin. Bunday aralash turlar ommabop hisoblanadi. Ekologik turizmning bir necha o'ziga xos yo'nalishlari mavjud. Bular: turistlarni ekologik savodxonligi va madaniyatini oshirish maqsadida qilinadigan, ekologik muvozanatni saqlab turish uchun tabiatning inson ta'siriga deyarli uchramagan ekologik toza hududlariga yo'naltirilgan, insonning xo'jalik faoliyati ta'siridan muhofaza qilingan tabiiy hududlarga yo'naltirilgan sayohatlar va hokazo.

Ma'lumki, ekologik turizmni rivojlantirishda sifatli xizmatlar ko'rsatish va umuman soha infratuzilmasini puxta tashkil etish, internetda veb saytlar yaratish, reklama mahsulotlarini ishlab chiqish va ularni keng targ'ib qilish xalqaro turistik bozorda mamlakat obro'sini ta'minlovchi vositalar bo'lib xizmat qiladi.

Ushbu vohani turistik infratuzilmasini yanada takomillashtirish uchun quyidagilarni amalga oshirish maqsadga muvofiqdir:

- Xorazm vohasida joylashgan barcha tarixiy me'moriy ob'ektlarni to'liq pasportizatsiyadan o'tkazish, ularni tamirlash va ulardan maqsadli foydalanishni yo'lga qo'yish maqsadida dasturlar yaratish lozim. "Ichan-qal'a" davlat muzeyi

mahsulotlarini soni va assortimentini aniqlab beradi. Masalan kiyim-kechak, poyafzal, gigiena vositalari, kosmetika buyumlari va boshqalar.

Iste'mol jara'ini urganiш asosida shu narса ma'lum b'ldiki, 11-15 eшdan boшlab aholining jинсий таркибига k'pa oзиқ- oвқат исте'mолида фарқлар сезила бошлайди. Аниқроғи бу eшдаги ўғил болалар исте'mолидаги каллория миқдори 3000 ккал, қизларда эса камроқ бўлиши кузатишган. Бу эса ўз навбатида аҳоли исте'mоли нормасини белгилашда ва режалаштиришда муҳим рол ўйнайди.

Аҳоли жинсий таркиби билан бирга eш таркиби ҳам халқ исте'mол моллари ишлаб чиқаришда муҳим рол ўйнайди. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, пойафзал ва узоқ муддатга мўлжалланган предметлар исте'mол қилишда eш таркиби муҳим рол ўйнайди. Аниқланишича 26-30 eшлар оралиғида инсонларнинг исте'mол assortimenti ва ҳажми ўзгариб туради. Тахминан шу eшдан бошлаб исте'mолда стабиллик юзага келади. Яъни инсон танасининг ўсишдан тўхташи ва бошқа омиллар таъсирида юқоридаги ҳолат кузатилади. Бу eшда фақат замонга қараб исте'mол тури ўзгаради.

Аҳолининг 45-55 eшлардан кейинги даврида исте'mолнинг консервативлашуви юзага келади, яъни аҳолининг ноозиқ-овқат (айниқса кийим-кечак) маҳсулотларида юз берадиган мода ўзгаришларига бўлган эътибори камаёди. Бу айниқса кишлоқ аҳолиси исте'mолида яққол кўринади.

Халқ исте'mол моллари ишлаб чиқариш ва уни башорат қилишда аҳолини 3 даврга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

1. Ишлаб даврига (16 eшга)
2. Ишчи даври (аёллар 16-54, эркеклар 16-59 eш)
3. Ишдан кейинги давр

Биринчи даврда инсон фақатгина исте'mол қилиш билан шугулланади (16 eшга) ва ишлаб чиқаришда иштирок этмайди. Иккинчи даврда эса инсон ҳам ишлаб чиқарувчи ҳам исте'mолчи ҳисобланади. Учинчи давр фақат исте'mолдан иборат бўлади. Аммо баъзида бундан мустасно ҳолатлар ҳам кузатилади. Аниқроғи биринчи ва учинчи даврга қирувчилар бевосита ишлаб чиқариш жара'ини ҳам иштирок этишлари мумкин.

Аҳоли миллий таркибини исте'mол моллари ишлаб чиқаришга таъсирини ўрганишда ма'lum бўладики, аҳоли миллий таркибига қараб исте'mолни икки турга ажратиш мумкин.

1. Миллий-анъанавий.
2. Замонавий –миллий.

Миллий –анъанавий исте'mолнинг пайдо бўлиши қадимдан шу минтақанинг табиий, иқтисодий-ижтимоий шарт- шароитларига боғлиқ равишда вужудга келган бўлиб, айниқса озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини исте'mол қилишда кўринади. Масалан, Ўрта Осиё аҳолиси (асосан ўзбеклар ва тожиклар) қадимдан асосан пахта ва ипақдан тайёрланган кийим-кечак (атлас, адрас, бўз, баҳмал ва бoшқалар)дан фойдаланган.

Замонавий- миллий исте'mолнинг пайдо бўлиши халқаро савдо алоқалари, турли иқтисодий интеграция жараёнларининг шаклланиши ва ривожланиши, фан-техника тараққиети билан боғлиқ ҳолда аҳолининг

маънавий ва саводхонлик даражасининг ошиб бориши билан ўзгариб борган. Авваллари аҳоли истеъмолнинг катта қисмини асосан қўлда тайёрланган маҳсулотлар эгаллаган бўлса, ҳозирги кунда бу нисбат анча ўзгариб, аҳоли истеъмолнинг асосий қисмини техник усулда тайёрланган маҳсулотлар эгалламоқда.

ИСТЕЪМОЛ ГЕОГРАФИЯСИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ФАНЛАР ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Мадаминов З., Солижонов С.

Фарғона давлат университети

Миллий саноат ривожланишининг иқтисодий аҳамияти асосан, унинг иқтисодий ўсишини таъминлаш экспорт салоҳиятини ошириш ва миллий бозорни инвестицион ҳамда истеъмол маҳсулотлари билан тўлдиришдаги роли билан белгиланади. Мамлакатимизда мустақиллик йилларида саноатнинг кўпроқ хом- ашё казиб олувчи, қайта ишловчи ва истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи соҳалари устун ривожланди. Бунинг натижасида ёқилғи мустақиллиги таъминланди, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш даражаси ортиб, ички истеъмол бозори маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари билан тўйинтирилмоқда.

Зеро Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Аҳолини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаш иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг муҳим бўғинига айланиб бормоқда. Бу республика қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган сиёсатнинг умумий устувор йўналишларидан биридир. Чинакам иқтисодий мустақилликка эришиш республикада озиқ-овқат муаммосини тубдан ҳал қилишни талаб этади. Ҳозирги вақтда республикага ташқаридан олиб келинаётган дон, картошка, чорвачилик маҳсулоти, шунингдек, шаккар ва бошқа маҳсулотлар билан ўзини ўзи таъминлаш даражасини ошириш жуда муҳим вазифадир”²⁷.

Ҳозирги замонавий географик адабиётларда “истеъмол географияси” ўз қонуний ҳуқуқларига эга бўлиб бормоқда ва иқтисодий географик фанлар тизимида мустақил тармоқ сифатида белгиланмоқда. Иқтисодий географиянинг предметини тушунтиришга ҳаракат қилган Ю.Г.Саушкин “География жуда мураккаб динамик ҳудудий системани ташкил этади ва табиат- ишлаб чиқариш-аҳоли- истеъмол-аҳоли-табиат” кўринишида намоён бўлади дея таъкидлаган. Унинг фикрича, иқтисодий географияда алоҳида тармоқ сифатида юзага келган истеъмол географияси асосан аҳоли географияси қарамоғида ривожланмоқда.

Аҳоли истеъмолини географик жиҳатдан ўрганишда турли тадқиқот усулларидан фойдаланилади. Булар қаторига статистик, картографик, таққослаш ва бошқа тадқиқот усулларини киритиш мумкин. Айниқса истеъмол жараёнини статистик тадқиқот усулисиз тасаввур қилиш қийин. Статистик тадқиқот усулини картографик тадқиқот усули билан қўшган ҳолда фойдаланилса, истеъмол жараёнини ўрганишнинг моҳияти кенгайди, таҳлил даражаси ҳам ортади.

Истеъмол географиясини ўрганиш предмети хизмат кўрсатиш географиясини ўрганиш предметидан фарқ қилади. Истеъмол географияси ишлаб чиқариш жараёнидаги сўнгги босқични, яъни истеъмолни ўргангани ҳамда истеъмолнинг ҳудудий фарқлари, унинг даражасини ва таркибини аниқлайди. Шунингдек, мамлакат миқёсида ва минтақалараро истеъмол даражасини таснифлайди. Хизмат кўрсатиш эса ишлаб чиқариш ва аҳоли истеъмоли ўртасида алоқадорликни таъминлайди.

Иқтисодий география фанлари тизимида истеъмол географияси оралик (периферий) ўринни эгаллайди, хизмат кўрсатиш географиясининг ичига чуқур кириб борса, аҳоли географиясининг чегарасига яқинлашади. Мамлакат ёки минтақада халқ хўжалиги тармоқларини жойлаштиришнинг ўзига хослиги ва қонуниятлари, бу тармоқларнинг сезиларли даражада комплекс равишда ўзаро таъсир кучи, аҳолининг озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотлар билан таъминланишига катта таъсир кўрсатади.

Ишлаб чиқаришни ҳудудий ташкил этиш аҳоли истеъмолини ўрганишда ва амалиётда қўлланилишида самара бериши мумкин. Натижада эса аҳоли турмуш тарзининг меҳнат ресурслари ва ишлаб чиқаришнинг жойлашувидаги тафовутлар кўриниб қолади. Иқтисодий географиянинг аҳоли истеъмолнинг ўрганишдаги вазифаси қуйидагилардан иборат:

- аҳоли истеъмолининг вужудга келиши ва ишлаб чиқариш имкониятларини таъминлашда табиий –географик муҳитни ўрнини баҳолаш;
- социал-иқтисодий, табиий географик, демографик ва бошқа омилларнинг комплекс ўзаро таъсирининг истеъмол таркиби ва даражасига таъсирини ўрганиш;
- аҳоли истеъмолида озиқ-овқат, кийим-кечак, пойафзал, маиший техника маҳсулотларининг ҳажми ва таркибини ҳудудий жиҳатдан таҳлил қилиш;
- истеъмолнинг узок ривожланиш тенденциялари ва қонуниятларини ишлаб чиқиш;
- мамлакатнинг бирор ҳудудида аҳоли истеъмоли даражасини белгилаш, истеъмолнинг нисбий нормасини аниқлаш, бу минтақанинг мамлакатнинг бошқа минтақаси билан тўлалигича солиштириш ва тафовутларни аниқлаш;
- аҳолининг истеъмол имкониятлари яхшилаш, режалаштириш.

Истеъмол географиясининг иқтисодий географик фанлар тизимида эгаллаб бораётган ўрни бевосита аҳоли сони ҳамда эҳтиёжларнинг доимо ортиб бориши билан тавсифланади. Инсон эҳтиёжларининг узлуксиз равишда ўзгариб бориши истеъмол географиясининг янги йўналиш сифатида ўрганишни тақозо қилади ҳамда иқтисодий география фанлари қаторида мустақкам ўрин олишига замин яратади.

²⁷ Каримов.И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т.:Ўзбекистон,1995. - 25 б.